**БОШ МУҲАРРИР**
*Шавкат ШАРИПОВ - педагогика ф. д., профессор*

**БОШ МУҲАРРИР ЎРИНБОСАРЛАРИ**
*Усмонжон ҚОСИМОВ - фил. ф. д.*
*Ғайрат ҚОДИРОВ - биология ф. н., доц*

**МАСЪУЛ КОТИБ**
*Фаррух АҚЧАЕВ - тарих ф.б.ф.д.,(PhD)*

**ТАРЖИМОНЛАР:**
*Намоз КАРИМОВ,*
*Эльдар ҲАСАНОВ*
*(рус тили)*
*Камолиддин НОРМУРОДОВ*
*(инглиз тили)*

**САҲИФАЛОВЧИЛАР:**
*Гулжаҳон КОДИРОВА*
*Сора НОРҚУЛОВА*

***НАВБАТЧИ МУҲАРРИР:***
*Феруза ЖУМАЕВА -филология ф.б.ф.д.,(PhD)*

*Журнал андозаси Ахборот технологиялар марказида*
***Собир СИБГАТУЛЛИН***
***Собит НОРМУҲАММЕДОВ***
*томонидан тайёрланди*

***Муассис*** *— Жиззах давлат педагогика институти*

*Журнал йилда 4 маротаба (ҳар чоракда) чоп этилади.*

*Матнлардан фойдаланилган кўчирма ва маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар масъулдирлар.*

*Журналдан кўчириб босилганда манба қайд этилиши шарт*

**ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ:**
*Анатолий САГДУЛЛАЕВ - тарих ф. д., академик*
*Комилжон ТОЖИБОЕВ - биология ф. д., академик*
*Жак МИКЛОВИК - INSHEA университети профессори (Франция)*
*Василий КОЧУРКО - Баранович ДУ профессори техника ф.д. (Белоруссия)*
*Гулсем ЛЕКЕРОВА - психология ф.д., профессор (Жан. Қозоғистон)*
*Фурқат ЖЎРАҚУЛОВ - сиёсий ф. д., доцент*
*Ботир ТЎХТАМИШЕВ -техника.ф.н., доцент*
*Сарвар НАЗАРҚОСИМОВ - социология ф. б. ф. д., (PhD)*
*Бахтиёр ТЎРАЕВ - фалсафа ф.д., профессор*
*Бахти ОЧИЛОВА - фалсафа ф.д., профессор*
*Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ - педагогика ф. д., профессор*
*Умрзоқ ЖУМАНАЗАРОВ - филология ф. д., профессор*
*Абдуғафур МАМАТОВ - филология ф. д., профессор*
*Раҳматулла БЕКМИРЗАЕВ - физика-математика ф. д., профессор*
*Ойбек АХМЕДОВ- филология ф.д., профессор*
*Гулчеҳра АГЗАМОВА - тарих ф. д., профессор*
*Ҳамид МЕЛИЕВ - педагогика ф. н., профессор*
*Худойберган МАВЛОНОВ - биология ф. д., профессор в.б.*
*Қўчқор ҲАКИМОВ - география ф. н., профессор в.б.*
*Рустам АБДУРАСУЛОВ - психология ф. д., профессор в.б.*
*Зухра ЯХШИЕВА - кимё ф. д., доцент*
*Абдунаби ҲОТАМОВ - фалсафа ф. н., доцент*
*Мухторқул ПАРДАЕВ - тарих ф. н., доцент*
*Раббим ЮСУПОВ - техника ф. н., доцент*
*Олег КИМ - филология ф. н., доцент*
*Абдували Шамсиев - иқтисод ф. н., доцент*
*Суннатулло СОИПОВ - филология ф. н.*
*Юлдуз КАРИМОВА - филология ф. н.*
*Омон ИСАРОВ - филология ф. н.*
*Шерали АБДУРАИМОВ - педагогика ф. б. ф. д., (PhD)*

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясининг филология, фалсафа ва педагогика фанлари бўйича эксперт кенгаши (2018 йил 29 декабрдаги 260/6-сон баённомаси) тавсияси билан нашрлар рўйхатига киритилган.

***Журнал Жиззах вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасидан 2020 йил 25 апрелда 06-042 рақам билан қайта рўйҳатга олинган. Журналнинг халқаро ISSN рақами: 2181-6131***

**МАНЗИЛ:** 130100, Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 4-уй, бош бино
**ТЕЛЕФОН:** (99872) 226 02 93, (99897) 644 84 44
**ФАКС:** (99872) 226-46-56

**"ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ" МАТБАА БЎЛИМИ**
Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 4-уй
2020 йил 25 сентябрь куни босмахонага топширилди.
Қоғоз бичими А4 Буюртма: ______
Нашр адади: 100

# МУНДАРИЖА

## ТАҲРИРИЯТ МИНБАРИ


**Тўхтамишев Б.Қ. -** Олий таълим тизимида масофавий ўқитишнинг такомиллашуви ....................4.


## ПЕДАГОГИКА ВА ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯ


**Абдуллаев Х.Б., Темуров С.Й. -** Олий таълим жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш....................6.
**Ханкельдиев Ш.Х, Ураимов С.Р -** Теоретическая подготовка по физической культуре школьной системы образования....................9.
**Шукурова Ҳ. -** Олий таълим тизимида касбий маҳоратни такомиллаштириш муаммолари..........11.
**Джуманов Ш.З. -** Бўлажак ўқитувчиларда коммуникатив қобилиятларини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари....................13.
**Яхшиева М.Ш., Фетхуллова Н.Х. -** Двигательные упражнения в аэробике и методы их программирования....................15.
**M. Eric De LESELEUC (INSHEA), GLENAT Jean-Marc. -** Including eterotopias: Exploring the uses of Argentine tango in the world of disability....................18.
**Холдоров Т.Х, Олимов А.И. Ҳасанов А.Т., -** Туризмни ривожлантиришнинг ижтимоий педагогик истиқболлари.................... 21.
**Норқўзиева М.А.** - Бўлажак ўқитувчиларда касбий барқарорликни шакллантириш....................24.
**Равшанов О.А., Тўлишев Ж.А. -** Таълимда интерфаол усуллардан фойдаланиш бугунги кун талаби....................26.
**Тилакова М.А. -** Юқори синф ўқувчиларида креатив қобилиятларни ривожлантириш муаммолари....................28.


## ПСИХОЛОГИЯ ВА ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ


**Раззоқова М. Қ. -** Мактабгача таълим ташкилотларида психологик хизматни ташкил этиш методикаси....................31.
**Сабирова К.А. -** Мактабгача ёшдаги болаларда билишга қизиқишни шакллантириш....................33.
**Ахмедова Н.А., Анорбоев Н.А. -** Ўқувчилар компетентлик сифатларини ривожлантиришнинг психологик асослари....................36.
**Мусаева Д. -** Интерактивные методы преподавания дисциплины "Клинические основы нарушений в развитии детей"....................38.


## ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР


**Бурханов Т.М -** Ёш ҳарбий хизматчилар маънавиятини юксалтириш муаммолари....................41.
**Султанова Г.С. -** Креатив ва инновацион тафаккур (фалсафий-эпистемологик таҳлил)................44.
**Холиқова Н.Д. -** Миллат манфаати акс этган янги ҳужжатлар тадқиқи ....................48.
**Ахмедов И.Н, Каримов С. -** Шахсий қадриятларнинг инсон ҳаётий мақсадлари шаклланишидаги аҳамияти....................51.
**Тошбоев Ф.Э -** Тақвим билан боғлиқ илмий билимларнинг археологик ёдгорликларда акс этишига доир....................55.
**Хонтураев Б.А. -** Жаҳон мамкалатларининг банк-молия институтлари томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг ўзига хос хусусиятлари....................59.
**Эргашев Т. -** Ахборотлашган жамиятда ёшлар дунёқарашининг ижобий ва салбий тенденциялари ....................62.
**Бердиев Ў -** Ижтимоий билим тизимида тарихийликнинг ўрни....................65.
**Хашимов Ш. Ж. -** Ўзбекистонда миллий туризмга тизимли ёндашувнинг ижтимоий-фалсафий масалалари....................68.
**Болтаев А. -** Ўзбекистонда сунъий суғориш тизимининг ривожланиши тарихи ва бугунги ҳолати....................70.


## ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ


**Қосимов У., Хидирова М. -** Ижод жараёни: Тоғай Мурод асарларининг яратилиши ....................76.
**Юлдашева М.Б.** Нофилологик йўналишларда CLIL методи орқали талабаларнинг касбий компетенцияларини такомиллаштириш....................82.
**Султонова Ш. М., -** Дин - маданият - тил уйғунлигининг фразеоконфессионимларда ифодаланиши ....................84.
**Каримов Н.М. -** Рус тили фанидан нутқий фаолиятни ўстиришда оғзаки машқларнинг аҳамияти....................87.
**Юсупова Ш.Т. -** Ўзбек тилининг диний функционал услуби ҳақида айрим мулоҳазалар..............88.

# МУНДАРИЖА

**Исломов И.Х. -** Ўзбек тилида ер сатҳи кўринишларини ифодаловчи атов бирликлари ва географик терминлар муносабати ....................91.
**Саримсакова Д. М. -** The forming sociolinguistic competence of future english language teachers through the use of authentic materials ....................94.
**Дадабоев Ҳ.А. -** Немотированные термины узбекского языка....................96.
**Каримова З.О. -** Значение использования Интернет-ресурсов на занятиях иностранного языка....................101.
**Бойматов А., Пардаев М. -** Немис тилида туркий сўзларнинг фонетик ассимляцияси....................102.
**Жўраев М. -** Комедия жанри ва танқидчилик ....................105.
**Жумаева З.Ш. -** Фразеологические антонимы русского и узбекского языков....................108.

## ТАБИИЙ ВА АНИҚ ФАНЛАР

**Каримов О.О.** - Замонавий 3Д-принтерлардан фойдаланиб ўқувчиларнинг ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш ....................111.
**Эсонқулова Д.С., Камолова Ш.Н. -** Бошланғич синф ўқувчиларининг экологик маданиятини шакллантиришнинг мазмун моҳияти....................114.
**Усмонов М.Р., Шоғдоров Т.А. -** Туризм географияси: назария, амалиёт ва методика....................117.
**Даминов F., Шарипов Ш, Абдураҳмонов Б. -** Кимё таълимида ўқитувчи инновацион фаолиятининг педагогик асослари....................119.
**Қурбонов Э.Қ., Парманов А.А. -** Минковский фазосида циклик сиртлар....................123.
**Алимов Б.Н., Қаршибоев О.Ш. -** Умумий ўрта таълим мактабларида математикани ўқитишда юморлардан фойдаланиш....................125.
**Хакимов К.М. -** Фориш тожиклари: Ҳудудий жойлашуви ва айрим этнографик хусусиятлари.....128.

## ЁШ ТАДҚИҚОТЧИЛАР

**Зарипова Р.И. -** Фразеологик бирликларга хос тил нормалари....................133.
**Абдуллаева Н.М. -** Интеграциялашган таълимнинг моҳияти....................135.
**Абдуллаева Д.С. -** Зулфия Қуролбой қизининг "Ҳилола" ҳикоясида психологизм....................138.
**Даминова Ю.С -** Профессионал таълим муассасаларида ёш педагогларнинг касбий мослашувчанлигининг ташкилий-педагогик жиҳатлари....................141.
**Орипова Ф. -** Шахс интеллектуал ва ижодий фазилатларини шакллантиришда тафаккур идроки тарбияси ....................144.
**Арчабаева Н. -** Дейксис ҳодисасининг лисоний моҳияти....................147.
**Солижонов М.З. -** Фольклор матнда концептуал майдон таҳлили намуналари (ривоятлар .исолида)....................151.
**Соҳибова З.** - Тўра Сулаймоннинг баҳор ҳақидаги икки шеъри хусусида....................153.
**Мадиримова С.М. -** Мутриб Хонахаробнинг баёзга кўчирилган ғазаллари ҳақида ....................156.
**Пардаева Н.F. -** Анбар Отин "якка байтлар"и бадиияти....................159.
**Ганиева Г. -** Ҳозирги замон инглиз ва ўзбек тилларида топонимларнинг лингвокультурологик жиҳатлари....................162.
**Саидова Г.Ҳ. -** Бошланғич синф она тили дарсларида дидактик ўйинлар қўлланилишининг назарий жиҳатлари....................164.
**Ахмедов Т.А., Азимов М.А -** Глобаллашув даврида ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш зарурияти....................168.
**Музаффаров С.И. -** Инсон - ахлоқий ҳаётнинг бош субстанционал элементи....................171.
**Исаева Ш.М. -** Некоторые аспекты перевода произведения Юсуфа Хос Ходжиба "Кутадгу билиг" на английский и русский языки....................175.
**Эгамбердиева А.М. -** Талаба-ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришда таълим тизимининг ўзига хос жиҳатлари....................177.
**Низамиддинов Д.Н., Суярова А.И. -** Изучение классических концепций мифа в европейской науке XX века ....................181.
**Кубаев А.С. -** Раҳбар коммуникатив фаолиятини такомиллаштиришнинг назарий-услубий асослари (ўрта махсус таълим муассасалари мисолида)....................183.
**Қурбонов Н.Я. -** Ўқитувчи фаолиятида касбий коммуникатив компетенция ва мулоқотнинг аҳамияти....................186.
**Сағдуллаева Н. -** Эркин Воҳидовнинг шеърий санъатларни қўллаш маҳорати....................189.
**Муртазаева Ф.Р. -** Зулфия Қуролбой қизи асарлари бадиияти....................191.

## ЖАВОНДАГИ ХАЗИНА

**Норбеков Ф.Н., Норбекова Р.У. -** Артур Конан Дойл ижодида илмий фантастика ....................196.

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ

***Тўхтамишев Ботир Қўнишевич*** *- Жиззах давлат педагогика институти ўқув ишлари проректори*

*Таълим ва тарбия мамлакат тараққиёти ва унинг келажаги кафолати экани исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Мамлакатимиздаги эпидемиологик вазият ва синовли кунларда юртимизнинг барча таълим муассасаларида жуда қисқа фурсат ичида онлайн дарслар йўлга қўйилди. Дастлаб, мазкур ўзгаришлар, шубҳасиз, муайян ноқулайликларни келтириб чиқарди, аммо пандемия сабабли кузатилаётган ўзгаришлар ва таълимдаги янги ечимлар, ҳозирги давр учун зарур бўлган инновацияларни таълим соҳасига киритилишига сабаб бўлди.*

*Онлайн дарслар воситасида талаба-ёшларимиз кўпроқ мустақил ишлашга, илмий ижод билан шуғулланишларига, китобларни мутолаа қилишларига имкониятга эга бўлдилар, педагог-ўқитувчиларимиз эса хориж олимлари иштирокида ташкил қилинаётган онлайн видеоконференцияларда қатнашиб, касбий маҳоратларини ривожлантириш учун мунтазам ишлашга интилаяптилар.*

*Пандемия муносабати билан бугун юртимиздаги барча ОТМларда бўлгани каби А.Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институтида ҳам масофавий ўқитиш тизими йўлга қўйилган. Мазкур таълимнинг яна бир афзаллик томони, унда ўқиш муддатини талаба ўзи белгилайди, яъни талаба ихтиёрий пайтда билим олишни бошлайди, материалларни ўқитувчи назоратида ўзлаштиради. Ўзлаштириш топшириқлар ва тестларни бажаришига қараб аниқланади.*

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2020 йил 27 мартдаги "Олий таълим муассасаларида масофавий таълимни жорий этиш тўғрисида"ги 233-сонли буйруғи асосида бугун Жиззах давлат педагогика институти томонидан масофавий таълим портали www.moodle.jspi.uz тизим фаолияти йўлга қўйилган.*

*Институт профессор-ўқитувчилари, тизим администраторлари ва ўқув-услубий бошқарма маъсуллари учун масофавий таълим платформасидан фойдаланиш бўйича тренинг курслари ташкил этилиб, улар ўргатилди. Шунингдек, электрон ўқув ресурсларни талаб даражасида ишлаб чиқиш ва масофавий таълим плат-формасидан фойдаланишни ташкил этиш мақсадида Ишчи гуруҳи шакллантириб, режа-график асосида назо-рат қилиниб борилди.*

*Институт масофавий таълим платформасида фанлар бўйича курс яратиш, яратилган курсларга фанга оид материаллар жойлаштириш ва талабалар билимини баҳолаш учун тестлар, амалий ва семинар топшириқларни жойлаштиришлари учун йўриқнома ва видео қўлланмалар ҳам тайёрлаб берилди. Масофавий таълим курсларидан фойдаланишда институт талабалари учун ҳам йўриқнома ва видео қўлланмалар ишлаб чиқилди ва талабалар билан тизимда ишлаш бўйича доимий алоқа йўлга қўйилди, тизим бўйича талабалар-нинг турли саволлар, тушунмовчилик ва муаммолари бўйича ҳам масъуллар томонидан тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.Таъкидлаш жоизки, бунда асосан таълим ресурсларининг жойлашишига, жумладан: ДТС, малакавий талаб, ишчи ўқув режа, ишчи фан дастури, баҳолаш мезони, асосий ада-биётларнинг электрон нусҳаси, тақдимот, видеомаъруза, назорат саволлари, тест материалларини жойлаштиришга эътибор қаратилгандир.*

*Видеодарслар utube ва Youtube сайтларига жойлаштирилмоқда. Ўқув-услубий бошқарма томонидан тизимга жойланган маълумотлар сони маъсуллар томонидан таҳлил қилиб борилмоқда. Институтда мавжуд 35 та кафедралар томонидан кузги семестрида ўтилиши кўзда тутилган 27 та юқори курс бакалавр таълим йўналишлари учун 439 та фан ҳамда магистратура мутахассисликлари учун 50 та фан тизимга жойлаштирилган.*

*Ҳозирги вақтда масофавий таълим платформасидан фойдаланувчи сифатида рўйхатдан ўтганлар сони 11113 нафарни ташкил этиб, улар-дан 627 нафари профессор-ўқитувчилар, 10486 нафари талабаларни ташкил этади. Айтиш жоизки, бугунги кунда институтда 27 та бакалавр таълим йўналиши ва 18 та магист-*

*ратура мутахассислиги бўйича талабалар тахсил олади. Юқори курсларга ўтиладиган 439 та фандан барчасида масофавий таълим учун электрон ресурслар ишлаб чиқилган бўлиб, 1872 та видеодарслар ва 2690 та тақдимот материаллари яратилди, 1022 та электрон ўқув адабиётлари тўлиқ жойлаштирилди.Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтишни маъқул деб би-ламан: бугун масофавий таълим жараёнига юқори курс талабаларимизнинг 76% жалб этилиб, бу миқдор кундан кунга ошиб бормоқда. Мана шу соҳада чекка туманларда истиқомат қилаётган талаба ёшларимизнинг интернет тезлиги билан боғлиқ муаммоларга учраётгани ҳам сабаб бўлмоқда.*

*Бугун биз масофавий дарслар билан чегараланиб қолаётганимиз йўқ, ZOOM платформаси орқали онлайн дарслар ташкил қилиниб, институтнинг ҳар бир профессор-ўқитувчиси бу платформага видеомаъруза, маърузалар матни, мавзулар бўйича тақдимот материаллари, мустақил иш, очиқ ва ёпиқ тестларни киритиб, ўз вақ-тида талабаларнинг билимларини баҳолаб боряптилар. Онлайн дарс - бу янгича услуб ва анъанавий дарсдан тубдан фарқ қилади. Демак, ҳар бир ўқитувчи-педагог энди аудиториядаги ёндашувларни қисман унутиб, виртуал аудиторияларга мослашиши зарур, чунки бу дарсларнинг ҳам ўзига яраша жиддий талаб ва шартлари бор.*

*Институтда барча таълим йўналишлари учун Zoom платформасида бир пара давомида 48 та кабинет ташкил этилган ва режа график асосида дарслар ташкил этилмоқда. Ушбу ташкил этилаётган дарсларнинг сифати ва назорати ўқув услубий бошқарма услубчилари томонидан олиб борилмоқда. Шунингдек, биз профессор-ўқитувчилар учун ажратилган Zoom платформаси иловаларини www.moodle.jspi.uz тизимига жойлаштириш бўйича ҳам керакли ишларни йўлга қўйганмиз.*

*Масофавий таълим билан қамраб олиш имконияти қийин бўлган талабалар рўйхати шакллантирилиб, уларга онлайн таълим жараёнида иштирок этишга шароит яратиш мақсадида махсус ўқув шароитига эга бўлган ҳудудий профессионал таълим муассасаларида ("acces point") марказлар ташкил этилганидан кўпчиликнинг хабари бўлмаса керак. Бугун бундай марказлар Арнасой туман касб-ҳунар мактаби, Бахмал тумани 1-сон касб-ҳунар мактаби, Ғаллаорол хизмат кўрсатиш ва сервис техникуми, Ш.Рашидов тумани 2-сон касб-ҳунар мактаби ва Дўстлик жамоат саломатлик техникумларда ташкил этилган бўлиб, улар интернет тармоғига уланган, замонавий компьютерлар билан жиҳозланган.*

*Масофавий таълим сиртқи бўлимларда таҳсил олаётган талабаларнинг, хусусан, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олаётган ёшлар учун қулай шарт-шароитларни яратиб беради. Бундай услуб асосида ўқитиш бўлажак мутахассисларни тайёрлашда муҳим ўрин тутади ҳамда меҳнат билан машғул шахсларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини мустаҳкамлаб, уларнинг дунёқарашини бойитишга хизмат қилади. Бу эса, олий таълим муассасаларида йиғилган илмий ютуқлар, мутахассис ходимлар ва уларнинг иштирокида юртимизнинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашдек устувор режаларни амалга ошириш вазифасини қўймоқда.*

*Институт ректорининг 2020 йил 12 июлдаги "Институтни 2020/2021 ўқув йилидан ўқув жараё-нини кредит-модуль тизими асосида ташкил этишга тайёрлаш тўғрисида"ги буйруғига асосан институт 2020/2021 ўқув йилидан 1 курс барча бакалавриат таълим йўналиш-лари ҳамда магистратура мутахассиликлари ўқитишнинг кредит-модуль тизимида ўқув жараёнини октябр ойидан бошлайди.*

*Кредит-модуль тизими, бу - таълимни ташкил этиш жараёни бўлиб, ўқитишнинг модуль тех-нологиялари жамламаси ва кредит ўлчови асосида баҳолаш модели ҳисобланади. Уни бир бутунликда олиб бориш серқирра ҳамда мураккаб тизимли жараёндир. Кредит-модуль тамойилида иккита асосий масалага аҳамият берилади: талабалар-нинг мустақил ишлашини таъминлаш; талабалар билимини рейтинг асосида баҳолаш.*

*Юқоридагилар дарс машғулотларини нафақат ўқитишни инновацион таълим технологиялари асосида олиб бориш, балки талабадан мустақил ўқиб-ўрганиш, таълимга янгича муносабатда бўлиш, меҳнат бозори талабидан келиб чиқиб, зарурий ва чуқур назарий билимларни эгаллаш, амалий кўникмаларини шакллантиришга ўргатишдан иборатдир.*

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

*Абдуллаев Холхўжа Бурхонович* - ***ўқитувчи, Жиззах давлат педагогика институти.***
*Темуров Собиржон Йўлдошевич* - ***ўқитувчи, Жиззах давлат педагогика институти.***

**АННОТАЦИЯ:**
*Ушбу мақолада олий таълим муассасаларида фанларни ўқитиш жараёнида инновацион технологиялар, хусусан, модул, технологиясини қўллашнинг афзалликлари ҳақида сўз боради.*
**КАЛИТ СЎЗЛАР:** *Инновация, таълимда инновация, модул технологияси, модулли таълим, инновацион таълим, ўқитиш методлари, инновацион технология.*

*В данной работе речь идет о преимуществах применения инновационных технологий, в частности, модульной технологии в процессе преподавания в высших образовательных учреждениях.*
**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** *Инновация, инновация в образовании, модулная технология, модулное обучение, инновационное образование, методы обучения, инновационная технологи*

*In this paper we are talking about the advantages of using innovative technologies, in particular, modular technology in the teaching process in higher educational institutions.*
**KEYWORDS***: Innovation, innovation in education, modular technology, modular training, innovative education, teaching methods, innovative technology.*

Бугунги глобаллашув даврида инсон янги билимлар ва малакаларни тез эгаллашга эҳтиёж сезади. Бу эҳтиёжни инновацион технологияларни қўллаш орқали қондириш мумкин.

Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, ҳурматли президентимиз Ш. Мирзиёев қуйидаги фикрларни билдирган эди: "Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз.... Инновация, бу - келажак дегани. Биз буюк келажагимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндошув асосида бошлашимиз керак".[1]

Инновацион технологиялар бугунги кунда шиддат билан кўпайиб бораётган маълумотларни рақам кўринишида яратиш ва тарқатиш, ўқиш ва ўқитиш шароитларини яхшилаш, тармоқдаги жамоавий иш фаолияти ҳамда ҳудудларга бўлинган жамоаларда ишлаш имкониятлари билан янада кучаймоқда. Бу барча кучлар йиғилиб ўқиш ва реал вақт режимида кўникмаларга эга бўлиш учун шароит яратади ҳамда шахс тараққиётига туртки бўлади.

**Шахс ривожланиши** - бу жамоа бўлиб амалга ошириладиган ҳамкорликдаги ижтимоий фаолият натижасидир. Бу эса ҳам индивидуал, ҳам гуруҳ бўлиб, ҳам жамоа бўлиб ишлашга имконият берадиган ўқув жараёни ҳисобланади.

Ўқитиш назарияси ва амалиётида ўқитувчининг ўқитиш фаолиятидан талабанинг билим олиш фаолиятига урғу берилади. Бундан талабаларнинг билим олишини фаоллаштиришга талаб, уларни ўқишга ўргатишга уриниш, ўқишда ва ўз касбий фаолияти ўрнини эгаллашда шахс фаоллиги тамойилини йўлга қўйиш зарурлиги келиб чиқади. Бунинг барчаси нафақат билим олувчиларнинг, балки ўқитувчиларнинг ҳам уларни бирлаштирувчи мақсадга - назарий ва амалий тафаккурни шакллантириш, бўлажак мутахассис шахсини ривожлантириш ҳамда ўқитувчининг ўзини ривожлантириш бўйича ташкил этиладиган ўқитишни шахслараро ўзаро таъсир ва "ўқитувчи-талаба", "талаба-талабалар" ва бошқа тизимларга мулоқот жараёни сифатида қарашни кўзда тутади. Агар ўқитишнинг фаол, интенсив методлари, муаммоли ўқитиш, инновацион технологиялардан ва фаол ўқитишдан фойдаланилса, шахснинг ўқишдаги фаоллиги дидактик жиҳатдан таъминланади.

Таълимда инновация деганда, педагогик технологияларни такомиллаштириш жараёни, ўқитишнинг метод, усул ва воситалар мажмуи тушунилади. Педагогик технологияларни такомиллаштириш жараёни ахборот - коммуникацион технологиялардан фойдаланишни, модулли ўқитиш методикасини қўллашни, рекурсив ўқитишни, масофали ўқитишни, шахсий индивидуал режалар ва таълим дастурлари асосида ўқитишни кўзда тутади.

***Ахборот технологиялари таълим тизими учун реал истиқболларини очади, яъни аниқроқ қилиб айтганда:***

*- ахборот технологиялари воситаларини кўргазмали, ўқув материалларини видеотасвирлардан, товуш ва ахборот ресурсларига масофадан киришдан фойдаланиб, динамик тасаввур қилиш учун кенг татбиқ қилиш;*

*- талабаларнинг ижодий индивидуал қобилиятларини очиш ва аниқлаш учун методика, услуб ва ўқитиш воситаларини танлаш эркинлигини таъ-*

[1] *Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. - Т.: "Ўзбекистон" НМИУ. - 2018. - 88 б.*

*минлаш;*

*- янги ахборот технологиялари асосида таълим асосининг илмий ва методик асосланган тизимини яратиш.*

Компьютер инсон мақсадларини амалга ошириш воситаси сифатида майдонгачиқар экан, ижод жараёнларини ўзгартирмайди, "интеллектуал ўйин" режимида ишлайдиган ўқув имитацион моделлаштириш учун қўлланилади, чунки айнан шу функцияда компьютерни қўллаш янада истиқболли ва унинг ёрдамида талаба тафаккурини ҳосил қилишга ёрдам берадиган шундай ўқув муҳити яратилади.

***Ўқитиш методлари усуллардан ташкил топади. ҳозирги вақтда олий ўқув юртларида қўллани-ладиган қуйидаги инновациялар фаол методлар ва усуллар ҳисобланади:***

*- информацион (ахборот берувчи) маърузадан муаммоли, визуал, жуфт (иккита турли фан ўқитувчиси бир мавзуни ўтади), режалаштирилган хатоли маъруза, маъруза-пресс-коференцияга ўтиш;*

*- микро-ўқитиш (ўқув материалини кейинги кўп қайтариш йўли билан тез ўтадиган қисмларга бўлиш);*

*- ўқитишнинг модулли технологияси (конспектлаштириш, рақам ва сўзларни эсда сақлаб қолиш усуллари, иқтибос келтириш маҳорати, матнлаштириш, оптималлаштириш ва ҳоказо);*

*- тематик белги бўйича машғулотларни комплекслаштириш (биринчи - ахборот, иккинчи - муаммоли, учинчи - амалий, тўртинчи - мустаҳкамловчи, бешинчи - тестлаш);*

*- ишчанлик, касбий ўйин;*

*- ўқитишнинг муаммоли методи;*

*- талабалар ютуқларини баҳолаш;*

*- дастурлаштирилган ўқитишни ташкил қилиш.*[2]

Ўқитишнинг янги воситаси деганда, биз "учликни" тушунамиз, яъни булар ўқув матни (ёки тасвири), қоғозда, слайдда, дисклардаги ахборот ташувчи ва ўқитиш воситаларини (проектор, компьютер, электрон доска, яқин атрофдаги қурилмалар) амалга оширувчи аппарат.

Матн - ташувчи - аппарат ҳозирги кунда талабалар учун ўқитиш воситаси ҳисобланади. Интеллектуал ўқитиш тизимларининг имкониятлари деярли чекланмайди: талабалар билан диалог, уларнинг билимлари моделининг тузилиши ва уни эталон билан қиёслаш, талабалар ҳаракатларининг таҳлили, эслатиш, оммавий ўқитиш, гиперматн усулида дарсларни ишлаб чиқиш, маълумотлар персонал базалари, тақдимотлар учун қобиқ яратиш ва ҳ.к. Гиперматнли ёндошув кўпбосқичли алоқани кўзда тутади. Шундай қилиб, ўқув жараёнини ташкил қилишнинг икки технологиясини, яъни мультимедиа ва гипермедиани бирлаштириш ўқитишнинг янги тури - гипермедиали ўқитишни шакллантиришга ёрдам беради. Индивидуаллаштирилган таълим дифференциал, очиқ, дастурлаштирилган, масофали, автоматлаштирилган, модулли ва ҳ.к. бўлиши мумкин.

Бу ўринда биз қуйидаги дидактик омиллардан фойдаланамиз: мақсадга йўналтирилганликни кучайтириш (яъни педагогик воситаларни аниқ машғулотларга мўлжаллаш); ахборот зичлиги (ўқув материалини танлаш) нинг ўсиши; ўқув материалининг мантиқий тузилиши ва комплекслашганлиги, қайта алоқа ва мотивациянинг кучайиши, фаол ўқитиш методларининг татбиқ қилиниши, ўқув фаолиятини рационаллаштириш, ўқитиш интенсивлигини баҳолаш. Методик омиллар: индивидуал ўқитиш учун шароит яратиш, ўзаро ўқитиш, билимларни ўзлаштиришда ўйинли вазиятлардан фойдаланиш. Технологик омиллар: матнли конспектлаштиришдан воз кечиш, луғатлар ва маълумотномаларнинг таянч конспектларини тақдим этиш, компютердан фойдаланиш йўли билан ахборотни тасаввур қилишни автоматлаштириш, автоматлаштирилган назорат тизимида билимларни ҳисобга олиш ва назорат қилиш. Ўқитиш мазмунини бойитиш омиллари (ахборот ҳажми ва мураккаблиги), ўқитишнинг мотивацион омиллари (баҳс-мунозаралар ташкил қилиш, таққослаш, материал янгилиги, бадиийлик ва образлилик).

Интенсив ўқитиш омилларидан бири ўқув жараёнини ташкил қилишнинг модулли шаклидир. Модул - мустақил дидактик бирлик (қонун, тушунча, ҳодиса) ва матн. Маъруза курслари ва амалий фанлар "6 соат машғулотга бир модул" ҳисобида модуллар шаклида берилган. Модул тузилмасида: мақсад, мавзу ифодаланиши, ахборот блоки (маъруза), лаборатория ишлари (компьютерда ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурларни бажариш), муаммоли-қидирув блок (мустақил иш), назорат блоги. Модул технологияли ўқитишга ўтиш амалдаги (оралиқ ва якуний) назоратларни фаоллаштиришга имкон беради. Ўқув курслари ва фанларини модул шаклида тузиш маъруза курсига киритилган барча тушунчаларни тизимли таҳлил қилишни, ўқитишнинг барча шаклларини интеграциялашни, ўқув материалини тақсимлашнинг компакт схемасини, дидактик қўлланмалар билан таъминлашни кўзда тутади. Модулнинг маълумотлари ва тасвирли материаллари талабанинг мустақил ишга "шўнғиб кетишини", дифференциацияни, самарали қайта алоқани, назорат ишларини топширишда мусобақалашишни таъминлайди. Ўқитишнинг модулли шакли "тайёр билимлар"ни ўзлаштириш ва янги билимларни эгаллашни кўзда тутади. Модулли ўқитиш муаммоси устида иш олиб борган тадқиқотчилар модулни ўқитишнинг турли шакллари интеграцияси сифатида қарашни таклиф қиладилар. Бунда талаба алоҳида модул топшириқларини бажариши ва компьютерда бутун курс учун синов назорати топширишлари мумкин. Модулли ўқитиш тамойилларига, бизнинг фикримизча, лаборатория ишлари кўринишидаги амалий йўналтирилганликни ва модулли ўқитишнинг ҳар қандай босқичи учун индивидуал топшириқлар кўринишидаги на-

*[2] Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Қ., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. Инновацион таълим технологиялари. - Тошкент. - 2015. - 208 бет.*

зоратни киритиш мумкин.[3]

Ўқув материалини дифференциал таҳлил қилиш (баъзи талабалар учун турли мураккабликдаги топшириқлар тизимини ва ҳажмини ишлаб чиқиш), ўқув ахборотини тез назорат қилиш, ҳисоб-китоблардаги хатоликларни тўғрилаш орқали қадамбақадам боришни таклиф қиладиган дастурлаштирилган ўқитиш, ўқув фанларини аудиовизуал ва компьютер, масофали ўқитиш ёрдамида ўрганишнинг мустақил шаклини таклиф қиладиган очиқ таълим индивидуал таълим шакллари ҳисобланади. Индивидуаллаштирилган ўқитиш воситалари ҳар бир талаба учун тизимлаштирилган индивидуал ва гуруҳли топшириқлардир. Таълим жараёнини интенсивлаштиришнинг бошқа омили тематик белгиси бўйича машғулотларни модулли таълимнинг янги босқичи деб тан олиниши лозим бўлган комплекслаш ҳисобланади. Комплекс бир мавзу мазмунини фан бўйича назарий билимлар ва амалий кўникмаларни берадиган ва мустаҳкамлайдиган 6-8 машғулот давомида очиб беради. Модулли таълимнинг муҳим хусусияти мустақил ўқиш имкониятидир. Талаба ўзига берилган ахборот банки ва қўйилган дидактик мақсадларга эришиш учун услубий қўлланмани ўз ичига оладиган индивидуал ўқув дастури билан ишлайди.

**Талабанинг иш турлари:**

*- илмий мақолаларни конспект қилиш;*

*- энциклопедия, луғат ва электрон кутубхона билан ишлаш;*

*- ўқитувчининг маърузасига қўшимча қилиш учун кичик маъруза фрагментлари;*

*- илмий адабиётни конспектлаштиришни ўрганиш, текшириш, конспектдан фойдаланиб ўрганилган материал бўйича суҳбат ўтказиш;*

*- реферат ва назорат ишлари ёзиш;*

*- рефератлар учун мустақил танланган мавзулар бўйича адабиётларни қидириб топиш;*

*- берилган мавзуга оид маъруза материалини тайёрлаш;*

*- қандайдир муаммо бўйича тадқиқотчилар қарашларини қиёслаш.*

Ўқитишнинг биринчи йилида маърузалар ва рефератлар тайёрлаш талабаларнинг билиш фаолиятини рағбатлантиради. Кейинги курс иши ва битирув малакавий ишларини муваффақиятли бажариш учун зарур бўлган малака ва кўникмалар ҳосил қилишга ёрдам беради. Ижодий топшириқлар юқори малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнини такомиллаштиришга, ўзини намоён қилишга, ўз ўрнини топа олишга қодир мустақил ижодий шахсни шакллантиришга ёрдам беради. Улар талабаларга ахборотни танқидий англашга, ўзи мустақил равишда хулоса чиқаришга, асослашга ва ўз эгаллаган ўрнини ҳимоя қилишга ёрдам беради. Мустақил иш тарбивий функцияни бажаради, бўлажак мутахассисни унинг касбий фаолиятида вужудга келган муаммони мустақил ҳал қилишга, ечимнинг янги йўлларини топишга ва улар учун жавоб беришга ўргатади. Натижада мустақиллик характер хусусияти сифатида шаклланади. Бунга ўхшаш топшириқлар пассив ўқитишни фаол ижодий жараёнга айлантиришга йўналтирилган бўлади.

Таълимда инновация, энг аввало, энди ўсиб келаётган авлодни ўзига, ўз кучига ишонч ҳосил қилиш жараёнини ифодалаши лозим. Педагоглар онгидаги таълим авторитарлигини йўқотиш керак, негаки улар болани ўзига тенг кўрсин, болага ўзини ва уни ўраб турган атроф муҳитни бошқариш имкониятини берсин.

Бизнинг фикримизча, таълимда инновация, биринчи навбатда, ўз имкониятларини ҳар қандай соҳада синаб кўрганда муваффақиятига ишонган шахсни шакллантиришга йўналтирилган бўлиши керак.

Талабаларни шунчаки компьютер саводхонлигига ўргатиш керак эмас, балки улар бу билимларни қаерда қўллашини тасаввур қилишга ҳам ўргатиш керак.

Касбий ўқув муассасаларида ўқитиш реал касбий фаолиятдан олинган мисолларда олиб борилиши керак. Таълим жараёнида ўзининг келгуси ишини қандай, қайси жиҳозлар ёрдамида автоматлаштириш мумкинлигини кўрсатиш керак. Айнан инновация фаолияти таълим хизматлари бозорида нафақат у ёки бу муассасанинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун асос яратади, балки педагогнинг касбий ўсиш, унинг ижодий изланиш йўналишларини белгилайди, талабаларнинг шахс сифатида ривожланишига реал ёрдам беради. Шунинг учун инновацион фаолият педагогларнинг илмий-услубий фаолияти ва талабаларнинг ўқув-тадқиқот ишлари билан чамбарчас боғлиқ.

Таълимда инновация, бизнинг қарашимизча, бу янги ахборот узатишнинг, керакли ахборотни мустақил қидириб топишга, унинг адекватлигини текширишга ўргатишнинг самарадорлигини оширадиган усуллар ва воситалардан фойдаланиш, янги материалга талабаларнинг қизиқишини ошириш, таълим олувчиларнинг билимларини назорат қилишнинг янги турларини татбиқ қилиш.

Биз шахсий компьютер тақдим қиладиган воситалардан, айнан электрон таълим ресурсларидан, ўргатувчи дастурлардан ва машқ қилдирувчи дастурлардан етарлича фаол фойдаланмаяпмиз. Бундан ташқари, ўқитилаётган информатика фанларининг ўзига хослиги ва хусусиятлари шундаки, унда ўрганилаётган ресурслар доим ўзгариб туради, уларнинг барчасини қамраб олиш мумкин эмас. Курснинг бош мақсади - талабаларни нафақат ўз фаолиятининг самарадорлигини ва қулайлигини ошириш учун дастурий воситаларнинг муайян тўпламидан фойдаланишга, балки ўз фаолият тажрибасига таяниб ўрганилган воситаларни мустақил, янада чуқурроқ, нотанишларини эса "нол"дан бошлаб ўзлаштиришга ўргатишдан иборат.

**Тақризчи: п.ф.д. О.Х.Тўрақулов.**

[3] *Байсалов Ж. Модулли таълим технологиясини қўллаш. // Халқ таълими журнали, - 1999 й, - 6-сон, 101-103 бетлар.*

# ТЕОРЕТИЧЕСКАЯ ПОДГОТОВКА ПО ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЕ УЧАЩИХСЯ ШКОЛЬНОЙ СИСТЕМЫ ОБРАЗОВАНИЯ

***Ханкельдиев Ш.Х*** *- профессор, Ферганский государственный университет*
***Ураимов С.Р*** *- доцент, Ферганский государственный университет*

**АННОТАЦИЯ:**

В статье изложены результаты педагогического эксперимента по внедрению в учебный процесс учащихся старших классов инновационной методики по изучению теоретических основ физической культуры в школьной системе образования.

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** Теоретические знания, двигательные способности, батарея тестов, физический статус, педагогический эксперимент, мониторинг, анкетирование.

The article presents the results of a pedagogical experiment on the introduction of an innovative methodology for studying the theoretical foundations of physical culture in the school education system into the educational process of senior students.

**KEY WORDS:** Theoretical knowledge, motor abilities, test battery, physical status, pedagogical experiment, monitoring, questioning

Maqolada maktab o'quv tizimida jismoniy madaniyatning nazariy asoslarini o'rganish uchun innovatsion metodologiyani yuqori sinf o'quvchilarini o'quv jarayoniga kiritish bo'yicha pedagogik eksperiment natijalari tasvirlangan.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** Nazariy bilimlar, harakat qobiliyatlari, sinov batareyasi, jismoniy holat, pedagogik eksperiment, monitoring, savollar.

В Указе Президента Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиеева УП-5368 от 5 марта 2018 г. "О мерах по коренному совершенствованию системы государственного управления в области физической культуры и спорта" сказано, что "повышение и реализация творческого и интеллектуального потенциала молодого поколения, формирование здорового образа жизни среди детей и молодежи, привлечение их к физической культуре и спорту имеет важное значение".

Обучение школьного контингента теоретическим основам физической культуры является важным компонентом физкультурного образования на всех этапах образовательного процесса. Освоение школьной учебной программы, представленной в государственных стандартах, где параллельно с практической частью образовательного процесса по физическому воспитанию осуществляется обучение теоретическим основам физической культуры является актуальной педагогической проблемой.

Аналитический мониторинг педагогических способностей поступившего контингента выпускников общеобразовательных учреждений на факультет физической культуры при определении их возможностей к предстоящей профессиональной педагогической деятельности, на наш взгляд, не дает полной характеристики педагогических возможностей будущему специалисту данного направ-ления в связи с тем, что в общеобразовательных школах теоретическому разделу в процессе урока физической культуры не уделяется должного внимания, а следовательно проверка их знаний по данному направлению не представлялось возможным.

Проведенные социологические исследования выявили, что основная масса опрошенных учителей физической культуры работающих в системе среднего школьного образования не уделяют долж-ного внимания на уроках физической культуры теоретической подготовке учеников.

Анализ научно-методической литературы выя-вил, что по данному направлению выявлены лишь фрагментарные исследования, направленные на теоретическую подготовленность школьников в сфере физической культуры и не обнаружено научно-обоснованных инновационных методических рекомендаций по улучшению процесса освоения теоретических знаний по здоровому образу жизни подрастающего поколения.

Ранее, преподаватели кафедры "Теория и методика физического воспитания" разработали "профессиограмму" учителя физической культуры для средней общеобразовательной школы, где подробно были изложены цели и задачи, стоящие перед педагогическим коллективом школы, в обязанности которых входит преемственное повышение уровня физкультурно-теоретической грамотности учащихся с учетом их возрастно-половых особенностей.

Несмотря на положительные сдвиги, происходя-щие в последнее время в сфере физкультурного образования, слабым звеном остается проблема обучение основам теории физической культуры в школьной системе образования.

Актуальность данной проблема возникла в связи с постоянной реорганизацией системы вступительных экзаменов на факультеты физического воспитания выпускников общеобразовательных школ, изъявивших желание поступить на специализированный факультет, где результаты вступительных экзаменов оценивались только по результатам в беге на короткие и длинные дистанции без учета их принадлежности к определенному виду спорта и соответственно знаний теоретических основ физической культуры.

В этой связи, возникает необходимость внесения корректив в учебные программы по физическому воспитанию, где с целью научного обоснования вышеизложенной проблемы был проведен педагогический эксперимент в общеобразовательной школе № 29 г. Маргелана. В экспери-менте участвовало 42 школьника старших классов, распределенных на контрольную и экспериментальную группы. Наш выбор

данной возрастной группы обусловлен тем, что именно в этом воз-расте возникает особая необходимость овладения теоретическими основами физкультуры.

Контрольная группа занималась по общепринятой программе физической культуры общеобразовательной средней школы. В содержание заня-тий были включены темы из разделов, входящих в образовательный минимум по предмету "Физическая культура", опытно-экспериментальная работа проводилась по программе, разработанной на кафедре "Теория и методика физического воспитания" в соответствии с содержанием общешкольного учебного плана по физической культуре. Учащиеся контрольной группы получали теоретические знания традиционным образом, т.е. в процессе уроков физической культуры.

В экспериментальной группе основам теории физической культуры. посвящался один из уроков в каждой четверти, а также выполнения домашних заданий. Мы сочли целесообразным экспериментально проверить гипотезу о том, что при самостоятельном изучении лучше усваивается теоретический материал и учащиеся имеют больше возможностей для его творческого осмысления.

Принятие решения о проведении теоретических занятий таким способом обусловлено нашим предположением о том, что сведения, получаемые в течение целого урока, усваиваются быстрее и прочнее, чем при получении их по темам в начале каждого урока физической культуры непосредственно перед практическими занятиями которые кстати, не всегда про-водятся.

Для определения уровня теоретической подготовленности старших школьников использовался метод анкетирования по выявлению знаний теории физической культуры предусмотренных учебной программы по физическому воспитанию для системы школьного образования.

Для более достоверного анализа применяемой методики, в целях исследования влияния теоретических знаний на развитие двигательных способностей школьников, параллельно проводилось педагогическое тестирование их физических способностей. Для этого соответственно использовалась апробированная в ходе многих экспериментальных исследований батарея тестов, предусмотренных учебными нормативами и тестов здоровья "Алпомиш".

Полученные результаты педагогического тестирования двигательной подготовленности старших школьников обрабатывались по Т-критерию Стьюдента для параметрических данных.

Анализ полученных результатов выявил, что средний показатель баллов в исходном тестировании в экспериментальных группах был приблизительно одинаков, в то время как в ито-говом тестировании проведенного в конце учебного года в экспериментальной группе прирост имел улучшение на- 5,7%, а в контрольной группе на - 3,9%.

Экспериментальные исследования показали, что обучение учащихся основам теории физи-ческой культуры по одному уроку в четверть более эффективно, в сравнении с учащимися контрольной группы, обучающихся традиционным спосо-бом.

В процессе педагогического эксперимента определялся возможный фактор отрицательного влияния на развитие физических способностей старшеклассников то обстоятельство, что один урок в каждой четверти отводился для теоретических занятий взамен практического занятия. Результаты педагогического тестирования двигательных качеств показали, что один урок теоретических занятий в четверти не оказывал существенного влияния на уровень физических способностей учеников.

Таким образом, можно констатировать тот факт, что внедрение в учебный процесс теоретических основ физической культуры не сказывался отрицательно на развитии физической подготовленности учащихся. Результаты проведенного эксперимента исходного и итогового тестирования двигательных способностей, учащихся по экспериментальным группам представлены в таблице 1.

| Группа | | Контрольные испытания | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Бег 30 м | | | Челночный бег 3x10 м | | | Кроссовый бег | | | Подтягивания | | |
| | | x | σ | % | x | σ | % | x | σ | % | x | σ | % |
| Контрольная (n=20) | До | 5,48 | 0,27 | 4,1 | 9,40 | 0,19 | 8,15 | 1039,4 | 98,9 | 11,8 | 3,5 | 1,5 | 85,5 |
| | После | 5,32 | 0,19 | | 8,8 | 0,20 | | 1167,0 | 108,2 | | 7,7 | 1,8 | |
| Эксперим. (n=20) | До | 5,43 | 0,24 | 8,7 | 9,35 | 0,17 | 8,17 | 1098,2 | 94,6 | 12,31 | 3,8 | 1,4 | 87,7 |
| | После | 4,96 | 0,30 | | 8,7 | 0,20 | | 1194,1 | 91,01 | | 7,1 | 4,5 | |

В экспериментальной группе, где осуществлялось проведение теоретических знаний в каждой четверти, прирост в уровне проявления физических способностей находился в пределах от 8,7% до 87,7%.

В контрольной группе выявлен минимальный прирост в развитии быстроты (4%), а максимальный (85,5%) - в развитии силовых возможностей.

Выше изложенное подтверждает гипотезу о том, что выделение одного урока по изучению теоретических основ физической культуры практически не влияют на рост двигательных способностей учащихся старших классов общеобразовательных учреждений.

В результате проведенного педагогического эксперимента установлено что:

1. В практике уроков физической культуры в общеобразовательной школы не уделяется должного внимания основам теории физической культуры.

2. Сравнительный анализ полученных результатов показал, что сообщение сведений по теории физической культуры в течение отдельного урока и выполнения домашних заданий с написанием рефератов, способствует повышению уровня теоретической подготовленности школьников старших классов.

3. Процесс обучения основам теории физической культуры в течение одного урока в четверти в годичном цикле обучения существенно не влияет на развитии физических качеств учащихся старших классов.

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА
## КАСБИЙ МАҲОРАТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

***Шукурова Ҳалима*** *- катта ўқитувчи, Жиззах давлат педагогика институти.*

**АННОТАЦИЯ:**

*Мақолада олий таълим тизимида касбий педагогик маҳоратни замонавий технологиялар орқали (янада) такомиллштириш масалалари баён этилган.*

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** *Олий таълим тизими, халқаро стандартлар, инновацион ёндашув, модулли кичик универсал технологиялар, профессионал таълим дастурлари.*

*В данной статье рассматриваются вопросы совершенствования профессионального педагогического мастерства с помощью современных технологий.*

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА***: система образования, высшее учебное заведение, высшее образование, квалификация, в высочайшей степени.*

*In this article the matters of improving pedagogical skills with the help of an up-to-date technologies in a higher education are analyzed .*

**KEY WORDS:** *the regime of higher education , international student , innovational approach , professional education programs*

Ҳозирги таълим-тарбия жараёни ҳар қандай янгиланган, ривожланган йўналтирилган таълим технологияларидан фойдаланишни талаб этади. Айниқса, бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари мутахассислиги даражасини олувчи талабаларга таълим сифати ва самарадорлигини ошириш учун замонавий педагогик технологияларни шахсга йўналтирилган намуналарни таълим жараёнида татбиқ этишлари долзарб муаммолардан биридир. Зеро, ҳозирги кунда таълим соҳасидаги янгиликлардан хабардор бўлиш, педагогик маҳорати ва масаласини ривожлантиришнинг замонавий методлари, шакллари, усулларини бўлажак мутахассислар дарс давомида ўзлаштиришлари давр талабидир.

Мамлакатимизда таълим-тарбия мазмунининг янгиланиши натижасида ўқитишнинг янги технологиялари, шакллари, усуллари ва воситалари амалга жорий этила бошлаганлиги қувонарли ҳол. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017-2021 йилларда олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастури"да кадрлар тайёрлаш мазмунини тубдан қайта кўриш, халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли кадрлар тайёрлаш чора-тадбирлари белгиланди[1].

Олий таълим тизимига янги педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш ёхуд ўқитиш жараёнини технологиялаштириш асосида талабаларни ўқитишни жадаллаштириш қарорнинг бош вазифаси ҳисобланади. Ўқув жараёнида ташхисли ўрнатилган мақсадларга мувофиқ ҳолда тажриба йўли билан уларга эришиш имкониятлари педагог танлаган шакл, метод ва ўқитиш воситалари таълим олувчилар билан ўзаро ҳаракат тизими ёрдамида аниқланади.

Ҳозирги давр ўқитиш шакллари талабаларни эркин, ижодий фикрлашга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир. Талабалар мустақил фикрлай олсалар, ижодий ишлай олсалар, изласалар, таҳлил эта олсалар, ўзлари хулоса қила олсалар, ўзларига, гуруҳга, гуруҳ эса уларга баҳо бера олса, ўқитувчи эса уларнинг бундай фаолиятлари учун имконият ва шароит ярата олса, бизнинг фикримизча, ана шу ўқитиш жараёнининг асоси ҳисобланади. Айнан демократик тамойиллар, инсонийлик ва шахсий сифатларни ривожлантиришга қаратилган замонавий ўқитиш шакллари давр талаби бўлиб, бунда дарс жараёнининг технологик харитасини тузиш, жараённи олдиндан лойиҳалаштириш муҳимдир[2].

**Технологик даражадаги ўқитувчи фаолиятини мезонлаш сифатида қуйидагиларни илгари суриш мумкин:**

*-аниқ ташхисли берилган мақсадларнинг мавжудлиги, янги тушунчаларни, атамаларни кутилаётган ўқитиш натижаси сифатида таълим олувчининг фаолиятидаги мақсадга эришишини, ташхислаш усулларининг тартибли ўлчанадиган ҳолатда кўрсатилиши;*

*-ўрганилаётган мазмунни билув ва амалий масалалар, мўлжалли асослар ҳамда уларни ечиш усулларининг тизимли кўринишда тақдим этилиши;*

*-мавзулар (материаллар, касбий функциялар тўплами ва ҳокозолар) етарлича қатъий кетма-кетликнинг, мантиқнинг муайян босқичларининг мавжудлиги;*

*-ўқув жараёнининг ҳар бир босқичида иштирокчиларнинг ўзаро ҳаракат усулларини кўрсатилиши;*

*-педагогнинг энг мақбул (ўқув жараёнининг натижавийлиги нуқтаи назари билан) ўқитиш воситаларидан фойдаланиши,*

*-ўқитувчи ва таълим олувчилар фаолиятининг мотивацион таъминланиши жараёнида уларнинг шахсий касбий функцияларининг намоён бўлиши (эркин танлаш, креативлик, баҳслашув, ҳаётий ва касбий маъно).*

**Қўлланилишича, қамров ҳажмига (масш-**

[1] *Ш. Мирзиёев " Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо етамиз". Тошкент 2016-йил 16-бет*
[2] *Толипова Ж. О "Педагогик квалиметрия", " Тошкент" 2016-йил. 44-бет*

**табига) кўра уларни 3 гуруҳга ажратилади:**

*1) Умумий педагогик технологиялар, улар ўз ичига йирик технологияларни, яъни бутун таълим тизимига тегишли бўлган масалаларни қамраб олади. Масалан: рейтинг тизимига ўтиш, тест технологияларини ўқув жараёнига татбиқ этиш шулар жумласидандир.*

*2) Хусусий педагогик технологиялар. Муаййан фан доирасида қўлланилиши мумкин.*

*3) Модулли кичик универсал технологиялар* [3].

Бизнинг фикримизча, замонавий таълим шароитида бўлажак мутахассисларга қуйидаги асосий талаблар қўйилади: -мустақил ҳолда ўз фанини ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш, машғулотларни самарали режалаштириш, ташкил этиш ва ўтказиш, ўқув жараёнида юзага келадиган муаммоларни мустақил ҳал қилиш, мустақил қарор қабул қилиш, ўқувчиларни таълим олишга қизиқтириш ва фаоллаштириш, юксак муомала маданиятига эга бўлиш, технологияни сўнгги ютуқларини таълим жараёнига жорий этиш, олган назарий билимларни амалиётда қўллай олишлари учун ўз малакасини доимий оширишлари лозим.

Демак, ҳар бир педагог педагогик маҳоратни шакллантириш учун илмий назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш, шунингдек, ўз касбий маҳоратларини янада юксалтиришнинг самарадорлигини оширишга эътиборни қаратишни талаб этади.

Замонавий ўқитувчининг асосий вазифаси ёш авлодни келажакда меҳнат фаолиятига тайёрлаши, юқори малакали кадр бўлиб етишишларига кўмаклашиш ҳисобланади. Ана шу масъулият ўқитувчидан юксак педагогик маҳоратга эга бўлиш билан бир қаторда талабаларга тарбиявий таъсир кўрсатиб, уларнинг қизиқиши, қобилияти, истеъдоди, этиқодий ва амалий кўникмаларини ҳар томонлама ривожлантиришнинг мақбул йўлларини излаб топадиган касб эгаси бўлишни талаб этади.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, олий ўқув юртларида педагогик туркум фанлари, махсус фанлар амалиётлар ва битирув малакавий ишларини ўзаро узвийлигини таминлаш долзарб муаммолардан ҳисобланади. Шунингдек, махсус фан ўқитувчисининг педагогик маҳоратини ривожлантиришда битирув малакавий ишларини аҳамиятини ўрганишнинг мазмунини такомиллаштириш асосий вазифалардан ҳисобланади.

Сўнгги йилларда ҳаваскор туризм даражаси расмий ва сезиларли даражада ижобий томонга ўзгарди. Албатта, бу ҳодисанинг объектив ва субъектив сабаблари бор. Моддий қўллаб-қувватлаш, транспорт, асбоб-ускуналар, хавфсизлик, ташкилий-хўжалик фаолияти ва бошқалар билан боғлиқ кўплаб муаммолар ўз ечимини топди. Туризм аҳоли саломатлигини яхшилаш, ўқувчи ва талаба-ёшларнинг жисмоний камолотини таъминлашда ўз аҳамияти ва ўрнини йўқотгани йўқ. Буни ҳам давлат, ҳам жамоат ташкилотлари эътироф этмоқда. Аҳолини саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳаракат фаоллигини ошириш мақсадида 2019 йил 29-январдан янги "Алпомиш" ва "Барчиной" махсус тестлари тўпламини ишлаб чиқилди[4]. Эътиборлиси, ушбу тестларнинг турли ёшдагиларга (6 ёшдан - 70 ёш ва ундан катталар) мўлжалланган саёҳат нормалари (талаблари), юриш тартибини ўз ичига олиши билан ҳам муҳимдир.

**Саломатлик тестларида:**

*- бошланғич синф ўқувчилари учун дам олиш кунлари узунлиги 2-5 км бўлган юришлар (экскурсиялар), атрофдаги табиат билан танишиш, уни пиёдалар ўтиш жойлари орқали кузатиш ташкил этилади;*

*- таътил даврида 5-7 синф ўқувчилари учун узунлиги 10-12 км ёки узунлиги 3-5 км бўлган табиат саёҳатларини ташкил қилиш учун йилига 2-3 марта саёҳатлар уюштириш, бу даврда туристик турмуш тарзи, жиҳозларга эгалик, чодирларни ўрнатиш кўникмаларини мустаҳкамлаш;*

*- академик лицейлар, мактаб ёш ўқувчилари (катта синфлари), шунингдек, олий ўқув юртлари талабаларининг кемпинг сафарларида, туристик жиҳозлар бўйича танловларда иштирок этишини ташкил этиш ва бошқариш;*

*- Республикамиздаги барча олий ўқув юртлари талабалари ва педагог ходимларининг жисмоний маданиятини ривожлантириш ва табиатдаги мувозанатни ҳимоя қилишга қаратилган "экотуризм клублари" ни ташкил этиш;*

*- Республиканинг барча олий ва ўрта махсус ўқув юртларида экологик ҳаракатларни ташкил этиш;*

*- талабалар учун "экологик саводхонлик", "экологик маҳорат", "экологик хулқ", "экологик анъана", "экологик маданият", "экологик фикрлаш", "экологик фалсафа", "экологик иммунитет", "экологик зарурат", "экологик психология", "экологик захира" каби тушунчалар билан таништирадиган барча назарий ва амалий машғулотлар давомида мунтазам ўқув семинарлари ўтказиш;*

*- бакалавр ва магистрларнинг илмий-услубий ишлари рўйхатига экологик саёҳатлар ва уларнинг инсон жисмоний маданиятини шакллантиришдаги ўрнига оид илмий-тадқиқот мавзуларини мунтазам киритиб бориш;*

*- факультет ва талабалар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, боғдорчилик акцияларини ўтказиш, кўкаламзорлаштириш билан боғлиқ кўчат екиш ва бошқа тадбирларни ўтказишга қаратилган бир кунлик ва кўп кунлик сайр-*

---

*2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 13 август ПФ-5781-сон Фармони.*

*3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Самарқанд шаҳрида "Россия Давлат жисмоний тарбия, спорт, ёшлар ва туризм университети" федерал давлат бюджети олий таълим муассасасининг филиалини ташкил этиш тўғрисида 2019 йил 8 май ПҚ-4311-сон қарори*

*4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистонда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш ва аҳолини жисмоний тарбия ва оммавий спортга жалб этиш тўғрисида" 65-сон 2019 йил 29 январьдаги қарори.*

*ларни ташкил этиш;*

*- экотуризмни ривожлантириш, ўқувчи ва талабаларнинг экологик саводхонлиги ва экологик маданиятини ошириш, табиатда биохилма-хилликни сақлаш ва фойдаланиш учун жамоат ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ихтиёрий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштириш;*

*- оромгоҳлар дам олиш марказларига имтиёзли йўлланмалар билан таъминлаш орқали экологик фаол ва соғлом турмуш тарзи кечираётган ўқувчи ва ўқитувчиларни доимий рағбатлантириш;*

*- саёҳатларга оид мақола ва тезислар асосида соғлом турмуш тарзини ташкил этишга ёрдам берувчи жисмоний маданият ва спорт машғулотларини такомиллаштиришга қаратилган ўқув адабиётлари тайёрлаш ва чоп этиш вазифаларини амалга ошириш энг муҳим чора-тадбирлар сифатида режалаштирилган.*

Саломатлик махсус тестларида саёҳат талаблари ва стандартлари иштирокчиларининг, жисмоний тайёргарлиги, жинси, шунингдек, уларни юриш (саёҳат) га қизиқишлари ҳисобга олинган. Ўз навбатида яшаш ҳудудини ўрганиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга ёрдам берувчи назарий билим ва амалий кўникмаларни такомиллаштириш ва бойитишда зарур бўлган жисмоний ривожланиш, соғликни яхшилаш, чиниқиш, шунингдек, ўзаро ҳамкорлик, дўстлик, ватанга муҳаббат, унга садоқат каби фазилатлар мужассамлаштирилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, муқаддас жойларни зиёрат қилиш ва улуғ инсонларнинг мақбараларини обод қилиш саёҳатларнинг муҳим таркибий қисмидир.Самарқанднинг тарихий обидалари, айниқса, Амир Темур мақбараси, Шоҳизинда, Бибихоним, Регистон, Хожа Аҳрор вали ва Имом ал- Бухорий билан боғлиқ муқаддас жойлар, шунингдек, Хива, Термиз, Шахрисабз, Тошкент, Бухоро каби шаҳарлардаги тарихий-маданий ёдгорликлар Акш, Япония, Германия, Франция, Англия ва бошқа ривожланган мамлакатларнинг аҳолисини ўзига жалб қилиб келмоқда.

Ўз навбатида, мамлакатимиз вакилларининг Саудия Арабистони ва бошқа Араб давлатларига ҳаж зиёратини амалга ошириш мақсадида ташриф буюриши билан боғлиқ тадбирлар ҳам яхши йўлга қўйилди.

Туризм мамлакат аҳолисининг саломатлигини яхшилаш, ўқувчи ва талаба-ёшларнинг жисмоний жиҳатдан соғломлашувига муносиб ҳисса қўшмоқда. Ҳзбекистоннинг географик ўрни ва унинг иқлим шароити саёҳатларнинг деярли барча турларини ривожлантиришга ёрдам беради. Тарихий обидаларга бой бўлган Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарлар, шунингдек, кўплаб замонавий биноларга эга бўлган. Тошкент шаҳри Республика аҳолиси учун саёҳат манзилига айланади. 2500-3000 минг йиллик тарихга эга бўлган. Термиз, Қарши, Шаҳрисабз, Қўқон, Наманган, Нукус, Урганч каби шаҳарлар қадимий обидалари билан кўпчилик сайёҳлар эътиборини тортади. Сўнгги 5-10 йилда янгиланган Янгиер, Гулистон, Навоий, Зарафшон, Жиззах каби шаҳарлар замонавий бинолари, спорт иншоотлари, таълим муассасалари, саноат корхоналари ва маҳсулотлари билан бутун дунёга машҳур бўлмоқда.

Таъкидлаш лозимки, туризмда ўқитиладиган махсус фанлар дастурларида фақат экскурсиялар билан боғлиқ тадбирлар ўз аксини топади. Бироқ, туризм кўп тармоқли соҳа сифатида тарихий ва маданий ёдгорликларни кўриш билангина чекланиб қолмайди.

Бу борада табиатга оммавий (гуруҳли) тартибда саёҳат қилиш, тоза ҳаводан, тоза сувлардан (ичиш, сузиш), қуёш нуридан баҳраманд бўлиш ҳамда узоқ масофаларга, айниқса тоғларда юк билан юриш катта аҳамиятга эга. Шунинг учун пиёда юриш туризми бўйича мутахассисларни тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга. Бу, биринчи навбатда, ўқув режасида сайр қилишни жорий этишни, шу асосда мунтазам равишда саёҳатлани (бир кунлик ва кўп кунлик) ташкил этишни талаб қилади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, буюк ипак йўлининг Ўзбекистон ҳудуди орқали ўтиши тарихий нуқтаи назардан катта аҳамиятга эга. Бу ҳақиқат мамлакатимиз нуфузи ва дунёда оммавийлигини ошириш, мамлакатимиз аҳолиси томонидан тарихий обидаларни ўрганиш, буюк алломаларимизнинг, шунингдек, юртимизга ташриф буюраётган хорижлик сайёҳларнинг бебаҳо меҳнатига хизмат қилади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, экологик мақсадлар учун тоғларга чиқиш, ғорлар ва музликларни зиёрат қилиш, пиёда, отда саёҳат қилиш ва бошқа йўллар билан флора ва фаунани ўрганиш, тоғ саёҳатларини ташкил қилиш, қушларни, ўсимлик, гулларини ўрганиш, энтимологик кузатишлар, агро ва экотуризм, балиқ овлаш мусобақаларини ташкил этиш имконини беради. Таъкидлаш лозимки, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича халқаро ҳамкорлик йўналишлари Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосини белгилайди. Ўзбекистонда экологик хавфсизлик стратегияси соҳанинг узоқ йиллар давомида ҳаётий манфаатларни ҳимоя қилишга қаратилган вазифаларини белгилаб берди.

Саёҳатлар аҳолини саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашда муҳим ижтимоий-педагогик тадбирлардан ҳисобланади. Саёҳатларни пухта тайёрлаш, ўтказиш ўқувчи ва талаба-ёшларда ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, ирода, ижтимоий фаолликни ривожлантиради ва баркамол авлодни тарбиялашга катта ҳисса қўшади.

# БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА КАСБИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

***Норқўзиева Манзура Абдурахмоновна -*** *ўқитувчи, Жиззах давлат педагогика институти.*

**АННОТАЦИЯ:**

Ушбу мақолада бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантириш технологияси ёритилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** Бўлажак ўқитувчи, барқарорлик, билим, ўқув жараёни, замонавий педагогик технология, педагогик маданият, педагогик маҳорат.

В данной статье освещены технологии формирования профессиональной востребованности будущих учителей.

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** Будущие учителя,востребованность,знание,учебный процесс,современные педагогические технологии,педагогичекая культура,педагогическое мастерство

This article illustrates the procedures of forming professional stability of future teachers

**KEY WORDS:** Future teachers, stability, knowledge, learning procedure, modern pedagogical techniques, pedagogic culture, pedagogic skill.

Бугунги кунда таълим тизимида фаолият юритаётган инсонларнинг фаолиятини рағбатлантириш, турмуш-тарзини яхшилаш ва уларнинг жамиятда мавқеини оширишга қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг (05.06.2018 й. ПҚ-3775) "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровлиислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорида қуйидаги масалаларни бўлажак ўқитувчиларнинг онгига сингдириш жараёнида, давлат томонидан ўқитувчи мавқеини оширишга қаратилган истиқболли дастурларнинг мазмун-моҳиятини англатиш орқали касбий барқарорликка қадам ташлаб борилади. Бунда, "таълим йўналишларининг ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда талабалар билимини баҳолашнинг замонавий, шаффоф ва адолатли (автоматлаштирилган, портфолио, тест синовлари, ижодий иш, антиплагиат ва ҳ.к.) усулларини, шу жумладан, муайян фандан дарс берган педагогнинг якуний назорат жараёнларидаги иштирокини истисно этадиган тизимни жорий этиш" орқали талабаларнинг ўзига бўлган ишонч туйғуси шакллантирилади. Бу эса келгусида ўз фаолиятида қўрқмасдан ишлашига замин яратади. Ушбу қарорнинг энг қувонарли томонларидан бири "2019 йил 1 мартгача бўлган муддатда 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларида "талабанинг ўзлаштириш даражаси - профессор-ўқитувчилар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезони" тамойилини жорий қилишнинг аниқ механизмларини белгилаш бўйича тегишли чора-тадбирлар кўрсин. Бунда ушбу тамойил талабларига жавоб бермайдиган профессор-ўқитувчилар билан меҳнат шартномасини бекор қилишгача бўлган чоралар кўриш белгилансин" - дейилган. Демак, ҳамма саъйи-ҳаракатлар талабаларнинг баркамоллик сифатларининг шаклланишига қаратилган. Энди ҳар бир профессор ўқитувчи талабанинг чуқур билимга эга бўлиши устида бош қотиради. Акс ҳолда, меҳнат шартномаси бекор қилинади. Қарордаги муҳим жиҳатлардан яна бири шундан иборатки, "2018/2019 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг вақтини ўқув жараёнига хос бўлмаган ишларга сарфлашнинг олдини олиш ҳамда уларни талабалар билан кўпроқ ишлашга йўналтириш, шу жумладан, "устоз-шогирд" тизимини жорий этиш мақсадида ўқув юкламаларини ҳисобга олган ҳолда профессор-ўқитувчилар "вақт меъёрлари"нинг янги механизмларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин". Талаба сифатли таълим олиш ҳуқуқига эга. Шунинг учун ушбу қарорда профессор-ўқитувчиларининг вақтини ўқув жараёнига хос бўлмаган ишларга жалб қилиш тақиқланди. Мисол учун, кўчаларни тозалатиш каби ишларга жалб қилиш. Талабалар тўлақонли сифатли билимга эга бўлишлари учун "Барча олий таълим муассасаларида самарали жамоатчилик назоратини жорий этиш" масаласи ўрин олган. Эндиги кунда ўқитувчилик касбига қизиқиши бўлмаган йигит-қизлар педагогика олий таълимига ўқишга кириб қолиши жуда қийин, чунки "илғор халқаро имтиҳон тизимлари (TOEFL, IELTS, CEFR, SAT General, SAT Subject ва ҳоказо) сертификатларига эга бўлган абитуриентларга тегишли фанлардан белгиланган энг юқори балл бериш ва ушбу фанлар тест синовидан озод қилиш тартиби" жорий қилинмоқда[1].

Шу билан бир қаторда бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини таъминлашда, педагогика олий таълимининг таълимий - тарбиявий жараёнларида буюк педагоглар фаолиятига мумкин қадар кўпроқ мурожаат қилиш керак. Уларнинг асарларини ўқишни мажбурий қилиб, асардаги етакчи ғоялар тахлил қилинсин. Мисол учун, халқимизнинг буюк педагоги ва ёзувчиси Абдулла Авлонийнинг қуйидаги фикрини таълим-тарбия жа-

[1] *"Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"05.06.2018 й. ПҚ-3775 "Қонун ҳужжатлари маълумотлар миллий базаси, 06.06.2018й, 75/1313-сон"*

раёнида тахлил қилиб мазмунини англатиб бориш мақсадга мувофиқдир. "Тарбияни кимлар қилур? Қайда қилинур? деган савол келадур. Бу саволга, "биринчи уй тарбияси. Бу она вазифасидур. Иккинчи, мактаб ва мадраса тарбияси. Бу ота, муаллим, мударрис ва ҳукумат вазифасидур", - деб жавоб берсак, бир киши деюрки, "қайси она-ларни айтурсиз, билимсиз, боши пахмоқ, қўли тўқ-моқ оналарми? Ўзларида йўқ тарбияни қайдан олиб берурлар", дер. Мана, бу сўз кишининг юрагини эзар, бағрини ёндурар. Отасига нима дерсиз, десак, қайси ота? Тўйчи, улоқчи, базмчи, дўмбирачи, карнайчи, сурнайчи, илм қадрини билмаган, илм учун бир пулни кўзлари қиймаган, замондан хабарсиз оталарни айтурсизми? Аввал ўзла-рини ўқитмак, тарбия қилмак лозимдур", - дер. Мана бу сўзни эшитгач, умид қўллари қўлтуққа урилур. Хайр, бўлмаса муаллимчи десак, "қайси муаллим? Мақсади пул, маслаги шуҳрат, юқори мактабларда ўқумаган, "усули таълим" кўрмаган муаллимларни айтурсизми? Аввал ўзлари дорилмуаллимин"ларда ўқимаклари, сўнгра дарс бермаклари лозимдур"[2].

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини, билимини, барқарорлигини шакллантириш борасида юқоридаги фикрлар доимо талабаларнинг диққат марказида туриши керак.

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини таъминлашда: а) уларни ижтимоий ва педагогик дунёқарашини таркиб топтириш ҳамда таълим тизимига мақсадли ёндашув ҳиссини уйғотиш; б) талабаларда интелектуал салохиятни таркиб топтириш в) илмсизликка нисбатан курашувчанлигини ошириш. г) талабаларда касбий бурчга нисбатан жавобгарлик ҳиссини ошириш; д) талабаларда миллатлараро тотувлик туйғусини қарор топтириш; ж) талабаларни ўз ўқувчиларига нисбатан адолатли бўлиш, унинг шаъни, ор-номуси учун курашиш туйғусини ошириш мухимлиги билан ажралиб туради.

**Бўлажак ўқитувчиларда касбий барқарорликни таъмилаш** - педагогик фаолиятнинг узлуксиз жараёни бўлиб, унда ҳар бир профессор - ўқитувчи талабаларни ўзлари танлаган касбга нисбатан янада меҳрини уйғотиш билан бир қаторда педагогиканинг сир - асрорлари билан яқиндан таништириб бориши кутилаётган натижага эришишида муҳим омил ҳисобланади.

"Фаолиятдан кутиладиган натижа психологияда мақсад дейилади. Ўқув жараёнининг бошқарилиши иккита асосий мақсадни кўзда тутади. Улардан биринчиси, ўқув жараёнини тўғри ташкил эта олиш, иккинчиси эса ўқувчиларнинг шахсий қизиқиш ва эҳтиёжларини қондиришдир. Ана шу мақсадлар бошқаришнинг вазифаларини белгилаб беради. Демак, ўқув жараёнини бошқаришнинг:

*- биринчи вазифаси ташкилий бўлиб, ўқувчиларнинг таълим ва тарбияси бўйича ижтимоий буюртмаларни қондириш;*

*- иккинчи вазифаси- бевосита ўқувчининг қизиқиш ва талабларини қондиришга йўналтирилган ҳолатдаги ижтимоий вазифадир. Шунингдек, бу вазифа ўқувчиларни кўтаринкилик, яхши кайфият ва ўқув жараёнидаги ишчанликни юзага келтиришни ҳам ўз ичига олади[3].* **Бунда:**

*- Замонавий педагогик технологияларнинг сўнгги намуналари билан яқиндан таништириб бориш ва амалиётда қўллай олиш имкониятини яратиш;*

*- бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини доимий равишда ошириб бориш;*

*- бўлажак ўқитувчиларнинг ижобий фазилатларини шакллантириш ва ривожлантириш;*

*- ўқитишнинг мазмунини асосан дунё ҳақидаги илмий билимлар ташкил этишини тушунтириб бориш;*

*- бўлажак ўқитувчиларни кабий фаолиятга тайёрлашда шахснинг муайян бир ёшига хос бўлган анатомик, физиологик ва психологик хусусиятларни чукур ўргатиш;*

*- бўлажак ўқитувчиларни кабий фаолиятга тайёрлашда педагогикада инсон тарбиясига қўйиладиганасосий талаблар (ҳуқуқи, ижтимоийлашуви, ривожланиши,дунёқараши...)ни ўргатиш;*

*- бўлажак ўқитувчиларни кабий фаолиятга тайёрлашда педагогиканинг услубиёти, қабул қилинган қонун ва қоидалар тўғрисидаги илмий тасаввурлар бойитилади.*

*- бўлажак ўқитувчиларни кабий фаолиятга тайёрлашда коммуникатив муносабатларни шакллантириш кабилар.*

Биз яхши биламизки, бугунги кунда замонавий педагогик фаолиятнинг муҳим таркибий қисмларидан бири сифатида касбий мотивация мойдонга чиқади. Педагогик жараёнда ташқи ва ички мотивлар ажралиб туради. Буни бўлажак ўқитувчиларга доимий равишда тушунтириб бориш эртанги кундаги педагогик фаолиятнинг самарали бўлишини таъминлайди4. Бўлажак ўқитувчилар касбга мослашишда ташқи мотив ва ички мотив ўзи нимани англатишини билишлари зарур. Шунинг учун ҳам биз уларнинг касбий барқарорлигини таъминлашимизда ташқи мотив сифатида бирор бир нарсага эришиш истагини, ички мотив сифатида эса ўз фаолиятининг жараёни ва натижасига эътибор беришни мисол тариқасида келтириб ўтишимиз мумкин. Бўлажак ўқитувчиларда касбий барқарорликни шакллантириш жараёни турли туман хатти-ҳаракатларнинг умумлашмасидан иборат бўлиши ҳам мумкин. Мисол учун бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини таъминлаб боришга эришиш учун, уларда педагогик маҳорат, педагогик техника, педагогик маданиятни узлуксиз равишда эгаллашга оид билимлар билан қуроллантириш муҳимдир. Унинг натижасида педагогик фаолиятни оқилона ташкиллаштириш ва уни замон талабларига мос равишда олиб боришига имкон берадиган педагогга хос хусусиятлар ва фазилатлар шаклланади. Бу эса ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

**Тақризчи: п.ф.н. доцент, Н.Кушвактов.**

---

*[2] Абдулла Авлоний. Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ. - Т.: Ўқитувчи, 1992. - Б. 160.*
*[3] Абдуллаев А. Маънавият ва иқтисодий тафаккур. - Т.: Маънавият, 1999. - 104 б.*

# ТАЪЛИМДА ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ - БУГУНГИ КУН ТАЛАБИ

***Равшанов Олим Ахмедович-*** *ўқитувчи, Ўзбекистон миллий университети Жиззах филиали*
***Тўлишев Жалолиддин Ашир ўғли -*** *магистр.*

**АННОТАЦИЯ:**
Ушбу мақола бугунги куннинг долзарб мавзуларидан бўлиб, таълимда интерфаол усуллардан фойдаланиш афзалликлари масалаларига қаратилган. Замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнида қўллаш таълим самарадорлгининг омили эканлиги ўрганилган. Замонавий педагогик технологиялари масалаларига боғлаб ёритилган.
**КАЛИТ СЎЗЛАР:** Инновацион технология, интерфаол таълим, муаммоли таълим, билим, кўникма, малака , тафаккур, идрок. Ахборот, компетент, коммуникатив, Кунгабоқар" Стратегия, инновация

Данная статья посвящена одной из наиболее актуальных проблем, в которой внимание акцентируется на преимуществах использования интерактивных методов обучения. Использование педагогических технологий учителей в учебном процессе рассматривается как фактор эффективности образования, распространяющийся на основе современных педагогических технологий.
**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** инновационные технологии, интерактивное обучение, проблемное обучение, знания, навыки, мыщление, восприятие, информация, компетенция, коммуникация, стратегия, инновация

The article is one of the most relevant topics of todey and focuses on the benefits of using interactive teaching methods.The use of pedagogue technology teachers in the learning process has been studied as a factor in the effectiveness of education.Distributed on the basis of modern pedagogical technologies.
**KEY WORDS:** innovative technologies, interactivelearning, problem-based learning, knowledge, skills, thinking, perception, information, competence, communication, strategy, innovation.

Ўзбекистонни бутун жаҳон тан олаётган бугунги кунда ёш авлодни замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, уйғун ривожланган баркамол инсонлар бўлиб, XXI талабларига жавоб берадиган шахс бўлиб вояга етиши долзарб масалалардан биридир. Айни вақтда, олий таълим масканларида турган энг муҳим вазифаларидан бири, инновацион технологияларни ўқув жараёнларига асосланган ҳолда, ўқитишнинг инновацион технологиялари элементларидан фойдаланишни янада такомиллаштиришдан иборат.

Бу" Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг асосий таркибий қисмларидан бири "шахс"ни шакллантираётган олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг олдига ҳам бир қатор вазифаларни қўймоқда.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг учинчи босқичида замонавий ахборот технологиялари, компьютерлаштириш ва компьютер тармоклари негизида таълим жараёнини ташкил этишни асосий мақсадларидан бири қилиб белгиланган. Ахборотлар шиддати ва янгиликлар оқими тобора кундалик хаётимизнинг ажралмас бўлагига айланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ҳам таълим-тарбия масалаларига асосий эътиборни қаратиб, "Таълим ва тарбия, илм-фан, соғлиқни сакдаш, маданият ва санъат, спортни ривожлантириш масалалари, ёшларимизнинг чукур билимга эга булиши, чет тилларини ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини пухта эгаллашини таъминлаш доимий устувор вазифамиз бўлиб колади"[1]...

Таълим жараёнида интерфаол усулларни қўллаш таълим самарадорлигини ошириш учун тинимсиз изланиш,бугунги кунниг долзарб муаммосига айланди. Президентимиз томонидан келажак авлод тарбиясига берилаётган бундай катта эътибор таълим тизими ва педагоглар зиммасига улкан вазифаларни юклайди. Айни вақтда ахборот-коммуникация соҳасидаги охирги ютуқларни ўзлаштириш билан бирга, ёшларимизнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишини оширишга, уларнинг китоб билан дўст бўлишига, аҳолининг китобхонлик савиясини янада оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади, деб таъкидлайди.

Шунинг учун ҳам замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнида қўллаш таълим самарадорлгини ошириш учун тинимсиз изланиш, инновациялардан фойдаланиш бугунги кун эхтиёжига айланмоқда.

Интерфаол усуллар таълим жараёнининг унумдорлигини оширади, ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш жараёнини шакллантиради. Ўқувчиларда билимга иштиёқ ва қизиқишни оширади, билимларни мустаҳкам ўзлаштириш, улардан амалиётда эркин фойдаланиш кўникма ва малакаларини шакллантиради.

Таълимдаги ижтимоий, гуманитар фанлар доирасида интерфаол усуларининг қўлланиши таълим олувчи ёшларни билиш фаолиятини янада жадаллаштириш, ижодий абстракт тафаккурини ривожлантириш ўқитувчиларда эса педагогик компетентлигини ва педагогнинг коммуникатив томонларини ривожлантиришга ёрдам беради. Инновацион технологиялардан амалиётга жорий этишга тайёрлаш бугунги олий таълим олдига қўйилган муҳим талаблардан биридир.Чунки замонавий интерфаол усуллардан унумли

[1] *Ш.М.Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб янги босқичга кўтарамиз. Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 2017 й.16.86.б.*

фойдаланиш;

**биринчидан,** ўқувчиларни билим кўникма ва малакаларни осон ва қизиқиб ўрганишлари учун имконият яратса,

**иккинчидан,** ўқитувчининг ҳам профессионал ўсишига, хам маънавий ривожланишига ёрдам беради.

Замонавий усулларни таълим жараёнига жорий этиш ўқув жараёнларини тубдан ўзгарилишига олиб келмокда. Бундай ижобий ишлар таълим жараёни иштирокчиларининг билимларини жонлантиришга, ижодкорликка, яратувчанликка, комилликка, тинимсиз изланишга, ўз устида ишлашга хар бир дарсни, ҳақиқатдан хам, бир санъат асари сифатида тақдим этишга олиб келмоқда.

Инновацион технологиялар педагогик жараёнда ўқитувчи ва талаба фаолиятига янгилик ва илмий, ижодий ўзгартиришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда интерфаол методлардан фойдаланишни таққозо этади.

Интерфаол усуллар қўлланилганда талабалар ўқитувчилар ёрдами ва ҳамкорлигида мустақил ишлаш кўникмаларига ва малакаларига эга бўладилар. Янги билимларни илмий изланиш, тадқиқотчилик, тажриба-синовлар ўтказиш асосида ўзлаштирадилар. Таълим жараёни қатнашчилари кичик гурухларга бўлинган ҳолда ишлайдилар. Ўқув вазифалари алоҳида битта ўқувчига эмас, балки кичик гурухнинг барча аъзоларига бирдек берилади. Кичик гуруҳларнинг ҳар бир аъзоси топшириқни бажаришда, албатта, ўз ҳиссасини қўшиш керак. Бу ҳолат ўқувчиларда бир жамоа бўлишликни шакллантиради ва уларнинг ташаббускорлигини орттиради.

Демак, инновацион фаолият таълим-тарбия жараёнида талаба ва ўқитувчини ҳамкорликка ишлашга, дарснинг қизиқарли ва самарали бўлишини таъминлайди. Адабиётларда интерфаол таълим тушунчасига қуйидагича тасниф берилган.

"Интерфаол" тушунчаси инглиз тилида "interact" (рус тилида "интерактив") ифодаланиб, луғавий нуқтаи назардан "inter" - ўзаро, икки тарафлама, "act" - ҳаракат қилмоқ, иш кўрмоқ каби маъноларни англатади

Интерфаол таълим-таълим жараёни иштирокчиларининг билим, кўникма, малака ҳамда муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлида биргаликда, ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатни ташкил этишга асосланувчи таълим.[2]

Таълим жараёнини ташкил этишнинг асосий шакли дарс ҳисобланади.. Бундай дарслар ўқувчининг ижодий қобилиятини ўстиради, ақлий салоҳиятини кучайтиради, илмий дунёқарашини кенгайтиради ва ҳар бир янгиликни тез ва тўла қабул қила олиш кўникмасини ва малакаларини таркиб топтиради. Дарс жараёнида инновацион технологияларни қўллаш ўқувчиларга илмий изланишга бўлган қизиқишни уйғотади, ижодкорлик ва бунёдкорлик қобилиятини ривожлантиради. Натижада эгалланган билим, кўникма ва малакалар амалий фаолиятга татбиқ этилади, ўзлаштириш сифати ортади.

Шунга кўра интерфаол ўқитиш "таълим жараёнининг асосий иштирокчилари - ўқитувчи, ўқувчи ва ўқувчилар гуруҳи ўртасида юзага келадиган ҳамкорлик, қизғин баҳс-мунозалар, ўзаро фикр алмашиш имкониятига эгалик асосида ташкил этилади, уларда эркин фикрлаш, шахсий қарашларини иккиланмай баён этиш, муаммоли вазиятларда ечимларни биргаликда излаш, ўқув материалларини ўзлаштиришда ўқувчиларнинг ўзаро яқинликларини юзага келтириш, "ўқитувчи - ўқувчи - ўқувчилар гуруҳи"нинг ўзаро бир-бирларини ҳурмат қилишлари, тушунишлари ва қўллаб- қувватлашлари, самимий муносабатда бўлишлари, руҳий бирликка эришишлари кабилар билан тавсифланади". [3]

Таълим жараёнида интерактив усуллар таълам жараёни унумдорлигини оширади,ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш жараёнини шакллантиради, ўқувчиларда билимга қизиқиш ва иштиёқни оширади,билимларни мустахкам ўзлаштириш, улардан амалиётда эркин фойдаланиш кўникма ва малакаларини шакллантиради.

Интерфаол методлар асосида тузилган дарс тизимларида турли методлардан фойдаланилади. Бунда талабаларга китоблар, дафтар ва бошка воситалардан фойдаланиш тақиқланмайди, аксинча бундай усулларни қўллаш рағбатлантирилади.

**Интерфаол методлар қуйидагача тасниф этишни мақсад қилиб олдик;**

*- янги билим эгаллашга йўналтирилган методлар;*

*- олган билимларни амалда татбиқ этишга қаратилган методлар;*

*- мустаҳкамлаш, тўлдириш ва назорат ўрнатувчи методлар;*

*- билим, кўникма ва малакаларни текшириш ва баҳолаш методлари;*

*- ижодий изланиш ва тадқиқотчилик методлари.*

Педагогик технологияларнинг асосий негизи ўқитувчи ва ўқувчи-талабанинг белгиланган мақсадда кафолатланган натижага хамкорликда эришишлари учун танланган технологияларга боғлиқ бўлади.

Интерфаол усуллар таълим жараёнида қатнашаётган хар бир ўқувчининг фаоллигига, эркин за мустакил фикр юритишига асосланади. Бу усуллардан фойдаланганда, билим олиш жараёни ўқувчи учун қизиқарли машғулотга айланади. Интерфаол усуллардан дарс машғулотларида қуйидаги усулларда фойдаланиш таълим сифатини янада оширади.

Жумладан, психология фанларини ўқитишда таълимни шакли катта аҳамиятга эга, зеро қанчалик таълим жараёнидаги берилаётган янги маълумотлар таълим олувчидаги мавжуд тасаввурлар ва тажрибаларга таянган бўлса, уни идрок этиш, билиш жараёнлари орқали таҳлил қилиш баҳолаш фаоллашади. Айниқса "Кунгабоқар" Стратегия ўқувчи (талаба)ларда муаммоларни ечиш, умумлаштириш, мустақил фикрлаш ва ўз фикрларини эркин баён қилиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. У ўрганилган

---

*[2] Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши / Методик қўлланма. Тузувчилар: Д.Рўзиева, М.Усмонбоева, З.Ҳолиқова. - Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ нашриёти, 2013. - 4.39. бет.*

*[3] Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб / Методик қўлланма. У.И.Иноятов, Н.А.Муслимов, М.Усмонбоева, Д.Иноғомова. - Тошкент: Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, 2012. - 122-бет.*

мавзуни такрорлаш, ўқувчи (талаба)ларнинг у борасидаги билимларини мустаҳкамлаш, ўқувчи (талаба)лар томонидан эгаллаган билимлар даражасини аниқлашда самарали саналади.

"Кунгабоқар" услубидан, масалан умумий психология фанининг "Билиш жараёнлари" модули бўйича "Тафаккур"мавзусини ўрганишда қўллаганимизда бу услуб жараёнини ўтказиш мобайнида ўқувчилар 4-5 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратиладилар. Ўқитувчи ўқув предмети мавзусидан келиб чиққан ҳолда, ўртага битта муаммони ёки асосий муаммодан келиб чиқиб, ҳар бир гуруҳга биттадан муаммо ташлайди. Ҳар бир гуруҳ доирасимон марказига барглар ёпиштирган ҳолда кунгабоқар ясайдилар.

Мавзуга қараб, доирага ёки умумий битта муаммо ёки ҳар бир гуруҳнинг муаммолари ёзилиб доскага ёпиштирилади (етарли миқдорда қоғоз барглар олдиндан тайёрлаб қўйилиши керак).

Ажратилган вақт ичида гуруҳлар биргаликда фикрлашиб, умумий ёки бир-бирларининг муаммолари бўйича фикр алмашмоқчи бўлсалар, фикрларини баргга ёзиб, уни ўша гуруҳ муаммоси ёзилган кунгабоқар гулига жойлаштириб кўядилар. ҳар бир гуруҳнинг "муаммоли гули" вақт ўтиши билан ўсиб бораверади.

Ўқитувчи доимий равишда барча гуруҳ ўқувчиларига муаммонинг энг қулай ечиш йўлларини топишга ёрдам бериб боради. Фикрларнинг кўплигига қараб "кунгабоқар" ўсиб боради. ҳар бир гуруҳ иши юзасидан мулоҳаза ва фикрларни билдиришга 6 дақиқа вақт ажратилади

Бу услубдан ўтилган мавзуни тушунтириш, унинг материалларини мустаҳкамлаш, мавзуни такрорлаш ва ўқувчилар томонидан эгалланган билимларни аниқлашда фойдаланиш мумкин. Услуб, талаба (ёки ўқувчи)ларга муаммоларни ечиш, умумлаштириш, мустақил фикрлаш ва фикрларини эркин баён қилишга ўргатади.

Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, талабаёшлар бир хилликни, пассив тингловчи, итоаткор бажарувчи, бировнинг фикрига қарам бўлишни ёқтирмайди. Чунки интер фаол усулларнинг тарбиявий хусусиятлари - ақлий ахлоқий, этик, маънавий, руҳий тарбия жараёнларига таъсир кўрсатса, ривожлантирувчи хусусиятлари шахснинг интелектуал салоҳият иниоширади,ундаги диққат, хотира, тафаккур, идрок, темперамент,фаолият хиссиёт рода каби психопедагогик ривожланишига таъсир кўрсатади, талабаларда фаоллик, танқидийлик, самарадорлик, эркин фикрлилик ва теран тафаккурни ривожлантиради. Демак таълимда интерфаол усуллардан фойдаланиш бугунги кун талабига айланди.

Хулоса килиб айтганда, таълим жараёнида интерактив усулларни фаол татбиқ этиш ҳисобига ўқув жараёнининг рағбати (мотивацияси) кучайтирилиши мумкин. Маълумки, бундай усуллардан фойдаланиш орқали ташкил этиш талабаларни эркин фикрлашга ҳамда ўз фикрини ҳимоя қила олишга, бошқалар билан очиқ ҳолда баҳслашишга, эгаллаган билимларини таҳлил қила олишга танқидий-мантиқий фикр юритиш билим ва кўникмаларини шаклланишига, тафаккур тезлигини аниқлашга, кичик гуруҳларда ҳамкорликда ишлаш малакасини эгаллашга, ўзаро бир-бирини ҳурмат қилиш ҳиссини шаклланишига ёрдам беради.

**Тақризчи п.ф.н. И.Тўрақулова.**

*************************

# ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА КРЕАТИВ ҚОБИЛИЯТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

***Тилакова Мавжуда Ашуровна-*** *п.ф.б.ф.д (PhD), Жиззах вилоят МОҲМ.*

**АННОТАЦИЯ:**

Синфдан ташқари машғулотлар шарт-шароитлари, миллий-маданий меросга эътибор, ўқувчиларнинг ижодий потенциали, ўқувчилар томонидан Ўзбекистон ҳудудидаги қадимий меъморий ёдгорликларни ўрганиш, бадиий-эстетик ижодий идрок қилиниши. Миллий, тарихий-маданий, қадимий меъморчиликка оид мероснинг жаҳондаги аҳамияти, креатив ўрганилиш.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** юқори синф ўқувчиларини креатив қобилиятларини ривожлантирш, тарихий маданий ёдгорликларни креатив тарзда ўрганиш, тарихий маданий ёдгорликларни асрб авайлаш руҳида ёшларни тарбиялаш.

В процессуально-педагогической системе структурно-содержательная основа заданного процесса, представляющая определенные уровни. В нашей практике развития креативных способностей у учащихся 8-9-ых классов на внеклассных занятиях, историко-культурные памятники Узбекистана, креативное изучение, мотивация, организация-установочный, личностно-ориентационный, конкретно-творческий, творческо-деятельностный, самосовершенствования, самоактуализации и социализации, объективной самооценки.

**КЛЮЧЕВОЙ СЛОВА:** креатив, креативному изучению учащимися 8-9-ых классов, развития креативных способностей, креативное изучение - о креативе, роль и значение креатива в духовном, интеллектуально-творческих способност

The problem of a creativity of a modern person becomes more and more actual. Creative people are necessary to a developing society, first of all, - for being intellectual-creative, capability to think safely, creativity - it is nonconventional and original, solving problems productively. Today creativity is the important criterion of the person, the factor of his complete development.

Therefore in the state educational policy of creativity - at intellectual level, naturally, on an informative basis, the especial attention now is given to active creativity. In the educational policy of Uzbekistan among development of the basic qualities and abilities trained are allocated creative - potential of the person with special attention to intellectual-creative thinking.

**KEY WORDS:** oginal, creative, initiative, constructive, innovative, education, development, basic, quality, level, thinking.

Таълим тизимини ислоҳ қилиш, давлат ва но-давлат таълим муассасалари ҳамда таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш негизида таълим тизимини изчил ривожлантириш, таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга оширилаётган янгиланиш, ривожланган демократик ҳуқуқий давлат қуриш жараёнларига мослаштириш, кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболлари, жамият эҳтиёжлари, фан, маданият, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда қайта қуриш ва такомиллаштириш, таълим олувчиларни ижодий-интеллектуал ва маънавий-ахлоқий тарбиялаш, уларда креативлик қобилият-ларини ривожлантириш, бунинг самарали шакл ҳамда услубларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишни таъминловчи норматив, моддий-техник ва ахборот базасини яратиш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.[1] Шу жиҳатга эътибор каратганимизда юқори синф ўқувчиларининг креативлик қобилиятларини ривожлантириш бугунги куннинг ниҳоятда муҳим, назарий-педагогик ва амалий жиҳатдан долзарб муаммоси саналади. Уни тадқиқ этишда қуйидагиларга аҳамият қаратиш зарур.

**Бунда:**

*- ўқувчиларнинг интеллектуал-ижодий ишлари (машғулотлар мавзулари бўйича);*

*- турли ижодий топшириқларни бажаришга қизиқиш билан ёндашиш лари, қобилият ва эҳтиёжлари;*

*- уларнинг (мактабда) ижтимоийлаштириш истиқболи билан фаоллаш тирилиши муҳим ўрин тутади. Асосийси, ўқувчиларнинг тарихий-меъморий иншоотларни ўрганишга нисбатан мотивациясини фаоллаштиришдир.[2]. Уларга машғулотлар мазмуни, ўзига хослиги, эластиклиги, инновацион моҳиятга эгалиги, шахсга йўналтирилганлиги, ижодий потенциали, шахснинг креатив ривожланиши учун истиқболни белгилаши кабиларни сингдириш лозим. Бунинг учун машғулотлар мазмуни чуқур, жозибадор, эсда қоладиган, ўқувчиларнинг идрок қилиш фаолияти эса ранг-баранг, ижодий ва репродуктив бўлиши керак. Ҳкитувчи муаммонинг ечимига, ўқув материалини ўргатишга ижодий ёндашиши шарт. Бунда қадимий тарихий-маданий ёдгорликларни ўрганиш, жумладан, тарихий, жамоавий-ижтимоий, маданий, меъморий-бадиий, қадриятли-эстетик каби йўналишларда олиб борилади. Машғулотда ўртага ташланган муаммони ҳал қилишда интеллектуал-ижодий ишлар жараёнининг айрим муҳим компонентларига алоҳида эътибор берилади. Булар:*

*- муаммони идрок этиш, уларни англаш ва тушуниш; натижани тахмин қилиш ва аниқ тасаввур этиш; ечимини излаш; натижага эришиш; хулоса ва якуний хулоса каби компонентлардир.*

*Юқори синф ўқувчиларининг интеллектуал-ижодий ишларини баҳолашда асосан қуйидаги мезонларга таянилади:*

*- янгилиги ва ўзига хослиги, ишончлилиги ва аниқлиги, мантиқий изчиллиги, тафаккурнинг ижодий даражаси, матннинг адабий-таҳририй расмийлаштирилганлиги, иллюстративлиги, субъек-тив тафаккурга, ўз фикри ва объектив баҳолаш кўникмасига эгалиги, иши юзасидан муносабат билдира олиши.*[3]

Ўқувчининг субъектив тафаккурга, ўз фикри ва объектив баҳолаш кўникмасини эгаллашида ўз-ўзини ривожлантиришга йўналтирувчи консультатив машғулотлар муҳим ўрин тутади. Бу хил машғулотлар "Креатив ўз-ўзини ўстиришни режалаштириш", "Интеллектуал-ижодий қобилиятларни ривожлантириш", "Семинар, конференцияга тайёргарлик кўриш", "Иш натижаларининг муваффақиятли чиқиши сирлари" каби мавзуларда ўтказилиши мумкин.

Юқори синф ўқувчиларининг ижтимоий-коммуникатив фаолияти муаммонинг амалий тадқиқ қилинишида муҳим натижали босқич ҳисобланади. Интеллектуал-ижодий фаолият тузилмасидан қуйидаги компонентларни ажратиб кўрсатамиз, **Булар:**

*I. Мотивлар асосида белгиланган ғоя-мақсад, фаолият турини танлаш, уни ташкил этиш шаклини топиш, ишлаш учун шароит яратиш.*

*II. Режани (ғояни, мўлжални) амалга ошириш.*

*III. Мақсадга эришишда ўз-ўзини назорат қилиш.*

*IV. Интеллектуал-ижодий фаолиятни таҳлил қилиш, тавсифлаш ва баҳолаш.*

Бу жараёнда ўқувчиларга таклиф қилинаётган топшириқ ва иш мавзулари кўп сонли ва кўламли, турлари бўйича ранг-баранг ва мазмуни бўйича кўп вариантли бўлиши зарур. Улар интеллектуал-ижодий ёндашувни, аниқ тарихий-маданий билимларни ва албатта, жиддий муносабатни талаб қилади. Албатта, ўз ижодий маҳсулотини турли ижтимоий-коммуникатив фаолият жараёнида амалга ошириш орқали ўз-ўзини креатив намоён қилиш ва жамоадаги ўз ўрнини белгилаб олишдан интеллектуал-ижодий қаноат ҳосил қилишга олиб келади.

*[1] Ш.М.Мирзиёев. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Тошкент, Ўзбекистон, 2017. - 488 б.*

*[2] Адизов Б.Р. Теоретические основы творческой организации начального обучения: Автореф.дисс. ... докт.пед.наук. - Т., 2003. - 43 б.*

*[3] Касымов К. Художественно-эстетическое воспитание обучающихся в процессе кружковых занятий народной росписью по дереву в общеобразовательных школах Узбекистана: Автореф.дисс. ... канд.пед.наук. - М., 1983. - 16 б.*

### АСОСИЙ КРЕАТИВ ҚОБИЛИЯТЛАР (Кғ)




Бу хил топшириқ турларига "Шарқ буюк мутафаккирлари ёш авлоднинг ижодий ривожланиши тўғрисида", "Ижодий шахснинг замонавий жамиятдаги роли ва ўрни, нуфузи ва обрўси" мавзуларида ёзидириладиган рефератларларни киритиш мумкин. Шунингдек, ўқувчиларнинг ўз-ўзини ривож-лантириши, баҳолаши, таҳлил этишига қаратилган ёзма рефератлар ҳам топширилиб, улар "МЕН"-креатив шахсми?", "Менинг интеллектуал-ижодий қобилиятларим","Мен Ўзбекистон тарихий-маданий ёдгорликларини қандай ўрганмоқдаман?", "Менинг креатив ўз-ўзимни ўсти-ришим" каби мав-зуларда амалга оширилади. Маъруза, суҳбат, ҳикояни тинглаш асосида бериладиган топ-шириқлар асосий, муҳимни ажратиш, баён қилиниши бўйича хулосани умумлаштириш; ўз таассуроти тўғ-рисида ҳикоя қилиш; мавзуни баён қилишнинг жадвали, режаси, мавзусини тузиш, конспект ёзиш каби йўна-лишларда амалга оширилади. Ўқувчини фикр юритишга йўнал-тирувчи топшириқларда: "Тафаккурни айниқса, нима фаоллаштирди? Нима ёқди, ўчмас из қолдирди? Нимага ҳайрон қолдик? Нима тўғрисида янада кенгроқ билим олишни истадик? Қандай муаммолар, қандай саволлар пайдо бўлди? Ақлнинг равшанлашиши, фараз, "Онгида фикрнинг чақмоқдек чақнаши" содир бўлдими? Ўз мулоҳазаси, фикри, фарази пайдо бўлдими? Нимани-дир "тадқиқ қилиш", излаш истаги юзага келди-ми? Нима устида "бош қотиришни" хоҳ-лади?", "Эмоционал-идрок қилишга оид қаноатланиш ҳосил қилдими?", "Маъруза (суҳбат)ни қисмларга ажратинг ёки саволларни маъруза материали бўйича гуруҳлаштиринг. Тарихий-маданий ёдгорлик яна қайси нуқтаи назардан кўриб чиқилмаган?", "Машғулотнинг кўргазмали-иллюстратив жиҳатларидан мамнунмисиз (бу тўғрида мулоҳаза ёки тавсиялар бера оласизми)?", "Қуйидагиларни ён дафтарингизга қайд этиб қўйинг: маъруза (суҳбат)нинг асосий сўзларини; янги тушунча ва тасаввурларни", "Маъруза (суҳбат)да муҳокама қилинган образ тўғрисида сизнинг тасав-вурингиз қандай бўлди?", "Маъруза жараёнида ўр-тоқларингизнинг креативлик фаоллигини кузатдингизми?" каби савол-топшириқлар тақдим этилади. Тарихий-маданий ёдгорликларни ўрганишга йўналтирувчи топшириқ ва ишлар ёзма реферат, маъруза тайёрлаш, афсона ва ривоят кабиларни ижод қилишга қаратилади.

"Тарихий-маданий ёдгорликларни креатив ўрганиш-шахс ривожланиши учун зарурият", "Ўзбекистоннинг қадимий меъморчилик ёдгорликлари", "Ўзбекистон ҳудудидаги қадимий архитектура меъморчилиги халқ юксак маданиятининг исботидир", "Ўзбекистоннинг тарихий-маданий ёдгорликлари жаҳон эътирофига сазовор бўлишга лойиқдир"; "Ўзбекистон ҳудудидаги менинг севимли архитектура мўъжизам", "Қадимий меъморчилик санъати билан "учрашув" тўғрисида эсдаликлар", "Ўзбекистоннинг тарихий-маданий ёдгорликларига менинг муносабатим" каби машғулот мавзулари орқали ўқувчилар қадимий меъморий ёдгорликлар тўғрисида мулоҳаза юритиш ва хулосалар чиқаришга йўналтирилади. Уларга "Ўзбекистон тарихий-маданий ёдгорликлари-энг буюк миллий мерос", "Ўзбекистон тарихий-маданий меъморчилик мероси - жаҳон бойлиги" мавзуларида маърузалар; "Самарқанд (Бухоро, Хива) тарихи", "ЮНЕСКО муҳофазасида бўлган Ўзбекистон ҳудудидаги тарихий-маданий ёдгорликлар", "Самарқанд (Бухоро, Хива) қадимий тарихий-маданий шаҳар", "Самарқанд (Хива, Бухоро) нинг энг муҳим меъморий ёдгор-ликлари", "Амир Темур-Самарқанд бинокори" мавзуларида маърузалар тайёрлаш; "Самарқанддаги Бибихоним мадрасаси тўғрисида", "Самарқанддаги Улуғбек расадхонаси", "Афросиёб қазишмаларида" мавзуларида ҳикоя ва ривоятлар ёзиш; "Самарқанддаги Бибихоним мадрасаси қурилиши тарихи", "Буюк Амир Темур мақбараси тарихи", "Самарқанддаги қадимий Регистон майдони тарихи", "Самарқанд яқинидаги қадимги Афросиёб шаҳри қазилмалари тарихи" каби мавзуларда афсоналар тўқиш ёки халқ оғзаки ижоди материалларини тўплаш вазифалари топширилади.[4] Шундай қилиб, синфдан ташқари машғулотларнинг тузилмавий-мазмундор асосида мотивацион, ташкилий-кўрсатмали, шахсий-мўлжалли, креатив-интеллектуал-ижодий, шахсий-ижодий, ахборот-англаш, акс эттириш- интеллектуал-ижодий, ижодий-тасвирий ҳамда таржимага оид, ўз-ўзини ижтимоийлаштириш, ўз-ўзини такомиллаштириш каби компонентларга урғу берилади.[5] Умумий ўрта таълим мактаблари юқори синф ўқув-чиларида креативлик қобилиятларни ривожлантириш бўйича қуйидагиларни амалга ошириш лозим.

*- ўқувчиларда креативлик қобилиятларни ривожлантиришга расмий-мақомли урғу бериш лозим;*

*- ўқув муассасалари маъмуриятининг эътиборини қаратишга эришишда қуйидаги фаолият турларини қўллаш: ўқитувчиларни зарурий тайёргарлик билан таъминлаган ҳолда, ташаббускор тадқиқотчиларни рағбатлантириш; ушбу муаммони давлат аҳамиятига молик, замонавий жиҳатдан долзарб масала сифатида кун тартибига қўйиш ва ҳал қилиш зарур;*

*- умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар, коллежларда ўқувчиларнинг креативлик қобилиятларини ривожлантириш бўйича синфдан ташқари машғулот ва тадбирларни фаоллаштириш керак;*

*- синфдан ташқари машғулотларнинг муаллифлик дастури доираларида муаммо ечимини топишнинг методологик-директив, психологик-педагогик, назарий-педагогик ҳамда креатив амалий ёндашувларига урғу бериш зарур.*

**Тақризчи: доцент Ш.Абдужалилова.**

---

*[4] Формирование у обучающихся эстетического отношения к художественному наследию: Методик тавсиялар. - Т.: Т.Н. Қори-Ниёзий номидаги УзНИИПН, 1987. - 138 б*

*[5] Нишонова С. Воспитание совершенного человека в развитии педагогической мысли эпохи возрождения Востока: Пед. фанлари докт. дисс. автореф. - Т., 1998. - 37 б*

# МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ

***Раззоқова Маҳлиё Қосимжоновна*** - *ўқитувчи, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети*

**АННОТАЦИЯ:**

Мақолада мактабгача таълим ташкилотларида психологик хизматни ташкил этиш методлари босқичма-босқич амалга ошириш усуллари билан ёритилган. Бундан ташқари, болалар онгини ривожлантирувчи расмлардан ҳам фойдаланилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** таълим-тарбия, психик хусусият, сезги-ҳиссиёт, ақл-идрок, хулқ-атвор, хатти-харакат, нутқ, мувозанат.

В статье дается описание методов организации психологических служб в дошкольных организациях с пошаговыми методами. А также использование картинок с целью развития умственных способностей детей.

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** образование, воспитание, психические особенности, интуиция, интеллект, поведение, манера поведения, речь, равновесие.

The article describes methods of organizing psychological services in preschool organizations with step-by-step methods. Paintings have also been used to develop the minds of children.

Болаларга тарбия бериш учун аввало тарбияланадиган болаларнинг психикасини, психик хусусиятларини ҳам яхши билмасдан туриб, таълим-тарбия ишларини тўғри ташкил қилиб бўлмайди. Шу сабабли тарбиячилар учун психология фанининг, айниқса, болалар психологиясининг аҳамияти ғоят катта. Болалар психологияси инсон онгининг болалик чоғидан бошлаб қандай ўзгариши, ўсишини ва бунинг сабабларини очиб бериш билан, мураккаб психик жараёнларнинг асл табиатини тўғри тушунишга ёрдам беради. Демак, одамда бўладиган ва ташқаридан қараганда сирли бўлиб кўринадиган ақл-идрок, сезги-ҳиссиёт ҳамда орзу-тилакларнинг болаликданоқ қандай тараққий этишини билмай туриб, таълим-тарбияга доир маълумотларни эгаллаб бўлмайди. Тарбиячилар турли ёшдаги болаларни тарбиялаётган вақтларида, аввало уларнинг психологик томонларига таъсир қиладилар. Бошқача қилиб айтганда, тарбиявий таъсир орқали болаларнинг зеҳнини, хотирасини, диққатини, қобилият ва истеъдодини, фикр ва туйғуларини ўстиришга ҳаракат қиладилар[1].

Болалар психологиясининг аҳамияти шундаки, агар тарбиячилар боланинг психик тараққиётига хос қонуниятларни ва бола шахсига хос хусусиятларни билмасалар, болалар онгини ўстириш ишига тўғри раҳбарлик кила олмайдилар.

Маълумки, мактабгача таълим тизимида зеҳнли, дадил, қувноқ болалар билан бир қаторда ўжар, инжиқ, тортинчоқ, камгап болалар ҳам учраб туради. Бу нарса тарбиячи учун турли характердаги болалар билан бир хил муносабатда бўлиш имконини бермайди. Лекин тарбиячининг асосий вазифаларидан бири-ўзига ишониб топширилган болаларнинг ҳаммасида замон талабига муносиб бўлган юксак сифатларни ўстириб, тарбиялаб беришдир. Бундай вазифани муваффақиятли амалга ошириш учун болаларни бир-биридан ажратиб турувчи индивидуал фарқларни ҳамда бундай фарқларни келтириб чиқарувчи сабабларни билиш зарур бўлади. Бу эса, ўз навбатида, болалар психологиясидан яхши хабардор бўлишни тақозо қилади. 3 дан 7 ёшгача бўлган давр боғча ёши даври ёки мактабгача ёш даври ҳисобланади.[2]

Мактабгача ёшдаги болалар психологиясида жуда тез сифат ўзгаришлари бўлишини инобатга олган ҳолда 3 даврга: 3-4 ёш кичик мактабгача давр, (кичик боғча ёши), 4-5 ўрта мактабгача давр, (ўрта боғча ёши), 6-7 ёш катта мактабгача давр, (катта боғча ёши)га ажратиш мумкин. Бола ривожланиш жараёнида кишилик авлоди томонидан яратилган предмет ва ҳодисалар олами билан муносабатга киришади. Бола инсоният қўлга киритган барча ютуқларни фаол равишда ўзлаштириб, аста-секинлик билан эгаллаб боради. Бунда предметлар оламини, улар ёрдамида амалга ошириладиган хатти-ҳаракатларни, тилни, одамлар орасидаги муносабатларни эгаллаб олиши, фаолият мотивларининг ривожланиши, қобилиятларнинг ўсиб бориши, катта ёшли кишиларнинг бевосита ёрдамида амалга оширилиб борилиши лозим. Асосан, шу даврдан бошлаб боланинг мустақил фаолияти кучая бошлайди.[3]

Боғча ёшидаги болаларга бериладиган тарбия, уларнинг мураккаб ҳаракатларини ўзлаштириш, элементар гигиена, маданий ва меҳнат малакаларини шакллантириш, нутқини ривожлантириш ҳамда ижтимоий ахлоқ ва эстетик диднинг даст-

*1 Нишонова З.Т., Алимова Г.К.. Болалар психологияси ва психодиагностикаси Т.: ТДПУ 2017.*
*2 Ғозиев Э. Онтогенез психологияси. Назарий- экспериментал таҳлил Т.: Ношир, 2017.*
*3 Дўстмуҳамедова Ш.А,. Нишонова З.Т ва бошқалар. Ёш даврлари ва педагогик психология Т.: Фан ва технологиялар, 2018.*

лабки куртакларини ҳосил қилишга қаратилиши лозим. Машҳур рус педагоги Лестгафтнинг фикрича, инсонинг боғча ёшидаги даври шундай бир боқички, бу даврда болаларда характер ҳислатларининг намуналари шаклланиб, ахлоқий характернинг асослари юзага келади.

Бола боғча ёшига етгач, унинг психик тараққиётида жиддий ўзгаришлар юзага келади. Чунки худди ана шу даврдан бошлаб боланинг мустақил фаолияти анчагина кучая бошлайди. Боғча ёшидаги бола мустақил фаолиятда бўла олиши учун зарур бўлган иккита қудратли кучга эга. **Биринчидан,** маълум даражада ўзига бўйсундирилган харакат аппаратига, **иккинчидан** эса, атрофидаги катта одамлар ва ўз тенгдошлари билан бир қадар эркин муносабатда бўла оладиган нутққа эга. Мана шунинг учун бу ёшдаги болаларнинг хулқ-атворлари, хатти-харакатлари, қизиқиш ва эҳтиёжлари боғчагача ёшдаги болаларникидан кескин фарқ килади. Бу эса, ўз навбатида, боғча ёшидаги болалар билан боғчагача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига ҳам турлича муносабатда бўлишни тақозо қилади. Боғча ёшидаги даврда боланинг барча психик жараёнлари жадал ривожлана бориб, унинг ташқи мухит билан бўладиган муносабатларида анчагина ўзгаришларни юзага келтиради. Бир томондан, бола боғча ёшига етгач, катталарнинг доимий ёрдамларидан анча озод бўлиб, улардан бир қадар узоқлашади, иккинчи томондан, кат-талар билан бўлган муносабатлари мураккаб, кўп томонлама характер касб эта бошлайди.

### КИЧИК МАКТАБГАЧА ЁШ ДАВРИДАГИ БОЛАЛАРНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ (ТАЙЁРЛОВ ГУРУХИ)[2]

| Кўрсаткичлар | 6-7 ёш |
|---|---|
| Тафаккур | Мантиқий тафаккур элементлари кўргазмали-образли тафаккур асосида ривожланади |
| Нутк | Ички нуткнинг ривожланиши |
| Билиш жарёнларининг ихтиёрийлиги | Ихтиёрийликнинг харакат қилиш ва ўзлаштириш жараёнини концентратлаш сифатида шаклланишининг бошланиши |
| Физиологик таъсирчанлик | Индивидуал, кўпчиликда паст даражада |
| Билиш обьекти | Предмет ва ходисалар ўртасидаги сабаб-оқибатли боғланиш |
| Билиш усуллари | Мустақил фаолият, катталар ва тенгдошлари билан билишга оид мулокот |
| Муваффакият шарти | Шахсий кенг дунёқараш, бирор бир ишдаги билим |
| Мулоқот шакли | Вазиятдан ташқари-шахсий |
| Катталар билан муносабат | Эмоционал қўллаб-кувватлаш манбаси |
| Низолар | 7 ёшларда-инкироз, ижтимоий ролнинг алмашиниш |
| Эмоциялар | Олий хисларнинг ривожланиш. |
| Ўйин фаолияти | Узоқ ўйинли бирлашув; ўз хулк-атворини ролга мувофиқ равишда мослаштира олиш кўникмаси |

Боғча ёшидаги болаларнинг психик жиҳатдан ривожланишларида уларда пайдо бўладиган хилма-хил эҳтиёж ва қизиқишлар болаларни у ёки бу харакатга ундовчи, уларни ишга солувчи (омил) хисобланади[4]. Маълумки, илк ёшдаги болаларда (янги чақалокларда) асосан органик эхтиёжлар (масалан: овқатланиш, ташналикни қондириш, ухлаш каби) лар мавжуд бўлади. Боланинг фаолият доираси кенгайган сари атрофидаги нарсаларни билишга қаратилган эхтиёжлари хам орта боради. Бунга сабаб болада турмуш тажрибасининг озлигидир. Хар бир нарса бола учун янгилик бўлиб туюлади ва бола уни хар томонлама билиб олишга интила боради. Шунинг учун хам улар жуда кўп саволлар беради. Мактабгача ёшдаги болаларнинг психик жихатдан ривожланишларида боғча муҳити жуда катта роль ўйнайди. Боғчадаги тартиб, интизом ва турли-туман таълимий машғулотлар болаларда юксак ижтимоий, интеллектуал, ахлокий ва гигиеник эхтиёжларнинг уйғун равишда юзага келиши учун шароит туғдиради.

Мактабгача таълим ташкилотларида психологик хизматни ташкил этиш методикасини босқичма-босқич амалга ошириш керак:

**1-босқич:** Бунда 2-3 машғулот бўлиб, у тайёрловчи бўлади ва унга болаларни гуруҳга йиғиш киради. Кўпинча 1-машғулотда болалар билан уришмаслик, бир-бирини ҳақоратламаслик, ўз-ўзини ҳимоя қилиш ва ёқмайдиган мавзуда гаплашмаслик ҳақида сўз боради. Гуруҳ қоидалари бажарилиши учун уни минимал даражада тузиш лозим. Бу босқичда болалар ўзини қулай сезиши керак бўлиб, бир-бири билан дўстлашиб, психотерапевт билан тил топишиб машғулот ўтказишни ўрганиши керак.

**2-босқич:** 3-4 машғулотда болаларнинг агрессив хулқи юзага чиқиши кузатилади. Бундай ҳолларда боладаги агрессияни чиқиб кетишига имкон бериш лозим.Жиддий муаммо тус олганда болаларга, муаммонинг ўчоғини топиб, тўғри йўл кўрсатиб ёрдам бериши керак. Бу босқичда турли ўйинлар, эртакдан фойдаланиш, психотерапевтик машқлар, болаларни гуруҳга суянишини ўргатилади. Бу босқичда қўлланилган эртакларда болаларга маъсулиятлиликни, атрофдагиларни севиш, ҳурмат қилиш, ўзаро ёрдам бериш, ўзидаги ишончсизликни бартараф этиш, ота-она билан муносабат, ўртоқлари билан тўғри муомала қилиш муаммолари ўргатилади [5].

Болаларнинг мактабга тайёргарлигини аниқлашда психодиагностика методларидан фойдаланган маъқул. Массалан, ортиқча предметни топинг, қолган предметларни эса умумий битта ном билан номланг.

[2] www.bimm.uz

[4] Шаповаленко И.В. Возрастная психология (Психология развития и возрастная психология): учебник для студентов вузов. - М.: Гардарики, 2017.

[5] Асадов Ю., Мусурманов Р. Ўсмирлар девиант хатти-ҳаракатининг ижтимоий-психологик хусусиятлари (диагностика, профилактика, коррекция) -Т., 2018

**АСБОБ АНЖОМЛАРНИНГ НОМИНИ АЙТИНГ.**



**БЎШ КАТАК ИЧИГА ЕТИШМАЁТГАН ШАКЛНИ ЧИЗИНГ:**



**ТУШИРИБ ҚОЛДИРИЛГАН РАҚАМЛАРНИ ҚЎЙИНГ :**




каби шунга ўхшаш методлар орқали болаларни тезкорликка, фаолликка, тўғри фикрлашга ўргатиб борамиз. Натижада, шу хусусиятлари ривожланган болалар эркин мулоқотга кириша оладилар, қизиққан нарсалари ҳақида сўрай оладилар, мактабга чиққанларида ҳам ўқишга бўлган қизиқишлари ортади ва ўқитувчи гапираётган нарсаларни диққат билан узоқ вақт эшита оладилар. Демак, боланинг мактабга тез мослашиши ва муваффақиятли ўқишида шахсий ва ижтимоий-психологик тайёргарлигининг ҳам аҳамияти жуда каттадир.

**Тақризчи: п.ф.д. Р.Абдурасулов.**

************************

# МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА БИЛИШГА ҚИЗИҚИШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

***Сабирова Камола Абдунабиходжаевна** - таянч докторант, Тошкент давлат педагогика университети*

**АННОТАЦИЯ:**

Мақолада мактабгача катта ёшдаги болаларда борлиқни билишга қизиқишини шакллантириш усуллари мисоллар ёрдамида ёритилган. Шунингдек, турли босқичма-босқичли ўйинлар орқали болаларнинг фаоллигини ошириш йўллари кўрсатилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** экскурсия, борлиқ, ғурур, дидактик ўйинлар, конструкция, нутқ, педагог, психолог, онг.

В статье рассматриваются примеры способов формирования любопытства у дошкольников. А также описаны способы повышения активности детей с помощью разнообразных пошаговых игр.

The article examines examples of ways of forming curiosity in preschoolers. It also shows how to keep kids active with a variety of turn-based games.

Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, ҳалқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев "Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз", - деб бежиз айтмаганлар. Биз болаларимизни келажакда мард ва олижаноб, кенг дунёқарашли, ўз мустақил фикрига эга тарзда тарбиялашимиз лозим[1]. Мактабгача таълим

[1] *Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. - Т.: "Ўзбекистон", 2017. - 488 б.*

ёшидаги болаларнинг юксак маънавий фазилатларини камол топтириш, миллий маънавиятини такомиллаштириш, бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотларнинг ҳал қилувчи омилидир.

Мактабгача ёшдаги болаларни атроф-муҳит билан таништириш орқали улар томонидан ҳар томонлама билимларни эгаллаши, психик жараёнларнинг ривожланиши, қобилиятлари ўсиши, дунёқараши шаклланиши, ахлоқий сифатлар, ижобий хулқ-атвор одатларини ўзлаштирилишига эришилади.

Болани ўраб турган атроф-олам ҳақидаги тушунчалар: она Ватанга мухаббат, уларни тарихимиз ва Шарқнинг буюк алломалари, уларнинг ҳаёти ва ижоди билан таништириш, машҳур саркардалар, байрамлар, халқ амалий санъати ҳақидаги билимларини бойитишда муҳим аҳамият касб этади.

"Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари" асосида ишлаб чиқилган "Илк қадам" ўқув дастурида турли ёш гуруҳ болаларининг атроф-олам ҳақидаги тушунчаларини шакллантиришда "Билиш жараёнининг ривожланиши" соҳаси 6-7 ёшли бола компетенциялари бўйича қуйидаги билимларни эгаллаши кўзда тутилади:

*- атроф-муҳитдаги воқеа-ҳодисалар ва кўринишларни кузатади ҳамда тадқиқ қилади;*

*- атроф-муҳитга нисбатан эҳтиёткорона ва ғамхўр муносабатни намоён этади (1-чизма).*

Ватан, маҳалла тўғрисидаги билимларни мустаҳкамлаш борасида "Ўзбекистон - менинг Ватаним" мавзуида бир ой давомида "Менинг шаҳрим", "Менинг шаҳрим - менинг маҳаллам", "Менинг шаҳрим - менинг маҳаллам", "Мен ва менинг оилам", "Мен ва менинг дўстларим", "Ўзбекистоннинг оқ олтини", "Транспорт билан танишув", "Ер усти транспорти", "ҳаво, сув ва ер усти транспорти", "Бизнинг яхши ишларимиз", "Барча касблар муҳим", "Ватан ҳимоячилари куни", "Бизнинг иноқ мамлакатимиз", "Бизнинг мамлакатимиз - дўстлик ва тинчлик мамлакати", "Қўшни мамлакатлар" ҳақидаги тушунчаларини мустаҳкамлаш; Ўзбек халқ оғзаки ижоди мавзулари асосида бола қалбида ўз миллатига муҳаббат, миллий ғурур ҳиссини тарбиялаш. Болаларни тарихимиз ва Шарқнинг буюк алломалари, уларнинг ҳаёти ва ижоди билан таништиришни давом эттириш; улуғ алломалар: Алишер Навоий, Ал Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, ì óñòàâàèð Êàì î ëèääèí Áåµçî ä µà³èäàãè тушунчаларини аниқлаш ва мустаҳкамлашдан иборат.[2]

Бугунги кунда мактабгача таълим ташкилотида кечаётган педогогик жараёнда болалар фаолиятини ташкил этишнинг турли хил шаклларидан фойдаланиб келинмоқда. Машғулот, экскурсия болалар кичик-кичик гуруҳлари билан ўтказилади. Яшаб турган жой, табиатни кузатиш ёки табиат қучоғида меҳнат қилишни кичик гуруҳлар билан, якка тартибда ташкил қилиш самарали натижа беради. Жумладан, ўргатиш жараёнида ҳар хил усуллардан фойдаланиш (кўргазмали, амалий, сўзлашув) мақсадга мувофиқ бўлади. Натижада 6-7 ёшдаги болалар ўсимликлар, уй ва ёввойи ҳайвонларни фарқлай олади ҳамда табиатга бўлган муносабати ўзгаради. Болаларнинг қалби жуда нозик, беғубор, ишонувчан бўлади, шунинг учун нимани қандай ўргатилса, шундайлигича қабул қилади.




**1-чизма. Мактабгача катта ёшдаги болаларни атроф-олам билан таништириш.**

Мактабгача таълим ташкилотларида таълим-тарбия беришда энг асосий вазифалардан бири болаларга она тилини ўргатиш, нутқини ривожлантириш, нутқий муносабатга, муомалага ўргатишдир. Нутқ ўстириш услубиёти педагогик фан болиб, мактабгача таълим ёшидаги болаларда нутқни шакллантиришга қаратилган педагогик қонуниятларни ўрганади (2-чизма).




**2-чизма. Мактабгача катта ёшдаги болаларнинг нутқини ривожлантириш.**

[2] *Ў.Толипов ва бошқ. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари Т.: 2016. - 163*

Нутқ ўстириш услубияти фанининг асосий вазифаси-нутқ ўстириш услуби ва услубиятларини, уларнинг энг самарали воситаларини илмий-педагогик асосларда ишлаб чиқиш ва болалар боғчалари тарбиячиларини улар билан таъминлашдан иборатдир. Тарбиячилар эса ўзлаштирилган услуб ва услубият ёрдамида болаларда зарурий нутқий малака ва кўникмаларни ривожлантиришга ҳаракат қиладилар. Нутқ ўстириш услубиятининг мақсади болаларнинг оғзаки нутқини ривожлантиришдан, атрофдагилар билан нутқий мулоқотда бўлиш малакасини шакллантиришдан иборат.[3]

Болалар олган билимлари кундалик ҳаётда, ўйинда, меҳнатда, турмушда, шунингдек бошқа машғулотларда доим мустаҳкамланиши жуда муҳим. Билимларни мустаҳкамлашда дидактик ўйинлар, жумладан, халқ дидактик ўйинлари, пирамидачалар ва бошқа ўйинчоқлар билан ўйналадиган ўйинлар муҳим роль ўйнайди. Фазода мўлжал (ориентация) олиш машқларини таъминловчи ўйинларга катта аҳамият берилади. Жисмоний тарбия ва мусиқа машғулотларида болаларнинг тартиб саноқ билан шуғулланишларига, ҳаракат йўналишларини аниқлашлари ва ҳоказоларга тўғри келади. Геометрик шаклларни билиш, катталик белгиларини ажрата олиш ва улар орасида ўлчов муносабатларини ўрната олиш малакаси, буюмлар орасида фазовий муносабатлар ўрната олишдан ташқари болалар ҳар доим расм солиш, лой ва пластилиндан нарсалар ясаш, конструкциялаш ва бошқа машғулотларида фойдаланишлари лозим.

Болаларнинг билимлари борган сари мустаҳкамроқ ва таъсирчанроқ бўлиб боради, янги шароитларга ўтказилади, болалар уларни мустақил қўллашга ўрганадилар, рангларни, сонларни, фигураларни бир-биридан фарқлай оладилар.

Мактабгача катта ёшдаги болаларда билишга қизиқишни шакллантиришда турли ўйинлардан фойдаланилса, болага осон, тез ва тушунарли тарзда босқичма-босқич ўргатиб бориш мумукин. Чунки, бу ёшда болалар жуда ўйинга берилувчан характерга эга бўлишади. Ҳйин мактабгача ёшдаги болаларнинг асосий фаолияти бўлиб, у орқали бола шахс сифатида шаклланади. Ўйин болаларнинг келажакдаги ўқув ва меҳнат фаолияти, кишиларга муносабатнинг қай даражада шаклланиб боришини белгилайди. Ўйин фаолияти асосида боладаги билиш фаолияти ривожланади, бола қанча яхши ўйнаса, у мактабда шунчалик яхши ўқийди.[4]

Психологлар ўйинни боғча ёши даврида етакчи фаолият деб ҳисоблайдилар. Ўйинда бола шахсининг ҳамма томони бир-бирига ўзаро таъсир этган ҳолда шаклланади.

Ўйнаётган болани кузатиб унинг қизиқишларини, теварак-атроф тўғрисидаги тасаввурларини, катталарга ва ўртоқларига бўлган муносабатини билиб олиш мумкин.

Ўйин болаларни жисмоний тамондан тарбиялаш тизимида, матабгача таълим муассасасининг таълим-тарбия ишида, ахлоқий, меҳнат ва эстетик тамондан тарбиялашда катта ўрин тутади. Ҳйинда ёш организмга хос бўлган талаб ва эҳтиёжлар қониқтирилади, ҳаётий фаоллик ортади, бирдамлик, тетиклик, қувноқлик тарбияланади. Шундай экан, ҳар бир ўйни-машғулотини тўғри режалаштириш мақсадга мувофиқдир.

**Ўзаро ҳурмат тамойили** - бу ўзаро муносабатлардаги қоидага ўхшашдир, яъни ҳар бир ўйин иштирокчиси ўз фикрини эркин билдиришга, танлаш ҳуқуқига эга, ҳамманинг фикри эшитибтингланади.

**Ўйин қоидаларни англаб етиш** - машғулотни бошлашдан олдин болалар ўйин-машғулот мақсадлари, қоидалари билан таништирилади. Агарда болаларнинг айримлари бу нарсаларни англаб етмаса, ўйин-машғулотлар қоидалари такрор тушунтирилади.

**Рефлексия** - олинган билим ва кўникмаларни мустаҳкамлаш мақсадида қайта алоқа ўтказиш муҳимдир. Ўйин-машғулоти якунида бошловчи болалар билан хулоса ясайди. Болалардан кўпроқ нималар ёққани, нималар маълум бўлмагани ва нималарни ўрганганлиги сўралади.

**Идрокни ўстиришга қаратилган ўйинлар** - болада нарсаларнинг ранги, шакли, катталигига кўра таҳлил қилиш малакасини шакллантиради.

**Тафаккурни ўстириш** - образли-ҳаракатли, кўргазмали - образли, мантиқий тафаккур турларини эгаллашдан иборат. Бундай ўйинлар мобайнида болаларда мантиқий тафаккур элементлари шакллана бошлайди, яъни улар хулосалар қила оладилар, мантиқ қонунларига кўра фикрлайдилар.[5]

**Бола ижодий қобилиятининг ўсиши деганда, тасаввур** - хаёлнинг тараққиёти ва ноанъанавий тафаккур қила олиш тушунилади. Ижодкорлик кўп жихатдан ўз ҳис - туйғулари, олам ҳақидаги тасаввурларини турли усуллар билан баён эта олишга боғлиқ. Бунинг учун эса бола ҳар бир нарсада унинг турли томонларини кўра олиши, нарсага хос алоҳида белгиларнинг барчасини ҳис қилиши, образни кўз олдига келтира олиши керак. Шу сабабли бундай ўйинлар пухта режа асосида мунтазам ўтказиб турилиши керак.

Болаларнинг ёшларини ва фикрлаш даражаларини ҳисобга олиш, болаларнинг таълим материалини хотираларида сақлаш имкониятларини ҳисобга олиш, болаларнинг хотираларини ривожлантириш, диққатларини барқарорлаштириш, таълим материалларига қизиқишларини орттириш, ҳис-хаяжонли ҳиссиёт уйғотиш психологик жиҳатларни ташкил этади. Шунинг учун ҳар бир болани маълумотни қандай ўзлаштираётгани, машғулотларга қатнашаётгани, фикрлашини мунтазам кузатиб борилиши керак. Шундагина биз, матабгача катта ёшдаги болаларда билишга қизиқишни шакллантира оламиз. Юқорида кўрсатилган барча амалларни бажаришда тарбиячидан жуда катта масъулият талаб қилинади. Тарбиячи психолог, педагог ҳамда оналик меҳри билан болаларга муносабатда бўлиши керак. Шундагина кенг дунёқарашли ўз мустақил фикрига эга ёшларимимзни келажак ҳаётга мослаштириб борамиз.

**Тақризчи: пед.ф.д., профессор**
**Қ.Йўлдошев.**

[3] *Ф.Р. Қодирова ва бошқ. Болалар нутқини ривожлантириш назарияси методикаси. Т.: "Истиқлол", 2016.*
[4] *Л.Миржалолова. Болаларни ҳикоя қилишга ўргатиш. Т.: 2017.*
[5] *Л.Миржалолова ва бошқ. "Машғулотларни ўтказиш технологиялари" модули бўйича ўқув -услубий мажмуа. Т.: 2017*

# ЎҚУВЧИЛАР КОМПЕТЕНТЛИК СИФАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

***Ахмедова Насиба Ачиловна*** *- катта ўқитувчи, Жиззах давлат педагогика институти*
***Анорбоев Нурсултон Али ўғли*** *- магистрант, Жиззах давлат педагогика институти*

**АННОТАЦИЯ:**

Мақолада бугуннинг долзарб муаммолари, ўқувчиларнинг компетентлик сифатларини рвожлантиришнинг психологик жиҳатлари ёритилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** компетентлик, ижтимоий компетенция, хамкорлик, хулқ-атвор, билим, кўникма, малака, англаш.

Статья посвяшена актуальной на сегодняшний день проблеме рассмотреннию психологических аспектов развития компетенций студентов.

**Ключевые слова:** компетентность, общение, стремление, социальная компетентность, сотрудничество, понимание, поведение, адаптация, знание, осознание.

Actual problems of thetopik, psychological aspects of the development of students' competencies are solved.

**KEY WORDS:** competence, social competence, cooperation, behavior, knowledge, skills, understanding.

Сўнгги йиллларда мамлакатимизда таълимни ривожлантириш умуммиллий дастури доирасида таълим муасасаларини замон талабига мос равишда модернизация қилиш, таълимнинг мазмун -моҳиятини ўзгартириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Маълумки жамият хар доим илмли, рақобатбардош, ижодий изланувчан компетентлик сифатига эга шахсга эҳтиёж сезади.

Хусусан, ҳар бир соҳада мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг компетентлигини ошириш бугунги кун долзарб масалаларидан биридир.

Янги минг йилликда халқимизнинг тараққиёт йўлида турли муаммолар мавжуд экан, аввало, уларнинг тўғри ечимини топиш зарур.

Бу, асосан, ўзлигини англаётган инсонларга, ижтимоий ҳаётда ўз мавқеига эга бўлган зиёлиларга боғлиқ. Бизнинг вазифамиз фан-техникани юксак савияда эгаллаган, жаҳон стандартлари даражасида(ги) мустақил фикрловчи, интеллектуал кўрсаткичи юқори бўлган ёшларни тарбиялашдир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури сифат босқичининг моҳиятидан қаралганда, мазкур масаланинг қай даражада долзарблиги ўз-ўзидан намоён бўлади. "Компетентлик" тушунчаси таълим соҳасига психологик изланишлар натижасида кириб келган.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, компетентлик, шахс компетентлик тушунчалари XX асрнинг 90-йилларида ижтимоий компетентлик шахснинг шахсий сифати каби барча ижтимоий тармоқларда машҳур бўлиб, фанлараро бир мавзу сифатида қабул қилиниб, мураккаб, кўп компонентли ва кўп ўлчовли ҳодиса сифатида таҳлил қилина бошланди.

Жумладан, тадқиқотчи В.Н.Куницына(нинг) кўп йиллик илмий тадқиқотлари натижаларига асосланиб, ижтимоий компетентликнинг қуйидаги турларини ажратиб кўрсатади: компетентлик; коммуникатив компетентлик; ижтимоий-касбий компетентлик; ўз-ўзини аниқлаш (эго-компетентлик) ҳақида хулоса чиқаради.

Шу билан бирга И.А.Зимняя компетентликни инсонга ижтимоий таъсирига кўра, ижтимоий ҳамкорлик (жамият, жамоа, оила, дўстлар, ҳамкорлар билан зиддиятлар ва улардан қайтариш, ҳамкорлик, бағрикенглик, ижтимоий сафарбарлик) ва муомала компетентлиги (оғзаки, ёзма, суҳбат, монолог, билим ва анъаналарга риоя қилиш, этикет, маданий ва хорижий алоқалар, бизнес, коммуникатив вазифалар) каби турларга ажратади.[1]

Е.В.Коблянскаянинг тадқиқот ишида ижтимоий компетентликни "Мен" муносабатини тушуниш - жамият, тўғри ижтимоий йўналишни танлай олиш, ушбу йўналиш бўйича ўз фаолиятини ташкил этиш" сифатида кўриб чиқади. Унинг фикрича ижтимоий компетентлик - бу шахсий сифат бўлиб - кишининг ижтимоий нормалар билан боғлиқ ушбу жамият аъзоси сифатидаги меҳнат фаолиятидир, бунда жамият ҳаёти унинг аъзолари ўртасидаги ўзаро алоқани тартибга солади.

Аввало, этимиологик жиҳатдан компетентлик тушунчаси - бу бирор соҳада самарали фаолият юритиш учун зарурий тажриба ва керакли билимлар, компетенциялар-қобилият тизимидир.

Ижтимоий компетентликнинг қуйидаги компонентлари мавжуд бўлиб, ушбу компонентлар турли ёш даврларидаги инсонларда жамиятдаги ижтимоий институтларнинг тузилиши ва фаолият олиб боришига доир маълумотларни, ижтимоий ролга қўйилган талаблар ва кутишларга оид билимларни, ижтимоий ролга хос бўлган хулқни эгаллаш малакасини, умуминсоний нормалар ва қадриятларга оид ҳамда кишининг ўзи ҳақидаги тасаввурлари, ўзини ижтимоий субъект сифатида

идрок этиш билан боғлиқ бўлган самарали ижтимоий ҳамкорлик кўникмалари ва малакаларини шакллантиради. Ижтимоий компетентликнинг шаклланиши ўқувчилардан қуйидаги ижтимоий хулқ малакаларини ҳам талаб этади.

** ўзаро биргаликдаги ҳаракат малакалари;*

** стресс(зўриқиш)ли вазиятлардаги адекват хулқ малакалари;*

** ижобий мулоқот малакалари;*

** бошқаларни тушуниш ва ўз-ўзини баҳолаш малакалари;*

** ўз хулқини идора этиш малакалари;*

** ҳиссий холатлар ва эмоцияларни бошқариш;*

Шу сабабли компетентлик "ноанъанавий вазиятлар, кутилмаган ҳолларда мутаҳассиснинг ўзини қандай тутиши, мулоқотга киришиши, рақиблар билан ўзаро муносабатларда янги йўл тутиши, ноаниқ вазифаларни бажаришда, зиддиятларга тўла маълумотлардан фойдаланишда, изчил ривожланиб борувчи ва мураккаб жараёнларда ҳаракатланиш режасига эгаликни англатади.

Компетентлик тузилмасида ижтимоий компетентликка алоҳида ўрин берилган бўлиб, у ўзида турли ҳаётий соҳалардаги ижтимоий ҳамкорликка бўлган қобилият ва ижтимоий мослашувчанликни акс эттиради.[2]

**Ижтимоий компетенция** - ижтимоий малакалар (мажбуриятлар) хисобланиб, кишига жамият ҳаётидаги нормалар ва қоидаларни адекват (ўзаро мос) тарзда бажариш имкониятини беради ва инсон ўз навбатида ўзининг менлигини англай бошлайдиган илк болалик даврларидан бошлаб ушбу нормалар ва қоидаларни ота-онасининг ёрдами билан эгаллай бошлайди.[3] Маълумки, олдинги таълим кўпроқ академик билимлар беришга қаратилган бўлса, бугунги кунда ўсиб келаётган ёшларнинг чуқур назарий билимларга эга бўлиши билан биргаликда, уларнинг амалий кўникмаларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Ўқувчиларнинг изчил равишда ўзининг компетентлик сифатларини ривожлантириб бориш йўлида амалий ҳаракатларни ташкил этиш муаммоси психологиядаги етакчи муаммолардан биридир. Бу муаммолар ечими ўқувчилар ўз компетентлик сифатларини ривожлан-тириб бориши учун ўз устида ишлаши жараёнида ўз аксини топади:

*-муваффақиятга эришиш мотивациясини бошқара олиш;*

*- ўқув фаолиятини такомиллаштириб бориш;*

*- фаолиятга танқидий ва ижодий ёндашиш;*

*- ўртоқлари билан ижодий ҳамкорликка эришиш;*

*-иродавий сифатларини ривожлантириб бориш;*

*- ишчанлик қобилиятини ривожлантириш;*

*-креативлик хусусиятларини ривожлантириб бориш;*

*- салбий одатларни бартараф этиб бориш;*

*-ўзига объектив баҳо бериш;*

*-ижобий сифатларни ўзлаштириш чораларини излаш йўлида олиб борадиган амалий ҳаракати ўқувчининг ўз устида ишлашини ифодалайди.*

"Ижтимоий компетентлик асосини жамият, ундаги хулқ-атвор усуллари ва қоидалари ҳақидаги билимлар ташкил этар экан, мактаб ўқувчиси учун жамият кенг (дунё, мамлакат) ва тор (оила, мактаб, маҳалла) даврада акс этади".[4] Унинг муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ мустақил билиш, ижтимоий-фуқаролик, ижтимоий-меҳнат, маданий-хордиқ каби компонентлар киритилади.

Тажриба ишлари натижаларига кўра, ўқувчилар компитентлигини шакллантиришда аввало ўқувчилар билиш жараёнларига эътиборни қаратиш жоиз. Ўтказилган эмперик изланишларимизда талабалардаги комуникатив компетентликни ўргандик. Чунки ушбу компетентлик инсоний муомаланинг муҳим самараси бўлиб, усиз бўлғуси мутахассис олий таълим мауссасасида ҳам яхши билим ола олмайди, қолаверса, олган билим, малака хамда кўникмаларини келгусида ёшлар онгига етказиши қийин бўлади.Биз тадқиқотни айнан катта синф ўқувчилар груҳида ташкил этиб, унинг муайян босқичида текширувчиларнинг турли хаётий вазиятларида ўзларини қанчалик назорат қила олиш қобилиятларини М.Снайдернинг махсус тести воситасида ўргандик. Илмий тахминимизга кўра,олинган натижалар компетентлилик, жумладан, коммуникатив билимдонлик ўқувчиниинг истиқболида ўзини фанларни ўзлаштирган ўқувчи сифатида қай даражада мос ( адекват) идрок этишига боғлик. Бу сўровнома орқали итиқболда аниқ режали бирор касб эгалари бўлишни ният қилганлар, бу фикрда иккиланаётганлар ҳамда касбни аниқ хоҳламаганлари билан уч гуруҳга бўлдик ва уларнинг коммуникатив компетентлигининг сифатларини алоҳида алохида ўргандик. Шунинг учун ўқувчилар компетентликларини ривожлантиришнинг муҳим йўлларидан бири, ўқувчиларда ўзини ўраб турган кишилар билан биргаликда ҳаракат қила олиш, ўзини тутиш усулларига доир билимларни шакллантиришдан иборат. Ушбу холатда ижтимоий мослашиш учун ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти ижобий таъсир кўрсатади, ўқувчи ўз тенгдошлари ва катталар билан хамкорликда фаолият олиб боради. Ўз фикрини бошқаларникидан ажрата олиш туфайли ўқувчи ўз шахсий "Мен"ининг имкониятларини чамалай олади, кўпгина ҳаётий вазиятлар унинг хулқ-атвори, ўзини тутишига боғлиқ эканлигини тушуниб етади, шу аснода муаммоли вазиятларни ҳал этиш кўникмаларини эгаллайди.

Бу асосда ўқувчида муваффақиятга эришиш мотивациясини бошқара олиш хусусияти, фаолиятга танқидий ва ижодий ёндашиши, ўртоқлари билан ижодий ҳамкорликка эришиш, иродавий, ишчанлик қобилияти, креативлик хусусиятлари ва салбий одатларни бартараф этиб бориши учун имкониятлар яратилади. Бунинг учун дарс жараёнида хам турли интерфаол усуллардан фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўлади

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларга "Думалоқ стол методи"асосида фаол ўқитиш методидан

[2] Белицкая Г.Э. Социальная компетенция личности. Сознание личности в кризисном обществе. М.,-Масягина,1995.-24 с.

[3] Г. П. Формирование социальной компетенции будущих педагогов: Автореф. дис. канд.пед.наук. - Астрахань, 2008. -54,55с.

[4] Т.Гафforова. Бошланғич таълимда замонавий педагогик технологиялар "Тафаккур"нашриёти.Т.:2011.-112б.

фойдаланиб, дарс ташкил этиш асосида ўқувчилар фаолиятга танқидий, ижодий ёндашиш, хамкорликда ишлашни ва таҳлил қилишни ўрганишади.

Масалан, топшириқ ёзиб қўйилган қоғоз варағи давра бўйлаб ўтказилади. Ҳар бир ўқувчи ўзининг жавоб вариантини ёзиб қўяди ва варақни бошқа ўқувчига узатади. Ҳамма ўқувчилар ўз жавобларини ёзиб қўйишади, кейин муҳокама бўлади. Нотўғри жавоблар ўчирилади, тўғри жавобларнинг сонига қараб ўқувчининг билимларига баҳо берилади. Бу методни фақат ёзма шаклда эмас, балки оғзаки шаклда ҳам қўллаш мумкин.

**Берилиши мумкин бўлган топшириқларга мисоллар:**

*-Ўзбек тилида нечта унли товуш бор ва улар қайсилар...*

*-Ўзбек тилида нечта ундош товуш бор ...*

*-Бўғин нима ...*

*-Гап нималардан тузилади ...*

*-Нутқнинг қандай турларини билдингиз ...*

*-Ном билдирган сонларга мисол келтиринг ...*

*-Харакатни билдирган сўзларга мисол келтиринг ...*

*-Белгини билдирган сўзлар қайсилар ...*

Шуни эсда тутиш керакки , қўйилган яхши савол, бу-жавобнинг ярмисини ўзига жо қилган саволдир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, ўқувчиларда компетентлик сифатлари ривожланишга қаратилган ҳаракатлар асосан мактабданоқ бошланади. Жумладан: турли фан тўгаракларига бориши, ўзи хоҳлаган фани бўйича фан асосларини назарий ва амалий асосларини чуқур ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлса,фан олимпиадаларида фаол иштирок этиши асосида компетентлик сифатларини ривожлантириб бормоғи ва шу кабиларни тайёрлаш кўникмаларига эга бўлиши керак, шунингдек, таълимнинг фаол усулларини ( тренинг дарслари, кўргазмали дарс, аукцион дарс ва ҳоказо) ҳам ўзлаштириб олган бўлиши керак. Шундай қилиб, компетентлик - шахс йуклаб олишлари ва маънавий қадриятлари, шахсий психологик хусусиятлар тизимига асосланувчи, ўзаро бир-бирига яқин ижтимоий компетенциялар мажмуаси бўлиб, боланинг шахс бўлиб шаклланишига ва турли ижтмоий ролларни самарали бажаришга имконият беради. Албатта, ўқувчиларда компетентлик сифатлари ривожланиши учун имконият бўлади, мактабда ижтимоий фойдали фаолият мотивацияси ривожланади ва мустаҳкамланади..

**Тақризчи: п.ф.н. Атамуродова Р.**

**********************

# ИНТЕРАКТИВНЫЕ МЕТОДЫ ПРЕПОДАВАНИЯ ДИСЦИПЛИНЫ "КЛИНИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ НАРУШЕНИЙ В РАЗВИТИИ ДЕТЕЙ"

***Дилфуза МУСАЕВА*** *- преподователь, Ташкентский государственный педагогический университет*

**АННОТАЦИЯ:**

В данной статье раскрываются значимость дисциплины "Клинические основы нарушений в развитии детей", а также важность применения интерактивных методов обучения в рамках данного курса. Рассмотрены достоинства применения и алгоритм проведения интерактивных методов.

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** клинические основы, нарушения в развитии детей, интерактивный метод, деловая игра, "Мозговой штурм", познавательный процессы.

This article reveals the importance of the discipline "Clinical foundations of violations in the development of children", as well as the importance of using interactive teaching methods in the framework of this course. The advantages of the application and the algorithm for conducting interactive methods are considered.

**KEYWORDS:** clinical foundations, violations in the development of children, interactive method, business game, "Brainstorming," cognitive processes.

На факультете специальной педагогики особое значение отводится дисциплине "Клинические основы нарушений в развитии детей", так как анатомо-физиологические предметы создают необходимую базу для клинических и педагогических дисциплин. Следовательно актуальным является повышение уровня знаний у студентов 1 курса высшейшколы изучающих клинические основы дефектологии.

Физиология и клиника организма - традиционное отрасль, ведущая своё начало от основоположников физиологии И.М. Сеченова, И.П. Павлова, Н.Е Введенского, А.А. Ухтомского, Л.А. Орбели, которые отводили огромное внимание сравнительно-физиологическому аспекту исследований.

Отличительной чертой молодого поколения XXI века является большая степень подверженности влиянию факторам окружающей среды. По этой причине возрастает актуальность проблемы физического, социального и психофизиологического здоровья детского, подросткового и юношеского населения.

В связи с нарастанием количества патологий и нарушений в развитии подрастающего поколения увеличивается количество типов и видов коррекционно-педагогических школ. Требуется больше количество специальных педагогов, ко-

торым необходимы общие знания по анатомии, физиологии и клинике детей и подростков в норме и патологии. Одним из эффективных направлений совершенствования и оптимизации подготовки студентов-дефектологов является продуманная организация преподавания соответствующих дисциплин.[1]

В результате изучения данной дисциплины студенты должны знать: особенности данного предмета, цель, задачи и значение для будущей профессиональной деятельности; основные этапы развития дисциплины и роль отечественных, зарубежных учёных в развитии данной науки; основные закономерности функционирования, механизмов регуляции деятельности клеток, тканей, органов здорового организма в возрастном параметре; [4]. Особенности возникновения патологий в развитии организма. - увидеть биологические и социальные причины возникновения отклонения и развитии; сущность повреждений в организме и особенности развития ребёнка с нарушениями в развитии; компенсаторные пути развития ребёнка на основе сохранных функций; специальную педагогическую систематику и педагогические классификации внутри специальной педагогики;[2]

Учитывая вышеописанные требования к знаниям студентов руководящими положениями при составлении учебных программ по данной дисциплине являются: 1. Дать будущим педагогам специальных образовательных учреждений основной минимум знаний по физиологическим дисциплинам, составляющие основы специальной педагогики и специальной психологии: понятие "нарушения" и "нормы", физического онтогенеза, причины и биологические механизмы сложных нарушений психофизиологического развития детей; 2. Понятия "здоровое состояние", "болезненное состояние" и пограничных состояний; 3. Научить будущих педагогов специальных образовательных учреждений в своей дифференциально-диагностической работе с аномальными детьми использовать понятие "нормы", а также применять их в консультативно-диагностической и методической работе с семьей и педагогами специализированных образовательных учреждений; 4. Дать необходимый минимум знаний для полноценного участия в профилактической и лечебно-оздоровительной работе с детьми.[2]

Но содержание курса не является определяющим для успешного преподавания данной дисциплины. Усовершенствование методов обучения достигается путём использования методик интерактивного обучения, групповых форм познавательной деятельности, информационных технологий.

Важнейшим условием профессиональной деятельности преподавателей высшей школы является формирование у студентов навыков и умений обучаться, самостоятельно осуществлять отбор нужного материала и информации. Целью развития учебной деятельности является формирование мотивов к обучению. Наиболее мощным мотивом к обучению может служить сильный интерес, который в свою очередь развивается путём применения различного рода интерактивных методов.

Слово "интерактивное" происходит от английского "inter" - взаимный и "act" - действие и соответственно означает взаимодействовать или находиться в режиме диалога с кем-либо.

Применение интерактивных технологий в данной дисциплине способствует развитию мыслительной деятельности, интеллектуальных способностей студентов, творческого и научного подхода в решении проблемы, самостоятельного поиска. Знания, умения и навыки, приобретённые посредством интерактивных методов усваиваются значительно быстрее и глубже, закрепляются прочно и легко актуализируются в дальнейшей профессиональной деятельности.

В интерактивных методах в большей мере осуществляется взаимодействие студентов между собой. При этом занятия строятся таким образом, что ведущая роль в обсуждении темы отводится именно студентам.

**Существуют достоинства интерактивных методов:**

*1. Развитие способности вникать в суть изучаемого предмета, закономерностях его основных понятий, причинно-следственных связей.*

*2. Развитие способности оценивания: рефлексия своей деятельности, обсуждение предложений и деятельности других студентов.*

*3. Усовершенствование познавательных процессов, т.е. мышления, восприятия, памяти, внимания, воображения.*

*4. Развитие речи - устной и письменной.*

*5. Развитие способностей коммуникативного и организаторского характера.*

*6. Студенты факультета специальной педагогики посредством обучения данными методами одновременно отрабатывают навыки ораторского искусства и педагогической деятельности.*

*7. Качественное и прочное усвоение знаний по дисциплине "Клинические основы нарушений в развитии детей"теоретического и практического характера.*

Особое значение интерактивные методы имеют у бакалавров факультета специальной педагогики при освоении основной профессиональной образовательной программы. Например, студенты данного факультетав рамках дисциплины "Клинические основы нарушений в развитии детей", изучают процессы нормированного и ненормированного развития, разработки различных критериев классификации и методов профилактики возникновения нарушений, способов ранней диагностики отклонений, что предполагает проявление высокого уровня активности и инициативности.

Будущая профессиональная деятельность студентов в области специальной педагогики связана с компетентностью в области патологий в развитии детей для дальнейшего их полноценного обучения и воспитания. Студенты должны в процессе обучения не только овладеть знаниями, умениями и навыками необходимыми для овладения профессией, но и уметь выполнять различные роли в рамках образования: руководителя, преподавателя, организатора и т.д.

С целью выявления коэффициента эффективности применения интерактивных методов в рамках дисциплины "Клинические основы нарушений в развитии детей" в 2018-2019 учебном году на факультете специальной педагогики Ташкентского государственного педагогического университета имени Низами было организовано исследование.

Проанализируем как используемые в процессе

[1] *Суворова Н.Н. Интерактивное обучение: новые подходы. М.: Вербум, 2005.*

[2] *Белова О.А. Особенности преподавания "возрастной физиологии, анатомии " и "нейрофизиологии с основами ВНД" для студентов дефектологических специальностей // Международный журнал экспериментального образования. - 2010. - № 7.*

преподавания дисциплины "Клинические основы нарушений в развитии детей" интерактивные методы влияют на активность и самостоятельность студентов факультета специальной педагогики.(таб.1)

**Таблица 1**. Влияние интерактивных методов обучения на самостоятельность и активность студентов в образовательном процессе

| № п/п | Интерактивные методы обучения | Коэффициент активности и самостоятельности студентов |
|---|---|---|
| 1. | Деловая и дидактическая игра | 1,0 |
| 2. | Исследовательская-практическая работа | 0,75 |
| 3. | Дидактическая игра с использованием реального материала | 0,75 |
| 4. | Реферативная работа | 0,75 |
| 5. | Решение реальных задач | 0,5 |
| 6. | Публичное выступление | 0,5 |
| 7. | Решение творческих задач | 0,5 |
| 8. | Изложение, доклад | 0,25 |

В процессе проведения исследования нами была разработана методика использования интерактивных методов обучения при изучении данной дисциплины. Данная методика включает в себя следующие этапы:

Этап подготовки и ознакомления направлен на изучение уровня подготовленности студентов и актуализации уже имеющихся знаний, умений и навыков.

Этап диагностики нацелен на построение алгоритма действий и апробирование усвоенных навыков, использование групповых и индивидуальных консультаций.

Содержательный этап включает в себя непосредственное использование интерактивных методов по усвоению содержания дисциплины "Клинические основы нарушений в развитии детей".

Процессуальный этап направлен на актуализацию усвоенных знаний уже в самостоятельной деятельности.

Этап преобразования включает в себя самостоятельные действия уже на основе новых приобретённых знаний в специально созданных условиях.

Так, по дисциплине "Клинические основы нарушений в развитии детей" на тему: "Разработка эффективных мер совершенствования процесса обучения детей с церебральным параличом", проводится деловая игра, которая направлена на имитационное моделирование процессов эффективного обучения детей с церебральным параличом.[3]

Проведение деловой игры способствует отработке на практике теоретических знаний, полученных студентами при изучении курса "Клинические основы нарушений в развитии детей" по вопросам выбора и внедрения новых приёмов обучения учитывая физиологию и клинику развития детей с церебральным параличом. Для выполнения деловой игры студенты, входящие в состав учебной группы, должны быть поделены на группу членов медико-психолого-педагогической комиссии, планирующего внедрить систему образования и группы представителей школы. Большое значение при применении интерактивных методов имеет самостоятельная подготовка студента. Условия игрыдают необходимость участникам занятия просто необходимо в соответствии со сценарием найти дополнительную информацию, провести анализ ситуации из реальной жизни, поработать с научными и методическими источниками.[4]

В данной деловой игре учитель выступает в роли жюри и оценивает группам в соответствии с чёткими правилами и требованиями: полнота организации задания, научность работы, логическая организация, правильность и чёткость изложения, правильность речи и записей в презентации. Интерактивные методыспособствует формированию уменийлогически мыслить, формулировать аргументы, чётко выражать свои утверждения, наладить контакты с будущими коллегами по работе, организовать команду и управлять процессом обучения и воспитания.

Дисциплина "Клинические основы нарушений в развитии детей" является эффективной средой для реализации интерактивных методов обучения. Одна из плодотворных является методика "дерево решений".Данная методика способствует овладению студентами навыков выбора оптимального варианта решения, действия и т.п. В рамках изучения темы "Патология речи" построение "дерева решений" - практический способ оценить преимущества и недостатки различных вариантов. Данная методика организуется следующим образом: чертится таблица с названием проблемы (например, "способы профилактики возникновения нарушений речи"). Таблица делится на три или более частей с решениями основной проблемы.

Личность преподавателя, навыки правильного разбора проблемной ситуации, хорошая организованность и гибкость также определяет качество и эффективность использования интерактивных методов. Вследствие доверительного общения в процессе работы можно выработать у студентов объективную самооценку и чувство критичности к результатам своей деятельности.

Курс "Клинические основы нарушений в развитии детей" является основополагающим и одним из главных дисциплин формирующих у студентов факультета специальной педагогики фундаментальных знаний об этиологии, физиологии и клинике нарушений в развитии детей, что необходимо в дальнейшей профессиональной деятельности с детьми с различными отклонениями в развитии. Следовательно эффективность преподавания данной дисциплины повышается путём использования интерактивных методов. Интерактивные методы не являются традиционными и всё нетрадиционное вызывает у студентов интерес, пик деятельности познавательных процессов, позитивной эмоциональной отдачи, что способствует наиболее успешному, прочному, осознанному усвоению материала.

**Тақризчи: п. ф.д., Р.Абдурасулов**

---

*[3]Грановский М.Л. Общая медицинская психология и психопатология. Андижан. "Андижон", 2004.*
*[4] McGill-Franzen A., Allington R.L. (Eds.) Handbook of Reading Disability Research. Routledge, 2011.*

# ЁШ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ МУАММОЛАРИ

***БУРХАНОВ Тахир Махамматжонович*** *- Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси*

**АННОТАЦИЯ:**

Ушбу мақолада ҳарбий хизматчилар ўз фикрларини асослаш учун инсон етарли билимга эга бўлиши, нуфузли манбаларни ўрганиши, хулоса, исботлаш каби мантиқий амалларни эгаллаши, уларда фикр тарбиясига эътиборни қаратиш, маънавий оламнинг дахлсизлигини таъминлашда маънавий ва маданий тафаккурни такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этиши тўғрисида фикр юритилади.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** қуролли кучлар, жамият, инсон, ахлоқ, маънавият, маданият, таҳлил, тарбия, ҳарбий хизматчи, мутахассис.

В данной статье рассматриваются вопросы о владении достаточными знаниями, освоение логической практики, как умение изучения первоисточников, способности делать выводы, убедительно доказывать, свои мысли, формироаванию мировозренния у вонnослужащих, владение духовными и культурными нравами, как важнейщего фактора обогащения человеческого сознания.

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** вооруженные сили, общество, человек, нравственность, духовность, культура, анализ, воспитание, военнослужащий, специальность.

In this article, it is important for military personnel to have sufficient knowledge to substantiate their opinions, to study authoritative sources, to draw conclusions, to prove, to pay attention to the education of ideas, to ensure the integrity of the spiritual world and the formation of cultural thinking. thought about.

**KEYWORDS:** armed forces, society, man, ethics, spirituality, culture, analysis, education, military, specialist.

Ҳеч кимга сир эмаски, ривожланаётган давлатнинг мустаҳкамлиги, эркинлиги ва унинг истиқболини ҳимоя қилинишида қуролли кучларининг аҳамияти беқиёсдир. Бу борада мамлакатимиз мустақил бўлган кунларданоқ замон талабларига жавоб бера оладиган салоҳияти етук профессионал армияни шакллантириш, уни мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратилди. Жамият ривожлангани сари сиёсий ва ижтимоий муносабатлар мураккаблашиб бориши натижасида мудофаа тизимида эндигина фаолият бошлайдиган ёш ҳарбий хизматчиларнинг маънавий ва маданий тафаккурни мустаҳкамлаш, шунингдек, уларнинг сиёсий, ҳарбий ва ҳуқуқий билимларни янада такомиллаштириш мақсадга муофиқ бўлади.

Миллий ва глобал хавфсизликка қарши таҳдидлар тобора ортиб бораётган бугунги мураккаб даврда ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний, маънавий-интеллектуал тайёргарлигини ошириш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш энг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев Хавфсизлик Кенгашининг 2018 йил 10 январда бўлиб ўтган мажлисидаги нутқида таъкидланганидек, "Айни пайтда бутун дунёда, жумладан, ён-атрофимизда халқаро терроризм, экстремизм ва радикализм хавфи тобора ортиб бормоқда, айрим ҳудудларда қуролли тўқнашувлар ҳамон давом этмоқда. Ана шундай кескин вазиятдан келиб чиққан ҳолда, мавжуд таҳдидларга қарши муносиб зарба беришга тайёр бўлишимиз, Ўзбекистоннинг тинч ва барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида Қуролли Кучларимизни янада ислоҳ қилиш, унинг жанговар тайёргарлиги ва қобилиятини юксалтириш бўйича келгусида амалга ошириладиган ишларимизни изчил давом эттиришимиз зарур".[1] Шу боисдан, мустақиллик йилларида мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги, унинг сарҳадлари дахлсизлигини таъминлаш бўйича тактик ва стратегик вазифаларни самарали ҳал этишга қодир бўлган, замонавий, ҳаракатчан, ҳар томонлама яхши қуролланган армияни ташкил этиш айниқса ёш ҳарбий хизматчиларнинг маънавиятини ва тафаккур маданиятини юксалтириш бўйича кенг кўламли ишлар тизимли, босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Қўшинларнинг юқори жанговар шайлиги, уларнинг ҳар қандай вазиятда қўйилган жанговар вазифаларни бажара олиши, биринчи навбатда, шахсий таркибнинг жанговар тайёргарлиги билан боғлиқ бўлади. Жанговар тайёргарликнинг юқори даражасини эса фақат юқори малакали мутахассисгина таъминлаб бериши мумкин. Шу ўринда мутахассис сўзининг маъносига эътибор

[1] *Мирзиёев Ш.М. Қуролли Кучлар ташкил этилганининг 26 йиллиги арафасида Хавфсизлик кенгаши йиғилишини нутқидан асосий иқтибослар. [Online]. URL: https://www.gazeta.uz/uz/2018/01/11/xavfsizlik-kengashi/ (Мурожаат этилган сана: 11.01.2018)*

берадиган бўлсак, у қўйилган жанговар вазифаларни ишончли ва самарали бажарилишини таъминлаб берадиган маҳоратнинг юқори даражасига эришган инсон. Юқори малакали ҳарбий мутахассисга зарур бўлган сифатлар - булар касбий-ақлий салоҳият, уюшқоқлик, хизматдаги йўналганлик, мустақиллик, масъулият, онгли таваккалчилик, ҳулқ-атворнинг мослашувчанлиги, касбий саломатлик, танқидий фикрлаш, мақсад сари интилувчанлик, билиш фаоллиги, мунтазам равишда билимларини ошириб боришга эҳтиёж. Ушбу санаб ўтилган фазилатларни ҳарбий хизматчиларда шакллантириш узоқ давом этадиган таълим ва тарбия жараёнида амалга оширилади. Бизнинг фикримизча, уларда юксак аҳлоқий сифатларни шакллантирмасдан туриб, юқори малакали ҳарбий мутахассисни тайёрлаб бўлмайди. Яъни, жанговар тайёргарликнинг ўзагини ҳарбий хизматчининг маънавий-аҳлоқий фазилатлари белгилаб беради. Бизнингча, ҳарбий хизматни ижтимоий заруратини англаб етган, Ватан учун жонини фидо қилишга тайёр, унинг тақдири учун дахлдорлик ҳиссини англаган, миллий қадриятларимизни ҳурмат қиладиган ва улар билан фахрланадиган, миллат орини ўзининг ори деб билган инсонгина ҳарбий билимларни пухта ўзлаштира олиши мумкин.

Мутафаккир бобомиз Юсуф Хос ҳожиб " Қутадғу билиг" ("Бахт-саодатга эриштирувчи билим") асарини 1069 йилда ёзган. Асарда мутафаккир лашкарбоши ва унинг фазилатлари ҳақида қимматли фикрларни илгари суради. Унингча, қўшинга албатта битта бошлиқ керак. Бу бошлиқ, ўз навбатида, кўп нарсани бошидан кечирган, дадил, шерюрак бўлиши лозим. Юсуф Хос ҳожибнинг таъкидлашича, лашкарга бош бўлиш - оғир иш, чунки у ёв билан юзма-юз туради. Шунинг учун йигитлар орасидан сара, мард ва кучли, мерган ва саховатли кишини ажратиш лозим. Бироқ ғофил кишилар бу ишга ярамайди. Саховат кўрган лашкар ҳам бир-бирининг қўлидан қаттиқроқ ушлайди, натижада уларнинг жипслиги ортади. Лашкарбоши кўп нарсалардан тийилиб, ўзи учун бир от, тўн, қурол билан кифоялангани маъқул. Чунончи, ўзини ўйлаб дунё йиғиш, ер-сувим, боғ-роғим деб олтин-кумушга кўнгил бериш унга бегона бўлгани яхши, дейди. Унинг фикрича, лашкарбошининг ёнига йиғилган баҳодир, ботирлар жонларини фидо этиб, тоғ қояларида ётган чоғларида ўз бошлиқларидан ўрнак олишади. Зеро, билим, эс-ҳушлилик, алпзўрлик ва жасорат - уларнинг зийнати. Жангу-жадалларда юраксиз киши кераксиздир. Ўз навбатида, юраксиз битта қўрқоқ бутун бошли қўшинга таъсир ўтказади, уни бузади. Қўшиннинг бузилиши эса алп эрларга ҳам кучини кўрсатади, улар камида саросима ва ваҳимага берилиши мумкин.[2] Юсуф Хос ҳожибнинг фикрича, "лашкар бошлиғи, энг аввало, уят-андишали, ор-номусли бўлиши керак. Эркак киши ор-номусини деб ёвга отилади, ундан ўчини олади. Чунки у ор-номус туфайли ёв лашкарини пароканда қилади".[3] У ўз фикрини давом эттириб, лашкарбоши қилиғи қулай, камтар, кенг кўнгил, ширин сўз, кишининг кўнглини овловчи бўлгани яхши, деб таъкидлайди. Бу хусусиятлар уни элга севдиради. Шунингдек, аскарлар тепасида турган киши салобатли ва хушчирой, айни пайтда қаттиққўл ва талабчан бўлиши шарт, бу эса ёмонларни қўрқитади. Аллома лашкарбоши бир қанча, яъни довюрак, жисмонан бақувват, шиддаткор, кучли, қатъиятли, ҳушёр, ақлли, келажакни кўра олиш каби хислатларга эга бўлиши кераклигини таъкидлаб ўтади. Агар ана шу хислатлар жам бўлса, ўша одамни лашкарбоши қилиб тайинлаш ўринли бўлади. Бундай бошлиқ ёв билан курашда ўчини олишнинг уддасидан чиқади. Лашкарбошининг тадбиркор бўлиши ҳам мақсадга мувофиқдир. Чора-тадбир туфайли арслон ҳам ботирлар тузоғига тушади. Лашкар бошлиғи ёвга ҳамла қиладиган бўлса, уйқусини ҳайдаб, тун-кун ҳушёр туриши керак. У айғоқчи ва қоровулларни, соқчи ва бутун қўшинни кузатиши лозим. Ёв лашкарини асир тушириш ғалабанинг тезлашишини таъминлайди. Шунингдек, Юсуф Хос ҳожиб ҳукмдорларга мурожаат этиб, шундай дейди: "лашкар учун кўп одам керак эмас, балки сара одамлар керак, чунки сара одамлар жам бўлгач, уларга муносиб қурол-аслаҳа лозим. Беҳисоб лашкардан тузилган қўшин бебош ва бошқарувсиз бўлади, бебош қўшин аскарлари эса юраксиз бўлади. Кўпсонли аскар истама, сарамардларни иста, сарамардларга мувофиқ шай қурол-аслаҳа иста".[4]

Мутафаккирнинг бу фикрлари бугунги кун учун катта аҳамиятга эга. Зеро, армиянинг куч-қудрати аскарларнинг сонида эмас, балки ҳарбий хизматчиларнинг касб маҳоратларини қай даражада эгаллаганликларида ва жанговар шайлигининг, қуролланишининг даражасига ҳам боғлиқдир.

---

[2] *Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. - Тошкент: Юлдузча, 1990. - Б. 54.*
[3] *Ўша асар, 55-бет.*
[4] *Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. - Тошкент: Юлдузча, 1990. - Б. 56.*

Ҳозирги кунда Қуролли Кучлар Академиясида яратилган шароитлар, таълим самарадорлигини ошириш, ўқув жараёнининг ташкилий жиҳатлари, педагогик кадрлар фаолияти, курсантлар қобилияти ва билим олиш савиясига ижобий таъсир этувчи омиллар ва профессор-ўқитувчиларни танлаш, тайинлаш ишлари юқори даражада олиб борилмоқда. Бунинг натижасида бугунги кунда Академиянинг илмий салоҳияти сезиларли даражада ошди, курсантларга малакали педагог кадрлар томонидан талаб даражасида билим берилаётганини алоҳида таъкидлаш мумкин. Таълим-тарбия жараёнида, айниқса, билим юрти курсантлари билан олиб борилаётган тарбиявий ва мафкуравий ишлар давомида уларда халқимизнинг бой маънавий ва маданий меросини, буюк саркардаларимизнинг ҳарбий маҳоратини, дунё тан олган алломаларимизни ҳарбий сохадаги қарашларини пухта ўрганиш, чуқур англаб етиш ва улар билан фахрланиш сифатларини шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Қуролли Кучлар тизимидаги муаммоларни ҳал этишда, янги билимларнинг вужудга келишида нуфузли, ишончли манбаларга асосланиб муҳокама юритиш замонавий ҳарбий хизматчининг тафаккур маданиятининг ўзига хос хусусиятини ифодалайди. Ҳозирги даврда ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви, ахборот оқимининг кучайиши Қуролли Кучлар тизимидаги нуфузли манбаларнинг янгича маъно касб этиб, турли кўринишларда намоён бўлишига сабаб бўлмоқда. Шу боисдан ҳам ҳарбий хизматчилар фақат ҳарбий ўқув даргоҳларидагина эмас, ОАВ, Интернет орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмоқдалар. Улар билим олишлари учун фойдали, зарур маълумотларни қабул қилиш билан бир қаторда маънавий қадриятларимизга қарши йўналтирилган ахборотларга ҳам дуч келмоқдалар. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг "Юксак маънавият-енгилмас куч" асарида, - инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин", деб таъкидлаган.[5]

Шу нуқтаи-назардан қараганда, ёш ҳарбий хизматчилар маънавий оламининг дахлсизлигини асраш учун ҳарбий таълим-тарбия жараёнида нималарга асосланиш ва нимага эътибор қилиш керак, деган савол турли ижтимоий-гуманитар фан вакилларининг диққат марказидадир. Биз ушбу мақолада шу савол доирасида баъзи мулоҳазаларимизни баён қилмоқчимиз. Фикримизча ёш ҳарбий хизматчиларнинг фикр тарбиясига эътиборни қаратиш улар маънавий оламининг дахлсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга, чунки қаерда юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади. Шу боисдан ёш ҳарбий хизматчиларнинг ахборот оқимига муносабатини шакллантириш фикр тарбиясининг бир йўналишидир. Устоз ва мураббийлар илм ва тарбия бериш жараёнида ёш ҳарбий хизматчиларларга фикр ва билим ўртасидаги фарқни тушунтиришлари, фикрларни солиштиришга, уларни турларга ажратишга ўргатишлари лозим. Билдирилган эътирозлар текширилиб, уларнинг асоссизлиги аниқланса, бундай фикр, яъни эътирозга йўл қўймайдиган фикр кучли бўлади. Эътирозга нисбатан эътироф этилиши кўпроқ бўлган фикрлар ҳақиқатга яқин фикр дейилади. Кўп эътирозга сабаб бўлган фикр шубҳали фикр ҳисобланади.

Қуролли Кучлар Академиясида олиб борилаётган машғулотлар давомида курсантларнинг ижодий қирраларини ёркин намоён қила олишлари учун соғлом муҳит яратиш орқали уларни мустақил фикрлаш, таҳлил, бахс-мунозара юрита олиш каби фазилатларини шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Ўз навбатида, таълим-тарбия бериш жараёнида ёш ҳарбий хизматчиларни фикрларни таҳлил қилишга ўргатиш, фикрга нисбатан билдириладиган эътирозларни аниқлашга, бартараф этишга, нотўғри фикрларга нисбатан муносабатини ўзгартиришга, ўйлашга ундайди.

Эътирозлар ошкора ёки яширин бўлади. Баъзи ёш ҳарбий хизматчиларнинг фикрга нисбатан билдирилган эътирозларни сезмасликлари, қабул қилмасликларига бефарқ, лоқайдликлари, мустақил фикрлай олмасликлари, ўз фикрига эга эмаслиги, фикр юритишни ҳоҳламасликлари, эътирознинг сабабини тушунмасликлари, ҳаётий тажрибасининг етарли эмаслигига, билим доирасининг торлиги сабаб бўлади. Мазкур сабаблар йўқотилса фикр тарбияси амалга оширилган бўлади. Шу боисдан ҳам давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев "Армия моддий жиҳатдан энг замонавий ва зарур воситалар билан таъминланган

[5] *Каримов И.А. Юксак маъназият-енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. -Б.115*

бўлиши мумкин, лекин аҳлоқий жиҳатдан заифлиги, жанговар руҳи, Ватанга содиқлик ва муҳаббат, унинг тақдири учун масъулият ҳисси йўқлиги ёки лоқайдлик тузатиб бўлмас оқибатларга олиб келиши мумкин" - деб таъкидлайди.

Дастлабки фаолиятидан ҳарбий хизматчилар бирор илмий қарашни таҳлил қилганда ақлли, чуқур билимга эга, теран фикр юритувчи шахслар билан фикр алмашсалар, ахборотлар оқимидан ўзларига керак бўлган маълумотларни танлаб олишга ўрганадилар. Чунки бундай одамлар фикрга нисбатан яширин эътирозларни тезда пайқаб оладилар. Форобийнинг фикрича, "Бир буюм ҳақида турли билимларнинг гувоҳлигидан, кўпчилик фикрининг бир хил бўлишидан салмоқлироқ, кучлироқ далил йўқ, чунки ҳамманинг интелекти исботлаш учун хизмат қилади". Ақлга эга бўлган инсон бирор буюм, ҳодисани ўрганар экан, шу нарса ҳақида бошқаларнинг ҳам фикрига муҳтожлик сезади. Агар бошқаларнинг фикри ўзиникига ўхшаш бўлса, унда у ўз фикрининг тўғрилигига ишонч ҳосил қилади. Бу ҳақда мутафаккир шундай деб ёзади: "Қачонки турли ақл ўйлаб ўзини текшириб, баҳслар, мунозаралар, тортишувлардан, қарама-қарши томонларни кўриб чиққандан сўнг бир фикрга келсалар, уни исботласалар ва якдиллик билан унга рози бўлсалар, шундагина уларнинг бу фикридан тўғрироқ ҳеч нарса бўлмайди".

Буюк саркарда Амир Темур - XV асрда буюк темурийлар давлатига асос солди. У давлат бошқарувида ўзидан олдинги ўтган ҳукмдорлардан фарқ қилиб, давлат ва мамлакатни бошқариш хусусида "Темур тузуклари"ни яратди. Бу даврда миллий давлатчилик тўғрисидаги қарашларнинг ривожланишида Амир Темурнинг хизматлари катта бўлди. Унинг тузукларида давлат тизими, уни идора қилиш услублари ва воситалари, ундаги турли лавозим-вазифалар даражаси, табақаларнинг тоифаланиши, ҳарбий қўшинларнинг ташкил этилиши, жанг олиб бориш маҳоратлари, давлат хизматчилари рағбатини ташкил этиш омиллари, адолатли солиқ турларининг жорий этилиши, мамлакатни ободонлаштириш тадбирлари миллий давлатчиликнинг юксак маънавий, маданий ва ҳуқуқий даражада шакллантиришга эришганлигидан далолат беради. Бундай сиёсатнинг асосмоҳияти адолатли давлат, инсонпарвар жамият негизларини қарор топтиришга қаратилади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳарбий хизматчилар баҳс мунозараларда ўз фикрларини асослай олишларида етарли билимга эга бўлишлари, бунинг учун нуфузли манбаларни ўрганиши, хулоса, исботлаш каби мантиқий амалларни эгаллашлари, бир сўз билан айтганда етарли асос қонуни талабларига амал қилишлари зарур. Бу мақсадларга эришишимиз уларнинг маънавий-ахлоқий ва маданий тарбиясига бевосита боғлиқ. Бунинг учун масъул бўлган ҳар бир шахс, ушбу жараённи шундай олиб боришлари керакки, ҳарбий хизматчиларда маънавий ва маданий тафаккурни такомиллаштириш нафақат ҳар бир тарбиячининг бурчи, балки муҳим вазифаси эканлигини ҳам англаши лозим.

**Тақризчи: социология ф.б.ф.д., (PhD)**
**С.Назарқосимов**

**********************

# КРЕАТИВ ВА ИННОВАЦИОН ТАФАККУР
## (ФАЛСАФИЙ-ЭПИСТЕМОЛОГИК ТАҲЛИЛ)

***Султанова Гулноза Сабировна -*** *доцент, Самарқанд давлат университети*

**АННОТАЦИЯ:**
Ушбу мақолада креатив ва инновацион тафаккур фалсафий-эпистемологик нуқтаи назаридан ўрганлиган. Шунингдек, инновацион тафаккурнинг характерли жиҳатлари аналитик таҳлил қилинган.Креатив ва иннновацион тафаккурнинг мазмун-моҳияти, ўзига хос хусусиятлари фалсафий тадқиот объекти сифатида олиб қаралади. Инновацион ва креатив тафаккурга оид қарашлар ҳам қиёсий таҳлил этилган. Айниқса, креатив ва инновацион тафаккурни шакллантириш давр талаби ҳамда ижтимоий эҳтиёж эканлигини таъкидланади.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** креативлик, инновация, натижа, янгилик, креатив тафаккур, жамият, ислоҳот, янгиланиш, инновацион тафаккур, тараққиёт

В данной статье рассматривается творческое и инновационное мышление с философско-эпистемологической точки зрения. Также был проведен аналитический анализ характерных аспектов инновационного мышления.В качестве объекта философского исследования рассматриваются сущность и сущность творческого и инновационного мышления, его отличительные особенности. И в частности, отмечается, что формирование творческого и инновационного мышления является периодическим требованием, а также социальной потребностью.

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** креативность, инновация, результат, инновация, креативное мышление, общество, реформа, обновление, инновационное мышление, развитие.

This article explores creative and innovative thinking from a philosophical-epistemological point of view. Also, analytical analysis of the characteristic aspects of innovative thinking was carried out.The essence and essence of creative and innovational thinking, its distinctive features are considered to be brought up as an object of philosophical research. The views on innovation and creative thinking were also analyzed comparatively.In particular, it is noted that the formation of creative and innovative thinking is a period demand as well as a social need.

**KEYWORDS:** creativity, innovation, result, innovation, creative thinking, society, reform, renewal, innovative thinking, development.

Бугунги кунда айниқса инновацион тафаккур ва креатив фикрлаш оммалашиб бормоқда. Шу боис мамлакатимизда "2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси" қабул қилинди. Ҳужжатга кўра, 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси ва Ўзбекистонни 2030 йилгача инновацион ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари тасдиқланди. Мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлик даражасини ва инновацион жиҳатдан тараққий этганлигини белгиловчи асосий омил сифатида инсон капиталини ривожлантириш Стратегиянинг бош мақсади этиб белгиланди[1].

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, XXI асрда саноатнинг иқтисодий ўсиши иқтисодиётнинг барча соҳаларида, шу жумладан инновация сиёсатида илмий-техника тараққиёти ва ишлаб чиқаришнинг асосий таркибий қисмларини интеллестуаллаштиришнинг етакчи роли билан таъминланади. Инновация сиёсатининг оқилона йўналишларини излаб топиш ва технологик ўзгаришларни илгари суриш кўп жиҳатдан иқтисодий ривожланиш даражасида ўз аксини топади: глобал иқтисодий рақобатда инновациялар ютиши учун қулай шароит яратиб берувчи мамлакатлар. Бу нафақат аниқ стратегияни ишлаб чиқиш, прогрессив технологик тузилмаларни шакллантиришга қаратилган, балки бутун воситалар арсеналидан фойдаланиш қобилияти ва биринчи навбатда илмий ва таълим олий таълимини ривожлантириш, бу саноатнинг рақобатбардошлигини қайта тиклаш ва ошириш учун инновацион сиёсатни шакллантиришда катта аҳамиятга эга. Лекин инновацион фаолиятни амалга оширишда креатив тафаккур муҳим аҳамият касб этади.

Инновацион тафаккур" атамасини 1993 йилда Жаҳон фалсафий Конгрессида В.П. Делия киритган деб ҳисобланади. Унга кўра, инновацион тафаккур ўзининг энг умумий шаклида "янги натижаларга олиб келувчи тафаккурни ривожлантириш" деб тушунилиши лозим, унинг предмети "воқеликнинг янги фрагментларини яратиш, уларни ўзгартириш ёки аксинча, мавжуд воқеликнинг барқарор ҳолатини сақлаб қолишга қаратилган жараёнлар"дир.[2] Инновацион фикрлаш бу ёндашувларнинг оқилона муросасидир: унда ижодий жараёнлар тасаввурни боғлаб оригинал ғояларни ҳосил қилиш учун ишлатилади. Бу ғоялар кейинчалик рационал ва мантиқий фикрлаш ёрдамида таснифланади, танланади, уюштирилади ва синовдан ўтказилади.

Инновацион тафаккур кўп босқичли даврий жараён бўлиб, унинг бошланиш, юксалиш ва якунлаш фарқлари, вақт оралиқлари мавжуддир. Инновацион тафаккурнинг фан ва амалиётдаги роли ва аҳамияти маълум жиҳатдан эвристик усул ва ёндашувларнинг ривожлантирилишига боғлиқдир[3].

Инновацион тафаккур тарзи инсоннинг янги эҳтиёжлари ва муаммоларини қондиришга йўналтирилган янги ғоялар, қадриятлар ва лойиҳаларни ихтисосланган корхоналар ва уларни янгилаб туришга кетадиган вақтни қисқартиришга қаратилган интеллектуал фаолият шакли ва тизимидир.

Рус олимлари инновацион тафаккурнинг конструктив, трансформацион, амалий ва ижодий характерга эканлиниги таъкидлайдилар[4]. Лекин бу жиҳатлар креатив тафаккурда ҳам мавжуддир. Бу жиҳат уларнинг умумийлигини кўрсатади.

Инновацион тафаккурни кенг ижтимоий онг

*[1]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги "2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида" ги ПФ-5544-сон Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 22.09.2018 й. 061855441951-сон.*
*[2]. Делия В.П. Инновационное мышление в XXI веке. Москва: Де-По, 2011. - С. 232.*
*[3]. Султанова Г.С. Постноклассик илмий тафаккур тарзи ва инновация. Монография. "Globoedit" 2019. - Б. 52.*
*[4]. Усольцев А.П., Шамало Т.Н. Понятие инновационного мышления // Педагогическое образование в России. - 2014. - № 1. - С. 94-98*

йўналишига айланишининг сабаб ва оқибатини жамиятда содир бўладиган инновацион тараққиёт ташкил қилади[5]. Натижада инновацион тафаккур креатив тафаккурни амалга оширувчи ижтимоий механизмга айланади

**Инновацион тафаккурнинг хусусиятлари:**

*1) оригиналлик-нарсаларни бошқача кўриш, тахминларни шубҳа қилиш ва иш учун анъанавий ёндашувлардан чиқиш қобилияти;*

*2) мажбурият, қатъият, ўз-ўзини рағбатлантириш, ғайрат ва тиришқоқлик;*

*3) ҳамма нарсада мукаммалликка интилиш ва ўз-ўзини танқид қилиш;*

*4) ақл ва ҳазил туйғусининг мослашувчанлиги;*

*5) бошқа одамларнинг фикрларидан мустақиллик, ташқи босимга қаршилик ва ўзига ишонч;*

*6) шубҳа, қизиқувчанлик, муаммоли вазиятларда ноаниқлик ва мураккабликка бардошлилик.*

Демак инновацион тафаккур янгиликкни яратиш, амалиётга жорий этиш эканлигини инобатга олсак унумли тафаккур турига киради. Инновацион тафаккур ижтиомий характерга эга бўлиб, ҳозирги замонда жамиятнинг барча соҳалари инновацион тафаккурни қўллаш ижитмоий тараққиётга олиб келади. Хусусан, бизнес, таълим, сервис, бошқарув соҳаларида инновацияни киритиш шу соҳани ривожланишига олиб келади. Масалан, инновациянинг аҳамиятини бизнес олами ва ишлаб чиқаришда олайлик, келажакни олдиндан кўра билиш ноанаънавий фикрлаш машҳур раҳбарлар-инноваторлар Билл Гейц, Стив Жобсларнинг фаолиятларида яққол кўзга кўринган. Бундай кишилар дунёга машҳур бўлинларининг сабаблари ҳам инновацион тафаккурга таяниб, ўз фаолиятларини олиб боришларида эди. Анъанавий тафаккур эса шиддат билан ўзгараётган замон талабларига жавоб бермай қолмоқда. Шу боис, кимки ўз фаолиятида инноваторликни моҳирона қўллай билса, шундай кишилар машҳурликни қўлга киритиб, ишлаб чиқаришда ҳам улкан самарадорликка эришишади.

Таълим тизимида эса айнан XXI аср ахборот технологиялар асрида педагогларда инноваторлик қаттиқ талаб этилади. ҳар бир дарсда янгича ёндашув, ўзгача дарс услублари, фан доирасида қизиқарли малумотлар инновацион технологияларни ўз зрнида қўллаш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу эса дарснинг ўз мақсадига эришишига таълимнинг самарадорлигига ҳамда кучли мутахассис етиштиришдаги муҳим омилдир. Айнан хориж таълим тажрибаси ҳам бу соҳада инноваторлик ҳам креативлик муҳим омиллар эканлигин кўрсатиб берди.

Ривожланаётган мамлакатимизнинг таълимда олиб бораётган ислоҳотлари олий ўқув юртлари битирувчиларида мамлакатнинг технологик мукаммаллиги ва уларнинг касб-ҳунар фаолиятида инновацион фаолликнинг устуворлигини тушуниш, таълим технологияларини шакллантириш муҳимлиги таълим олувчиларда янги технологик ечимларни идрок етиш, ғояларни шакллантириш ва илгари суриш, ўз позициясини ҳимоя қилиш, турли хил таълим тренингларини ўтказиш, инвестициялар бўйича концептуал дастурларни ишлаб чиқиш ва, раҳбар соҳа кадрларини тайёрлаш, ўз-ўзини такомиллаштириш ва англашга бўлган эҳтиёжни тарбиялашга қаратилган.[6]

Креатив тафаккур, муаммони ечимини топувчи ёндашув ёки бор фикрлардан, янги комбинацияларни яратишга қобилиятни ифодалайди. Бу иқтидор кўпинча, ишчининг шахсий қобилиятларига боғлиқ, аммо шу ўринда унга хос тафаккур тарзи ва ишчи кўникмалари сезиларли таъсир кўрсатади.

М.Н.Абдуллаеванинг фикрича, ижод жараёни эҳтимолий характерга эгадир. Чунки. исталган натижани ҳосил қилиш жараёнининг айрим ёки ҳатто барча таркибий қисмларига ёки хусусиятларига нисбатан кўп ёки кам поливариантлик имкониятини беради. Ижодий жараён ҳар доим қолипдан чиқиб, уни енгиб, илмий тадқиқот фаолиятининг янги воситалари ва операцияларига ўтишни ифодалайди[7].

**Креатив тафаккур** - жамиятлар тараққиётининг индустриал, илмий-техник инқилоблар ва кескин ўсиш, олға кетиш даврида шаклланган ҳамда замонавий жамиятдаги техник тараққиётнинг янги босқичларини инсоний захиралар билан бойитишга хизмат қиладиган ноанъанавий фикрлаш қобилияти ва тараққиёт омилларини таъминлашга йўналтирилган тафаккур ҳисобланади. Шунингдек, креатив тафаккур замонавий бошқарувчилар, олимлар, педгоглар, менежерларнинг ҳам тафаккури бўлиб, жамият тараққиётида унинг энг қуйи босқичларидан тортиб, энг юқори даражаларигача креатив тафаккур талаб қилинади. Мазкур тафаккур қуроли - инсон маънавияти, табиати, билими, ақлий салоҳияти шунингдек, мана шу жуда катта базани ишлата олиш қобилиятини ҳам ўз ичига олади.

**Креативлик бу** - ҳаёлот (фантастик), фараз; қолиплардан ҳоли бўлиш, таваккал қилиш, танқидий фикрлаш, баҳо бера олиш қобилияти, ўзича мушоҳада юритиш, рефлексия.

Креатив фикрлаш истиқболли, қизиқарли лойиҳа яратмоқчи бўлган бизнесмен учун заруратдир, кўплаб ўхшаш компаниялар орасида ажралиб туради, ноёб ва таниқли бўлади. Лекин нафақат бизнесда креатив тафаккур фойдали бўлади, балки, кундалик ҳаётда, шахсий муносабатларда, карьерада янги имкониятлар очиш имконини беради. Чунки, креативлик, ҳамма жойда қолипдан

---

[5] *Қўшоқов Ш.С. Инновацион тафаккур концепцияси // Фан ва фалсафада инновацион тафакур муаммолари. Илмий мақолалар тўплами. - Самарқанд: СамДУ, 2010. - Б. 17.*

[6] *Касимова М.В. Бўлажак кадрлар - замонавий таълимда инновацион ғояларни амалга оширишнинг асосий модераторлари// "Самарқанд вилоятини инновацион ривожлантириш: муаммо ва ечимлар" мавзусида республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Самарқанд. 2020. - Б. 10.*

[7] *Абдуллаева М.Н. Инновацииoнная основа научного творчества// Фан ва технологияларида инновация: муаммолар, ечимлар ва истиқболи. Республика илмий амалий конференцияси материаллари. - Самарқанд: СамДУ, 2007. -Б.12.*

ташқарида ўйлашга олиб келади. Буюк шахларнинг ҳаммаси (Архимед, Аристотель, Пифагор, Гиппократ, Ал Хоразмий, Ибн Сино, Амир Темур, Коперник, Ньютон, Энштейн ва бошқалар) креатив тафаккур соҳиблари бўлишган.

Креативлик ҳар қандай шаклда муҳим янгиликларни яратиш қобилияти сифатида тавсифланади. Иқтисодий маънода креативлик деганда, ходимнинг самарали, осон тақсимланган ва кенг қўлланилиши керак бўлган ҳар қандай фаолиятда муҳим янгиликларни ишлаб чиқариш учун самарали, натижага йўналтирилган қобилияти тушунилади.

Шу билан бирга, ижодий фаолиятга хос бир неча умумий хусусиятлар мавжуд: 1) меҳнатнинг ижодий компоненти, янги шаклларни ёки маълум елементларнинг янги комбинациясини яратиш қобилиятини англатади; 2) ижодий ғоянинг асосий табиати, унинг қиймати.

Креатив тафаккур туфайли туфайли инсон ҳар қандай муаммони оқилона ҳал қила олади. Креатив тафаккур ижодий ёндашувнининг натижасидир.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, креативлик ва ижодиёт айнан бир нарса эмас. Креативлик ва ижод ўртасидаги фарқ мавжуддир. Ижодиёт бу санъатга хос бўлиб, бадиий асарни яратиш жараёнидир. Лекин кўп адабиётларда креативлик ва ижодиёт айнанлаштирилади.Демак, креативлик анча кенг тушунча бўлиб, қўллаш соҳалари ҳам кенг миқёсда намоён бўлади. Хусусан, фан ва таълимда, бизнес ва иқтисодиётда, сиёсат ва бошқарувчиликда, дизайн ва технологияда турли хил йўналишда креативлик ўз ифодасини топади.

Креативлик эса тубдан янги, илгари номаълум ғоялар шакллантиришдир. Ижодий фикрлаш бадиий образларни моделлаштиради ва уларни сценарий ёки предметда мужассамлаштиради.

Таълимда креативлик педагогнинг дарс жараёнига ноаъанавий ёндашуви, доимий равишда ўз устида ишлаб, машғулотларига янги элементларни кирита олиши, талабаларда ҳам креатив тафаккурни юксалтира олиши, ўз ўқувчиларини мавжуд муаммоли вазиятлардан чиқиб кета олиш кўникмаларини шаклантиришидир. Ғарб таълим тизими асосан "ягона қолип"дан қочиб бошқалардан ўзгачалик, ноаънавийлик ҳамда ижодкорлик қобилиятини ривожлантиришга қаратилгандир. Бунинг исботини Гарвард университетида ҳам кўриш мумкин. Шу туфайли бундай университетлар юқори рейтингда туради.

Илмий тадқиқотда ҳам креатив тафаккур янгича ёндашувни билдиради. Айниқса фанлар дифференциациясида креативлик фандаги инқилоблар ва парадигмал янгилашга олиб келади. Буни фан тарихидан ҳам кўришимиз мумкин. Фанларнинг объектига қараб креатив тафаккур турлича натижаларни беради. Масалан, креатив тафаккур ижтимоий фанларда янги ғоя, концепция ва қарашларни ишлаб чиқишга олиб келади.

Креатив тафаккур табиатшунослик фанларида янги қонуниятларни очиш ва илмий кашфиётларни англашга ёрдам беради.

Креатив тафаккур аниқ ва техника фанларида эса янги дастурлар, ихтиролар қилиш қобилиятини намоён этади.

Шубҳасиз, икки турдаги тафаккурнинг (креатив ва инновационий) комбинацияси ҳар қандай фаолиятда максимал натижаларга эришиш имконини беради. Шундай қилиб, жамиятда янгиликка эришиш креатив ва инновацион тафаккурни параллел равишда ривожлантириш муҳимдир. Креативликни ривожлантириш муаммоси психологиянинг тадқиқот доирасига киради. Чунки психологияда креатив тафаккурни ривожлантириш бўйича амалий машқлар ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, креатив ва инновацион тафаккурнинг қиёсий таҳлили ушбу жадвалда берилган:**

| **Мезонлари** | **Креатив тафаккур** | **Инновацион тафаккур** |
|---|---|---|
| Моҳияти | Олдин мавжуд бўлмаган янгиликни яратиш | Олдин мавжуд бўлмаган янгиликни яратиш уни муваффақиятли амалиётга жорий этиш |
| Маҳсулот | ғоя | ғоя+технологиялар, уни амалга ошириши усуллари |
| Характерли жиҳатлари | -Интуитив, иррационал;<br><br>Кутилмаган, ногаҳон,<br><br>Чегарасизлик, кенг кўламли ижодий изланиш учун чегаралар йўқлиги, | - интуиция ва мантиқнинг мувофиқлиги, рационалликни кўплиги<br><br>Прагматизм, натижаларни олиш, ижод субъектининг асосий фаолият соҳаси билан яқин алоқада бўлиш, олдиндан белгиланган чегараларда ижодий ёндашув;<br>креативлик субъектининг фаолияти, олдиндан белгиланган чегаралар доирасида ижодий ёндашув-кўпинча инноваторнинг касбий манфаатлари соҳаси |
| Натижа | Кутилмаган, тўсатдан, башорат қилинмаган | Кутилган ва башорат қилинган |

Хулоса қилиб айтганда, креатив тафаккур янги билимларни муваффақиятли ҳосил қилишда омил бўлса, инновацион тафаккур уларни муваффақиятли амалга оширишнинг калити ҳисобланади, агар ижод маҳсули ғоя бўлса, инновацион тафаккур маҳсули унга асосланган аниқ шароитларда аниқ натижага эришиш лойиҳасидир. Креатив ва инновацион тафаккур ўртасидаги таъкидланган фарқлар бир нарсани кўрсатади, уларнинг шаклланишига ёндашувлар фарқ қилиши керак. Албатта, кишиларнинг креатив тафаккур яхшилаш учун фаол қўлланиладиган усуллар-тренинглар, ишбилармонлик ўйинлари, ақлий хужум (мия бўрони), ижодий вазифаларни ҳал қилиш ва бошқалар. - Инновацион тафаккурнинг ривожланишида муҳим рол ўйнаши мумкин.

**Тақризчи: социология ф.б.ф.д., (PhD) С.Назарқосимов**

***********************

# МИЛЛАТ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДАГИ ЯНГИ МАНБАЛАР

***Холиқова Нодира Джохонгировна*** *- доцент, Чирчиқ давлат педагогика институти*

**АННОТАЦИЯ:**

Ушбу мақолада 1916 йилги мардикорлик воқеаларига доир янги ҳужжатлар, янги манбалар тадқиқ этилган. Хусусан, жадид зиёлилари Мунаварқори Абдурашидхонов ва Убайдуллахўжа Асадуллахўжаевларнинг маҳаллий халқни мардикорликка даъват этгани, бунинг замирида ватандошларимизнинг ҳарбий саводхонлигини ошириши, миллий армияни шакллантириш, истилочининг тажовузига қарши муқобиллик мажбуриятини ҳис қилган миллат қурол ишлатиш ва аскарликнинг бутун бир асрий тажрибасини, замонавий ҳарб усулини ўрганиши назарда тутилган эди.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** Аҳмад Заки Валидий Тўғон, Эдвард Оллворт, миллий озодлик ҳаракатининг ғоявий ташаббускорлари, муқобиллик мажбурияти, замонавий ҳарб усули, мақбул қурбонлар.

В этой статье рассматриваются новые документы и новые источники, связанные с событиями мардикёрства 1916 года. В частности, джадидская интеллегенция, как Мунаваркары Абдурашидханов и Убайдуллаходжа Асадуллаходжаев призвали местных жителей на мардикёрство, в целях повышения военной грамотности, формирования национальной армии, обучения использования оружия, воинского опыта и пути современного противоборства из чувства альтернативной приверженности против агрессии захватчиков.

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** Ахмед Заки Валиди Тоган, Эдвард Оллворт, идейные инициаторы национально-освободительного движения, альтернативная приверженность, современные методы противоборства, подобающие жертвы.

This article discusses new documents and new sources related to the 1916's events of the Mardikyors. In particular, the Jadid intelligentsia, like Munavarkary Abdurashidkhanov and Ubaidullahodja Asadullahodjaev, urged local residents to work on the trailing front, in order to increase military literacy, the formation of a national army, training in the use of weapons, military experience and the ways of modern confrontation from a sense of alternative commitment against inviders' aggression.

**KEYWORDS:** Ahmed Zaki Validi Togan, Edward Allworth, ideological initiators of the national liberation movement, alternative commitment, modern methods of confrontation, appropriate victims.

Тарих миллатни бир ва бор қиладиган асосий омилдир. Узоқ йиллар давомида ўзбек халқи тарихи бошқа миллат ва мамлакатларнинг манфаатлари нуқтаи назаридан баҳоланди. Халқимиз тарихи "ўзбек" атамаси пайдо бўлган тарих билан кифояланмайди. Бизнинг миллат кўҳна дунёнинг энг эски қавмларидан бири сифатида жаҳон цивилизациясининг чорраҳасида келган миллат мақомида олиб қаралмоғи лозим. Юртдошларимиз қалбида ўзбек миллатига мансуб эканидан ғурур ва фахр туйғусини уйғотиш тарихни билишни тақозо этади. Бу ҳақда гап кетганда, жадид зиёлилари ҳақида сўз очиш айни муддаодир.

Жадидлар тарихни ва миллатни танишга алоҳида эътибор бердилар. Хусусан, 1921 йилда тузилган "Туркистон миллий бирлиги" раҳбари Аҳмад Заки Валидий Тўғоннинг "Умумтурк тарихига кириш" ва "Бугунги турк эли - Туркистон ва унинг яқин тарихи" деб номланган икки китоби (ҳозирги кунда бу китоблар таржима қилинмаган) туркий халқлар тарихини ёритишда бебаҳо манба бўлиб хизмат қилади. Шу ўринда Заки Валидийнинг "Бугунги турк эли - Туркистон ва унинг яқин тарихи" китобидан парча келтирамиз: "Туркнинг бутун тарихий такомили давомида кўзга ташланган энг аён ирқий хусусиятларидан бири ҳам тарихнинг биз билган давридан буён аскар бўлиб келганлиги, интизомсеварлиги, ҳаётнинг энг оғир мушкулотига ҳам тайёр турмоқ, машаққатларига узоқ муддат сабрли бўла олишидир" (таржима - Б.Қо-

симовники). Дарҳақиқат, сабр-матонат, интизом халқимизга хос хусусиятлар бўлгани учун ҳам биз тарихимиз билан, тарихий шахсларимиз билан фахрланамиз.

Манбаларни ўрганар эканмиз, бизга яқинроқ бўлган давр XX аср боши ва жадид маърифатпарварларининг давр воқеаларида тутган ўрни хусусида тўхталсак. Биринчи жаҳон уруши, 1916 йил воқеалари ва 1917 йилдан кейинги мураккаб вазиятларда жадидларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли халқимиз нечоғли сабр-бардошга эга эканини намойиш этди. Оддий халқ энг оғир дамларда жадид ватандошларига ишонч билдирди. Айниқса, Николай II томонидан элон қилинган мардикорлик ҳақидаги фармон ҳар томонлама зулм остида тинкаси қуриган халқ учун ҳаддан зиёд оғир синов бўлди. Хўш, бу воқеаларда жадидлар қандай роль ўйнади?

Жадидларнинг 1916 йил воқеаларида тутган ўрни турли даврларда турлича ифодаланган. Жумладан, XX асрнинг биринчи чорагида, Шўролар даврида, 40-50 йилларда (мухожир ватандошларимиз асарларида) ҳамда мустақиллик давридаги манбаларда мардикорлик воқеалари турлича талқин қилинган. Энг қувонарлиси шундаки, холисона муносабат йилдан-йилга ошиб борди. Фикримизни далиллаш учун давр воқеаларига оид айрим манбаларга мурожаат этамиз.

1916 йилги миллий озодлик ҳаракатининг ғоявий ташаббускорлари ҳақида гапирганда, хориж олимларининг ишларига мурожаат этиш фойдадан холи бўлмайди. 1917 йилда Россияда бўлган ва мамлакатда рўй берган ҳодисалар ҳақида "Russia in Upheaval" (1918), "The Russian Bolshevik Revolution"(1921), "The Russia Sovet republik"(1923) каби китобларни эълон қилган америкалик олим Э.Оллвортнинг 1967 йилда чоп этилган "Central Asia. A century of Russian Rule" китобида келтирилишича: "Ушбу озодлик ҳаракати вужудга келишида сиёсий ташкилотлар ва ғоявий раҳнамолар унча роль ўйнамади. 1916 йил май ойининг бошларида Самарқандда сафарбарликнинг олдини олиш хусусида Беҳбудий томонидан кенгаш ўтказилишига қарамай, Туркистонда Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Мунавварқори (ғозоғистонда Танишбой ўғли ва Бойтурсун ўғли) атрофида тўпланган гуруҳларнинг бу қўзғолонларда тутган ўрни деярли сезилмади. Ушбу йиғинда қатнашган Мунавварқори, Паҳлавон Ниёз, Усмон Хўжа ўғли, Обиджон Маҳмуд ва ғори Комил сафарбарликка қарши бош кўтариб чиқишни режалаштирган эди"[1] (таржима муаллифники). Мазкур режага мувофиқ номлари зикр этилган шахсларнинг ёхуд бошқаларнинг раҳнамолигида ҳам бу ҳаракат натижа бермагани тарихдан аён. Туркистонда истибдодга қарши ғалаён кўтаришнинг оқибати не кечишини Беҳбудий Дукчи эшон воқеасидан кейин аниқ англаб етган эди. Бу ҳақда у кейинчалик "Туркестанские ведомости" газетасининг мухбири саволига берган жавобида алоҳида таъкидлайди[2].

Шу боис жадидлар эндиликда ўлкадаги қирғиннинг олдини олиш чорасини кўрадилар. Улар, аввало, чор маъмурияти ҳарбий ҳаракатларининг олдини олиш мақсадида мардикорликка сафарбарликни уюштирадилар.

Жадидлар билан яқин алоқада бўлган Мўминжон Тошқин 1926 йилда эълон қилган "Турмуш уринишлари" китобида 1916 йил воқеалари хусусида фикр юритар экан, бундай ёзади: "Сўнгра Туркистоннинг ҳар ерида работчиға жўнатиш комитетлари тузилди, шул комитетларнинг бошлиғи, Тошкентда Убайдуллахўжа ва унинг муовини Мунавварқори бўлғон эди"[3]. Буни бошқа тарихий манбалар ҳам тасдиқлайди.

Мазкур воқеаларни ўз кўзи билан кўрган ва мардикорликда бўлган Аҳмад Қамчинбек бу ҳақда бундай ёзади: "Хотин-халажларнинг йиғи-сиғиси, мўйсафидларнинг дуолари, ул вақт жадидларнинг оталари саналғон Мунавварқори ва бошқаларнинг "Худоё, подшоҳимизни сақла" деган ашулани кўчаларда айтиб боришлари, Бадриддин Аъламуфларнинг Николайнинг сувратини кўтариб юриши, хайрлашувчилар ва томошабинлар билан Тошкент кўчалари тўлқинланар эди. Шу янги йиғилган биринчи партия минг кишига бошлиқлар тайинлаш учун Олмазорда палисместр маҳкамасининг боғида бир йиғин бўлади. Шу йиғинда Убайдулла Хўжаев, Мунавварқори ва бошқалар мардикорларга насиҳат қилдилар, "подшоҳи аъзамга" садоқатли бўлиш, "ватан" томонидан йўқланган бундай улуғ ишни бажо келтиришга ундадилар. Иш бошлиқларини тайин этишга ўтилди. Шу минг кишига мингбоши этилиб Мусахонуф кўрсатилади. У вақтда қўл кўтариш, қарши ва тарафдор бўлиб чиқаришлар бўлмағанидан қабул қилинади. Бундан кейин ҳар юз кишиға юзбоши белгиланади ва мингбошиға мирза этилиб мен белгиландим"[4].

Аслида "минг кишига мингбоши этилган Мусахонуф" - Мусахон Мирзахонов "Турон" театр труппасининг аъзоси эди. Жадидларнинг бундай даъвати халққа ёқмаслиги табиий эди. А.Қамчинбекнинг Мунавварқори ҳақидаги "жадидларнинг оталари саналғон" деган эътирофида ва бошқа сўзларида ҳам қандайдир кесатиқ, пичинг оҳанги сезилади. Шундай пайтда ҳамза "Яшасун чун ватан ўғли" шеърини яратди ва шу асар орқали Мунавварқори ҳамда Убайдулла Хўжаевларга бўлган салбий баҳоларни инкор қилди.

Жадидлар қўзғолон қатнашчилари тақдири ҳақида қайғуриб, Россия Давлат Думасининг тафтиш комиссиясини туздиришга муваффақ бўладилар. Бу ишни Убайдулла Хўжаев ва Вадим Чайкинлар амалга оширадилар. Чор маъмуриятининг қўзғолончиларга қарши кўрган чора-тадбирлари устидан ошкора шикоят қилган биргина киши - адвокат Убайдулла Хўжаев бўлди. Ўзининг ҳимоя нутқида у қуйидагиларни айтган: "Нима учун туркистонликлар фронт ортида хизмат қилиши керак? Кимнинг фойдасига ва нима учун? Туркистонликлар ҳақли равишда бундан бош торт-

---

[1] *Alworth E. Central Asia. A century of Russian Rule. - New York and London: Columbia University Press, 1967.*
[2] *Сайид Ҳ. Маърифат либосидаги озодлик. - Тошкент: Шарқ, 2000*
[4]. *Қамчинбек А. Мардикор (Хотира) // Ер юзи. - Тошкент, 1928. - № 1.*

салар, уларнинг бошини кесасиз. Агар улар Русия томонидан қўлланган чораларга қарши чора кўрсалар, сиз бу бечораларнинг қишлоқларига, шаҳарларига ва уйларига ўт қўясиз. Аёлларнинг, ёш болаларнинг ва қарияларнинг бошларини қилич билан кесасиз... Агар сиз қўзғолончилар жазога тортилиши керак, деб ҳисобласангиз, асосий жиноятчини қидиришингиз лозим. Токи бош жиноятчи Петербургда ва уларнинг ёрдамчилари Туркистонда экан, бу бечора, бегуноҳ, ўз ҳуқуқини талаб қилаётганларни адолат юзасидан осиш орқали ўлимга ҳукм этишнинг ўзи жиноятдир"[5] (У.Хўжаев нутқи 1956 йилда немис тилида чоп этилган Б.Ҳайитнинг китобидан таржима қилиб келтирилди). Адвокат Убайдулла Хўжаевнинг нутқи чинакам жасорат намунаси эди.

Шундай қилиб, жадидлар халқни мардикорликка сафарбар этишдан бошқа чораси йўқ эди. Бироқ халқнинг аскарликка эмас, мардикорликка олинишини аждодларимиз ҳақорат дея қабул қилгани ҳақиқатга яқиндир. Бироқ Туркистон халқи ўша пайтда аскарликка тайёр эмас эди. Туркистон жадидчилиги раҳнамоси Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳам бу борада фикр билдириб, бундай деган: "...то халқ ўрганиб, бир оз аҳвол ўзгаргунча умумий аскар олинмай, кўнгилли тариқинда тарғиб ва ташвиқ билан ҳам халқнинг аҳволига қараб олинса эди"[6]. Чорасиз вазиятда қолган жадидлар юртдошларимизни мардикорликка сафарбарликка даъват этар экан, улар бир неча мақсадларни кўзда тутган эдилар. Жумладан, мардикорлик даврида юртдошларимизнинг, аввало, бошқа миллатларнинг ишчи батальони, турли партиялари билан танишиш, фронт ортида замонавий қурол-яроғларни ишлатишни ўрганиш имкониятини кўзда тутган эдилар.

1936 йилда Тошкентда миллий озодлик ҳаракатининг 20 йиллигига бағишланган митинг ўтказилган. Унда Ф.Хўжаев маъруза ўқиган. Унинг жадидлар ҳақида айтган сўзлари шундан далолат берадики, 30-йилларда жадид зиёлилари ҳақидаги қарашлар сиёсий-мафкуравий тазйиқларнинг натижаси ўлароқ ўзгача тус олган эди: "... жадидлар ҳам халқ йўлбошчилари эмас эдилар, улар халқ билан боғланмаган эдилар, улар халқдан қўрқар ва уни манфур кўрар эди. Бу жадидларнинг "Туркистон" жадидлари 1916 йилги қўзғолоннинг раҳбарлари эдилар" деган гаплари қип-қизил ёлғон"[7]. Маърузада жадидлар фаолияти ана шундай баҳоланган эди. Аслида Ф.Хўжаевнинг ўзи ҳам жадидлардан етишиб чиққан эди. Бироқ Шўро даври мафкураси тазйиқига тушган давлат арбоби маълум бир муддат иккиланишлар соҳилида қолди. Умуман, шўро даврида жадидлар фаолиятига бирёқлама баҳо берилгани аён [8]. Жадидларнинг 1916 йилги миллий озодлик ҳаракатидаги хизматлари холис баҳосини олиши учун яна бир неча йиллар керак бўлди[9].

1916 йилги миллий озодлик ҳаракати ва унда жадидларнинг тутган ўрнига муҳожир ватандошларимиз ижодида 1940-50-йиллардаёқ холисона баҳо берилган эди. Хусусан, Аҳмад Заки Валидий Тўғон ва Боймирза Ҳайитнинг турк ва немис тилларида нашр қилинган асарларида 1916 йилги халқ ҳаракатининг асл моҳияти ва мақсади очиб берилган[10]. Заки Валидийнинг таъкидлашича, "...миллатимиз русларнинг туркистонликлардан аскар олмаслигини ўзларига "оқ подшоҳнинг буюк иноятиˮ ва "берган имтиёзлари", деб талқин қилган. Лекин 1916 йилда ва инқилоб даврида Туркистоннинг бошига келган балоларга, очликка ва русларнинг тажовузига қарши муқобиллик мажбуриятини ҳис қилган миллат (аввало, жадидлар - Х.Н.) қурол ишлатиш ва аскарликнинг бутун бир асрий тажрибасини ўрганиш лозимлигини тушуниб етди"[11]. Содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар "замонавий ҳарб усули"ни ўрганишни тақозо этар эди.

Мустақиллик шарофати билан тарихимизнинг кўплаб саҳифаларига холислик нафаси кирди. Кейинги йилларда жадидшунос олимлар кўплаб илмий изланишларни амалга оширдилар[12].

Тарихдан аёнки, ҳуррият ва озодликка ҳеч қачон қурбонсиз эришилмаган. ҳоким мутега озодликни ҳеч қачон ўз ихтиёри билан қўшқўллаб топширмаган. У фақат куч билан, қон билангина олинган. Мунавварқори Абдурашидхоновнинг: "Алҳосил, Туркистон мусулмонлари зулм панжасининг остида шул қадар эзилдилар ва ҳуррият, ҳуқуқ йўлида шул қадар кўп қурбон бердиларки, бир-икки ой ичида бошқа миллатларнинг 145 йил ичида берган қурбонларига қувлаб етишдилар. Мана бу қурбонлар жаноби ҳақ даргоҳида энг мақбул қурбонлар бўлди..."[13] деган сўзлари бу фикрни тасдиқлайди.

Жадид зиёлиларининг миллат манфаатлари йўлида амалга оширган барча саъй-ҳаракатлари маҳсули мана бугунга келиб ўз меваларини бермоқда. Истиқлол йўлида жон фидо этган аждодларимиз ёди учун бизнинг авлод юртимиз мустақиллигини кўз қорачиғидай асраб-авайламоғи зарур. Чунки юрт озодлиги - бу обод турмуш демакдир. Обод турмуш - миллат равнақи демакдир. Тарихни фақат тарих бўлгани учун эмас, бугун ва келажакка керак бўлган учун ўраганамиз. Биз тарихдан сабоқ олиб, замон эҳтиёжларига жавоб оламиз.

**Тақризчи: фалсафа ф.д., профессор Б.Тўраев**

---

*[5]. Hayit B. Turkestan im XX. Yahrhundert. - Darmstadt, 1956.*

*[6]. Беҳбудий М. Қалъа, аскарлик, ер ва таъминоти Ҳарбия // Меҳнаткашлар товуши. - Самарқанд, 1918, 2-август.*

*[7]. Хўжаев Ф. 1916-йилдаги халқ қўзғолони тўғрисида // қизил Ўзбекистон, 1936 йил, 1 август.*

*[8]. Кастельская З.Д. Основные предпосылки восстания 1916 года в Узбекистане. - М.: Наука, 1972. - С. 137-138; Зиёева Д.Ҳ. Туркистонда миллий озодлик Ҳаракатлари Ф.Хўжаев талқинида // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. - Тошкент, 1996. - № 4-5.*

*[9]. Ризаев Ш. Жадидлар ва 1916 йил қўзғолони ёхуд нега улар ғалаёнга қарши чиқдилар // Маърифат, 1996, 4 май; Каримов Н. Жадидлар 1916 йилда // Миллий тикланиш, 1998, 22 сентябрь.*

*[10]. Каримов Н. Жадидлар 1916 йилда // Миллий тикланиш, 1998, 22 сентябрь; Каримов Н. Атоқли журналист ва дипломат // Жаҳон адабиёти. - Тошкент, 2005. - № 2; Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви материаллари. Фонд № 461, рўйхат № 1, йиғма жилд № 919. Сведения по панисламизму.*

*[11]. Мунавварқори Абдурашидхонов. Мақбул Қурбонлар // Нажот. - Тошкент, 1917, 26 март.*

# ШАХСИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ИНСОН ҲАЁТИЙ МАҚСАДЛАРИ ШАКЛЛАНИШИДАГИ АҲАМИЯТИ

***Ахмедов Ижод Нарзиқул ўғли** - ф.ф.б.ф.д (PhD), Жиззах давлат педагогика иснтитути,*
***Каримов Санжар** - катта ўқитувчи, Жиззах давлат педагогика иснтитути,*

**АННОТАЦИЯ:**
Мазкур мақолада қадрият ва шахсий қадрият тушунчаларининг мазмун-моҳияти, қадриятларнинг ёшларда ҳаётий мақсадлар шаклланишидаги аҳамияти ижтимоий-фалсафий жиҳатдан таҳлил қилинган.
**КАЛИТ СЎЗЛАР:** Қадрият, шахсий қадрият, мақсад, ҳаётий мақсад, эҳтиёж, манфаат, детерминант, ижтимоийлашув.

В статье анализируется сущность содержания понятий ценности и личностной ценности, роль ценностей в формировании жизненных целей у молодежи с социально-философской точки зрения.
**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** Ценность, личная ценность, цель, жизненная цель, потребность, интерес, детерминант, социализация

This article analyzes the essence of the concepts of value and personal value, the role of values in the formation of life goals in young people from a socio-philosophical point of view.
**KEY WORDS:** Value, personal value, purpose, vital purpose, need, interest, determinant, socialization.

Ҳар бир инсон ўзининг руҳий-маънавий хусусиятлари, дунёқараши, интилишлари, орзу-умидлари билан бетакрор бўлса-да, унинг ҳаётий мақсадлари фақатгина ички субъектив истақ, майллар ва эҳтиёжлар таъсирида шаклланиб қолмайди. Чунки биосоциал ҳусусиятга эга мавжудот сифатида инсонга ижтимоий омиллар ҳам бекиёс даражада таъсир ўтказади. Бошқача айтганда, инсонда мақсадларнинг шаклланиш жараёни унинг руҳий оламида содир бўладиган психик жараёнлар билан боғлиқ бўлса-да, ҳар қандай мақсад, аввало, шахснинг ижтимоийлашув жараёни ва жамиятдаги ижтимоий муҳит, шунингдек, жамиятдаги қадриятлар тизимининг таъсирида шаклланади.

Демак, алоҳида индивидларнинг субъектив истак, майллар ва эҳтиёжларини жамиятнинг бошқа аъзоларининг манфаатлари ҳамда жамиятда ҳукмрон бўлган ижтимоий нормалар тизимига мувофиқлаштирувчи муайян омиллар ҳам мавжуд. Бу омиллар ичида айниқса қадриятлар алоҳида ўрин тутади. Бошқача айтганда қадриятларларни шахсийлик ва ижтимоийлик ўртасидаги муайян кўприк вазифасини бажаради деб ҳисоблаш мумкин. Шу ўринда қадриятшунос олима Л. М. Баеванинг: "Қадрият тушунчаси шахснинг индивидуал хусусиятларини таҳлил қилишда ҳам, ижтимоий жараёнлар ва ўзгаришларни ўрганишда ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Индивид мавжудлиги нуқтаи назаридан, қадриятлар субъективлик ва объективлик, ички ва ташқи, индивидула ва универсал ўртасидаги алоқа доирасдир " деган фикрларини келтириш ўринлидир.

Дарҳақиқат, қадриятлар жамият тараққиётининг маҳсули сифатида инсон камолоти учун ҳам катта аҳамиятга эга ижтимоий ҳодисадир. Қадриятлар ўтмишда ижобий аҳамият касб этгани учунгина эмас, балки, келажак истиқболи учун янги имкониятлар яратиб беришга қодир бўлганлиги сабабли ҳам қадрият ҳисобланади. Чунки қадриятлар оламни билиш ва уни амалий ўзгартиришга хизмат қилади. Ҳар бир қадриятнинг негизида, моҳияти ва аҳамиятида табиат, жамият ва руҳий олам ҳодисаларини билиш, илмий умумлаштириш, ижтимоий ва маънавий тараққиётга таъсир этиш имкониятлари ётади.

Бундан ташкари, қадриятлар инсон маънавий камолотига таъсир этувчи муҳим омил ҳамдир. ҳар бир миллат ривожланишдаги тарихий воқеалар, унга ижобий ҳисса қўшган шахсларнинг тажрибалари ҳам миллий қадриятлар жумласига киради. Қолаверса, ҳар қандай жамиятнинг ижтимоий одиллиги унда умуминсонийлик мезонларига амал қилиниши, пировард натижада инсон қадрининг қай даражада эканлиги, шахснинг индивидуал қадриятларни намоён қилиши учун имкониятлар яратилганлиги билан боғлиқ. Ҳар қандай киши ўз қадриятлари, уларнинг турли шаклда намоён бўлиши натижасида бошқалар ва жамият учун қадрлидир.

Ҳозирги даврда қадриятларни ўрганишга оид фалсафа, социология, маданиятшунослик, сиёсатшунослик, психология, антропология, педагогика фанларида турли изланишлар олиб борилмоқда. Бу ижобий ҳол, албатта. Лекин шу билан бирга, қадриятларни классификациялаш масаласи чалкашиб, ҳатто уларни ҳеч қандай асоссиз бошқа ижтимоий воқеа ва ҳодисалар билан айнанлаштириб юбориш ҳам юзага келмоқда.

Тадқиқот жараёнида йиғилган манбалар ва аксиологик қарашларни ўрганиш бизга қадриятларни қуйидагича классификациялаш имконини

беради.

**Қадриятлар:**

_- объектив ва субъективлигига кўра: моддий ва маънавий;_

_- маконда тарқалишига кўра: миллий, минтақавий, умуминсоний;_

_- ижтимоий ҳаёт соҳаларида намоён бўлишига кўра: сиёсий, ижтимоий, маданий, иқтисодий;_

_- стратификацияга кўра: синфий, партиявий, гуруҳий;_

_- этномаданий ва антропологик хусусиятига кўра: миллий, умуминсоний;_

_- фаолиятининг белгиси сифатида намоён бўлишига кўра мавжуд нормаларни ўзлаштириш, янги нормаларни шакллантириш;_

_- функционал мақсадларига кўра: бошқариш, координациялаш, тадрижий ривожланишни ташкил этиш каби йўналишларга классификация қилиниши мумкин. Албатта, қадриятларни ахлоқий, ижтимоий-сиёсий, ташкилий-педагогик хусусиятларига, шахс, жамият манфаатларига мос келишига қараб ҳам классификациялаш мумкин ._

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, ушбу тадқиқотда бизнинг мақсадимиз қадриятларнинг ўзини эмас, балки уларнинг шахс, жумладан, ёшлар ҳаётий мақсадларининг шаклланишига таъсири нуқтаи назаридан тадқиқ этамиз муҳимдир.

Шу ўринда қадрият тушунчасининг мазмун-моҳиятини ва қадриятларнинг ёшларда ҳаётий мақсадларнинг шалланишидаги аҳамиятини ўрганиш эҳтиёжи вужудга келади.

Фалсафий адабиётларда қадриятлар турлича талқин қилинади. Қуйида уларнинг баъзиларини кўриб чиқишимиз мумкин. Жумладан, Фалсафа қомусий луғатида "қадрият - воқеъликдаги муайян ходи-саларнинг умумбашарий, умуминсоний, ижтимоий-аҳлоқий, маданий-маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланадиган фалсафий-социологик ва аксиологик тушунча. Жамият, инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган барча нарса, ҳодиса ва воқеалар: эркинлик, эзгулик, тенглик, тинчлик, ҳақиқат, маърифат, маданият, моддий ва маънавий бойликлар, обида-ёдгорликлар, гўзаллик, ахлоқий хислат ва фазилатлар, анъана, урф-одат, удум ва бошқалар қадрият ҳисобланади ", - деб таъриф берилади.

Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғатида эса Файласуф олим Қ.Назаровнинг қуйидаги таърифи келтириб ўтилади: "қадрият - инсон ва жамият маънавиятининг таркибий қисми, оламдаги воқеалар, ҳодисалар, жараёнлар, ҳолатлар, сифатлар, талаб ва тартибларнинг қадрини ифодалаш учун ишлатиладиган тушунча ".

Файласуф олима Б.Очилова эса "қадрият бу табиий ва ижтимоий ҳаётда намоён бўладиган, кишилар қадрлайдиган ва улар учун манфаатли, фойдали, ижобий аҳамиятли бўлган омиллар йиғиндиси " эканлигини таъкидлаб ўтади.

Демак, юқоридаги таърифларда олимлар асосан қадриятларни ижтимоий-тарихий ва маданий категория сифатида қараб, уларга "инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган барча нарсалар" эканлигига алоҳида эътибор қаратадилар. Бироқ бу таъриф ҳам ўз ўрнида маълум бир саволлар уйғотади. Инсон ва инсоният учун аҳамиятли, керакли бўлмаган нарса борми ўзи?

Оламда мавжуд жамики нарса, мавжудот инсон ва инсоният учун аҳамиятли, кераклидир балки. Умуман олганда файласуфлар қадриятларнинг жамият ҳаёти ва тараққиётида тутган ўрни масаласига онтологик, гносеологик, эвристик ва дунёқарашлик нуқтаи назаридан ёндашиб, уларнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ва тарбиявий аҳамиятини алоҳида ёритишга ҳаракат қиладилар.

Шу ўринда қадриятлар масаласида бир қатор хориж олимларининг ҳам ёндашувларини келтириб ўтиш ўринлидир. Зеро, қадриятлар муаммоси фақатгина миллий масала ҳисобланмай хорижда ҳам бу масала психология, социология, маданиятшунослик, фалсафа каби фанларда қизғин ўрганиладиган масалалардан бири ҳисобланади. Хусусан, "Энг янги фалсафа луғати"да қадриятга "Абсолютга, шартга, мақсадга йўналтирилган объект ва ҳодисаларнинг инсоний, ижтимоий ва маданий моҳиятини акс эттирувчи атама " деб талқин берилади.

Яна бир ёндашувда эса, "у инсоннинг социомаданий фаоллиги доирасини белгилаб келади, маданий фаолият натижаси сифатида эса шахсдан, айрим ҳолларда эса тарихий ҳодисалардан айрича идрок этилади. Шунинг учун қадриятлар ўтмиш, ҳозир ва келажакни уйғунлаштириш, фаолият натижаларини семиотик ифодалаш, нарса ва ҳодисаларни баҳолашда уларнинг мақсадга мувофиқларини устувор ҳисоблаш, дунёни идрок этишда турли даражадаги қадрлаш тизимларини яратиш ва фикрларни асослаш тарзида келади. Ғадриятлар энг аввало нормалар орқали амалга оширилади. Таъриф муаллифи (В.Л.Абушенко) қадриятларнинг қадрланиш жараёнида мақсадга мувофиқлик принципини эътироф этганлиги диққатга сазовордир.

Қадриятларга ахлоқий ҳодисалар сифатида ёндашиш у ёки бу даражада барча адабиётларда мавжуд. Бироқ айрим муаллифлар қадриятлардаги ушбу белгиларни мутлақлаштиришга мойилдирлар. Масалан, А.И.Кравченко қадриятларга қуйидагича таъриф беради: "Қадриятлар, - деб ёзади у, - кўпчилик кишилар томонидан ижтимоий қўллаб-қувватланадиган эзгулик, адолат, ватанпарварлик, романтик севги, дўстлик каби ҳодисалар ҳақидаги тасаввурлардир" деб таъриф берилса, яна бир ёндашувда "қадриятлар шубҳа остига олинмайди, улар барча кишилар учун эталон, идеал бўлиб хизмат қилади" деб таъкидланади.

Ушбу ёндашувлардаги мазмун қадриятларнинг субъектив хусусиятларига урғу берилиш натижасидир. Таъкидлаш лозимки, қадриятларнинг субъектив хусусиятлари ичида мақсадга муофиқлик алоҳида аҳамиятга эгадир.

Демак, қадриятлар тасаввурларгина эмас, улар инсон ва тарихий субъектларнинг оламни идрок этиши, ўзлаштириши ва ўзгартириши жараёнида ижтимоий норма сифатида яратган моддий ҳамда маънавий бойликларининг ижтимоий муҳит тан олган мажмуасидир.

Шу ўринда, ғарб илм-фанидаги қадрият муаммосига ёндашувлар ичида қадриятларни мақсадлар сифатида талқин этишга ҳаракат қилувчи олимларнинг қарашлари ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Қуйида бу қарашларнинг базиларини келтирамиз. Хусусан,

Қадриятлар кенг, вазиятга оид мақсадлардир;

Қадриятлар мотиватцион мақсадларнинг когнитив ифодасидир;

Барча қадриятлар мақсадларни англатади, аммо ҳамма мақсадлар ҳам қадрият эмас. Қадриятлар турли хил вазиятларда муҳим бўлган умумий мақсадлардир;

"Шахснинг қадриятлари бу одамларнинг ҳаракатларини рағбатлантирадиган ва ҳаётларида раҳбарлик қилувчи принцип бўлиб хизмат қиладиган умумий мақсадлардир";

Қадриятлар мақсадга мувофиқдир. Қадриятлар орзу қилинган мақсадларни англатади; улар одамлар муҳим ва муносиб деб билган нарсаларни акс эттиради;

"Улар миллатлар, бизнес ташкилотлари ва диний гуруҳлар каби индивидуал ва ижтимоий жамоаларга тааълуқли бўлиши мумкин. Ижтимоий жамоаларнинг қадриятлари (кўпинча маданий қадриятлар деб аталади) ижтимоий жамоа аъзоларининг рағбатлантирадиган мақсадларини англатади ва улар коллектив аъзолари ва раҳбарлари томонидан ушбу мақсадларга эришиш учун қилинадиган ҳаракатларни оқлаш учун хизмат қилади".

Кўриниб турибдики, ушбу ёндашувларда қадриятлар инсоннинг хатти-ҳаракатлари ва фаолияти учун асос бўлувчи мотивацион функцияси мутлақлаштирилмоқда. Аммо аҳамиятли жиҳати шундаки, қадриятлар айнан шу функцияси туфайли ҳаётий мақсадлар учун асос вазифасини бажаради. Жамиятшунос олим Прижогин мақсадни - "... режалаштирилган натижа, мўлжал ва воситалар бирлиги, шунингдек, эҳтиёжларни қондиришнинг оқилона ва қадрияларга мос усули ", эканлигини таъкидлайди. Шу ўринда инсоннинг мақсади уни шахс сифатида шакллантирган шарт-шароитлар ва омиллар таъсирида шаклланса-да, ижтимоий қадриятлардан эмас, мақсад эгасининг шахсий қадриятларига мувофиқ шаклланишини алоҳида қайд этиш лозим. Юқоридаги ёндашувларнинг яна бир жиҳати шундаки, уларда қадриятларнинг барчаси эмас, балки айнан шахсий қадриятлар эътибор марказида бўлмоқда.

Қадриятларга нисбатан ғарб олимларининг ёндашувларини ўрганар эканмиз бу ўринда уларнинг қизиқишлари асосан алоҳида индивид ва унинг қадриятлари муаммоси эканлиги ғарбона қарашларга хос бўлган индивидуализм руҳи устунлик қилади.

Шу жиҳатдан бу қарашларнинг қамрови чекланган бўлса-да, айнан шахсий қадриятлар муайян вазиятларда одамларнинг истаклари ва хатти-ҳаракатларига таъсир этишини тан олишимизга тўғри келади. Шу нуқтаи-назардан биз уларнинг бу қарашлари бизнинг тадқиқотимиз учун муҳим жиҳатларни топишимиз мумкин.

Хўш, шахсий қадриятлар дейилганда қандай қадриятлар назарда тутилади, уларнинг ўзига хослиги нимада?

Шахсий қадриятлар дейилганда инсоннинг фақат ўзи учун аҳамиятли бўлган, кишиларнинг фақат ўзларигина қадрлайдиган қадриятлар назарда тутилади. Файласуф олим Қ.Назаров шахсий қадриятлар ҳақида фикр билдирар экан, "ҳар бир инсон - бир олам, бошқаларга ўхшамайдиган ўзга бир дунёдир. Инсоннинг ана шу мажозий маънодаги маънавий олами, ўзгаларга ўхшамайдиган қиёфаси ва бетакрор дунёси қадриятнинг шахсий даражада намоён бўлиш хусусиятлари билан узвий боғланган. Инсоннинг ўзи учун қадрли бўлган нарсалар қаторига жуда кўп нарсаларни киритиш мумкин. Масалан: оила, соғлик, шахсий ҳаёт, ота-она, ота-онани ҳурмат қилиш, хонадон, севги, дўстлик, билим, хавфсизлик, бойлик, касб-кор, мавқеъ, обрў, ишхона, шахсий эркинлик, омад, муваффақият, мустақил бўлиш, спорт, медаллар, адолат, тозалик, барқарорлик, меҳнат қилиш, ҳалоллик, тарбия, масъулият, ҳаёт, ҳашамат, маданиятлилик, олғирлик, тадбиркор бўлиш, қонунийлик, уддабуронлик, ватанпарварлик, шахсий бизнес, дўстлар, орзу-ҳавас, ижодкорлик, куч-қудрат, муҳаббат, фаровонлик, интелект, иймон ва ҳоказолар. Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин ва бу қадриятлар ҳар бир инсонда унинг дунёқараши ва эътиқодидан келиб чиқиб турлича бўлиши мумкин.

Ҳар бир инсон қадрият устуворликларининг шахсий иерархиясига эга яъни, инсон учун баъзи қадриятлар жуда муҳим, бошқалари ўртача даражада, бошқалари эса унчалик аҳамиятсиз бўлиши ҳам мумкин.

Бироқ ушбу қадриятлар одамларга нисбатан аҳамиятлилиги жиҳатидан тубдан фарқ қилади.

Қадриятларнинг иерархик ташкил этилиши уларни ўзига хос тушунчаси билан боғлиқ бўлган бошқа конструкциялардан ажратиб турадиган ўзига хос хусусиятдир. У қадриятларнинг мотивацион хусусиятини акс эттиради: иерархиядаги қадрият қанчалик юқори бўлса, шахс ҳаётга йўналтирувчи принцип сифатида ушбу қадриятга таянишга ундайди.

Демак, қадрияларнинг айримлари бир киши учун қадрият ҳисобланса, яна бошқа бир киши учун улар мутлақо аҳамиятсиз, ҳаттоки кулгили бўлиши ҳам мумкин ва бу ҳолат шахсий қадриятларни ўрганишда муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради. Шу сабабдан инсоннинг шахсий қадриятлари ҳақидаги фикрларни конкретлаштириш нуқтаи назаридан уларни тизимлаштириш эҳтиёжи туғилади.

**Қ.Назаров шахсий қадриятларни қуйидагича тизимга солиб ўрганишни таклиф қилади:**

*1) одамзотнинг табиий-тарихий қадриятлари;*

*2) маънавий-ахлоқий қиёфаси, нафосати ва гўзаллиги билан боғлик қадриятлар;*

*3) меҳнати ва иқтисоди билан боғлиқ қадриятлар;*

*4) индивидуал камолоти ва ижтимоий мавқеи (ёки "карьера"си) билан боғлиқ қадриятлар;*

*5) ҳузур-ҳаловати билан боғлиқ "гедонистик" қадриятлар;*

*6) қобилияти ва истеъдоди билан боғлиқ интеллекутал қадриятлар;*

*7) ҳис-ҳаяжон, туйғулари билан боғлиқ "эмоционал" қадриятлар .*

Шахсий қадриятларни тизимлашририлган ҳолда ўрганишнинг хорижда тан олинган тавсифи эса қадриятшунос олим Шварц томонидан таклиф этилган. Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу тавсиф биз юқорида келтирган тавсифга анча яқин ва баъзи жиҳатлардан уни чуқурроқ тушуниш имконини беради. Шварц қадриятларни улар билдирган мотивацион мақсадларга мувофиқ ташкил этиш мумкинлигини таклиф қилди. Шварц шахсларнинг эҳтиёжларини ва ижтимоий ҳаётга бўлган талабларни таҳлил қилиб, ўнта мотивацион фарқ қиладиган қадриятлар гуруҳларини ажратиб кўрсатади:

*1) Ўз-ўзини бошқариш*

*2) Рағбатлантириш*

*3) Гедонизм*

*4) Муваффақиятга эришиш*

*5) Куч-қувват*

*6) Хавфсизлик*

*7) Мувофиқлик*

*8) Анъана*

*9) Хайрихоҳлик*

*10) Универсализм .*

Олимнинг фикрига кўра, одамлар одатда ўзларининг шахсий хусусиятларига ижобий қарашади ва ижобий ўзини ўзи қадрлашга мойил. Бироқ, одамлар ўзларининг шахсий қадриятларини бошқа шахсий истакларига қараганда кўпроқ исталган деб билишади: улар ўз қадриятларини шахсий хусусиятларидан кўра идеал ўзларига яқинроқ кўришади ва ўз қадриятларини озроқ ўзгартиришни хоҳлашади. Бошқача айтганда, инсон ўз мақсадини шакллантирар экан, турли хил имкониятлардан бирини танлайди, уни амалга ошириш усуллари тўғрисида қарор қабул қилади, унга эришиш йўлидаги тўсиқларни ўзича аниқласа-да, ушбу танлов "индивидуал мақсадни ижтимоий қадриятлар ва жамоат мақсадлари тизими билан мувофиқлаштириш ва уларни қабул қилинишини таъминлайди" .

Тўғри, шахсий қадриятлар ҳар бир инсоннинг ҳаётий мақсадлари шаклланишида асос вазифасини бажаради. Аммо шахсий қадриятлар миллий ва умуминсоний қадриятлардан айро ҳолатда ҳеч қачон мукаммаллик касб эта олмайди. Бошқачароқ айтганда шахсий қадриятлар айнан миллий ва умуминсоний қадриятларга мувофиқ шакллангандагина юксак инсоний ва ахлоқий характердаги ҳаётий мақсадларга асос бўлиши мумкин. Аксинча бўлган ҳолатда эса бунақанги ҳаётий мақсадлар инсоният, жамият ва миллатнинг бошига фақатгина кулфатлар келтиради холос.

Демак, шахснинг ҳаётий мақсадлари шаклланиши учун бевосита таъсир кўрсатувчи индивидуал қадриятларнинг миллий ва умуминсоний қадриятлар билан алоқадорлиги масаласини айнан шу нуқтаи назардан ўрганиш муҳим ҳисобланади. Хусусан, халқимизга хос миллий қадриятларининг ўзагини дин, эътиқод ва улар билан боғлиқ қарашлар, нормалар, тасаввурлар ташкил этади. Шунинг учун кейинги пайтларда диний қадриятлардаги инсон маънавиятига ижобий таъсир этувчи имкониятларни ўрганишга кенг эътибор берилмоқда.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, қадриятлар одамлар шахсиятининг асосий жиҳатларидан бири бўлиб, уларнинг борлиққа муносабати ва хатти-ҳаракатларига, ҳусусан, ҳаётий мақсадларининг шаклланишига ҳам беқиёс даражада таъсир қилади.

Қадриятлар бўйича тадқиқотлар нафақат инсон хулқ-атвори ва фаолиятини таҳлил қилишга ёрдам беради, балки хатти-ҳаракатлар асосини, шахс ва ижтимоий ҳодисалар ўртасидаги мураккаб ўзаро боғлиқликни тушунишга ёрдам беради. Яъни қадриятларни ўрганиш, одамларнинг эришишни истаган барқарор мақсадларини тушунишга имкон беради.

# ТАҚВИМ БИЛАН БОҒЛИҚ ИЛМИЙ БИЛИМЛАРНИНГ АРХЕОЛОГИК ЁДГОРЛИКЛАРДА АКС ЭТИШИГА ДОИР

***Тошбоев Фурқат Эшбоевич** — т.ф.б.ф. д., доцент. Жиззах давлат педагогика институти*

**АННОТАЦИЯ:**

Ушбу мақолада, Уструшона чорвадор аҳолиси орасида мавжуд бўлган йил хисобига оид илмий билимларни, қадимги даврда тақвим билан боғлиқ деб эътироф этилган археологик ёдгорликлар (Шаҳидтепа, Суппатош, Апартак ва Қувкалла) материаллари асосида ёритишга ҳаракат қилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** Йил ҳисоби. Ғулбо, юечжилар, ой сайёраси, Аш-шаратан, Ирисув, Суппаташ, Шахидтепа, сак тақвими, Нурота, Қувкалла, Хукария.

**АННОТАЦИЯ:** В данной статье автор сравнительно анализируют научные знания календаря древних времен имеющиеся среди население скотоводов Уструшаны, на основе археологических материалов памятников (Шахидтепа, Суппатош, Апартак и Кувкалла).

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** летоисчесление, Гулбо, Юечжи, лунная планета, Аш-Шаратан, Ирисув, Суппаташ, Шохидтепа, сакский календарь, Нурата, Кувкалла, Хукария.

**ANNOTATION:** In this article, the author comparatively analyzes the scientific knowledge of the calendar of ancient times among the population of cattle breeders Ustrushana, based on materials from archaeological sites (Shokhidtepa, Suppatosh, Apartak and Kuvkalla).

**KEYWORDS:** calendar, Gulbo, Yuechji,chronology, moon planet, Ash-Sharatan, Irisuv, Suppatash, Shoxidtepa, Saks's calendar, Nurata, Kuvkalla, Xukariya.

Туркистон заминида яшаб келаётган халқлар тақвим-йил ҳисобидан фойдаланишда дунёнинг энг маданий халқларидан бири ҳисобланадилар. Манбалар таҳлилига кўра, бу ўлкада тақвимларга амал килиш қарийб уч минг йилдан буён давом этиб келади. Шу давр мобайнида аждодларимиз қадимги туркий, хоразмий, суғд, авесто (қадимги Эрон), яздигир, ҳижрий-шамсий, ҳижрий-қамарий, милодий йил ҳисобларидан фойдаланганлар. Тақвим-йил ҳисобининг бошланиши эса кўчманчилар йил ҳисоби (дўғол–тўғиш) ҳисоби билан боғлиқ бўлган.

Абу Райҳон ал-Берунийнинг маълумотларига кўра, туркий халқларда йил ҳисоби ойнинг ҳулкар юлдузи туркуми билан учрашган вақтидан бошланган ва у македониялик фотих, Александр туғилишидан 1300 йил олдин амалда бўлган[1]. Исломгача бўлган даврда арабларда йил ҳисоби Ойнинг тўхташ манзилларига асосланган бўлиб, бу ҳодиса Аш-шаратан (арабча- икки белги), деб номланади. Аш-шаратан тоғ эчкиси туркуми билан ойнинг тўхташ нуқтасига тўғри келганда йил бошланади[2]. Бу йил ҳисоби кўчманчи чорвадорларга тегишли бўлиб, улар осмон жисмларини кузатиш орқали вақтни ҳисоблаганлар. Демак, Евроосиё чорвадор аҳолиси орасида шунга ўхшаш вақт ҳисоби қадимдан ишлатилган.

Уструшона мозорқўрғонларининг тоғ ёнбағирлари бўйлаб, кўпинча табиий химояланган, қуёш нури куз ва қишда ўнг тушадиган, чорва қишлаши ва ўтлаши учун қулай манзилларда жойлашганлиги, чорвадорларнинг географик билимлари етарлича бўлиб, об-ҳавони, вақтни ва амалий йил ҳисоб китобини яхши билганлигини кўрсатади. Қулбо, Сағаноқ, Қулписар, Хўжаи Сароб каби мозорқўрғонлардаги дафн маросимларида марҳумлар бошини қайси томонга қўйиш ҳам йил фаслларига боғлиққа ўхшайди[3].

Мозорқўрғонларда қайд этилган астрономик билимлар билан боғлиқ материаллар бизни бу борада махсус изланишлар олиб боришга ундайди. XX асрнинг 60- йилларида Л.И. Альбаум, Ғаллаорол туманидаги Шаҳидтепа ва унинг атрофи бўйлаб режали тарзда жойлашган ёдгорликлар ҳақида маълумот бериб, уларни қадимги аҳолининг қуёш ва сайёралар ҳаракатига асосланган йил, фасллар ва ойларни белгилашда фойдаланиладиган мажмуаси жойлашган бўлиши мумкин, деб изоҳлайди[4]. 1968 йилда эса Ўзбекистон ССР Маданият Вазирлигининг Саньатшунослик институти ходими, Э.В. Ртвеладзе раҳбарлигида илмий гуруҳ ушбу ёдгорликда қазув ишларини олиб борган. Улар Шаҳидтепа ёдгорлиги атрофи бўйлаб жойлашган тепаликларни очиб ўрганиб, уларда ҳеч қандай ашё йўқлигини эътироф этади ва бу ердаги қуёш календари билан боғлиқ аломатларни инкор этиб, уларни "сохта қабрлар", деб атайди. Бироқ, Шаҳидтепа мажмуаси атро-

[1] Абу Райҳон Беруний. Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар. Т. 1. Тошкент, 1968. Б. 391.
[2] *Абу Райҳон Беруний. Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар. Т. 1. Тошкент, 1968. Б. 392.*
[3] *Тошбоев Ф.Э., Мирзаев Б.Н. Ўзбек халқи аждодлари маънавий ҳаётида илму нужум.// Марказий Осиё тарихи ва маданияти. Республика илмий-амалий конференция материаллари Тошкент, 2019. 28-32 бетлар*
[4] *Альбаум Л.И. Буддийский храм в долине Санзар. // Докл. АН УзССР. Ташкент, 1955. – С.57-59.*

фидаги жарликдан (5 м чуқурликда) лаҳадли қабрда чалқанча ётқизиб, ёнига қилич қўйиб дафн этилган одам суякларини қайд этади[5]. Э.В. Ртвеладзе фикрича “бу айвонли лаҳад қабр бўлиб у, милодий I асрга оид ҳисбланади”.

Ушбу олимлар томонидан Шаҳидтепа ёдгорлиги бўйича берган маълумотлар бизда қуёш календари билан боғлиқ баъзи мулоҳазаларни пайдо қилди. Улардан биринчиси, Шаҳидтепа атрофидаги 365 тепанинг “қабр эмас сохта қўрғонлар”, деб аталиши, ушбу ёдгорликнинг қуёш календари билан боғлиқлигига биринчи ишора ҳисобланади. Чунки, “қуёш календари”, деб аталиши учун тепаликлар қабр эмас, сунъий тепаликлардан иборат бўлиши керак эди. “Қуёш календари” билан боғлиқ фикрларни қайта кўриб чиқишга қизиқтирган иккинчи омил ёдгорлик атрофидаги жарликдан эрамиз бошларига оид Евроосиё даштларидан кириб келган кўчманчиларга тегишли жангчи қабрининг ўрганилиши бўлди.

Бизни тахминимизча, мажмуа атрофидаги тепаликлар ҳақиқатдан ҳам мозорқўрғон эмас, аксинча, сунъий тепаликлар бўлган. Бу тепаликлар қадимда, қуёшнинг йил мобайнидаги ҳар бир кунлик ҳаракатига мос ҳолда махсус ўлчов асосида қурилган. Мажмуанинг атрофида милодий I асрга оид айвонли лаҳад гўрнинг ўрганилиши эса ёдгорликларнинг кўчманчилар йил ҳисоби билан боғлиқлигига яна бир ишора эди. Чунки, Евроосиё даштларидан милоддан аввалги I минг йилликнинг сўнгги чорагидан бошлаб, кўплаб қабилалар кириб келган бўлиб, улар ўзлари билан йил ҳисобига оид билимларини ҳам олиб келган эди[6].

Шаҳидтепа ва унинг атрофидаги сунъий тепаликлар кейинчалик, XX асрнинг 80- йиллари бошида санъатшунос М.С. Булатов томонидан ҳам ўрганилган. Ушбу тадқиқотчи, Шаҳидтепа ёдгорлигини жойлашиши ва унинг атрофида режали тарзда тизилиб турган тепаликларни кузатиб уни, “ғаройиб иншоот”, ёдгорлик атрофидаги тепаликларни эса “қадимги сак қабилалари тақвими”, деб атаган. Унинг тахмини буйича, Шаҳидтепа “биринчидан, шоҳ қўрғон ўтроқ, суғдийлар ва кўчманчи саклар учун биргаликда сиғинадиган ва илми-нужумни ўрганадиган саждагоҳ-расадхона; иккинчидан, асосан кўчманчи қабилалар орасида зардуштийлик динини тарқатиш учун идеология маркази; учинчидан, Шаҳидтепа комплексини ташкил этувчи 365 та тепа, йил ҳисоби, фасллар алмашувини белгилашда фойдаланиладиган тақвим-календарь вазифасини ўтаган” қадимги сак қабилалари тақвими ҳақидаги М. Булатовнинг илмий қарашлари ўз вақтида катта шов-шувга сабаб бўлган. Бироқ, шу пайтгача бу масалада аниқ илмий фикрлар билдирилмаган.

Ушбу фикрларни қанчалик асосга эга эканлигини аниқлаш мақсадида, ушбу сатрлар муаллифи иштирокидаги махсус гуруҳ 2020 йил 11- март куни Шаҳидтепада бўлдик. ҳақиқатдан ҳам Ғаллаорол тумани Молтоп қишлонинг шарқ томонидаги бепоён тоғ адирлигида жойлашган Шаҳидтепа ёдгорлиги ва унинг атрофида бир айланали ўлчов бўйича, режали тарзда тизилиб жойлашган тепаликлар мавжуд. Мажмуанинг марказида жойлашган Шаҳидтепа ёдгорлигини баландлиги тахминан 20 м, диаметри 70х60 м.. Ёдгорлик атрофи бўйлаб ( 50-150 м узоқликда) шакли унчалик катта ўлчамда бўлмаган (диаметри 2х3 м, баландлиги 0,30 - 0,5 м) тепаликлар жойлашган. Ушбу тепаликларнинг шу пайтгача 2/3 қисми сақланиб қолган (бу ерда 170 тепани санашга муваффақ бўлдик). Қолганлари қабристон ва янги қурилган иморатлар ҳисобига йўқотилган.

П.Ремпель ва Э.Ртвеладзе “Шаҳидтепа ва унга алоқадор бошқа тепаликларда маданий қатлам қолдиқлари учрамайди” деб маълумот берганлар. Бироқ, биз мажмуа марказида жойлашган Шаҳидтепанинг устки қисмидаги тупроқ орасида кўплаб антик ва илк ўрта асрларга оид сопол буюмларни қайд этдик. Бу ҳолат, Шаҳидтепани ўтроқ, суғдийлар ва кўчманчи саклар учун биргаликда сиғинадиган ва илми-нужумни ўрганадиган саждагоҳ-расадхона деб аташга, унинг атрофидаги 365 сунъий тепалар эса, қуёшнинг бир йилда бўладиган ҳарактини ифодаловчи белги сифатида қурилган деган, дастлабки хулосага келишимизга имкон бермоқда. Афсуски, бир қарашда тақвимга хос белгиларни ўзида жамлаган бу иншоотда археологик тадқиқотлар ўтказганимиз йўқ. Лекин дастлабки кузатув жараёнидаёқ бундай хулоса чиқаришимизга, қуёшнинг бир йилда бўладиган ҳаракати – 365 кун ва маълум бир ойга тўғри келадиган осмон жисмларининг жойлашишини ифодаловчи тепалик – белгилар сабаб бўлмоқда. Макола, фақат Шаҳидтепа мажмуасига бағишланган бўлмай, унда тақвим билан боғлиқ ёдгорликлар ҳақида умумий маълумот бериш мақсад қилиб олинган. Шунинг учун Шаҳидтепа мажмуаси борасидаги мулоҳазаларни қазув тадқиқотлари ўтказганимизча, мунозара мавзуси сифатида очиқ қолдирамиз.

Бу каби қуёш календари билан боғлиқ иншоатлар Ангрен яқинидаги Ирисув ва Суппатош қишлоқларида ўрганилган. Ангрен яқинидаги Ирисув анҳори бўйида 1988 йилда, тошдан қурилган қабр иншоати ва ундан 10 м жануби шарқда ромбсимон шаклда қурилган ўзига хос тош қурилма қайд қилинган. Ёдгорликни ўрганган С.А. Дудаков ўз фикрларини билдириб, “... бу иншоот мил. авв. IV-I асрларга оид бўлиб, Ангрен воҳасида ёзги календарни аниқлашга хизмат қилган. Бу ерда ёзги ҳосил йиғиб олинишидан олдин маросим ўтказилган ва у қадимда кўчманчиларнинг қуёшга сиғинадиган дафн иншооти бўлган” деган, тахминий фикрларни баён қилади[8].

Ангрен ҳудудидаги яна бир тош қурилма Суппатошда ҳам қуёш календар объекти аниқланган.

*[5]. Ремпель Л.И., Ртвеладзе Э.В. Отчёт об археологических исследованиях в Галляаральском районе Самаркандской области в 1968 г. // Архив ИА АН Уз ССР. Самарканд, №3645. -Л. 5-9.*
*[6]. Дудаков С.А. Календар кочевников на Ангренском плато. // ОНУ. № 5, 6, 7, 8. Ташкент, 1995. С. 63.*
*[7]. Булатов М.С. Согдийско-сакский календарь в Джизакской степи подлежит охране //Строительство и архитектура Узбекистана. Ташкен, 1982, №.5. С. .23-25.*

С.А. Дудаковни фикрича, унда жойлаштирилган тош иншоотлар камида йилнинг тўртта санаси ҳақида маълумот берган. Улардан иккитаси ( 22 июнь ва 22 декабрь) муҳим аҳамият касб этиб, йилнинг энг узоқ ва қисқа кунларидаги қуёш ҳаракатини акс эттирган. Қолган иккитаси (8-9 май, 21 сентябрь) амалий аҳамият касб этиб, ҳосилни йиғиб олиш ва унинг тугаш вақтини англатган[9]. Иккала иншоот ҳам Ўрта Осиёга эрамиз бошларида кириб келган кўчманчи қабилалар маданияти билан боғлиқ бўлган.

Яна бир бизга маълум йил ҳисоби – қуёш ҳаракатига қараб кун, ой ва йилларни белгилаш Нурота тоғ тизмаси жанубий ёнбағирларида яшовчи аҳолиси орасида қадимдан мавжуд бўлган. Бу ҳақда Фолклоршунос олим Шомирза Турдимовнинг ёзишича, "Нурота томондаги Ўртачўл бошланувчи Боғожат тепалигидан кузатилса, қуёш йил давомида Оқтов ва ғоратов (Нурота тоғ тизмалари) нинг шарқий қисмлари оралиғидан чиқади. Яъни, қуёшнинг қишки узун тун ва қисқа кун (22-декабрь) вақтидаги сўнги тўхтовчи нуқтаси Оқтовнинг шарқий Ёнбош Лангари чўққисига тўғри келса, ёзнинг энг узун кун ва қисқа тун вақти (21-22 июнь) кунлари қуёшнинг шимолдан чегара нуқтаси Қоратоғнинг шарқий ғувкалла чўққилари эканлиги кузатилади"[10]. Шу ўринда ғувкалла атамасини Авестода мадҳ этилган "Хукария" деб аташни таклиф этган Мирсодиқ Исҳоқовни фикрларида қуёш ҳаракати билан боғлиқ илмий ҳақиқат борга ўхшайди[11].

Олимларимиз томонидан қуёшнинг шимолий оғишидаги сўнги чиқиш нуқтаси қувкалла номини Хукария деб тахмин этиш ҳақидаги фаразга таянсак, Хукария атамаси таркибида кар, кўр кўрни топамиз (гур, гўр, кур, кўр атамалари ёруғлик, нур, иссиқлик манбаи мазмунини ифодалайди)[12].

Биз юқорида сўз юритган, Шаҳидтепа ҳам Нурота атрофидаги ёдгорликлар билан қуёш ҳаракатига нисбатан олсак, бир хил кенгликда жойлашган. Унга кўра қуёш дастлаб Шаҳидтепа, ундан сўнг ғарбга, Нурота томон ҳаракатланади. Нурота атрофидаги қувкалла қўрўти, Ёнбош Лангари қўрўти, Шоҳимардон қўрўти ва Нурота зиёратгоҳлари ўрталиғидаги нуқтадан (Боғожат тепалигидан)кузатаётган киши ўзини қуршаб турган икки тоғнинг йил давомида қуёш чиқиб ботишидаги қатъий тўхтам нуқталарини аниқ чегаралаб белгилай олади. Мунтазам кузатувчи эса, ҳар бир кун соатни ҳам қуёш нурининг тоғ чўққиларига тушиб ҳосил қилувчи сояларнинг ҳолатига қараб айта олади[13]. Масалан Оқтовнинг оқ чўққисидаги сояга қараб туш вақтини белгилаш Жўш атрофидаги кексалар ўртасида одат. Қувкалла ҳақидаги ривоятда: қаҳрамон йигит бошининг чопилиши ва бошнинг юмалаб маълум масофага бориб, ер тагига кириб кетиши воқеасида, қуёш ҳаракати қадимий ёз ва қиш мавсумий маросими ҳақидаги миф асос бўлиб турганлигини англаш мумкин.

Юқоридаги маълумотларга асосланиб айтиш мумкинки, йил фасллари алмаштинуви чегараларини билиш қадимги кишилар фаолиятида бу кунгидан кам аҳамият касб этмаган. Аждодларимиз осмон ёриткичлари ҳаракатини кузатиб, ўз тажрибаларини жамлаб, авлоддан-авлодга ўтказган. Айниқса, қуёш ҳаракатибилан боғлиқ кун ва тун (тун ва кун) тенг келувчи вақтлар, энг узун кун ва енг узоқ тун чегаралари, бу оралиқда ўтувчи анъанавий об-ҳаво ўзгаришларини билиш уларнинг кундалик, хўжалик ижтимоий-сиёсий, диний ҳаётида муҳим рол ўйнаган.

Шундай қилиб, кўчманчиларнинг бу йил ҳисоби Марказий Осиёдаги барча чорвадор аҳолиси учун хос бўлиб, уни ҳисоблаш ва у ҳақдаги илмий тасаввурлар, узоқ ҳудудларда ҳам бир-биридан кам фарқ қилган. Ҳаётий эҳтиёж туфайли аждодларимиз ўзларининг кўп минг йиллик амалий билимлари асосида қуёш, ой ва юлдузларнинг ҳаракатини аниқ ҳисоблаб, улар асосида йил, ой, хафта ва кунларни ҳисоблаганлар ва бу уларни ифода этадиган расадхоналар қурганлар. Бу расадхоналарда йилнинг маълум бир ойига тўғри келадиган осмон жисмларининг ҳаракатини ифодаловчи белгилар аниқ ўрнатилган бўлган.

Бугунги кунда Уструшона чорвадор аҳолиси орасида ой ҳисобларининг тўғол (дўғол), тўғиш (тўқнашиш) йил ҳисоби мавжуд бўлганлиги аниқланган[14]. Унга кўра, чорвадорлар ҳисоби бўйича дўғол бир йилда, ҳар 28 кун атрофида кузатилиб, роса 13 маротаба содир бўлган. Бу йил ҳисоби, юлдуз туркумлари ва ой сайёраси билан ва ёки ўзаро яқинлашуви ва учрашуви (тўқнашви)га асосланади. Аҳоли орасида сақланиб қолган ой ҳисобига кўра, ҳар бир ой алмашинувида тўқнашиш (тўғиш, дўғол) юз берган ва у ой ораси дейилган. Ойлар ва фасллар орасидаги ҳар бир алмашинувнинг юлдузлар ҳаракатига қараб (тўқсон, ахман, дахман, аяж-мажуж каби) ўз номлари бўлган. Бундай ойлар биз қайд этган уструшоналиклар тақвимидаги 13 дўғол билан мос келади. Бу ҳисоб тизимининг соддалиги ва ёдда сақлаш осонлиги сабабли оддий халқ орасида кенг тарқалган. Шунинг учун, халқимизнинг қуёш, ой ва юлдузлар ҳаракатига асосланган йил ҳисобларига оид билмлари асосан оғзаки тарзда сақланиб келмоқда. Уларни бугунги кунда ўрганиш ва тарғиб қилиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Бунинг учун юқорида таърифланган ёдгорликларда археологик тадқиқотларни бошлаш ва халқимиз орасида сақланиб қолган астрономик билимларни ўрганишга оид махсус этнографик экспедициялар ташкил этиш лозим.

**Тақризчи: т.ф.н., доцент. М.Ҳ.Пардаев**

---

*1. Дудаков С.А. Календар кочевников на Ангренском плато. // ОНУ. № 5, 6, 7, 8. Ташкент, 1995. С. 60.*
*2. Дудаков С.А. Календар кочевников на Ангренском плато... С. 62-63.*
*3. Турдимов Ш. "Гўрўғли" достонларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. Тошкент, "Фан", 2011. Б.167.*
*4. АВЕСТО яшт китоби. Мирсодиқ Исҳоқов таржимаси. Тошкент, "Шарқ", 2001. Б. 17, 19, 20, 31,41.*
*5. Турдимов Ш. "Гўрўғли" достонларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. .. Б. 175.*
*6. Турдимов Ш. "Гўрўғли" достонларининг генезиси ва тадрижий босқичлари... Б. 173.*
*7. Алибеков У. Йил хисоби. // Мозийдан Садо, № 1 Тошкент, 2012. Б. 7-9.*

# ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИНИНГ БАНК-МОЛИЯ ИНСТИТУТЛАРИ ТОМОНИДАН КЎРСАТИЛАЁТГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Б.А. Хонтураев** - *ТДИУ ҳузуридаги "Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари" илмий-тадқиқот марказининг илмий ходими*

**АННОТАЦИЯ:**

Ушбу мақолада жаҳон мамлакатларининг банк - молия институтлари томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг ўзига хос хусусиятлари бўйича муаллиф тамонидан тадқиқот олиб борилган бўлиб, мақолада молиявий хизматлар томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганиб чиқилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** молия, банк, молиявий хизматлар, молия институтлари, рақамли банк, молия технологиялари.

Данная статья представляет собой исследование, проведенное автором по специфике услуг, предоставляемых банковскими и финансовыми институтами по всему миру, и в статье рассматриваются особенности услуг, предоставляемых финансовыми услугами.

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** финансы, банковское дело, финансовые услуги, финансовые учреждения, цифровой банкинг, финансовые технологии.

This article is a research conducted by the author on the specifics of the services provided by banking and financial institutions around the world, and the article examines the specifics of the services provided by financial services.

**KEYWORDS:** finance, banking, financial services, financial institutions, digital banking, financial technology (FinTech).

Мамлакатимизда банк-молия хизматлар бозорини ривожлантриш, аҳолини сифатли рақамли молиявий хизматлар билан қамраб олиш, истеъмолчиларнинг иқтисодий манфаатларини қўллаб қўватлаш, иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги даврида банк-молия хизматлар бозорида рақамли фаолиятни йўлга қўйиш зарурлигини келтириб чиқармоқда. Бунинг боиси, рақамли иқтисодиётнинг ривожланиб бориши натижасида ижтимоий-иқтисодий фаолиятнинг турли йўналишларини рақамлаштириш, яъни кичик корхоналардан бошлаб давлат бошқарувидаги барча ташкилотларни қамраб олмоқда. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.03.2018 йилдаги "Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3620-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.05.2020 йилдаги "2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон республика-сининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида"ги ПФ-5992-сонли фармонларида банк хизматлари оммабоплигининг долзарб муаммолари юзасидан мавзуга оид изланишлар олиб бориш, халқаро тажрибани ўрганиш ва уни республика банк хизматлари бозорида қўллаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш, банклар ва уларнинг мижозлари учун ахборот-таҳлилий ва консалтинг хизматларини ташкил этиш, масофавий банк хизматлари кўрсатишни ривожлантириш бўйича замонавий ва илғор банк хизматлари турларини амалиётда жорий этиш ташаббусларини илгари суриш, янги ахборот технологияларини жорий этиш каби вазифалар белгилаб берилганлиги рақамли маркетинг инструментларини такомиллаштириш асосида банк-молия хизматлар бозорини ривожлантириш зарурлигини англатади.

Молия институтлари (МИ) (баъзи адабиётларда банк институтлари деб ҳам юритилади) депозитлар, кредитлар, инвестициялар ва валюта алмашинуви каби молиявий ва пул операцияларини амалга оширувчи муассаса ҳисобланади. Молиявий институтлар молиявий хизматлар соҳасида, жумладан, банклар, траст компаниялар, суғурта компаниялари, брокерлик фирмалари ва инвестиция дилерларида кенг кўламли бизнес операцияларини қамраб олади. Ривожланган иқтисодиётда яшовчи деярли ҳар бир истеъмолчи молиявий институтларнинг хизматларига доимий ёки даврий эҳтиёж сезади. Молиявий институтлар ҳажми, миқёси ва география нуқтаий назардан фарқ қилиши мумкин[1].

[1]. *Siklos, Pierre (2001). Money, Banking, and Financial Institutions: Canada in the Global Environment. Toronto: McGraw-Hill Ryerson. p. 40. ISBN 0-07-087158-2.*

Молиявий институтлар кўпчиликка ҳар хил усулда хизмат қилади, чунки молиявий операциялар ҳар қандай иқтисодиётнинг муҳим қисмидир, бунда жисмоний шахслар ва к рацияларни амалга ошириш ва инвестиция қилиш учун молиявий институтларга таянадилар. Ҳукуматлар иқтисодиётнинг ажралмас қисми бўлганлиги сабабли, банклар ва молия институтлари фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солиш зарур деб ҳисоблашади. Молиявий институтлар индивидуал ва тижорат мижозлари учун кенг турдаги маҳсулотлар ва хизматларни таклиф этади. Махсус хизматлар молия институтларнинг турига қараб фарқ қилади.




**1-расм. Ўзбекистон Республикасида аҳолига кўрсатилган банк-молия хизматлар хажми (2010-2019 йиллар, млрд. сўм).**

Молиявий хизматлар турини кенгайтириш иқтисодий-молиявий ривожланишни тезлаштиришга ёрдам бериш билан бир қаторда, аҳолини турмуш даражасини оширишга кўмаклашади. Бироқ кўпгина мамлакатларда аҳоли ўртасида тижорат банклари томонидан тақдим этиладиган барча банк хизматлари бўйича тўлиқ маълумот мавжуд эмас. Тадқиқотчилар томонидан 83 та давлатда 10 йил оралиғидаги натижаларга кўра ўтказилган изланишлар шуни кўрсатадики банкларни фаолиятига кенг имкониятлар берган давлатларда банклараро рақобат кенг ривожланган ва банк хизматлари турлари ҳам кенгайиш тенденциясига эга экан.[2]

Маълумки, банк-молия хизматлар бозорида "банк хизмати" тушунчаси "молиявий хизмат" тушунчаси таркибига кириб кетади. Бинобарин, "молиявий хизмат" тушунчаси молия бозоридаги субектлар учун умумий бўлган атама ҳисобланади. Молиявий хизмат - банк ёки бошқа молия муассасаси томонидан кўрсатиладиган ва молиявий ресурсларни тақдим қилиш ёки бошқариш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай хизматдир.

Молиявий хизматлар бу молиявий соҳада тақдим этиладиган иқтисодий хизматлар бўлиб, у пулни бошқариш корхоналари, жумладан кредит уюшмалари, банклар, кредит компаниялари, суғурта компаниялари, бухгалтерия компаниялари, истеъмол молия компаниялари, брокерлик хизматлари, инвестиция фондлари, индивидуал менежерлар ва баъзи давлат томонидан молиялаштириладиган корхоналар тушунилади.[3]

Бозор ҳисоб-китобларига кўра, 2022 йилга келиб молиявий хизматлар бозори 26,5 трлн. АҚШ долларни ташкил қилиши кутилмоқда, бу прогноз даврига нисбатан 6% га кўпдир.[4] АҚШ молия бозорлари дунёдаги энг катта ва ликвидли ҳисобланади. 2018 йилда молия ва суғурта АҚШ ялпи ички маҳсулотининг 7,4 фоизини (ёки 1,5 триллион АҚШ долларини) ташкил этган. Молиявий хизматлар ва маҳсулотлар АҚШнинг ишлаб чиқарилган товарлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспортини осонлаштириш ва молиялаштиришга ёрдам беради.

2017 йилда АҚШ молиявий хизматлар ва суғурта соҳасида 114,5 миллиард АҚШ долларлик маҳсулотни экспорт қилган ва молиявий хизматлар ва суғурта савдосида 40,8 миллиард долларлик профицитга эга бўлган. Молиявий хизматлар ва суғурта соҳаларида 2018 йил охирида 6,3 миллиондан ортиқ киши иш билан таъминланган. Ўзбекистонда аҳолига кўрсатилган молия хизматлар ҳажми 2019 йилда 34 635 млрд. сўмни, 2018 йилга нисбатан 154.6%ни ташкил қилган.

Тижорат банклари молия институтларининг мухим бўғини бўлиб кредит ресурсларининг асосий кисми шу банкларда йиғилади ва бу банклар юридик ва жисмоний шахсларга хизматларни кўрсатади.

Ўзбекистонда ҳозирги кунда 23.04.2020 йил хисобига 31 та тижорат банклари фаолият юритиб келмоқдалар, улардан 5 таси давлат банклари, 15 таси акциядорлик тижорат банклари, 6 таси хусусий банклар ва 5 таси чет эл капитали иштирокидаги банкларни ташкил қилади. Бундан ташқари Ўзбекистонда Нобанк кредит ташкилотлари

[2] https://www.investopedia.com/terms/f/financialinstitution.asp
[3] Ann L. Owen, Javier M. Pereira Bank concentration, competition and financial inclusion. Article in press 2018 y. page 17. www.sciencedirect.com
[4] "Financial Services: Getting the Goods". IMF. 28 March 2012. Retrieved 8 September 2015.

118 та, шундан микрокредит ташкилотлари 57 та ва ломбардлар 61 тани ташкил қилган.

Банк хизматлари деганда тижорат банкларининг тезкор ва стратегик фаолияти ҳамда самарали бошқариш билан бевосита боғлиқ бўлган ҳаракатлар мажмуаси тушунилади. Банк хизматлари назарияси эволюцияси қатор ривожланиш босқичларини босиб ўтди. Банк хизматлари назарияси ривожланишининг бошланғич босқичида Х.Дуглас[5] ва Г.Брайаннинг илмий ишлари банк хизматлари бозори ва унинг банк хизмати сегментини ўрганишга бағишланган. Иккинчи босқич алоҳида мамлакатларнинг кредит-молия тизимлари фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳамда банк капитали глобаллашуви ва марказлашувининг банк хизматлари бозорига таъсирининг эҳтимолий оқибатларини тадқиқ этишга бағишланган Ф.Дерек[6], О.Доннел, Е.Балларин илмий ишларида акс этади.

Учинчи босқичда "Молиявий супермаркет" ва "молиявий бутик" ғояси ҳамда тор йўналишга ихтисослашган банкларнинг универсал банклар қаторига қўшилиши долзарблик касб этди. Ссуда капитали бозоридаги хизматлар, электрон хизматлар кенг тарқалди, банкларнинг бирлашиш ва сингиб кетиш ҳолатлари кўпайди. Бу борада Д.Жентле, Ж.Синки[7], П.Роуз илмий ишларини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин.

2000 йил БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши сессиясида ривожланган мамлакатлар ўртасида "рақамли жарлик" шаклланаётганидан далолат берувчи жорий вазият ҳақидаги "XXI асрда тараққиёт ва халқаро ҳамкорлик: билимларга асосланган глобал иқтисодиёт контекстида ахборот технологияларининг роли" номли декларация тайёрланиши банк хизматлари назарияси ривожининг янги босқичини бошлаб берди.

Рақамли технологияларнинг ривожланиши ва рақобат кучайгани сайин, банклар янгиланиш ва мижозларни жалб қилиш учун турли хил хизматларни таклиф қилмоқдалар. Ҳозирги кунга келиб банк ҳизматларини 4 та йирик гуруҳга бўлишимиз мумкин.

**(Retail banking)** Чакана банк хизмати, шунингдек истеъмолчиларга хизмат кўрсатувчи банк ёки индивидуал банк сифатида ҳам танилган бўлиб, истеъмолчиларга корхоналар эмас, балки жисмоний шахслар сифатида молиявий хизматларни кўрсатадиган банк бизнесидир. **Чакана банк хизмати** - бу индивидуал истеъмолчилар учун ўз маблағларини бошқариш, кредитлардан фойдаланиш ва ўз маблағларини ишончли жойлаштириш усулидир. Чакана банклар томонидан тақдим этиладиган хизматларга текшириш ва омонат ҳисобварақлари, ипотека кредитлари, истеъмол кредитлар, кредит карталар ва депозит сертификатлари киради. Кўпгина молиявий хизматлар компаниялари ўзларининг индивидуал истеъмолчилари учун универсал чакана банк бўлишга интилишади.

**(Business banking) Бизнес банкинг** - бу жисмоний шахслар эмас, балки компаниялар учун махсус ишлаб чиқилган бизнес кредитлари, ссудалар, омонат ҳисобварақлари ва жорий ҳисобварақларини тақдим этадиган молиявий операциялар билан шуғуланадиган муассасадир. Бизнес банкинг тижорат ёки корпоратив банк деб ҳам аталади. Банклар кичик ва ўрта бизнесга, шунингдек йирик корпорацияларга молиявий маслаҳат хизматлари-ни тақдим этадилар. Ушбу хизматлар ҳар бир бизнеснинг ўзига хос эҳтиёжларига мослаштирилади. Ушбу хизматларга депозит ҳисобварақлари ва фоиз-сиз маҳсулотлар, кўчмас мулк кредитлари, тижорат ва кредит карталари бўйича хизматлар киради. Банклар ўзларининг корпоратив ва тижорат мижозларига активларни бошқариш ва қимматли қоғозлар андеррайтингини таклиф қилишлари мумкин.

**(Loan) Кредитлар** - бу кенг тарқалган банк хизмати бўлиб, улар ҳар хил шакл ва ҳажмларда тақдим этилади. Банклар томонидан бериладиган баъзи кенг тарқалган кредит турлари қуйидагилардан иборат: Шахсий кредитлар, Хусусий кредит линиялари, Ипотека кредитлари, Бизнес кредитлари.

**(Digital banking) Рақамли банкинг** - бу Интернет хизматлари орқали тақдим этиладиган онлайн-банкингга ўтишнинг кенгроқ қисмидир. Анъанавий банк тизимидан рақамли банк тизимига ўтиш босқичма-босқич амалга оширилиб, бугунги кунда ҳам давом этмоқда ва банк хизматларини рақамлаштиришнинг турли даражаларидан иборат.

Рақамли банкинг жараёнлар ва веб-хизматларни автоматлаштиришнинг юқори даражасини ўз ичига олади ва идоралараро хизмат кўрсатиш тузилмасига банк маҳсулот-лари ва хавфсиз операцияларни таъминлайдиган АПИ-ларни ўз

*[5] Дуглас Х. Банковская политика в области кредитования. - М.: Слово, 1971. - 508 с.*
*[6] Дерек Ф. Глобальная стратегия банков. - М.: Экономика и финансы, 1990. - 385 с.*
*[7] Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. - Москва: Альпина Бизнес Букс, 2007. - 1018 с.*

ичига олиши мумкин. Бу фойдаланувчиларга стол, мобил ва АТМ хизматлари орқали молиявий маълумотларга кириш имкониятини беради[8].

**Рақамли банк** - бу онлайн-банкинг ва бошқаларни ўз ичига оладиган виртуал жараён. Интеграциялашган платформа сифатида рақамли банкинг истеъмолчилар кўрадиган ташқи интерфейсни, банкирлар ўз серверлари ва маъмур бошқарув панеллари орқали кўрадиган ички компонентни ва ушбу тугунларни боғлайдиган воситаларни қамраб олиши керак. Охир оқибат, рақамли банк барча хизматларни тақдим этадиган платформа-ларда банкнинг барча функционал даражаларини таъминлаши керак. Бошқача қилиб айтганда, у бош офис, филиал, онлайн хизмат, банк карталари, банкоматлар ва савдо дўконларидаги каби функцияларга эга бўлиши керак.

Статистик маълумотларга кўра АҚШда рақамли банкдан фойдаланувчилар сони 2019 йилда 161 миллиондан ошиб кетди. Бу 2014 йилга нисбатан йигирма фоиздан кўпроқ ўсиш демакдир. Рақамли банкнинг бундай ўсишига икки омил са-баб бўлмоқда. Улардан бири смартфонлар ва бош-қа рақамли технологияларнинг тобора кенг тарқалиб бораётганлиги, иккинчиси - молиявий технологиялар (FinTech) билан шуғулланадиган компаниялар сонининг кўпайиши билан изоҳланади.

Рақамли банкинг шунчаки мобил ёки онлайн платформа эмас, балки ўрта дастурларнинг ечимларини ўз ичига олади. Ўрта дастур - бу бошқа дастурлар билан операцион тизимлар ёки маълумотлар базаларини кўприк-лайдиган дастур. Хавфларни бошқариш, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва маркетинг каби молиявий саноат бўлимлари, шунингдек, тўлиқ рақамли банк сифатида қаралиши учун ўрта ва орқада жойлашган бўлиши керак.

Хавфсизликни таъминлаш ва ҳукумат қоидаларига риоя қилиш учун молия институтлари энг янги технологияларнинг бошида бўлиши керак.

"Рақамли банк" атамаси Ўзбекистон норматив базасида илк бор Президентнинг 09.01.2018 йил январь ойидаги "Ўзбекистон Республикаси Марказий банки фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5296-сонли фармонида пайдо бўлди.

Ушбу фармонда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни замонавий банк хизматларини кўрсатиш учун тўсиқларни бартараф этиш ва шароит яратиш, шу жумладан чакана хизматларга ихтисослашган "рақамли" банклар ва банк бўлинмаларини ташкил этиш, инновацион банк технологиялари-дан фаол фойдаланган ҳолда масофавий банк хиз-матлари кўрсатишни такомиллаш-тириш мақса-дида танқидий қайта кўриб чиқилишини таъмин-лаш ҳақида Марказий банкка юклатилди.

Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 31.07.2018 йил "Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида"ги 2014-13-сонли қарорида "рақамли банк" атамаси киритилган бўлиб ўнга кўра "рақамли банк - инновацион банк технологияларидан фойдаланган ҳолда (касса хизматини кўрсатмасдан) банк хизматларини масофавий кўрсатувчи банк ёки унинг таркибий бўлинмаси. Рақамли банклар томонидан банк хизматларини масофавий кўрсатиш банкнинг ички тартиб қоидаларига асосан қонун ҳужжат-лари талабларини инобатга олган ҳолда амалга оширилади" деб таърифланган.

Хулоса қилиб айтганда, банк ва мижоз ўртасидаги муносабатларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шу жумладан харажати нисбатан кам бўлган рақамли технологияларга асос-ланган молиявий хизматларни жорий қилишни рағбатлантириш механизмини яратиш, республикамиз бўйлаб барча банк филиалларида 24/7 режимидаги смартофисларни очиш ҳамда банк карталари ва уларга хизмат кўрсатувчи жиҳозлар (тўлов терминали, инфокиоск ва банкоматлар) сонини кескин ошириш орқали банк мижозлари ва мамлакатимиз аҳолиси учун қулай хизматларни таклиф этиш бугунги куннинг долзарб масаласи саналади.

**Тақризчи: и.ф.н. Б.Ботиров**

# АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА ЁШЛАР ДУНЁҚАРАШИНИНГ ИЖОБИЙ ВА САЛБИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

***ЭРГАШЕВ Толибжон*** *- ўқитувчи, Жиззах давлат педагогика институти*

**АННОТАЦИЯ:**

Ушбу мақолада ахборотлашган жамият ривожланиб бориши билан унинг ёшлар дунёқараши, фикрлаши, ўз мақсади сари интилишининг ижобий томонлари, интернетдан самарасиз ва ғараз мақсадда фойдаланишнинг салбий оқибатлари ва уларга қарши кураш чоралари ҳамда оммавий ахборот воситалари ва интернет орқали тарқатилаётган хабарларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш бўйича фикирлар илгари сурилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** ахборотлашган жамият, ёшлар дунёқараши, глобаллашув, ёшлар, компьютер, интернет, ахборот, ижобий ва салбий фикрлар,ғараз мақсат ОАВ, интернет журналистика.

**АННОТАЦИЯ:** в этой статье рассматривается развития информационного общества, описываются позитивные взгляды молодых людей, их мышление, их чаяния, негативные последствия неэффективного и непреднамеренного использования интернета, а также меры по противодействию неправдивости сообщения средств массовой информации и интернета.

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** информированное общество, взгляды молодежи, глобализация, компьютер, интернет, информация, позитивные и негативные мысли, средства массовой информации, интернет-журналистика.

**ANNOTATION:** this article, as the information society develops, outlines the positive outlooks of young people, their thinking, their aspirations, the negative consequences of ineffective and unjustified use of the Internet, and measures to counter and ensure the truthfulness of the media and the Internet.

**KEY WORDS:** information society, youth outlook, globalization, youth, computer, internet, information, positive and negative, media, internet journalism.

Бугун замон тезкор, давр шиддатли. Ана шундай тезкорлик даврида асосий вазифани маълумот ва ахборотлар бажармоқда. Ахборот соҳаси кундан-кунга жадаллик билан ривожланмоқда, интернет ва у билан бо?лиқ технологиялар ҳаётимизнинг турли жабҳаларига шунчалик чуқур кириб бормоқдаки, энди биз уларсиз ҳаётимизни тасаввур ҳам қилолмаймиз. Ахборот дунёси ва унга мослашган гаджетларнинг бундай тезлик билан ривожланиши, унинг ер шари аҳолиси, бутун бир халқ ва давлат миқёсидаги ўрни, ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида ишлатилиши натижасида инсонлар янги давр, яъни ахборотлашган жамият даврига кириб келмоқда.

Бу хусусда З.Суяровнинг таъкидлашича, "Ахборот асри" деб ном олган XXI асрда бирон-бир мамлакат ёки ҳудуднинг тараққиётини фаол ахборот алмашинувисиз тасаввур этиб бўлмайди. Албатта, инсониятнинг тарихий тараққиёти давомида жамият муайян шакл ва ҳажмда ахборот, билим алмашинуви асосида ривожланиб келган. Ҳозирда ахборот одамлар ва жамият фаровонлигининг энг муҳим омили ва манбасига айланмоқда, ривожланган давлатлар иқтисодиёти таркибида ахборот технологиялари индустрияси энг йирик соҳани ташкил этади".[1]

Ривожланган мамлакатларнинг тажрибасидан маълумки, давлат ва хусусий сектор вакиллари ҳамкорликда ўз юртининг ахборот инфратузилмаларини ривожлантириши, шу соҳага сўнгги инновацион янгиликларни жорий этиши натижасида жамият ва унда яшовчиларнинг дунёқараши, ижтимоий-фалсафий фикрлаши, сиёсий ҳаётдаги ўрни, саноат соҳасининг гуркираши, меҳнат унумдорлигининг ошиши, янги иш ўринлари яратилишига олиб келган. Шунингдек, компъютерларга мўлжалланган, инсон турмуш тарзининг барча соҳасида қўлланувчи автоматлаштирилган тизимлар ва дастурий маҳсулотларнинг яратилиши, уларни сақлаб турувчи, узатувчи сервер қурилмаларининг пайдо бўлиши, "дата-центр", яъни маълумотлар базаларини сақловчи ва узатувчи марказларни ишга туширган мамлакатлар дунёнинг ривожланган давлатларига айланган.

Бугунги кунда юртимизда ҳам ахборот-коммуникация технологияларини давлат бошқарувининг барча соҳалари, иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва кундалик ҳаётга изчил жорий қилиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Натижада, мамлакатимиз ахборотлаштириш соҳасида "Халқаро ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш индекси" бўйича йилдан-йилга юқори поғоналарни эгаллаб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил январъ ойидаги Олий Мажлисга мурожаатномасида давлатнинг жадал тезликда ривожланиши, ёшларнинг замонавий билимларни ўзлаштириши, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиб тарбия топиши учун ахборот ва рақамли технологиялари соҳасини чуқур ўзлаштириши ва эгаллаши зарурлигини таъкидлаган эди. "Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда... Давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий соҳада ҳам рақамли технологияларни кенг жорий этиб, на-

*[1]·Суяров. "Инновацион ғоялар, ишланмалар ва уларни ишлаб чиқариш ҳамда таълимда қўллашнинг замонавий муаммолари". Халқаро илмий-амалий анжуман. Андижон. 2019. -Б-77*

тижадорликни ошириш, бир сўз билан айтганда, одамлар турмушини яхшилаш мумкин".[2]

Мутахассисларнинг таъкидлашича, "Жаҳон амалиёти ахборот-коммуникация технологияларининг тараққиёти мамлакатнинг рақобатдошлигини ошириш, катта оқимдаги ахборотни тўплаш ва умумлаштириш, бошқарувни стратегик даражада ташкил этиш учун кенг имкониятлар яратиб беришда асосий омилга эга эканлигини кўрсатмоқда. Айни пайтда, дунё бўйича яратилаётган ялпи ички маҳсулотларнинг ўртача 5,5 фоизидан ортиғи ахборот-коммуникация технологиялари ҳиссасига тўғри келмоқда. Мутахассислар фикрига кўра, ушбу кўрсаткич 2020 йилда 9 фоиздан ошади".[3]

Ахборот оқимининг кўпайиши, интернет сайтларидан бевосита фойдаланиш, қисқа муддатда ер шарида бўлаётган воқеалардан хабардор бўлиш, уни тийиб туришнинг имконсизлиги, тўсилган сайтлардан прокси серверлар орқали маълумотлар олиш натижасида инсонларда, айниқса, ёшларда ахлоқий қоидалар, яшаётган жамиятга муносабат, шахсий нуқтаи назар ва маънавий-маърифий қарашлар интернетдан олган маълумотлари асосида шаклланмоқда. Энди бундай ёшлар бутун дунёда бўлаётган жараёнлардан хабардор киши сифатида мустаиил фикрлайдиган, ўз таҳлиллари ва мушаҳодаларидан келиб чиқиб, ўз шахсий хулосасига эга инсонларга айланмоқда.

2019 йилнинг якунига кўра бугунги рақамли оламда 2,7 зеттабайтдан кўпроқ ҳажмдаги маълумотлар мавжуд. Бутун дунё бўйлаб ҳар дақиқада 150 мингга яқин электрон хат жўнатилади, Facebook ижтимоий тармоғига 3,3 миллионта пост қўйилади, Google тизими орқали 3,8 миллионта қидирув, instagram орқали 65 мингдан зиёд фотосурат, YouTube орқали 500 соатлик видеоёзувлар жойлаштирилади. Бу ҳар дақиқада қўйиладиган маълумотлар, холос.

Ахборот манбаларининг кундан-кунга ўсиб бориши, ахборотни сақлаш ва узатиш имкониятларининг ортиши, ахборот технологиялари ва алоқа воситаларининг тезкор ривожланиши, ижтимоий тармоқлардан инсонларнинг кенг миқёсда фойдаланиши ва ҳар дақиқада қўшилаётган маълумотларнинг ортиши натижасида атрофимиздаги миллиардлаб тўпланиб қолган маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва улардан зарур ҳолларда самарали фойдаланиш орқали маълум ҳолат ёки объект тўғрисида тарихий, жорий ва келажак учун муҳим бўлган билимларга эга бўлиш мумкин. Бунинг учун дастлаб, ушбу маълумотларнинг манбасини аниқлаш муҳим амаллардан бири ҳисобланади. "Катта маълумотлар бу технологиялар эмас, балки сунъий интеллект, маҳсулот интернети каби янги технологиялар билан ҳамкорлик учун ҳазина бўлиб, муҳими ундан фойдалана билишда. Ўта йирик ва мураккаб маълумотлардан муайян билимларни олиш ва зарур ахборотларга эга бўлиш мумкин, ўз навбатида бундай ахборотлар янги қонуниятларнинг кашф этилишига сабаб бўлади. Маълумотлар билимга айланади, ҳаётимизни ўзгартиради, стратегияни белгилайди, танлов йўналишини аниқлайди, бошқа фанлар ва технологиялар, ижтимоий тадқиқотларни амалга оширишга ёрдам беради".[4]

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2019 йилнинг декабр ойида юртимиздаги иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни илм-фан ва ҳаётнинг барча жабҳаларида фаолият кўрсатишини рағбатлантириш мақсадида бўлиб ўтган учрашувида қуйидаги муҳим фикрларни баён этган эди: "Бугунги кунда глобал майдонда кечаётган таҳликали жараёнларга нисбатан фақат мустақил ва қатъий ёндашувга эга бўлган, маънавий ва жисмоний баркамол ёшларгина қарши тура олади. Буюк маърифатпарвар бобомиз Фитрат "Бу дунё кураш майдонидир, соғлом тан, ўткир ақл ва яхши ахлоқ бу майдон қуролидир",- деб айтганларида минг карра хақ эдилар. Кескин ва мураккаб ахборот хуружлари ва хавф-хатарларга биз қандай қарши тура оламиз? Ёшларга интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали қандай маънавий ва руҳий озуқа бераяпмиз? Афсуски, ҳеч биримиз бунга тўлиқ ижобий жавоб бера олмаймиз. Ёшларда ёт ?ояларга нисбатан маънавий иммунитет шаклланмас экан, "Бу - яхши, бу - ёмон" деган қатъий фикр пайдо бўлмас экан, мафкуравий хатарларга қарши туриш қийин бўлади."[5]

Ахборотлашган жамиятда ёшларнинг ахборотдан фойдаланиш ва уни ишлатиш мақсадига кўра оқибати келиб чиқади. Яъни ахборотлар ижобий ёки салбий мақсадларни кўзлаб тайёрланиши ва шунга яраша қўлланиши мумкин. Салбий мақсадларни кўзлаб тайёрланган ахборотлар ёшлар онгини ўзгартириб, енгил-елпи яшашга чақириш, бузғунчи ғояларни шакллантириш ва натижада давлатга, жамиятга ва инсонга зарар келтирса, ижобий ахборотлар билим олиш, ўрганиш, ёшлар руҳиятини шакллантириш, ихтиролар қилиш, янги иш ўринлари яратиш ва бунинг натижасида шу жамиятнинг гуллаб-яшнаши, ишлаб чиқариш тараққиёти, ривожланган давлатлар қаторидан жой олишини таъминлайди.

Канадалик педагог тадқиқотчи олим Раймонд Гариепи ўзининг "Интернет: яхши, ёмон ва хавфли" мақоласида интернетнинг жадаллик билан ривожланиши мактаб ва коллеж ўқувчилари, университет талабаларини ўз устида ишламасликка, дангасаликка, филагиат (plagiarism) яъни кўчирмачиликка ўргатиб қўяётганидан жиддий хавотирда эканлиги, бироқ интернет ҳар бир жамият тараққиётида жуда муҳим восита эканлиги, айниқса унинг ахборот эркинлигини таъминлаш ва тарқатишдаги роли беқиёслигига алоҳида урғу бериб ўтади.[6]

Ҳозирги кунда интернет тизимининг ижтимоий тармоқлар ва мессенжерлар хизматлари кенг оммалашиб бормоқда. Ижтимоий тармоқларнинг мақсади интернетда ўзаро қизиқишлар ёки фаолиятга эга шахслар билан мулоқат қилиш, дўстлар орттиришдан иборат бўлиши билан бирга унинг асосчилари ва акциядорларининг асосий мақсади платформага ташриф буюрувчилардан фойдаланиб, миллионлаб АҚШ доллари ишлаб олишга ихтисослашган. Бу маблағларнинг асосий қисми рекламалар тарғиботидан келиб тушади.

2020 йилнинг феврал ойигача бўлган интернет манбаси маълумотларга кўра, фойдаланувчиларнинг сони бўйича Facebook ижтимоий тармоғи етакчилик қилмоқда. Бугунги кунда тармоқдан 2,5 миллиард инсонлар рўйхатдан ўтган ҳамда фойдаланувчилар сони бир йилда 8 фоизга ўсган. Ижтимоий тармоқнинг даромади ҳам шунга яраша бўлиб 2019 йилда 70,697 миллиард АҚШ долларини ташкил этган ва 2018 йилга нисбатан 27 фоизга кўпайган. Рекламадан тушган маблағ 69,655 миллиард долларни ташкил этган. Ундан кейинги ўринларда Twitter бўлиб, унда 336 миллиондан ортиқ фойдаланувчи бўлиб, улар ҳар куни 500 миллион твит эълон қиладилар. MySpace (255 миллион фойдаланувчи), Одноклассники (205 миллиондан ортиқ фойдаланувчи), Windows Live Spaces (120 миллион фойдаланувчи) ижтимоий тармоқларни келтириш мумкин.[7]

Интернет имкониятларининг кенглиги, қулай ва жозибадорлигига қарамай, фойдаланувчилар томонидан бу жараёнда деструктив кайфиятларнинг ҳам мавжудлиги аллақачон маълум бўлган. Профессор Ж.Яхшиликовнинг таъкидлашича, "ҳамма нарсанинг яхши ва ёмони бўлганидек, бу қулайликлар билан

*[2] https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020*
*[3] Р.Кушербаев. "Халқ сўзи" газетаси. 2016 йил 24 декабрь*
*[4] https://mininnovation.uz/uz/news/17-10-2019-management-innovation-days*
*[5] Ш.М.Мирзиёев. 2020 йил ёшларга оид давлат сиёсатида туб бурилиш йили бўлади. 2019 йил 27 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти расмий веб-сайти. https://president.uz/uz/lists/view/3178*
*[6] Raymond G. The Internet: The good, the bad and the ugly. https://www.teachers.ab.ca*
*[7] http://xs.uz/uzkr/post/facebook-foydalanuvchilari-soni-25-milliardga-etdi*

бирга интернетдан самарали ва мақсадли фойдаланувчилардан ташқари ундан вақтни бекорга ўтказиш, турли кўнгилочар ҳамда беҳаё сайтлардан фойдаланувчилар ҳам кўпайиб бормоқда. Бунинг асосий сабаби интернетдан фойдаланувчиларнинг, айниқса, ёшларнинг тизимдан мақсадли фойдаланиш кўникмалари ва маданияти шаклланмаганлиги деб айтиш мумкин".[8]

Ҳозирги глобаллашув шароитида ер юзининг ривожланган ва ривожланаётган давлатларида ахборот ҳамиша жамият ҳаётида содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларни талабгорларга холис, аниқ ва ишончли тарзда етказиб бериш ва бунинг натижасида ёшлар онги, дунёқараши, ижтимоий-сиёсий ҳамда ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда асосий восита бўлиб хизмат қилмоқда. Ахборотлашган жамият шароитида ҳаётимизнинг бирор- бир соҳасини, бирор кунимизни оммавий ахборот воситаларисиз (ОАВ) тасаввур ҳам қилаолмаймиз. Ҳар куни миллионлаб файллар, расмлар, видеолар, тадқиқот ва натижалар жойлаштириладиган, янги-янги сайтлар қўшилаётган, миллионлаб ўқувчиларига эга бўлган ижтимоий тармоқлар ва мессенжерларга эга интернет ҳам ОАВ бир кўриниши сифатида талқин қилинмоқда.

Ахборот асрининг қулайликлари яққол намоён бўлаётган бугунги кунда унинг ўзига яраша муаммолари ҳам бўй кўрсатмоқда. Натижада, ёлғонга асосланган, шов-шув кўтарувчи, ўзгалар шаъни ва қадр-қимматини топтайдиган, фуқаролар шахсий ҳаётига дахл қиладиган ахборотлар тарқатиш ҳам одатий ҳолга айланмоқда.

Энг ёмони эса энди улғайиб келаётган, ҳаёт остонасига қадам қўяётган ёшлар, мактаб ва лицей ўқувчилари, уларнинг дўстлари орасида бундай нолегал ахборотларнинг тарқалаётганидир. Ёшларнинг балоғатга етиши, улғайишининг физиологик ва психологик хусусиятларини ҳисобга оладиган бўлсак, улар интернет тармоғида қонунга хилоф равишда тарақалаётган ахборотларнинг қурбонига айланиб қолишидир.

Олимларнинг таъкидлашича, "Тиғиз ахборотлашган жамиятда "шахс-жамият-давлат" алоқадорлиги, уларнинг ўзаро узвийлиги ва яхлитлигини таъминлаш бир мунча қийинлашади. Чунки ахборот оқими тезлашгани ва ахборотлар гирдобида яшаш каби мураккаб, зиддиятли вазиятнинг юзага келиши бевосита шахс тафаккурининг, инсон дунёқарашининг кескин ўзгаришига сабаб бўлмоқда".[9]

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ғонунчилик палатаси парламент эшитувида қуйидагилар таъкидланган: "Албатта, қонун доирасида фаолият кўрсатадиган ва ўз чиқишлари билан нафақат маънавий, балки муайян масалаларда моддий наф келтираётган контентлар, хусусан фаол блоггерлар жонкуярлиги ҳам таҳсинга сазовар. Лекин шу билан бирга, ижтимоий тармоқлардан, тезкор хабарларни тарқатиш техник майдончаларидан, оммавий ахборотларни тарқатиш мессенжерларидан фуқароларнинг шахсга доир ҳуқуқлари, уларнинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги ахборотнинг конфеденциаллиги қўпол равишда бузилган ҳолда фойдаланиш ҳолатлари кўплаб учрамоқда. Интернет тармоғида шахсни аниқлаб бўлмаслиги имкониятидан фойдаланиб, айрим фойдаланувчилар қонунларда тақиқланган ҳақорат ва туҳматга ососланган ахборотларни тарқатмоқда".[10]

Интернет тармоқлари орқали ахборот тарқалишининг чегара билмаслик хусусияти, маълумотларни чегаралаб қўйишнинг имконсизлиги натижасида энди шаклланиб келаётган ёшлар онги ва дунёқараши YouTube, Facebook, Instagram, WhatsApp, Twitter, Google, Telegram каби ижтимоий тармоқлар ва ўргимчак тўри маълумотларини рост деб қабул қилади ва ўша маълумотларга ишонч ҳосил қилган ҳолда ўз фикрларини шакллантира бошлайди.

Блогер ва таҳлилчи Н.Алимов ёшларнинг интернетга муккасидан кетиши, ижтимоий тармоқлардан ҳаддан ташқари кўп фойдаланиш, асосий вақтини интернетда ўтказиш бўйича қуйидаги фикрларни билдиради, "Бизнинг ёшлардан кўра Европа ёшлари тармоқларда камроқ вақт ўтказади. "Global Webindex" рейтингига қарайдиган бўлсак, дунё бўйича унча ривожланмаган ва энди ривожланаётган давлатлар барча ижтимоий тармоқларга киришда олди қаторларда туради. Бу ўзига хос парадоксни келтириб чиқаради, бизда интернет қиммат, лекин ижтимоий тармоққа кўп кирилади. Битта фарқ шундаки, биз 24 соат шов-шув кутиб яшаймиз, улар шунчаки бўш вақтни ўтказиш, танишлари билан гаплашиш ва иш учун киришади"

Дарҳақиқат, бугун аҳоли, жумладан, ёшлар кундалик ҳаёти, таълим жараёни, иш фаолиятида ҳам турли мазмундаги маълумотларга оммавий ахборот воситалари орқали эга бўлмоқдалар. Улар кўраётган фильмлар, кўрсатувлар, тинглаётган радиоэшиттиришлар мазмун-моҳияти нуқтаи назаридан келиб чиқиб, уларнинг маънавий оламига турлича таъсир кўрсатади. ОАВ лар орқали таъсир этишнинг ижобий ва салбий кўринишларини ҳисобга олган ҳолда шуни айтиш мумкинки, инсон маънавий камолотида у қабул қилаётган ахборот муҳитининг роли катта. Демак, бугун ёшларнинг нимани кўриб, нимани тинглаётгани биринчи навбатда у вояга етаётган оила, шу билан бир қаторда таълим муассасалари эътиборидан ҳам четда қолиши керак эмас.

Хулоса қилиб айтганда, жамиятда ёшлар дунёқарашидаги ижобий фикрларни ривожлантириш, уни ҳаётга тадбиқ этиш, салбий ўй- хаёллар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатларини бартараф этишда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

*ёшлар ўртасида интернетдан самарали фойдаланиш мақсадида ахборот маданиятини шакллантириш;*

*ахборот маконидаги барча маълумотлар хаққоний бўлмаслиги, уларнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилиш ва шу асосида шахсий фикрларни шакллантириш;*

*олий таълим ва умумтаълим мактабларида ёшларга ўқитиладиган фан дастури ва методологиясини қайта кўриб чиқиб, уларни бугунги кун талабига мослаштириш;*

*ахборот маконида содир бўлаётган ҳар бир воқеа-ходислар, яхши ёмон ишларни ёшлар билан муҳокама қилиш ва шу асосида тўҳри ва ижобий фикрларни ривожлантириш;*

*ёшларнинг ижтимоий тармоқлар ва мессенжерларга боғлиқ бўлиб қолмасдан, улардан ўз билими ва бизнес-тадбиркорликларини ривожлантиришда фойдаланишини рағбатлантириш;*

*олий таълим ва халқ таълими соҳасида яратилаётган ва яратилган адабиётлар, дасрликлар, қўлланмаларнинг электрон нусхасини яратиш, уларни хорижий тилларга ўгириш ва шу орқали мамлакатимиз имиджини ошириш, интернетда Ўзбекистоннинг ахборот ва медиа ресурсларини тарғиб қилиш;*

*ёшларнинг интернетга шахсий маълумотларини жойлаштиришда белгиланган қонун-қоидаларга амал қилишини шакллантириш;*

*ёшларнинг ёмон фикрловчилар, ғаразгўйлар, ақидапарастлар ва дин ниқобидаги шахсларнинг ёлғон ваъдалари, алдовларига учмасдан, тўғри йўлдан кетишини таъминлаш;*

*ёшларга ижтимоий тармоқларда, оммавий ахборот воситаларидаги чиқишларда ҳақоратомуз гаплар, инсон шанига таъсир қилувчи ёлғон ва бўхтонларни, эротик расмларни тарқатмаслик, бу бўйича қонуний чора муқаррирлигини тушунтириш.*

**Тақризчи: социология ф.д., профессор А.Холбеков**

[8] *Яхшиликов Ж.Я, Муҳаммадиев Н.Э. Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Тошкент. Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2018. Б 503-504*

[9] *Б.Умаров, М.Ахмедова. Очиқ ахборот тизимларида ахборот-психологик хавфсизлик. Тошкент. "Chashma print", 2013. -Б. 7*

[10] *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси парламент эшитуви. 2019 йил 12 сентябрь*

# ИЖТИМОИЙ БИЛИМ ТИЗИМИДА ТАРИХИЙЛИКНИНГ ЎРНИ

**Бердиев Ўктам -** *ўқитувчи, Навоий давлат педагогика институти*

**АННОТАЦИЯ:**

Мақолада ижтимоий билиш ва унинг тизимида тарихий билишнинг ўрни, билиш ва инсон онги, унинг хусусиятлари баён этилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** Ижтимоий ҳодиса, билиш, инсон онги, мафкура, тарихий ҳақиқат, тарихий билиш, тарихий синтез, ижтимоий билиш, оқ доғлар, қора доғлар, ижтимоий - тарихий яхлитлик, ҳодиса.

В статье рассматривается роль социального и исторического познания и их места в социальной жизни общества: раскрываются особенности функционирования познания и сознания в жизни людей.

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** Социальное событие, знать, человеческое сознание, идеология, исторический факт, историческое знание, исторический синтез, социальное познание, белые пятна, черные пятна, социально-историческая целостность, событие.

The article examines the role of social and historical knowledge and their place in the social life of society: the features of the functioning of knowledge and consciousness in people's lives are revealed.

**KEYWORDS:** Social event, know, human consciousness, ideology, historical fact, historical knowledge, historical synthesis, social cognition, White spots, black spots, socio-historical integrity, event.

Маълумки, ҳайвон табиатнинг тайёр нарсаларини ўзлаштиради ва ўз мавжудлигини таъминлайди. Бундай дейишдан мақсад инсонни, биологик маънодаги одамни бошқа жонзодлар билан қиёслашдир. Одамда ҳайвонларга хос томонлар, масалан, ўткир тирноқ ва тишлар, тез югуриш каби табиий томонлар мавжуд эмас. Шу боисдан ҳам одам ўз мавжудлигини таъминлаш учун табиат ва ўзига ишлов бериши, жумладан, чорвачилик, деҳқончилик ва ҳунармандчиликни ўрганиши лозим бўлган. Бунинг учун воқейликни билиши зарур. Билишнинг асосида ишлов бериб ўзгартирилган борлиқ унинг мавжудлигини таъминлайди. Демак, инсон билиш ва ундан бўлган билимлар ҳам табиий эмас, балки маданий ва демакки, ижтимоий ҳодисадир. Фалсафага оид қомусий луғатда "билиш - оламнинг инсон онгида инъикос этиш жараёни"[1] , деб тариф берилган.

Инсон онги воқейликнинг инсон миясида инъикос этиши эмасми, деган савол туғилади. Агар билиш онгнинг ижтимоий ҳусусияти дейилганида юқоридаги ғализликка йўл қўйилмаган бўлар эди. Инсон миясида акс этадиган воқейлик мазмунининг сақланиши, унга қайта ишлов берилиши, авлоддан-авлодга узатилиш жараёнлари, - дейди тадқиқотчилар М.Х.Рустамбоев ва С.О.Абдухаликовлар, онгнинг ижодий хусусиятини, фаоллигини яъни, билувчилик қобилиятини ифодалайди.

Билиш инсониятнинг онги туфайли воқейликка чексиз яқинлашиб боришидир. Билим эса инсон онгида тўпланган информациялар мажмуидир. Билим инсон онгининг ижодий хусусияти - билиш натижаларидир[2]. Инсон онги яъни, воқеаликни англаши кундалик ва назарий даражада бўлади. Кундалик жонли мушоҳада ва эмпирик яъни, тажрибавий онг қисм-даражаларидан иборат. Худди шундай уларнинг ижодий хусусиятлари ҳиссий ва эмпирик билиш дейилади. Назарий онг тизимлашганлиги, мундарижасига эгалиги билан кундалик онгдан фарқ қилади. Назарий билишда чуқурроқ, моҳият томон борилади. Мафкура ва фан назарий онгнинг кўринишларидир. Мафкуравий ва илмий ёндашув - билишлари назарий онгнинг ижодий хусусиятларидир. Мафкуранинг илмий қисми фан тизимига ҳам ўтади ва аксинча фаннинг муайян тармоқлари мафкуравий ҳисобланади. Бундан билишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам келиб чиқади. Билиш илмий ёки ноилмий кўринишларида бўлади. Яъни, билиш тизимида "ижтимоий билиш" сўзи ҳам ишлатилади-ми, бу унинг объектга жамият - кишилик тарихи эканлигини англатади. Ижтимоий фалсафий билиш, ҳуқуқий ёки иқтисодий, ахлоқий ёки сиёсий, эстетик билишларда марказий нуқта жамият масалалари бўлиб, улар ижтимоий билишнинг шаклларидир[3]. Тарихий билиш кенг маънода барча билиш турларида ўтмишни хаёлан тиклаш мақсадида тушунилади. Аммо, биз учун ижтимоий фанларда кишилик тарихини акс эттириш маъносида ишлатамиз. Тарих фанлари тарихий билишнинг кўринишларидир.

Фалсафа фанида шаклланган таълимот-билишнинг диалектик йўлининг тарихий билишда қандай намоён бўлишига эътибор берайлик. Мушоҳададан абстракт тафаккур ва ундан амалиётга ўтиш билишнинг диалектик йўлидир. Жонли мушоҳада - бу ҳиссий ва эмперик билишдан ташкил топган кундалик билишдир. У кундалик амалий муносабатлардан бошланади.

---

1. *Фалсафа: Қомусий луғат. -Тошкент.: "Шарқ", 2004. 55-бет.*
2. *Қаранг: Рустамов М.Х., Абдуҳакимов С.О. Хуқуқ методологияси: тарих ва ҳуқуқни деалектик маданий тушуниш асослари. -Тошкент. 2005. 79-бет.*
3. *Қаранг: Яхшиликов Ж.Ж. Мустақиллик йилларида фуқаролик ҳуқуқи тамойилларини билишнинг фалсафий методологик асослари. -Тошкент., 2018. 35-бет.*

Шунинг учун ҳам амалиёт, хусусан кундалик ҳаётий билишнинг асоси дейилади. Абстракт тафакурнинг ижодий характери ақлий билишдир. Агар эмпирик билиш кундалик билишнинг таркибий қисми бўлса, назарий билиш ақлий билишнинг таркибига кўчади. Билимлар билиш натижаларидир. Бу билимларнинг ҳақиқатлиги амалиётда аниқланади. Тарихий билишда кузатиш, тарихий хотира асосида таққослаш, тасаввурлар ва ўтмиш материаллари тарихий меросни тўплаш асосан тарихий билишнинг иккинчи босқичига хосдир. Тарихий билишнинг бу икки босқичларида асосий омиллар - тарихий онг, жумладан, тарихий хотира ва меросларнинг роли каттадир. Амалиёт билиш назариясида билишнинг мезони сифатида кўрсатилган. Лекин, у айни вақтда билиш манбаи ҳамдир. Инсон ҳиссий билиш ва умуман кундалик билиш амалий фаолият билан бирга кечади.

"Амалиёт - дейди тадқиқотчи Н.Шермухаммедова, - одамларнинг тарихан шаклланган эҳиёжларини қондириш учун у ёки бу объектни ўзгартириш мақсадига таъсир кўрсатиш фаолиятидир. Билишга нисбатан амалиёт уч хил вазифани бажаради. Биринчидан, у билишнинг манбаи ҳаракатлантирувчи кучи сифатида билишга умумлаштириш ва назарий ўрганиш учун зарурий материал беради. Шу тариқа амалиёт билишни озиқлантиради ва реал ҳаёдан узоқлашишга йўл қўймайди. Иккинчидан, билимларни тадбиқ этиш соҳасидир. Шу маънода у билишнинг мақсадидир. Учинчидан, амалиёт билиш натижаларининг ҳақиқийлигини текшириш мезонидир. Билишнинг амалиёт синовидан ўтган натижаларига амалда объектив аҳамиятга эга бўлиши мумкин". Биз ушбу фалсафий хандалардан келиб чиққан ҳолда амалиётни ҳам тарихий деймиз. Тарихий амалиёт кишиларнинг ўз-ўзини англаши ва ватан-парварликда намоён бўлади. Тарихий амалиётда исботланган тарихга оид билимлар тарихий ҳақиқат дейилади. Тарихий ҳақиқат - тарихда юз берган бирор ҳодиса ёки воқейликларни қачон, қандай объектив ва субъектив шарт-шароитлар асосида юз берганлигини илмий манбалар ёрдамида аниқ акс эттирган билимлардир. Тарихий ҳақиқатнинг бузилиши тарих саҳифаларида "оқ доғлар" ва "қора доғлар" нинг пайдо бўлишига олиб келади. Бу эса тарихнинг нотўғри ёзилишига сабаб бўлиб, ўтмиш тарихий нотўғри ёки бир томонлама қарашларнинг қарор топишига сабаб бўлади[4].

К.Ясперс "Тарихнинг мазмуни ва мақсади" номли асарида тарихий билимларнинг мақсади - бизнинг бугунимизни (аслимизни) аниқлашдир[5], дейди. М.П.Лаптева йилномачилик билан шуғулланган бўлиб, "Аналлар мактаби" билан шуғулланган Ф.Бродельнинг жамият ҳаётининг барча соҳаларида олиб борилган тадқиқот ишлари якунланишида тарихий синтез - умумлаштириш амалга оширилади, деган фикрларни келтирган. Бу илмий жараён тарих фанларида, балки шу билан бирга бошқа фанларда ҳам мавзу тарихи бўйича ҳам амалга оширилади. У шунингдек, хорижий адабиётлардаги масалан, Р.Ароннинг қуйидаги фикрларини ҳам келтирган: тарихий билиш бу мавжуд бўлган, бўлиб ўтган (воқеа)-ларнинг реконстурикциясидир. Тарих - бу ягона ва яхлит жараён бўлиб, у (тарих) инсонни, унинг фикрларини тушунтириши лозим. Тарихий билишнинг бирбирига мослиги ёки айнанлиги билиш субъектида, унинг тафаккурига боғлиқдир . Тўғри, тарих фанида тарихий реконстурикция билишнинг асосий усули ва тизимидир. Аммо тарихчининг фикрлари, тадқиқот ишлари синтези объективликка асосланган бўлади. Тадқиқотчи П.Веннинг фикрича, тарих-бу реал воқеаларга асосланган тушуниш муаммоли бўлса, методлар ёки услублар - бу тажрибадир. Тарихийлик методи мавжуд эмас ва бу тушунча танқидий ёндашув деб кўрсатиш керак, назария эса - бу чалкашлик моҳиятининг қисқача баён этилишидир[6]. Агар тарихий воқеаликка бундай ёндашсак, субъекти-визм кучаяди, тарихийликнинг объектив мазмуни чалкашликка олиб боради. Тўғри, тарихий жараёнларни соатма-соат, минутма-минут барча жиҳатлари ила назарияларда юз фоиз даражада ифодалаш оғир масала ҳисобланади. Аммо тарихийликдан назарияга ўтилар экан, улардан чиқадиган мантиқий умумлашмалар тарихийликнинг моҳиятига мос келиши керак.

Табиий фанларда "нарса" ва "ҳодиса" сўзлари ишлатилади. Аслида нарса ҳам ҳодисадир. Чунки, унинг генезиси бор, ўзгариб бориши бор ва бошқа турга айланиши бор. Худди шундайин "Илмий адабиётларда билиш назарияси масалаларида, - дейди тадқиқотчи Б.Турдибоева - "билиш" ёки "илмий билиш", "ижтимоий билиш" ёки "ижтимоий тарихий билиш", "жамиятни яхлитлигида таҳлил этиш", "тарихий жараёнларнинг таҳлили", "қадриятли ёндашиш" каби терминлардан фойдаланилганлигини кўрамиз"[7].

Бизнинг фикримизча, тарихий жараёнлар кенг маънода тарихий яхлитликни ҳам ўз ичига олади. Биз тарихий билишимизни осонлаштириш мақсадида нисбатан барқарор тарихий ҳолатлар ва босқичларни "тарихий яхлитлик" доирасига киритамиз ва уларга боғлиқ тарихий жараёнларни ҳам худди сабаб ва оқибат боғланишлари тарзида келтирамиз. "Ижтимоий - тарихий яхлитлик" ибораси, - дейди тадқиқотчи Б.Турдибоев, - нафақат жамиятнинг ибтидоий даврдан то хозирги кунгача бир бутунлигини, балки шу билан бирга, жамият тараққиёти тарихининг ҳар бир босқичларидан ўзига хос бир бутунликларни, яъни улардан ўзига хос сифат муайянликларини ифодалайди. Бу ибора айни вақтда жамият тараққиётининг ҳар бир босқичларига хос тарихий жараёнларни типиклаштиришга имкон беради. Ижтимоий-тарихий яхлитлик муайян ижтимоий

4. Қаранг: Турдибоев Б. Ижтимоий - тарихий яхлитлик ва жараёнларни ижтимоий-фалсафий билишнинг ўзига хос хусусиятлари.- Тошкенг.: ExFremum press, 2011. 7-бет.
5. Шермухаммедова Н. Фалсафа. Тошкент.: "NOSHIR", 2012. 438-бет.
6. Қаранг: Фалсафа: қомусий луғат.-Тошкент.: "Шарқ", 2004. 389-бет.
7. Қаранг: Ясперс К. Смысл и назначение истории. -Москва. 1991. // Алимова Д. Тарих фани методологияси. -Тошкент.: "Ўзбекистон файласуфлари илмий жамияти" нашриёти, 2018. 122-бет.
8. Қаранг: Ясперс К. Смысл и назначение истории. -Москва. 1991. // Лаптева М.П. Теория и методология истории: курс лекци. - Пермь. 2006. С.110.
9. Лаптева М.П. Теория и методология истории: курс лекци. -Пермь. 2006. С.113.
10. Қаранг: Вен П. Как пишут историю: Опыт эпистемологии. - Москва.:, 2003. // Алимова Д. Тарих фани методологияси. - Т.: "Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти" нашриёти, 2018. 123-бет.

макон ва замоннинг бир бутунлигини ифодалайди. Ижтимоий жараёнларнинг давомийлиги, умуман, жамиятнинг даврлар ичра ўзгариб бориши эса тарихий жараёнларни ифодалайди"[8].

Маълумки, иккита тарих бор: табиат тарихи ва жамият тарихи. Табиий-илмий билиш табиат ва унинг тарихини акс эттиради. Ижтимоий билиш эса жамият ва унинг тарихини ифодалайди. Аслида табиий-илмий билиш ҳам ижтимоийдир, кишилар - субъектларнинг воқеаликни англаб олишидир. Иккала билиш тури ҳам жамият ичида юзага келган ва унга хизмат қилади. Ижтимоий билиш турлари, жумладан, иқтисодий, ижтимоий-фалсафий, ахлоқий сиёсий, ҳуқуқий, диний, тарихий каби билимлар жамиятни бир бутун ҳолатида, ёки у ёки бу соҳа ва тармоқларини ўрганади.

Демак, тарихий билиш ижтимоий билишнинг таркибий қисмидир. Тарихий билиш, хусусан тарихий яхлитликни билиш, ижтимоий билишнинг таркибий қисмларидан бири - ижтимоий фалсафий билишни тақазо этади. Чунки, ижтимоий тарихий яхлитлик масаласи жамият ва фалсафаларининг ҳам асосий масалаларидандир. Тарихий билишнинг асосий хусусияти ўтмишни тиклаш ва ҳозир замон билан боғлаш ва ёрдам беришидир. Бизнингча, жамиятнинг мавжудлиги ва ривожланишининг асосини маданий борлиқ ташкил этар экан, унинг даражасини акс асоси юз берадиган тарихий билиш тадқиқотчини объективликка яқинлаштиради. Тарихга бундай ёндашиш фақат объективликка, балки шу билан бирга ўтмиш жамиятларнинг тизимлилигига ва конкретлилигига асосланган тарихий ҳақиқатни шакллантиришга ёрдам беради[9]. Собиқ СССР даврида коммунистик мафкура ҳукмронлиги ўрнатилган совет тоталитар тузуми жамиятда миллий тарихимизга бир томонлама синфийлик ва партиявийлик нуқтаи назаридан ёндашилиб, тарихимиз сохталаштирилиб баён қилинди. Шунинг учун ҳам Биринчи Президентимиз И.А.Каримов шундай деган эди: "Ўзбекистоннинг", ўзбек халқининг бугун кенг оммага етказишга арзийдиган ҳаққоний тарихи яратилдими - йўқми? Совет даврида ёзилган тарихни мен тарих санамайман. Мустамлакачи ўзига қарам бўлган халқ ҳақида қачон холис, адолатли фикр айтилган? Улар бор куч-ғайратини Туркистоннинг ўтмишини камситишга, бизни тарихимиздан жудо қилишга сарфлаганлар. Тарихдан жудо бўлиш нималигини яхши билсангиз керак. Инсон учун тарихидан жудо бўлиш - ҳаётдан жудо бўлиш демакдир". Бу борада бир қанча ишлар қилинди. Уч жилддан иборат Ўзбекистон тарихи китоблари чоп этилди. Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Захириддин Муҳаммад Бобур каби буюк сиймоларимиз тарихи тикланмоқда. Аммо, бу қилиниши керак бўлган ишларнинг дебочаси. Шунингдек, масаланинг бошқа томони тарихга оид тадқиқот ишларининг методологик, хусусан ижтимоий фалсафий методологик асослари масаласи очиқлигича қолмоқда. Бусиз тарихга оид илмий ишларнинг мантиқий бир бутунлигига тўла қонли равишда таркиб топмайди.

Хулоса қилиб айтганда, тарихий билиш ижтимоий билишнинг кўринишларидан бири ҳисобланади. Профессор Д.А.Алимова таъкидлаганидек, тарихий билишнинг биринчи хусусияти - унинг тадқиқот объектининг ўтмишда содир бўлганлигидир. Тарихий билишда ўтмишда объект ҳаракатга келиши керак. Бунга фақат фикрлаш ёрдамида эришилади. Тарихий билишнинг иккинчи хусусияти эса узоқ ўтмиш ҳозирги замондан туриб шарҳланади. Бунинг ўзи тарихий давр маданий борлиғи олинади, идеал тарзда моделлаштирилади ва шу асосида муайян мамлакат ижтимоий тарихий яхлитликда олинадида, тарихий жараёнлар унга боғлиқ ҳолда ўрганилади.

Тарихий билиш маданий борлиғининг томонлари - инсон ва унинг бирликларини моддий маданият, жамият сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий маданиятлари функционал ҳолатларига кўра корреляцияда яъни, бир-бирларини тақозо қилувчи ўзаро таъсирли омиллар сифатида таҳлил қилинади. Ўтмишни бундай таҳлили ўша давр мамлакатларининг онтологик манзарасини ҳосил қилишга имкон беради. Бу - тарихий билишнинг ҳозирги кундаги ўзига хос хусусиятидир. Бу ҳолатни изоҳлашда ўша давр халқининг умумий ва хусусият эҳтиёжларидан келиб чиқилади. Унинг эҳтиёжлар жумладан, давлатчиликка оид эҳтиёжлар барча тарихий ҳаракатларнинг мотивларидир. Тарихий тараққиёт ўша давр ижодкорлиги натижалари, жумладан, давлатчилик эса уларнинг амал қилишини, ўзлаштирилиши, истеъмол қилиниши ва улардан фойдаланишларнинг эҳтиёжларга мос ёки зид келишлари асосида аниқланади ва изоҳланади. Демак, кишилик тарихининг асосини маданий бирлик ташкил этади. Унинг ривожланиши билан жамият тарихи ривожланади. Маданий бирликнинг ички томонлари коррилятив-функционал боғланиш-ларининг аниқланишида ҳар бир тарихий ҳодисанинг ўрни ва аҳамияти билан изоҳланади. Маданий борлиқни ташкил этувчи субстанционал элементлар ва қонуниятларидан кишилик тарихи эволюцияси келиб чиқади. Тарихий билиш тарихни диалектик маданий тушунишга асос-ланган қоидалар билан қуролланса, бизнингча, тарихий объективлик янада кенгаяди. Хуллас, тарихий билиш ҳам, амалиёт, жумладан, тарихий амалиёт ҳам, ҳақиқат, маданий ҳодисалардир. Чунки уларга ҳам онглилик, мақсадида мувофиқлик хосдир, улар айни вақтда тарихий ҳақиқатни излаш мақсадида кишиларнинг ўтмиш воқейлиги тарихий реконструкция кўринишида фикрий ишлов бериш жараёни ва бу фикрий илмий жараённинг натижаларидир.

---

*[10] Қаранг: Фалсафа: Ўқув қўлланма. /Э.Ю.Юсуповнинг умумий таҳрири остида - Тошкент.: "Шарқ". 1999. 494-бет; Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. - Тошкент.: "Маънавият". 2008; Назаров.Қ. Билиш фалсафаси. - Тошкент.: "Университет" 2005. 330-бет.; Ракитов А.И. Историческое познание (Системно-гносеологический подход). - Москва.: "Политиздат". 1992. - 303 с. Шермухамедова Н.А. Гносеология - Тошкент.: ЁФТЖ, 2007. 380-бет; Турдибоев.Б. Ижтимоий тарихий яхлитлик ва жараёнларни ижтимоий фалсавий билишнинг Ўзаро хос хусусиятлари. - Тошкент.: Extremum press, 2011. 6-7 бетлар.*

# ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ТУРИЗМГА ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ МАСАЛАЛАРИ

***Хашимов Шерахон Жўрахонович -*** *катта ўқитувчи, Самарқанд давлат универститети.*

**АННОТАЦИЯ:**

Мақолада Ўзбекистонда миллий туризмнинг ривожланиши, жамият ҳаётига тизимли ёндашув масалалари таҳлил қилинган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР**: Миллий туризм, тизимли ёндашув, тизим, структура, элемент, туристик фаолият субъектлари, туристик ресурслар, туризм турлари.

В статье анализируется вопросы системного подхода к общественной жизни и развитие национального туризма в Узбекистане.

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** Национальный туризм, системный подход, система, структура, элемент, субъекты туристической деятельности, туристические ресурсы, типы туризма.

The article analyzes the issues of a systematic approach to public life and the development of national tourism in Uzbekistan.

**KEY WORDS:** National tourism, system approach, system, structure, element, subjects of tourist activity, tourism resources, types of tourism.

Бугунги кунда Ўзбекистонда замонавий сайёҳлик инфратузилмасини шакллантиришга жамият ҳаётидаги долзарб вазифалардан бири сифатида қаралмоқда. Мамлакатнинг туризм соҳасидаги самарадорлигини ошириш, туризм инфраструктурасини шакллантириш энг аввало мамлакатдаги тинчлик, хавфсизлик, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий барқарорликка боғлиқ бўлиб, туризм соҳасида мамлакатнинг ички салоҳиятини намоён этиш, тарихий обидалар, муқаддас қадамжоларни обод қилиш, табиий ландшафт, моддий-маданий ва меъморлик намуналарини юксалтириш, турфирмалар фаолиятини, меҳмонхона ҳамда бошқа коммуникация тармоқларини, транспорт инфратузилмаларини, умумий овқатланиш ва кўнгилочар объектлар имкониятларини ошириш, даволаш ва спорт йўналишларини фаоллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистонда бугунги кунда республика ҳудудидаги мавжуд ресурсларни ҳар тарафлама юқори даражада намоён этувчи турдош ташкилотларни бирлаштирувчи хўжалик-ташкилий мажмуалари, яъни туризм кластерларини ташкил этишга катта эътибор қаратилмоқда. Кластер - умумий фаолият ва хизмат кўрсатиш йўналишига эга, бир-бирини тўлдирувчи, географик жиҳатдан бир-бирига яқин корхоналар гурухи бўлиб, кластерлар одатда маҳаллий доирадаги турли ташкилотларнинг ихтисослашган тармоғи сифатида уларнинг ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш фаолиятини ўзаро бирбири билан тижорат, товар айирбошлаш, илмий тадқиқот ёки истеъмол фаолияти билан боғлаш учун хизмат қилади.

Ҳозирги кунда миллий иқтисодиётга юқори даромад келтирадиган истиқболли тармоқлардан бири - бу миллий туризмдир, - дейди Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев, - Ўзбекистон туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга бўлган давлат ҳисобланади. Юртимизда 7 минг 300 дан ортиқ маданий мерос объектлари мавжуд ва уларнинг аксарияти ЮНЕСКО рўйхатига киритилган. Шу билан бирга, мамлакатимизнинг бетакрор табиати, гўзал дам олиш зоналари имкониятларидан фойдаланиб, янги туристик йўналишлар очиш мумкин. Бу соҳага жаҳон брендларини фаол жалб этган ҳолда, биз зиёрат туризми, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, туризм ва бу соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур. Бу борада давлат-хусусий шериклик муносабатларини қўллаш соҳани тараққий эттиришда кенг имкониятлар очишини ҳисобга олишимиз лозим. Самарқанд, Бухоро, Тошкент шаҳарларидаги муқаддас қадамжолар ва ёдгорликларни зиёрат қилишдан иборат бўлган "кичик хаж" дастурини ривожлантириш ва жадаллаштириш зарур. Ички туризм соҳасидаги катта имкониятларни ҳам тўлиқ ишга солиш лозим[1].

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш, иқтисодиётнинг тез ўсишини таъминлашда унинг ролини ошириш ва шу орқали янги иш ўринлари яратиш, дунё бозорида миллий туристик маҳсулот салоҳиятини юксалтириш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистонда туризм инфраструктурасини ривожлантиришда туризм соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар такомиллаштирилмоқда. Шу билан биргаликда

*[1]. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд, Тошкент, Ўзбекистон, 2018 йил, 128-129 бетлар.*

туризмнинг ўзига жалб этувчи воситаси сифатида ахборот бозори иштирокчилари фаолиятини такомиллаштириш, ахборот технологиялари салоҳиятидан самарали фойдаланиш, миллий туризмни ривожлантиришда рекламадан унумли равишда фойдаланиш бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга бўлмоқда. Туризм хизматларини ташкил қилиш бўйича халқаро глобал ахборот тизимларига уланиш ва локал сервисларни яратиш, интернет тармоғида мамлакатимизнинг туристик имкониятлари ҳақидаги ахборот ресурсларини кенгайтириш зарурдир. Ўзбекистонда туризм индустриясини ривожлантириш бугунги кундаги долзарб масала бўлиб, туризм индустриясини ривожлантириш туристик ресурслардан унумли фойдаланиш ва хизмат кўрсатадиган инфратузилмани юқори савияга олиб чиқишни назарда тутади. Замонавий меҳмонхоналар қуриш, сайёҳларга қўшимча шарт-шароитлар яратиш, туристик шахобчаларни янада кенгайтириш, туроператорликни ривожлантириш, меҳмонхона ҳамда ресторан хизматларини халқаро талаблар даражасига етказиш, экотуризмни изчил йўлга қўйиш учун табиий иқлим имкониятларидан кенг фойдаланиш, тарихий ёдгорликлар ва обидаларни қайта таъмирлаб, чет эллик ҳамда маҳаллий саёҳатчиларни уларга жалб этиш, туристларга транспорт, таржимонлар ва экскурсоводлар хизматлари кўрсатишни яхшилаш ҳамда туризмни ривожлантириш учун малакали кадрлар тайёрлаш туризм соҳасини ривожлантиришга тизимли тарзда ёндашувни талаб қилади. Ўзбекистонда туризм инфраструктурасини шакллантириш жараёнида алоҳида эътибор қаратилаётган жиҳатлардан бири бу туризмнинг хавфсизлиги масаласидир. Хавфсиз туризм деганда фақатгина жисмоний хавфсизлик тушунилмайди, балки хизматлар кўрсатиш соҳасидаги, тиббий хизмат кўрсатиш соҳасидаги хавфсизлик ҳам шу тушунчага тааллуқлидир.

Туризмни тизимли таҳлил қилганда, у мураккаб ички алоқалар ва ташқи муносабатлар асосида бошқа тизимлар, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий, ахборот ва бошқа соҳалар билан ўзаро уйғун ҳолатда ривожланиб, тараққий этиб боради. Туризм тизими ўзига хос хусусият, мақсад, вазифалар ва структурасига эга бўлиб, туризм системасига хос бўлган хусусиятлар бу унинг очиқлиги, яхлитлиги, изчиллиги ва кетма-кетлигидир. Туризм тизими бу очиқ тизим бўлиб, у турли ташқи тизимлар билан ўзаро боғлиқлик ва алоқадорликда, уларнинг ресурс ва ахборотларини ўзаро айирбошлаш асосида фаолият олиб боради. Туризм тизими ўз-ўзидан ривожланиш хусусиятига эга бўлиб, бу ривожланиш тизимнинг ўз-ўзини сақлаш ва такомиллашишини таъминлайди. Туризм тизимининг мақсади мустаҳкам, оммавий ва рақобатбардош туризмни ривожлантириш учун зарур бўлган шароитларни яратишдан иборатдир. Туризм тизимининг асоси муайян структурадан иборат бўлиб, бу структура элементлар ўртасидаги алоқалар ва муносабатларнинг амал қилиш механизми асосида фаолият олиб боради. Туризм тизимининг элементларига туристик фаолият субъектларининг ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган бир неча гурухлари тааллуқли бўлиб, уларга: 1. Жисмоний шахслар яъни туристлар ва уларнинг бирлашмалари; 2. Туристларга товарлар ва хизматлар ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи, туристлар учун истеъмол қадриятларини таклиф қилувчи субъектлар; 3. Бозор шароитида туристик маҳсулотларни таклиф қилувчи ва туристик саёҳатларни ташкил қилувчи воситачилар; 4. Нотижорат ташкилотларининг тадбиркорлари, туризм индустриясининг хизматчилари, хизматлар истеъмолчилари, туризм соҳасининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи ассоциация, иттифоқ ва бошқа бирлашмалар; 5. Туризм соҳасига тааллуқли бўлган кадрлар тайёрловчи ва илмий тадқиқотларни олиб борувчи ташкилотлар; 6. Туризм соҳасида ҳуқуқий тартибга солиш фаолиятини олиб борувчи давлат ташкилотлари, туристик фаолиятни бошқариш билан шуғулланувчи давлат, унитар ва акционерлик муассасалари, миллий ва ҳудудий ташкилотлар; 7. Халқаро ва давлатлараро ташкилотлар, халқаро нодавлат ташкилотлар, туристик фаолиятни ривожлантиришга ёрдам берувчи уларнинг махсус муассасалари; 8. Туристлар томонидан саёҳат қилинадиган аҳоли яшаш жойлари, туристик марказларнинг маҳаллий аҳолиси, кабилар киради.

Туризм тизимининг элементига шу билан биргаликда сунъий ёки табиий, ўзида туристик ресурслар - табиий, тарихий, ижтимоий-маданий объектларни, туристларнинг маънавий ва бошқа эхтиёжларини қондирадиган, уларнинг ҳаётий фаолиятини қўллаб-қувватлайдиган, уларнинг жисмоний кучларини тиклайдиган ва ривожлантирадиган саёҳат ва зиёрат объектлари ҳам киритилади. Туризм тизимининг структураси деганда системанинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, унинг яхлитлиги ва барқарорлигини таъминлайдиган элементларнинг бирлиги ва улар ўртасидаги барқарор алоқадорлик тушунилади. Туризм тизимининг фаолияти муайян бир мақсадларни амалга оширишга қаратилган элементларнинг доимий равишда ўзаро боғлиқликдаги ва алоқадорликдаги фаолиятини ўзида ифодалайди. Туризм тизими тизим ости бирликлари, структуралардан, структуралар элементлардан ташкил топиб, мураккаб ижтимоий тизим сифатида жамият ҳаётининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаёт соҳалари билан бевосита боғлиқликда ва алоқадорликда ривожланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февраль ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармонида туризмни ривожлантириш масаласида қуйидаги стратегик вазифалар белгиланган бўлиб, булар туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификация

қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш[2]. Ушбу фармонда белгиланган вазифалар туризмга тизимли тарзда ёндашишни, унинг структура ва элементлари ўртасидаги алоқадорликни янада такомиллаштиришни талаб қилади. Бугунги кунда Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришда анъанавий туризмга қўшимча тарзда унинг зиёрат, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, спорт, даволаш-соғломлаштириш ва бошқа турларининг ривожланишига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистонда ҳозирги пайтда сайёҳлик инфраструктураси мустаҳкамланмоқда. Соҳада малакали кадрлар тайёрлаш, сайёҳлик маркетинги ва менежментини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Халқаро туризм соҳасида эришилган ютуқлар ижодий тарзда ўрганилиб, Ўзбекистонга туризмни ривожлантириш масаласида чет эллик инвестрларнинг маблағлари киритилишида, мамлакатимизда янги туризм инфраструктурасини ривожлантиришда халқаро туризмдаги ижобий жиҳатларга таянилмоқда. Ўзбекистонда сайёҳларга хизмат кўрсатиш аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, миллий ҳунармандчилик, касаначиликни ривожлантириш, миллий таомлар, миллий маданият, миллий урф-одат, анъана, удумлар, маросим ва байрамлар каби миллий қадриятларни тиклаш ва юксалтиришни кўзда тутади. Туризмни ривожлантириш натижасида ташқи ва ички туризмдан келаётган маблағлар Ўзбекистонда иқтисодиётнинг бошқа тармоқларининг ривожланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ўзбекистонда миллий туризмнинг ривожланиши туризм соҳасида хизмат қиладиган мутахассис кадрларни тайёрлашни, уларнинг билим ва малакасини такомиллаштиришни талаб қилиб, ушбу масала бўйича Самарқандда "Ипак Йўли" Халқаро туризм университети ташкил этилиб фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистонда Россия, Корея, Туркия ва Европа давлатлари билан ҳамкорликда очилган олий таълим муассасаларида туризм бўйича малакали мутахассислар тайёрланмоқда. Шундай қилиб Ўзбекистонда миллий туризм тизимининг такомиллашиб бориши иқтисодиётга ҳам, сиёсатга ҳам, ижтимоий ва маънавий-маърифий ҳаёт соҳаларига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Ўзбекистонда миллий туризмни ривожлантиришда туризм соҳасида меҳнат қилаётган ходимлардан инновацион фаолият ва креатив тафаккур талаб этилиб, бугунги кунда Ўзбекистонда аниқ мақсадли ва тизимли чора-тадбирлар туфайли туризмнинг энг илғор инфратузилмаларини шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистонда замонавий туризм индустриясини шакллантириш учун кўплаб имконият ва шарт-шароитлар яратилмоқда. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришга комплекс ёндашилиб, замонавий сайёҳлик инфратузилмаси объектлари шакллантирилмоқда. Миллий туризмни ривожлантиришда, туризм инфраструктурасини шакллантиришда тадбиркорлар фаоллигини рағбатлантиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришни тизимли тарзда ўрганишни долзарб масала сифатида кун тартибига қўймоқда.

**Тақризчи : и.ф.н. А.Шамсиев**

*[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони. Тошкент, "Адолат", 2018 йил, 17 бет.*

**********************

# ЎЗБЕКИСТОНДА СУНЪИЙ СУҒОРИШ ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИ ВА БУГУНГИ ҲОЛАТИ

***Болтаев Абдурасул*** *- т.ф.н., доцент, Жиззах давлат педагогика институти.*

**АННОТАЦИЯ:**

Ўзбекистонда бугунги кунда пахтачилик ниҳоятда ривожланган соҳалардан биридир. Шунинг учун сувни тежаш давр талабидир. Пахтачиликда ҳам томчилатиб сўғориш кенг қўлланила бошлади. Бу билан фақатгина сувни тежаш эмас, балки тупроқнинг шўрланишини ҳам олди олинади. Бундан ташқари кам ишлов берилади, кўп ҳосил олинади. Бу усул дунёнинг кўпгина мамлакатларида кишлоқ хўжалигида (Хитой, Туркия, Исроил, АҚШ ва бошқа) ва юқори ҳосил олинмоқда 2019 йил 6-сентябрда 2020-2030 йилларда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилди.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** Пол-пол, жўяк, ариқ, чиғириқ, тизим, стратегия, тамойил, инвеститция ва бошқалар.

In Uzbekistan, cotton - growing is one of the developed branches. Therefore, saving water is the requirement of the period. Drip irrigation has also been widely used in cotton production. At the same time, it serves for not only saving water, but also preventing salinization. In addition, it is poorly cultivated and reaped. By this method, agriculture is producing high yields in many parts of the world (China, Turkey, Israel, USA and so on). In 2019, September 6 th the strategy for the development of agriculture was adapter.

**KEY WORDS:** furrow, ditch, scraptch, system, strategy, principle, investment.

На сегодняшний день хлопководство является одним из самых развивающихся отраслей в Узбекистане. Поэтому экономия воды - требование времени. И в хлопководстве начали широко применять капельное орошение. Благодаря этому методу обеспечивается не только экономия воды, но и предотвращается заселение почвы. Кроме этого мало обрабатывается, достигается урожайность. Этот метод применяется в сельском хозяйстве многих стран (Китай, Турция, Израиль, США и др) и повышается Урожайность 6 сентября 2019 года была разработана стратегия развития сельского хозяйства в Узбекистане на 2020-2030 годы.

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** пал, (метод носова), грядка, борозда, чигирь, система, стратегия, принцип, инвестиция и др.

Тарихимизга эътибор берадиган бўлсак бизнинг худудимиз ҳам инсонлар дастлаб деҳқончилик билан шуғулланган ҳудудлардан биридир. Қадимдан бошлаб Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон ҳудудида сунъий суғориш тизимига катта эътибор берилган. Жумладан академик Я. F. Fулом ўзининг "Хоразмнинг суғорилиши тарихи"[1] асарида ерларни қайси фаслларда, қадай ҳолатда, қандай қилиб суғориш кераклиги тўғрисида батафсил маълумот бериб ўтган. Канал ва ариқлардан чиғириқ орқали сув олиш ва пол-пол ҳамда жўяк усулида сувни (фаслга қараб) тақсимлаш ҳолатларини батафсил баён қилган. Бундан ташқари академик А. Муҳаммаджонов[2] ҳам ўзининг қатор асарларида Ўзбекистонда сунъий суғориш тизимининг шаклланиши ва унинг ривожланишига ҳиссасини қўшган.

Мирзачўл ва Жиззах воҳаларида сунъий суғориш тизимининг яратилиши - ушбу худудларда ҳам нихоятда катта масштабда илмий тадқиқот ишларининг олиб борилганлигини кўрсатади. Жумладан Э. Х. Хаджиев, А. А. Раззоқовлар, Э. Халиқов, Турсунов бошқаларнинг асарларида Собиқ совет тузуми давридаги олиб борилган ишлар батафсил ёритиб борилган.

Бугунги кунга келиб эса мустақил Ўзбекистон худудида қишлоқ хўжалигида сунъий суғориш тизими янада жадал ривожланмоқда-ки, буни биз бугун Президентимиз Ш. М. Мирзиёев томонидан олиб борилаётган ниҳоятда жадал сиёсатда кўришимиз мумкин.

Охирги икки-уч йилда янгиланаётган Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигида самарали ишларга киришилди. Жумладан, сувни тежаш ва ерларни ўзлаштириш бўйича кўп ташаббуслар бошланди. Энди кейинги ўн йилликда қишлоқ хўжалигини иқтисодиётнинг ҳақиқий "дрейвери" (ҳаракатлантирувчи соҳа) га айлантириш учун тубдан кўп ислоҳатларни амалга оширишимиз керак. 2021 йилда Республикамизнинг барча худудларида ерларни ҳисобга олиш ишлари тўлиқ якунига етказилиб, бу борада ягона электрон баъзани шакллантириш ишлари жадаллаштирилмоқда. Қишлоқ хўжалигини сувсиз тасаввур этиб бўлмайди. Айниқса Республикамиз аграр тармоғида обиҳаётнинг қадри жуда баланд. Чунки юртимизда етиштирилаётган маҳсулотлар асосан, сувли майдонларга тўғри келади. Бу эса сувнинг ҳар қатрасидан оқилона, тежамкорлик билан фойдаланишимизни тақозо этади. Республикамиздаги мавжуд экин майдонларига йўналтирилаётган миллиардлаб куб метр сувнинг 60 фоизигина экинларга етиб боради; қолган 40 фоизи эса суғориш тизимлари ва суғориш жараёнида йўқотилади. Жаҳон сув ресурслари институтининг тахлиллари кура эса, 2040 йилга бориб, Ўзбекистонда сув ўта танқис бўлган 33 та мамлакат қаторига кириш мумкик.[3]

Ҳозир Ўзбекистонда 4,5 миллион аҳолининг томорқа ер майдонлари мавжуд. Стратегияда томорқада етиштириладиган маҳсулотлар логистикасига "Бир маҳалла-бир маҳсулот" тамойили асосида логистика вакооперация хизматини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида энг катта эътибор бозор механизмларига қаратилган, ҳаётий ва аниқ вазифалар белгилаб берилганлиги билан аҳамиятлидир.[4]

Ўзбекистон республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 19-сентябр куни сув ресурсларини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш ва сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди. Унда "Сув ресурсларини самарали бошқариш ва тежаш бўйича вазифалар белгиланди.[5]

Пахтачиликда томчилатиб суғориш

[1]. Я.F.Fулом "Хоразмнинг суғорилиши" тарихи Т. 1959 йил ва бошқа 1979 йил асарларида.
[2]. А.Муҳаммаджоновнинг қуйидаги асарлари "Қадимги сув иншоатларининг тарихи" Т. 1968, яна қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиши тарихи (Қадимги даврлардан - XX аср бошларига қадар) Т. 1972 йил
[3]. "Халқ сўзи" 2019 йил 10-сентябр (Президент Ш.Мирзиёевнинг "Ўзбекестонда кишлоқ хужалигини ривожлантириш стратегияси" Марузасидан.
[4]. 2019-йил, 19-сентябр куни Президент Ш.Мирзиёевнинг "Сув ресурсларини самарали бошқариш" марузасидан
[5]. Халқ сўзи. 2019-йил 20-сентябр. Президент. Ш.Мирзиёевнинг "Сув ресурсларин самарали бошқариш" марузасидан

тизимларидан фойдаланган ҳолда пахта хом ашёсини ишлаб чиқариш ва машиналар ёрдамида йиғиб олиш бўйича ушбу намунавий технологик карталар республика қишлоқ хўжалигида пахта етиштиришнинг сарф-харажатларини режалаштириш мақсадида ишлаб чиқилган. Бунда ҳар бир ҳududнинг табиий-иқлим шароитлари, тупроқ таркиби ва бошқа хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда пахта етиштириш, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш, замонавий, интенсив, ресурстежовчи технологияларни жорий қилиш, пахтачиликда қўлланилаётган янги қишлоқ хўжалиги техникаларининг кўрсаткичлари ҳисобга олинган.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш тизими такомиллаштириб борилмокда, қишлокда ишлаб чиқарит ҳамда бозор инфратузилмасини ривожлантириш, фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш тадбирлари доирасида улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, пахта хом ашёси етиштириш, қайта ишлаш ва сотиш соҳаларини интеграциялаш масалаларига катта эътибор берилмокда.

Мамлакат қишлоқ хўжалигида пахтачилик соҳаси етакчи тармоқларидан ҳисобланади.

Кейинги йилларда, мамлакатимизда нафақат пахта хом ашёси ҳосилдорлигининг ошишига, балки тайёр маҳсулотни ҳам экспорт қилишда юқори даражага эришилди. Ўзгарувчан табиий-иқлим шароитида қишлоқ хўжалиги олдида турган асосий масалалардан бири бу мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, уларнинг сифатини ошириш ва етиштириш технологиясини такомиллаштириш ҳисобига қишлоқ хўжалиги тармоғининг рақобатбардошлигини оширишдир.

Қишлоқ хўжалигида фермерлик ҳаракатининг ривож топиши, ер ресурсларидан самарали фойдаланиш агротехник жараёнларни бажаришда сарф-харажатларнинг камайишини таъминлайди.

Қишлоқ хўжалигида, жумладан, пахтачиликда ишлатилаётган тракторлар ва қишлоқ хўжалиги машиналарининг такомиллашиб бориши ҳам технологик жараёнларга бир қатор янгиликларни киритишни тақозо этмокда. Пахтачилик соҳасида ҳам уруғчиликка алоҳида эътибор берилиб, ғўзанинг янги, истиқболли, серҳосил навлари экилмокда. Пахтачиликда томчилатиб суғориш тизимларидан фойдаланган ҳолда пахта хом ашёсини ишлаб чиқариш ва машиналар ёрдамида йиғиб олиш, қўш қаторлаб чигит экиш каби технологиялар қўлланилмокда. Шунингдек, экинлар қатор орасига ишлов бериш тадбирларини мақбуллаштириш бўйича тадбирлар олиб борилмокда.

Қишлоқ хўжалиги экинларини, жумладан, пахта етиштириш жараёнида агротехник тадбирларни тўғри танлаш ва ўз вақтида ўтказиш, технологик жараёнлардаги янгиликларни кенг қўллаш ҳосилдорликни оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган пахта хом ашёси сифатининг юқори, таннархининг эса арзон бўлишини таъминлаш мақсадида ушбу технологик карталар амалда мавжуд технологияларни, фан ва техника тараққиёти ютуқларини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга, маҳсулот етиштириш жараёнларининг механизация даражасини янада оширишга қаратилган.

Технологик карталарни тузишда қишлоқ хўжалигида замонавий, интенсив, ресурстежовчи технологияларни жорий қилиш, шунингдек, сўнгги йилларда мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводларида ишлаб чиқарилаётган янги техникалар, шунингдек, хорижий давлатлардан олиб келинаётган ва ишлатилаётган юқори қувватли тракторлар, пахта комбайнларидан, замонавий қишлоқ хўжалиги машиналаридан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор берилган.

Сув хўжалиги вазирлигига Жанубий Кореянинг 7 миллион долларлик гранти ҳисобидан 61 та сув хўжалиги объектида сув сарфини онлайн кузатиш имкониятини берувчи "Ақилли сув" тизимини жорий этиш вазифаси юклатилди. Келгуси (2020 йилда) 120 та, 2023 йилгача эса 300 та объектда ушбу тизим тадбиқ этилади. Ёш олимларнинг илмий ишланмаларини амалиётга тадбик этиш, талабаларда лойихалаш кўникмаларини шакллантириш, хорижий тажриба ва мутахассисларни жалб қилган ҳолда тизимга иновация киритиш мақсадида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида "Лойиҳалаш гуруҳи" ни ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди[6].

Ўзбекистонда ерларни томчилатиб суғоришда "ECO DRIP LUX" компания ташкилоти тузулган ва у самарали иш олиб бормокда. Бизда қадимий жуда бой тажрибалар тўпланган, маҳсулотни кўпайтириш ва томчилатиб суғориш бўйича маҳсулотларни етиштиришда, жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари билан алоқалар олиб бормоқдамиз. Компания 2011 йил Тошкент шаҳрида ташкил топди. Дастлабки пайтларда фирма фақатгина юпқа полиэтилин шланглар ишлаб чиқариш (томчилатиб суғориш учун) билан шуғулланган.

Кейин 2013 йилдаёқ тармоқ учун бир-бирига боғлиқ бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга мослаша бошлади.

Ҳокуматимиз олдимизга қўйган талабларни бажариш учун, янги ўзлаштирилган ерларда маҳсулот олишни кўпайтириш учун, таннархини камайтириб чет элга экспорт қилиш учун кам сув сарфлайдиган саноат учун технологияларидан фойдаланиш, хорижий инвеестицияларни олиб кириш ниҳоятда зарурдир.

Шуning учун энг янги замон талабларига жавоб берувчи йирик халқаро компаниялар жумладан: CHINA DRIP (Китай) DRTS USA (АҚШ), DRTSTurkev (Туркия), Avtok Makin (Туркия), Sempa, (Туркия), Tasco (Туркия), Damla Plast (Туркия), Tagtil (Исроил) ва бошқа бор. Ушбу компаниялар билан бизнинг компания (ташкилотимиз) турли хил алоқалар олиб

[6] *Халқ сўзи. 2019-йил 20-сентябр. Президент. Ш.Мирзиёевнинг "Сув ресурсларини самарали бошқариш" марузасидан.*

бормоқда ва шартномалар тузмоқда. Бизнинг деҳқонларимизга бу усул ҳар томонлама кони фойдадир. Ҳамда маҳсулотни тан нархини камайтиришда ва иқтисод қилишда жуда қўл келмоқда. Асосан ерларни шўрланиши олди олинади ва сув исрофгарчилигига йўл қўйилмайди. Томчилатиб суғоришда Италян ва Немис насослари ва электр маҳсулотларидан, Туркларнинг термопластларидан, Япон электроникасидан фойдаланмоқдамиз.[7]

Ҳамма технологик маҳсулотлар компютерга программалаштирилган ва ушбу программа асосида ишлайди, уни бир жойдан бошқариб туриш мумкин. Шундай қилиб, Ўзбекистонда сувни тежайдиган технологияларни жорий қилишга бериладиган имтиёзлар ва субсидиялар ишлаб чиқилган:

**Биринчидан** пахта хом ашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилишга давлат томонидан бериладиган имтиёзлар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27-декабрдаги "Пахта хом ашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишига оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида" 4087-сонли қарорини бажариш учун куйдагилар ягона ер солиғидан 52 йил муддатга озод қилинади:

**а)** ҳар бир гектарга 8 млн сум субсидия тақдим этилади.

**б)** кредит миқдорининг 10% и пункти тўлаб берилади.

**в)** бутловчи қисмлар ва хом ашё 2021 йилнинг 1-январга кадар божхона томонидан озод этилади.

**Иккинчидан** пахта хом ашёси ишлаб чиқарувчиларига томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилиш учун субсидия олиш тартиби:

Томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш тартиби ва субсидия ажратиш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6-февралдаги 103-сонли қарорига асосан тасдиқланган.

*А) Субсидияни кимлар олиши мумкин?*

1) Кластерлар.

2) Фермер хўжаликлари, томорка ер эгаларига ва бошқалар.

*Б) Субсидия олишнинг асосий шарти?*

Субсидия тақдим қилиниши талаб этилаётган ер майдонларига томчилатиб суғориш технологияси тўлиқ жорий қилиниб, ишга туширилган бўлиши лозим.

1) Талабгор туман хокимлигига мурожаат қилади.

2) Туман комиссиясига тегишли хужжатларни тақдим этилади.

3) Сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этишга кўмаклашувчи вилоят ишчи гурухи 3 кун муддатга хулоса берилади.

4) Субсидия олишга давогарлар рўйхати тузулади (2 кун муддатда).

5) Пахта хом ашёси экиладиган майдоннинг ҳар бир гектарига 8 млн сум пул ажратилади.

Юқоридаги келтирилган карорларга асосан Кредит миқдори, Кредит мақсади, кредит муддати, фоиз ставкаси, кредит олиш учун тақдим этиладиган хужжатлар папкаси тақдим этилиб, жамғарма томонидан компенсация тўлаш тартиби жорий қилинади. Бундан ташқари давлат бюджети томонидан бериладиган субсидиялар, ишлаб чиқарувчи корхоналарга қўлланилаётган имтиёзлар ва солиқ бўйича имтиёзлар жорий этилган:

**Учинчидан** ерларни лазер нивелирида текислаш кам сув, юкори ҳосил ва қўшимча даромад манбаи учун асосдир. Бугунги кун суғорма деҳқончилик тизимида қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш-заҳмадкаш деҳқон ва фермерларимиз фаолиятидаги энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Агар битта фермер 50 гектар майдонга экин экадиган ва вегетация даврига 4 марта суғорадиган бўлса, юқоридаги ҳисоб-китобларга кўра ҳар бир гектарга 400-800 м$^3$, умумий дала майдонига эса 20-40 минг м$^3$ сув ортиқча сарф бўлади. Шунинг учун ерларни лазер нивелирда текислаш енг долзарб масала ҳисобланади. Дала майдонида энг паст ва баланд жойларни фарқи 1-3 1+3 см дан ошмайдиган даражада махсус жиҳозли лазер нивелирли қурилмада текисланади[8].

***Лазер нивелирида текслашнинг афзалликлари:***

*1) Суғоришда сарфланадиган сув 20-25%и тежалади.*

*2) Тупроқ шўрланиши камайишига эришилади.*

*3) Суғориш вақти, энергия сарфи камаяди.*

*4) Экинлар бир тексда униб чиқади.*

*5) Экинлар намлик ва озуқа билан бир хилда таминланади.*

*6) Буғдой, Пахта ҳосили гектарига 5-7 у ошади.*

*7) Юқори ҳосил фермерлар учун қўшимча даромад манбаи ҳисобланади.*

**Туртинчидан** сўнги йилларда қора плёнка билан мўлжаланган майдонга қўш қаторлаб экилган ғўзани томчилатиб суғориш кенг қўлланила бошланди.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик экинларини суғоришда сув тежамкор технологиялардан кенг фойдаланиш долзарб масала ҳисобланади.

Сўнгги йилларда Ирригация ва сув муаммолари илмий тадқиқот институти олимлари мўлжаланган майдонга қора плёнка остига 60-30 схемасида қўш қаторлаб экилган ғўзани томчилатиб суғориш бўйича дала тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Қўш қаторлаб қора полиэтилин плёнка билан мўлжаллаб экилган ғўзани томчилатиб суғориш натижасида очиқ майдондан бўладиган буғланишни олди олинади, томчилатиб суғориш натижасида ўсимликнинг илдиз тизими бир тексда керакли миқдорда намланишга эришилади[9].

*[7] Каталог продукции- Т., 2019 с / 3-5*

*[8] Юқоридаги келтирилган маълумотлар Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институти кузатуви ва тавсияларидан олинган*

*[9] Ушбу суқориш технологияси бўйича олиб борилган дала тадқиқотлари асосида бирламчи куйдаги натижаларга эришилди; (Ушбу ҳолатни куйдаги жадвалда кўриш мумкин)*

**(1-жадвал) ғўзани эгатлаб ва томчилатиб суғоришнинг пахта ҳосилдорлигига таъсири:**

| Суғориш усуллари | Теримлар | | Умумий ҳосилдорлик ик, га\п | Назорат вариантларига нисбатан қўшимч ҳосил ц\га |
|---|---|---|---|---|
| | 1 | 2 | | |
| Эгатлаб суғориш | 24, 3 | 12, 1 | 36, 44 | |
| Томчилаб суғориш | 28, 1 | 14, 0 | 42, 10 | 5, 7 |

Олиб борилган дала тадқиқодлари натижасида эгатлаб суғорилган вариантларга пахта ҳосилдорлиги 36, 4 ц\га, қора плёнка билан мўлжаланган майдонда қўш қаторлаб экилган ғўзани томчилатиб суғориш вариантларида 42, 10ц\га ни қўшимча ҳосилдорлик назоратига нисбатан 5, 7ц\га ни юқори ҳосил етиштиришга эришилди.

| Суғориш усули | Суғориш меъёри | Тежалган сув миқдори % | Самар. суғориш унимдорлиги м куб\ц | Самарадорлик суғориш маҳсулдорлиги ц\1000 м куб |
|---|---|---|---|---|
| Эгатлаб суғориш | 2300 | - | 120, 8 | 8, 3 |
| Томчилатиб суғориш | 1700 | 30 | 88, 5 | 11, 3 |

Мўлжаланган майдонга плёнка остига қўш қаторлаб экилган пахтани томчилатиб ва эгатлаб суғориш самарадорлигида, суғориш меъёри қўш қаторлаб экилган пахтани эгатлаб суғорилганда назорат вариантларига 23, 5 м куб\га, қора полиэтилин плёнка билан мўлжалаб томчилатиб суғорилганда тажриба вариантига эса бу кўрсаткич 1655 м$^3$га ни ташкил қилади, Вариантлар бўйича суғориш сувнинг ўртача 30%и иқтисод қилади[10].

**Бешинчидан** Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот института олимлари томонидан тавсия қилинаётган гидрогелни қишлоқ хўжалигида қўллаш ниҳоятда фойдалидир.

Ўзбекистонда гидрогелни қишлоқ хўжалигида қўллаш кам сув, юқори ҳосил ва қўшимча даромад демакдир.

Гидрогель нима? Гидрогель-сувда юқори букувчан синтетик полимер бўлиб, тупрок таркибида кўп миқдордаги намликни узоқ вақт давомида сақлаш имкониятини беради.

Тупроқга атмосфера ёғинлари ёки суғориш йўли билан ўтган сув ўсимликлар илдизи орқали бемалол фойдалана оладиган холда сақланади.

Гидрогель маҳсулоти асосан Республикамизда мавжуд бўлган маҳаллий хом ашё асосида синтез қилинган. Шу сабабли хориждан келтирилган шу хилдаги маҳсулотларга нисбатан 8 баробар арзон, хусусиятлари жиҳатдан улардан фарқ қилмайди.

Гидрогель ёмғир сувларига ўзининг оғирлигидан 200-300 марта, кўпчилик тупроқларда эса тупроқ таркибидаги турли тузларнинг миқдорига қараб 200-250 мартагача кўп сувни ўзида сақлаши аниқланган.

Амалда 10 грамм миқдордага полимер 2, 0 дан 4, 0 литргача сувни сақлаб туриши кузатилади. Ўз таркибида минерал ўғитлар, микроэлементлар ва ўсимликларни турли касаллик ва бегона ўтларидан ҳимоя қилувчи воситалар сақлайдиган гидрогелларнинг қўлланилиши, деярли барча ўсимликларда майсаларнинг тез униб чиқиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигини оширади. Натижада катта миқдордаги минерал ўғитлар ва сув ресурслари тежалади, ер ости сувлари зарарланишининг олди олинади. Ишлаб чиқарилган гидрогеллар-экологик жиҳатдан зарурдир.

Қўлланилган гидрогел 3-5 йилгача намлик, минерал ўғит ва микроэлементларнинг илдиз атрофида сақланиб туришини таьминлайди. Гидрогель гранулалари қуруқ жойда, намликдан узоқ, ўзидан сув ўтказмайдиган полиэтилен қопларда сақланиши керак.

Гидрогелдан Республикамиз худудидаги сув билан кам таьминланган ва турли даражадаги шўрланган жойларда фойдаланиш мумкин:

А) Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда,

Б) Лалими ерларда-бошоқли экинлар етиштиришда,

В) Ўрмончиликда-кўчатлар (саксавул ва бошқа дарахтлар)

Г) Кўкаламзорлаштиришда-газон, гул ва шунга ўхшаш манзарали экинлар экишда кенг фойдаланиш мумкин.

**Олтинчидан** суғориш мосламаси Осиё Тараққиёт Банкининг "Марказий Осиё шароитларида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва тупроқ унумдорлигини бошқариш йўли билан қишлоқ ҳаётини яхшилаш" лойихаси доирасида САНИИРИ ва ИКАРДА хамкорлигида ишлаб "СОВПЛАСТИТАЛ" ҲКда таёрланган.

КСН-50ТЕ тўплами 28 гача ўзаро алмаштирилиши мумкин бўлган, енгил йиғиладиган полиэтилен плёнка новлардан иборат. Секция тубида унинг узунлиги бўйича 6 та сув чиқаришга тешикларига эга. Тешиклар ўлчами 25*65мм. Тешиклар бошқариладиган, бўйи 75 мм ва эни 35 ммли эластик мосламалар ўрнатилган.

КСН-50ТЕ га сув етказиб бериш учун диаметри 300 мм бўлган юмшоқ эгилувчан полиэтилен қувир ҳамда 2 та сув туташтирувчи ўрнатилган.

*[10]. Юқорида келтирилган маълумотлар Тошкент ирригация ва сув муаммолари илмий тадқиқот институти (ИСМИТИ) тажрибаларидан олинди*

Суғоришдан олдин КСН-50ТЕ қўлда суғориш майдони бўйлаб берилган нишаблик бўйича эгатларга кўндаланг ҳолатда кетма-кет қўйиб чиқилади. Юмшоқ кувир ва сув тақсимлагич ёрдамида КСН-50ТЕ нинг 1-секциясига сув етказиб берилади. Сув беришни темир бетон новлар, ёпиқ ва вақтинча фойдаланилувчи ўқариқлар орқали ташкил қилиниши мумкин. Суғориладиган участканинг шароити, қатор ораси ва экин турига қараб эластик мосламалар ҳолатини ўзгартириб керакли сув сарфи ўрнатилади ва суғориш амалга оширилади.

Сув чиқариш тешиклари чиқиндилар билан тўлиб қолганда уларни тозалаш жуда осон. Кўпчилик эгатларга сув охирига етиши билан сув чиқариш тешикларининг ўлчами камайтирилади ва шунга мувофиқ сув сарфи камайяди, натижада оқова сувни бартараф этишга эришилади.

Суғоришни якунлаш учун йиғилмага сув бериш тўхтатилади ва КСН-50ТЕ йишилади ва қўшни далага кўчилади. Сўнгра КСН-50ТЕ ни бир-бирига уланади ва суғориш юқориди таьрифланганидек амалга оширилади. Синаш жараёнида тўпламнинг ишламай қолиши ва синиши кузатилмаган.

КСН-50ТЕ абзаллиги эгатларга сув қуйишни бошқариш имкониятининг борлигидир. Бу ҳолат суғориш майдонидан чиқаётган ташлама сувларни кескин камайтириш имкониятини беради, агар назорат даласида ташлама сувлар 48,1% ни ташкил этган бўлса, ускунадан фойдаланганда 12,3% ни ташкил этади.

Синаш натижасида қуйдаги хулосага келинди:

1) КСН-50ТЕ тажрибада ишончли ишлашини ва суғоришда меҳнат унумдорлигини оширишни 10% кўрсатди.

2) Эгатга сув беришни бошқариш иқтисодли суғориш режими таьминлайди.

3) Суғоришда оддий усулга нисбатан ер тексроқ намланиши таьминланади.

Кўрсатилган омиллар анча кам сув сарфи билан ҳосилдорликни ошириш имконини кўрсатади.

**Еттинчидан** Жиззах вилоятига туманлар кесимида 2019-2020 йилларда пахтачиликда томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш бўйича дастур ишлаб чиқилган бўлиб, улар қуйдагича[11]:

Жиззах вилоятнинг Арнасой туманига 195-гектар, Ш. Рашидов туманга 366-гектар, Дустлик туманига 226-гектар, Зафаробод туманига 252-гектар, Зарбдор туманига 87-гектар, Мирзачул туманига 106-гектар, Пахтакор туманига 235-гектар жами Жиззах вилояти буйича 1467-гектар ерга томчилатиб суғориш технологиясидан унумли фойдаланилмокда.

Сув ресурсларидан оқилона ва тежамли фойдаланиш, суғориладиган ерларнинг мелоратив ҳолатини янада яхшилаш, қишлоқ хўжалиги экинларининг айниқса ғўза ҳосилдорлигини ошириш, шу асосда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг баркарор фаолият юритишини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар ғўза етиштиришда томчилатиб суғориш тизимини жорий қилишни янада кенгайтиришнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

а) ғўза етиштиришда томчилатиб суғориш техналогиялардан фойдаланиш бўйича лойиҳаларни амалга ошираётган пахта хом ашёси ишлаб чиқарувчиларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг таъсирчан тизимини жорий эътиш, томчилатиб суғориш тизимлари ва уларнинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш;

б) мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, томчилатиб суғориш йўли билан ғўза етиштириш соҳасидаги инновацион ғоялар, илмий-тадқиқот ишланмалари, замонавий технологиялар ва илмий ютуқларни кенг жорий этиш;

в) республика ҳудудларининг тупроқ-иқлим ва бошқа шароитларни ҳисобга олган ҳолда томчилатиб суғориш технологияларини қўллаш учун илмий-амалий ва услубий асосларини шакллантириш;

г) томчилатиб суғориш технологияларини қўллаган ҳолда пахта етиштиришда фойдаланиладиган қишлоқ хўжалиги техникаси, машина ва механизмларни, шунингдек, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш йўлга қўйиш;

д) Суғоришнинг сувни тежайдиган технологияларини жорий этиш ва ундан фойдаланиш бўйича мутахассис кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш;

Кейинги 2-3 йил ичида Ўзбекистон янгича жадал ривожланаётган босқичга қадам қўйди. Бу соҳада агрор-Логистика марказларининг ташкил этилиши ишда сезиларли силжишларни кўрсатди. Айниқса, 2019 йил 6-сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2020-2030 йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегияси" қабул қилиши, бу соҳада ҳам инқилобий бурилиш, ниҳоятда катта дастур асосида режали ишлар бошланганлигидан далолат беради. Ер, сув 2020 йилда 44 минг гектар ёки ўтган йилга нисбатан 4 баробар кўп майдонга томчилатиб суғориш технологиясини жорий этамиз. Бунинг учун бюджетдан 300 млрд сум маблағ ажратилади. Ўзбекистон халқининг энг катта бойлиги, ундан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳар бир фуқаронинг юксак бурчидир

**Тақризчи: ф.ф.н., доцент А.Хотамов**

*11. Қуйидаги жадвалда диаграмма, маълумотлар: Жиззах вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси томонидан ишлаб чиқилган*

# ИЖОД ЖАРАЁНИ: ТОҒАЙ МУРОД АСАРЛАРИНИНГ ЯРАТИЛИШИ

***Қосимов Усмонжон** - филология фанлари доктори, Жиззах давлат педагогика институти*
***Хидирова Мунаввара** - таянч докторант, Жиззах давлат педагогика институти.*

**АННОТАЦИЯ:**
ХХ аср ўзбек адабиётининг ёрқин намояндаларидан бири Тоғай Мурод асарларининг яратилиш тарихи ва бадииати, адибнинг эстетик қарашлари, миллий характер яратиш маҳорати, ижодкор шахси ва истеъдодининг ўзига хослиги таҳлил қилинган.
**КАЛИТ СЎЗЛАР:** Асарлар ижодий тарихи, миллий руҳ, асар номи, чавандоз, ўзбек халқи, ўзбек деҳқони, Отамдан қолган далалар,Юлдузлар мангу ёнади, От кишнаган оқшом, Тоғай Мурод ҳикоялари, пахта иши, тарихий ўтмиш.

Тогай Мурод один из самых ярких представителей узбекской литературы ХХ века. В статье проанализировано создание истории произведений Т.Мурада, художественно-эстетические взгляды писателя, мастерство творения национального характера, изучаются своеобразие таланта и личность творца.
**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** Творческая история произведений, национальнъьй дух, название произведений: Джигит, узбекский народ, узбекский земделец, поля оставшиеся от отца, звёзды горят навеки, ночь, когда заржал конь, рассказы Т. Мурода, дело хлопка, историческое прошлое.

One of the briuhtest representatives of the Uzbek literature of the XX century-the history and art of creation of works of Togay Murad, the writers aesthetic qualities, skills of creation of the national character,originality of the creative personality and talent are analyzed.
**KEY WORDS:** the creative history of the works, the national spirit, the name of the work,the rider , the Uzbek people, the Uzbek farmer, The fields left by my father, The stars burn forever ,The evening of the horse snorted, Togay Murads stories , cotton work, historical past.

Бадиий асар яратилиши ва ижод жараёнининг мураккаб руҳий, биографик, ғоявий-эстетик ва ҳаётий омиллари рус ва жаҳон адабиётшунослигида кенг ёритилган ва ҳамиша муҳим муаммолардан бўлиб келган. 30-йилларда Максим Горький асос солган "Биз қандай ижод қиламиз" ("Как мы пишем") рукни кейинчалик "Как делать стихи" ("Шеър қандай яратилади"), "Как работал Толстой", "Как работал Хемингуэй" каби туркум асарлар билан ижодий анъана тусини олган. Ўзбек танқид ва адабиётшунослигида Абдулла Қодирий бошлаб берган бу ижодий тажриба Ойбекнинг Қодирий шахси ва ижодига бағишланган тадқиқотлари ва "Мен "Навоий" романини қандай ёздим" каби мақолалари, Абдулла Қаҳҳорнинг "Ёшлар билан суҳбат" ва "ҳаёт ҳодисасидан бадиий тўқимага" сингари асарлари билан илҳомбахш илмий-адабий манбага айланади; айниқса, ёш ижодкорлар учун маҳорат мактаби вазифасини ўтовчи бу адабий жараён А.Мухтор, С.Аҳмад, О.Ёқубов, П.Қодиров, Э.Воҳидов А.Орипов каби машҳур адибларимизнинг бадиий ижод қирраларини ёритувчи ранг-баранг асарлари билан муваффақиятли давом эттирилиб, адабиётшунослик ва эстетик тафаккур тадрижида истиқболли бир йўналишга асос солинади.

Абдулла Қодирий ва Абдулла Қаҳҳорнинг ёш ёзувчиларга эстетик сабоқ-ўгитлари улар меҳнати ва ижодий жараёнини яққол акс эттирганлиги билан ҳам эътиборлидир.[1]

Абдулла Қаҳҳорнинг фикрлари ҳам ижод жараёни ва адиб тафаккур-мушоҳадалари нинг бойишида муҳим аҳамият касб этади. Ёзувчи ёзаётганда, ўйлаётгандагина эмас, ҳамма вақт меҳнат қилади…"[2]

Шу ўринда Абдулла Қаҳҳор ижоди ва адабий-эстетик қарашлари силсиласидаги муҳим жиҳатга, яъни чинакам етук асар яратиш учун, мавзуни чуқур ўрганиш ва бўлажак қаҳрамонлари-одамлар қалбига қалбини пайванд қила олиш қнчалар зарурлигига эътибор қаратайлик. Бу жиҳатдан машҳур Австрия адиби С.Цвейгнинг Горький ҳақидаги ташбеҳи муҳим: Горький халқ ҳаётини худди фарзанд онасининг орзу-умиди, ўй-кечинмаларини юракдан ҳис этганидай яхши билиб, уларга ҳамдард бўла олиши таъкидланган. А.Қаҳҳор ҳам мавзу-воқеликни ва ундаги жонли инсонларни худди она-боладай билиш ва англаши муҳимлиги бо-

[1] *Абдулла Қодирий. Диёри бакр. Т.:Янги аср авлоди.2007.391-б.*
[2] *Абдулла Қаҳҳор. Асарлар.6-т.Т.1971.358-б.; Стефан Цвейг. Избран.соч. т.2. М.: 1957. с.568.*

расида ҳам ўзига хос ижодий сабоқ қолдирди. Адибнинг бу фазилатини Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ёзувчи ва санъаткорлар билан учрашувида алоҳида таъкидлаб, 40-50-йиллар Янгиер ва Мирзачўлларни ўзлаштиришда Абдулла Қаҳҳорнинг чўлқувар - пахтакорлар билан бирга ертўла- "землянка"- қора уйчаларда яшаб, машҳур "Шоҳи сўзана" комедиясини ёзганлигини эслатгани ҳам ижод аҳли учун бир ибрат бўлиши мумкин. Бадиий ижоднинг муқаддас қонунига айланган бу қутлуғ анъана замондош адиблар томонидан ижодий давом эттирилаётгани ҳам сўз санъатининг муҳим омили бўлиб саналади."Мен ёзмоқчи бўлган асарим мавзусини майда деталларигача ўрганиб чиқаман. Тасвирлаётган жойимни бориб ўз кўзим билан кўраман, бўлмаса кўнглим тўлмайди. Асар пишиб-етилгандан кейин эса уйга қамалиб оламан. Чунки бу пайт менга ҳеч ким халақит бермаслиги керак..."[3] Тоғай Муроднинг бундай эътирофлари устозлари фикрларига ҳамоҳанглиги билан муҳимдир.

Жаҳон адабиётининг кўплаб йирик намояндалари сингари Тоғай Мурод ҳам ўз ижодий фаолиятини кичик жанрдаги асарлардан, яъни ҳикоя ва мақолалардан бошлаган. Яъни ёзувчи ўзининг машҳур қиссаларини яратишдан олдин "Бобо ва невара", "Ку-ку" ва "Эр-хотин" каби етук ҳикоялари билан китобхонлар эътиборини тортади. Бу ҳикоялар ҳам, аввало, чуқур миллий руҳда ёзилгани, ҳаётий мазмуни ва ҳаққоний тасвирларга бойлиги билан ажралиб туради[4]. Энг муҳими шундаки, бу илк ҳикоялар адибнинг бўлғуси етук қиссалари ва романлари учун ўзига хос ғоявий-бадиий тайёргарлик босқичи бўлиб хизмат қилади. Бошқача айтганда, бу ҳикоялар ёзувчининг йирик асарлари учун маълум маънода ижодий машқ, яъни рассомларнинг эскиз ролини ўйнаган, десак хато қилмаган бўламиз.

XX аср ўзбек адабиёти ва реалистик проза тараққиётида ўзига хос талант соҳиби Тоғай Мурод ижодининг ўрни беқиёсдир. Хусусан, миллий қиссанавислик ва романчилик ривожини Тоғай Муроднинг бетакрор асарларисиз тасаввур этиб бўлмайди. 70-йиллар адабиётимиз майдонига Мурод Муҳаммад Дўст, Шавкат Раҳмон, Эркин Аъзам, Усмон Азим, Хайриддин Султон, Азим Суюн, Хуршид Даврон каби бир гуруҳ талантли ёшлар кириб келди. Улар катта бир маънавий-руҳий тўлқин яратиб, ўз ўрни ва овозига эга бўлган ёрқин ижодкорларга айланди. Истиқлол туфайли янги босқичга кўтарилаётган бугунги адабиётимиз ривожида ҳам, шубҳасиз, уларнинг ҳар бирининг муносиб ҳиссаси бор.

Тоғай Мурод, Абдулла Қаҳҳор ибораси билан айтганда, адабиёт оламига ўз истеъдоди ва дастлабки асари билан ёниб кирган бетакрор ижодкорлардан эди. Ёзувчи ижодида қисса жанри етакчи эканлигини кўрамиз. Унинг "Юлдузлар мангу ёнади", "Ойдинда юрган одамлар", "От кишнаган оқшом", "Момо ер қўшиғи" қиссалари сурхон воҳасининг ўзига хос ва бетакрор одамларининг ёрқин миллий ва ҳаққоний характерлари билан адабиётимизда, айниқса, қиссачилигимизда янги саҳифа очиб, миллий насримиз уфқини бениҳоя бойитишга ва кенгайтиришга муваффақ бўлди.

1976-йили ёзилган ва кўп жиҳатдан ёзувчининг шахсий ҳаётий кечинмалари ва болалик таассуротларига асосланган "Юлдузлар мангу ёнади" номли илк қиссаси ўзининг янги мавзуси, миллий характерлари ва ширали тили билан китобхонлар эътиборини тортади. Дастлаб "Давра" номи билан нашр этилган бу асар устоз адиблар ва китобхонлар таклифи билан қайта ишланади, мукаммаллашади ва номи ҳам "Юлдузлар мангу ёнади" деб ўзгартирилади. Асар Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси томонидан "Йилнинг энг яхши қиссаси" деб топилади. Асарда халқимизнинг қадимий мусобақаларидан "олиш"- миллий кураш орқали Сурхон воҳасидаги полвонларнинг мард ва ўктамлиги таъсирчан лавҳаларда акс эттирилади. Уларнинг асл ўзбекона табиатига хос беғубор соддалик, тўғрилик ва бағрикенглик сингари безавол умуминсоний фазилатлар улуғланади. Ота-боболари мизнинг удумларини эъзозлаб эл-юрт ташвиши билан яшаб келаётган Бўри полвонлар учун меҳроқибат, номус ва диёнат ҳамма нарсадан устун. ҳаётда ва давраларда ҳам мудом ҳалол ва субутли, иймон-эътиқодли бўлиш - Бўри полвоннинг юксак аъмоли. У баковуллик қилган давраларда хиёнат ё пасткашлик бўлмайди. Ҳамиша адолат ва ҳалоллик, мардлик ва маҳорат ғолиб келади.

Бу полвоннинг ёлғиз ўғли Тиловберди ҳам аслига тортади, ёшлигидан пирларни ёд этиб, ерни тавоф қилишга ўрганади ва отаси сингари полвонликни санъат даражасига кўтариб, эл олқишига сазовор бўлади. Унинг орқасидан ҳадемай невалари эргашади, Бўри полвоннинг кўкдаги юлдузи ҳеч қачон сўнмайди, мангу ёнади. Юртимиздаги полвонлар сулоласининг пойидорлиги ва авлодлар бардавомлиги, халқ, миллатимизнинг мангу барҳаётлигидан ёрқин далолатдир- бу![5]

Ҳар бир йирик адиб ижодида шундай асарлар яратиладики, уларда ўша санъаткор истеъдодининг ёрқин қирралари яққол намоён бўлади. Тоғай Муроднинг "От кишнаган оқшом" (1979) қиссаси адиб учун ҳам, адабиётимиз учун ҳам ана шундай омадли асарлар сирасига киради. Қисса чуқур ғоявий-бадиий муаммолари ва жозибали образлари билан бошқа асарлардан фарқланиб туради. Қиссанинг асосий қаҳрамонлари-от ва чавандозлар. Нафақат ўзбек прозасида, балки жаҳон адабиётида ҳам янги бир саҳифа бўлиб майдонга келган бу қисса ёш адиб учун ҳам янги ижодий бир довон эди. Хусусан, от ва чавандозлар унинг учун ҳали кашф этилмаган янги бир дунё, халқ ҳаёти ва миллий руҳиятини чуқур роқ англаш йўлидаги мафтункор тилсим бўлиб туюлади. Бу ҳақда Тоғай Мурод ўз таржимаи ҳолида шундай гувоҳлик беради: "Кеч кузда юртимизга йўл олдим.

*3. Мен қайтиб келаман. Тоғай Мурод замондошлари хотирасида.Т.:2007. 145-б.*
*4. Каримов Қ. Адабий портретлар. Т.: Янги нашр. 2017.351-б.*
*5. Чоршаъм. Яхши, шоир укам. -Мен қайтиб келаман. Т.:2007.146-б.*

Саттор чавандоз дегич билан топишдим. У менга бир от топиб берди. Мен отландим! Кундузлари турли юртлардан келмиш чавандозлар билан кўпкари чопдим. Неча бор отлардан йиқилдим. Кечалари чавандозлар билан гурунг қилдим. Чавандозлар дўмбира чалиб, кўпкарилардан сўйлади, отлардан сўйлади, чавандозлардан сўйлади. Узун қиш кўпкарихона - иш жойим бўлди, чавандозлар ҳамхонам бўлди, отлар-биродарларим бўлди".

Бинобарин, Тоғай Муроднинг турмуш тақозоси билан кўп йиллар суворийлар билан жўра бўлиб, улоқчи-чавандозликнинг ҳам бутун ташвиш-қувончларини ўз бошидан кечирганлиги қиссанинг ҳаётий бўлиб чиқишида жуда қўл келган. Ёзувчининг қалам кучи ва бадиий тафаккури сеҳри билан бизнинг кўз олдимизда сир-синоатга тўла ажиб бир олам -Тарлон намоён бўлади. Тарлон-кўҳна табиатнинг юзлаб турдош жониворларига ўхшаган тўрт оёқли шунчаки оддий бир арғумоқ эмас, балки у Зиёдулланинг ақл-заковатидан, қалб қўридан бино бўлган, кўнгли аёл кўнглидай нозик, беозор ва фидойи бир жонзот. Тарлон, асар тили билан айтганда, Зиёдулла чавандознинг жўшиб айтган "Алпомиш" ва "Кунтуғмуш"дай гўзал достони, минг ҳафсала-ю бор иштиёқи билан чизган ардоқли сурати. Тарлон-Зиёдулла чавандознинг гўё илҳом билан битган, сайқал топган мукаммал шеърий бир китоби!

Қиссанинг бир бобида шўро ҳукуматининг отларни мажбуран гўштга топшириш тўғрисидаги машъум қарорига асосан қанча яхши наслдор отлар зўравонлик билан олиб кетилгани эл-юртга, айниқса, отларини яқин дўстларидай кўрган чавандозлар учун қанчалик оғир кечганлиги халқона бир тарзда акс эттирилган. "Чавандозлар эмчакдоши урушдан қайтмаган бўзбола мисол мунғайиб қолдилар". Бундай тасвирлар Тоғай Муроднинг от ва чавандозлар ҳаёти ва руҳиятини нақадар чуқур ўрганганлиги натижаси бўлиши билан бирга, айни вақтда, ёзувчининг халқ оғзаки бадиий ижоди ва маросим қўшиқларидан ҳам ижодий илҳомланганлигининг ҳам бир самараси бўлса ажаб эмас.

Кўпкарининг шартларида ҳам юксак ахлоқий мезонлар қатъий бўлган: "Баковул қамчи сопини боши узра кўтарди. Жарангдор овозда айтди: "Чавандозлар-ов! Гапимни ўнг қулоғинг билан-да, чап қулоғинг билан-да эшитиб ол! Чилвир солмайсан - бир! Бир-бировингни ёмон гап билан сўкма-икки! Ғамчи солма-уч! Йиқилган чавандоз устига от солма-тўрт! От қочганда, ушлашга ёрдам бербеш!"[6] Оқилона бу шарт ва қоидалар ҳам отларни ўзининг қаноти деб билган ва ҳамиша эл - юрт номуси учун курашган довюрак чавандозларнинг ҳаётий тажрибалари, синчи ота - боболаримизнинг ҳикматли ўгитлари ва инсоний оқибатга бошловчи ахлоқий таомиллари билан узвий боғлиқ. Кўпкарида ноҳақлик қилган баковуллар ва қитмир улоқчилар элнинг қарғиш ва нафратига дучор бўлиши ҳам асарда яққол акс эттирилган ва бу ҳолат ҳам китобхон қалбидаги пок инсоний туйғуларини жўш урдириб, ҳақиқат ва эзгуликка умид-ишончини орттиради.

Шу муносабат билан қиссадаги айрим ҳаётий лавҳаларга, хусусан, Зиёдулланинг кўпкаридаги ноҳақликка ва бозордаги ўғри-безорилар билан тўқнашуви эпизодларига алоҳида тўхталиш лозим. Асар ғоявий мазмуни ва сюжет-таркибида муҳим ўрин тутувчи бу лавҳалар кўп жиҳатдан эътиборга лойиқ. Энг аввало, Зиёдулла чавандоз характери, айниқса, унинг табиатан ҳақгўй ва адолатпеша инсон эканлиги унинг якка ўзи бозордаги бир тўда ўғри-жангариларга қарши кураша олганлиги ана шу лавҳаларда янада тўлароқ намоён бўлади. **Иккинчидан** эса, гарчанд лавҳаларда кўпрок кўпкари воқеалари акс эттирилса-да, лекин улар билан боғлиқ тарзда ифодаланган фикр-мушоҳадалар хар биримизнинг ўй-қарашларимиз ва руҳиятимизга, қолаверса, жамиятимиз маънавий ҳаётига ҳам дахлдорлиги билан диққатимизни жалб этади. Зиёдулла чавандоз эса бундай осон йўл тутмайди- ёлғиз ўзи ўша кўпкаридаги ноҳақлик ва адолатсизликка қарши курашади. Зиёдулла чавандоздаги диёнат, одамларга меҳр-оқибат ва бўлаётган воқеа-ҳодисаларга тийрак нигоҳ уни эзгулик ва адолатни ҳимоя қилишга ундайди. Табиийки, бундай оғир, лекин ҳақ ва диёнат йўли барча одамларга ҳам қисмат бўлавермайди. ҳаётда, афсуски, мудом "Ҳзингни бил, ўзгани қўй" қабилида ўйлайдиган, фақат ўзининггина тинчини кўзлаб, яшайдиган "юмуққўз" одамлар оз эмас. Энг ёмони шундаки, бу номақбул ақида жамиятимизнинг соғлом маънавий илдизларига болта урувчи хавфли иллатга айланиши мумкинлигини ҳамиша ҳам пайқайвермаймиз. "Нима ишим бор!", "Нима ишинг бор? қонуни билан яшаш,- деб ёзади машҳур шоиримиз Эркин Воҳидов,-жамиятимизнинг офати. Адолатли жамият эса инсоннинг инсонга бўлган меҳр-у оқибати асосига қурилади"[7].

Қисса қаҳрамони Зиёдулла чавандоз учун лоқайдлик - худбинлик фалсафаси мутлақо ёт. Аксинча, ўзгаларга ҳамдардлик ва одамийлик, ҳатто ҳаётини хавф остига солиб бўлса-да, тўғрилик ва эзгулик учун курашиш китобхон кўз олдида оддий бир подачи Зиёдуллани инсон деб аталмиш улуғ номга муносиб етук бир шахс даражасига кўтаради. Шу жиҳатлари билан ҳам Зиёдулла образи жаҳон адабиётининг ўлмас қаҳрамонлари галереясига мансуб дейиш мумкин. Жумладан, у атоқли адибимиз Чингиз Айтматовнинг "Алвидо, Гулсари" ва "Қиёмат" асарларидаги Танабой ва Бўстон чўпонларга ҳамда Валентин Распутиннинг "Ёнғин" қиссасидаги Иван Петрович Егоров каби оддий, лекин имон-эътиқодли ва қатъиятли-иродали қаҳрамонларга маслакдош биродар бўлиб гавдаланади. Зиёдулла чавандоз қалбидаги қудратли ишонч-эътиқоднинг ғоявий-руҳий бир ифодаси бўлган сўзлари орқали ёзувчи гўё бизни ҳам ўзимизга ва ҳаётимизга хушёррок назар со-

*[6] Тоғай Мурод. Мен.-Отамдан Қолган далалар. Т.1994.266-б.; Кейинги ўринларда ушбу манба матн ичида берилади*
*[7] Эркин Воҳидов. Изтироб. Т.:Ўзбекистон.1992.17-б*

лишга, эл-юрт ва виждон олдидаги бурч-масъулиятимиз ва дахлдорлигимизни унутмас ликка давъат этаётгандек туюлади, назаримизда: "Биродарлар, биз ҳамиша адолат, адолат деймиз. Тилдан қўймаймиз. Адолатсизликни кўриб, жиғибийрон бўламиз, ҳаётдан, тақдирдан нолиймиз. Адолат йўқ, адолат осмонда деймиз. Йўқ, адолат ерда! Оёқларимиз остида! Адолат тупроққа қоришиб ётибди! Адолатни ким бундай хор қилаяпти? Биз ўзимиз! Адолат жафо чекаётганда қочамиз! Адолатдан юз ўгирамиз! Кўриб кўрмасликка оламиз!

Бир имонсиз адолатни бўғса, йўлимизни чап соламиз. Ёмондан қоч-да қутул ё тон-да қутул, деймиз. Ёмон билан тенг бўлмайин деймиз. Ўзимизни билмаганга олиб ўтирамиз. Тилимизни тишлаймиз. Обрўйимиз кетиб қолишидан ё амалимиздан айрилиб қолишдан қўрқамиз. Ўзимизга ғаним орттиришдан қўрқамиз. Қўй-қўя бер, тўғри гап туққанингга ёқмайди, дея қўл силтаймиз..."(126-б.) Шу тариқа ёзувчи бугунги ҳаётимиздаги жиддий бир муаммодан, маънавият ва руҳия тимиздаги катта бир ижтимоий дард-иллатдан бизни огоҳ этади ва инсонийлик, эзгулик нинг равшан бир йўлини кўрсатади. Лекин бу аччиқ ҳаётий ҳақиқатни қай даражада тан олиш ва уни рўёбга чиқариш учун қанчалик шижоат кўрсат иш эса ҳар бир китобхоннинг маънавияти, инсоф-диёнати ва эътиқодига боғлиқ, албатта.

Тоғай Мурод асарлари ва улардаги ранг-баранг образлар олами юксак бадиий мезон ва тамойилларнинг ижодий тажассуми бўла олади. Адабиёт оламида Тоғай Мурод яратган характерлар, энг аввало, ўзбекнинг ўзлигини намоён этиши билан бутун бир силсилани ташкил этади десак, муболаға бўлмайди. Ватан тупроғини муқаддас билган, дину иймони бутун Жамолиддин кетмон, унинг босқинчиларга қарши Отабеклар каби мардларча курашган ўғли сурхони Ақраб, далаларига меҳр қўйиб, эртаю кеч меҳнат қилган жафокаш невараси Деҳқонқуллар ёхуд миллатпарвар Бўри полвон, Гўрўғлию Алпомишдай ёвқур аждодларимизнинг кенжа вакили Зиёдулла чавандоз, ҳаёти ва кўнгиллари ҳам ой нуридай оппоқ ғоплон ва Оймомолар адабиётимиздаги унутилмас сиймолар бўлиб қолдилар.

"Отамдан қолган далалар" романи мазмунан кўламдор, полифоник асар. Унда халқи мизнинг мустамлака йилларидаги фожеали ўтмиши ва мустабид шўро тузумидаги оғир ҳаёти ва аянчли қисмати, "ўзбек деҳқони, деҳқонқуллик психологияси"(Вафо Файзулло) чуқур акс этган. "Пахта иши" ниқоби остида бошланган оммавий қатағонни ҳаққоний тасвирлаш учун адиб ўша даврдаги машъум воқеалар ичида бўлиб, таҳқирланган ва жабрланган фидоий пахтакор-деҳқонлар ва миллатимизнинг содиқ фарзандлари устидан бўлган адолатсиз судларида қатнашади. Ҳақиқат учун жасорат билан курашган ғодирий ва Қаҳҳорларга ҳаммаслак бўлган Тоғай Мурод ҳам миллатимиз ҳақҳуқуқи ва шаъни учун фидойилик билан курашган адиб сифатида бетакрор ижод намунасини яратди. Халқимиз ва миллатпарвар зиёлиларимиз бошидан кечган даҳшатли воқеаларни Тоғай Мурод ҳам ўз бошидан қайта кечирганини мардона самимият ва ёруғ юз билан эслайди:"Ана шу вақт қатағон авж олди, қама-қама авж олди. Ўзбек зиёлилари кишанбанд бўлди, кечалаб-кечалаб Москвага олиб кетилди. Сўроқ Москвада бўлди. Суд Москвада бўлди. Ҳукм Москвада ўқилди... шунда полвонлик қоним қайнади! қоним... оламжаҳон ғанимларим учун қайнади. Мен эртадан кечгача судларда ўтирдим. Мен ўз кўзим билан кўрдим: Ўзбек халқи зиёлиларини тепиб-тепиб зиндонмашинага босдилар. Ўзбек халқини зиндонмашинага отдилар. Мен Москвада ўқимадим, мен Москвада ўзбек зиёлилари қайғуси билан яшадим. - Мен ўзбек халқига ҳайкал қўяман!

Мен Москвадан ана шу ният билан қайтиб келдим.

Мен бўлажак Деҳқонқул далаларини иш жойим этдим. Мен Сурхон далаларида олти ой кез-дим. Сурхон офтобида олти ой куйдим.Сурхон чангларини олти ой ютдим. Мен деҳқонлар билан пахта тердим...

- Мен ўзбек халқига ҳайкал қўяман!

Мен ана шундай орзуда далалар билан хайрхўшлашдим.

Ниҳоят, орзуларим охир-оқибати-ушбу роман бўлди."(270-б.)

Тоғай Мурод қиссалари ва романдаги асосий воқеа-ҳодисалар ва характерларнинг фавқулодда реал-ҳаётийлиги, ифода тасвирларнинг табиийлиги ва ҳалқчиллиги сирларини, аввало, ёзувчининг серқирра ижтимоий фаолияти ва ибратли турмуш тажрибаларидан, ижодкорнинг бой ва такрорланмас шахсиятидан қидириш тўғри бўлади. Таниқли адиб Асқад Мухтор ҳам адиб шахси ва ижоди ажралмас эканлигини шундай таъкидлайди: "Танқидчи ва адабиётшунослар асосан асар ҳақида гапирадилар. Ёзувчи ҳақида эса... Ваҳоланки, асар ёзувчидан униб чиқади; фарзандидай унда туғилади, улғаяди, камол топади; у фарзандини авайлайди, ҳимоя қилади. Асар-ёзувчи тақдири; керак бўлганда, ёзувчи қурбон бўлишга ҳам тайёр.Унинг ғайритабиий садоқати, ёзмасдан туролмаслиги, руҳияти, фалсафага, мушоҳадага майли, шахси, феъли, услуби, қарашлари, дарди, қийналишлари ҳеч кимни қизиқтирмайди. Ёзувчи ўз шахси ва ўзгаларнинг шахси билан бирикиб кетган-асар унинг субъекти, унинг моҳияти, эҳтироси-ижод"[8] Чиндан ҳам, Тоғай Мурод асарлари унинг улкан қалб кечинмалари, юксак тахайюл ва тафаккур оламининг маҳсули, изтиробли ва эҳтиросли ўй-мушоҳадаларининг ифодаси бўлиб майдонга келганлиги чуқур илмий-психологик тадқиқотларга мавзу бўла олади.

Ижодкор шахси ва етук асарлар яратилиши гулнинг ранги ва тароватидай бирга етилиши ҳақидаги бу муҳим фикрни Тоғай Мурод ҳақидаги нурли хотиралар ҳам тўлдириши мумкин. Таниқли

*[8] Асқад Мухтор. Уйқу қочганда. Тундаликлар.Т.: Маънавият. 2005.39-б.*

шоира ҳалима ҳудойбердиеванинг эьтирофи адиб шахси ва улкан истеьдодини янада равшанроқ тасаввур қилишга ёрдам беради. "Тоғай Мурод фақат ижодкор, ёзувчигина эмас, ўтмишни чуқур биладиган ўткир кўзли тарихчи хамдир. Ёзувчининг ўз кечинмалари бўлмаса, асарлар бу қадар табиий чиқмас эди. Тоғай Мурод шундай катта муаммоларни, дардларни қоғозга туширибдими, ундан каттароқларини ўз бошидан, ўз қалбидан ўтказган"[9].

Яъни Тоғай Мурод халқимиз ва миллатимизнинг азалий урф-одатлари ва қадимий ўйин-мусобақабеллашувларини катта ихлос ва фахр билан тасвирлашга, полвонлик ва чавандозликдек юксак қадриятларимиздан чексиз ифтихор қилишга маънавий жиҳатдан қанчалар ҳақли бўлса, ўзбек деҳқонлари ва пахтакорларининг ҳам ҳаёти ва тақдирини ҳаққоний акс эттириб, улардан дунё аҳлини огоҳ этишга ҳам шу даражада ҳақли адиб эди.

Чунки у миллионлаб норасида ўзбек болаларидай ҳали кичкиналигидан, маьсум болалик ва ўспиринлик йилларидан бошлаб ота-боболаримизнинг оғир ҳаёти ва машаққатли меҳнатига ошно бўлиб ўсган-улғайган. "Мен бешинчи синфдан бошлаб пахта тердим. Дорилфунун даврида, иш даврида пахта тердим. Бўйим пахтада ўсди. Ақлим пахтада кирди. Саводим пахтада чиқди... ўзбек халқи ва миллатининг қон-қонидаги меҳнатсеварлик, муқаддас она-заминига бурч-садоқат каби юксак фазилатлар билан бирга миллатимиз бошидан кечган шонли ва фожеали кунларни рўйирост акс эттириш орқали халқимизнинг буюк ирода ва саботидан ғурурланиш ҳам бу романнинг яратилишига сабаб бўлган ҳаётий омиллар эди, десак ҳақиқатга хилоф бўлмас.

Бу мавзудаги юзлаб шеърий ва насрий асарлардан фарқли ўлароқ, романда сабр-бардоши тоғдай ўзбек деҳқонининг машаққатли меҳнати, пинҳоний кечинмалари ва қалбидаги қадрдон даласи ва муқаддас она-заминига бўлган ҳамдардлик туйғулари чуқур ва изчил акс эттирилганлиги билан ҳам ажралиб туради. Асар бош қаҳрамони Деҳқонқул дала билан меҳнатни гўё азалий тақдир деб билган мунис ва заҳматкаш халқимизнинг умумлашган, ўзига хос рамзий бир тимсоли. Неча-неча авлодлар ризқу насибаси манбаи бўлган она-заминга ва пахта далаларимизга нисбатан оқилона эгалик ва масъулият ҳисси ҳамда фарзандларга хос сидқидил муносабат Деҳқонқул юрагидаги мустаҳкам имон-эътиқоди сингари унинг қон-қонида, қалбида ва бутун вужудида яшайди. Шу муқаддас ва сўнмас туйғу Деҳқонқулнинг кундалик табиий бир юмуши ва руҳий эҳтиёжига айланиб, унинг қашшоқ ва беҳаловат турмушига ҳуш сийрат ва мазмун, маҳзун кўнглига осуда нур ва таскин бағишлайди.

Тоғай Муроднинг маҳорати шундаки, романда халқимиз бошидан кечирган залворли тарихий ўтмиш ҳаққоний акс эттирилади. Натижада "бахтиёр ва фаровон социалистик турмуш" деб мадҳ этиб келинган кечаги кунларимиз ҳақидаги ҳавоий фикрларимиз бутунлай ўзгаради. Бинобарин, ўзбек деҳқонлари ва қишлоқ аёлларининг дард-ситамли кечинмалари, қул каби итоаткор ва фидоий пахтакорларнинг беқадр меҳнати, афтодаҳол туриш-турмуши ҳақидаги тасаввурларимиз ўта юзаки эканлигига ва улар романдаги донгдор ёзувчилар билан шаҳарлик сайёр режиссёрларнинг баландпарвоз сўзлари-ю ҳақоратомуз ҳамду саноларидай ҳаёт ҳақиқатидан жуда йироқ бўлган сохта мақтовлар эканлигига иқрор бўламиз. Мана шу жиҳатларига кўра ҳам бу асарни халқимиз ва она-юртимиз бошидан кечган фожеаларга тўла бўлган бутун бир даврнинг мухтасар бадиий солномаси деб аташ ҳам мумкин.

Етук санъат асарларини ўрганишда ва уларни таҳлил этишда, энг аввало, бадииятнинг юксак мезонларига асосланилганидек, Тоғай Муроднинг чуқур миллийлик ва халқчиллик билан йўғрилган қисса ва романларини ўрганишда ҳам, албатта, уларнинг долзарб ғоявий-бадиий муаммолари ва айниқса, адибнинг инсон характерини яратишдаги маҳоратига асосий эътибор қаратилиши талаб этилади. Афсуски, Тоғай Муроднинг бошқа асарлари каби бу романдаги юксак маҳорат билан яратилган ўзига хос миллий қаҳрамонларига нисбатан ҳам баъзи танқидчи-адабиётшуносларнинг талқинларини холисона таҳлил деб бўлмайди. Масалан, романнинг бош ғоявий-бадиий хусусиятлари ҳақида муҳим фикрлар билдирган адабиётшунос Маҳмуд Сатторовнинг қуйидаги хулосаси оддий ўқувчида ҳам эътироз уйғотмасдан қолмайди деб ўйлаймиз: "Тоғай Мурод романининг учинчи авлод вакили-Деҳқонқул бир нобакор, ота-боболари, авлоду аждодларини, умуман. одамлигини мутлақо унутиб бўлган манқурт". * (Таъкид бизники.) Тоғай Мурод шахси ва ижодини яқиндан билган адабиётшунос-олим ва тажрибали журналистнинг китобхоннинг хаёлига ҳам келмайдиган бундай тўмтоқ фикри романни ўқиган ва унинг юксак бадиийлиги, қаҳрамонларининг ўзбек халқининг уч авлоди вакиллари сифатида ёрқин тасвирланганига тан берган зийрак ўқувчиларнинг ҳам хафсаласини пир қилса керак. Аммо адабиётимизда катта воқеа бўлган ва юксак ғоявийбадиияти ва халқона услуби билан ажралиб турган

*[9] Ҳалима Худойбердиева.Тоғай Мурод-тоғдай мурод дегани.-Мен қайтиб келаман. Т.:2007.69-б.*

етук бир роман қимматини бундай асоссиз фикрлар белгиламайди.

Асарни руҳий бир безовталик билан ўқиб тугатар эканмиз, кўнглимизда чуқур қониқиш ва мамнунлик хислари уйғонади. Зеро, сўнгги йиллар Истиқлол шарофати билан адабиёт ва санъат соҳасида ҳам умидбахш ижодий изланиш ва ўзгаришлар кечмоқда. Халқимиз тарихи, бугунги ҳаёти, руҳияти ҳақидаги аксарият асарларда шахс ва воқеликни илгаригидек бирёқлама тасвирланмасдан, турмушимиздаги бор муаммолар, зиддият ва қийинчиликлар ҳам рўй-рост ва куюнчаклик билан ёритилаётганлиги бугунги адабий жараённинг ва уйғонган миллий тафаккуримизнинг устувор бир йўналишига айланмоқда.

Тоғай Муроднинг мазкур романи таниқли адиблар-О.Ёқубовнинг "Адолат манзили", Ҳ.Ҳошимовнинг "Тушда кечган умрлар" романлари ва А.Орипов, Э.Воҳидов, А.Суюн, М.Тойирнинг янги шеърий туркумлари, Ш.Холмирзаев, У.Назаров, Н.Эшонқулов, У.ҳамдам ва Ш.Бўтаевларнинг қатор асарлари каби ана шу ҳаётбахш тамойилнинг- Истиқлол туфайли берилган ижод ва руҳ эркинлигининг жиддий бир самараси сифатида ҳам эьтиборга молик. Мавзу ва образлари хилма-хил, ғоявий-бадиий савияси ҳам турлича бўлган бу асарларга хос бир муштаракликни йирик адиб Ўткир ҳошимов тўғри қайд этган эди: "Мустақиллик бўлмаса, бу асарлар ёзилмас, ёзилган тақдирда ҳам чоп этилиши амримаҳол эди". Бежиз эмаски "Отамдан қолган далалар" романи жамоатчилик томони дан ҳам етук санъат асари сифатида тан олиниб, Абдулла Қодирий номли Давлат мукофоти билан тақдирланди. Бу юксак мукофот ҳақ сўзга, маънавиятга ташна бўлган халқимиз ва хукуматимизнинг адабиётимизга кўрсатаётган ғамхўрлиги ва эъзоз-эҳтиром ининг ёрқин бир рамзи сифатида ҳам барча ижодкор ва китобхонлар учун ҳам қадрлидир.

Тоғай Мурод Қодирий, Қаххор каби улкан адиблар ижоди, ибратли тажриба-маҳорати ва анъаналарини қадрлаб, ўз асарлари билан адиб учун табиий истеъдоднинг ўзи етарли эмаслиги, балки ҳаётни чуқур ўрганиши ва қаҳрамонлари билан бирга яшаши, уларнинг дард-ташвишларини бирга кечириши талаб этилишини ажойиб бир тарзда исботлаб берди. Тоғай Мурод асарларини юксак бир чўққи деб таърифлаган атоқли адиб Одил Ёқубов таъкидлаганидек, "Адабиёт бор ҳақиқатни айта олса, ҳаётнинг аччиқ томонларини кўрсата олсагина адабиёт бўлади Улуғ адиблар қўйган талабларга Тоғай Мурод ижоди жуда мос келади." У ғодирий ва ғаҳҳорлар каби адабиётни, ижодни муқаддас билган ва дили билан тили бир адиб эди. У ўзи орзу қилгандай, ҳақ сўзи, ҳаққоний асарлари билан халқимизга маънавий ҳайкал қўя олди. "Юрт қайғусини куйлаган буюклар сафига Тоғай Мурод номи ҳам қўшилди.(Сулаймон Облоқулов) Бу ҳеч муболағасиз бугунги Истиқлол даври адабиёти ва миллий тафаккуримиз ривожига қўшилган муносиб маънавий-руҳий бойлик сифатида таҳсинга лойиқдир.

"Ёзувчи асари билан адабиётни эгаллайди. Адабиёт-улкан бир қаср. Асл ижодкор Адабиёт қасрини ўз асари билан забт этади. Асл ижодкор элюртга "ура-ура" гаплари билан эмас, бадиий асарлари билан хизмат қилади,"[10] - деган эди Тоғай Мурод 1990 йили газетага итервьюсида. Тоғай Мурод етук қиссалари учун Ойбек номидаги юксак мукофот совриндори бўлди. Миллий академик драма театримиз ва жумҳурият телевидениеси "От кишнаган оқшом" ва "Ойдинда юрган одамлар" қиссалари асосида саҳна асари тайёрлаб, миллионлаб томошабинлар ҳукмига ҳавола этди. Айниқса, ёзувчининг "Отамдан қолган далалар" романи асосида атоқли режиссёр Шуҳрат Аббосов томонидан яратилган кўп серияли бадиий фильм намойиши нафақат юртимизда, балки Туркия каби хорижий мамлакатлардаги нуфузли танловларда ҳам муваффақият қозонганлигии ҳам адибга ва Истиқлол даври ўзбек адабиётиига катта шуҳрат келтирган.

Адибнинг садоқатли умр йўлдоши, истеъдодли журналист Маъсума Аҳмедова такидлаганидек, Тоғай Мурод шахси ва ижодини теран англашга интилиш эндиликда ортиб бормоқда. Таниқли адабиётшунос ва тадқиқотчиларимизнинг адиб ижоди, бадиий маҳорати ва миллий характерларини ўрганиш борасидаги изланишлари ҳам самарали бўлаётганини таъкидлаш лозим.[11] Улар якдиллик билан муҳим бир ҳақиқатни эътироф этадилар: "Тоғай Мурод ўзбек насрини, насрчилик мактабини янгилади. Тоғай Мурод мактаби адабиётимизга, шунингдек, жаҳон адабиётига ҳам янгидан-янги ижодкорларни етиштириб берса ажаб эмас".

---

*10. Тоғай Мурод. Газетага интервью.-Бу дунёда ўлиб бўлмайди.Т.:2001.186-б.*

*11. Пардаева З.Ҳозирги ўзбек романчилигининг тараққиёт тамойиллари.Т.2003.; Дониярова Ш. Истиқлол даври ўзбек романларида миллий руҳ ва қаҳрамон. Т.Мумтоз сўз.2011.; Сувонов З.Тоғай Мурод поэтикаси. Фил.ф.н.д.авторефат.Т.:2019.48 б.Жабборов Фаррух. Биз бахтли одамлармиз.-Мен қайтиб келаман. Т.3007.271-б.*

# НОФИЛОЛОГИК ЙЎНАЛИШЛАРДА CLIL МЕТОДИ ОРҚАЛИ ТАЛАБАЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

***Юлдашева Маъмура Боқижоновна*** *- ўқитувчи, Наманган давлат университети.*

**АННОТАЦИЯ:**

Ушбу мақолада нофилологик йўналишларда инглиз тилини фанлараро интеграллашган ҳолда ўқитиш (CLIL) тизимининг талабаларнинг касбий компотенцияларини ривожлантиришдаги ҳамияти ёритиб берилади.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** СЛИЛ, касбий компотенция, нофилологик, метод, чет тили.

В данной статье рассматривается роль системы междисциплинарного интегрированного преподавания английского языка (CLIL) в развитии профессиональных компетенций студентов в нефилологических областях.

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** CLIL, профессиональная компетентность, нефилологический, метод, иностранный язык.

This article presents the importance of CLIL method through which professional competence of non-linguistic students is developed.

**KEY WORDS:** CLIL, professional competence, non-linguistic, method, foreign language

Ўзбекистон Республикасида ёшларни ҳар жиҳатдан билимли ва мустақил фикрли кишилар қилиб тарбиялаш юзасидан бир қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. "Мамлакатимизда бир неча хорижий тилларни билувчи замонавий кадрларни тайёрлаш, хорижий тиллар бўйича илмий ишлар олиб бориш, тил ўрганиш методологиясини такомиллаштириш лозимлиги"[1], каби вазифалар белгиланган. Бунинг билан чет тилида касбий коммуникатив фаолият кўрсатиш, шахсга йўналтирилган, компетенцияни эгаллашга мўлжалланган интегратив ёндашув асосида ўқитиш методикасини такомиллаштириш ҳамда хорижий тажрибаларни ўрганиш асосида бўлажак кадрларни тайёрлашда инглиз тилини ўқитишда инновацион педагогик технологияларни тадбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида "ги ПҚ-1875-сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги "Таълим муассасаларда чет тилларни ўқитиш сифатини янада такомиллаштириш тўғрисида "ги 610-сонли Қарорлари ва мазкур соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш бугунги бозор иқтисодиётига асосланган жамиятимизда долзарб мавзуга айланмоқда. Республикамиз таълим тизимини ислоҳ қилишда хорижий тажрибаларга асосланган халқаро стандартларга мос келувчи ўқув дастурлари билан мувофиқлаштириш олий педагогик таълим тизимини такомиллаштиришга асос бўлди. Ўзбекистон шароитида миллий менталитетимиз, урф-одатларимизни инобатга олган ҳолда хорижий тажрибалар асосида таълим сифатини тубдан ислоҳ қилиш давр талабидир.

Бу борада 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизда " ...таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий қилиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш, илмий ва инновацион ютуқларни амалиётга жорий қилишнинг самарали механизмларини яратиш…", кадрлар тайёрлашнинг сифат даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шарт- шароитларни яратиш, ҳар бир олий таълим муассасаси жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиши ва талабаларнинг ятатувчанлик қобилиятларини ривожлантириш, ёшлар аудиторияси билан иш олиб боришда интерфаол усуллардан самарали фойдаланиш, уларга чет тилидан сифатли таълим бера олиш, олий таълим даражасини намунали босқичга олиб чиқиш ва тубдан такомиллаштириш асосий вазифалар сифатида белгиланди.[2]

Шу боис республикамизнинг барча олий таълим тизимида замон талабларига мос келувчи кадрларни тайёрлашда чет тили дарсларини ўтилиши айни муддаодир. Айниқса, нофилологик йўналишларда инглиз тилини ўқитилишида фанлараро

*[1]. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 5 мартдаги Наманган вилояти Исоҳхон Ибрат номидаги мактаб-интернатига ташрифидаги нутқи. http://www.uza.uz/oz/...prezidentimiz-is-o-khon-t-ra-ibrat-mazhm*
*[2]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида/ Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.*

интеграллашув (CLIL) методидан фойдаланиш талабаларни ўз соҳаларининг етук вакили бўлишига хизмат қилади. CLIL (content and language integrated learning) атамаси биринчи марта 1994 йил Давид Марш томонидан ўқитиш методикаси сифатида қўлланган. Унга Койл, ҳуд, Марш (2010) томонидан қуйидагича таъриф берилади:

CLIL is a dual-focused educational approach in which an additional language is used for the learning and teaching of both content and language.[3]

Бунда additional language иккинчи ёки бирор бир чет тили (кўп ҳолларда инглиз тили) бўлиб, маълум бир ижтимоий (тарих), аниқ (физика ва математика) ёки табиий фанлар (кимё, биология) чет тилида ўқитилади. Дале ҳамда То-нер фикрига кўра, CLIL ҳам чет тили, ҳам маълум бир фанни бир пайтда ўқитишга асосланган инновацион ўқитиш тизими сифатида баҳо бералади.[4] Лекин бу тизим бирор фанни шунчаки инглиз тилида ўқитилишидан мутлақо фарқ қилади. Чунки дарс материаллари ҳам тилни, ҳам фанни ўзлаштиришга мақсад қилинган ҳолда яратилади. Яъни, ўқитиш жараёнида ўқитувчи нафақат ўрганувчининг чет тили кўникмалари балки фан бўйича билимларни ривожланишини кузатиб боради.

Юқоридаги хусусиятлари сабабли Олий Таълимдаги нофилологик йўналишларда инглиз тили дарсларида CLIL методидан фойдаланиш ўринлидир. Бизга маълумки, кўплаб олий даргоҳларда инглиз тилини ўқитиш тўртта асосий кўникма (ўқиш, ёзиш, тинглаш ва гапириш)га асосланган. Тўғри, дарс материалла-рида талабалар соҳасига тегишли бўлган информациялар ҳам жой олган. Бироқ ўқитувчи асосий эътиборини тўртта асосий тил кўникма-ларини ривожлантиришга қаратади ва шу асосида талабаларни баҳолайди. Бу билан талабаларда касбий компетенцияларини ривожлантиришда бўшлиқ яратилишига олиб келади. Шуни рад этиб бўлмайдики, бўлажак кадр соҳаси бўйича билимларни ўз она тилисида эгаллайди, лекин мазкур билимларни янада чуқурлаштириш учун ёки соҳаси борасидаги янгиликлардан боҳабар бўлиш учун инглиз тилидаги адабиётларни ўқишига тўғри келади. Бу ўз ўрнида соҳа бўйича инглиз тилидаги терминларни тушуна олиш қобилиятини талаб қилади. CLIL методи эса мана шу бўшлиқни тўлдиришга ёрдам беради. Мазкур метод орқали талабалар инглиз тилини ўзлаштириш билан биргаликда ўз касбий маҳоратларини чет тилида ҳам намоён қила олиш қобилиятига эга бўлишади. Юқоридаги қарашларни билология талабалари учун тайёрланган CLIL дарс материаллардан бирини таништириш орқали янада ойдинлаштириш мумкин:

Insects belong to a group called Arthropods. But not all Arthropods are insects. Spiders and centipedes are Arthropods but they are not insects. It is because insects only have six legs. Spiders have eight legs and centipedes have many more. Worms are not insects (they do not have an exoskeleton or any legs). Insects do not have bones or a skeleton. They have a "skin" called an exoskeleton. Insects have body parts just like you. There are three basic body parts – head, thorax and abdomen. Let's look more closely at the head. Insects can detect smells, vibrations or sound with their antennae. They use their antennae to find each other. Most insects have two compound eyes so they can see many images but insects cannot see long distances. Insects eat many different things. Many insects eat plants. Some eat other insects and spiders. Mosquitoes and fleas suck blood when they bite humans or other animals. Many bees and butterflies drink nectar from flowers. Most insects have four wings like dragonflies but flies have only two wings. Insects don't have noses. They breathe through openings in the sides of their abdomens.

**Is it true or false?**

a) Spiders and centipedes belong to Arthropods but they are not insects.

b) Insects have four pairs of legs.

c) Antennae, thorax and abdomen are basic insects' body parts.

d) Insects don't have bones like humans but they have an endoskeleton.

Кўриниб турибдики, топшириқ биологияда оид ҳашаротлар мавзуси бўлиб, талаба топшириқни бажариш орқали инглиз тилида ўқиш кўникмаси билан биргаликда ҳашаротлар бўйича инглиз тилидаги атамаларни ҳам тушуна олиш қобилиятини ривожлантиради. Фанлараро интеграллашув - бу ўқитиш, бу бутун таълим тизими ёрдамида мутахассиснинг келажакдаги касбий фаолиятининг предметли ижтимоий мазмунини шакллантирадиган усул ва воситаларни шакллантиради. Анъанавий ўқитишда бўлгани каби, CLIL методида ҳам дарс материаллари ўқув матнлари кўринишида тақдим этилади ва ҳанузгача ўрганилиши керак бўлган маълумотлар сифатида хизмат қилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, CLIL тизими бўлажак кадрларни соҳалари бўйича халқаро талабларга мос келувчи қилиб тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис бу тизим ҳозиргача кўплаб чет эл мамлакатлари таълимида аллақачон ўрин эгаллади.

**Тақризчи: ф.ф.н. Ю.А.Каримова**

[3] *COYLE, D., HOOD, P., MARSH D. Content and Language Integrated Learning. Cambridge: Cambridge University Press. 2007. ISBN 9780521130219*
[4] *DALE, L., TANNER, R. CLIL Activities. A Resource for Subject and Language Teachers (Cambridge Handbooks for Language Teachers). Cambridge University Press. 2012. ISBN -10 0521149843. ISBN 13 978-0194425780*
[5] *Petra Benesova. Teaching Biology through the CLIL Method Hradec Krilov, 2016*

# ДИН - МАДАНИЯТ - ТИЛ УЙҒУНЛИГИНИНГ ФРАЗЕОКОНФЕССИОНИМЛАРДА ИФОДАЛАНИШИ

***Султонова Шохиста Мухаммаджановна*** *- доцент, Ўз.давлат жаҳон тиллари университети*

**АННОТАЦИЯ:**

Мақолада диний семантикали фразеологик бирликларни лингвокультурологиянинг янги йўналиши сифатида қаралаётган лингвоконфессиология доирасида таҳлил қилиш масаласи кўтарилади. Ўзбек ва рус тилларидаги диний семантикали фразеологизмлар оламнинг фразеологик манзараси шаклланишида муҳим роль ўйновчи маданий-конфессионал маркерлар сифатида талқин қилинади.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** лингвокультурология, лингвоконфессиология, диний семантикали фразеологизмлар, фразеоконфессионим.

Статья посвящена анализу фразеологизмов с религиозной семантикой в рамках нового направления лингвокультурологии - лингвоконфессиологии. Фразеологизмы с религиозной семантикой узбекского и русского языков интерпретируются как культурно-конфессиональные маркеры, играющие важную роль в формировании фразеологической картины мира.

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** лингвокультурология, лингвоконфессиология, фразеологизмы с религиозной семантикой, фразеоконфессионим.

The article is devoted to the analysis of phraseological units with religious semantics in the framework of a new direction of cultural linguistics - linguoconfessiology. Phraseological units with the religious semantics of the Uzbek and Russian languages are interpreted as cultural and confessional markers that play an important role in the formation of a phraseological picture of the world.

**KEY WORDS:** cultural linguistics, linguistic confessionology, phraseological units with religious semantics, phraseological confessions.

Когнитив фразеология XXI аср тилшунослигининг долзарб йўналиши сифатида турли хилдаги фразеологик бирликларнинг когнитив ташкиллашувининг мураккаблиги, инсоният томонидан узоқ даврлар давом этган тарихий тараққиёт жараёнида ўзлаштирилган олам тўғрисидаги билимни объективлаштиришнинг гносеологик, семантик-мазмуний, ассоциатив-образли, эстетик ва маънавий-диний механизмларининг ўзига хос корреляцияси каби жиҳатларига эътиборни кучайтириш билан характерланади.

ФБларни "дин - тил - инсон" триадасида ўрганишнинг (Л.П. Крысин, О.А. Прохватилова, В.И. Постовалова, Л.Л. Григорьева, Н.Б. Мечковская и др.) нисбатан узоқ тарихига қарамасдан фразеологик бирликларнинг лингвоконфессионал репрезентант, лингвоконфессионал маркерлар сифатидаги ўзига хослиги масаласи ҳозирги замон лингвистик парадигмасида ҳали тадқиқ қилинмаган. Шу билан бирга тил ва конфессия каби ўзаро боғлиқ феноменлар онтологияси ва корреляциясини тадқиқ қилиш ҳар доимгидан ҳам долзарблик касб этмоқда, чунки халқ дини маълум конфессия доирасида намойиш қилинади, конфессиясиз халқ мавжуд бўлолмайди. Демак, ҳар қандай конфессия динга асосланади.

ФБ ларнинг ўзига хослигини ўрганишда лингвоконфессионал ёндашув маълум конфессияга хос тилнинг айнан комплекс тадқиқи орқали унинг нафақат лисоний, балки экстралингвистик жиҳатдан мужассамлашувчи диний-маданий ўзига хослиги ва универсаллигини англаш, тушуниш ва қабул қилиш имконини беради.

Фразеологизм лисоний белги ва маданий ҳодиса сифатида гносеологик, семантик-маъновий, ассоциатив-образли, этик, этник, конфессионал ва прагматик жиҳатларнинг ўзига хос корреляцияси билан характерланувчи когнитив ташкилланган, экспрессив-образли номинация кодини уникал ифодаловчи бирлигидир. Бу маънода фразеологизмлар халқ дунёқараши асосини шакллантирувчи ва акс эттирувчи маданиятнинг муҳим белгилари сифатида тавсифланиши мумкин[1].

Таъкидлаш лозимки, фразеология фани ривожининг постклассик ва замонавий даврларига хос тушунчавий-терминологик аппаратида маълум эволюцион ўзгаришлар кузатилади, масалан: 1) ФБ семантик критерийларининг мураккаблашуви рўй беради; 2) идиоматиклик ФБ нинг автономлик хусусияти бўлмай қолади; 3) ФБ нинг янги формал

***1.*** *Буянова Л.Ю., Коваленко Е.Г. Русский фразеологизм как ментально-когнитивное средство языковой концептуализации сферы моральных качеств личности. М.: Флинта; Наука, 2012. 184 с. С. 46.*

критерийси - сўздан йириклиги белгиланади; 4) ФБ нинг олдин маълум бўлган дифференциал хусусиятлари кенгайтирилади ва аниқлаштирилади, янгилари шакллантирилади; 5) ФБ когнитив белги сифатида талқин қилинади; 6) дискурсивлик ФБ нинг муҳим хусусиятларидан бири сифатида тасдиқланади; 7) ФБ ни концепт сифатида талқин қилиш имконияти кўрилади; 8) ФБ фразеоконфессионим сифатида тавсифланади.

Ҳозирги кунда ФБ нинг семиотик ва этномаданий тузилма сифатидаги бетакрорлигини тушуниш билан бирга фразеологизм бўйича замонавий тадқиқотларда асосий эътибор этномаданий ва лингвоконфессионал жиҳатларга берила бошлади. Бундай ёндашувда ҳар қандай лингвомаданиятнинг фразеологик бирликлари ҳар бир халқ учун уникал бўлган конфессионал ва этнокогнитив тажрибани намоён қилади. Бу жиҳатдан ФБ турли миллий тиллар эгалари томонидан оламни қисмларга ажратиш ва категориялаштириш натижаси сифатида этномаданий ва конфессионал маркерланган белгилар тузилмасидан иборат бўлади.

Фразеологизмлар оламни образли акс эттиришнинг когнитив воситаси, инсон томонидан унинг идрок қилиниши натижаси сифатида ўзида турли даврлар ва авлодларга тегишли халқларнинг мифологик, диний, ахлоқий, этик тасаввурларини мужассамлаштиради. Тилнинг фразеологик таркиби халқ маданиятининг унинг руҳий ҳолатидаги ўзига хосликларини акс эттирувчи бевосита қисми ҳисобланади[2].

Миллий тилда унга хос оламни категориялаштириш, концептлаштириш усули ифодаланиши, концептуализациянинг йўналтирилганлиги ва ўзига хослиги эса маданий, ментал ва ижтимоий жиҳатдан боғлиқлик масаласи бугунги кунда қатор инновацион тадқиқотларнинг асоси бўлиб қолди, яхлит олам манзарасининг реконструкцияси эса когнитив тилшунослик, этнолингвистика, назарий семантика, фразеология ва фразеография, маданиятлараро алоқа ва бошқа қатор йўналишларнинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Шундай йўналишлардан бири сифатида ҳозирги кунда ФБ маданий-конфессионал белги, мураккаб фразеоконфессионим сифатида ўрганиладиган лингвоконфессиологияни қайд қилиш мумкин.

Лингвокультурологик йўналишлардан бири сифатида лингвоконфессиология тил ва маданият, тил ва дин, тил ва конфессия каби феноменларнинг лисоний ифодасига оид хусусиятларни тадқиқ қилишнинг релевант жиҳатларини ўз ичига олади. Миллий тиллар турлича бўлиши мумкин, бироқ умумий конфессионал маданият уларда лингвоконцептлар, конфессионал концептлар, конфессионал маркерлар ва бошқа ментал-лисоний бирликларда намойиш қилинадиган умумий базавий қадриятлар мавжудлигини тақозо қилади.

Ҳар қандай миллий тил нафақат ўз бирликларида маълум конфессиянинг қоидалари ва кўрсатмаларини қайд қилади, йиғади ва сақлайди, балки уларнинг ҳаммаси халқ конфессионал хотираси ва менталитетида авлоддан авлодга жонли қўлланиш орқали етказилишини ҳам таъминлайди. Масалан, ўзбек мақоли (араб тилида ҳам) "Болалик уй - бозор, боласиз уй - мозор" "бозор" ва "мозор" лексемаларини қарама-қарши қўйиш орқали исломнинг қадриятли кўрсатмаларига ишора қилади: ислом бўйича ҳаётда ва қадриятлар иерархиясида асосийси - бу оила ва унда албатта келажакнинг рамзи бўлган болалардир. Аналогик тарзда оила олий қадрият сифатида рус фразеологик олами манзарасида православ маданияти акс эттирилади: "Вся семья вместе - так и душа на месте". Православликнинг конфессионал маркери сифатида "қалб" лексемаси оила тушунчаси билан ягона когнитив тугунда туташади. Рус матали "Не имей сто рублей, а имей сто друзей" (Юз рублинг бўлмасин, юзта дўстинг бўлсин) дўстликни моддий бойликдан юқори турувчи маънавий қадрият сифатида намойиш қилган ҳолда православликнинг конфессионал маркери вазифасини бажармоқда.

Ўзбек тилида ислом лисоний концептуализацияси аждодларнинг маънавий мероси сифатида таркибида Аллоҳ, ҳалол, харом, сабр, меҳр, савоб, гуноҳ, увол, исроф ва ҳ.к. диний компонентлар иштирок этган фразеоконфессионимларда ёрқин намоён бўлади. Масалан: Аллоҳ асрасин!; Аллоҳга таваккал; ҳалол луқма; харом луқма; Сабр таги сариқ олтин; гуноҳи азим; увол қилмоқ; исроф қилмоқ ва ҳ.к.

Рус тилида православликнинг Бог, Богородица, Дух Святой, душа, грех, терпение, молитва, милость, вера, надежда, любовь, совесть, милосердие, миролюбие, нравственность, благо ва ҳ.к. библеизмлари асосида юзага келган паремиялар фразеоконфессионимлар сифатида рус халқининг қадриятларини ифодалайди. Масалан: Бог помочь; Божья душа; Милостивому человеку и Бог подает; Терпенье - лучшее спасенье; Не потерпев, не спасешься; В мире жить - с миром жить; Где любовь, тут и Бог; Любящих и Бог любит; Вера и гору с места сдвинет; Жив Бог - жива душа моя ва ҳ.к.

Бошқа тил бирликларидан ташқари ФБ лар би-

[2] *Жуков В.П. Семантика фразеологических оборотов. М.: Просвещение, 1978. 160 с. С. 72.*

лан ҳам ифодаланувчи икки халқ менталитетида айнан маълум диний мазмун билан боғлиқлик эмас, балки маънавий-ахлоқий жиҳатдан қамровлилик ва умуминсоний аҳамиятга эгалик муҳимроқдир. Юқорида таъкидланганидек, паремияларни ҳам фразеологизмлар каби воқеликнинг миллий-маданий талқинининг бой манбаси сифатида ҳисоблаш лозим, зеро улар халқ дунёқарашига оид бой маълумотларга эга.

Тилда акс этувчи кўп қиррали халқ маданиятида инсонийлик этикасининг ҳам қирралари намойиш қилинган, унда маънавий-ахлоқий меъёрларнинг тарафдори ва бажарувчиси бўлиб инсоннинг ўзи кўрсатилади. Гуноҳларнинг сабаби эса руҳий заифлик, иродасизлик, турли хою хавасларга қаршилик қилишни билмаслик ва хоҳламаслик, умуман, инсоннинг дангасалиги ҳисобланади. Фразеологик континуумдаги инсонийлик этикасининг баъзи қирралари қуйидаги ибораларда ифодаланган:

ўзб. т.: Бекорчидан худо безор; Худо урган дангаса; шайтоний хой-хавасларга учмоқ; Шайтоннинг йўлига юрмоқ; Аллоҳни унутмоқ ва ҳ.к.

рус т.: Грешному путь вначале широк, да после тесен; Не поддавайся черту, так ему и власти нет над тобой; Грехи не пироги, пережевав не проглотишь ва ҳ.к.

Рус фразеологияси таҳлилидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, православ кишиси учун гуноҳ - бу Худодан кечиш, ҳар қандай ёлғон, чақимчилик, уят ва ҳақоратли сўз айтиш, қасам ичиш, ўғрилик кабилардир. Шулар қаторида камбағаллик ҳам гуноҳ сифатида кўрсатилиб, ҳатто "ундан ёмон нарса йўқ" деган баҳо ҳам берилади. Бунинг сабаби айнан камбағаллик инсоннинг дангасалиги, меҳнат қилишни хоҳламаслиги оқибатида ўғирликка, одам ўлдиришга, алдашга мажбур қилиши билан изоҳланади. Шунингдек, нопок йўл билан топилган бойлик ҳам Худонинг олдида оғир гуноҳ ҳисобланади. Пул одамни бузиши, ёмон йўлларга бошлашини православ халқи паремияларда ифодалайди: Богатство перед Богом великий грех, а бедность - перед людьми; Казенное (Казна) на грех наводит; Лучше жить бедняком, чем разбогатеть со грехом.

Аждодларнинг миллий дунёқараши ва маънавий мероси хусусиятларини намойиш қилувчи фразеологик олам манзарасининг яна бир муҳим қисми сифатида ранг рамзига эга бўлган фразеологик бирлик ва паремияларни қайд қилиш мумкин. Маълумки, рангни қабул қилиш ва унга баҳо бериш анча субъектив ҳодиса бўлиб, нафақат ранг тусларининг оптик характеристикалари билан, балки бўлиб ўтаётган руҳий-физиологик жараёнлар билан ҳам боғлиқлиги билан белгиланади. Бироқ рангнинг индивидуум томонидан субъектив қабул қилиниши билан бир қаторда турли рангларга нисбатан интерсубъективлик ҳам мавжуд. Бу ўринда биз рангнинг рамзлашувини англаймиз[3].

Ранг рамзийлиги фақат маълум жамиятга хос бўлган денотатлар, анъаналар, урф-одатлар, ҳаёт тарзи ва б. ни акс эттирган ҳолда тилдан-тилга ўтганда ўзгариш қобилиятига эга. Н.В. Серов фикрича, ҳар бир маданият ўз рангига эга. Ранг номи семантикаси халқ маданий анъаналари, турмуш тарзи, феъл-атвори ва урф-одатлари, шунингдек, миллат руҳи ва онги каби қатор экстралингвистик омиллар билан ҳам боғлиқ[4]. Масалан, ўзбек халқида яшил, оқ ранглар диний урф-одатлар жиҳатидан ижобий рамзийликни англатади. Шунинг учун рангни ифодаловчи сўзларнинг фразеологик бирликларда, жумладан, диний семантикали ФБ ларда учраши табиий ҳол. Масалан: оқ масжид, оқ фотиҳа ва ҳ.к.

Шундай қилиб, ранг ифодаси қатнашган ФБ миллий менталитет томонидан у ёки бу предметлар, объектлар, хатти-ҳаракатлар, воқеалар, ҳодисалар, ҳолатлар, муносабатлар ва ҳ.к. "яхши-ёмон" градацион шкалада образли шаклда қандай яшаш тўғрисида йўл-йўриқлар кўрсатади.

Диний семантикали фразеологик бирликлар ўзида халқнинг мифологик, диний-конфессионал, ахлоқий ва этик тасаввурларини мужассам қилган ҳолда оламни образли ифодалашнинг ўзига хос воситаси ҳисобланади. Тил эгалари ҳаёти давомида таълим ва тарбия жараёнларида шаклланиб борган ҳолда, ўз она тилисининг фразеологик фондига асосланиб, нутқий, лисоний ва коммуникатив фаолияти орқали секин-аста мазкур халқ учун қабул қилинган умуминсоний алоқаларнинг меъёрлари ва анъаналари тўғрисидаги маданий ахборотнинг когнитив тизимини яратиб боради. Демак, фразеология - инсоннинг конфессионал-диний ва маданий қадриятлар эгаси ва ифодаловчиси сифатида ўзига хос идрок кодининг предмети ҳисобланади.

---

[3]. *Фрумкина Р.М. Цвет, смысл, сходство: аспекты психолингвистического анализа. М.: Наука, 1984. 175 с. С. 136.*
[4]. *Серов Н.В. Цвет культуры. СПб.: Речь, 2003. 672 с.*

# РУС ТИЛИ ФАНИДАН
## НУТҚИЙ ФАОЛИЯТНИ ЎСТИРИШДА ОҒЗАКИ МАШҚЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

***Каримов Номоз -*** *катта ўқитувчи, Жиззах давлат педагогика институти*

**АННОТАЦИЯ:**

Ушбу мақолада рус тили фанидан нутқий фаолиятни ўстиришда оғзаки машқларнинг аҳамияти ҳақида, шакллантириш учун бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда зарур механизмларини такомиллаштириш ва фойдаланиш ўрганилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** гапириш, нутқ, фикр баёни, талаффуз, "руҳий нотўлиқлик" ҳиссиёти

В данной статье обсуждается важность устных упражнений в развитии речевой деятельности на русском языке, разработке и использовании необходимых механизмов ее формирования, исходя из современных требований.

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** говорение, речь, изложение мысли, произношение, чувство "умственной некомпетентности"

This article discusses the importance of oral exercises in the development of speech activity in Russian, the development and use of the necessary mechanisms for its formation, based on modern requirements.

**KEYWORDS:** speaking, speech, statement of thought, pronunciation, feeling of "mental incompetence" .

Гапириш, нутқ фаолиятининг тури сифатида, оғзаки фикр баён этишни англатади. Гапириш оқибатида муайян фикр айтилади, ушбу фикрни баён этиш нияти эса гапиришга сабаб бўлади. Саволга берилган қисқа жавоб ҳам, бутун бир монолог хам "фикр баёни[1]" ҳисобланади. Гапириш уч вазифани бажаради: алоқа воситаси, ўқитиш воситаси ва ўқитишнинг амалий мақсади. Чет (рус) тилида гапириш уч қисмдан иборат нутқий фаолиятдир. Даставвал гапиришга мойиллик[2] бўлади. Сўнгра тил воситасида фикрни баён этиш эҳтиёжи туғилади. Нутқий ҳаракатни бажаришга майл пайдо бўлса, бирор ахборот етказиш, саволга жавоб қайтариш ёки нутққа боғлиқ бўлмаган ҳаракат (масалан илтимос, буйруқ ва ҳоказо) ни бажаришга киришилади. Гапиришнинг ушбу қисмида айтиш нияти ҳосил бўлади. Гапиришни ўрганишда синтагматик алокаларнинг ахамияти катта бўлиб, бунда сўзнинг турли бирикмаларда қўлланилиши кўзда тутилади. Гапирувчи хотирада тайёр турган сўзни ёки грамматик бирликни танлайди, одатда она тили ҳодисалари хотирада тайёр туради.

Гапиришнинг учинчи қисми ижро этиш, фикрни баён этиш, талаффуз этиш: яъни, ташқи нутқда уни ифодалашдан иборат. Учала қисмга амал қилиш нутқ фаолияти турларида гапиришни юзага келтиради. Фикрни оғзаки баён этиш (гапириш) га ўргатиш, муайян фикрни ёзма баёни ўзгалар нутқини идрок этиб фаҳмлаш (тинглаб ва ўқиб тушуниш) каби нутқ фаолияти турлари билан узвий боғланган ҳолда ташкил этилади.

Фикрни оғзаки икки шаклда, яъни боғланма (монолог) нутқ ва суҳбат тарзидаги (диалог) нутқда ифодалаш мумкин. Чет тилида монолог ва диалогни ўрганиш ўқув дастурининг асосий талабларидан биридир. Монолог учун тўлиқ жумлалар ва уларнинг нисбатан узлуксиз тизимларини қўллаш аҳамиятли бўлса, диалогда тайёр жумлалар эллипс (қисқарган) гаплар кўпроқ ишлатилади. Чет тилида нутқ фаолияти турларининг сифат ва миқдор кўрсаткичлари методика асосида аниқлаб берилади. Гапиришда сифат кўрсаткичлари талаба нутқининг мавзуга мувофиқлиги ва уни баён этиш мукаммаллиги, гапирганда - ижодий ёндашиш; тил магериалини тўғри қулай билиши асосий омил ҳисобланади.

"Интерфаол усул" ўқитувчи билан талабанинг машғулотда тенг, айрим ўринларда талабанинг ўқитувчидан ҳам фаолроқ иштирок этишини тақозо этади.[3] Аммо рус тили машғулотларида кўп ҳолатларда ўқитувчи қанчалик уринмасин, канчачик тажрибали, билимдон бўлмасин, ҳозирда анъанавий таълим усулларидан фарқли ўларок, интерфаол усул қўлланган машғулот кутилган самарани бермайди. Бунинг сабаблари қуйидагича деб ўйлаймиз: Биринчидан, талаба жонли суҳбатга киришиш учун етарли луғавий бойликка эга бўлмайди. Талаба мулоқотга кира олганда ҳам ўзининг хатолари устида ишлашга имконияти бўлмайди, шунинг учун унинг нутқида ўсиш булмайди. Баъзида, талабалар сўз бойлигининг ниҳоятда камлиги учун оғзаки нутқ машқларини бажаришда қийинчиликларга дуч келади. Одатда академик гуруҳдаги талабаларнинг билим

[1] *Русский язык. Москва "ДРОФА", 2001.*
[2] *Прядкина А.Ф. Русский язык: Синтаксис осложнённого предложения. - М., 1990.*
[3] *Греков В.Ф. и др. Пособие для занятий по русскому языку. - М.: Просвещение, 2008. - с.110*

даражаси ҳар хил бўлади. Тилни яхши билган талабалар гапирганда тилни яхши билмаган талабалар уларни тушунмайди ва улар гапирганда яхшироқ билган талабалар гап нима хусусида кетаётганини тушунмайди. Тил ўқитишнинг интерфаол усуллари қўлланилганда турли қийинчиликлар юзага келиши мумкин. Ўқитувчи уларни бартараф этишга тайёр туриши лозим. Бунинг учун қуйидагилар тавсия этилади:

Талаба нутқини ўстириш учун уни кўп гапиртириш керак. Бунинг учун эса мавзули ва мавзусиз суҳбатлардан кенг фойдаланиш фойдалидир. Ўқитувчи талаба нутқини рағбатлантириб, йўл қўйган хатоларини гаплар орасида пауза қилганда тўғрилаши мумкин. Ўқитувчи тил ўргатишда талабанинг психологиясини билиши ва уни ўрганиши зарур. Чунки бир хил вазиятда талабалар томонидан турли реакция бўлиши мумкин: кимдир хатосини тўғриланишини оддий нарса деб қабул қилади, уни тўғрилайди ва мулоқотга тезда киришиб кетади; бошқаси эса, аксинча тўхтаб қолади. Айрим талабаларда вербал информацияни идрок қилиш сустроқ бўлади. Улар бир марта эшитганини, она тилида айтилган бўлса ҳам, тушунишга қийналади ёки ўзига ишончининг камлиги туфайли, эшитган информациянинг ростлигига шубҳа қилади. Бундай талабаларни фаол суҳбатга жалб этиш қийин кечади. Улар билан соддароқ турдаги машқларни якка тартибда ёки гуруҳда бажариш, билим даражасини билан тенг ёки пастроқ гуруҳда шуғулланиши юқоридаги каби "руҳий нотўлиқлик" ҳиссиётини тарк этиб, мулоқотларда тортинмай, қўрқмай иштирок этишларига эришилади. Олий ўқув юртлари дастури бўйича талаба амалий эгаллаётган рус тилини биринчи навбатда умумтаълимий ахборот олиш учун соҳага оид адабиётни ўқиши деб билади. Қолаверса, гапириш, тинглаш ва ёзув билан ҳам шуғулланади. Ўрта умумтаълим мактабларида 1000 талар атрофида рус тили лексик бирлиги фаол ўзлаштирилса, олий ўқув юрти талабаси 3000-4000 тадан кам бўлмаган фаол лексикани билиши талаб этилади. Янгича услуб, янгича дунёқараш, янгича билим ва янгича тайёргарликни талаб қилади. Ўқитувчи ва талаба ўртасидаги дўстона ҳамкорлик ўқув жараёнининг самарадорлигини ошириши табиий ҳолдир, шунинг учун академик гуруҳларда ижодий муҳитни яратиш фойдалироқ.

Хулоса қилиб айтганда, чет тили машғулотларининг самарадорлигини ошириш ўқитувчи қўллайдиган методларга боғлиқдир. Машғулотларда турли кўргазмали воситалардан фойдалана билиш чет тилидан машғулот бераётган ўқитувчи олдида турган асосий вазифадир.

**Тақризчи: ф.ф.н. О.Р.Исаров**

************************

# ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ДИНИЙ ФУНКЦИОНАЛ УСЛУБИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

***Юсупова Шахзода Тохиржон қизи*** *- ўқитувчи, Фарғона давлат университети.*

**АННОТАЦИЯ:**

Мақолада ўзбек тилида диний услубнинг мавжудлиги ҳақида фикр юритилади ва ушбу услубнинг ўзбек тилшунослигида мавжуд бошқа нутқ услублари билан фарқли жиҳатлари таҳлил қилинади. Шунингдек, диний услубнинг ўзига хос стилистик хусусиятлари турли манбалардан олинган мисоллар асосида далилланади.

**КАЛИТ СЎЗ:** функционал услублар, диний услуб, нутқ, нутқ мақсади, динийлик, диний терминология, функционал ўзига хослик.

В данной статье даются свойства религиозного стиля в узбекском языке и анализируется его различия между другими функциональными стилями. Основные стилистическое свойства религиозного стиля определяются посредством примеров из различных источников.

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА**: функциональный стиль, религиозный стиль, речь, цель речи, религиозность, религиозная терминология, функциональный особенность.

Views on features of religious style in the Uzbek language as well as its differences from other functional styles are given in this article. The point of discussions is the religious style’s examples cited from different sources.

**KEY WORDS:** functional style, religious style, speech, speech purpose, religiousness, religious terminology, functional peculiarity.

Инсонлар турли вазиятларда турлича сўзлар, атамалар, сўз бирикмаларидан фойдаланади. Бирор ҳолат, вазият учун мос нутқ бошқа бирига тўғри келмаслиги мумкин. Яъни биргина ҳолат нутқ мақсади, вазиятига қараб бир-биридан фарқ қиладиган тил воситалари билан ифодаланиши мумкин. Тилдан турфа мақсадларда фойдаланиш турли хилдаги нутқ яратилишини таъминлайди ва бу ҳолат тилшуносликда нутқ услублари сифатида ўрганилади. Тилнинг функционал хусусиятлари лисоний воситаларнинг ранг-баранг функциялари билан узвий боғлиқдир.

"Функционал стиллар экстралингвистик факторларга алоқадор, уларга боғлиқ бўлади. Экстралингвистик факторларга алоқанинг мақсад ва вазифаси, алоқа мазмуни, алоқа доираси, нутқ формаси (ёзма ёки оғзаки нутқ, диалогик ёки монологик нутқлар) киради. Шу факторлар натижасида функционал стиллар юзага келади ва бир нутқ тури иккинчи нутқ туридан ўзининг стиль белгилари, "сатҳлари" билан ажралиб туради".[1] Демак, нимани кимга қаерда қандай ифода қилаётганлигимизга қараб нутқ услубларини фарқлашимиз мумкин. Нутқ пайдо бўлишиданоқ унда услубий белгилар акс эта бошлайди.

Нима? Яратилган ёхуд яратилаётган нутқ нима? У илмий матнми, расмий мурожаатми, ҳикоями ёки бошқа бирор жанрга мансуб асарми? Нутқнинг қандай матн эканлиги унинг функционал услубини белгилаш учун энг биринчи асос бўлади.

Кимга? Ўқувчи ёки тингловчи ким? Унга қандай мурожаат қилган маъқул? Балки ўқувчи ёки тингловчига расмий мурожаат қилиш керакдир ёки илмий нутқ талаб қилинар. Нутқ яратилаётганда унинг кимга қаратилаётганлиги ҳам муҳим.

Қаерда? Яратилаётган нутқнинг ифода этиладиган, ўқувчи, тингловчига етказиладиган жойи ҳам аҳамиятли. Жой тушунчаси фақат ҳудуд (кўчада, уйда, ишхонада, конференцияда, расмий қароргоҳда) учун эмас, балки газета, журнал ва радио, телевидение учун ҳам тегишли.

Қандай? Яратилаётган нутқ оғзакими ёки ёзма, монологми ёхуд диалог? Нутқни қай йўсинда баён этишимиз ҳам унинг услубини белгилашда аҳамиятлидир.

XX аср тилшунослигида функционал услублар В.П.Мурат, Т.Г.Винокур, А.И.Ефимов, А.Н.Гвоздев, Р.А.Будагов каби бир қатор олимлар томонидан 4 тадан 7 тагача бўлиниши ҳақида фик-мулоҳазалар билдирилган.[2]

Ҳозирги ўзбек адабий тилининг 5 та функционал услуби фарқланади: 1) сўзлашув услуби; 2) бадиий услуб; 3) илмий услуб; 4) расмий усулуб; 5) публицистик услуб.

Бу услублар қаторига диний нутқ услубини ҳам киритиш мумкин.

Инглиз тилшунослигидаги стилистик услублар тўғрисида тадқиқот олиб борган рус тилшуноси И.Галперин инглиз тилида 5 та функционал услуб мавжудлиги ҳақида ёзади. Улар поэтик ва насрий адабий асарлар, драма учун хос бўлган бадиий услуб, публицистик услуб (ушбу услубга оғзаки радиоматнлар, иншолар ва мақолалар киритилган), газета услуби (бу услуб ахборот беришга қаратилган матнларни ўз ичига олган), илмий услуб ва расмий қоғозлар услуби (муаллиф бу услубга бизнес билан боғлиқ ҳужжатлар, ҳуқуқий мазмундаги расмий қоғозлар, дипломатик ва ҳарбий матнларни киритган).[3] Муаллиф сўзлашув услубини алоҳида услуб сифатида кўрсатиб ўтмаган, бироқ фольклор тили мустақил услуб сифатида махсус ўрганилиши мумкин эканлиги ҳақида фикр билдирган. Шунингдек, тадқиқотчи юқорида кўрсатилган функционал услублар такрор ўрганилиши, қайсилари биринчи, қайсилари иккинчи даражали, қайсилари мажбурий ва қай бир услуб ихтиёрий эканлиги ҳақида чуқурроқ ўрганиш лозимлигини таъкидлаган.[4]

Диний матнлар бизга таниш бўлган беш функционал услубнинг ҳеч бирига тўлалигича мос келмайди. Масалан, Қуръон тафсири ва ҳадисларда, диний ҳикоя ва ривоятларда образлилик, тасвирийлик мавжуд. Бу билан улар бадиий услубга хос хусусиятларни намоён этиши мумкин. Бироқ бундай матнларда образлилик ва тасвирийликдан кўра "динийлик", даъват, ундаш устунроқдир. Шу билан бирга, бадиий услубда ижодкорона ёндашиш мумкин, диний матнларга эса бундай ёндашиш мумкин эмас. Диний нутқда ҳар бир билдирилаётган фикр далилланиши, асосланиши шарт.

Илмий асарлар тили кўпинча маълум соҳа мутахассислари учун мўлжалланган бўлади.

Илмий нутқнинг мақсад ва вазифаси илмий алоқадан: информация берувчи олимлар, қабул қилувчи олий маълумотли кишилардан: алоқа формаси ёзма ёки оғзаки адабий нутқ формасидан иборат бўлишидир. Шу факторлар натижасида илмий стиль шаклланади ва яхлит адабий тил фонида бошқа нутқ туридан ажралиб туради.[5] Айнан шу сабабдан ҳам диний матнлар илмий услуб доирасига киритилмайди. Чунки диний матнлар муайян доирадаги мутахассислар учунгина эмас, балки бутун омма, кенг жамоатчилик учун мўлжалланган бўлади.

Диний матнлар сўзлашув услубига хос, деб ҳам айта олмаймиз. Чунки диний матнлар ҳам оғзаки, ҳам ёзма нутққа оиддир. Шунингдек, сўзлашув услуби одатда норасмий саналса, диний услубга оид оғзаки матнлар нисбатан расмийдир.

---

[1] *Мукаррамов М. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили. -Тошкент, 1984. -б.11*
[2] *Мукаррамов М. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили. -Тошкент, 1984. -б.15*
[3] *Galperin I. Stylistics. – Moscow, 1971. –p. 253-254*
[4] *Galperin I. Stylistics. – Moscow, 1971. –p.332*
[5] *Мукаррамов М. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили. –Тошкент, 1984. –б.16*

Расмий услуб расмий ҳужжатлар, расмий мулоқот услуби ҳисобланади. Диний матнларда инсоний ҳаёт, турмуш тарзига оид кўрсатмалар ҳам борки, бу диний матнларнинг расмий услубга киритилмаслигининг далилидир.

Публицистик услуб кенг омма учун мўлжаллanganлиги билан диний услубга яқин туради. Лекин публицистик услубда асосий мақсад ахборот етказиш, хабар беришдир. Диний нутқда эса, юқорида таъкидланганидек, даъват, ундаш, ишонтириш устунлик қилади.

Шу жиҳатдан олиб қаралганда, диний матнлар диний услуб доирасида ўрганилиши мақсадга мувофиқдир. Бу услуб ўзбек тилшунослиги учун янгилик эмас. Ўзбек тилидаги илмий адабиётларда аллақачон "диний стиль" атамаси қўлланган.[6]

Ўзбек тилининг диний услубига оид матнларни бир неча гуруҳларга бўлиб таснифлаш мумкин:

1. Муқаддас диний матнлар. Бу гуруҳ таркибига Қуръон Тафсири ва ҳадислар киритилади.

2. Диний илмий асарлар. Ушбу гуруҳга ғуръонни ўқиш ва ўрганиш, ҳадисшунослик илми, фиқҳ, тажвид каби йўналишларда ёзилган, умухалқ томонидан камроқ мурожаат қилинадиган, асосан, диний уламолар, олимлар ва шу йўналишда фаолият олиб борадиган мутахассислар учун яратилган китоблар киради.

3. Диний публицистик матнлар гуруҳи. Бу гуруҳда диний мазмундаги оммавий нашрлар ("ҳидоят", "Мўминалар" журналлари, "Ислом нури" газетаси), диний телекўрсатувлар ("ҳидоят сари"), диний ахборот берувчи интернет сайтлари фарқланади.

4. Диний ваъзлар. Диний мазмундаги ваъзлар, одатда, дин билимдонлари, олимлар, имом хатиблар, қорилар томонидан ўқилади. Бундай нутқ омма - кенг истеъмол учун мўлжалланган бўлади.

5. Дуо матнлари. Дуо диний эътиқодда муҳим роль ўйнайди, ҳар қандай динга сиғинувчи инсон дуо қилиш орқали Яратган билан мулоқотга киришади. Шу сабабли ҳам дуо барча диндорлар учун хосдир. Дуо матнлари оғзаки нутқда ҳам, ёзма нутқда, бадиий асарларда ҳам кўп учрайди.

Диний услубни алоҳида функционал услуб сифатида таснифлар эканмиз, унинг бошқа услублардан фарқли жиҳатларини ёритишимиз лозим. Ўзбек тилидаги диний услубга оид матнларнинг ўзига хос услубий жиҳатлари:

1. Диний услуб ўз терминологиясига эга ва у кенг қамровлидир.

2. Диний матнларда муқаддас китоб - Қуръондан ёки ҳадислардан иқтибос келтирилади. Бу орқали диний матнларга хос диалогизация намоён бўлади:

Тадбиркорлар ҳақида ўйлаганда, хаёлдан "Она Ватан ободлиги, халқ фаровонлиги йўлида ўз ҳузур ҳаловатидан кечган фидойи инсонлар", деган фикр ўтса-да, аслида, бундай кишиларнинг эзгу ишлари мевалари, аввало, ўзлари учундир. Қуръони каримда айтилганидек: "Кимки яхшилик қилса, бас, ўзи учундир. Сўнгра Раббингиз ҳузурига қайтарилурсиз" (Жосия сураси, 15 оят). ("Ватан тараққиётида янги босқич". Усмонхон Алимов, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий // "Ҳидоят" журнали. 2018 йил. 1-сон, 8-бет)

Инсон бошига тушган барча яхшилик ва ёмонликларни тақдирдан деб билиши керак. Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: "(Инсонга) бирор мусибат етган бўлса, албатта, Аллоҳнинг изни (иродаси) билангина етур. Кимки Аллоҳга имон келтирса, (У) унинг қалбини тўғри йўлга ҳидоят қилур. Аллоҳ ҳар нарсани билувчидир" (Табоғун сураси, 11 оят). ("Сафар ойи хосиятли ойдир". Муҳаммадшариф Нарзуллаев// "Ислом нури" газетаси. 2018 йил. 18-сон. 18-бет)

3. Диний матнларда турли ҳикоялар келтирилиши мумкин.

Имоми Аъзам Абу ҳанифа (раҳматуллоҳи алайҳ) айтади: "Устозим Имом ҳаммоднинг ҳурмати учун унинг уйи томонга оёғимни узатмаганман. ҳолбуки, уйларимизнинг орасида еттита кўча бор эди. ҳар намозда ота онамнинг қаторида у зотга мағфират сўрайман. Шунингдек, бошқа барча устозларимнинг ҳақларига дуо қиламан". ("Маънавият осмони юлдузлари". Уйғун Ғофуров, Тошкент ислом институти ректори//ҳидоят журнали. 2018 йил. 9-сон. 11-бет)

Абу Ҳомид Ғаззолий "Иҳёу улумид дин" китобидан бунлай ҳикоя қилинади: "Бир киши дўстининг ёнига келиб, тўрт юз дирҳам қарз бўлиб қолганини айтиб, ундан ёрдам сўрайди. Дўсти унга дарҳол айтилган миқдордаги пулни топиб жўнатадию, уйга қайтиб киргач, йиғлаб юборади. Хотини унга: "Бунчалар қийналар экансиз, нега бердингиз?" дейди. "Пул берганимга эмас, унинг ҳолидан хабар олмай, уйимга ёрдам сўраб келишгача мажбур қилганим учун йиғлаяпман", деб жавоб беради эр".

Хуллас, нафсни тарбиялаб, ҳар бир амалда саҳий кенгфеъл бўлишга интилиш юксак фазилатдир. ("Бахилликнинг энг ёмони". Эрдон Эсонов // "Ислом нури" газетаси. 2018 йил. 17-сон. 5-бет)

4. Диний матнлар, одатда, панд-насиҳат асосига қурилган бўлади.

...Биринчидан, ғийбат ёки бўҳтон гуноҳи кабиралардан бўлиб, охиратда унинг азоби қаттиқ бўлади. Иккинчидан, Аллоҳ ва унинг расули улуғлаган, мусулмонлар жам бўлиб Аллоҳга боғланадиган даргоҳда бу каби қилмишларнинг гуноҳи янада катта бўлади. Учинчидан, жамоат бирлигига путур етиши мумкин. Шунинг учун ўзини имонли деб билган киши Аллоҳнинг уйида беҳуда сўз айтиш, фитна қўзғашдан сақлансин. Масжидда билиб-билмай номақбул ишлар содир этиб қўймайлик... ("Жаннат боғларидан ўтсангиз". Муҳаммадназар ғаюмов// "Ҳидоят" журнали. 2019 йил. 3-сон. 23- бет)

5. Диний матнлар ичида турмуш тарзи ва ижтимоий масалаларга бағишланганлари кўп

[6] *Турсунов У., Ўринбоев Б. Ўзбек адабий тили тарихи. -Т.: "Ўқитувчи", 1982. -б.12.*

учрайди.

...Яна бир ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Эй Абу Зарр, агар шўрва пиширсанг, унинг сувини кўпайтириб, қўшниларингдан ҳам хабар олгин", дедилар... ("Яхши қўшни бўламизми?". Зиёуддин Аймуҳаммедов// "Ҳидоят" журнали. 2019 йил. 3-сон. 28-бет)

6. Диний матнлар одамларни ишонтириш, уларни нотўғри йўлдан қайтариб, тўғри йўлга солишга мўлжалланган, уларда директив актлар намоён бўлади:

Шундай экан, энг улуғ неъмат бўлган яшаш ҳуқуқидан одам ўзини ўзи маҳрум қилиши ўта ношукрлик ва катта гуноҳдир. ("Ўз жонига қасд қилиш неъматларга ношукрликдир". Ҳикматуллоҳ Тоштемиров// "Ислом нури" газетаси. 2018 йил. 17-сон. 10-бет)

7. Диний матнларда диалоглар кўп учрайди. Бу ҳолат ҳадислар матнида ҳам, диний публицистик материаллар матнида ҳам кузатилади:

- Ассалому алайкум, Бухорий бобо, кирсам майлими?

- Ва алайкум ассалом ва раҳматуллоҳ, келинг, марҳабо!

- Устоз, исмим Ҳикматуллоҳ, илм толибиман. Баъзи саволларни сўрашимга ва насиҳатларингиздан баҳраман бўлишимга ижозат беринг?

- Келинг, илм хазина бўлса, унинг калити сўраш-дир. "Ассалому алайкум, Бухорий бобо!" Ҳикматуллоҳ Тоштемиров// "Ҳидоят" журнали. 2018 йил. 5-сон. 29-бет)

8. Талаффузда араб тилининг таъсири яққол сезилади. Ислом динига оид асосий матнлар араб тилида ёзилганлиги боис, диний воизлар ҳам ўз нутқларида Қуръондан иқтибос келтириш, ҳадисларни айтишда шу тилдан фойдаланадилар. Ўзбек тилида ваъз ўқилаётганда ҳам талаффузда араб тилининг таъсирини учратишимиз мумкин.

9. Диний уламолар ўз ваъзларида айрим ҳолларда феълларга -лик қўшимчасини қўшиб фойдаланишларини учратишимиз мумкин. Бу ишни тўғри деб билишликлари лозим (Телекўрсатувдан). Ушбу гап, аслида, Бу ишни тўғри деб билишлари лозим тарзида ифодаланиши керак. Лекин бу ҳолатда лисоний ортиқчалик орқали маъно кучайтирилиши ва таъкидга эришилади.

Функционал услублар нутқнинг кимга қаратилганлиги, мақсади, қай йўсинда ирод этилишига кўра фарқланади. Ўзбек тилшунослигида мавжуд бешта функционал услублар қаторига диний функционал услубни ҳам киритиш мумкин. Диний функционал услуб бошқа нутқ услублари билан ўхшаш ва фарқли жиҳатларни намоён этади. Ўзбек тилида диний функционал услубнинг ўзига хос стилистик хусусиятлари мавжуд.

**Тақризчи: ф.ф.д., (PhD) Н.Хошимова.**

**********************

# ЎЗБЕК ТИЛИ ЕР САТҲИ
## КЎРИНИШЛАРИНИ ИФОДАЛОВЧИ АТОВ БИРЛИКЛАРИ ВА ГЕОГРАФИК ТЕРМИНЛАР МУНОСАБАТИ

***Исломов Икром Хушбоқович*** *- катта ўқитувчи,*
*Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети.*

**АННОТАЦИЯ:**

Ушбу мақолада ўзбек тилидаги ер юзаси кўринишларини ифодаловчи лексемалар ва улар асос бўлган географик терминларнинг ўзаро муносабатига доир фикр-мулоҳазалар билдирилган. Умумистеъмолдаги бирлик ва термин маъновий структурасидаги умумий ва фарқли белгиларни ажратишнинг аҳамияти, турли тизимга мансуб бирликларнинг лексикографик талқинини мукаммаллаштириш масаласига эътибор қаратилган.

В этой статье обсуждается связь между лексемами в узбекском языке поверхности земли и географическими терминами, на которых они основаны. Акцент делается на важности различения общих и отличительных признаков в семантической структуре общих единиц и терминов, а также на улучшении лексикографической интерпретации единиц, принадлежащих к различным системам.

This following article discusses the relationship between lexemes representing surface views in the Uzbek language and the geographical terms on which they are based. The attention was given to the importance of distinguishing between common and distinctive features in the semantic structure of common units and terms which are used in general consumption, and the issues on improving the lexicographic interpretation of units belonging to different systems.

Жаҳон тилшунослигида лексикага тилнинг алоҳида микротизими сифатида муносабатда бўлиниб, лексема ҳамда унинг таркибий қисмлари, системавий бирлашмалари - луғавий тўда ва микросистемалар, луғавий-маъновий гуруҳ ва қатор ҳамда уларнинг ҳар бирига хос хусусият ва қонуниятларни аниқлаш, таркиби ва ташкил этувчиларининг маъновий структурасини белгилаш натижалари асосида бугунги кунда гиперлексикография, корпус лингвистикаси учун ўта муҳим лингвистик таъминот яратишга эътибор кучаймоқда.

Маълумки, тил жуда серқирра, кўп аспектли ижтимоий-руҳий-физиологик ҳодиса, жараён. Бу қирранинг ҳар бири алоҳида тадқиқ предмети даражасида бўла олади. Шунинг учун тилшуносликнинг бутун тарихи мобайнида тилнинг алоҳида-алоҳида қиррасини ўрганувчи тилшуносликнинг компаративистика, натурализм, диахроник (тарихий) тилшунослик, синхроник (тавсифий) тилшунослик, структурализм, статистик лингвистика, психолингвистика, социолингвистика, ареал лингвистика, лингвистик типология, амалий тилшунослик каби оқим (мактаб, йўналиш)лари, тилнинг турли сатҳ бирликларини ўрганишга ихтисослашган фонетика, фонология, лексикология, лексикография, морфемика, грамматика, сўз ясалиши (деривация), семантика ва ҳ. бўлимлари ёнма-ён яшаб келмоқда. Оқим-йўналишлар яхлитлик сифатида олинган серқирра тилнинг айрим-айрим қиррасини чуқурроқ ўрганишга хизмат қилса, тилшунослик бўлимлари тилнинг турли хил (катта-кичиклик)даги бирликларини ўрганишга ихтисослашган. Тилшуносликнинг барча оқим ва йўналиши фанимизнинг асосий тадқиқ манбаи - тил ҳақидаги билимимизни (айрим ҳолда айни бир нарса ҳақида бир йўналишнинг ҳукми иккинчи оқим хулосасини инкор этса ҳам) муттасил тўлдириб боради.

Дунё тилшунослигида тилларни тадқиқ қилиш борасида фундаментал ишлар амалга оширилмоқда. Бу тилларни янги тилшунослик йўналишлари асосида кўриб чиқиш билан бирга, анъанавий (формал, структур) усуллар ёрдамида ўрганишнинг ҳам аҳамияти пасаймаганлигини кўрсатади. Зеро, тилларни фундаментал тадқиқ қилиш ҳар доим ҳам аниқ назарий ва амалий аҳамиятли натижани беради. Бу эса табиий тилларни сунъий интеллект учун моделлаштиришнинг, тил корпусларини тузишнинг асосида ётади.

Ўзбек тили луғавий бирликларнинг терминологик ва умумистеъмол қиррасини ажратиш уларнинг лисоний қийматини муайянлаштиришда муҳим. Борлиқ ҳодисалари кўп қиррали моҳиятга эгалиги боис оламнинг лисоний тасвири ва илмий терминология ўртасидаги ўзаро муносабат диалектик қарама-қаршиликлар бирлиги қонунияти асосида намоён бўлади. Бу ҳолат тадқиқ предметини "борлиқ-лисон" омили асосида кузатиш жараёнида яққол юзага чиқади.

Маълумки, ўзбек тилининг кўплаб лексемаларига ҳам атамавий, ономастик, диалектал ва бадиий қўлланишлар хос, бу қўлланишнинг ҳар бирида мазкур атов бирликлар ўзига хос қиррасини намоён қилади. Бу эса уларнинг ўзи мансуб тил ва лексикаси каби мураккаб структуравий маъновий-таркибий тузилишга эгалигидан далолат бериш билан бирга, турли аспектда, алоҳида илмий-амалий усуллар асосида тадқиқ қилиниши лозимлигини ҳам кўрсатиб туради.

Ўзбек тилида ер юзасининг кўринишларини ифодаловчи атов бирликларида ҳам юқорида қайд қилинган хусусиятларни кузатиш мумкин. Ўзбек тилининг минг йиллик тарихи давомида ўзининг барқарор ўрни ва вазифаларига эга бирликлар сифатида мавжуд бўлиб, лексик сатҳнинг алоҳида луғавий-маъновий гуруҳини ташкил қилган, дастлаб умумистеъмолдаги бирликлар сифатида ишлатилиб келинган атов бирликлар бугунги кунга келиб соҳавий тушунчаларни ҳам ифодалашга ҳам хизмат қилмоқда. Айни битта бирликнинг турли алоҳида тизимлар таркибида мавжуд бўлиши унинг маъновий кўламида миқдор ва сифат ўзгаришлар рўй берганлигидан далолат ҳамдир.

Демак, умумистеъмол бирлик соҳавий тушунчани ифодалашга ўтганда унинг маъносида, албатта, ихтисослашиш юз беради ва у терминологик талабларга мос ҳолда маъновий таркибини шакллантиради.

Ўзбек тили географик терминлари тизимида ер сатҳининг турли кўринишлари, рельефи билан боғлиқ тушунчаларни ифодаловчи бирликларнинг атамавий қўлланиши анча кенг ўрганилган[1]. Бироқ бу борадаги лексикографик талқин ва тавсифни янада чуқурроқ ўрганиш, тадқиқ қилиш ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мавқеини янада мустаҳкамлаш, уни ривожлантириш масаласининг давлат сиёсати даражасида қаралаётган бир пайтда муҳим амалий аҳамият касб этиши табиий. Ўзбек тилининг Миллий корпусини шакллантириш ва ривожлантириш масаласининг кун тартибига қўйилиши ҳам ўзбек тили лексик тизимини, ҳар бир микротизими ва соҳавий лексикани жиддий, замонавий техника тили талаблари даражасида аниқ ва илмий далилларга асосланган ҳолда тадқиқ қилишнинг нақадар муҳимлигидан далолат беради.

Ўзбек географик терминлари тизимида ҳам, бошқа соҳаларда кузатилганидек, ўзбек тилининг ички имконияти негизида ҳосил қилинганлари миқдори юқори. Бу борада, айниқса, ер юзаси кўринишлари билан боғлиқ тушунчаларни ифодаловчи терминлар алоҳида қайд қилиниши лозим.

Маълумки, соҳа терминларининг шаклланишида муайян фан тармоқлари, касб-ҳунар соҳаларида маълум тушунчаларни аниқ ифодалаш мақсадида умумхалқ тилида ишлатилаётган сўзлардан маъносини махсуслаштириш усули устуворлик касб этади. Хусусан, географик тушунчаларни ифодалайдиган ўзбек тили терминлари сирасида

[1] *Ғуломов П. Жўғрофия атамалари ва тушунчалари изоҳли луғати. - Тошкент: Ўқитувчи, 1994. - 105 б.*

ҳам умумистеъмолдаги сўзлар маъносининг ихтисослаштирилиши натижасида терминлик мақомига эга бўлган. Масалан, ўзбек халқ нутқида тоғ лексемаси умумистеъмол сўзи сифатида қўлланишда, тил тараққиётининг кейинги босқичида маъноси ихтисослаштирилиши натижасида географик термин мақомини олган. Демак, маълум бўладики, тоғ лексемаси семантик структурасида жиддий семантик ўзгариш рўй берган.

Соҳалардаги терминларнинг вужудга келиш асоси, асосан, умумхалқ тилидаги сўзлардир.[2] Ушбу фикрни ўзбек географик терминлар тизимига нисбатан ҳам айтиш мумкин. Бугунги кунда соҳа тушунчасини илмийлик талаблари даражасида аниқ ва ёрқин ифодалашликка хизмат қилаётган, терминга асос бўлган ўзбек тилининг умумистеъмолдаги лексемалар етарлича миқдорни ташкил қилади: тоғ, тепа, дўнг, чўққи, қир, адир, дара, сой, жарлик, довон, қиялик, қоя, тизма кабилар.

Демак, айтиш мумкинки, ўзбек географик терминларининг кўп қисми ўзбек тилининг ички имкониятлари асосида вужудга келган. Бундан ўзбек географик терминосистемасининг тараққиёт ва бойиш манбаларидан асосийси ўзбек тили умумистеъмолдаги бирликлари эканлиги алоҳида таъкидланиши лозим бўлади.

Муайян тилнинг умумистеъмол сўзлари ва илмий терминология муносабатида лисоний имкониятлар қай тарзда амал қилади, лексема ва терминнинг ўзаро маъновий муносабати қандай мавқеда бўлади каби масаланинг қўйилиши табиий. Умумистеъмол бирлик ва соҳа термини ўртасидаги муносабатни, уларнинг маъновий кўламидаги ўзаро умумийлик ва фарқлиликни кўрсатиш орқали масаланинг ечимига йўл топиш мумкин. Бу эса умумистеъмолдаги бирликлар ва улар асос бўлган терминлар орасидаги лисоний муносабат ҳамда маъновий ўзгаришларни тизимий тадқиқ қилишни талаб этади. Демак, соҳа терминлари тизимининг шаклланиши ва терминлар маъновий кўламининг унга асос бўлиб хизмат қилган умумистеъмол бирликлар асосида тадқиқ қилиниши замонавий лексикографик талқин ва тавсифларнинг мукаммаллашувида муҳим омил ҳисобланади.

Кузатиш ва таҳлилларимизни бевосита ўзбек географик терминлари тизимига мансуб айрим бирликларга қаратамиз. Умумхалқ тилида узоқ даврлардан бери истеъмолда бўлган ер юзаси кўринишларини ифодаловчи сўзлар географик тушунчани англатишга ихтисослашиб, атамавий моҳият касб этганда умумистеъмол бирлик ва географик термин маъновий кўламидаги шаклий-мазмуний ўзгаришлар содир бўлишини уларнинг лексикографик талқинлари орқали ҳам англаш мумкин. Хусусан, тепа лексемасининг умумистеъмол ва атамавий маъноларида жиддий фарқлилик яққол намоён бўлади.

"Ўзбек тилининг изоҳли луғати" ("ЎТИЛ")да тепа лексемасига қуйидагича изоҳ берилган: "ТЕПА 1 Ер сатҳидан баланд, дўнг жой; тепалик, баландлик"[3]. Лексеманинг терминологик изоҳи эса қуйидагича: "Тепа - усти гумбаз шаклидаги, ёнбағирлари қия бўлган дўнг, баланд жой. Нисбий баландлиги 200 мдан ошмайди"[4]. Мазкур тавсифлар ўзаро қиёсланганда, "ҲТИЛ"даги тепа лексемасининг изоҳида "умуман бошқа жойга нисбатан юқорида жойлашган баландлик" деган белгиси аҳамиятли бўлиб, атамавий изоҳидаги "нисбий баландлиги 200 м дан ошмаслик" семаси билан ўзаро фарқланиши кузатилади. Изоҳлардаги ўхшашлик (умумийлик) эса ҳар иккала лексема таркибида мавжуд бўлган "баландлик" семасидир. Шунингдек, "ЎТИЛ"даги тавсифда тепа "умуман ер сатҳидан баланд бўлган жой" маъноси асосида атама мавқеидаги тепа га нисбатан кенгроқ тасаввур ҳосил қилишга имкон беради. Аллоҳида системалардаги икки тепа бирлиги битта лексеманинг турли мавқедаги кўриниши, уларнинг маънолари ўртасида ўзаро алоқадорлик аниқ сезилиб туради, бироқ умумхалқ тилидаги тепа маъноси махсуслаштириш йўли орқали соҳавий вазифага ўтганда, умуман бошқа тушунчани эмас, балки умумистеъмол бирлик англатган тушунчага илмий тус берилиб, соҳавий тушунча ифодаловчиси сифатида хизмат қилади.

Юқорида келтирилган лексикографик изоҳлар, албатта, фарқли ва бундай бўлиши табиий. Чунки "ЎТИЛ"да сўзлар умумистеъмол нуқтаи назардан туриб изоҳланган бўлса, унинг географик тушунчани ифодаловчи маъноси эса соҳа нуқтаи назаридан илмий аниқлик талабига кўра тавсифланган. Айни шу ҳолат умумистеъмолдаги бирлик ва у асос бўлган терминнинг маъновий кўлами қандай тарзда бўлишини кўрсатиб турибди. Барча терминлар ва уларга асос бўлган умумлексик бирликларнинг маъновий кўлами юқоридаги каби маъно таркиби жиҳатидан аниқ фарқли белгилари асосида лексикографик талқин ва тавсиф қилинган дейиш мушкул. Бироқ умумистеъмол бирлик билан у асос бўлган терминнинг маъновий кўламида ана шундай аниқ фарқ ва чегара бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади. Шунга кўра, умумистеъмолдаги лексема билан у асос бўлган термин муносабатида маъновий фарқлилик аниқ ва ёрқин ифодасини топиши лозим. Бу эса ҳар бир термин ва унга асос бўлган умумистеъмолдаги лексема муносабати юзасидан алоҳида тадқиқотни тақозо қилади.

**Тақризчи: ф.ф.б.ф.д (PhD), Ф.Жумаева**

*[2] Қораев С.Қ. ва бошқ. Географик терминлар ва тушунчалар изоҳли луғати. - Тошкент: Ўқитувчи, 1979. - 156 б.*
*[3] Ўзбек тилининг изоли луғати. V жилд. - Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. - 4-жилд. - Б. 66.*
*[4] Ғуломов П. Жўғрофия атамалари ва тушунчалари изоғли луэати. - Тошкент: Ўқитувчи, 1994. - Б. 105.*

# THE FORMING SOCIOLINGUISTIC COMPETENCE OF FUTURE ENGLISH LANGUAGE TEACHERS THROUGH THE USE OF AUTHENTIC MATERIALS

***Sarimsakova Dilafruz Muhamadjonovna*** - *Trainee Researcher of the department English Language and Literature Namangan state university*

**АННОТАЦИЯ:**

This article targets at forming sociolinguistic competence of future English language teachers through the use of authentic materials in EFL classroom. Many EFL teachers claim that the authentic materials designed for social and educational purposes are the best sources to teach intercultural competence which will be an effective platform to build sociolinguistic competence of learners.

**KEY WORDS AND PHRASES:** communicative competence, intercultural competence, sociolinguistic competence, authentic materials, the knowledge of socio cultural rules

Mazkur maqola ingliz tili darslarida bo'lajak ingliz tili o'qituvchilarining autentik materiallardan foydalanish orqali sotsiolinguistik kompetentligini shakllantirishga qaratilgan. Ko'plab ingliz o'qituvchilarining ta'kidlashicha, ijtimoiy va ma'rifiy maqsadlar uchun tayyorlangan autentik materiallar madaniyatlararo kompetentligini rivojlantirish uchun eng yaxshi manbalar bo'lib, talabalarlarning sotsiolinguistik kompetensiyasini shakllantirish uchun samarali platforma vazifasini o'taydi.

**KALIT SO'ZLAR:** kommunikativ kompetensiya, sotsiolinguistik kompetentsiya, madaniyatlararo kompetentsiya, autentik materiallar, ijtimoiy madaniy qoidalarni bilish

В данной статье дается описание формирования социолингвистической компетентности будущих учителей английского языка путем использования аутентичных материалов в классе английского языках. Многие преподаватели английского языка как иностранного утверждают, что аутентичных материалы, разработанные для социальных и образовательных целей, являются лучшими источниками для обучения межкультурной компетенции, которая станет эффективной платформой для развития социолингвистической компетенции учащихся.

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** коммуникативная компетентность, социолингвистическая компетентность, межкультурная компетентность, аутентичные материалы, знание социокультурных правил.

In today's globalized society, the ability to express oneself in a foreign or second language is considered as a vital skill. This ability to use the language in social settings appropriately is called sociolinguistic competence and without developing this ability, even the most perfectly grammatical utterances might convey a meaning entirely different what the speakers intended to express themselves in real life communication. Thus, the recent reforms in our country lead to the need of improving the system of higher education, especially, there is a need to strengthen high-quality preparation of future English teachers who are able to act as an active subject of their professional activity and who must be fluent in a foreign language and must demonstrate their high levels of communicative competence and who must be have a shared understanding of cultural beliefs, values and behaviors; also to recognize their own identity and culture and to properly interact with others using the appropriate communicative skills for a more intercultural approach of the language and not only knowledge of grammatical rules. The Common European Framework of Reference (CEFR) has introduced the 'Intercultural competence' as one of the vital aims of language teaching. Byram[1] et al. (2002) illustrate the significance: "emphasizing that language learners need to acquire not just grammatical competence but also the knowledge of what is 'appropriate'. The concepts "intercultural competence" and "sociolinguistic competence" have to do with the ability to have a shared understanding of cultural beliefs, values and behaviors; also to recognize their own identity and culture, and to properly interact with others using the appropriate communicative skills. The intercultural competence became an effective platform to build sociolinguistic competences. In other words, the communicative competence includes other aspects such as sociolinguistic and the intercultural competences which allow that learners use language in context and to become representatives of their cultures and be aware of other cultural identities, shared knowledge and practices in real social settings.

### The role of authentic materials in forming sociolinguistic competence of future English language teachers

Many EFL teachers claim that the authentic materials designed for social and educational purposes are the best sources to teach intercultural competence which will be an effective platform to build sociolinguistic competence of learners. There are many argumentative definitions of authentic materials. According to Richards[2] (2006, p.20), "authentic materials

*[1] Byram, M., Gribkova, B., & Starkey, H. (2002). Developing the intercultural dimension in language teaching: A practical introduction for teachers. Strasbourg: Council of Europe.*
*[2] Richards, J. C. (2006). Communicative Language Teaching Today. Cambridge: CUP p.20*

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** комедия жанри шаклланиши ва ривожланиши, комик характер, миллийлик, бадиийлик, драматург маҳорати, сўз санъати, адабий танқид, сатира ва юмор.

В данной статье дается описание пробелем возникновения и развития жанра комедии в узбексой литературе XX века на примере произведений Хамзы, Абдуллы Каххара, Эркин Вахидова и Шарафа Бошбекова.

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** формирования жанра комедии, развитие литературы, жанровые особенности, комизм, наыиональный характер, художественный язык и мастерство.

Ўзбек комедияларининг тарихий тараққиёт тамойилларини белгилашда ҳамза ҳакимзода Ниёзийнинг "Майсаранинг иши", Абдулла Қаҳҳорнинг "Тобутдан товуш", Эркин Воҳидовнинг "Олтин девор" ва Шароф Бошбековнинг "Темир хотин" комедиялари алоҳида ажралиб туради. Бу асарларнинг яратилиши ва таҳлили мисолида миллий комедиямизнинг ўзига хос тарихий тадрижий ривожланиши ва унинг ғоявий-эстетик омиллари, жанр табиатида юз берган сифат ўзгаришларини бевосита адабий жараён контекстида изчил ёритиш мумкин. Ўзбек комедиялари табиатида салкам бир асрлик тараққиётида юз берган ўзгаришларни ўрганиш давомида, бир томондан, миллий комедияларнинг ўзига хосликлари аниқлanca, иккинчи томондан, уларнинг рус ва жаҳон комедиялари билан муштарак ва фарқли жиҳатлари ҳам ойдинлашади. Ўзбек ва жаҳон адабиётшунослигида драма тургия масалалари , шунингдек, комедия ва комик маҳорат, ҳажв ва кулги муаммолари анча кенг ўрганилган. Лекин танқид ва адабиётшунослиги мизда бу мавзуда олиб борилган илмий тадқиқотлар аксарияти мустақилликдан илгари яратилган; уларда ҳукмрон мафкура талабларидан келиб чиқиб, комедияларнинг бадиийлигига ннсбатан ғоявий мазмунига, синфийлиги ва партиявийлик мезонларига кўпроқ эътибор қаратилган, асарлар таҳлили ҳам ана шу тамойилларга мувофиқлаштир илган. Эндиликда уларни санъат мезон лари асосида қайта таҳлил қилиш ва баҳолаш зарурати юзага келмоқда.

Бу комедияларнинг воқеавий асосини инсон характери, ундаги турли нуқсон ва камчиликлар натижасида келиб чиқадиган ҳар хил чигаллик, нохуш ва номақбул ҳолат ёхуд ҳаётий муаммолар ҳамда уларни сатирик ёки юмористик кулги воситасида акс эттириш ташкил этади. Худди шу воқеавий асосга мос тарзда муаллиф ўз асарида зарур бадиий конфликт ва характерлар тизимини шакллантиради. Инсон характери ўзгармас, туғма хусусиятларга эга бўлиши билан бир пайтда, унга жамият ва муҳит таъсирини ҳам инобатга олиш лозим. Инсон характеридаги умумжамият тамойилларига зид бўлган номақбул жиҳатлар ҳар доим томошабин нафрати, кулгисига сабаб бўлади.

XX аср ўзбек адабиёти ва драматургияси тарихи, жумладан, Ҳамза Ҳакимзода сингари йирик сиймолар ҳаёти ва ижоди ҳам эндиликда илмий холислик билан ўрганилаётганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Маълумки, Ҳамза асарлари ҳам тоталитар тузум сиёсати ва мафкурасига мослаштир илиб, бирёқлама талқин этиб келинган. Мустақил лигимиздан сўнг ҳамза ҳаёти ва ижоди, айниқса, унинг "инқилобий" руҳдаги асарлари бўйича янги изланишлар олиб борилгани ва жиддий натижаларга эришилганлиги нафақат ҳамзашуносликда, балки танқид ва адабиётшунослигимизда ҳам янги саҳифа очилишига асос бўлмоқда. Масалан, атоқли адабиётшуносларимиз Озод Шарафиддиновнинг "Истибдод қурбони ёхуд ўзлигидан маҳрум қилинган шоир" ва Лазиз Қаюмовнинг "Биз билмаган ҳамза" сингари янги талқин ва таҳлилларга бойлиги билан ажралиб турган теран мақолаларини, шунингдек, машҳур шоиримиз Абдулла Ориповнинг ҳамзага бағишланган "Шоир қисмати" номли янги шеъри (бу-ҳамза ҳақидаги учинчи шеър)ни ҳам алоҳида тилга олиб ўтиш адолатдан бўлар эди.

Абдулла Қаҳҳорнинг 1962 йили ёзилган ва нафақат республикамизда, балки кўплаб қардош ва хорижий мамлакатларнинг театрларида ҳам муваф фақиятли намойиш этилган "Тобутдан товуш" сатирик комедияси ҳам ҳаётий ҳақиқатни акс эттирганлиги билан томошабинлар эътиборини қозонади. (Бу комедиянинг ҳам бир неча варианти бўлгани ёзувчи архивидаги қўлёзмалар дан маълум). Бу ўринда Абдулла Қаҳҳор доим амал қилган ва бошқа ёзувчи лардан ҳам талаб қилган асосий бир ижодий принципига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ёзувчининг адабиётимиз ва танқидчилигимизда унутилмас из қолдирган "Ёшлар билан суҳбат" (1968) китобидаги "Сохтагар чилик тўғрисида" мақоласида ҳам ёш ёзувчилар

учун, ҳам драматургиямиз ривожи учун асқотадиган муҳим фикр ва қарашлари ифодаланган: "Адабий асарнинг майдонга келиши учун авторнинг ниятигина кифоя қилмайди. Авторнинг нияти маълум бир идеяни ташвиқ қилмоқ экан, уни ташвиқ қила билишнинг асосий шартларидан бири ўқувчини ишонтира билишдир. Асардаги воқеалар, деталларга китобхон ишонмаса, ҳатто шубҳа қилса ҳам, асарнинг қиймати қолмайди.

Фараз қилайлик, бир спектаклда ўтирибмиз. Саҳнада 70-80 яшар бир чол ёвуз қўли билан ўлдирилган ўғлининг тобути устида фарёд чекаётибди. Биз, албатта, таъсирланамиз, чолнинг қайғусига қўшиламиз, ёвузга нисбатан қаттиқ душман кайфиятда ўтирамиз. Бордию шу пайтда "чол" (актёрнинг соқоли (грими) тушиб кетса нима бўлади? ҳеч шубҳасиз, шу картинанинг гина эмас, бутун спектаклнинг таъсири йўқолади. ҳолбуки, агар чолнинг соқоли грим эканини ўзимиз яхши билганимизни эътиборга олсак, соқолнинг тушиб кетиши анчайин бир қусур" Ёзувчи адабиёт ва санъатнинг, бир сўз билан айтганда, бадиийликнинг бундай асосий мезон-талабларини ҳам ҳаётий мисоллар ва мантиқий далиллар билан баён этганлигини кўрамиз.

Абдулла Қаҳҳор Ёшлар билан суҳбат" асарида машҳур комедияси "Тобутдан товуш"нинг ёзилиш сабабини шундай изоҳлаган эди: "Назаримда, бу йил менинг учун энг муҳим ҳодиса шу бўлди: жамиятимизни қуртдай кемираётган порахўрликнинг чипқон азобидан вужудим қақшаб келаётган эди. "Тобутдан товуш" қўзғат ган қаҳқаҳани, "думи босилган" кимсаларнинг ғингшиётганини эшитиб, кўзим бир оз очилгандай бўлди. Ҳаётимизнинг айрим пайтларида иллатлар ҳақида минг мулоҳаза билан айтилган баъзи бир камчиликлар ҳам "типик эмас", "сиёсий хато", "душман тегирмонига сув қуйиш", "туҳмат" ва ҳоказо ҳисобланар эди. Бу ҳол ўтмиш сарқитларининг яшашига, ҳатто урчишига қулай шароит туғдириб берган эди. Ҳозирги даврда ҳаётимизга доғ соладиган ўтмиш сарқитлари-худбинлик, ҳаромхўрлик, мансабпарастлик ва бошқа иллатларга қарши курашни биздан халқимиз талаб қилаётипти."[1] Абдулла Қаҳҳорнинг сатирик комедияси ўз мавзуси ва ғоявий мазмуни билан қанчалик долзарб аҳамиятга эга эканини ўтган 60 йиллар давомида нафақат юртимизда, балки собиқ Иттифоқда ва дунё миқёсида ҳам коррупциянинг илдиз отиб, жамият тараққиётига энг хавфли тўсиқ бўлаётганлиги ҳам тасдиқлаб турибди. Бошқача айтганда, Абдулла Қаҳҳорнинг "Ёзувчи келажакнинг махсус мухбири бўлиши керак" деган юксак ижодий принципига изчил амал қилганлигига ушбу комедия мисоли да яна бир карра амин бўламиз.

Ҳар бир санъат асари етук бўлиши унинг тили ва услубига бевосита боғлиқ. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ва Абдулла Қаҳҳор комедияларининг ҳам муваффақият қозониши ва томошабинлар олқишига сазовор бўлишининг асосий сабаб-омилларидан бири, шубҳасиз, уларнинг халқчил тили ва адибларнинг юксак сўз санъаткорлигидадир. Бу жиҳатдан А.Қаҳҳорнинг ҳамза асарлари ва драмаларининг элга манзур бўлганлиги сабаб ва омиллари ҳақидаги мулоҳазалари бадиий тилнинг адабиётдаги ўрни ва аҳамиятини англашда ҳам қимматли бир хулоса бўлиб саналади. "Ҳамза ҳакимзода асарларининг халққа бу қадар яқин ва суюмли бўлишига асосий сабаб унинг замон билан ҳамнафас ва халқ дилининг таржимони бўлганлиги дир. Шу сабаб унинг тилини халққа ниҳоятда яқин қилди. Ҳамзагача ва Ҳамза даврида ҳам ҳеч бир ёзувчининг тили Ҳамза тилидек жонли ва ранг-баранг халқ тилига яқин бўлган эмас",-деганда Абдулла Қаҳҳор ҳақ эди.*

Кўплаб адабиётшунос ва услубшунос олимларимиз тўғри таъкидлаган идек, Абдулла Қаҳҳор ва Эркин Воҳидовнинг комедиялари тили, бетакрор сўз санъаткорлиги ҳам алоҳида аҳамияг касб этади., уларнинг сўз танлаш ва қўллаш санъати ўзига хос бир маҳорат мактабидир. Бу икки устоз ижоди ҳам адабиётшунослигимизда кенг ўрганилиб, қатор монографик тадқиқотлар яратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидовнинг ёрқин шахси ва ижодига бағишланган "То қуёш сочгайки нур"(2018) номли йирик тўплам адабий ва маънавий ҳаётимизда жиддий бир воқеа сифатида эътироф этилишига шубҳа йўқ. Аммо "ҳар тўкисда бир айб" деганларидек, кўплаб етук мақолалар, чуқур самимият ва миннатдорлик билан битилган нурли хоти-раларни ўз ичига олган ушбу мажмуанинг бир жиҳатидан адабиёт мухлисларнинг кўнгли тўлмаса керак. Яъни 80 дан ортиқ таниқли шоир ва ёзув-чилар, олиму таржимон ва муҳаррирлар томо-нидан ажойиб бир гулдаста янглиғ яратилган 500 саҳифалик шундай катта тўпламда шоирни нг миллионлаб томошабинлар меҳру эътиборини жалб этган "Олтин девор" комедияси ҳақида лоақал қисқароқ бўлса-да биронта мақола ёки хотира киритилмаган. Фақат адабиётшунос Нуриддин Шукуровнинг анча йиллар аввал ёзилган 25 бетлик мақоласи сўнгида ахборот тарзидаги қисқа бир маълумот келтирилган холос: "Эркин Воҳидов "Олтин девор" номли комедиянинг ҳам муаллифи. Бу асар билан кулгили драматик ҳолатлар, драматик вазиятлар тўқишда ҳам ўзига хос талантга эга эканлигини кўрсатди..."(То қуёш согайки нур, 460-б.) ҳолбуки, ушбу тўпламга "Эркин Воҳидов ҳаёти ва ижоди замондошлари нигоҳида" деб ном қўйилган ва бу залворли номга

[1] Абдулла Қаҳҳор.Асарлар.6-т.Т.1971.289-б.

китобхонлар жуда катта умид боғлайди.

Қолаверса, Эркин Воҳидовнинг машҳур "Ўзбегим" қасидаси билан боғлиқ тўғри, аммо кўпчиликка маълум фикр-мулоҳазаларнинг ҳаддан ортиқ такрор ланганлиги ҳам тўпламнинг савияси ва адабий-эстетик аҳамиятини ошир ишга хизмат қилмаслигини қайд этиш лозим. Зеро, буюк Навоийнинг "Бир деганни икки демак хуб эмас,

Сўз чу такрор топди дилкаш эмас" каби пурҳикмат сўзлари танқид-адабиётшунослик соҳасида ва адабий асар таҳлилида ҳам қимматли бир ижодий дастур бўлиши лозим.

Худди шунингдек, Абдулла Қаҳҳорнинг юксак бадиий маҳорат билан ёзилган "Тобутдан товуш" сатирик комедия сининг яратилиши жараёни ва унга нисбатан айрим адиб ва танқидчиларнинг муносабати масаласи ҳам адабиётшунос лигимизда етарли даражада ёритилган деб бўлмайди. Абдулла Қаҳҳорни ўзлари учун кўп жиҳатдан устоз деб билган ва ҳақгўйлик бобида ҳам улуғ адибга издошлик қилган ҳассос шоиримиз Эркин Воҳидовнинг шу хусусдаги қуйидаги фикрлари ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Абдулла Қаҳҳор "суҳбатларидан бирида ёшларнинг "ҳозир қандай асар устида ишлаяпсиз?" деган саволига "порахўрлик тўғрисида драма ёзяпман",-деб жавоб берган ва порахўрлик иллати нинг бор қабиҳ кўринишларини, хилларини санаб берган эди. Ёзувчи "Тобутдан товуш" драмасига материал йиғиш асносида бир дафтарни тўлдириб ҳар бири афоризмдай жаранглайдиган иборалар ёзиб чиққан экан. Шулардан бир нечтасини бизларга ўқиб берган ва таассуф билан шундай деган эди: "Бу гаплар ўз ҳолича ёмон эмас. Ўзимга ҳам маъқул. Лекин драматургия шундай қайсар жанрки, бу ибора ларнинг қай бирини қаҳрамон нинг оғзига солсам, туфлаб ташлайди." Бир оғиз сўз билан Абдулла Қаҳҳор драматургиянинг бутун мураккаб табиатини, характер мантиқи, психо логик асослаш каби мушкул талаблар ини ифода қилган эди. Ёзувчи "Тобутдан товуш" асари билан кучли бонг урган, нафс бандаларига, эсингизни йиғиб олинг, деган эди. Афсуски, бу асар юқори давралдарда ўз қадрини топмади"

Дарҳақиқат, Абдулла Қаҳҳор комедияларида маҳорат билан яратилган Заргаровлар, Марасул ҳузуржонов, Сухсуров, Нетайхон ва ғори каби салбий типлар бадиий образлар эканлиги ва улар орқали ҳаётдаги ижтимоий иллат лар санъаткорона фош этилганини нафақат юқори лавозимдаги партократ- амалдорлар, балки уларга содиқ бўлган айрим "ҳайбаракаллачи" ижодкорлар ҳам тушунолмаган ва комедияда ифодаланган бадиий ҳақиқатни ҳазм этол маган. Шу тариқа бадиий адабиёт, айниқса, сатирик комедия спецификаситабиатини англаб етмаган айрим демагоглар ўзларининг схематизм-қолиплари ини рўкач қилиб, реал воқеликни санъаткорона акс эттирган Абдулла Қаҳҳор асарларига кескин қарши чиқадилар. Жумладан, шўро сиёсати ва ҳукмрон компартиянинг мафкуравий талаблари асосида ғаразли ниятда уюштирилган ва 1963 йил, 11 августида марказий матбуотда эълон қилинган танқидий мақолада миллионлаб томошабинларга манзур бўлган "Тобутдан товуш" комедияси социалистик жамиятимизни ҳаддан ортиқ қоралаб юборганликда айбланади ва алал-оқибат адибнинг бу асари ҳам ёмонотлиққа чиқарилиб, театр саҳналарида намойиш этилиши тақиқланади.[2]

Ҳақгўй адиб Абдулла Қаҳҳорнинг етук комедиясига нисбатан қилинган бу каби ноҳақлик ва ёзувчига нисбатан танқид-адабиётшунослигимиздаги тенденциозлик ҳақида кўплаб адиблар ва холис мунаққидлар ҳам ҳайрат, ҳам ачиниш билан эслашади. Чунончи, Абдулла ғаҳҳор ижоди ва шахсини яхши билган таниқли адиб Одил Ёқубов "ёзувчиларимиз орасида алдамчилик, таниш-билишчилик ва порахўрлик устидан ҳеч ким Абдулла Қаҳҳорчалик кула олмагани, нафрат қила билмаганини ва бу каби иллатларни фош этар экан, унинг тили ҳеч бир муболағасиз заҳарга айланишини" таъкидласа, устоз адибнинг "ҳар бир асари, ҳар бир мақоласи дунёда лоф айтиб умр кўраётганлар учун кескин зарба бўлар эди, -деб ёзади Абдулла Орипов. Биргина "Тобутдан товуш" пьесасини эсланг. Порахўрликни қаттиқ қорала ган бу асар ўз вақтида айрим одамлар томонидан сал бўлмаса жамиятга туҳматдай қабул қилинди. Орадан йиллар ўтиб, Абдулла Қаҳҳорнинг мутлақ ҳақлиги аён бўлди. Абдулла Қаҳҳор доимо ҳақиқатга таянар, бошқалардан ҳам шуни талаб қилар эди".* Бироқ ҳаёт ҳақиқатини ифодалашда Абдулла Қаҳҳор ва Эркин Воҳидов каби шижоатли адибларга хос собитлик ва садоқат камдан-кам ёзувчиларнинггина ижодий тақдирига айланади. ҳаётий ҳақиқат улар истеъдодининг мақсад йўналиши ва ижодкор шахс характерини белгиловчи бош фазилат эди.

Афсуски, Қаҳҳорнинг бугунги Истиқлол даври адабиёти ва китобхонлар маънавиятини бойитиши мумкин бўлган ўткир сатирик ва танқидий асарлари холисона баҳоланиши ўрнига, аксинча, асоссиз равишда қораланди ва улар кўп йиллар давомида тақиқланиб келинди. Масалан, адиб вафотидан кейин 1968 йили нашр этилган, аммо ҳукмрон мафкуранинг манқуртларча тазйиқи билан махв этилган "Ёшлар билан суҳбат" китобида ҳам чуқур ҳаётий ва ижтимоий-эстетик ҳақиқат акс эттирилган эди.

**Тақризчи: фил.ф.д. У.Қосимов**

[2] Эркин Воҳидов. Қарздорлик.-Абдулла Қаҳҳор замондошлари хотирасида. Т.:117-б.

# ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИЕ АНТОНИМЫ РУССКОГО И УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКОВ

***Жумаева Зубайда Шавкатовна -*** *Старший преподаватель, Джизакский государственный редагогический институт*

**АННОТАЦИЯ:**

Статья посвящена исследованию семантических, а именно - антонимических отношений между фразеологическими оборотами русского и узбекского языков. Проанализированы антонимические отношения между однозначными и многозначными фразеологизмами обоих языков типа не бог весть сколько - как сельдей в бочке, хоть пруд пруди; рукой подать - на краю света, куда Макар телят не гонял; черепашьим шагом - семимильными шагами, сломя голову; аклини танимок - аклини йукотмок. Для иллюстрации теоретических данных использован фактический материал из толковых, двуязычных и фразеологических словарей (С.И.Ожегова, А.И. Молоткова, Ш.Рахматуллаева, М.Садыковой, Р.И.Яранцева).

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА :** фразеологический оборот, фразеологизм, антонимия, синонимия, полисемия, многозначные фразеологизмы, семантика фразеологизмов, антонимические пары.

This article is a study, in corporative terms, of the structure of phraseological expressions of the Russian and Uzbek languages.

The study of the structures of phraseological expressions showed that phraseological units are mostly often found in both languages, which are phrases and sentences like: "nebo s ovsinku kajetsa", moloko na gubah ne obsohla", ona suti ogzidan ketmagan", "brat' primer", "ne ryba ne myaso", "kak koshka s sobakoy", "tomdan tarasha tushganday", etc. The various points of view of famous researches of the Russian and Uzbek languages were studied.

The antonomical relations between monosemantic and polysemantic phraseological units of both languages are analyzed - ne bog vest' skolko - kak seldey v bochke, hot' prud prudi; rukoy podat' - na krayu sveta; kuda Makar telyat ne gonyal; cherepashimi shagami - semimilnymi shagami; aqlini yo`qotmoq - aqlini tanimoq.

**KEY WORDS:** phraseological expressions, phraseological units, structural models, postpositions and preposition of dependent words, structure of phraseological units, communicative phraseological units.

В русском языкознании имеют место различные определения фразеологии и самих фразеологических оборотов русского языка, хотя особых различий в определении фразеологии как раздела современного русского языка не существует, но имеются они в дефинировании фразеологических оборотов.

В лингвистической литературе существует несколько определений фразеологических оборотов, и современные языковеды опираются на достижения в русском языкознании в определении самих фразеологических оборотов: "Семантический подход к образным фразеологическим единицам современного узбекского показывает, что основы семантической классификации фразеологических единиц, выдвинутой академиком В.В. Виноградовым, вполне приемлемы и для образных фразеологических единиц современного узбекского языка".[1]

Разделяя точку зрения Н.М.Шанского в определении сущности фразеологических оборотов,[2] мы принимаем широкое понимание фразеологических оборотов и можем давать следующее определение фразеологизмов: "Фразеологический оборот - это воспроизводимая, целостная по структуре и семантике, состоящая из двух и более слов единица языка". В качестве рабочих терминов применены в работе как синонимичные "фразеологизм", "фразеологический оборот".

Фразеологические обороты русского и узбекских языков обладают общими для них признаками: воспроизводимостью, наличием двух и более компонентов в составе фразеологизма, смысловой целостностью, образностью. Семантический подход к фразеологии не только русского, но и узбекского языка предусматривает рассмотрение различных семантических отношений в сфере фразеологических единиц, то есть они анализируются в отношениях полисемии, омонимии, синонимии и , конечно, антонимии.

"Фразеологические обороты могут вступать со словами и между собой в антонимические отно-

*[1] Рахматуллаев Ш. Некоторые вопросы узбекской фразеологии. АКД. Т., 1966.*
*[2] Шанский Н.М. Фразеология современного русского языка. М., 1969.с 26-27*

шения. Сравним: жениться - выйти замуж, балерина солист балета, машинистка - переписчик на машинке, победить - потерпеть поражение, лгать - говорить правду, хоть пруд пруди - кот наплакал, закадычный друг - заклятый враг, подветренная сторона - наветренная сторона, войти в моду - выйти из моды".

Для сопоставления языковых фактов в области фразеологии нами широко использовались одноязычные толковые словари русского и узбекского языков, узбекско-русские и русского-узбекские словари [см. 3,5,6,7,10 настоящей работы]. Определение антонимических отношений между фразеологическими оборотами дает возможность еще глубже понять значение фразеологизмов, способствует четче различать значения многозначных фразеологизмов, помогает в определении синонимии фразеологических оборотов. В этом отношении антонимия фразеологических оборотов тесно связано с полисемией и синонимией фразеологизмов.

"**Антонимия** - один из случаев семантических отношений между языковыми единицами, и они встречаются в устойчивых словосочетаниях подобно обычному слову"[3]. Выделение антонимии приводит, во-первых, к более глубокому пониманию словарного семантики устойчивых сочетаний, во-вторых, помогает различать разные значения одного устойчивого словосочетания при многозначности, приносит пользу в определении синонимии.

Будет легко определить антонимичность фразеологических оборотов, когда в их составе имеются разные слова-компоненты: очертя голову - с умом, важная птица - мелка сошка, рукой подать - у черта на куличках, на краю света - рукой подать, кот наплакал - хоть пруд пруди, заклятый враг - закадычный друг, войти в моду - выйти из моды; савол бермоқ - жавоб қайтармоқ, ҳушига келмоқ, ўзидан кетмоқ, вақти чоғ - таъби ҳира, ҳушини йўқотмоқ - ўзига келмоқ и другие. Во фразеологическом обороте узбекского языка юраг(и) кенг ва юраг(и) тор первые компоненты - одни и те же слова, а вторые компоненты - слова-антонимы. В антонимических фразеологических оборотах кўнгл(и) жойига тушди - юраг(и)га ғулғула тушди третий компонент является одним и тем же словом, а первые компоненты являются синонимами (кўнгл(и) ва юраг(и), а вторые компоненты не создают никаких семантических отношений между собой.

Как видно из примеров, антонимические слова - компоненты в составе антонимических фразеологических оборотов играют важную роль в создании значения антонимичности между фразеологизмами. Не всегда в составе антонимических фразеологических оборотов участвуют антонимические слова-компоненты. Антонимия определяется в случае полного понимания словарного значения фразеологического оборота.

Как при синонимии, антонимические отношения в многозначных фразеологизмах определяется отдельно в каждом из значений.

Как и в русском, так и в узбекском языках "... фразеологизмы - антонимы могут различаться по своему составу только одним словом, причем, как правило, эти слова в лексической системе являются антонимами". Например, развязывать язык - связывать язык, засучив рукава - спустя рукава, падать духом - воспрянуть духом, надевать маску - сбрасывать маску; руҳини кўтармоқ - руҳини туширмоқ, кайфи бузуқ - кайфи чоғ, кўнгли ғаш бўлди -кўнгли ёришди и т.п. Но среди фразеологических оборотов узбекского языка встречаются такие фразеологизмы, в которых имеются компоненты с совершенно противоположным значением и одинаковые компоненты с разными, противоположными значениями. Значения противоположности им придают суффиксы: ўзига келмоқ - ўзидан кетмок (букв. приходить в себя - уходить из себя), ҳушига келмоқ - ҳушидан кетмоқ (букв. "приходить в сознание - уходить из сознания). Такое явление не встречаются среди фразеологизмов русского языка.

Как было отмечено, антонимия фразеологизмов тесно соприкасается и полисемией. Антонимия наблюдается: а) между однозначными фразеологизмами: не покладая рук - сложа руки, засучив рукава - спустя рукава, воспрянуть духом - падать духом, жить своим умом - жить чужим умом; ақлини танимок - ақлини йўқотмоқ и т.д.. Первые фразеологические обороты из указанных пар имеют положительную семантику, чем вторые обороты. Б) между многозначными фразеологизмами: антонимические отношения рассматриваются в каждом из значений полисемантичного фразеологизма. Иногда два или несколько фразеологических оборотов вступают в антонимические отношения в отдельных своих значениях. Для сопоставления языковых фактов в области фразеологии нами широко использовались одноязычные толковые словари русского и узбекского языков, узбекско-русские и русского-узбекские словари [см. 3,5,6,7,10 настоящей работы]. Определение антонимических отношений между фразеологическими оборотами дает возможность еще глубже понять значение фразеологизмов, способствует четче различать значения многозначных фразеологизмов, помогает в определении синонимии фразеологических оборотов. В этом отношении

антонимия фразеологических оборотов тесно связано с полисемией и синонимией фразеологизмов. Может быть такое, что имеется антоним к одному из компонентов многозначного фразеологического оборота, а отсутствует антоним к другому значению фразеологизма. Например, является антонимом к моносемантическому фразеологизму савол бермоқ первое значение из пяти значений полисемантического фразеологизма жавоб бермоқ (отсутствуют антонимы у остальных пяти значений фразеологического оборота жавоб бермоқ).Или как с неба свалился (в 1 значении) - как в воду канул, развязывать язык (1) - связывать язык, выбиваться из сил (1) - набираться сил, в глаза - за глаза (1); ҳушини йўқотмоқ (1) - ҳуши ўзига келди (1). Или однозначный фразеологизм ўзидан кетмоқ одновременно является антонимом многозначных фразеологизмов ҳушига келмок (1) и ҳуши ўзига келди (1) и однозначного фразеологизма ўзига келмоқ.[4]

Нами было отмечено, что антонимия фразеологических оборотов тесно связано с синонимией фразеологизмов, так как "… антоним служит одним из вспомогательных критериев при установлении наличия синонимических связей: если одно выражение (или же одно из значений полисемантичной фразеологической единицы)является одновременно антонимом двум и более выражениям (или же значениям двух и более полисемантичных фразеологических единиц), то последние между собой являются синонимами. Например, синонимичные фразеологизмы хушидан кетмок, хушини йўкотмок, кўнгли озди (1), ўзидан кетмоқ являются антонимами фразеологизмов ўзига келмоқ, ҳушига келмок (1), ҳуши ўзига келди(1), которые между собой являются также синонимами.

Такие же отношения синонимии и антонимии можно наблюдатьу фразеологических оборотов кўнгли ёришди с фразеологизмами кўнгли ҳира бўлди, кўнгли ғаш бўлди, ташвиш тортмоқ, кўнгли ғашланди. Такое явление наблюдается среди фразеологических оборотов русского языка: рукой подать - на краю света, за тридевять земель, у черта на куличках; кот наплакал - хоть завались, непочатый край, хоть отбавляй и т.п.

Антонимические отношения между словами и фразеологическими оборотами могут быть различны. Они носят абсолютный характер и могут быть различными, и носят абсолютный характер и могут быть "неменяющимися" ("абсолютно константной") и "изменяющимися" ("абсолютно динамической")[5]. Например, заваривать кашу - расхлёбывать кашу, сложа руки - не покладая рук, денно и нощно - от случая к случаю, душа в душу - как кошка с собакой, за горами - не за горами; кўнгли йўқ - кўнгли бор и другие.

Антонимические пары могут носить характер относительной противоположности действий, состояний, признаков, времени, места, количества чего-либо, выражаемого фразеологическим оборотом: капля в море - тьма тьмущая, не бог весть сколько - непочатый край; не бог весть сколько - как сельдей в бочке, хоть пруд пруди; рукой подать - на краю света, куда Макар телят не гонял; черепашьим шагом - семимильными шагами, сломя голову; ақлини танимоқ - ақлини йўқотмоқ и другие.

При рассмотрении вопроса антонимичности фразеологизмов русского и узбекского языков необходимо иметь в виду лексико-грамматический разряд фразеологизмов. Больше всего встречаются в художественных произведениях и в устной разговорной речи глагольно-пропозициональные (по своей структуре состоящие из предложений - простых двусоставных и односоставных), наречные, адъективные и именные фразеологизмы. Встречаются фразеологизмы - антонимы, компоненты которых состоят из слов одной части речи или из слов разных частей речи. Например, из слов разных частей речи: за семью замками - как на ладони; денно и нощно - от случая к случаю; кот наплакал - хоть завались; рукой подать - за тридевять земель. Но чаще всего встречаются в обоих языках фразеологизмы - антонимы, которые состоят из компонентов - слов одной части речи. К примеру: сложа руки - не покладая рук; семимильными шагами - черепашьим шагом; как с неба свалился - как в воду канул; связывать язык - развязывать язык; ақлини танимок - ақлини йўқотмоқ; кўнгли йўқ - кўнгли бор; руҳини кўтармоқ - руҳини туширмоқ, кайфи бузук - кайфи чоғ, кўнгли ғаш бўлди -кўнгли ёришди

Учет всех этих качеств фразеологических оборотов и их антонимических свойств делает нашу речь более выразительной, полной и содержательной.

**Рецензент: к. ф. н., доцент**
**У.П.Пирназаров**

[3] *Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоқли фразеологик луғати. Т., 1978.с 7*
[4] *Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоқли фразеологик луғати. Т., 1978.с 245*
[5] *Ожегов С.И. Словарь русского языка. М., 1984 с 142-250*

# ЗАМОНАВИЙ 3 D - ПРИНТЕРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИЖОДКОРЛИК ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

***Каримов Ориф Облақулов -** ўқитувчи, Жиззах Давлат педагогика институти*

**АННОТАЦИЯ:**

Ушбу мақолада умумий ўрта таълим мактабларида технология фанига оид амалий машғулотларда 3D принтерлардан фойдаланиб ўқувчилар ижодкорлик қобилиятини ривожлантириш ҳақидаги фикрлар баён қилинади.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** замонавий технология, технология, 3D принтер, робот, робототехника, ишлаб чиқариш, ижодкорлик, қобилият, диққат, идрок

В этой статье изложены идеи для развития творческих способностей учащихся с использованием 3D-принтеров в технологическом образовании в средних школах.

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** современные технологии, технология, 3D принтер, робот, робототехника, производство, креативность, умение, фокус, восприятие

This article outlines ideas for developing students' creative abilities using 3D printers in technology education in secondary schools.

**KEYWORDS:** modern technology, technology, 3D printer, robot, robotics, manufacturing, creativity, ability, focus, perception.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг таълимни модернизациялаш бўйича учинчи босқичида амалга оширилаётган тадбирлар ўқувчиларнинг ижодкорлик қобилиятларини ривожлантиришга катта имкониятлар яратмоқда. Жамиятимиз бугунги кунда ўзига хос ноанъанавий вазифалар қўя оладиган ҳамда уларни ҳал қилишнинг янги йўлларини қидириб топишга интилувчи ижодкор шахсни тарбиялаш зарурлигини ижтимоий буюртма сифатида илгари сурмоқда. Ўз фаолияти мақсадини мустақил белгилаш, ижодкор шахс характерининг ўзига хос жиҳатларидан бири бўлиб, у ўз навбатида аниқ техник тизим, алоҳида шахс, меҳнат жамоаси ёки умуман олганда жамиятнинг эҳтиёжларини англаш асосида амалга ошади. Ижодкорлик фаолиятига ўргатиш учун ўқувчида билим олишга қизиқиш уйғота олиш муҳим аҳамият касб этади. Фан ўқитувчиси ўқувчилар олдида турган вазифаларни ечишга ижодий ёндашиш кўникмаларини эгаллаш уларга қандай қўшимча имкониятлар беришини тушунтира олиши керак. Қуйида уларнинг баъзиларини келтириб ўтамиз:

*<u>* жамиятдаги янги фаолият турларига, янги жамоага тез мослашиб кета олиш;</u>*

*<u>* ижодкорлик инсон ҳаётининг маъносига, унинг ўзини намоён қилиш усулига айланиши мумкин;</u>*

*<u>* ижодий ёндашув техник ва ишлаб чиқариш масалаларини ечиш жараёнида, шунингдек, оилада, жамоада, жамиятда юзага келувчи қарама-қаршиликларни муваффақиятли ҳал қилиш имконини беради;</u>*

*<u>* ижодкорлик фаолияти жараёнида шахсда меҳнатсеварлик, мақсадга эришишдаги қатъиятлик, танқидни тўғри қабул қила олиш каби энг олий жаноб шахсий сифатлар таркиб топади;</u>*

*<u>* одатда, техник ижодкорлик жараёнида ақлий ва жисмоний меҳнатнинг ўзаро уйғунлашувига эришилади.</u>*

Ушбу қайд этилган вазифалар инсонларнинг аниқ олинган ижтимоий ёки касбий гуруҳига, аниқ бир олинган шахс ёки вазиятга нисбатан олинганда янада кенгайтирилиши мумкин. Шу сабабли, ҳар бир ўқувчи ўз фаолиятини доимий равишда танқидий таҳлил қилиб бориши, ундаги ижодий вазифалар салмоғини оширишга алоҳида эътибор қаратмоғи лозим. Шахснинг ривожланиш босқичлари узлуксиз таълимнинг мувофиқ қисмларини яратиб, талаб ва шароитларни, таълимни амалга оширилишидаги аниқ мақсадларни аниқлайди. Ҳар бир инсон ўзининг ҳаётий тажрибаси, реал имкониятлари, билим олиш эхтиёжларига мувофиқ, психофизиологик ва шахсиятнинг ўзига хос хусусиятларини жамиятнинг эҳтиёжларига мослаштириш ҳуқуқига эга бўлиши таъминланади. Ижодкорликка бўлган эҳтиёж психофизиологик жиҳатдан қаралганда, ўз ривожланишида бир неча босқичларда амалга ошади. Булардан биринчиси майл-эҳтиёжнинг энг содда шакли бўлиб, инсон томонидан онгли бошқарилади. Иккинчи, нисбатан юқорироқ ривожланиш босқичи бўлганҳавас ҳам инсон томонидан онгли бошқарилиб, у шахснинг маълум буюм ёки ҳодисага нисбатан муносабатлари мажмуасини ифодалайди. Учинчи, энг мураккаб босқич бўлган қизиқишхоҳиш ва у билан боғлиқ бўлган тушунчалар асосида юзага келади. Қизиқиш ҳаётдаги ташқи таъсирлар, шахс фаолияти ҳамда таълим-тарбия жараёни таъсирида шаклланиб боради. Бу ҳолатлар психологик омиллар - диққат, идрок, тушунча, хотира, фикрлаш, сезги ва ирода хислатларига сезиларли таъсир кўрсатиб, шахснинг шаклланишида алоҳида муҳим аҳамият касб этади[1].

[1] *Муслимов Н.А., Шарипов Ш.С., Қўйсинов О.А. Меҳнат таълими ўқитиш методикаси, касб танлашга йўллаш. Дарслик. - Т.: ТДПУ, 2014. - 355 б.*

Инсонларнинг ижодкорлиги, талаб ва эхтиёжларидан келиб чиқиб, сўнгги йилларда фан-техника жадал ривожланиб, шундай ихтиролар, инновацион ишланмалар, замонавий технологиялар яратилдики, улар ҳаётимиздан чуқур ўрин олиб, яшаш сифатини бутунлай янги босқичга олиб чиқди. Замонавий технологиялар кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди. Бинобарин, авваллари хаёлимизга ҳам келмаган нарсалар бугун ҳақиқатга айланиб, жамиятимизнинг барча жабҳасида ривожланишга йўл очмоқда. Сир эмас, ҳозир ҳаётимизни мунтазам равишда такомиллаштириб борилаётган компютер ва интернетсиз тасаввур этиш мушкул. Яқин-яқингача одамлар ишхонада замонавий компютерларда ишлашни орзу қилган бўлса, бугун нафақат офисларда, айни пайтда ноутбуклар, нетбуклар, планшетлар ва "гаджет"лар, деб аталадиган бошқа қурилмалар ҳар бир хонадондан ўрин олди. ҳозирги давр одамлари компьютерлару-ноутбукларга, смартфонларга боғланиб қолган. Чунки ушбу қурилмалар шунчаки мулоқот воситаси эмас, балки кўп қиррали вазифаларни бажармоқда. Улар орқали қўнғироқ қилиш, хабар ёки расм юбориш, қабул қилиш, онлайн харидни амалга ошириш, янгиликлар билан танишиш, керакли маълумотларни олиш, фото ёки видео олиш, томоша қилиш, мусиқа эшитиш, турли ўйинларни ўйнаш мумкин. Бугунги кунда дунёда шундай ихтиролар борки, улар ҳали ҳам ҳаётга кенг татбиқ этилмаган бўлса-да, бир кун келиб, смартфонлар ҳамда компютерлар сингари одамлар турмушининг ажралмас қисмига айланиб кетмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди. Ана шундай кашфиётлардан бири сўнги йилларда оммавий ахборот воситаларида тилга олинаётган 3D-принтерлардир. Гап шундаки, бизда "Принтерлар фақатгина матн ва суратни чоп қилади холос", деган фикр шаклланиб қолган. Аммо 3D-принтерларнинг имкониятлари жуда кенг бўлиб, яқин келажакда мазкур технология жамият ҳаётининг барча жабҳасида қўлланилади. Унинг афзаллиги шундаки, зарур материаллар ҳамда дастурий таъминот ёрдамида уй қуриш, протез ва имплантатлар тайёрлаш, қимматбаҳо эсдалик буюмлар, тақинчоқлар ишлаб чиқариш мумкин. Масалан, Хитой, АҚШ, Буюк Британия, Нидерландияда ушбу йўналишда амалий натижаларга эришилган. Яъни 3D-принтерлар тураржойлар ҳамда уларнинг қисмларини - конструкциялари, ички деворлари, турли шаклдаги ҳимоя тўсиқларини ҳеч қандай қолипларсиз "чоп этмоқда". Хусусан, Хитойда узунлиги 150 метр, кенглиги 10 метр бўлган 3D-принтер яратилди. Ушбу қурилма бир неча соат ичида баландлиги олти метр бўлган бинони "барпо қилиши мумкин". Бунда у "сиёҳ" ўрнида кучайтирилган шиша толали цементдан фойдаланади. Шундай бўлса-да, ҳозирча бу усулда йирик иншоотларни қуриш синов тариқасида олиб борилмоқда. Ландшафт дизайни ва аҳоли пунктларини ободонлаштириш учун кичик архитектура шаклларини тайёрлашда 3D-принтерлар имкониятидан тобора жадал фойдаланилмоқда. Ўзбекистонда 3D-чоп этишни робототехника деталлари тайёрлашда, ўйинчоқ ва сувенирлар, қуймалар учун деталлар, заргарлик буюмлари учун шакллар ясашда фойдаланиш мумкин. Тадбиркорларнинг 3D-принтерларга кичик бизнес учун катта қизиқиш билдираётгани диққатга сазовор. Дейлик, мазкур қурилма ёрдамида ҳар қандай уч ҳажмли суратларни айнан ўзидек кўпайтириш мумкин. Машҳур футболчилар, кино юлдузлари, мултфилмлар қаҳрамонларининг шаклини ясаш орқали маркетинг лойиҳаларини рўёбга чиқариш имконияти бор. Қурилма ёрдамида эсдалик учун ўз яқинларининг қиёфаларини шакллантирса бўлади. Ушбу технологияга, айниқса, сифатли ва ноёб тақинчоқлар ҳамда аксессуар ишлаб чиқарувчилар катта қизиқиш билан қараяпти. Қайд этиш керакки, энг сўнгги русумдаги 3D-принтерлар "сиёҳ" сифатида нафақат пластик материални, айни пайтда олтин, кумуш ва платиналарни ҳам ишлата олади. Буюртмачи эса тақинчоқнинг шакли ва инсонларнинг таьбига қараб танлаши мумкин.

Ҳозирги кунда кўплаб соҳаларда қўлланилиб келинаётган 3D-принтерлар ҳақида ўқувчиларга малумотлар бериш, уларнинг техник хусусиятларини тушунтириш, ишлатиш соҳалари бўйича кенг қамровли билимлар бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаш мумкин. Умумий ўрта таьлим мактаблари технология дарсларида ўқувчиларни меҳнатга тайёрлаш жараёнида касб-ҳунарга йўналтиришни янада кучайтириш, уларни замонавий ишлаб чиқариш асослари ёғочга, металлга, полимерга ва газламага ишлов бериш технологияси бўйича билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари кўзда тутилган. Умумий ўрта таълим мактабларида технология фанини ўқитишдан мақсад ёш авлодда умуммеҳнат кўникмаларини шакллантириш ва уларни онгли равишда касб ҳунарга йўналтиришдир. Ушбу қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни бажариш лозим бўлади.

** Ўқувчиларда умуммеҳнат кўникма ва малакаларини шакллантириш, уларнинг қизиқишлари, қобилиятлари, касбий мойилликларига кўра касб-ҳунар турларини танлашга асос бўладиган хислатларини, умуммеҳнат маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш;*

** Халқ хўжалигини турли соҳалари, уларда ишлатиладиган техника ва технология тўғрисида билимлар бериш, амалий технология орқали яқинроқ танишишларига имкон яратиш, уларни харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияларига оид бошлангич таянч билимларини ўргатиш;*

** Юқори синфларда ишчи мутахассисларининг касбий фаолиятида қўлланиладиган турли хил асбоб-ускуналар, жиҳозлар, машиналардан фойдаланишни ўргатиш;*

** Механизациялаштирилган ва электрлаштирилган воситалар билан ишлашни, технологик билимларни ва малакаларни, меҳнат қонунчилиги, хавфсизлик техникаси, санитария-гигиена қоидалари асосларини ўргатиш;*

** Турли ишлаб чиқариш соҳалари мазмунига*

*таааллуқли дастлабки маълумотларни ўргатиш, текшириш асбобларидан, маълумотномалардан фойдалана олиш, меҳнат амалиётларини бажариш, олинган натижаларни қўйилган талаблар билан таққослаш орқали хулоса чиқаришга ўргатиш;*

** Ўқувчиларга билимга интилиш ва меҳнатга муҳаббат, меҳнат кишисига нисбатан ҳурмат ҳиссини сингдириш, уларни жамоатчилик, ватанга садоқат руҳида тарбиялаш;*

** Ўқувчиларни бозор иқтисодиёти қонуният-лари талаблари асосида сифатли, рақобатбардош истеҳмол моллари, меҳнат маҳсулотлари етиштиришга ва етиштирилган маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиш воситаларини ўргатиш, иш бошқарувчи (менеджерлик), ҳомийлик, ишбилармонлик сифатларини шакллантириб бориш ва ривожлантириш;*

** Халқ ҳунармандчилиги касбларни ўргатиш орқали халқнинг миллий руҳини, яшаш тарзини, ананаларини тиклаш ва ривожлантириш, миллий қадриятлар, тарихий ёдгорликлар, халқ усталарини бой меро-сини ўргатиш ва улардан ўз амалий фаолиятларида фойдаланишни бошланғич таянч кўникмаларини мустаҳкамлаш;*

Ўқувчиларни технология дарсларида ахборот технологиялари ва компютер техникаси, янги технология ва жиҳозларнинг қўлланилиш соҳаларини замонавий талаблар даражасида ва жаҳон тажрибаларига мос ҳолда ўрганишларини таъминлаш. Технология фани олдига қўйилган юқоридаги вазифаларнинг бажарилишини назорат қилиш таълим стандарти воситасида амалга оширилади. Технология фанининг вазифалари билан мазмуни мурракаб диалектик боғликда бўлади ва бу вази-фалар турли даражада қўйилади ва ҳал қилинади [2].

Ҳозирги пайтда умумий ўрта таьлим мактабларига технология фани ўқитувчиларини тайёрлаб бериш учун педагогика олий таьлим муассасаларида Технологик таьлим йўналиши бўйича педагог кадрлар тайёрланаяпти. Аввало ҳозирги кун талабларига жавоб берадиган мутахассислар тайёрлаш учун замонавий техника ва технологияларни ўргатиш талаб этилади. Айтилганлардан келиб чиқиб, ушбу мақоламда ҳозирги кунда ривожланган мамлакатлар кенг фойдаланиб келаётган 3Д-принтерларини ёш авлодга ўргатиш кераклиги ҳақида тавсиялар ҳақида сўз юритилади. Бу технология орқали умумий ўрта таьлим мактабларининг Технология дарсларида ўқувчиларга полимерларга ишлов бериш технологияси бўйича амалий билим, кўникмаларни шакллантириш мумкин. Мисол учун шашка, шахмат доналарини ясаш, ҳар хил эсдалик совғалар учун ўйинчоқлар, макетлар, моделлар ясаш имкониятлари бор. Роботлар, ҳаракатланувчи қурилмаларнинг қисмларини тайёрлашда кенг фойдаланиш имкониятлари мавжуд. 3D-принтерида чоп қилиш қилиш мумкин бўлган деталлнинг схемаси, расмини аввал компютернинг Autodesk компаниясининг Blender 3D, Solidwork ёки бирор бир шунга ўхшаш дастури орқали чизиб олинади ва 3Д форматга ўтказилиб кейин принтерга буйруқ берилади. Деталлнинг ҳажмига қараб маьлум вақт уни ясашга кетади.(1-расм.)



Ҳозирги глобаллашув жараёнида робототехникага бўлган эхтиёж жуда юқори бўлиб, келажагимиз бўлган ёшларга бунинг сир-асрорларини ўргатиш технология фани ўқитувчисининг вазифаси ҳисобланади. Умумий ўрта таьлимнинг технология фанидан Давлат таьлим стандарти ва ўқув дастурида таькидланган.

Ўқувчиларнинг техник ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш учун замон талаби бўлган 3D-принтерларидан фойдаланишни ўргатиш яхши самара беради. 3D-принтер имкониятлари ҳақидаги маълумотларимга таяниб шуни айтишимиз мумкинки, ундан фойдаланиш 3Д-принтернинг техник имконияти ва фойдаланувчининг ижодкорлигига боғлиқдир.

**Тақризчи: доцент Р.Умаров.**

[2] *Ў.Қ.Толипов, Ш.С.Шарипов "Ўқувчи шахси ижодкорлик фаолиятини ривожлантиришнинг педагогик асослари" Т. "фан" нашриёти 2012-87 б.*

# БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНИГ МАЗМУН МОҲИЯТИ

***Эсонқулова Дилбар Саидовна** - ўқитувчи, Жиззах давлат педагогика институти.*
***Камолова Шохсанам Нуриддиновна** - магистр, Жиззах давлат педагогика институти*

**АННОТАЦИЯ:**

Ушбу мақола бошланғич синф ўқувчиларининг экологик маданиятини шакллантириш, табиатга муҳаббат уйғотиш ва ундан оқилона фойдаланиш масалаларига қаратилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:**Табиат, экология, экологик маданият, экологик онг, экологик таълим -тарбия, атроф-муҳит, ватанпарварлик.

Данная статья посвящена формированию экологической культуры учащихся начальной классов, любви к природе и ее рациональному использованию.

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** Природа, экология, экологическая культура, экологическое сознание, экологическое воспитание, окружающая среда, патриотизм.

This article is devoted to the formation of the ecological culture of primary school students, love of nature and its rational use.

**KEY WORDS:** Nature, ecology, ecological culture, environmental awareness, environmental education, environment, patriotism.

Бугунги кундаги барча ўзгаришлар яқин келажакда давлатимизнинг сиёсий ва иқтисодий барқарорлигини, шахс маънавиятини юксалтиришни таъминлашга йўналтирилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида экологик хавфсизлик, биринчи навбатда, сув ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш доимо эътиборимиз марказида туриши зарурлигини таъкидлаб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фондининг тузилиши ўзбек дипломатиясининг катта ютуғи бўлганлигини алоҳида эътироф этдилар. Шундан келиб чиқиб, экологик муаммоларни бартараф этишга кўмаклашиш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланиш мақсадида мамлакатимизда илк бора Ўзбекистон Экологик партияси вужудга келди.

Миллий ўз-ўзини англашга таъсир этадиган экологик маданият ижтимоий онг тизимида ўзига хос мавқега эгадир.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда янги таъсис этилган Ҳзбекистон экологик партияси Ўзбекистон фуқароларининг бугунги ва келажак авлодларини қулай шароитда яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилиш, барқарор ривожланиш мақсадларида иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва фуқаролар саломатлигига ёъналтирилган тизимли ўзгаришларга жамиятнинг барча кучларини бирлаштиришга даъват қилади.

Жамиятимиз тараққиёти маънавий ва жисмоний соғлом авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсатига кўтарилган бир пайтда ҳаётнинг ўзи ҳар-бир кишидан, айниқса ёшлардан маънавий соғломлик ва маърифий етукликни талаб қилмоқда. Янги, ҳозирги ва келажак авлодларимиз учун чиройли "Она табиат сандиғига" тоза сув, беғубор атмосфера ҳавоси, жуда бой ер ости бойликлари, хилма-хил ўсимлик ва ҳайванот дунёси, гўзал табиат манзараларини йиғиб бориш одатини миллий урфга айлантириш бугунги куннинг долзарб масалаларидандир. Экология ва инсон, уларнинг ўзаро муносабатлари ўзаро таъсир хусусиятлари қадимдан одамларни қизиқтириб келган муаммолардан биридир. Бизга маълумки, экологик тарбия масаласи билан илк бора қадимги юнон мутафаккирлари шуғулланишган.

Аристотель, Геродот, Гиппократ, Демокрит, Пифагор ва бошқалар барча ижтимоий ва психологик ҳодисаларни тушунтириб бериш учун ягона бўлган, умумий тамойилларни, назарияларни қидириб топишга, халқларнинг турли психологик хусусиятларига эга бўлиши сабабларини тушунтириб беришга ҳаракат қилганлар. Психологик хусусиятларнинг вужудга келишини улар асосан, табиий-географик муҳитнинг таъсири билан боғлаганлар. Гиппократ (эрамиздан аввалги 460-375) "ҳаво, сув ва қуруқлик"- деб номланган трактатида одамларнинг турли психологик ва жисмоний хусусиятларини бевосита иқлим шароити билан белгиланиши мумкинглигини таъкидлаган, яъни у географик детерменизм тамойиллини илгари сурган.

Одамларнинг олий нерв фаолияти типлари уларнинг вужудга келишини улар истеъмол қилаётган озиқ-овқатлар билан боғлаб тушунтиришга ҳам уринишган. Пифогор (Эрамиздан аввалги 570-500) фикрига кўра ҳайвон гўшти ва ёғини кўп истеъмол қилиниши қаттиққўлик ва дағалликни вужудга келтириши ва аксинча ўсимлик мевалари ва сабзавотларни мутассил истеъмол қилиниши эса тана фаолиятини суслаштириб, одамлар табиатини мулойимлаштиради. Арестотель (эрамиздан аввалги 384-322) ҳаддан ортиқча ис-

сиқ ёки совуқ иқлим шароитида яшайдиганлар қаттиққўл, шавқатсиз бўлади деб ҳисоблаган. Қадимги Юнонлар маданиятида инсон демург, яратувчи субъект сифатида қадрият каби эъзозланган: хусусан, қадимги қурувчилар йўл ўтказаётганда тоғ дуч келиб қолса шарқ қурувчилари каби тоғни айланиб ўтмасдан уни ёриб йўл ўтказишга ҳаракат қилганлар. Шарқда эса табиатга нисбатан биологик, яъни экологик муносабат мавжуд бўлган. Шарқда табиатга тирик организм каби муносабатда бўлиш ҳукмронлик қилган.[1]

Инсоният пайдо бўлгандан буён экология муаммоси ҳаммани ўйлантириб келади. Экология инсон саломатлигига таъсир этувчи муҳим воситалардан биридир. Бу муаммони ҳал қилиш турли йўллар билан амалга оширилади. Ислом оламида эса "савоб", "гуноҳ" каби тушунчалар орқали кишилар онгида табиатга муҳаббат, ўсимликлар дунёси, ҳайвонлар оламини авайлаб-асрашга иштиёқ ҳисси шакллантирилади. Масжидга, сувга тупуриш гуноҳ, муқаддас жойлардаги ўсимликларни пайҳон этиш, ҳайвонларни овлаш қатъиян ман этилади. Ўрта асрларда яшаган Абу Наср Форобий томонидан яратилган асарларнинг аксариятида ёритилган экологик ғоялар умуминсоний характерга эгадир. Буюк аллома ўзининг "Китоб ал-мабоди ал-инсони" (Инсоният ҳаётининг бошланиши ҳақида"), "Ҳайвон аъзолари ҳақида сўз" номли асарларида одам ва айрим ҳайвонларнинг анатомик тузилиши, органларнинг хусусиятлари, улар ўртасидаги умумийлик ҳамда фарқларни изоҳлайди, оламни турли-туманлигини таъкидлаб, уларнинг ер, ҳаво, сув, оловдан пайдо бўлганлигини ва ўзаро боғлиқлигини қайд этади.

Абу Наср Фаробийнинг инсоният томонидан табиатга кўрсатилаётган таъсирнинг доимийлик касб этишини, табиий ва сунъий танланиш муаммосини атрофлича баҳолаш зарурлиги ҳақидаги фикрлари эътиборга моликдир. Олимнинг нуқтаи на-зарига кўра, борлиқдаги мавжуд нарсалар абадий эмас, яъни "Улар абадий-боқий бўла олмайдилар, чунки улар ҳаво, сув, тупроқ ва оловга бўлинадилар, бирлари бошқасига айланадилар ва балки ҳар бир унсур бошқасида мавжуддир. Мисол тариқасида ҳайвонот дунёсини олади, у тўрт унсурдан биридир".[2]

Абу Наср Фаробийнинг кўплаб асарларида инсон экологияси муаммолари етакчи ўрин тутади. Жумладан, олимнинг "Инсон аъзолари ҳақида" номли асарида инсон аъзоларига хос бўлган турли касалликларнинг келиб чиқиш сабабларини алоҳида-алоҳида ўрганиш, организмнинг саломатлигини тиклаш учун керакли озиқ-овқатларга эътибор бериш зарурлигига диққат қаратилган. Бинобарин, инсоннинг руҳий ва жисмоний ҳолати ташқи омиллар, муҳит таъсирига боғлиқ, бу жараёнлар замонавий экология фанининг асосини ташкил этади.

Экологик билимлар ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган мутафаккирлардан яна бири Абу Райҳон Беруний бўлади. Беруний томонидан 152 та асар ёзилган бўлиб, улардан табиий муҳитдаги диалектик ривожланишнинг илмий асослари ёритилган.

"Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" ва "Ҳиндисон" асарлари Абу Райҳон Берунийнинг жаҳонга машҳур асарлари саналади. Уларда ёш авлод учун ўта муҳим бўлган ўсимлик ва ҳайвонларнинг тузилиши, уларнинг ташқи муҳит билан ўзаро алоқаси ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилган. Шунингдек, бу манбаларда турли тропик ўсимликлар ва ҳайвонлар тўғрисида маълумотларнинг келтирилиши набобат ва ҳайвонот оламининг ташқи муҳит билан алоқасини, йил фасллари алмашинувининг ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсирини ёритишга хизмат қилган. Чунончи, "қушларнинг тоғлардан пастга, текисликларга тушиши, чумолиларнинг ўз инларига беркиниб олишлари ҳавонинг совишидан далолат беради"- дейди олим.

Аллома инсонни табиатнинг бир қисми деб ҳисоблаш билан бирга уларнинг турли ирққа мансубликларини қуйидагича изоҳлайди: "Одамлар тузилишларининг ранг, суръат, табиат ва ахлоқда турлича бўлиши фақатгина насабларнинг турлилигидан эмас, балки тупроқ, сув, ҳаво ва ернинг, одам яшайдиган жойларнинг турличалигидан ҳамдир.[3]

Бугунги кунда ёшларни экологик тасаввурларини тарбиялаш, экологик маданиятни шакллантириш масаласига жиддий эътибор қаратиш муҳим вазифалардан биридир.

Бу борада Таъсис этилган Ўзбекистон Экологик партияси олдида кўлами ва моҳияти жиҳатидан жуда катта вазифалар турибди. Партия асосий эътиборини атроф- муҳитни муҳофаза қилиш ҳар бир фуқаронинг умумий иши бўлишига қаратади. Ушбу мақсадларда Партия ўз саъй-ҳаракатларини қуйидагиларга, яъни:

- *мамлакатда экологик хавфсизликни таъминлашга ҳар томонлама кўмаклашиш;*
- *экология ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги миллий қонунчиликни такомиллаштириш;*
- *экологик билим ва маданият даражасини ошириш, аҳолининг экологик дунёқарашини шакллантириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш;*
- *давлат органлари, сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан атроф муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш масалаларида ҳамкорликни янада чуқурлаштириш;*
- *экологик тоза, чиқиндисиз, технологиялар, инноватсион ечимларни экология соҳасида жорий этишга кўмаклашиш;*
- *атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш масалаларида хорижий ва халқаро экологик ташкилотлар билан алоқаларни мустаҳ-*

[1] *Доктороv Б.З., Сафанов В.В., Фирсов Б.М.Уровень о сознания экологических проблем: профили общественного мнения //Социолог. исслед.1992 -12 с.*

[2] *Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. - Тошкент: Ўқитувчи, 2002. - 19 б.*

[3] *Абу Райҳон Беруний .Менералогия.М.:1963 -63б*

*камлаш ва бошқа муҳим вазифаларни амалга оширишни лозим деб биламиз.*

Ўзбекистон экологик партияси таъсис этилиши экологик таълим ва тарбия ёшларда экологик онг ва экологик маданиятни шакллантиришда, инсоннинг биосферага бўлган янгича муносабатларни шаклланишида муҳим ўрин тутади. Экологик таълим ва тарбия экологик маданиятли ўз Ватанига ва элига хизмат қиладиган етук, комил ва баркамол инсонни вояга етказишда катта кўмак беради.[4]

Экологик тафаккур, экологик маданият ва миллий ўзини-ўзи англаш-шаллантирилиши ва ривожлантирилиши лозим бўлган ўзаро боғлиқ жараёнлардир.

"Экологик тафаккур", "экологик онг" негизида инсон табиат кучларини тушуниш ва улар устидан ўз ҳукмронлигини ўтказишдан олдин унга қадрият сифатида қараш, унинг билан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш заруриятини англаш имконини берадиган янги образлар ва белгилар тизимини яратади.

"Педагогика фанидан изоҳли луғат"да "маданият" тушунчасига шундай таъриф берилган: маданият - инсоннинг эгаллаган билимлари ва ҳосил қилган тажрибаларига асосланган малакали ҳаракатлари ёки меҳнат фаолиятининг маҳсулидан бунёд бўлган нарсалар, бошқаларга завқ уйғота оладиган ижтимоий ходисадир.

Экологик маданият-касбий фаолиятда қарор қабул қилиш учун экологик жавобгарликни ҳис қилиш, табиат муҳофазасидаги билимларга эгалиги, жаҳон ва худудий даражада экологик муаммоларни очишда қатнашишга тайёргарлиги ва бошқалар.[5]

Шу билан бирга индивидуал экологик тасаввурлар табиий муҳит билан ўзаро таъсирга киришиш тажрибасига мос равишда шаклланади, алоҳида олинган индивиднинг тажрибаси эса социумнинг табиат билан бўлган муносабатлар хусусиятлари билан белгиланади. Мазкур хусусиятлар маиший экологик тасаввурларда ўз аксини топган бўлиб, улар ўз навбатида, экологик жиҳатдан аҳамиятли вазиятлардаги хулқ-атворнинг конкрет шаклларини танлаш билан бевосита боғланади. Ўқувчиларни маънавий бой, жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш мақсадида дастлаб, уларнинг экологик маданият даражасининг шаклланганлигини аниқлаш лозим. Бошланғич синф ўқувчиларининг экологик тасавурларини мушоҳада қилиш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш асосан психик жараёнлар асосида кечади. Табиатга муҳаббат улкан ва мураккаб хиссиётдир. У боланинг руҳий ва ақлий дунёсини ўз ичига олади ва мураккаб жараённи ҳосил қилади. Бу хиссиётни тарбиялашни боланинг эсини таний бошлаганидан тарбиялаб борсак, унда табиатга муҳаббат, туйғулар шаклланади. Болаликда туғилган бу ҳислар мактаб йиллари шаклланиб бойийди ва унга табиатшунослик дарси ёрдам беради. Ўқувчи табиат гўзаллигини қабул қилибгина қолмасдан балки, уни муҳофаза қилишни ва уни кўпайтиришни ҳам ўрганади. Педагогик йўналишда экологик таълим ва тарбия бериш кўзда тутилади. Экологик таълим деганда ўқувчиларга берилиши лозим бўлган табиат билан инсон ўртасидаги муносабатларни ифодаловчи билимлар тизими тушунилади. Экологик тарбия эса инсоннинг атроф-муҳитга нисбатан муносабатини тарбиялашдир. Экологик таълим-тарбия умумий таълим-тарбиянинг янги шакли ва таркибий қисми бўлиб, мактабда барча фанларни ўқитишда амалга оширилиши кўзда тутилади. Экологик таълим-тарбиядан бош мақсад ҳам ёш авлодга атроф-муҳит ва унинг муаммоларига онгли муносабатини шакллантиришдан иборатдир. Ўзбекистон Экологик партияси "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" давлат Дастурида атроф муҳит муҳофазаси ва аҳоли саломатлигини сақлаш, экологик ҳолатни барқарорлаштириш борасидаги ишларни янада жонлантириш, соҳага инвеститсиялар жалб этиш, экологик масалалар бўйича инноватсион ёндашувларга эришишни таъминлаш бўйича жамиятнинг барча саъй-ҳаракатларини сафарбар қилишга интилади.

Бу борада Экологик тарбия-тарбия назариясининг янги шакли. Экологик муаммоларнинг илмий, иқтисодий, техник, гигиеник, юридик, эстетик, педагогик каби йўналишлари мавжуд. Бу йўналишлар ичида педагогик йўналиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки экологик муаммолар инсон фаолияти натижасидан келиб чиқади.

Хулоса шуки, бу каби ҳаракатлар табиатни асраш, экотизимнинг мавжудлигини сақлаб қолиш йўлидаги уринишларнинг бир қисмидир. Унинг энг катта қисми эса бутун инсоният эътиборини ушбу муаммога қаратиш, уларни биргаликда, ўзаро ҳамжиҳатликда табиатни муҳофаза қилишга ундашдир. Буларнинг барини бошланғич синф ўқувчиларига тушунтириш кутилган натижаларни беради. Шуни ҳисобга олиб, экологик таълим-тарбияни, асосан, боғча ва мактабларда амалга ошириш зарур. Бошланғич таълим табиатшунослик дарсларида ватанпарвар ва экологик тарбия беришда ўқувчиларнинng ёш ва индивидуал хусусиятлари, қизиқиш ва қобилиятларини ҳисобга олиш керак. Шунинг учун ҳар-бир синфда осондан мураккабга томон тамойилига асосан 1-2 синф "Атрофимиздаги олам", 3-4 синф "Табиатшунослик" дарсида ўқувчиларда бошланғич Ватанпарварлик ва экологик тарбияни шакллантиришда мавзуга оид кўргазмали қуроллардан, видеолавҳалардан замонавий педогогик технологиялардан фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлади, ўқувчиларни табиат, бутун борлиқ ҳақидаги дстлабки тушунчаларини шаклантириш бирмунча осон кечади, дарс самарадорлиги ва натижаси юқори бўлади. Бошланғич синф ўқувчиларида экологик маданият, Ватанга муҳаббат, она табиатга нафосат туйғулари шаклланади.

**Тақризчи : п.ф.н. Атамуродова Р**

[4] *Ў.Э.Ҳўжаназаров ,Ш.Т.Якубжонова Экология ва табиатни муҳофаза қилиш //Тошкент.2018й. 3б.*

[5] *Ж.Ҳасанбоев ва б. Педагогика фанидан изоқли луғати. Т.: " Фан ва технологиялар" нашриёти 2008. - 173 б.*

# ТУРИЗМ ГЕОГРАФИЯСИ: НАЗАРИЯ, АМАЛИЁТ ВА МЕТОДИКА

***Усмонов Машраб Рустамович*** - *ўқитувчи, Жиззах Давлат педагогика институти.*
***Шоғдоров Тошпўлат Алибекович*** - *ўқитувчи,Жиззах Давлат педагогика институти.*

**АННОТАЦИЯ:**

Ушбу мақолада туризм географияси, экотуризм ва рекреацияни ривожлантириш масалалари, тарихий обидалар, халқаро туризмни ривожлантириш афзалликлари, экотуризмнинг географик хусусиятлари тўғрисида маълумотлар таҳлил қилинган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** туризм, халқаро туризм, экотуризм, тарихий обидалар, ландшафт, зиёратгоҳ, дарё ва кўллар, тоғ туризми.

В данной статье рассмотрено вопросы развитии географии туризма, экотуризм и рекреации. А также, освещены преимущественные задачи по развитию исторического туризм, международное туризм и экотуризм.

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** туризм, международный туризм, экотуризм, историческое памятники, ландшафт, достопримечательность, реки и озёра, горный туризм.

This article analyzes information on tourism geography,ecotourism and recreation, historical monuments, international tourism development benefits and geographical features of ecotourism.

**KEY WORDS:** tourism international tourism ecotourism , historical sites, beautiful places, landscapes, places of worship, rivers and lakes, mountain hiking.

Туризм ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича бир қанча қарор ва фамойишлар чиқарилган. Бу ўз навбатида тарихий ва туристик масканларда хизмат кўрсатиш тармоғини ривожлантиришни тақозо қилади. Ўзбекистонда ниҳоятда кўп туристик ва рекреация масканлари мавжудки, аммо уларнинг барчасида ҳам сайёҳларни қабул қилиш ва хизмат кўрсатиш даражаси қониқарли холатда деб бўлмайди. Масалан, Ғаллаорол туманида яъни Маржонбулоқда шифобахш радон газига бой, кўпгина касалликларга даво бўладиган иссиқ сув мавжуд. Бироқ у махаллий ахоли томонидан қисман бошқа вилоятлар аҳолиси томонидан фойдаланилади. Бу жойни йирик рекреация маскани сифатида шакллантириш мумкин. Бунинг учун хизмат кўрсатиш ва сервис хизматини тўғри йўлга қўйиш ҳамда рекламага катта эътибор бериш лозим, халос. Бундай масканлар мамлакатимизда бисёр. Аммо ундан тўғри фойдаланилмаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2016 йил 2-декабрдаги ПФ-4861 сонли Фармони мамлакатимизда туризмни, халқаро туризмни ривожлантиришда туб бурилишни, янги босқичнинг заминини, истиқболли ислоҳатларнинг шароитларини яратди. Президент фармонида:

- "Мамлакатда туризмни жадал ривожлантириш, мавжуд улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, анъанавий маданий-тарихий туризм билан биргаликда туризмнинг бошқа салоҳиятли турларини

- зиёрат қилиш, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, спорт, даволаш-соғломлаштириш, қишлоқ, саноат, ишбилармонлик туризми ва бошқа турларини жадал ривожлантириш,болалар, ўсмирлар ва ёшлар туризмини, оилавий туризмни, кексалар учун ижтимоий туризмни ривожлантириш,

- ички, кириш ва чиқиш туризмини комплекс ривожлантиришнинг миллий ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш" белгиланган[1].

Фармондан маълум бўладики, экологик туризмни ривожлантириш мамлакатимизда долзарб муаммолардан ва экологик туризм табиат бағрига саёҳат ҳисобланганлигидан бу туризм тури албатда рекреация билан боғланган. Экологик туризм ва рекреация туризмларини ривожлантиришнинг жуда катта ресурслари ватанимизда мавжуд ҳисоблanganидан мамлакатимизда халқаро туризмни ривожлантиришда янги истиқболли йўналишларни ташкил қилишда экотуризм оқимини ташкил қилиш миллий туризмдаги энг истиқболли йўналишлардан бири бўлиши ҳеч шубҳасиздир.

Туризм географияси (ТГ) иқтисодий ва ижтимоий географиянинг бир бўлаги бўлиб, у турли мамлакат ва минтақаларда сайёҳликнинг шаклланиши, ривожланиш ва худудий ташкил этиш хусусиятлари ҳамда қонуниятларини ўрганади. Туризм географияси ҳудудий ҳаракат оқибатида, яъни ер юзининг турли томонларига географик маршрутлар уюштириш асосида вужудга келади. Бу эса минтақада хизмат кўрсатиш географиясини ташкил этиш ва ривожлантиришга ҳам сабабчи бўлади[2].

Туризмнинг ривожи ўз навбатида жамият

*[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони 2016 йил 2-декабрдаги ПФ-4861. Халқ сўзи газетаси 2016 й.*
*[2] Усмонов М.Р. Туризм географияси: Ўқув қўлланма. Самарқанд. СамДУ. 17 б.*

ишлаб чиқаришининг ўсишига, унинг тизимларини яхшилашга, иқтисодиётнинг туризмга тўғридан-тўғри алоқадор бўлмаган соҳаларида ҳам меҳнат унумдорлигини оширишга кўмаклашади. Шунингдек, туристик истеъмол кўп бўлган иқтисодий жараёнларни рағбатлантиради, нотуристик тармоқлар учун қўшимча бозор очади ва бу бевосита ишлаб чиқаришни ривожлантиришга олиб келади. Демак, туризм соҳасида қўшимча хизматларнинг пайдо бўлиши янги иш жойларни вужудга келтиришга, туристларни жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт хиз-матларини ташкил этиш, қўшимча хизматларни амалга оширишга имконият яратади[3].

Модомики, барча фанлар бир-бири билан узвий алоқадорликда ривожланар экан, туризм географияси ҳам кўплаб табиий ва гуманитар фанлар билан жумладан, рекреация географияси, тиббиёт географияси, ландшафтшунослик, ўлкашунослик, мамлакатшунослик ҳамда иқтисодиёт, тарих, этнография, ҳуқуқшунослик ва бошқалар билан боғлиқ ҳолда тараққий этади.

Туризм географияси ўз тадқиқот доирасида айниқса рекреация географияси билан узвий боғлиқдир. Сабаби ҳар қандай туристик саёҳат давомида кишилар маълум даражада дам оладилар, ўз куч-қувватини тиклайдилар. Айни вақтда рекреация, яъни дам олиш, даволаниш пайтида албатта вақт-вақти билан турли сайёҳлик тадбирлари ўтказилади, маршрутларга чиқилади. Шу жиҳатдан бу икки тармоқ бир-бирини тўлдириб туради. Саёҳат инсон тафаккурини кенгайтиради, дунёни теран англашга хизмат қилади. Кишилар ер юзининг бир бирига ўхшаш бўлмаган жойларини кўришни хоҳлашади. Демак, бирор ҳудуд ёки минтақага саёҳатга чиқишда табиий шароит катта аҳамиятга эгадир. Аксарият сайёҳлар бўш пайтларида табиат қўйнида дам олиш, овчилик қилиш, спорт ва бошқа машғулотлар билан шуғулланишни исташади ҳамда соғлиғини тиклайдилар. Шунинг учун хорижий давлатлардаги кўплаб туристик фирма ва компаниялар кенгроқ бу омиллардан фойдаланишга харакат қиладилар. Бу ўринда Жануби-шарқий Осиё, Африка, Марказий ва Жанубий Америка, Австралия ва Океания давлатлари туристик фирмалари ўз харидорлари бўлган Европа ва Шимолий Америка мамлакатлари сайёҳларини кўпроқ табиати гўзал ҳамда экзотик жойларини кўрсатишга катта эътибор қаратади[4].

Денгиз бўйи, ўрмон, тоғ ва тоғолди районларидаги давлатлар, Ўрта денгиз ҳавзасида жойлашган ҳамда Малайзия, Индонезия, Сингапур ва бошқа шунга ўхшаш мамлакатлар сайёҳларни кенг жалб қилади. Бу, ўз навбатида, табиий туристик имкониятнинг юқорилигидан далолат беради. Шунингдек, тоғ табиати, ландшафти, рельефи, иқлими, тоғ спорти ва бошқа хусусиятлари билан сайёҳларни ўзига қизиқтиради. Бундай тоғ туризми Европанинг Альпида, Осиёнинг ҳимолойида, Африканинг Атлас тоғларида, Американинг Кордильерасида кенг ривожланган.

Туризмни иқтисодий географик жиҳатдан баҳолашда аҳоли ва унинг хўжалик фаолиятининг ўсиши табиатга, табиий муҳитга салбий таъсири ўрганилса, табиий географияда эса атроф-муҳит, табиий компонентлар ва ландшафтларнинг антропоген омил таъсирида ўзгариши билан боғлиқ муаммолар таҳлил этилади. Ушбу масалалар билан туризмнинг нисбатан янги йўналиши бўлган экологик туризм ёки экотуризм шуғулланади[5].

Дунё миқёсида туризмнинг энг янги йўналишларидан бири- "экотуризм"нинг асосий мақсади туристик маршурутларни ҳудудий ташкил этишда атроф муҳитни, табиий мувозанатни сақлаб қолишга эътиборни кучайтиришдир. Шу нуқтаи назардан экологик туризм умумий экологик муаммоларни ечиш билан уйғунлашиб кетади. Бунда туризм ландшафтлар экотизимида туристик салоҳиятидан уларга зарар кўрсатмаган ҳолда фойдаланиш жиддий аҳамият касб этади. Бу эса 1992 йилда Рио-де-Жанейрода БМТ-нинг атроф муҳитни муҳофаза қилишга бағишланган конференциясида қабул қилган "барқарор ривожлантириш" тамойилига мувофиқ келади.

Туристик саёҳатларга чиқишдан мақсад саёҳат пайтида янги жойларни кўриш, табиат гўзаллигидан, тоза тоғ ёки ўрмон ҳавосидан баҳра олиш, ёввойи табиат бағрида дам олиш, шунингдек, ўзга ҳалқ урф-одати, маданияти, санъати, тарихий обидаларини кўришдан иборатдир. Бинобарин, экологик тоза ҳудуд ажойиб табиат ва бошқа рекреация ресурслари экотуризмнинг муҳим объекти бўлиши билан бирга, айни вақтда экологик танг ҳудудларни ҳам тадқиқ қилиш аҳамиятдан холи эмас.

Республикамиз тарихий, археологик, архитектура, санъат, мусиқа ва бошқа туристик имкониятларга ниҳоятда бой. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг бетакрор табиати, тоғ ва дарёлари, чўл ва воҳалари, кўл ва ландшафт зоналари асосий рекреация ресурсларидир. Уларни экотуризм нуқтаи назаридан ўрганиш катта илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Республикамизда ҳам қатор катта ва кичик дарё ва кўллар, сув омборлари мавжуд бўлиб, уларнинг туристик салоҳияти ҳозирча унча кўнгилдагидек эмас. Бинобарин, бундай гидрологик объектларидан самарали фойдаланиш учун аввало кенг кўламли географик ва картографик тадқиқотлар ўтказиш, сайёҳлик билан шуғулланадиган фирма ва компаниялар қизиқишини ошириш лозим. Масалан, Жиззах шаҳри ва унинг атрофи кўл ва боғлари ниҳоятда туризм учун қулай. Аммо шаҳарни кесиб ўтган Сангзор дарёси қирғоқларига фақатгина тартибсиз мавсумий, маҳаллий сайёҳлар келиб кетади, холос. Ваҳолонки, шаҳарнинг қулай туристик имконияти ва демографик сиғимини ҳисобга олиб, Сангзор дарёси соҳилида, Жиззах денгизи (Жиззах сув омбори)

---

[3] *Комилова Ф. Меҳмонхона ва ресторан хўжалиги. -Т.:Ўқитувчи, 2002. -.125 б.*
[4] *Ердавлетов С.Р География туризма: история, теория, методы, практика - Алматы. 2000 - .336 с.*
[5] *Солиев А., Қаршибаева Л. Иқтисодий географиянинг назарий ва амалий масалалари - Т.: 1999 - 2.180 б.*

ва бошқаларда туристик хизматни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ўзбекистоннинг бой тарихи, унинг босиб ўтган йўли ва шон-шуҳратидан далолат берувчи тарихий обидалар узоқ йиллардан бери сақланиб келинмоқда. Бироқ, кейинги йилларда аҳоли сони ва эҳтиёжининг ўсиши, шаҳарларнинг кенгайиши ва ривожланиши (урбанизация) саноат ҳамда транспортнинг юксалиб бориши таъсирида бундай объектларда экологик вазиятнинг кескинлашуви юзага келмоқда. Демак, айтиш мумкинки, табиий муҳит, табиат билан жамият ўртасидаги номутаносиблик охир оқибат экологик вазиятнинг ёмонлашуви, экотуристик вазиятнинг салбий кўринишини вужудга келтиради.

Тарихий ёдгорликлар билан танишиш республикамизда жуда кўп бўлган қадимий шаҳар харобаларини бевосита кўришни ҳам назарда тутади. Шу жиҳатдан Ахси, Афросиёб, Аёзқалъа, Кампирқалъа,Тупроққалъа, Поп, Насаф, Косонсой каби шаҳар қолдиқлари сайёҳлар диққатини ўзига жалб қилиши мумкин. Тоғ экотуризми бевосита табиат билан инсон ўртасида ўзаро тўқнашуви қай тарзда кечиши билан боғлиқ. Юртимиздаги кўплаб табиат гўшалари борки, у бевосита сайёҳларнинг дам олиш ва соғломлаштириш вазифасини бажаради. Бинобарин, тоғ ҳудудидаги ҳушманзара жойлар чет эллик сайёҳлар учун очилмаган қўриқдир. Биз уларни қизиқтира олсак, ҳар бир сайёҳни табиат қўйнида дам олиш ва соғлиғини тиклашга эриша олсак экотуризмнинг имкониятлари ниҳоятда кенгаяди. Аммо бунинг учун экологик вазият ва туризм хизматини яхшилаш талаб этилади6. Маҳаллий сайёҳларнинг мавсумий дам олиш пайтларидаги тартибсизлиги натижасида ўсимлик ва хайвонот дунёсининг пайҳон қилиниши, лола, равоч, кийик ўти, тоғ пиёзи каби ноёб, тиббиётда фойдаланиладиган ўсимликларнинг йўқ қилиниши шу жойларда нохуш экологик вазиятни юзага келтиради. Бундай ҳудудларни қўриқлаш, авайлаб асраш, дам олишни ва туристик маршурутларни туғри ташкил этиш лозим. Шу мақсадда экотуристик тадқиқотлар ўтказиш ва қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

*- тоғлардаги ҳушманзара ва ноёб табиат гўшаларини илмий жиҳатдан чуқур ўрганиш, бунинг учун махсус қўриқхона ва миллий боғлар (парклар) ташкил этиш;*

*- ҳудудларни туристик районлаштириш ва уларни экотуристик нуқтаи назардан баҳолаш;*

*- соғлиқни сақлаш ходимлари томонидан шифобахш жойларни ўрганиб чиқиш;*

*- тоғ экотуризмини ривожланган давлатлар тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда йўлга қўйиш;*

*- вилоят ҳудудидаги табиий ёдгорликлар, ғорлар, чашмалар, қадимий чинорлар, рекреация ва соғломлаштириш ҳамда дам олиш маскан-ларини ўрганиш, хариталаштириш, кадастрлаш ва ҳ.к.*

Хулоса сифатида таъкидлаш мумкинки, туризмни ривожлантириш мақсадида унинг экологик томонларини географик жиҳатдан илмий ўрганиш келажакда катта аҳамият касб этади.

**Тақризчи: г.ф.н. О.Л.Мухамедов**

************************

# КИМЁ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА ЎҚИТУВЧИНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

***Даминов Ғулом*** *- к.ф.н, Жиззах давлат педагогика институти*
***Шарипов Шавкат*** *- к.ф.н, Жиззах давлат педагогика институти*
***Абдураҳмонов Барот*** *- к.ф.н, Жиззах давлат педагогика институти*

**АННОТАЦИЯ:**

Ушбу мақолада асосан кимё фанини ўқитишда инновацион тажрибаларни қўллаш методларини назарий асослари келтирилган. Инновациялargина ўқувчиларни таълим жараёнига қизиқтиради, унинг шахсий қизиқишларини ички эҳтиёжга айлантиради. Албатта инновацини ҳосил қилиш ва унга ўқувчи қизиқишини кам ёки кўп бўлиши ўқитувчининг маҳоратига боғлиқ. Таълим турли босқичларда амалга ошади.

**КАЛИТ СЎЗ:** модернизациялаш, технология, педагогик технология, таълим жараёнини технологиялаштириш, инновация, новация, инновацион таълим технологиялари, инновацион жараён, таълимий инновацион жараён, таълимий инновацион жараён босқичлари.

Эта статья в основном представляет собой теоретическую основу для применения инновационных практик в преподавании химии. Только инновации сохраняют интерес студента к процессу обучения, превращая его личные интересы во внутреннюю потребность. Конечно, это зависит от умения учителя создавать инновации и проявлять к ним более или менее интерес студентов. Обучение проходит на разных этапах.

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** модернизация, технология, педагогическая технология, технологизация образовательного процесса, инновации, инновации, инновационные образовательные технологии, инновационный процесс, образовательный инновационный процесс, этапы образовательного инновационного процесса.

This article mainly provides the theoretical basis for the application of innovative practices in the teaching of chemistry. Only innovations keep the student interested in the learning process, turning his or her personal interests into an internal need. Of course, it depends on the skill of the teacher to create innovation and to have more or less student interest in it. Education takes place at different stages.

**KEYWORDS:** modernization, technology, pedagogical technology, technology of educational process, innovations, innovations, innovative educational technologies, innovative process, educational innovative process, stage of obrazovatelnogo innovative process.

Бугунги кунда мамлакатимизда босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур тахлили, жахон бозори конункуренсаси кескин ўзгариб рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқорар ва жадал суратлар билан ривожлантриш учун мутлақо янгича ёндашиш хамда тамоилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақоза этмоқда. Шу билан биргаликда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини яратилиши олий таьлимни тизимли ислоҳ қилишнинг устивор йўналишларини белгилаш,замонавий билим ва юксак маьнавийиахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакалий кадирлар тайёрлаш жараёнини сифат жихатдан янги босқичга кўтариш, олий талимни модеризация қилиш,илғорхориж технологияларига асосланган холда таьлим тизимини тубдан ислоҳ қилишга йўналтирилган. Бунинг учун эса заманавий ўқитувчини иновацион технология асосида шакиллантириш зарурдир. Мустақил Ўзбекистоннинг келажаги бўлган авлодни тарбиялаш, ниҳоятда катта диққат-эътиборни талаб қиладиган ички зиддиятли жараёндир. Шундай экан, ўқитувчи ўқувчи ёки талабанинг шаклланиш жараёнини зўр ҳавас ва синчковлик билан кузатиши лозим. У педагогик жараёнларни бошқарар экан, педагогик билим ва маҳорат эгаси бўлиши лозим[1].

Ҳар қандай дидактик жараёнда ўқитувчини инновацион кўникмаларни ҳосил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Инновацияларгина ўқувчиларни таълим жараёнига қизиқтиради, унинг шахсий қизиқишларини ички эҳтиёжга айлантиради. Албатта инновацини ҳосил қилиш ва унга ўқувчи қизиқишини кам ёки кўп бўлиши ўқитувчининг маҳоратига боғлиқ. Таълим турли босқичларда амалга ошади. Биринчи босқич-ўқув материалларини идрок қилишдан иборат. Бунда талаба таълимнинг мазмуни билан танишиб, ўзининг билиш вазифалари нималардан иборат эканини тушуниб олади. Бунда сезги, идрок, тасаввур каби жараёнлар фаол иштирок этади. Иккинчи босқич - улар ўқув материалларини тушуниб оладилар, унинг моҳиятини англайдилар ва умумлаштирадилар. Натижада уларда янги билимлар пайдо бўлади. Бунинг учун улар анализ, синтез, таққослаш, хулоса чиқаришдан фойдаланадилар. Учинчи босқич-янги билимлар, машқлар, мустақил ишлар, ўқитувчининг қўшимча изоҳлари орқали мустаҳкамланади. Туртинчи босқичда-улар ўзлаштириб олган билимларини имкониятга қараб амалиётга тадбиқ қиладилар[2].

Таълимда фақат қизиқишга таяниб қолиш ҳам мотивациянинг асосли самараси бўла олмайди. Бунда энг муҳим самарали усул мотивацион-муаммоли вазиятларни қуйиш ёки ўрганилаётган предметнинг ижтимоий моҳиятини акс эттирадиган махсус билишга оид вазифаларнинг қўйилишидир.

Бу вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун ўқитувчида ўз касбига лаёқат бўлиши лозим. Лаёқатлилик педагогик меҳнатни муваффақиятли бажаришга қодир бўлишдир. Бу аввало, педагогик касбнинг ижтимоий роли ва заруриятини яққол тасаввур қила олишида кўринади. Бундан ташқари ўқитувчи, ўқувчига ўз фаолиятининг объекти сифатида қизиқиб қараши, унинг эҳтиёж ва хусусиятларини тушуна билиши лозим.

Қуйидагилар мутахассис педагогкнинг тайёрланганлигининг зарур ва етарли даражасини таъминлайдиган асосий талаблар ҳисобланади:

1. *Дарс бериш маҳорати.*
2. *Тарбиялаш маҳорати.*
3. *Ўқув-тарбия жараёнида гуманитар омилни таъминлайдиган шахсий сифатлари.*
4. *Таълим олувчиларнинг билимларини холисона назорат қилиш ва баҳолаш маҳорати.*

Кимё фани ўқитувчиларида инновацион ғояларнинг шакиллантиришда педагог креативлик тушунчалари касбий фаолиятида вужудга келиши керак:

1.Каспий фаолиятига ижодий ёндашув.

2.Янг-янги ғояларни яратишда фаолик кўрсатиш.

3. Илғор педагогик ютуқларни ва тажрибаларни мустақил ўрганиш.

4. Ҳамкасблар билан педагогик ютуқлар хусусида фикр алмашиниш куникмаларини шакиллантириш. Одатда педагогларнинг креативлик қобилиятига эга бўлишлари педагогик муаммоларни ҳал қилишга интилиш, илмий-тадқиқот ишлари ёки илмий лойиҳаларни амалга ошириш ва ўзаро ижодий ҳамкорликка эришишлари орқали таъминланади.

Педагог ўз-ўзидан ижодкор бўлиб қолмайди. Унинг ижодкорлик қобилияти маълум вақт ичида

[1] *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси.*

[2] *Омонов Қ.Т., Қурбонназаров О.А. Кимё, инсон ва биосфера. -Тошкент: Ўзбекистон зиёлилариниң илмий-маърифий уюшмаси ,1993.-26 б.*

изчил ўқиб-ўрганиш, ўз устида ишлаш орқали шакллантирилади ва у аста-секин такомиллашиб, ривожланиб боради. ҳар қандай мутахассисда бўлгани каби бўлажак педагогларнинг креативлик қобилиятига эга бўлишлари учун талабалик йилларида пойдевор қўйилади ва касбий фаолиятни ташкил этишда изчил ривожлантириб борилади. Бунда педагогнинг ўзини ўзи ижодий фаолиятга йўналтириши ва бу фаолиятни самарали ташкил эта олиши муҳим аҳамиятга эга. Педагог ижодий фаолиятни ташкил этишда муаммоли масалаларни ечиш, муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик характердаги ижод маҳсулотларини яратишга алоҳида эътибор қаратиши зарур.

Муаммоли масала ва вазиятларни ҳал қилар экан, педагогнинг масала ечимини топишга ижодий ёндашиши унда ҳиссий-иродавий сифатларнинг ривожланишига ёрдам беради. Педагог ўз олдига муаммоли масалаларни қўйиш орқали мавжуд билимлари ва ҳаётий тажрибаларига зид бўлган далиллар билан тўқнаш келади. Бунинг натижасида ўз устида ишлаш, мустақил ўқиб ўрганишга нисбатан эҳтиёж сезади. Бунда кимё фани ўқитувчисида креативлик потенциалига эга бўлиши ўзида қуйидаги малакаларни намоён эта олади:

*1.Бажариладиган вазифанинг моҳияти ва аҳамиятини белгилай билиш.*

*2.Масаланинг қўйилишини тахлил қила олиш.*

*3.Масалани ҳал қилиш режасини тузиш.*

*4.Масалани ҳал қилишда самарали методлар (анализ,синтез, индукция, дедукци, таққослаш ва бошқаларни қўллаш.*

*5.Масалани ҳал қилиш усулларини танлай олиш.*

*6.Қабул қилинган қарорнинг тўғрилигини асослаш ва қайта текшириш.*

*7.Масалани ҳал қилишда кичик татқиотлар-изланишларни олиб бориш.*

*8.Масалани ҳал қилиш шароити, жараённинг бориши ва масала ечими якунларини умумлаштиришга оид далилларни расмийлаштириш. Хорижий мамалакатларнинг таълим тизими амалиётида шахс креативлик сифатларида шакллантириш ёки ривожлантиришга хизмат қиладиган кўплаб метод ва стратегиялар қўлланилади. Ушбу метод ва стратегияларнинг дидактик аҳамияти шундаки, улар талаба ва ўқувчиларни ўқув материаллари юзасидан чуқур ўйлашга мажбур қилади.*

Айниқса, "Кейс-стади" технологиясининг ўрни каттадир. Бунда,эса муаммоли вазиятларни яратиш ва уларни ҳал қилишга доир ўқув топшириқларини ишлаб чиқишда "Кейс-стади" технологияси муҳим аҳамиятга эга. Бу технология қарийиб 150 йилдан буён хорижий мамлакатлар таълими амалиётида муваффақиятли қўлланиб келинмоқда.

Дарҳақиқат, кейс-стади талабаларни ҳар қандай мазмунга эга вазиятни ўрганиш ва таҳлил қилишга ўргатади. Унинг негизида муайян муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнининг умумий моҳиятини акс эттирувчи элементлар ётади. Булар қуйидагилардир: таълим шакллари, таълим методлари, таълим воситалари, таълим жараёнини бошқариш усули ва воситалари, муаммони ҳал қилиш юзасидан олиб борилаётган илмий изланишнинг усул ва воситалари, ахборотларни тўплаш, уларни ўрганиш усули ва воситалари, илмий таҳлилнинг усул ва воситалари, ўқитувчи ва талаба ўртасидаги таълимий алоқанинг усул ва воситалари ва ўқув натижалари ётади.Бунинг натижасида талабалар ўртасида қўйдаги кўникмалар шакилланиши зарур:

*1. Тахлил кўникмалари ва танқидий тафакурни ревожлантириш.*

*2. Назария ва амалиёт бирлигини таьминлаш.*

*3. Муаммо юзасидан турли қарашлар ёндашувларни намойиш қилиш.*

*4. Қарорлар қабул қилиш ваунинг оқибатларига доир мулохазаларни тақдим этиш.*

*5. Ноаниқликлар мавжуд бўлган шароитда муқобил вариантларни бахолаш кўникмаларини шакиллантириш[3].*

Купгина методист олимларнинг М.Розенберг ва Л.М.Митина назарияларига асосан ўқитувчилик фаолияти моҳиятига таянган ҳолда бўлажак ўқитувчини касбий-педагогик жиҳатдан тайёрлаш модели қуйидаги учта ўзаро боғлиқ йўналиш асосида намоён бўлишини қайд этиб ўтади:

*1) талабанинг шахси; 2) талабанинг ўқув-ўрганиш фаолияти; 3) талаба томонидан ташкил этилувчи ижтимоий муносабатлар.*

Бугунги кунда таьлим тизимида инновацион компонентларини сингдириб боришда хорижнинг машғур кимёгарлари ва методистларнинг илмий меросларини ва назарияларини, айниқса машҳур кимё тарихчиларидан Б.Кедров "кимёвий диалектика", В.Штрубе "кимёнинг тараққиёт йўли", М.Джуа "кимёнинг умумий тарихи" билан шуғулланган бўлсалар, O.Benfey, V.Karpenko, B.Newbold, M.Pennington, P.Phillips, L.Corte,Z.Selak, J.Keutgen, K.Javorovалар кимё фанининг илмий-назарий асосларини такомиллаштириш масалаларини таҳлил этганлар. R.BeckerM, Galajлар бевосита кимёвий тажрибаларни ташкил этиш ва ўтказиш методикалари бўйича кўпгина тадқиқотлар олиб борганлар. Уларнинг илмий назарияларига мос равишда бугунги кунда таълим сифатини ўзгартиришда ўқитувчининг инновацион ғояларини шакиллантиришда қўйдагиларни амалга оширишни тавсия этамиз:

1. Ташкилотчи-ижтимоий педагог-ўқувчиларни мустақил ҳаётга тайёрлайди.

2. Синф етакчиси-синфда ижобий психологик муҳит яратади ва таъсир кўрсатади;

3. Методист-таълим жараёнида ўқувчиларнинг муаммони ечишда ёрдам беради ва қўллаб қуватлайди.;

---

*[3] Омонов Қ.Т. Кимёгарлик касби: ютуқ ва муаммолар.// "Касб таълими": муаммолар ва ечимлар" мавзусидаги Республика илмий-амалий семинари материаллари.-Тошкент: Молия институти, 2011. - 56-57 б.*

4. Файласуф-билим ва тажрибаларни таҳлил қилади, ўз қарашларини асослайди;

5. Тажрибали яқин дўст-ўқувчилар олдидаги тўсиқ ва муаммоларни бартараф этишга ёрдам беради;

6. Тадқиқотчи-новатор-янгилик яратувчи-мунтазам равишда ўз устида ишлайди, янги ғоялар яратади, татбиқ этади;

7. Ўқув жараёнини раҳбари ва уни рағбатлантирувчи-мақсадга эришиш воситалари, истиқболини назарда тутади, ўқитиш услубларини танлайди, ўқувчиларни ўқишга ўргатади, ижодий ёндашади;

8. Ўзаро таъсир кўрсатувчи-жамоа бўлиб ишлай олади ва ишлашга ўргатади;

9. Маслаҳатчи-шахсий намунасини ўргатади.

| | | |
|---|---|---|
| 1. Модератор | 8. Лектор | 15. Ассистент |
| 2. Тренер | 9. Эксперт | 16. Котиб |
| 3. Тютор | 10. Инноватор | 17. Технолог |
| 4. Фасилитатор | 11. Коммуникатор | 18. Методист |
| 5. Ментор | 12. Ғиитувчи | 19. Координатор |
| 6. Коуч | 13. Менежер | 20. Ғиувчилар |
| 7. Консультант | 14. Спектр | |

10.Тарбиячи-ўқувчиларга жисмонан, ақлий ва маънавий томондан ривожланишларига ёрдам беради;

11. Психолог-ўзини яхши билади ва тушунади;

12. Ўзгаришларга йўналтирувчи-ўқувчиларни ҳаётий кўникмаларини яхшилашга ёрдам беради;

13. Маълумотларни тақсимловчи - ўқувчиларга асосий янги маълумот-ларни етказади ва амалиётга татбиқ этишга ўргатади.

Яхши ўқитувчи ўқувчига "ҳунар" ўргатиши, ақлли ўқувчи эса уни ўрганиши лозим. Ўқувчилар "ҳунарни" қанчалик тез ва мустаҳкам ўрганиб олсалар, улар шунчалик бировларга муҳтож бўлмасдан ўз "маҳсулотларига" эга бўладилар. Мана шундай вазифаларни амалга оширишда янги интерфаол ва ноанъанавий педагогик технологиялар жуда қўл келишини педагогик тажрибаларнинг натижалари кўрсатмоқда.

Интерфаол машғулотларни амалда қўллашда уларни сифат ва самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар: ташкилий - педагогик, илмий - педагогик, ҳамда ўқитувчига, ўқувчиларга, таълим воситаларига боғлиқ омиллар деб аташ мумкин.

Интерфаол машғулотнинг асосий шакллари: катта доира, чархпалак, аккварИум, кичик гуруҳларда (жуфтликда) ишлаш ва бошқаларда наъмоён бўлади.

Интерфаол машғулотнинг асосий усуллари: интерфаол семинар, тренинг, маъруза, ақлий ҳужум, ишчанлик ўйини дарсларда амалга оширилади.

Интерфаол машғулот самарадорлигини белгилашнинг педагогик психологик асослари сифатида ўқитувчининг машғулотни олиб боришдаги касбий педагогик маҳорати, ўқувчиларнинг машғулот мавзусини қанчалик тўлиқ ва пухта ўзлаштиришга эришганликлари каби маълумотлар ҳисобга олинади.

Интерфаол машғулотлар ўзига хос ташкилий тузилишга эга бўлиб, уни ташкил қилиш ва олиб бориш бўйича фаолият турлари алоҳида ажратилган ва ҳар бири бўйича алоҳида вазифалар шаклида номлар берилган. Улар бажарадиган вазифаларига кўра қўйидагича номланадилар:

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, интерфаол таълим бир вақтда бир нечта масалани ҳал этиш имкониятини беради. Булардан асосийси - ўқувчиларнинг мулоқот олиб бориш бўйича кўникма ва малакаларини ривожлантиради, уларни жамоа таркибида ишлашга, ўз ўртоқларини фикрини тинглашга ўргатиш орқали тарбиявий вазифалари бажарилишини таъминлайди.[4]

Интерфаол машғулотларни амалда қўллаш бўйича айрим тажрибаларни ўрганиш асосида бу машғулотларнинг сифат ва самарадорлигини оширишга таъсир этувчи айрим омилларни кўрсатишимиз мумкин. Уларни шартли равишда ташкилий-педагогик, илмий-методик ҳамда ўқитувчига, ўқувчиларга, таълим воситаларига боғлиқ омиллар деб аташ мумкин. Улар ўз моҳиятига кўра ижобий ёки салбий таъсир кўрсатишини назарда тутишимиз лозим.

Агар ўқитувчи ҳақиқатдан ҳам талабаларни фикрлашини истаса у талабалар ижтимой ҳаётига боғлиқ бўлган рухлантирувчи қўшимча куч ва ғайрат бағишловчи материалларни топиши лозим. Ғачонки ўқитувчилар ўқувчиларни фикрлашга мажбур қилса талабалар уйларига нафақат ўзлари истаган қобилиятлар ва кенг дунёқараш билан қайтиб кетишади. Бунинг учун эса алоқадор материаллар ўқув жараёнини сифатини оширади.

Хозирги таълим жараёнида замонавий педагогда муаллимнинг инновацион куникмаларини ҳосил қилишда қўйдаги жараёнларни амалга ошириши зарур: шахсига, касбига хос хислат ва фазилатларнинг мужассам бўлиши, улардан ўқитиш ва тарбиялаш жараёнида ўринли, меъёрида фойдалана олиш зарурлигини назарда тутади. Улар: 1) ўқитувчининг шахсий хислатлари, 2) касбий билими, 3) касбий хислатлари, 4) шахсий педагогик уддабуронлиги, 5) ташкилотчилик малакалари, 6) коммуникатив малакалари, 7) гностик малакалари, 8) ижодий хислатлари шакилланган бўлишлигини кўрсатиб ўтамиз.

Шу билан бир қаторда, ўқитувчи таьлим сифатини оширишда, инновацион фаолиятини муваффақиятли амалга ошириш учун педагогик қобилиятларнинг муҳим компонентлари мавжуд бўлишлишлиги ва унинг қўйдаги метод ва усуллари орқали амалга оширишмиз:

1) дидактик қобилият, 2) академик қобилият, 3) перцептив қобилият, 4) нутқ қобилияти, 5) ташкилотчилик қобилияти, 6) авторитар қобилият, 7) коммуникатив қобилият, 8) педагогик ижодий хаёл, 9) диққатни тақсимлай олиш қобилиятини эгаллаган бўлиши шарт

[4] *Abraham Harold Masloou. Motivation and Personality. Year of the edition: 2011*

Купгина методист олимларнинг мулоҳазаларига кўра, булардан ташқари яна ўқитувчининг эзгу мақсад сари интилиши, меҳнатсеварлиги, қатъийлиги, камтаринлиги, ҳақгўйлиги, садоқатли бўлиши, намунали хулқи, юриш туриши, ўзини тута билиши, ташқи қиёфаси, хуллас, унинг миллий ва умуминсоний ахлоқ меъёрларига мос келувчи сифат ҳамда фазилатларни эгаллаши унинг ўз касбий фаолиятига тайёрлиги ва ўқув-тарбия жараёни самарасини таъминловчи муҳим омиллар эканлигини эътироф этамиз.[5]

Педагогларни инновацион фаолиятга тайёрлаш бўйича тадқиқотлар ичида М.В.Клариннинг ишлари алоҳида ўринни эгаллайди. У ўз ишларида инновацион фаолиятни ижтимоий-маданий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали ташкил этилган узлуксиз таълимнинг зарурлиги билан боғлайди. Ушбу ёндошув шахснинг эркин танлаш имкониятига йўналганлигидадир, бунда ўқиш фаолияти етакчи ўринлардан бирини эгаллайди ва шахснинг ривожланишидаги муҳим, етакчи восита ва шахсни таълим жараёнига жалб этувчи усул бўлиши мумкин.

Замонавий тараққиётга мос узлуксиз ривожланиб бораётган кимё ва педагогика таълими талабалар касбий тайёргарлигига янгича ёндашуви бўлғуси ўқитувчиларни педагогик, маданий-маърифий, илмий-тадқиқотчилик фаолиятига йўналтириш; умуммаданий, умумкасбий, фан соҳасидаги компетенцияларни эгаллаш орқали таълим натижаларига эришишни таъминлаш лозимлиги кўрсатиб ўтилди. Кимёнинг асослари асосида талабалар касбий тайёрарлиги сифатини таъминлашнинг интегратив методологияси кимё ўқитишнинг назарий ва методик жиҳатдан интеграциялаш орқали амалга оширишлиги кўрсатиб ўтилди. Уларнинг кимё асослари асосида касбий-методик тайёрлаш мазмунини инновацион таълим парадигмалари, кимё таълими назарияси ва амалиётининг тараққиёт тенденциялари, фанга оид компетенцияларини эгаллаш билан боғлиқ кимёвий-методик компетенлигини шакллантириш ташкил этишлиги аниқланди.

Кимёвий-методик компетентликда ўқитувчини инновацион қобилиятларини шакиллантиришда кимё фани ўқитувчиларини нафақат умуммаданий ва умумкасбий балки, махсус (кимё фанининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, фанга оид) компетенцияларини эгаллашни ҳам тақозо этиши ўқувчи талабаларда инновацион фаолияти вужудга келиши орқали кимёвий тўшунчаларниг шакиллантиришга йуналтиради.

**Тақризчи: к.ф.д. З.Яхшиева**

[5] *Albert Bandura, Richard Walters. Teenage aggression.Studying of influence of education and family relations. Publishing house: Eksmo-Press, Aprel-Press ISBN: 5-04-004214-0 Year of the edition:-2000*

***********************

# МИНКОВСКИЙ ФАЗОСИДА ЦИКЛИК СИРТЛАР

***Қурбонов Эргаш Қуролович*** *- ф.-м.ф.н. ЖДПИ*
***Парманов Абулқосим Абдурашидович*** *- п.ф.б.ф.д.(PhD) ЖДПИ*

**АННОТАЦИЯ:**

Ушбу мақолада тўрт ўлчовли Минковский фазосида циклик нуқталар тушинчаси киритилган. Шунингдек, n = 4 бўлганида барча нуқталари циклик нуқталардан иборат бўлган сиртнинг мавжудлиги кўрсатилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** Минковский текислиги, минковский фазоси, циклик нуқта, циклик сирт.

This paper introduces the concept of cyclic points in a four-dimensional Minkovski space. It is also shown that there is a surface with all points consisting of cyclic points.

**KEYWORDS:** Minkovski plane, Minkovski space, Cyclic point, cyclic surface.

Эта статья представляет понятие циклических точек в четырехмерном пространстве Минковского. Также показано, что существует поверхность со всеми точками, состоящими из циклических точек.

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** Плоскость Минковского, пространство Минковского, циклическая точка, циклическая поверхность.

$A_3$ аффин фазода $\vec{a}(x_1, y_1, z_1)$ ва $\vec{b}(x_2, y_2, z_2)$ векторлар берилган бўлсин.

**1-Таъриф.** Уч ўлчўвли Минковский фазоси аффин фазо бўлиб, $\vec{a}$ ва $\vec{b}$ векторлар учун скаляр кўпайтма

$$\vec{a} \cdot \vec{b} = x_1 \cdot x_2 + y_1 \cdot y_2 - z_1 \cdot z_2$$

кўринишида аниқланади. Бундан ташқари, *n* = 2 бўлганда Минковский фазосида $\vec{a}$ ва $\vec{b}$ векторлар учун скаляр кўпайтмани қуйидаги $\vec{a} \cdot \vec{b} = -x_1 \cdot x_2 - y_1 \cdot y_2 + z_1 \cdot z_2$ кўринишда ҳам аниқлаш мумкин. Келтирилган скаляр кўпайтмалардан фойдаланиб, фазонинг чизиқли элементларини дифференциал кўринишда қуйидаги $dS^2 = dx_1^2 + dx_2^2 - dx_3^2$ ёки $dS^2 = -dx_1^2 - dx_2^2 + dx_3^2$ кўринишларда келтириш мумкин.

.

Минковский фазосига бирор декарт ёки аффин фазоларни киритиб, ${}^1R_3$ ва ${}^2R_3$ лар ўртасида $\varphi : {}^1R_3 \to {}^2R_3$ мосликни ўрнатиш мумкин

$$dS^2_{1_{R_3}} = -dS^2_{2_{R_3}}$$

Киритилган скаляр кўпайтмалардан фойдаланиб, Минковский фазосини учта: мусбат метрикали, манфий метрикали ва нол метрикали қисм фазоларга бўлиш мумкин. Таърифда келтирилган скаляр кўпайтма нолга $x_1^2 + y_1^2 - z_1^2 = 0$ тенг бўлганида, бу тенгламани қаноатлантирувчи ***M(x,y,z)*** нуқталар изотроп конусни ҳосил қилади. Бу уч ўлчўвли евклид фазосида учи координаталар бошида бўлган доиравий конусни эслатади. Агар $\vec{a}$ ва $\vec{b}$ векторлар учун бир вақтда $|\vec{a}| > 0,\ |\vec{b}| > 0$ ёки $|\vec{a}| < 0,\ |\vec{b}| < 0$ бўлса, улар орасидаги бурчак

$$ch\theta = \frac{\vec{a}\cdot\vec{b}}{\sqrt{\vec{a}^2\cdot\vec{b}^2}} \qquad (1)$$

Минковский фазосида ***n*** = ***4*** бўлганида $\vec{x}(x_1, x_2, x_3, x_4)$ вектор учун скаляр кўпайтма

$$\vec{x}\cdot\vec{x} = x_1^2 + x_2^2 + x_3^2 - x_4^2 \qquad (2)$$

кўринишда бўлади[1]

Агар $|\vec{a}| > 0,\ |\vec{b}| < 0$ ёки $|\vec{a}| < 0,\ |\vec{b}| > 0$ бўлса, улар орасидаги бурчак

$$sh\theta = \frac{\vec{a}\cdot\vec{b}}{\sqrt{-\vec{a}^2\cdot\vec{b}^2}} \qquad (3)$$

кўринишда аниқланади. Агар $\vec{a}$ ва $\vec{b}$ векторлар изотроп конусда ётса, улар учун $\vec{a} = \vec{b} = 0$ бўлади.

Бундай ҳолда $\vec{a}$ ва $\vec{b}$ векторлар орасидаги бурчак мавжуд бўлсада, яъни нолдан фарқли бўлсада уларни (1) ёки (3) муносабатлар билан аниқлаб бўлмайди. Бундан ташқари, Минковский фазосининг метрик муносабатларидан фойдаланиб хатто изотроп конус юзасини ҳам аниқлаб бўлмайди.

Маълумки, евклид фазосида ҳар қандай сирт нуқталари асосан эллиптик, гиперболик ва параболик каби турларга таснифланади. Эллиптик нуқталарда сиртнинг гаусс эгрилиги мусбат бўлса, гиперболик нуқталарда манфий, параболик нуқталарда нолга тенг бўлади. Ноевклид фазоларда сирт нуқталарининг бу таснифи қаторига яна битта тур циклик нуқталар таснифи қўшилади.[2] Тўртинчи тур нуқталарнинг қўшилишига зарурат шундаки, ҳам евклид ҳам яримевклид фазоларда гаусс эгрилиги манфий бўлган баъзи сиртларнинг

$$k_1 = L - \frac{M^2}{N},\ k_2 = \frac{N}{G} \qquad (4)$$

бош эгриликларини аниқлаб бўлмайди. Масалан, $z = x \cdot y$ сирт учун $N = 0$ эканлигидан бош эгриликларни аниқлаб бўлмайди. Шунга ўхшаш, уч ўлчовли Минковский фазода изотроп конус $x^2 + y^2 - z^2 = 0$ тенгламаси билан берилганда, гарчанд унинг сирти нолдан фарқли бўлсада, Минковский метрикаси ва бош эгриликларига асосан унинг сирти нолга тенгдир. (5) конус Минковский фазосидаги

$$\vec{r} = v \cdot cos\alpha \cdot \vec{e}(u) + vsin\alpha \cdot \vec{k} \qquad (6)$$

конуслар оиласига тегишлидир. (6) тенгламани параметрик кўринишга ўтказсак,

$$x = vcos\alpha cosu,\ x = vcos\alpha sinu,\ z = vsin\alpha$$

(7) дан иборат бўлади. Бунда $\alpha = \frac{\pi}{4}$ бўлганида, уч ўлчовли Минковский фазодаги

$$x = \frac{\sqrt{2}}{2}vcosu,\quad y = \frac{\sqrt{2}}{2}vsinu,\ z = \frac{\sqrt{2}}{2}v \qquad (8)$$

изотроп конуси ҳосил бўлади. (8) тенглама билан аниқланадиган конус сиртнинг ихтиёрий нуқтасидаги урунма текислиги айниган метрикали текислик бўлади. (8) дан

$$E = x_u^2 + y_u^2 - x_u^2 = \frac{1}{2}v^2$$

$$G = x_v^2 + y_v^2 - x_v^2 = \frac{1}{2}cos^2u + \frac{1}{2}sin^2u - \frac{1}{2} = 0$$

$$F = x_u x_v + y_u y_v - z_u z_v = -\frac{1}{2}vcosusinu + -\frac{1}{2}vcosusinu = 0$$

Демак, (8) изотроп конус учун юза $S = EG - F^2 = 0$.

Шундан келиб чиқиб, уч ўлчовли Минковский фазоларида тўртинчи тур нуқталарни киритишга зарурат туғилади.

Циклик нуқталар учун қуйидаги шартларни қабул қиламиз: Агар ***M(x,y,z)*** нуқтада ***F*** сирт учун ***N***=***0*** бўлиб, гаусс эгрилик $K = -\frac{M^2}{G}$ бўлса, ***M*** нуқтани циклик нуқта деб

қабул қиламиз. Бу ҳолда бош эгрилик $k_1 = \frac{M}{\sqrt{G}}$, $k_2 = -\frac{M}{\sqrt{G}}$ кўринишларда бўлади[3]

**2-таъриф.** Барча нуқталари циклик нуқталардан иборат бўлган сиртларга Минковский фазосидаги циклик сиртлар деб аталади.

Ҳозирча уч ўлчовли Минковский фазосида циклик сиртга мисол сифатида (8) изотроп конусни келтириш мумкин.[4]

Маълумки, агар $\vec{x}$ вектор изотроп йўналишга эга бўлса, унинг узунлиги нолга тенг бўлади. У ҳолда, (2) тенглама тўрт ўлчовли минковский фазосида тўрт ўлчовли сиртни

$$x_1^2 + x_2^2 + x_3^2 - x_4^2 = 0 \qquad (9)$$

кўринишида ёзамиз. тўрт ўлчовли Минковский фазосида (9) тенглама сирт тенгламасини ифода қилади. (9) сирт учун ҳам $S = EG - F^2 = 0$ эканлигини кўрсатиш мумкин. Келтирилган асосли маълумотлардан қуйидаги теоремани исботсиз келтирамиз.

**1-теорема.** Тўрт ўлчовли Минковский фазосида барча нуқталари циклик нуқталардан иборат бўлган сирт мавжуд.

**Тақризчи: физ. мат. ф. н., доцент С. Сидияров**

[1] *А. Артыкбоев., Д. Д. Соколов. Геометрия в целом в плоском пространстве-времени. Ташкент. "Фан" 1991г., ст. 179.*

[2] *А.Д. Александров., Н.Ю. Нецветаев. Геометрия. Наука. Москва. 1992г. ст. 671*

[3] *Э. К.Курбанов. Цикличиские поверхности в* ${}^1R_3$ *Ташкент., Узбекский математический журнал. 2005г. 14-21ст.*

[4] *Н.В. Ефимов. Высшая геометрия. Учеб. Москва. 1985г. ст. 424.*

# УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА МАТЕМАТИКАНИ ЎҚИТИШДА ЮМОРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

**Алимов Бекзод Нематович-** *ўқитувчи, Чирчиқ давлат педагогика институти*
**Қаршибоев Обид Шерқул ўғли -** *ўқитувчи, Чирчиқ давлат педагогика институти*

**АННОТАЦИЯ:**

Мақолада мактаб ўқувчиларига математика фанини қизиқарли қилиб ўқитишда математик юморлардан фойдаланиш ҳақида маълумотлар келтирилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** каср сон, касрнинг маҳражи ва сурати ЭКУБ (энг катта умумий бўлувчи), ЭКУК (энг кичик умумий каррали), логарифм, тригонометрик функциялар.

В статье описывается, как перейти от простоты к сложности, чтобы дать ученикам представление о простых чисел.

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** Простые числа, составные числа, НОД (наибольший общий делитель), НОК (наименьшее общее кратное), простые числа, логаримф, тригонометрических функция

The article describes how to move from simplicity to complexity by using mathematical humor and make lessons more interesting.

**KEYWORDS:** Ratio, Prime numbers, composite numbers, quotient numbers, logarithm, trigonometric functions

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган кенг кўламлиислоҳотлар халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, жаҳон талаблари даражасида таълим олиши ва касб эгаллаши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди. Янги шароитлардан келиб чиқиб, 2017-2021-йилларга мўлжалланган "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси" тўғрисидаги ғарорига мувофиқ, таълим босқичларининг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш, таълимнинг замонавий методологиясини яратиш, умумий ўрта таълим мактабларида математикани ўқитишни янада такомиллаштиришни тақозо этади. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини математикага қизиқтира олиш жуда муҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланади, чунки ҳаётимиздаги деярли барча соҳалар математика билан чамбарчас боғлиқ.

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида мантиқий фикрлашни шакллантириш бугунги кунда жуда долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Чунки, дунё ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлиб бораётган юртимиз ёш авлодлари жаҳон болалари билан тенг фикрлай олиши, турли жабҳаларда ўзини кўрсата олиши зарур.

Лекин, ҳозирги кунда ҳамма ҳам математикага бирдек қизиқадими деган савол ўз ечимини кутмоқда. Сўнгги йиллардаги тенденция шуни кўрсатмоқдаки, мактаб ўқувчилари томонидан математика фани энг мураккаб фан сифатида қаралади. Математика фанига қизиқиш уйғотиш, мантиқий фикрлашни янада ошириш учун ўқитувчилар баъзан ностандарт масалалардан фойдаланишади. Ностандарт масалалар, албатта, ўқувчидан, ўрганилган қоида ёки формулани янада чуқурроқ билишни талаб этади. Ностандарт масалалар таркибига математик юморлар ҳам киради. Математика ва юморлар орасида чуқур боғлиқлик борлиги ҳақида кўп математиклар такидлашган.[1] Математик юморларни шартли равишда уч синфга таснифлаш мумкин: биринчи шахс ҳазили; учинчи шахс ҳазили ва аниқланмаган семантик ҳазиллар.[2] Учинчи шахс юмори биз нотўғри деб билган, камчиликларга асосланган бир ишнинг учинчи шахс томонидан бажарилишидир. Учинчи шахс юморига қуйидаги математик ҳисоб-китоблар мисол бўла олади:

$$\frac{95}{19}=\frac{\not{9}5}{1\not{9}}=\frac{5}{1}=5$$

$$\frac{d}{dx}x=\frac{\not{d}}{\not{d}x}x=\frac{x}{x}=1$$

Бу ҳисоб-китобларни кимдир беъмани усуллар бажарганлигини кўрамиз. Бироқ, бунинг натижаси хато эмас. Лекин, бу усулда қатъий математик формулани бузишга олиб келаььфмипмтьтииимдиган хатоликка йўл қўйил-ган! Бунга қуйидаги мисол ёрдамида ишонч ҳосил қилиш мумкин:[3]

$$3=\frac{42}{14}=\frac{\not{4}2}{1\not{4}}=\frac{2}{1}=2$$

$$\frac{95}{19}=\frac{\not{9}5}{1\not{9}}=\frac{5}{1}=5$$

**1-масала.** Маҳражи ва сурати 100 дан ошмаган нечта касрни қоидага асосан қисқартириш мумкин?

[1] *U.A. Rozikov, N.H. Mamatova. Matematika va turmush. O'zR FA "Fan" nashriyoti. 2020, 14-19 б.*
[2] *Paulos J.A. Mathematics and humor: a study of the logic of humor. Chicago, IL: University of Chicago Press. 980.*
[3] *Славуцкмий И.И. В шутку и всерьез о математике. Санкт-Петербург, 1998.*

**Ечиш.** Айтайлик, $a,b,c \in \{1,2,...,9\}$ рақамлар бўлсин. Энди

$$\frac{\overline{bc}}{\overline{ab}} = \frac{\overline{\not{b}c}}{\overline{a\not{b}}} = \frac{c}{a}$$

тенгликни текшириб кўрамиз (бу ерда $\overline{ab}$ икки хонали сон). ҳар қандай икки хонали сонни қуйидагича ёзиш мумкин:

$\overline{ab} = 10a + b$ .

Бундан фойдаланиб, $\frac{10b+c}{10a+b} = \frac{c}{a}$ нисбатни ҳосил қиламиз. Пропорция қоидасидан фойдаланиб, уни соддалаштирамиз: $(10b+c)a = (10a+b)c$ ёки $10ab + ac = 10ac + bc$ .

Бундан $b = \frac{9ac}{10a-c}$ муносабатни топамиз. Бу ерда қуйидагича ҳолатлар бўлиши мумкин:

1) $a = 1$ бўлсин. У ҳолда $b = \frac{9c}{10-c}$ ни ҳосил қиламиз. $b \in \overline{1,9}$ бўлганлиги учун $c = 1$ да $b = 1$, $c = 4$ да $b = 6$ ва $c = 5$ да $b = 9$ бўлади. Демак, $\frac{11}{11}$, $\frac{64}{16}$, $\frac{95}{19}$ касрларни юқоридаги қоидага кўра қисқартира оламиз.

2) $a = 2$ бўлсин. У ҳолда $b = \frac{9ac}{10a-c} = \frac{18c}{20-c}$ ни ҳосил қиламиз. Бу тенглик $c = 2$ да $b = 2$ ва $c = 5$ да $b = 6$ бўлганда бажарилади. Демак, $\frac{22}{22}$ ва $\frac{65}{26}$ касрларни юқоридаги қоидага кўра қисқартира оламиз.

3) $a = 3$ бўлсин. У ҳолда, $b = \frac{9ac}{10a-c} = \frac{27c}{30-c}$ тенглик фақатгина $c = 3$ ва $b = 3$ бўлганда бажарилади. Демак, $\frac{33}{33}$ касрни юқоридаги қоидага кўра қисқартира оламиз.

4) $a = 4$ бўлсин. У ҳолда $b = \frac{9ac}{10a-c} = \frac{36c}{40-c}$ тенглик ҳосил бўлади. Бу тенгликни $c = 4$ да $b = 4$ ва $c = 8$ да $b = 9$ қаноатлантиради. Демак, $\frac{44}{44}$ ва $\frac{98}{49}$ касрларни юқоридаги қоидага кўра қисқартира оламиз.

5) $5 \le a \le 9$ ҳолатлар учун фақат $a = b = c$ шарт бажарилганда юқоридаги қоида бўйича қисқартириш мумкин бўлади.

Демак, $\frac{11}{11}, \frac{64}{16}, \frac{95}{19}, \frac{22}{22}, \frac{65}{26}, \frac{33}{33}, \frac{44}{44}, \frac{98}{49}, \frac{55}{55}, \frac{66}{66}, \frac{77}{77}, \frac{88}{88}, \frac{99}{99}$ касрларни масала шартидаги қоида бўйича қисқартира олар эканмиз.

**2-масала**. $\frac{9-25}{6+10} = \frac{9}{6} - \frac{25}{10}$ тенглик қандай бутун сонларда бажарилади?

**Ечиш**. $\frac{a-b}{c+d} = \frac{a}{c} - \frac{b}{d}$ (бу ерда $c \ne 0, d \ne 0$ ) тенглик бажариладиган $a,b,c,d \in Z$ сонларни топайлик. $\frac{a-b}{c+d} = \frac{ad-bc}{cd}$ тенгликдан $(a-b)cd = (ad-bc)(c+d)$ эканлиги келиб чиқади. Уни соддалаштирсак, $ad^2 - bc^2 = 0$ муносабат ҳосил бўлади. Демак,

$$ad^2 - bc^2 = 0$$

шартни қанотлантирувчи бутун сонларни юқоридаги каби ёза оламиз.

**3-масала**. Кўпчилик томонидан касрларни қўшишда қуйидагича хатога йўл қўйилади: $\frac{1}{3} + \frac{2}{5} = \frac{1+2}{3+5}$. Бу қўшиш, албатта, тўғри эмас. Энди қуйидагича савол туғилади: $\frac{a}{c} + \frac{b}{d} = \frac{a+b}{c+d}$ нисбатни қаноатлантирувчи натурал сонлар мавжудми?

**Ечиш**. 2-масаладан олинган натижадаги $(-b)$ нинг ўрнига $b$ олинса, $ad^2 + bc^2 = 0$ муносабат ҳосил бўлади. Афсуски, бу шартни қаноатлантирувчи натурал сонлар мавжуд эмас.

**4-масала**. ҳар қандай $a$ , $b$ , $c \ne 0$ , $d \ne 0$ сонлар учун қуйидаги тенглик ўринли: $\frac{a}{c} + \frac{b}{d} = \frac{ad+bc}{cd}$. Лекин, касрларни қўшишда бу қоида ҳар доим ҳам қўлланмайди. ғандай ҳолларда касрларни қўшиш учун тенгликдан фойдалансак бўлади?

**Ечиш**. Бизга маълумки, касрларни қўшишда маҳраждаги сонларнинг ЭКУКи олинади. Бундан эса, $EKUK(c,d) = cd$ тенглик ҳосил бўлади. ҳар қандай иккита $m,n$ натурал сонлар учун $mn = EKUB(m,n)EKUK(m,n)$ бўлади. Бу

тасдиқни $c,d$ сонлар учун қўлласак, $EKUB(c,d)EKUK(c,d)=cd$ тенглик ўринли бўлади. Бундан эса, $EKUB(c,d)=1$ ҳосил бўлади, яъни сонлар ўзаро туб бўлса, юқоридаги шарт бажарилади.

**5-масала.** Қуйидаги тенгликлар бажарилишини текшириш осон: $\ln(16+\frac{16}{15})=\ln 16+\ln\frac{16}{15}$ ва $\ln(\frac{64}{7}-8)=\ln\frac{64}{7}-\ln 8$. Қандай шартлар бажа-рилганда қавсларни шу қоида бўйича оча оламиз?

**Ечиш**. Биринчи тенглик учун

$$\ln(a+b)=\ln a+\ln b$$

шарт қандай мусбат $a,b$ сонларда бажарилишини текширамиз. Логарифмлаш қоидасидан $\ln(a+b)=\ln(ab)$ ни ҳосил қиламиз. Иккала томондан логарифмларни ташлаб юборсак, $a+b=ab$ ёки $\frac{1}{a}+\frac{1}{b}=1$ тенглик келиб чиқади.

Иккинчи тенглик учун $\ln(c-d)=\ln c-\ln d$ шарт қандай $c,d$ мусбат сонларда бажарилишини текширамиз. Логарифмлаш қоидасидан фойдалансак, $\ln(c-d)=\ln\frac{c}{d}$ ҳосил бўлади. Иккала томондан логарифмларни ташлаб юборсак, $c-d=\frac{c}{d}$ тенглик ўринли бўлади. Бундан, $c=\frac{d^2}{d-1}$ тенглик ҳосил бўлади.

**6-масала**. $a$ ва $b$ ларнинг қандай қийматларида $\sin(a+b)=\sin a+\sin b$ тенглик ўринли бўлади.

**Ечиш**. Синуслар йиғиндиси учун қуйидаги тенглик ўринли: $\sin a+\sin b=2\sin\frac{a+b}{2}\cos\frac{a-b}{2}$. Бу тенгликдан масала шартидаги тенгликни $\sin(a+b)=2\sin\frac{a+b}{2}\cos\frac{a-b}{2}$ каби ёза оламиз. Иккиланган синус формуласидан эса $2\sin\frac{a+b}{2}\cos\frac{a+b}{2}=2\sin\frac{a+b}{2}\cos\frac{a-b}{2}$ тенгликни ҳосил қиламиз. Чапдаги ифодани, ўнг томонга ўтказиб, умумий кўпайтмани қавсдан ташқарига чиқарсак, $2\sin\frac{a+b}{2}(\cos\frac{a+b}{2}-\cos\frac{a-b}{2})=0$ ни ҳосил қиламиз. Косинуслар айирмаси формуласидан эса, $\sin\frac{a+b}{2}\sin\frac{a}{2}\sin\frac{b}{2}=0$ га эга бўламиз. Кўпайтма нолга тенг бўлиши учун, уларнинг камида биттаси нолга тенг бўлиши керак. Демак, $\sin\frac{a+b}{2}=0$, $\sin\frac{a}{2}=0$ ёки $\sin\frac{b}{2}=0$ тенгликлар ўринли. Бундан эса, $a+b=2\pi k$, $a=2\pi l$ ва $b=2\pi t$, $k,l,t\in Z$ ечимларини оламиз.

Юқоридаги масалалардан кўринадики, агар қоида ёки формуларнинг ишлаш механизмини озроқ ўзгартирсак, уларнинг ишлаши баъзи шартларга боғлиқ бўлиб қолар экан. Бундан эса, ўқувчилар кўп йўл қўядиган хатоларни четлаб ўтишга замин яратиб, формула ёки қоидани чуқурроқ ҳис қилишга ундайди.[4]

Ўрта таълим мактабларида математика фанини оғир ва зерикарли фан деб таъкидлашади. Математика фанини қизиқарли ва ўқувчилар дарсда зерикишларини олдини олиш учун юморлардан фойдаланиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади. Юқорида келтирилган мисолларда ўқувчиларни касрлар устида амалларда қандай хатоларга йўл қўйиши мумкинлиги келтирилган.

Шу хатоларидан фойдаланиб, касрларни ҳисоблашни тушунтиш, яъни хатодан тўғри ҳисоблашларга ўтиш ўқувчиларга касрлар устида амалларни ўрганиши учун анча самарали бўлади.

**Тақризчи: физ.мат.ф.д., профессор Р.Бекмирзаев**

[4] *Weber K., Mathematical humor: Jokes that reveal how we think about mathematics and why we enjoy it. Math. Intelligencer.2016.*

# ФОРИШ ТОЖИКЛАРИ: ҲУДУДИЙ ЖОЙЛАШУВИ ВА АЙРИМ ЭТНОГЕОГРАФИК ХУСУСИЯТЛАРИ

***Хакимов К.М.*** - *География ф.н., профессор в.б, ЖДПИ*

**АННОТАЦИЯ:**
Мақолада Нурота тоғлари этагида яшовчи маҳаллий тожиклар ва уларнинг асосий қисмини ташкил қиладиган "Фориш тожиклари" нинг этногенези, ҳудудий жойлашуви ва айрим этногеографик хусусиятлари аниқ мисоллар ёрдамида тадқиқ қилинган.
**КАЛИТ СЎЗЛАР:** этник гуруҳ, этноним, этнотопоним, этногеография, ҳудуд, ареал, илмий талқин.

В данной статье на конкретных примерах изучено территориальное размещение и некоторые этногеографические особенности фаришских таджиков, которые формировались в течении длительного исторического периода.
**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** этническая группа, этноним, этнотопоним, этногеография, территория, ареал, научная трактовка.

The article has been explored using specific examples of the ethnogensis, geographical location, and ethnogeographic features of the Faris Tajiks, which have historically formed over a long period of time.
**KEY WORDS :** ethnic group, ethnotoponyim, etnogeography, territory, range, scientific interpretation.

Нурота тоғларининг шимолий этагида кўп асрлардан буён муқим яшаб келаётган маҳаллий тожикларни айрим этногеографик адабиётларда "Фориш тожиклари" номи билан тилга олинган. Бундай номлашнинг асосий сабаби, ўтган асрнинг олмишинчи йилларигача улар яшайдиган барча қишлоқлар Самарқанд вилояти Фориш туманига қарашли бўлган. Ҳозирги кунда мазкур ҳудуд, деярли тенг иккига бўлинган ва маъмурий жиҳатдан икки (Жиззах ва Навои) вилоят ва икки (Фориш ва Нурота) туманга қарайди. Порашт, Арсаф, Ўхм, ҳоят, Кочак, Андагин, Можарм каби қишлоқлар Фориш тумани таркибида, Синтаб, Соп, Эж (Сойи калон - Каттаэж, Сойи хурд - Кичикэж), Симбулоқ каби қишлоқлар маъмурий жиҳатдан Нурота тумани таркибига киради.

Кўринадики, "Фориш тожиклари" тушунчаси бугунги кундаги маъмурий-ҳудудий бўлинишга тўла мос келмайди. Таниқли географ олим, профессор Маҳмуд Нурназаров тарихийлик нуқтаиназаридан келиб чиқиб, маҳаллий халқнинг ўтроқ ҳаёт тарзи, этник келиб чиқиши, шеваси, урф-одатлари, миллий қадриятлари деярли бир хил бўлганлигини ҳисобга олган ҳолда, уларни ягона ном билан "Фориш тожиклари" деб атаган[1].

Ҳозирда Фориш тумани аҳолисининг салкам ўн фоизини тожиклар ташкил қилади. Ўзига хос этник илдизга эга бу халқнинг ҳудудий жойлашуви, шеваси, маданияти, турмуш тарзи, урф-одатлари бошқалардан қисман бўлса ҳам фарқ қилади. Ҳозиргача, улар мутахассислар томонидан кам ўрганилган ва алоҳида тадқиқот объекти бўлган эмас. Бинобарин, кўп асрлардан буён ушбу ҳудудда муқим яшаб келаётган маҳаллий тожикларнинг тарихий шаклланиши, ҳудудий жойлашуви ва ўзига хос этногеографик хусусиятларини ўрганиш муҳим илмий аҳамиятга эга.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Ишнинг мақсади тадқиқот учун зарур бўладиган маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва илмий манбаларга таянган ҳолда, маҳаллий халқнинг, шаклланиши, ҳудудий тарқалиш тарихи, ўзига хос этногеографик хусусиятларини илмий манбалар асосида қиёсий тадқиқ қилишдан иборат. Қуйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни бажариш керак: 1) маҳаллий тожиклар ҳақида мавжуд бўлган айрим тарихий-этнографик манбаларни қиёсий ўрганиш; 2) жойларга бориб дала маълумотларни тўплаш ва уларни таҳлил қилиш; 3) маҳаллий аҳолининг ҳудудий жойлашуви ва айрим ўзига хос этногеографик хусусиятларини тадқиқ қилиш.

**Асосий қисм.** Ўзбекистоннинг марказий қисми-да жойлашган Нурота тоғлари маъмурий жиҳатдан Самарқанд, Навои ва Жиззах вилоятлари таркибига киради. Мазкур тоғлар юнон тарихий манбаларида Сўғд тоғларининг бир қисми деб таърифланган. Кейинчалик уш бу ҳудудга келган араб географлари уни Қоф тоғларининг таркибий қисми сифатида қайд қилишган. Илк ўрта аср ёзма манбаларида эса, Самарқанднинг шимолий чегарасида жойлашган тоғлар "Кўҳи худ дин" -

[1] Нурназаров М.Н. Точикони Фориш, -Гулистон, 2000.

"ўзи пайдо бўлган дин тоғи" номи билан тилга олинган[2]. Ривоятларга кўра, араблар келган вақтда тоғликлар ислом динини ўз хоҳишлари билан қабул қилганлари тоғларни шу ном билан аталишига сабаб бўлган. Муғуллар истилоси даврида маҳаллий халқ ислом динини муқаддас билиб, яшаш масканлари бўлган тоғларни ғайридинлардан қаттиқ ҳимоя қилганлар.

Табиий-географик жиҳатдан, Нурота тоғлари жануби-шарқдан, шимоли-ғарбга қараб салкам 400 км масофага чўзилган бўлиб, ўртача кенглиги 50-70 км ташкил қилади. Тоғнинг шимолий этагидан тахминан 5-6 км масофада Қизилқум чўли ва Айдар-Арнасой кўллар тизими жойлашган, ундан шимолроқда Ғозоғистон ҳудуди бошланади. Тоғларнинг жануби-ғарбий этаги Зарафшон дарёсининг қуйи оқимигача боради. Ўрганилаётган ҳудудда Ўрта Осиёга хос бўлган барча табиий - иқлим шароитларини учратиш мумкин. Ҳудуд табиий-географик жиҳатдан - чўл, тоғолди текисликлари, адир ва ўртача баланликдаги тоғлардан иборат[3]. Жанубда - ғўбдинтоғ ва ғароқчитоғ (Қорачатоғ), шимолда - Писталитоғ, Эгарбеллитоғ ва Балиқлитоғ ҳам Нурота тоғлари таркибига киради. Нурота тоғларининг энг баланд нуқтаси ҳаётбоши (Сариҳоят) чўққиси - 2169 метрни ташкил қилади.

Нурота тоғларининг шимолий қисмида яшайдиган аҳоли этник жиҳатдан анча мураккаб бўлиб, соҳа мутахассислари томонидан нисбатан кам ўрганилган. Шунга қарамасдан, ҳудуднинг этногеографик хусусиятлари айрим мутахассисларни ўзига жалб қилган. Масалан, А.Н.Хорошхин, М.С.Андреев, Б.Х.Кармишева, А.Мухторов, М.Нурназаров каби тарихчи ва географ олимлар турли экспедициялар таркибида уш бу ҳудудда бўлиб, тубжой аҳолининг турли қатламларини қисман ўрганишган. Таъкидлаш жоизки, улар томонидан маҳаллий халқларга оид тўплаган этногеографик маълумотлари тўла бўлмаса ҳам, ҳозиргача ўз илмий аҳамиятини йўқотмаган.

Мутахассисларнинг ёзишича, қадимдан ушбу ҳудудда фаол миграцион жараёнлар содир бўлиб турган. Нурота тоғлари кўп асрлар давомида чўл кўчманчи халкларнинг Самарқанд ва Бухоро воҳаларига ҳаракат қилишида табиий тўсиқ вазифасини бажарган. Бу ҳолат тоғнинг шимолий этагида яшовчи халқларнинг этник таркибига қисман таъсир кўрсатганлиги олимлар томонидан эътироф этилган[4].

Ҳозирда ҳудуд аҳолисининг асосий қисмини ўзбеклар ташкил қилади, улар билан ёнма-ён бўлган қишлоқларда яхлит ҳолда тожиклар яшайди. Нурота тоғларининг ғизилқум билан туташган чўл ҳудудларида қисман қозоқлар яшаган, аммо охирги чорак аср давомида қўшни мамлакатда олиб борилган демографик сиёсат туфайли, уларнинг асосий қисми ғозоғистон ҳудудига кўчиб ўтишди.

Маҳаллий тожиклар яшайдиган қишлоқлар Нурота тоғларининг ҳар икки томонида ҳам мавжуд, аммо, уларнинг асосий қисми тоғларнинг шимолий этагида жойлашган. Эътибор бериб қаралса, уларнинг ҳудудий жойлашувида маълум бир қонуниятлар кўзга ташланади. Биринчидан, тожиклар яшайдиган қишлоқлар тоғнинг энг баланд ва энг серсув бўлган ўрта қисмидан бошланади ва шимоли-ғарбга томон давом этади. Иккинчидан, улар яшаш учун нисбатан қулай бўлган тоғ оралиғидаги сойлар атрофида истиқомат қилишади. Учинчидан, маҳаллий тожиклар яшайдиган ҳудуд жануби-шарқда Порашт қишлоғидан бошланиб, шимоли-ғарбда Симбулоқ қишлоғи билан тугайди (66*33'ва 66*50' шарқий узоқлик). Икки чекка қишлоқлар орасидаги масофа 55 километрни ташкил қилади[6].

Маҳаллий тожиклар истиқомат қиладиган ҳудуднинг ўзига хослиги шундаки, у "орол"га ўхшайди, атрофдаги тоғ оралиғи сойларда жойлашган қишлоқларда ўзбеклар, чўлда эса қисман қозоқлар ва ўзбеклар истиқомат қилишади. Албатта, бундай ҳолатда тожиклар бу ҳудудга қачон ва қаердан келиб муқим яшаб қолганлар, деган савол туғилиши табиий. Мутахассислар ҳозиргача бу саволга аниқ жавоб топмаган бўлсалар ҳам, аммо, шу нарса аниқки, тожиклар яхлит ҳолда узоқ тарихий даврлардан буён, мазкур ҳудудда бошқа маҳаллий халқлар (ўзбеклар, қозоқлар) билан бирга муқим яшаб келишган.

Номшунос олимларнинг таъкидлашича, ҳар қандай номни карталаштиришда, унинг миллий талаффузи асос бўлиши керак. Хусусан, аждодлардан мерос бўлган номларни таржима қилиб ёки бошқа тил қонуниятларига мослаштириб ёзиш мумкин эмас. Чунки замирида оламча маъно мужассам бўлган умрибоқий номларнинг бирор ҳарфи нотўғри ёзилса, у фонетик ўзгаришлар оқибатида бутунлай бошқа маъно касб этиши мумкин. Бу жараёнда зарур билим, зийраклик ва халқнинг тарихий-этник, ижтимоий-маданий хусусиятларидан хабардорлик зарур. Бундан ташқари номнинг оғзаки талаффузи хронологик жиҳатдан ҳам бирламчи бўлиб, унинг ёзма шакли оғзаки сўзнинг доимий сақлаш ва қатъийлаштириш учун хизмат қилади .

Шунинг учун, тадқиқот ишидаги карта-схемада қишлоқлар номи маҳаллий халқ талаффузига мос шаклда ёзилди.

---

*[2]. Хакимов К.М. Жиззах вилояти географияси. -Т.: 2015.*
*[3]. Кармышева Б.Х., Пещерева Е.М. Материалы этнографического обследования таджиков Нуратинского хребта.*
*[4]. Журнал Советская этнография, -М. 1964, № 1.*
*[5]. Нурназаров М.Н. Точикони Фориш, -Гулистон, 2000.*
*[6]. Хакимов К.М. Жиззах вилояти топонимлари. -Жиззах, 2014.*




**"ФОРИШ ТОЖИКЛАРИ" ЯШАЙДИГАН ҲУДУДЛАРНИНГ КАРТА-СХЕМАСИ**

Яна бир диққатга сазовор муаммо шуки, маҳаллий халқ ўзларини тожик миллатига мансуб деб ҳисоблашса ҳам, айрим қишлоқларнинг аҳолиси келиб чиқишларини ҳозирги ўзбек ва бошқа туркий халқлар таркибига сингиб кетган туркий қабилалар билан боғлашади. Масалан, Можарм, Андагин ва Арсаф қишлоқларида истиқомат қиладиган маҳаллий тожиклар ўзларининг келиб чиқишларини найман қабиласи билан боғлиқ деб ҳисоблашади.

Масалага ойдинлик киритиш мақсадида, Можарм ва Андагин қишлоғи фаоллари ва қариялари билан давра суҳбат ташкил қилинди ва мулоқот давомида маҳалла фаоллари томонидан турлича фикр ва мулоҳазалар билдирилди. Уларнинг таъкидлашича, маҳаллий халқ ўтмишда ён атрофдаги турли кўчманчи қабилалар ҳужуми ва кутилмаган бошқа хавф-хатарлардан омон қолиш мақсадида, ўзларининг келиб чиқишларини Қизилқум чўлида энг нуфузли кўчманчи чорвадор қабилалардан бири ҳисобланган найманлар билан боғлашга мажбур бўлганлар.

Тарихий манбаларда қайд қилинишича, найман (мўғулча, наим - "саккиз") лар XIII асрда мўғуллар билан бирга Мовароуннаҳрга кириб келганлар. Уларнинг асосий машғулоти чорвачилик бўлиб, кўчманчи ҳаёт кечириб ўтовларда яшаганлар. Найманларнинг бир қисми Шайбонихоннинг Мовароуннаҳрга қилган юришларида фаол қатнашган ва XVI асрнинг бошида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига кўчиб келиб ўрнашганлар. Мутахассисларнинг ёзишича, улар XIX асрнинг охири - XX асрнинг бошида аста-секин ўтроқ ҳаётга ўтиб - ўзбек, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқлар таркибига сингиб, мазкур халқларнинг шаклланишида фаол қатнашганлар[7].

Таъкидлаш жоизки, Можарм ва ён атрофи-даги қишлоқларда ўтка-зилган архитектура, этнографик ва топони-мик тадқиқотлар мазкур қишлоқларни камида икки минг йиллик та-рихга эга эканлигини тасдиқлаган. Бундан ташқари, Можарм қиш-лоғи ҳудудида сақланиб қолган, сўғд услубида қу-рилган қадимий қўрғон ва қалъаларнинг қолдиқлари, қоялардаги мавжуд петроглифлар (тошбитик), ҳамда маҳаллий халқ ривоятига кўра, Александр Македонский томонидан экилган ва ҳозиргача сақланиб қолган, Марказий Осиё минтақасида жуда кам учрайдиган дарахт (Шарқий биота- Iuni perus semiglobosa) савр арчаси қўшимча далил бўлиши мумкин. Бинобарин, икки минг йиллик тарихга эга, ўтроқ ҳаёт кечирган маҳаллий халқ билан, XIII асрда ушбу ҳудудларга келиб кўчманчи ҳаёт кечирган най-манларнинг келиб чиқишини бир дейиш, ҳа-қиқатга тўғри келмайди.

Маҳаллий тожиклар ҳақида илк бор рус этнографи А.П.Хорошхин илмий мақола эълон қилган. У 1872 йили ҳарбий экспедиция таркибида Нурота тоғлари ва Қизилқум чўлини ўрганган ва тожиклар ҳақида этнографик маълумотлар тўплаган. Маҳаллий аҳоли билан суҳбатда уни ҳайрон қолдирган нарса шу бўлганки, баъзи тожик қишлоқларнинг аҳолиси ўзларининг келиб чиқишини шу ҳудудда яшайдиган ўзбек уруғлари (найман, жалойир ва бошқалар) билан боғлашган.

Рус этнографи бу эътирофга шубҳа билан қараган ва уларни ҳамма томондан туркий халқлар ўраб турган ҳолатда қандай қилиб ва кимлар таъсирида тожик бўлиб қолганликларини далил сифатида келтирган. А.П.Хорошхин маҳаллий тожикларнинг ташқи кўриниши, юз ва кўз тузилиши, ўтроқ ҳаёт кечириши, асосан деҳқончилик билан шуғулланиши, ҳамда улар яшайдиган ҳудудда боғроғларнинг кўплигини асос қилиб, улар тоғли тожиклар деган хулосага келган[8].

Маҳаллий халқ кўп асрлар давомида тоғ оралиғидаги сойлар атрофида ўтроқ ҳаёт кечириб, XX асрнинг бошига қадар атрофи баланд иҳота девори билан ўралган қўрғонларда яшаганлар. Археологлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар давомида, ҳар бир қишлоқда тахминан IV-V асрларда қурилган қадимий истеҳкомли қўрғонлар мавжудлиги аниқланган. Масалан, Можарм, Ухум, Синтаб, Эж каби қишлоқларда қалъа ва қўрғонларнинг қолдиқлари ҳозиргача сақланиб қолган. Маҳаллий халқ қўрғонлар қуриш учун жой танлашда табиий тўсиқларнинг мавжудлигига алоҳида эътибор беришган. Қўрғонлар маҳаллий халқни чўлдан келадиган ёвдан ва бошқа турли хавф-хатарлардан сақлаш масадида қурилган. Шунинг учун, маҳаллий халқ орасида ҳозиргача чўлда яшовчи кўчманчи қабилаларнинг босқини ҳақида кўплаб ривоятлар сақланган.

XX аср бошига келиб кўчманчи қабилар томонидан хавф-хатарнинг камайиши ва қўрғонларда аҳоли сонини кўпайиши сабабли маҳаллий халқ, аввалари ёз ойларида мавсумий яшайдиган сув бўйига кўчиб ўтиб, уйлар қуриб қишлоқлар барпо қилишган. Мазкур жараён маҳаллий халқ орасида ўтган асрнинг ўрталаригача давом этган. Илгари

*[7] Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 6-жилд. -Т.: 2003.*
*[8] Хорошхин А.П. Сборник статей, касающихся Туркестанского ханства. -СПб, 1876.*

ёз ойлари сой бўйига тушган халқ ўзларига мавсумий уйлар - чайла, чорпоя, кадак, хонача, ўтов қуришган. А.П.Хорошхин маҳаллий ўтроқ халқ ёз ойлари ўтов қуриб, унда вақтинчалик яшаганлигига эътибор бериб, уни туркий қабилалар билан кўп асрлик ўзаро этномаданий алоқалар маҳсули деб эътироф этган[9].

1915 йили Нурота тоғларининг шимолий этагида яшайдиган маҳаллий халқлар, жумладан, тожикларнинг этник келиб чиқишини ўрганган бошқа рус олими М.С.Андреев, бу халқнинг аслида тожиклар эканлиги, мўғуллар истилосигача нафақат тоғли ҳудудларда, балки қисман Сирдарё соҳилларигача бўлган чўл ҳудудларида ҳам истиқомат қилишганини ёзма манбалар ва топономик маълумотлар асосида исботлаган. Олимнинг ёзишича, маҳаллий тожиклар орасида шундай кишилар борки, деҳқончилик қилиш учун муҳим бўлган об-ҳавони олдиндан аниқ башорат қиладилар[10].

Об-ҳавони доимо кузатиб борадиган кишиларнинг башоратига кўра, агар апрел ойининг охирларида ҳаво булутли бўлса, демак қиш қаттиқ келади ва кўп қор ёғади. Мабодо, май ойининг бошида ёғингарчилик кўп бўлса, демак ноябр ойи серёмғир келади. Агар май ойининг охирида гармсел бошланса, октябр ойи анча совуқ бўлади. Ғишлоқларда ҳозир ҳам бундай кишилар бор, уларни кўпинча "ҳисобдон"лар дейишади.

Таниқли этнограф олима Б.Х.Кармишева 1959 йили СССР ФА нинг Этнография институти томонидан Ўрта Осиёга ташкил қилинган илмий экспедиция таркибида Ўзбекистонга келиб Нурота тоғларида яшайдиган маҳаллий халқлар, жумладан, тожикларни этнографик жиҳатдан қисман ўрганган. Олима экспедиция давомида тўпланган маълумотларни жамлаб, 1964 йили "Советская этнография" журналида "Материалы этнографического обследования таджиков Нуратинского хребта" номли илмий мақола эълон қилган. Ушбу мақолада олима Фориш тожикларининг турмуш тарзи ва антропологик жиҳатлари юқори Зарафшон, яъни Кўҳистон тожикларига кўпроқ ўхшайди деган хулосани баён қилган[11].

2000 йили нашр қилинган "Фориш тожиклари" номли тарихий-этнографик китобнинг муаллифи географ олим, профессор М.Н.Нурназаровнинг бу масалада билдирган фикрлари диққатга сазовор. Таниқли олимнинг ёзишича, маҳаллий тожиклар қадимий сўғдлар авлоди бўлиб, уларнинг нафақат урф-одатларида ўхшашликлар мавжуд, балки маҳаллий шевасида ҳам ҳозиргача сўғд тилига хос бўлган кўплаб сўзлар (меғ, деғ, табўрок, кефич, суғч ва ҳ.к) сақланиб қолган[12].

Бундан ташқари тожиклар яшайдиган қишлоқларнинг номи (Порашт, Арсаф, Ҳхм, ҳоят, Можарм, Андагин, Синтаб, Эж ва бошқалар), ҳам айнан шу тилда яратилганлиги, қадимги яшаш уйлари ҳам суғд услубида қурилганлиги олимлар томонидан исботланган[13]. Тарихий манбалардан маълумки, сўғдлар Искандарга қарши мардонавор курашиб, мағлуб бўлганларидан кейин, уларнинг бир қисми юнонлар зулми остида яшашни хоҳламасдан узоқроқ, ўз ватанларига ўхшаш тоғли ҳудудларга кетиб ҳаёт кечиришга мажбур бўлганлар.

Профессор М.Н.Нурназаровнинг фикрича, сўғдлар ўша даврда, нисбатан осойишта бўлган, Нурота тоғларининг шимолий этагига кўчиб келиб муқим яшаб қолганлар. Таниқли олимнинг хулосасига кўра, Фориш тожикларининг ўтмишдаги аждодлари сўғдлар эканлиги ҳақиқатга яқиндир[14].

Бизнингча, бу хулосани бошқа далиллар билан ҳам тўлдириш мумкин. Масалан:

- Фориш тожикларининг шеваси ва урф-одатлари Самарқанд, Бухоро тожикларидан қисман бўлса ҳам фарқ қилиб, кўпроқ Кўҳистон тожикларига ўхшашлиги;
- маҳаллий халқ шевасини Ўратепа (Иста-равшан), Мастчоҳ, Панжикент тожиклари шевасига яқинлиги;
- ўрганилаётган ҳудуддаги ҳар бир қишлоқни Кўҳистон тожиклари каби ўзига хос лақаблари борлиги[15];

Бундан ташқари, Фориш тожиклари мазкур ҳудудда кўп асрлардан буён муқим яшаб келаётганларини айрим уларга хос хусусиятлар ҳам исботлайди:

- кўп асрлар давомида маҳаллий халқ орасидаги мавжуд урф-одатларнинг ўзгармасдан келаётганлиги;
- тожиклар ёнма-ён яшайдиган қишлоқлар (Ўхм ва ҳоят), (Можарм ва Синтаб), аҳолисининг шеваларида муайян тафовутлар борлиги;
- тожиклар алоҳида, муқим ва яхлит яшаганликлари туфайли уларнинг шевасида туркий ибораларнинг кам ишлатилиши;
- маҳаллий халқнинг юз тузилиши, кўзининг жойлашиши ва қисман сочининг ранги бошқа халқлардан фарқ қилиши[16].

Албатта, билдирилган айрим фикр ва мулоҳазалар мунозарали бўлиши мумкин. Бу эса, қўшимча тадқиқотларни талаб қилиши аниқ. Шунинг учун, мавжуд муаммоларни ҳар томонлама тадқиқ қилиш ва ечимини топиш мақсадида кенг қамровли тарихий-археологик ва этногеографик тадқиқотларни амалга ошириш зарур.

Юқорида таъкидланганидек, тожиклар яшайдиган ҳудуд Нурота тоғларининг шимолий ёнбағрининг марказий қисмида жойлашган ва у шимолдан Ғизилқум чўли билан туташган. Минтақанинг иқлими қуруқ континентал характерга эга, ёғингарчилик миқдори нисбатан кам, жой рельефига қараб ўзгариб боради. ҳудуднинг шимолий текислик қисмида 200-250 мм.дан, жанубий тоғли қисмида 750-800 мм.гача ёғингарчилик бўлади. Буғланиш ёғингарчилик миқдоридан 15-20 марта кўп. Мазкур ҳудуддаги ҳар бир қишлоқ географик жойлашиши, рельеф тузилиши ва иқлим ҳосил қилувчи омилларига қараб ўзига хос микроиқлим хусусиятларига эга.

---

9. *Хорошхин А.П. Ўша асар.*
10. *Андреев М.С. Из результатов экспедиции в Нуратинские горы и в район Кызылкумов. // Архив Института истории АН Тадж. ССР.*
11. *Кармышева Б.Х., Пещерева Е.М. Материалы этнографического обследования таджиков Нуратинского хребта. Журнал Советская этнография, -М. 1964, № 1.*
12. *Нурназаров М.Н. Тоғикони Фориш, -Гулистон, 2000.*
13. *Расулзода Н. Тазкира. -Т.: 2003.*
14. *Нурназаров М.Н. Ўша асар.*
15. *Хакимов К.М. Нурота тизмаси шимолий қисмида яшовчи баъзи халқларнинг этногеографик хусусиятлари. Ўз. ГЖ Ахбороти, 30-жилд. -Т.: 2008. -б. 93-95.*
16. *Касымов М. Говоры таджиков Фариша. АКД. -Душанбе, 1966.*

Шунинг учун, маҳаллий халқ ҳудуднинг иқлими ва тупроқ шароитларини инобатга олиб асосан суғорма деҳқончилик билан шуғулланган. Лалмикор (баҳорикор) ерлардан ёғингарчилик кўп бўлган йиллардагина яхши ҳосил олинган. Маҳаллий тожиклар асосан боғдорчилик, узумчилик ҳамда ғалла ва полиз маҳсулотлари етиштириб, қисман чорвачилик билан ҳам шуғулланишган. Суғориш учун асосий сув манбаи сифатида булоқлар ва ер ости сувлари хизмат қилган. Мавжуд булоқлар баҳорда серсув бўлиб, аксарияти ёзнинг ўрталарида қуриб колади.

Бинобарин, маҳаллий халқ сув танқислиги ҳамда табиий имкониятлар чекланганлигини инобатга олиб хўжалик фаолияти юритган. Масалан, Эж қишлоғи аҳолиси суғорма сувнинг танқислиги сабабли деҳқончиликдан ташқари, ҳунармандчилик билан ҳам шуғулланган. Аксинча, Порашт қишлоғи серсув бўлганлиги туфайли аҳоли боғдорчилик билан бирга ғалла, полиз экинлари ҳам етиштирган[17].

Боғдорчиликда тоғли ҳудудларга хос бўлган мевали дарахтлар - тут, ёнғоқ, олма ва ўрик дарахтлари кўпроқ парвариш қилинган. Маҳаллий тожикларнинг хўжалик юритишининг яна бир ўзига хос хусусияти шуки, уни жой рельефига қараб текисликлардан тоғга қараб ўзгариб боришидир. Шунинг учун, ижтимоий зарурият туфайли маҳаллий халқ ҳар бир хўжалик юритадиган жойга алоҳида ном берган:

- лойқа - сой сувлари олиб келган, аллювиал ётқизиқлардан ташкил топган, тоғ олди текисликги, қишлоқ этагидан 10-15 км пастроқда жойлашган унумдор ерлар. Асосан ғалла экилиб, баҳорда ёғингарчилик мавсумида 2-3 марта суғорилиб яхши ҳосил олинган, қурғоқчилик йилларида деҳқончилик қилинмаган;
- чўл (дашт) - лойқадан юқорироқда жойлашган тоғолди текислик ҳудуди ҳисобланган. Маҳаллий халқнинг бир қисми ўзининг чорваси билан баҳор ойларида бу жойларга кўчиб чиқиб, ундан эфемер ўсимликлар қуриб қолгунча яйлов сифатида фойдаланган. Бу ҳудудда деҳқончилик қилинмаган;
- тагоб - сойлар атрофи ва қисман тоғолди дараларда жойлашган суғорма унумдор ерлардан иборат бўлган ҳудуд. Тагобда мевали боғлар ва токзорлар барпо этилган, ҳамда уй-рўзғор учун зарур бўлган майда деҳқончилик қилинган. Боғ ва экинлар булоқлардан ҳосил бўлган сой сувлари билан суғорилган. Кўпчилик аҳоли ёз ойларини шу жойда, соя-салқин масканларда ўтказган;
- яйлоқ (кўҳ) - тоғнинг энг баланд қисмида (1800-2100 м), жойлашган яйлов. Аҳолининг чорваси кўп бўлган қисми шу ҳудудга кўчиб чиққан. Яйлов бутун жамоага тегишли бўлиб, ундан биргаликда фойдаланган.

Энг муҳими, маҳаллий тожиклар ердан унумли ва оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор берганлар ҳамда муайян табиий географик қонуниятларга риоя қилганлар. Масалан, ҳудуд рельефнинг кўтарилиб бориши билан, экин майдонлар камайиб, яйловлар ҳудуди кўпайган. Суғорма экинлар асосан, сойлар атрофидаги водийларда ва тоғ этагидаги (чашмакор) текисликларда парвариш қилинган. Тоғнинг ўрта қисмидаги ерлар кўпинча лалмикор деҳқончилик қилиш учун фойдаланган.

Шўролар даврида маҳаллий халқнинг бир қисми Мирзачўл ва Жиззах чўлини ўзлаштириш ҳамда яшаш шароитини яхшилаш мақсадида ўша жойларга кўчиб борганлар. Ундан аввалроқ ҳам "кичик қишлоқларни йириклаштириш" баҳонасида амалга оширилган номақбул сиёсат туфайли маҳаллий тожикларнинг катта қисми бошқа ҳудудларга ихтиёрий-мажбурий тарзда кўчирма қилинган. Бугунги кунда улар Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятлари ҳамда Қозоғистон Республикасининг Жиззах ва Сирдарё вилоятларига яқин бўлган чегарага ҳудудларда истиқомат қилишади. Норасмий маълумотлар бўйича, уларнинг сони тахминан эллик минг кишини ташкил қилади.

Ўтган ярим асрдан кўпроқ вақт мобайнида кўчирма қилинган маҳаллий тожикларнинг кейинги авлодлари орасида она тилини унутаётганлар сони кўпаймоқда. Шу билан бирга, сўнгги чорак аср давомида тожикларнинг бошқа маҳаллий халқлар, хусусан, ўзбеклар билан ассимляция жараёни анча тезлашди, бу ҳолат маҳаллий тожикларнинг этномаданияти ва урф-одатларининг аслиятидан узоқлашишига сабаб бўлмоқда.

Умуман олганда, илмий манбалар ва тўпланган дала маълумотлари ёрдамида Фориш тожикларини тарихан узоқ давр мобайнида шаклланганлиги, ҳудудий жойлашуви, айрим уларга хос бўлган этногеографик хусусиятларни аниқлашга ҳаракат қилинди. Маҳаллий тожикларнинг бошқа тубжой халқлар билан ўхшаш томонлари кўплиги, бу уларни асрлар давомида бирга аҳил-иноқ ва ҳамжиҳатликда яшаб келаётганлигидан далолат беради.

**Хулоса. Бажарилган тадқиқот натижаларига таянган ҳолда, қуйидаги хулосаларни баён қилиш мумкин:**

*1. Турли тадқиқотчилар тамонидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар маҳаллий тожикларининг келиб чиқиш тарихи, шаклланиши ва ривожланиш босқичлари анча мураккаб ва мунозарали эканлигидан далолат беради;*

*2. Мутахассислар яқин келажакда Фориш тожикларининг тарихи, тили, урф-одатлари, этномаданий алоқалари ва этногеографик хусусиятларини илмий нуқтаи назардан, холисона ва ҳар томонлама ўрганишлари керак;*

*3. Тадқиқотлар натижасида маҳаллий тожикларнинг моддий ва номоддий маданий мерослари қисман сақланганлиги аниқланди. Шу билан бирга, охирги вақтларда, хусусан мустақиллик йилларида тубжой халқлар орасида ўзаро трансформация ва ассимиляция жараёнларининг тезлашганлиги кузатилмоқда;*

*4. Тадқиқот давомида маҳаллий аҳолининг этник, локал ва минтақавий хўжалик фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари қисман ўрганилди;*

*5. Тубжой халқлар билан ўзаро этномаданий алоқаларнинг ривожланиши натижасида, уларнинг ҳаёт тарзи, яшаш маданияти ва хўжалик фаолиятида муайян ўзгаришлар содир бўлаётганлиги аниқланди;*

*6. Ўрганилаётган ҳудуд аҳолиси икки тилли, тожик тили билан бирга, ўзбек тилида ҳам бемалол гаплашадилар.*

**Тақризчи: т.ф.б.ф.д. Ф.Ақчаев**

[17] *Бердиев Х.А. Нурота воҳаси топонимларининг тарихий таҳлили (XIX асрнинг охири ва XXI аср бошлари). Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати. -Т.: 2019.*

# ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРГА ХОС ТИЛ НОРМАЛАРИ

***Зарипова Раъно Ибодуллоевна*** *- ўқитувчи, Бухоро давлат университети.*

**АННОТАЦИЯ:**

Мақолада фразеологизмларни ўз маъносида қўлламаслик натижасида, уларнинг структурасида бузилишлар юз беришига олиб келишини кўрсатиб ўтиш мақсадида, ўзбек муаллифларининг бадиий асарларидан олинган мисоллар орқали асослаб берилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** фразеологизм, фразеология, тил, нутқ, лингвистика, контекст, маъно, структура, чегараланган лексика, стилистика.

Статья посвящена анализу примерам взятых с литературных произведений узбекских авторов, с целью указать упущения норм фразеологизмов, что послужило к нарушению их значения и структуры.

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** фразеологизм, фразеология, язык, речь, лингвистика, контекст, значение, структура, ограниченная лексика, стилистика.

The article is devoted to the analysis of examples taken from literary works of Uzbek authors, in order to indicate omissions of phraseological norms, which led to a violation of their meaning and structure.

**KEY WORDS**: phraseology, phraseological unit, language, speech, linguistics, context, meaning, structure, degradation of lexical meaning, stylistics.

Юртимизда дунё мамлакатлари билан глобал соҳаларда ўзаро алоқалар ўрнатилаётган бугунги кунда тил ва маънавият давлат сиёсати даражасига кўтарилган масала бўлиб келмоқда. Мамлакатимиз миқёсида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва янгиланишлар ҳозирги даврда миллатимизнинг руҳиятини ўзида акс эттирадиган тил ҳодисаларини ўрганиш учун, жумладан, халқнинг маънавий қадриятлари билан боғлиқ фразеологизмлар ҳақидаги билимларни оширишда ҳам муҳим омил ҳисобланади.

Жаҳондаги барча халқларнинг тилида унинг ўз-лиги, дунёқараши, тарихи, маданияти, моддий ва маънавий турмуш тарзи, анъана ҳамда урф-одат-ларини акс эттирувчи фразеологик бирликлар мавжуд бўлиб, миллий-лисоний хусусиятлари, тил норма ва умумий қонуниятлари доирасида қўлланиши жиҳатидан алоҳида эътиборни тортади. Уларнинг тил ва нутқдаги ўрни, ўзига хос нормаси, шаклланиш асослари, миллий-маданий жиҳатдан универсал ва дифференциал, парадигматик хусусиятлари, халқ тилидан адабий тилга кириб бориш йўллари, семантик типлари, услубий-бадиий имкониятлари, шакл ва маъно муносабатига кўра сўзга тенг келиши, таржима муаммолари, луғатини яратиш масаласи замонавий тилшуносликка хос янгича концепция ва усуллар асосида ҳал этилиши миллий тилнинг халқ бойлиги эканлигини исботлаш учун зарур ва муҳимдир.

Жаҳон лингвистикасида оддий сўзлашув нутқига алоқадор фразеологик бирликларнинг спе-цификаси ва ўзига хос нормасини ёритиш, тузи-лишига кўра таркибий моделларини аниқлашга нисбатан қизиқиш катта. Аммо оддий сўзлашувда қўлланадиган фразеологизмларда жаргон, арго, диалектизм, вульгаризм, варваризм, макаронизмлар учраши адабий тилда улардан фойдаланишда услубий чегараланишга, фразеологизмларга хос норма бузилишига олиб келиши тилшуносликда ҳали чуқур ечимга эга бўлмаган долзарб назарий масалалардан биридир. Шунга кўра, фразеологик бирликлар лексик-семантик, синтактик, услубий хусусиятлари жиҳатидан уйғунлаштирилса-да, оддий сўзлашув ва адабий нутқда қўлланишига кўра фарқланиб, ўзаро гуруҳлантирилади.

Фразеологик бирликлар ҳам оғзаки, ҳам ёзма нутқда кенг қўлланувчи тил ҳодисаларидир.[1] Улар нутқнинг қайси шаклида қўлланишидан қатъий назар тилда ўзига хос нормага эгалиги кўринади. Худди шу нормативлик уларнинг бир тилдан иккинчи тилга ўтишини қийинлаштиради.

Ҳатто тилимизда узоқ вақтлардан буён қўлланиб келаётган эса-да, ҳалигача фразеологик луғатлар-да қайд этилмаган (аниқроғи, қайд этилмайдиган) иборалар ҳам мавжуд[2]. Бунга улар таркибидаги жаргон, арго, вульгар, варвар ё шева сўзлар таъ-сир кўрсатади. Масалан, халқимиз тилида қўлла-ниб келаётган "кўкдан тўйган куррадай", "қўли тоғо-рага сиғмаган", "чўтдан барака", "тестдан йиқил-моқ", "калласи гиж бўлмоқ" ва ҳоказо сингари иборалар борки, уларни фақат халқнинг оғзаки нутқида учратамиз.

Ўзбек тили луғатларида қайд этилган "жуфти ҳалол" иборасига антоним сифатида ҳосил қилин-ган "жуфти ҳаром" ибораси ҳам ҳали қайд этил-маган. Бу иборалар шаръан никоҳли ва никоҳсиз турмуш эгалари маъноларини билдиради. Уни Иқбол Мирзо "Бону" романида қўллаганини кузатамиз[3]. Баъзан фразеологик бирликларнинг услубий жиҳатдан ўта таъсирчан, градация - маънонинг ўсиб, кучайиб бориши тарзида қўллангани кузатилади. Бунда бир эмас, бир неча иборанинг бир-бирига эргашиб, яхлит семантик тизма ҳосил қилиб, бири иккинчисининг маъносини босқичма-босқич тўлдириб келгани кузатилади.

А.Маматов таъкидлаб ўтганидек: "Фразеологик нормадан четга чиқишлар ёзма нутқда ҳам тез-тез учраб турадиган ҳодисадир"[4]. Шуни инобатга олиб, фразеологизмларнинг ёзма нутқда норма-дан четга чиқиш сабаблари ва механизмларини назарий жиҳатдан аниқлашга алоҳида эътибор бериб келинган.

---

*[1]. Бозорбоев К.Т. Ўзбек сўзлашув нутқи фразеологизмлари: Филол. фан. номзоди дисс. - Самарқанд, 2001. - 144 б.*
*[2]. Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. - Т.: Ўқитувчи, 1992. - 407 б.*
*[3]. Мирзо Иқбол. Бону. Роман. - Т.: "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2018. - 202 б.*
*[4]. Маматов А.Э. Ҳозирги замон Ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари: Филол. фанлари док-ри.... дисс. - Т., 1991. - 282 б.*

Фразеологизмларни ўз нормасида қўлламаслик уларнинг маъноси, структурасида бузилишлар юз беришига олиб келиши асосланган. Буни кейинги йилларда чоп этилган бадиий асарлардан олинган мисоллар орқали ҳам яна бир карра исботлаш мумкин.

Хатто Л.В.Шерба нутқимизда фразеологик нормадан четга чиқишлар сезиларли даражадаги хатоликларни келтириб чиқаришини билдиради. Ана шу хатолар нутқ жараёнининг механизмларини очиб беришини, шунингдек, улар тилдаги тарихий ўзгаришларнинг сабабларини тушуниш учун калит вазифасини бажаришини айтади.

Дарҳақиқат, фразеологизмларни қўллашдаги хатоликларни аниқлаш нутқда муайян фразеологик норма мавжудлигини англашга ёрдам беради. Шунингдек, унинг ўзига хос мезон ва категорияларини очиб беришга хизмат кўрсатади. Тил ва нутқ маданияти, улар билан боғлиқ хато ва нуқсонларни аниқлашга замин яратади.

Маълумки, худди ҳар бир сўз каби ҳар қайси фразеологизмнинг ўзига хос маъно-мазмуни, специфик қирралари, кўп ишлатиладиганлари ёки оз қўлланадиганлари бор. Агар бунинг частотасини аниқлаш учун ўзбек ва инглиз адибларининг асарларидан олинган мисоллар қиёсий таҳлилга тортилса, фразеологик нормаларнинг энг кўп учрайдиган бузилиш типи маъноси бузилган фразеологизмлар экани англашилади.

Бадиий асарлардан олинган мисоллар асосида фразеологизмларнинг маъно жиҳатдан нормадан четга чиқишларини кўплаб исботлаш мумкин. Бунга кўпинча ижодкорларнинг маълум услубий мақсадларни кўзлаши асос бўлади. Аниқроғи, ёзувчи ва шоирлар ўз асарларининг бадииятини ошириш, таъсирчанлигини кучайтириш учун фразеологик бирликларни уларнинг маъносига мос келмайдиган матнларда қўллайдилар. Бунинг оқибатида эса фразеологизмларга хос бирламчи хусусият - маъновий турғунлик йўқолади. Хша ибо-ра контекстда ўз дастлабки маъносини йўқотиб, контекстуал маъно касб этади. Натижада фразео-логик нормага ҳам путур етади. Масалан, Улуғбек ҳамдам "Ёлғизлик" қиссасида "оғиз солмоқ" ибо-расини дарахтга нисбатан ишлатгани кузатилади: "Кўзғалиб очиқ дераза ёнига келаркан, ташқарида шундоқ уйимнинг олдидан бошланиб, узоқларга оғиз солган қуюқ дарахтзорнинг қоқ ўртасида порлаб турган чироқни кўрдим[5]. Аслида "оғиз солмоқ" ибораси халқимиз орасида совчиликда, яъни йигитнинг уйланмоқчи бўлган қизига совчи қўйиши маъносида ишлатилади. Бироқ келтирилган жумлада "оғиз солмоқ" ибораси дарахтга нисбатан қўлланиши оқибатида ташхис санъати ҳосил қилинган ва у узоқларга соя солган деган маънода қўлланилган. Буни эса контекстнинг умумий маъноси ва ушбу фразеологизмнинг "дарахт" сўзига нисбатан қўлланилгани далиллаб турибди.

Фразеологизмларни бундай ноаниқ, асл семантик жиҳатдан хато ишлатишлар персонажлар нутқида ҳам, ёзувчи нутқида ҳам тез-тез учраб туради. Масалан, Иқбол Мирзонинг "Бону" романида "Девонанинг ишини парвона ўнглабди" ибораси аслида халқ орасида "Девонанинг ишини худонинг ўзи ўнглабди" шаклида қўлланиши кузатилади. Демак, ёзувчи бу ўринда "парвона" сўзини нотўғри қўллаган. Парвона - ўзини ёруғликка урувчи кичкина ҳашаротдир. Шундай экан, у "худо" сўзининг ўрнида қўллана олмайди. Ғолаверса, образ сифатида уни "Бону" романидаги Алишерга ҳам тенглаштириб бўлмайди. Чунки Алишер Бонуга энг қийин вазиятида катта ёрдам кўрсатган мард, танти, ҳалол, жўмард, исми жисмига мос олижаноб шахс.

Қуйидаги контекстда фразеологизмнинг ҳам маъно (семантик), ҳам услубий (стилистик) жиҳатдан нормалари бузилганлиги кузатилади: "У мудом муросаю мудофаада, биз эса янги - очиқлик, ростгўйлик замони вакили сифатида унинг кечаги - тарих тўрвасидан тушиб қолган қарашларига қарши ҳар қачон ҳужумда, ҳар қачон ғолиб! [6]

Ушбу гапдаги "тарих тўрвасидан тушиб қолган қараш" ибораси "ўта эски ва яроқсиз" маъносини беради. Бу жумлада иккита хатога йўл қўйилган, биринчидан, тарихда тўрва бўлмайди, иккинчидан, тўрвада қарашни олиб юриб бўлмайди. Демак, бу иборанинг нормал синтактик-услубий структураси бузилган. Шунингдек, унинг контекстдаги маъноси фразеологизм англатадиган асл маънога тўғри келмайди.

"Опангизни биласиз-а? - деди Акобиров Фарҳодга синовчан тикилиб. - Бу ерларниям суғориб юрибди, ж....б.[7]

Ушбу контекстда "Бу ерларниям суғориб юрибди" ибораси аслида мақсадга номувофиқ қўлланилган. Унинг фразеологик бирлик эканини бирданига англаш қийин. Агар ундаги "опа" ва "ж....б" вульгар сўзига диққат қаратилмаса, табиийки, матн нотўғри тушунилади. Жумланинг мазмуни ўқувчига тўлиқ англашилмайди ва уни чалғитади. Шу сўзлар орқали аёлнинг енгилтабиатлиги, бузуқлиги айтилаётгани англашилади. Умуман айтганда, бундай тарзда ишлатилган фразеологизмларнинг маъносини, уларнинг нима мақсадга қаратилганлигини аниқ билиб олиш учун ўша контекстни бир неча марта такрорлаб ўқишга тўғри келади, ана ўшандагина масаланинг асл моҳиятига тушуниб етса бўлади.

Демак, фразеологизмларнинг кимга қарата ишлатилаётганига, қайси маънода қўлланаётганига жиддий эътибор қаратиш лозим. Бунда, албатта, ибора билан ёнма-ён қўлланаётган сўзларнинг ўрни ва аҳамияти ҳам беқиёсдир.

Семантик нормаси бузилган ҳолда қўлланилган фразеологик бирликларни кўплаб учратиш мумкин. Масалан, "Унинг важоҳати бузилди: "Ҳай деганда она йўқ, хуй деганда ота...".[8] Аслида келтирилган ибора халқ нутқида "ҳай дегани ҳожи йўқ, бў дегани бўжи йўқ" кўринишида кенг тарқалган.

Иқбол Мирзонинг "Бону" романида қўлланган "Ўйчининг ўйи битгунча таваккалчининг уйи битади" ибораси халқ орасида "Ўйчининг ўйи битгунча, таваккалчининг иши битибди" кўринишида учрайди. Бир кон-текстда бир хил маъноли фразеологизмларнинг ёнма-ён, яъни биринчи фразеологик иборанинг маъноси иккинчи фразеологизмда ҳам такрорланганча плеонастик қўлланиши ҳам фразеологизмларнинг семантик нормаси бузилишига олиб келади. Масалан, "Минг қўйлининг иши бир қўйлига тушади, деганими бу? Ёки ҳар замонда бир замон деганими?...[9]

Кўриняптики, бу билан жумлада янги маъно пайдо бўлмаяпти. Фақатгина матнда иккинчи фразеологик ибора ортиқча қўлланилган, холос.

Ёки яна: "Ич-ичимда бир қора оғриқ бор. Юрагим ёришмайди".[10] Бу жумладаги ҳар иккала фразеологизм ҳам "ички дард, тушкунлик, кайфиятнинг ёмонлиги" маъноларини англатади.

Хулоса шуки, жуда кўп ҳолларда, фразеологик бирликларнинг турли услубий мақсадларда қўлланилишидан улар маъносида бузилишлар юз беради.

**Тақризчи: ф.ф.н. доцент М.Н.Хикматова.**

*5. Ҳамдам Улуғбек. Ёлғизлик: роман. - Т.: Янги аср авлоди, 2017. - Б.50.*
*6. Аъзам Эркин. Шовқин: роман, қисса, ҳикоялар - Т.: O'zbekiston, 2011. - 53 б.*
*7. Аъзам Эркин. Шовқин: роман, қисса, ҳикоялар - Т.: O'zbekiston, 2011. - 34 б.*
*8. Рафиев А. Ўзбек тили фразеологик бирликларининг структурал-функционал хусусиятлари: Филол. фан. номз.... дисс. автореф. - Т., 1982;*
*9. Мирзо Иқбол. Бону. Роман. - Т.: "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2018. - 172 б.*
*10. Мирзо Иқбол. Бону. Роман. - Т.: "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2018. - 202 б.*

# ИНТЕГРАЦИЯЛАШГАН ТАЪЛИМНИНГ МОҲИЯТИ

***Абдуллаева Нилуфар Махамаджановна*** - *ўқитувчи,*
*Наманган давлат униврститети.*

**АННОТАЦИЯ:**
Мақолада таълим жараёнининг самарадорлигини оширишда интеграциялашган таълим технологиясиясидан фойдаланишнинг назарий асослари ва қўллаш усуллари ёритилган.
**КАЛИТ СЎЗЛАР:** интеграциялашган таълим технологияси, мезон, талаб, интеграциялашган дарс, дарс лойихаси, муаммоли таълим.

В статье говориться о совершенствовании содержания учебно-воспитательной работы в начальных классах на уровне современных требований. А также в статье раскрыты особенности использования интеграционных образовательных технологий, создающих высокую степень усвоения учебного материала, который гарантирует расширение кругозора учащихся.
**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** интеграционные образовательные технологии педагогическая технология, проблемная технология, интеграционный урок, проект урока.

This article is about modernization of content of educational works in elementary classes in the level of modern requirements. Use of integrational educational technologies serving for modernization of content of educational works. These methods support rational use of educational time and widen people's world views.
**KEY WORDS:** innovational educational technologies, integrational educational technologies, pedagogical technologies, technologic scheme, project of lesson.

Интеграция таълимнинг турли босқичларида турли хил хусусиятларга эга. Бошланғич синфлардаги интеграциялашган дарслар таълимнинг биринчи қадамларидан бошлаб болага борлиқни бир бутун ҳолатда тасаввур қилишни, ундаги хамма нарса ўзаро бир бирига боғланганлигини тушунишга қаратилган. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бошланғич мактабда интеграциялашган таълим, мазмунан бир бирга яқин бўлган фанларни интеграциялаштиришга қаратилган. Масалан, ўқиш дарсида бадиий асарлар билан бир қаторда тарбия, табиат ва меҳнатга доир маълумотлар хам киритилган. Математика геометрия, алгебра ва арифметикага доир маълумотларни ўз ичига қамраб олган. Табиатшунослик география, биология, ботаника, шунингдек физика, химия ва астраномия каби фанларни маълумотларини ўз ичига олади.

Интеграциялашган таълимнинг моҳияти шундан иборатки, унда умумий мавзулар бўйича керакли дарслар режалаштирилиши ва улар турли ўқитувчилар томонидан турли вақтларда ўтилиши хам мумкин. И.П.Подласыйнинг "Бошланғич мактаб педагогикаси" асарида интеграциялашган дарсда (лотинча "тўла", "яхлит", "бутун") бир мавзу атрофида бир неча фанлар материаллари бирлаштирилган бўлади деб тушунтирилади[1]. Биз хам бу фикрни маъқуллаймиз. Ҳар қандай интеграциялашган дарсда асосий устувор фан бўлади, атрофидаги фанлар эса мақсадни амалга ошириш учун восита бўлади, лекин шундай бўлсада, барча фан ўз мустақиллигига эга бўлади ва дарсликдаги материал тўлиқ қамраб олинади. Масалан математика фанидан бўлиш амали қийин бўлганлиги сабаб биз уни ўқувчиларга тушунтиришни қулай ва осон йўлини ўйлаб топамиз. Бунда интеграциялашган дарслар жуда қўл келади. Биз математика фанидан ўзлаштирилиши қийин бўлган мавзуни ўқиш дарслигида келаётган эртак билан интеграциялаштирамиз. Яъни математикани эртаклар орқали ўргатамиз. Худди шу усулни она тили дарсида хам қўлласа бўлади. (Иловага қаралсин)

Е.И.Руднянская интеграциялашган дарсларни ўқув жараёнидаги фанлараро бир шакл деб ҳисоблаб, асосан тафаккурга таяниши ва билим излаш фанлараро изланиш олиб боришда муҳим воситадир деб ҳисоблайди.[2]

Бизнинг нуқтаи назаримизда интеграциялашган дарсларда доминанта битта ўқув предмети бўлиши, атрофидагилари эса унга қўшимча, ёрдамчи предмет вазифасини бажариши лозим. Шунингдек интегратив ёндашувда барча ўқув предметлари мустақил, тузилиши, ажратилган вақти, хажми ва мазмуни юзасидан тенг бўлиши керак. Яъни интеграциялашган таълимда берилган объект ва ҳодисани ўрганиш учун ўқув предметлари мазмуни тенг ҳуқуқли бўлиши лозим.

**Интеграциялашган дарсларнинг устуворлигини:**

*- таълим мазмунини бойитишида;*

*- дарсликдан ташқари берилаётган қизиқарли маълумотлар хисобига ўқувчиларнинг фикрлаш ва*

[1]. *Подласый, И. П. Педагогика начальной школы / И. П. Подласый. - М.: Владос, 2000. - 400 с.*
[2]. *Руднянская, Е. И. Интегрированные уроки по общеобразовательным дисциплинам и природоведению в начальных классах / Волгоград: Учитель, 2002. - 72 с.*

*хис қилиш қобилиятларини ривожлантиришда;*

*- предмет ва ҳодисаларни тарқоқ ҳолда эмас, балки хар тарафлама бир бутунликда, яхлит англашга ёрдам беришида кўришимиз мумкин.*

Интеграциялашган дарсларда турли фанлар бўйича билимлар блоки бирлаштирилади. Шунинг учун бундай дарсларнинг асосий мақсадини англаб олиш муҳимдир. Умумий мақсад аниқ бўлса, предметлар таркибидан уларни реализация қилиш учун зарур маълумотларгина олинади. Яъни дарсликдан ташқари маълумотлар ўша мавзуга доир бўлиши керак. Тоғлар мавзусини тушунтириш жараёнида тоғларнинг турлари, энг катта тоғ, энг кичик тоғ, тоғларнинг чўққиси: дунёдаги ва Ўрта Осиёдаги энг баланд чўққи, шаршалар вулқонлар, лава ва гейзерлар ҳақида ўқувчиларга қўшимча маълумот бериш мумкин. Бунда биз атрофимиздаги олам дарсини география дарси билан интеграциялаштирган бўламиз, бу транспредметли интнграцияга тўғри келади. Бугунги кунда таълим жараёнида айнан транспредметли интеграциядан фойдаланиш талаб қилиняпти. Албатта бу ўқувчилар учун жуда фойдали бўлиб уларнинг дунёқарашларини кенгайтиришга асос бўлади.

Амалиётлар интеграциялашган дарсларни ўтиш учун биринчи синфданоқ дарсларни мужассамлаштиришни тақозо этади.

И.П.Подласый интеграциялашаётган дарсларни режалаштиришга, ташкил этишга ва ўтказишга қуйидаги талабларни қўяди:

*- ҳар бир синфда интеграциялашган дарслар тизимини бир йилга мўлжаллашни;*

*- ҳар бир дарсни мукаммал режалаштиришни;*

*- асосий ва ёндош мақсадларни аниқлаб олишни;*

*- дарслар тузилишини моделлаштириш, уларни фақат асосий мақсадни қувватлайдиган мазмун билан бойитиш;*

*- дарс тури, тузилиши, услуби ва кўргазмали қуролларини диққат эътибор билан танлаш;*

*- интеграциялашган дарсларни ўтишда турли фан ўқитувчилари ва мутахассисларни жалб қилиш.*

Биз ҳам И.П.Подласыйнинг фикрларини асосли деб ҳисоблаймиз, ҳақиқатда ҳам интеграциялашган дарсларни ўқув йилнинг бошида режалаштирилиш керак. Шунга қараб дарс жадвалини ҳам ишлаб чиқилади, кўзланган натижага эришиш осонлашади.

| № | Ўқиш | Атрофимиздаги олам | Технология |
|---|---|---|---|
| | Наврўз байрами | Баҳорги тенгкунлик. Наврўз байрами | Наврўз байрамига табрикнома тайёрлаш |

Жадвалдан кўриниб турибдики, мавзулар бир-бирига мос келади. Шунинг учун айнан бир бирига мос келадиган мавзуларни интеграциялаштириб ўтсак, такрорийликдан воз кечган бўламиз. Агар бу дарсларни ўқув йилининг бошида интеграциялаштиришни режалаштирсак, уларни жадвалга бир кунга қўйишнинг хам иложи бўлади. Натижада интеграцион кун ташкил қилинади.

Ҳар бир интеграцияциялашган дарс мукаммал режалаштирилиши: фанлар мустақиллиги сақланиб қолиши; дарсликлардаги материал дарс ишланмада тўлиқ акс эттирилиши; қўшимча маълумотлар мавзу доирасида бўлиши; ўқувчи хар бир дарсдан баҳо олиши керак бўлади.

**Асосий ва ёндош мақсадларни аниқлаб олиш.**

Интеграциялаштириш жараёнида устувор фанни аниқлаш ва мақсадни шу фанга қараб йўналтириш керак бўлади. Шунда асосий фан биринчи планда қолганлари ёрдамчи планга ўтади. Бу асосан математика ёки она тили фанларини бошқа фанлар билан интеграциялаштириш жараёнида яққол намоён бўлади. "Математика"дан қўшиш мавзусини ўтиш жараёнида "Табиат" дарсида кузги мевалар мавзуси келади шунда ўқитувчи кузги меваларни мисолида ўқувчиларга қўшиш амалини ўргатиши мумкин (меваларни олиб келиб уларни кўз олида қўшиб кўрсатса ҳам бўлади). Ёки худди шу мавзуни синфдан ташқари ўқиш дарсида рус халқ эртаги "Бўғирсок" мисолида хам амалга оширса бўлади (чол битта унга кампир қўшилади икки бўлади, набира қўшилади уч бўлади, кучукча қўшилади тўрт ва ҳоказо давом этаверади). Демак, асосий мақсад қўшиш амалини ўргатиш; ёндош мақсадлар эса ўқувчиларга кузги мевалар ҳақида маълумот бериш ва рус халқ эртаги "Бўғирсок" билан таништириш.

Дарслар тузилишини моделлаштириш, барча фақат асосий мақсадни ёритадиган мазмунга йўналтириш.

Интеграциялашган дарснинг модели ва технологик харитаси яратилиши керак. Чунки технологик харита билан ишлаш ўқитувчи учун хам, ўқувчи учун хам жуда қулайлик туғдиради. И.П.Подласыйнинг фикрича интеграциялашган дарсларни фақат асосий мақсадни қувватлайдиган мазмун билан бойитиш керак, лекин бизнинг нуқтаи назардан эътибор хар бир фанга бир хил қаратилиши лозим, фақат урғуни асосий фанга қаратиш зарур. Мақсад қўшиш амалини тушунтириб, ўқувчиларни қўшишиш ҳақидаги билимларини кенгайтириш ва сонларни бир бирига қўшишга ўргатиб, қўшиш кўникмасини ҳосил қилиш, шунингдек ўзлари қўшиш амалини бажара олишларига эри-шиш, яъни қўшиш малакасини ошириш.

Дарс тури, тузилиши, услуби ва кўргазмали қуролларни тўғри танлаш.

Интеграциялашган дарс тузилиши жихатидан интерфаол бўлади. ҳар бир фаннинг мақсади амалга ошиши, дарсликдаги талаб тўлиқ бажарилиши, уйга вазифа, янги мавзу, мавзулар мустахкамланиши учун ўқувчилар тез ва фаол ҳаракатланишлари керак. Бу ишларни амалга оширишда биз интерфаол методлардан фой-

даланишимиз мумкин бўлади. "Математика" ва "Атрофимиздаги олам " дарсларида "Йил, ой, хафта" номли бир хил мавзулар учрайди уларни интеграциялаштириш жараёнида қуйидаги интерактив методлардан фойдаланилса, таълим сифати самарадорлигига эришиш мумкин бўлади:




Интеграциялашган дарсларни ўтишда турли фан ўқитувчилари ва мутахассисларни жалб қилиш улардан маслахат олиш дарс сифатини таъминлайди, мазмунини бойитади ва қўшимча маълумотлардан фойдаланадилар.

Предметлараро тўсиқларни бартараф қилиш учун уларни бир мавзу ва тушунчалар атрофида бирлаштириш лозим. Бу предметни ҳар томонлама ўрганишдан ва ўзаро алоқаларини мустахкамлашдан иборатдир. Шунинг учун икки уч предметни ўзаро боғланишдан ҳосил бўлган ёки айрим мавзуларни бирлаштириш асосида интеграциялашган курслар ва блоклар пайдо бўла бошлайди.

**Интеграциялашган ўқув курслари** - бир неча ўқув предметларини маълум бир мавзу ва асосий тушунчалар атрофида бирлашувидан иборат.

Материални катта блокларга бирлаштириш ўқув жараёнида янги ташкилий тузилмаларга олиб келади. Дарс ўрнига асосий ташкилий бирлик бўлиб ўқув куни, ўқув хафтаси чиқади. Бу эса мавзуга янада чуқурроқ кириб бориш имконини беради.[3]

В.Н.Максимова интеграциялашган дарсларни ташкил қилишнинг бир шакли сифатида "интеграциялашган" ўқув кунини бир синфда ўқув куни давомида умумий комплекс муаммоларни ечиш атрофида бирлаштирилган бир неча ўқув дарсларини ташкил этишни таклиф қилади.

Бундай куннинг сўнги дарсида ўқувчилар аввалги дарслардан олган маълумотларни тизимлаштиради ва умумлаштиради. "Интеграциялашган" ўқув кунининг вазифаси предметни ўқитиш вазифаларига ҳамда умумпредмет ўқув-тарбиявий мақсадларига йўналтирилган бўлади[4].

Барча (мактаб) ўқув фанлари ўзининг ўзига ҳос ўқув потенциалга эга бўлади, уларнинг интеграциялашган курс билан самарали мослашиш хусусияти бир қатор шароитлар билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун умумий дастурни ишлаб чиқишдан аввал, интеграцияни мумкинлиги ва кераклигини ҳисобга олиш зарурдир. Бунинг учун, аввиломбор ўқитувчи ўз ўқувчиларининг тайёргарлик ҳолатини ҳисобга олади, уларнинг психологик хусусиятлари ва қизиқишларини тахлил қилиб кўради. Уларнинг ўқув фаолияти давомидаги дуч келадиган қийинчиликлари интеграциялашган таълимни қўллашга олиб келувчи сабаблардан бири бўлиши мумкин. Баъзида ўқувчиларни бир предметни муваффақият билан ўзлаштиришлари бошқа предметдан олган билимлари ва кўникмалари орқали хам бўлади.

Аксарият мактаб дастурларида бир қатор предметлараро "чоррахалар"га дуч келиш мумкин: мавзулари ўхшаш, умумий савол ёки муаммо, баъзида эса айнан бир хил жараён ва ҳодисанинг ўрганилиши, битта объектни турли ҳил йўналишларда кўриб чиқилиши мумкинлигини юқорида мисоллар билан таъкидлаб ўтган эдик. Айнан шу нарсани предметлараро мавзуларни бирлаштириб ўтувчи интеграциялашган таълим-ни амалга ошириш учун буюртма ёки талаб деб ҳисобласа бўлади.

Лекин бирлашувнинг чуқурроқ асоси шундаки, ўқитувчилар ўз предметларини ўргатиш чоғида ўқитишнинг перспектив мақсадларини бирбирларига яқинлаштирадиган ўзаро боғлиқликни топишлари керак.

Шундай қилиб, интеграциялашган дарс интеграция курсини аниқ перспектив масалаларини ҳал қиладиган, яъни иккита ёки учта предмет асосида режалаштирилгандан кўра, бир сифат текислигида ҳосил қилинган янги бир мураккаб бирликни ўзида мужассам этган бўлиши керак.

**Тақризчи: п.ф.б.ф.д. (PhD), Ш.Абдураимов**

[3] Сухаревская, Е. Ю. Технология интегрированного урока: практ. Пособие для учителей начальной школы, студентов пед. учеб. заведений, слушателей ИПК / Ростов н/Д: Учитель, 2003. - 128 с.
[4] Максимова, В. Н. Межпредметные связи в учебно-воспитательном процессе современной школы / М.: Просвещение, 1987

# ЗУЛФИЯ ҚУРОЛБОЙ ҚИЗИНИНГ "ҲИЛОЛА" ҲИКОЯСИДА ОБРАЗНИНГ ПСИХОЛОГИК ПОРТРЕТИ

***Абдуллаева Дилафруз Суратиллаевна*** *- таянч докторант,*
*Тошкент давлат шарқшунослик университети*

**АННОТАЦИЯ:**

Ушбу мақола Зулфия Қуролбой қизининг "Ҳилола" номли ҳикояси таҳлилига бағишланган бўлиб, унда адибанинг образ яратиш, унинг руҳиятини тасвирлаш ва персонажнинг психологик портретига чизгилар бериш маҳорати тадқиқ этилган. Ёзувчи мазкур ҳикоясида бир ўзбек қизининг қисмати, унинг дарду аламларини, ўй-кечинмаларини композицион воситалар орқали янада таъсирли баён этган. Асарда муаллиф воқеаларни ҳикоячи-персонаж нутқидан баён қилинган ҳамда психологик таҳлил воситаси - нутқий характеристика ёрдамида образ психологик портретини янада таъсирли ифодаланган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** Зулфия Қуролбой қизи, ҳикоянавислик, "ҳилола", реализм, бадиий психологизм, композиция, портрет, статик ва динамик портрет, ремарк, психологик портрет, нутқий характеристика, руҳият.

Данная статья посвящена анализу рассказа Зульфии Куролбой кизи "Хилола", которая исследует способность писателя создавать образ, изобразить его внутренний мир и нарисовать психологический портрет персонажа. В этом рассказе автор эффективно описывает судьбу узбекской девушки, ее боли и мысли с помощью композиционных средств. В произведении писательница рассказывает о событиях из речи рассказчика-персонажа и этим она более эффективно выражает психологический портрет образа, используя средства психологического анализа - речевые характеристики.

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** Зульфия Куролбой кизи, новеллистика, "Хилола", реализм, художественный психологизм, композиция, портрет, статический и динамический портрет, реплика, психологический портрет, речевые характеристики, психологизм.

This article is devoted to the analysis of the story of Zulfiya Kurolboy kizi "Hilola", which explores the writer's ability to create an image, depict his inner world and draw a psychological portrait of the character. In this story, the author effectively describes the fate of an Uzbek girl, her pain and thoughts using compositional means. In the work, the writer talks about events from the speech of the narrator-character and thereby she more effectively expresses the psychological portrait of the image, using the means of psychological analysis - speech characteristics.

**KEYWORDS:** Zulfiya Kurolboy kizi, short story, "Hilola", realism, composition, portrait, static and dynamic portrait, replica, psychological portrait, speech characteristics, psychologism.

Бугунги кунда самарали ижоди қилиб келаётган ўзбек адибаси Зулфия Қуролбой қизи (1966) ижодида миллийлигимизни, миллий анъана ва ўзбек халқига хос бўлган туйғу ва хислатларни ифодалаш, хусусан, инсон тақдири, ўзбек аёли қисмати, унинг руҳияти ва дарду изтиробларини тасвирлаш масаласи етакчи ўринни эгаллайди. Адиба ижодини таҳлил қилар эканмиз, унда аёллар мавзуси, уларнинг дарди ва руҳий дунёси талқини муаллиф ижодида асосий мавзулардан бири эканлигига амин бўламиз. "Зотан, бугунги глобаллашув жараёнида аёл шахси ва унга бўлган ижтимоий муносабат давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилган бир даврда, Инсон хаётининг қоғоздаги акси бўлмиш - бадиий адабиётда аёллар мавзуси ўзининг салмоқли ўрнига эга бўлиши табиий хол".[1]

Адибанинг ҳикояларида персонажларнинг ички кечинмалари, уларнинг ички олами ва характери, руҳияти ва ҳаёлот олами портрети тўлиқлигича гавдаланади. Муаллиф ўз асарларида ҳаётнинг энг аччиқ синовларини бошидан кечираётган инсонлар тақдирини тасвирлар экан, бу тақдирлар орасида ёшлик ва шижоатга тўла йигит-қизларнинг орзу умидларни армонга айланиши, бешавқат хаёт зарбаларига мардонавор курашиши ва сўнггига қадар таслим бўлмай қисмат билан юзма-юз келишга жасорат топиши китобхонга психологик таҳлил воситалари орқали жуда таъсирли етказиб берилади.

Зулфия Қуролбой қизининг "Ёзсиз йил" ҳикоясида мукаммал яратилган сюжет орқали, бир йигит фожеаси - Собир исмли соғлом бир йигитнинг автофалокат сабабли ногирон бўлиб қолиши ҳамда насл қолдиролмаслик қисматга дучор бўлиши, шу сабаб севган қизи - Марваридга уйлана олмаслиги тасвирланган бўлса, бугун биз таҳлилига олаётган "ҳилола" номли ҳикояси ҳам бир ўзбек қизининг қисмати ва унинг руҳияти тасвири масаласига бағишланган бўлиб, унда бедаво

[1]. *Абдуллаева Д. "Sharq mash'ali", 2019 йил 1-2-сон, 16-б.*

касалликка чалинганлиги сабаб турмушга чиқиш, аёллик ва оналик бахтига эришиш каби орзулари армонга айланаётган оддий бир ўзбек қизининг изтироблари тасвирланган.

Мазкур ҳикоя ҳам адиба Зулфия Қуролбой қизининг услубига мувофиқ, ҳикоячи персонаж нутқидан баён этилади. Ҳикоянинг бош қаҳрамони Ҳилола исмли ўқитувчи қиз бўлсада, аммо муаллиф ҳикоячи персонаж сифатида унинг яқин дугонасини танлайди. Фикримизча, асарнинг энг катта ютуғи ҳам шунда, яъни бош образ Ҳилоланинг ички дунёси, изтироблари, ўй-хаёллари - психологик портретига чизгилар унинг дардини ҳаммадан ҳам яхши биладиган, уни ҳис қила оладиган, вақти келса сўзсиз хам тушуна оладиган энг яқин дугонаси тилидан баён этилади, аёл дарди бошқа бир аёл нигоҳидан тасвирланади. Асар давомида муаллиф ҳикоячи-персонаж шахсига ортиқча тўхталмайди, воқеалар марказида фақат Ҳилола образи туради.

Зулфия Қуролбой қизи ижодини кузатар эканмиз, адиба ўз асарларининг қаҳрамонларига исм танлашга алоҳида эътибор беради. Унинг қатор ҳикояларида образларга берилган исм - қаҳрамон тақдири, ташқи қиёфаси ёхуд хулқ-атфорига монанд бўлади. Мазкур ҳикоя аввалида ёзувчи уч кунлик янги чиккан ой тасвири орқали Ҳилола образининг руҳиятига, унинг қисматига илк чизгиларни беради.

"Уч кунлик Ҳилолни кўрганмисиз?

Нозиккина, рангпар, хира ёҳду сочиб турувчи уч кунлик ҳилол... Бир қарасангиз ёрқин, бир қарасангиз заррин нурлари борлиқни ёритишга кучи етмаётгандай беҳол...

...Ҳар доим ой янгиланганида қорамтир осмонниг бир четида ийманибгина турган уч кунлик ҳилолни кўришим билан дугонам Ҳилолани эсга оламан"[2]

Мазкур бандда ёзувчи композицон восита сифатида "ой" деталидан фойдаланар экан, ой рамзи орқали бош қаҳрамон Ҳилоланинг руҳиятига чизгилар бериш билан бирга, унинг аччиқ қисматига ишора қилади. Рамзий маънода уч кунлик ойни танлайди ва ҳаётга эндигина қадам қўйиб келаётган 25-26 ёшлар атрофидаги нозик бир қизнинг қалбидаги орзу-умидларини "ой ёғдуси"га, уни ўраб турган "қорамтир осмон" эса Ҳилоланинг орзуларини руёбга чиқишига тўсқинлик қилувчи бедаво дарди тимсоли сифатида ифодалайди.

Адиба Ҳилола образи билан ўқувчини таништиришда давом этаркан, навбатдаги композицион восита - портретдан фойдаланиб, унинг ташқи кўринишини тасвирлайди.

"Ҳилола...

Уч кунлик Ҳилол мисол нозик, рангпар, юпқа лаблари қонсиз... Қуюқ киприкли, шаҳло кўзлари гоҳ маъсум, гоҳ қайғули, баъзи-баъзида, кайфияти аъло вақтларида шўхлик-муғомбирлик билан боқади. Ва бу унга жуда ярашади. Китобларда тасвирланган ойимқизларга ўхшаб кетарди"[3]

Бу ўринда Зулфия Қуролбой қизи статик портрет туридан фойдаланиб, Ҳилола образига персонаж асарга кириб келгандаёқ тавсиф беради. Аммо муаллиф бу билан чекланиб колмай, асар давомида динамик портретдан фойдаланиб, воқеа ва диологлар тасвирида, ҳаракат давомида персонаж кўрнишига доир айрим деталларни киритиб боради. "Бундай портрет деталлари (юз-кўз ифодалари, тана ҳолати ва ҳаракати, қилиқлари) кўпроқ ремаркалардан жой олади ва персонажнинг айни пайтдаги руҳий ҳолатини ифодалашга хизмат қилади".[4]

Ҳикоя давомида муаллиф ҳикоячи-персонаж нутқи орқали Ҳилола образи ҳақида маълумот берар экан, Ҳилолани жуда камтар, одобли, очиқкўнгил ва меҳнаткаш қиз қилиб таърифлайди. Ҳилола ҳар томонлама идеал образ сифатида гавдалантирилар экан, унинг дарсларни маҳорат билан ўтиши, ўз касбининг фидоийси эканлигига алоҳида урғу берилади. Бир қарашда Ҳилоланинг ҳаётда ортиқча муаммоси йўқдай гўё - севимли касби бор, икки сменалаб ишлайди ва шунга яраша маош олади, катта бир оиланинг фарзанди, ота-онаси, ака-укалари ва келинларию жиянлари балан аҳил-иноқ яшайди. Аммо унинг кўнгли ёришмайди, "ёши ўтиб қолаётгани" сабаб, кўп куюнади. Унинг барча ўзбек қизлари каби орзуси бор - турмушга чиқиш ва бир оиланинг бахтли бекаси бўлиш. Шу ўйлар унга қаттиқ изтироб берарди, изтироблари эса унинг кўзларида, сўзларидан сезилиб турарди.

"Унинг ҳозиргина кулиб турган чеҳраси тундлашиб, кўзларида аламли изтироб пайда бўлди".[5]

Ҳилола келишган ва ўқимишли қиз бўлганлиги сабаб, уни сўраб келганлар кўп бўлади. Лекин, ота-онаси негадур уларнинг барига рад жавобини бераверадилар. Бу холдан қизнинг дарди янада ортарди, ота-онасининг нима сабабдан бундай йўл тутаётганини тушунолмасди. Лекин у ўзининг маъюслиги ва изтиробларини кулгу ва хазил ортига яширишга уринарди. Унинг ягона дардкаши мактабдаги хамкасб дугонаси эди.

"Ҳилоланинг кўзларидан шашқатор ёш оқар, юзи докадек оқариб кетганди. Йиғлаётганини Ҳилоланинг ўзи ҳам билмасди чоғи. У беҳушдек, бир нуқтага қадалган қорачиқлари қотиб қолган, вужуди ҳам тошга айлангандек қилт этмасди..."[6]

Адиба Зулфия Қуролбой қизи Ҳилола образи орқали оддий ўзбек қизини гавлантиради, миллийлигимизга хос бўлган оила ва оилавий риштларнинг ўзбек ёшлари, умуман Шарқ инсони учун қанчалар муҳим эканлагини яна бир бор эътироф этади. Ҳикоя бош қаҳрамони Ҳилолага оила қурмай бу дунёдан ўтиб кетиш каби катта бир армон азоб берарди.

"...борган сарин унинг юзидан тароват қочиб, кўзларида умид учқуни сўниб борарди. Пешонасию кўзларининг тагида билинар-билинмас ажин пайдо бўлганди".

Ҳикояда психологик портрет билан биргаликда,

---

*[2] Зулфия Қуролбой Қизи, "Ўлим ҳеч нарса эмас". Янги аср авлоди, Т.:2011 йил. 206-б.*
*[3] Д.Қуронов ва б., "Адабиётшунослик луғати". Академнашр, Т.: 2010 й. 227-б.*

психологик тасвир воситаси - нутқий характеристикадан ҳам муаллиф маҳорат билан фойдаланган. Ҳилола образига дугонасининг тилидан тавсиф берилар экан, мауллиф дугонаси аслида қандай оқибатли ва чин дўст эканлигини кўрсатиб ўтади. Биз Ҳилоланинг дугонаси ҳақидаги фикр ва тасаввурни, унинг қанчалар бағрикенг, дугонасининг бахтли бўлишини истайдиган оқила қиз эканлиги айнан унинг ўзининг нутқидан билиб оламиз.

"Кўзларим жиққа ёшга тўлгач, ич-ичимдан нимадир кўтарилиб келиб, бўғзимга тиқилган эди. Худо ҳаққи, мўъжиза юз бериб, менга тушимдами, ўнгимдами Хизр йўлиқса... Мен ундан Ҳилолага бахт сўрардим, дея орзу қилганча неча-неча кунларни, ойларни, ҳатто йилларни ўтказиб юбордим"[7].

Орадан йиллар ўтади. Бу орада дугонаси турмушга чиқиб, икки бора фарзандли бўлади ҳамки, Ҳилоланинг бахти очилмайди. Аммо дугонаси Ҳилолага бахт сўрашдан, у ҳақида ўйлашдан тинмасди ва нима сабабдан ота-онасини уни турмушга беришни истамаслини тушунмасди.

"Афсуски, тун-кун ўйлаганим, ният қилганим билан менга Хизр йўлиқмади, Ҳилоланинг эса бахти очилмади...

Бироқ у жуда ўзгариб кетганди. Энди у илгаридек пана-панада йиғлаб сиқтамас, нола қилмас, ота-онасини ёзғирмас, аксинча, ўзини кувноқ кўрсатишга ҳаракат қилар, юзидан табассум аримас, тинмай, лаби лабига тегмай гапирар, ҳамсуҳбатига оғиз очиргани қўймасди"[8]

Орадан йиллар ўтганидан сўнг, ва ниҳоят илк кўклам кунларидан бирида ҳилола дугонасининг олдига хушхабар билан келади, қўшни қишлоқдан келган совчиларга ота-онаси розилик беради.

"Шу чоғда уни бир кўрсангиз эди! Шаҳло кўзлари чақнар, рангпар ёноқлари лов-лов ёнар, ҳамиша изтироб билан қимтилган лабларида юракларни кўтариб юборгувчи табассум жилovланарди"

Аммо Ҳилоланинг узоқ кутилган бахти кўпга бормайди. Тўй бўлиб ўтгандан кейин, бир ҳафтадан сўнг "Ҳилола вафот этибди" деган шумхабарни эшитган дугонаси яқиндагина ёр-ёр айтиб, келин узатиб борган ховлига аза кийимларини кийиб боради ва шу ерда ҳилоланинг ота-онаси нима сабабдан шу вақтга қадар турмушга беришни истмаганликлари ҳақидаги сирдан хабар топади.

"Касал эди, шўрлик. Суюқ қон эди... ўн тўрт ёшида дўхтирлар кўрикдан ўтказиб, "гемофилия" дейтшган. Иложи борича турмушга бермасликка ҳаракат қилинглар, дейишган... Лекин бу ҳақда Ҳилолага айтишмаган. Балмасди, шўрлик... Охири айтдик, шунақа-шунақа, касалсан, дедик. Майли, пешонамда борини кўраман, деди. Ноилож рози бўлдик"[9]

Ҳикоя сўнгида барча сирлардан воқиф бўлган дугонаси қаттиқ изтироб чекади, муаллиф сўнгсўз ўрнида яна уч кунлик ой ҳақида ёзади. Ҳилоланинг нозик ва заифлигини, гўзаллиги ва тароватини уч кунлик ойга қиёслайди.

Адиба Зулфия Қуролбой қизи мазкур ҳикоясида бир ўзбек қизининг бахт сари талпинишларини, оила қуриш ҳақидаги орзу-умидларини тасвирлаш орқали, шарқ халқларига, хусусан ўзбек миллатига хос бўлган оила ва оилавий муносабатларнинг инсон хаётидаги ўрни ҳақида ёзади. Шарқ халқларида, ўзбек халқи орасида ҳар бир шахс гўдаклик давриданоқ оила қуриш - уйланиш ва турмушга чиқиш масаласини ҳаётдаги энг бирламчи масала деб қабул қилади. Қизалоқлар кичик давриданоқ, хатто дугоналари билан қўғирчоқ ўйнаганида ўзини она ролида тасаввур қилади, ўғил болалар эса катта бўлганида дадасидек оилапарвар бўламан деб улғаяди. Шу сабаб ҳам кўплаб шарқ мамлакатларида, хусусан бизнинг юртимизда ҳам оила институтига муносабат мутлоқ фарқ қилади.

Муаллиф Зулфия Қуролбой қизи эса ўз асарлари орқали мазкур қадриятларимизнинг инсон тадқири, шахс қисматидаги ўрни ҳақида ёзади, адиба асарлари бугунги кун жамияти ва унинг инсонлари, уларнинг ўй-кечинмалари, орзу-истакларини тараннум этиб келмоқда. Зеро, ўзбек адабиётшунослик илмининг йирик намояндаси профессор У.Норматов эътирофи билан айтганда "адибанинг инсон шаънини ҳимоя қилиш ва улуғлашдек мўътабар мавзуни янада теранроқ ва кўламдорроқ ёритиб бериши, муаммоаларнинг бетакрор ечимини топиши" унинг маҳоратидан далолатдир.

**Тақризчи: ф.ф.н. А.Турсунқулов.**

# ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА

## ЁШ ПЕДАГОГЛАРНИНГ КАСБИЙ МОСЛАШУВЧАНЛИГИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ПЕДАГОГИК ЖИҲАТЛАРИ

***Даминова Юлдуз Салимовна*** *- мустақил тадқиқодчи, Қарши давлат университети*

**АННОТАЦИЯ:**

Мазкур мақолада профессионал таълим тизимида ёш ўқитувчиларнинг касбий мослашувчанлигининг ташкилий-педагогик жиҳатлари ўрганилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** Профессионал, таълим, тенденция, квалификация, мослашувчанлик

В данной статье рассматривается организационно-педагогические аспекты молодых педагогов в профессиональных образовательных учреждениях

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** Адаптация, профессионал, образование, тенденция, квалификация.

This article examines the organizational and pedagogical aspects of young teachers in professional educational institutions

**KEY WORDS:** Adaptation, professional, education, trend, qualification.

Дунёнинг бир неча мамлакатларида ёш мутахассисларнинг касбий мослашувчанлик жараёни ва ундаги камчилик ва муаммоларни тадқиқ қилишга бағишланган бир қатор тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда замонавий таълим тенденциялари асосида касбий таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилиб, унинг самарадорлигини ошириш орқали малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, профессионал таълим дастурларини ЮНЕСКО ташкилоти томонидан қабул қилинган таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи (МСКО) даражалари билан уйғунлаштириш, ўқув жараёнига Миллий квалификация тизими тўлақонли жорий этиш талаб этилади.

"Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси"да "Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш" муҳим устувор вазифа сифатида белгиланган[1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сонли "Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида Халқаро таснифлагичнинг 3-даражасига мос келувчи таълим дастурлари асосида 9-синф битирувчиларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган бошланғич профессионал таълим босқичида кадрлар тайёрлайдиган таълим муассасалари ташкил этиш, Халқаро таснифлагичнинг 4-даражасига мос келувчи таълим дастурлари асосида ўрта профессионал таълим босқичида кадрлар тайёрлайдиган таълим муассасаларини ташкил этиш, Халқаро таснифлагичнинг 5-даражасига мос келувчи таълим дастурлари асосида олий таълим тизими билан интеграциялашган ўрта махсус профессионал таълим босқичида кадрлар тайёрлайдиган, олий таълим муассасалари ҳузурида фаолият юритадиган таълим муассасаларини ташкил этиш, вазифаси белгилаб берилди[2].

**Жамиятимиздаги ижтимоий** - сиёсий ўзгаришлар замонавий жамиятда ўқитувчи мақомини юқори баҳолашни ва унга мослашиб боришни, шахснинг ривожланишини, жамият тенденцияларига мослашиб боришини талаб этмоқда.

Ўқитувчининг касбий фаолияти замонавий босқичда юқори касбий ҳаракатланувчанликни, ижодий намоён бўлишга тайёр бўлишни, касбий мулоқот маданиятига эга бўлишни, педагогик технологияларни самарали қўллашни, мустақил фикрлаш ва олдига қўйилган вазифаларни ҳал этишда масъулиятни ўз зиммасига олишни тақазо этади.

Шу муносабат билан нафақат ўқитувчининг касбий тайёргарлиги, унинг касбий мослашувчанлиги ҳам алохида долзарб ҳисобланади. Касбий мослашувчанлик ёш мутахассиснинг профессионал бўлиб шаклланишида алоҳида буғин бўлиб

*1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони.// Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. -Т., 2017. -Б.39.*

*2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сонли "Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида"ги Фармони Т.: Халқ сўзи 07.09.2019*

ҳисобланади. Ушбу жиҳат ёш педагогнинг кейинги фаолиятида касбий ривожланишига таъсир кўрсатади.

Профессионал таълим муассасаларига ишга келган ёш мутахассисларнинг кейинчалик шу соҳада ўз касбининг устаси сифатида фаолият олиб бориши ёки кейинчалик ўз касбини ўзгартириши мослашувчанлик жараёнининг қанчалик самарали кечишига боғлиқ.

Ёш педагогларнинг профессионал таълим муассасаларидаги меҳнат жараёнига мослашувчанлиги ва уларнинг салоҳиятидан самарали фойдаланиш жараёнини тезлаштириш муаммоси нафақат таълим муассасаси раҳбарлари учун, балки шу таълим муассасасида фаолият олиб бораётган педагогик жамоа учун ҳам давом этиб келаётган долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги вақтда инсоннинг жадал ўзгариб бораётган замонавий жамиятнинг шарт шароитларига ва талабларига доимий эътиборда бўлиш ва мослашиб бориш талаб этилади.

Мослашувчанлик жараёни жуда мураккаб жараён бўлиб, табиий фанлар билан узвий боғлиқликка эга, "мослашувчанлик" тушунчаси инсон организмининг фаоллиги билан боғлиқ бўлиб, бу фаоллик муҳитнинг ўзгарувчан шароитида мослашиб бориш имконини беради.

Олий таълим муассасалари битирувчиларининг профессионал таълим тизимида фаолият юритиш учун мослашувчанлик жараёни ўзининг индивидуал ва шахсий сифатлари билан ўзгарувчан жараёнга мослашиб боришни англатади.

Мослашувчанлик шахснинг янги шароитларга мослашиши, унда ўзини сақлаб қолиши, баъзида эса бу шароитларни ўзига мослаб ўзгартиролмаслигини англатади.

Д.А. Андреева таъкидлаганидек, мослашувчанлик- бу шахснинг мақсадли фаолият юритиши учун имкони борича оптимал даражада мақсадга йўналтирилган фаолият олиб боришини билдиради.[3]

Айни вақтда инсон доимий равишда фаолиятнинг ва мулоқотнинг янги шартларига дуч келади. Шунинг учун ўзгариб борувчан ҳаёт шарт-шароитлари инсоннинг жамият талабларига мос ривожланиб боришини талаб этади. Мослашувчанлик жараёнида шахс ўз ўрнини қайта ўйлаб кўришни ва қайта баҳолаши зарур. Ўзгариб борувчан шароитларга мос равишда ўзгариб боришнинг адекват йўлини танлаши керак.[4]

Мослашувчанлик даври шахснинг ўз фаолиятини амалга оширишда, атрофдаги одамлар билан мулоқот қилишда, жамоада ўз ўрнини тасдиқлашнинг мақбул контексти билан тавсифланади.

Касбий мослашувчанлик фаолиятнинг индивидуал усули шаклланиши билан, ишлаб чиқариш ва ижтимоий муносабатлар тизимига киришиш билан характерланади. Бу тасдиқ касбий мослашувчанлик иккита ягона жараён эканлигига асосланиб, бунда инсон муҳитнинг таъсирига учраб, ўзи ўз навбатида унинг ўзгаришида фаол субъект сифатида иштирок этади. Шундай қилиб, ёш педагогларнинг мослашувчанлик жараёни қарама-қарши томонларнинг диалектик бирлиги сифатитда: индивиднинг муҳитга мослашиши ва бу муҳитнинг фаол ўзгариши сифатида намоён бўлади. Бунда иккала томмон ҳам бир-бирисиз мавжуд бўлаолмайди ва инсоннинг ўзини ўраб турган мослашувчанлик муҳитини эгаллашдаги ягона жараённи намоён бўлишига биргаликда хизмат қилади.

Реал ҳақиқатда мослашувчанликнинг белгиланган жиҳатлари ўзаро жипс бўлган.

**Биринчидан**-улар бир вақт оралиғида, фаолиятнинг айнан бир субеъкти билан юз беради.

**Иккинчидан**-бир бирига баъзи боғлиқликда туради. Айниқса, назарий тадқиқотларнинг кўрсатишича уларнинг ҳар-бири ўзига хос хусусиятлари билан тўлдирилган, ўз механизимига эга, ўзиниг кўрсаткичлари билан тавсифланган. Шунинг учун олиб борилаётган илмий тадқиқот ишида ёш мутахассиснинг касбий, ижтимоий ва психологик мослашувчанлиги жараёнларини алоҳида мослашувчанлик тури деб қараш, бироқ, бунда уларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ.

Шундай қилиб, "касбий мослашувчанлик" иборасини ишлатишда биз мослашувчанликни тор фикрда, яъни касбий фаолият нормаларини ва функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ, мазур тадқиқотлар доирасида эса, ўқитувчининг касбий- педагогик фаолиятини тушуниб етамиз.

**Бунда касбий**- педагогик фаолият деганда, биз ўқитувчи томонидан махсус ташкил этилган, ўқитувчи ва талабаларнинг ўзаро таъсир тизимини тушунамиз, бу жараёнда профессионал таълимнинг умумий ва хусуий мақсадлари амалга ошади.

Касбий мослашувчанликнинг касбий шаклланиш жараёнидаги ўрни ва муддатини аниқлашда биз қуйидаги қоидаларга таяндик:

"Мослашувчанлик" тушунчаси фаолиятнинг етакчи турини ўзгартириш билан боғлиқ, шунинг учун касбий мослашувчанлик даврини иш фаолиятини бошланиш даври деб ҳисоблаш мумкин. Мослашувчанлик сифати касбий фаолиятни, мақ-

---

*[3] Андреева Д.А. О понятии адаптации. Исследование адаптации студентов к условиям учебы в вузе // Человек и общество. Вып. XI-XII. Л., 1973. С. 25-27.*
*[4] Налчаджян А.А. Психологическая адаптация: механизмы и стратегии. М.: Эксмо, 2010. 368 с.*

бул ишга қобилятлилигини таъминлайди ва педагогнинг ижодини бошлашини ривожлантириш, касбий маҳоратини такомиллаштириш, шахсий фаолият усулини шакллантириш учун асос, пойдевор, зарурий шарт бўлиб ҳисобланади.

Ёш ўқитувчиларда фаолиятининг дастлабки биринчи йили кучли эҳтиросли зўриқиш билан тавсифланади, шунинг учун педагогларни уч гуруҳга бўлиш мумкин:

**Биринчи гуруҳ** - мустақил фаолиятининг биринчи йилидан педагогик маҳоратни тез ва ишончли эгалловчи педагоглар.

Уларни аниқ акс этган касбга йўналганлик, педагогик фаолиятга ахлоқий ва руҳий тайёрланганлик, касбий компонентлик, меҳнат натижаси учун жавобгарлик,илғор педагогик тажрибага ижодий муносабат ажратиб туради.

**Иккинчи гуруҳ-** педагогик маҳоратни секинлик билан эгалловчи педагоглар.

Уларда назарий ва методик тайёргарлик етишмаслиги, ўзига талабчанликнинг йўқлиги, ўзининг амалий тажрибасига танқидий муносабат, зиддиятлилик йўқ педагоглар ташкил этади. Уларнинг баъзиларида педагогик жамоа аъзолари билан тўғри муносабат ўрнатишга халақит берувчи ўзига юқори баҳо бериш шаклланган.

**Учинчи гуруҳ**- педагогика, психология, ўқитиш ва тарбия методикаси бўйича паст тайёргарликка эга бўлган педагоглар.

Улар талабаларнинг қобилятларини билмайдилар, яхши ташкилотчи эмас. Уларнинг кўпчилигининг сўзлари тушунарсиз, луғавий заҳираси кам, ҳамкасблар, талабалар ва уларнинг ота-оналари билан мулоқотда суст.

Мослашув жараёнини ходим ва ташкилотнинг биргаликдаги муносабати деб қараш мумкин. ҳамкорликнинг узоқ муддатлиги бу мослашувнинг қанчалик муваффақиятлигига боғлиқ.

Касбий мослашувчанлик педагогнинг бажараётган ишига мослашишидир. Касбий мослашувчанлик иш жараёнининг бориши тўғрисида назарий тасаввурга эга бўлишда катта рол ўйнайди. Шунинг учун бу иш даврида ёш мутахассисга ёрдам бериш учун ўзининг тажрибаси билан, ишлаб чиқаришга мослашинини бошқарувчи устоз бириктирилади, у янги ходимни синов даврида қўллаб қувватлайди, унинг саволларига жавоб беради ва маслаҳат беради. Устоз мослашув жараёнида ёш мутахассис учун-ўқитувчи, раҳбар ва ҳамкасб ҳисобланади.

Янги иш ўрнида ижтимоий-психологик мослашувчанлик янги ходимни жамоага мослашувини билдиради. Ишга биринчи марта келган ёки катта меҳнат тажрибасига эга бўлмаган янги ходим ҳолатида-ижтимоий-психологик мослашувчанлик катта аҳамиятга эга бўлмайди, чунки бу тоифа ходимларда ижтимоий кўникмалар шалилланмаган бўлади.

Олиб борилган тадқиқотларимиз натижасига кўра мослашиш жараёни муваффақиятли ўтиши учун, ёш педагог, бошқа мутахассислар каби унинг шахсий - касбий ривожланишига касбий муҳитнинг манфаатини сезиши керак, касбий чўққиларни эгаллаш истиқболлари ва механизмларини кўра олиши, ўзининг касбий миссиясини англаш, ўзига педагогик фаолият жараёни ва натижалари учун жавобгарликни олиши керак.

Биз томонимиздан ўтказилган тадқиқотлар (2018-2019 й.) шуни кўрсатадики, ўқитувчининг профессионал таълим муассасасидаги касбий молсашувчанлиги бир қанча муаммолар билан боғлиқ. Кўп хулосаларда касб-ҳунар таълими муассасаларига ёш ўқитувчилар бирданига институтни тамомлаб келмайдилар. 35% респондентлар аввал иқтисодиётнинг турли тармоқлари корхоналарида, 38 % умумтаълим мактаблари ва турли таълим муассасаларида ишлаган ва атиги 27 % сўралганлар Ўрта махсус касб-ҳунар таълим муассасаларига дарҳол Олий ўқув юртини тамомлаб келган.

Хулоса қилиб айтганда, ўзининг касбий фаолияти жараёни ва натижаларидан завқланишига, роҳатланишига ўрганган педагог шу касбда қолади ва шахсий-касбий ривожланишга интилади.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, молсашувчанлик самарали кечмаслигининг сабаби, олий ўқув юрти ва профессионал таълим муассасаларида устоз-шогирд расмий институти фаолият кўрсатмайди.

Профессионал таълим тизимида ёш ўқитувчилар билан тажрибали ўқитувчилар ўртасида устоз-шогирд тизими йўлга қўйилса мослашувчанлик самарадорлиги юқори ва қисқа муддатларда ўз самарасини кўрсатади.

# ШАХС ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ВА ИЖОДИЙ ФАЗИЛАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТАФАККУР ИДРОКИ ТАРБИЯСИ ТАМОЙИЛЛАРИ

***ОРИПОВА Феруза** - ўқитувчи, Жиззах давлат педагогика институти*

**АННОТАЦИЯ:**
Мақолада баркамол авлодни тарбиялашда шахс интелектуал ва ижодий фазилатларини шакллантиришда тафаккур идроки тарбияси мазмуни, психологик ва ижтимоий жиҳатлари билан боғлиқ тамойиллари ҳақида сўз юритилади.
**КАЛИТ СЎЗЛАР:** Ақлий меҳнат, тафаккур идроки тарбияси, ижодкорлик, интеллектуаллик, синчковлик, илмийлик, кўргазмалилик, тушунарлилик, мустақиллик ва фаоллик.

В данной статье речь идёт о принципах связанных психологических и социалных особенностей, содержания воспитания мышление восприятия, формирование творческих и интеллектуальных качеств в воспитании гармоничного развитого поколения.
**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВО:** Трудовое воспитание, воспитание мышление восприятия, творчественность, интеллектуальность, внимательность, научность, наглядность, понятливость, самостоятельность и активность.

The article discusses the implications of the moral principles of moral education of future teachers in pedagogical institutions and their social significance.
**KEY WORDS:** Moral education, principles, understanding of the dead, the teachings of ancestors, knowledge, morality, coherence and continuity, environment, pattern, example.

Тафаккур-инсоният неча минг йиллик тадрижий ривожланиши даврида ижодкорлик жараёни билан боғлиқ ҳосил қила борган ва эришган олий ақлий ва руҳий неъматидир. Юқорида таъкидланганидек, кишиликнинг оддий тош қуроллари ва битикларидан тортиб бугунги кунда яратаётган барча моддий ва маънавий бойликлари ана шу тафаккурнинг олий неъмати маҳсулидир. Шу маънода, ижодкорликда тафаккур тарбияси - ҳар бир даврнинг кечиктириб бўлмас долзарб муаммосидир.

Хўш, тафаккур тарбияси (ақлий меҳнат маданияти) ни тўғри ташкил қилиш деганда нимани тушуниш лозим.

Аввало шуни айтиш керакки, ақлий меҳнат маданияти башарият тарихий ривожланиши жараёнида юзага келган идрок этиш усуллари тизимини ўз ичига олади. Шунга кўра меҳнатни илмий ташкил қилиш тамойил ва меъёрлари аниқ ҳамда қатъий асосда ишлаб чиқилган, бу факт-ларни мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва мате-матик таҳлил қилиш каби бир қанча методларни кўзда тутади, аммо бу дегани ақлий меҳнат мада-нияти илмий маълумотлар асосида ташкил этил-мас, билиш, идрок қилиш фаолияти мувофиқ ра-вишда олиб борилмас эканда, дегани эмас. Бу борада хотира, идрок ва мушоҳада фаолиятини тўғри ташкил қилиш, материални аниқ идрок этиб ўзлаштириш, тўғри хулоса чиқариш муҳим аҳамиятга эга.

Ақлий меҳнат усуллари ҳақида буюк кишилар-олимлар, ёзувчилар таржимаи ҳолини ўрганиш, философия, мантиқ, психология, педагогика ва физиология соҳаларига оид илмий ва илмий-оммабоп адабиётларни мустақил ўқиш орқали кўплаб билимларга эга бўлиш мумкин.

Шу маънода ижодкорликда тафаккур идроки тарбияси ақлий фаолиятнинг мувофиқ усулларини эгаллаш тарзи сифатида ижтимоий ҳаёт, илм-фан ва шахс тажрибаларини ўзлаштириш, ривожлантириш ва такомиллаштиришни кўзда тутади. Кўп йиллик шахсий педагогик тажрибаларимиздан маълумки, қайсидир ўқувчи ёки талаба китоб ёки ўқув материалини тез ўзлаштиради. Аксинча бошқа бирови эса уни суст ўзлаштиради. Бу ўзлаштиришнинг икки хиллиги сири аслида тафаккур (ақлий) меҳнати тарбияси билан банд онгимизнинг кўзга кўринмас қатларида яширинган. Бу сирларнинг калитини эса тафаккурнинг муттасил машаққатли меҳнатидан изламоқ ўринли.

Психологик нуқтаи назардан ёндошилганда умумий ҳолда тафаккур меҳнати материални қабул қилиш, ўзлаштириш, қайта ишлаш ва билимларни намоён қилиш каби жараёнларни ўз ичига. Аммо ҳар бир кишининг ўзига хос ва бетакрорлигини унутмаслик лозим.Чунки, эгаллаган билимдаги ўзъаро фарқлар, кўникма ҳосил қилиш, ёдда сақлаш, фикр юритиш усуллари, ирода хусусиятларидаги айирмалар шахс тафаккури меҳнатининг ўзига хос услубига сўзсиз ўз муҳрини босади. Шу маънода қадимги юнон донишманди Суқротнинг бундан XXV аср муқаддам ўртага ташлаган Ўзлигингни бил, шунда сен оламни била оласан!

Деган машҳур шиори ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.Шунингдек, бобокалонимиз (асли Шаҳрисабзлик бобоси кўчиб кейинчалик Ҳиндистонда яшаган) Мирза Бедил ҳам худди шунга ўхшаш фикрни изҳор қилиб:[1]

*Агё-назаримиз олуғувчи кўзгу,*
*Асмо-зикри эртак тингламоқ дир бу.*
*Барчаси инсондан қочирар узоқ,*
*Асли инсон бўлмоқ ўзни билмоқ-ку! деган эди.*

Ҳақиқатдан ҳам, киши наздича, гуё у ўз тафаккури ва хулқ атвори ўзлигини жуда яхши биладигандек туюлади. Борди-ю бирор шахс ўзини-ўзи четдан кузатишга мушарраф бўлганда эди, у ўзини ўзи таний олмаган, баъзи тафаккурий фикр-мулоҳазалари ва қилиқларини бемаъни деб топган бўлар эди.

Зеро, бундай чуқуррок ўйлаб қаралса, ҳозирги қурилишда ишлаётган мутахассислар тафаккури, қадимги Миср фиръавнлари учун ҳайратомуз ҳисобланган, бугунги кунда ҳам қурилиш технологияси аниқлиги ва илмийлик салоҳияти билан баҳсларга сабабчи бўлиб турган эҳромлар қурган қулларнинг тафаккурида яхшими ёки ёмонми деган саволга кўпчилик на яхши на ёмон деб жавоб бера олади.

Айтилганлардан кўринадики, "ўзлик"ни англаш киши тафаккурини белгиловчи барча фикрий ички (истеъдод, талант, қобилият, заковат, мулоҳазакорлик, валийлик, лаёқат, ирода, хотира, донишмандлик, билим, кўникма, малака ва ҳоказо) ва ташқи (синчковлик, қизиқувчанлик, ажабланиш, сабаби ва оқибатини билишга шаҳд қилиш, мақсад сари интилувчанлик, ташаббускорлик, талабчанлик, жўшқинлик, қайнаш, шаҳди баланд бўлиш ва бошқалар) хислат ҳамда фазилатлар мажмуаси бўлиб, "оламни билиш", яъни даҳоликка эришишнинг бош меъзони ҳисобланади.

Сўз юритилган, "ўзликни англаш" тушунчаси ва тафаккури идрок моҳиятининг, "оламни билиш", даҳоликка эришишнинг бош мезони эканлигини шарқ алломаларининг бу хусусдаги фикрлари талқини орқали ёритишга ҳаракат қиламиз.

Шахс тафаккури тўғрисида шарқ адабиётининг ёрқин сиймоларидан бири, шарқ шеърияти воҳид қуёшлари қаторидан жой олган шоири Абу Маоний (маънолар отаси) деб ном қозонган забардаст аллома Мирза Бедил қуйидаги ажойиб фикрни айтади:[2]

*"Ҳар нарсага ким етибди ақл,*
*Ундан афзалсан, буни яхши бил.*
*Дунё мевасин ширинкори сен,*
*Ҳаммасидан ҳам ҳосилдори сен.*
*Қай тарафга ким учса хаёлинг,*
*Сен этсанг парвоз этар мажолинг".*

яъни, у инсон "ўзлиги"ни жилвалантирадиган кўзгу дил руҳий (шеърда бу хаёл деб ифодаланган) кучлари ва тафаккурий идрок эканлиги, буюк ва етук инсоннинг мушоҳадалари гарчи моддий абадийлик бағрида ўткинчи бўлсада, унинг ҳар нарсага (оламни ҳам била олишга) қодирлиги, у қолдирган тафаккур мевалари умумбашарий абадийлигига даҳлдор эканлигини теран ифодалаб берган эди.

Унинг фикрича, инсоннинг "ўзлиги"ни Дил бағрида яширинган асл Руҳ (тафаккур)ни, унинг ички манзаралари ва хаёлий товланишларини қай даражада руёбга чиқара олганлиги билан баҳола-нади. Буни шахс "ўзликни англаши"га берилган таъриф дейиш ўринли бўлади.

Мазкур айтилганларни чуқур таҳлил қилганда, инсон тафаккури ва ундаги бор имкониятлардан ҳозирча тўлиқ фойдаланаяпмиз деб айтиб бўлмайди. Оддий қилиб айтганда, табиат бизларга шундай бир улкан тафаккур бойлигини инъом қилганки, бу наслий ва табиий бойлик ва неъматдан тўлиқ фойдаланиб, уни оқилона ишга солишда ҳамма вақт ҳам жойларда фаоллик кўрсатилаяпти деб айта олмаймиз.[3]

Шу ўринда яна ўтмишимизга мурожаат қиламиз. Қадимги ғор одамларининг тафаккури нималарга ишлатилар эди? ҳеч нимага. Чунки чўқмор ясаш учун ҳеч қандай математик ҳисобнинг ҳожати ҳам йўқ эди. Тафаккур идроки ўз вақти соатини кутиб чуқур уйқуга ғарқ эди. Яқин ўтмишда электр алоқалари йўқлиги оқибатида бирон хабарни етказиш учун чопарлар ойлаб йўл юрганини, ҳозирги кундаги бу ишни лаҳзаларда ҳал қилиш имкониятимизга қиёслаш билан, келажак тафаккури орқали бугунги кунимизга назар ташлашга эгамиз деб фараз қилган кишида, ҳозир ҳам шундоқ атрофимизда ўз ечимини кутиб уйқуда ётган имкониятлар қанчадан қанча эканлиги яққол намоён бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, шахс тафаккурини чарҳлаш ва ривожлантириш учун маълум ўзлигини билишга имкон берадиган тартибга туширилган узвий ва кишини ҳар доим олға етаклаб, завқ - шавқ уйғотувчи муҳит талаб қилинади. Шу маънода айтиш мумкинки, инсоннинг "ўзлиги" (ўз ички туғёни) билан олға интилишга бўлган майл ва ҳаракатини ҳеч қандай ташқи мажбурий буйруқбозликка алмаштириб бўлмайди. Шундай экан, ҳар бир киши ўзликни англашнинг юқоридаги тушунчасини ўзига бурчий масъулият сифатида қабул қилиб, унга тафаккурни ривожлантиришнинг бош ғоявий қуроли деб қараши лозим. Бинобарин ўз олдига эзгу мақсадлар қўйиб, унинг амалга ошишини чин дилдан истаган ҳар бир инсон, аввало ўз тафаккурий идрокини ўзи тарбиялаб ривожлантиришга эришиши зарур. Шундагина у тафаккурий идрокнинг энг чўнг ва пуркудрат чўққиси бўлган даҳоликка эришиб, Суқрот айтгандек "Олам" ни ҳам била олади. Ҳар томонлама баркамол интелектуал ва ижодий фазилатларга эга

[1]. *Х.Тоғаев,У.Толипов."Синчковлик ниҳоли ёхуд иқтидорни тарбиялашнинг муҳим жиҳати" Маърифат. 2002 йил. 14 июн*
[2]. *И.Исмоилов "Булажак касб таълими ўқитувчиларини ижодкорлик фаолиятга тайёрлаш" Узлуксиз таълим №3. 2008 йил 74- бет*
[3]. *Ю.Н.Честных. "Открыть человека" Москва. Просвещение. 1986 г. 80-стр*

инсон бўлиш ҳар биримиздан ҳар бир ҳаракатда дил нигоҳини ўзлигимиз Қуё-шига қаратишимиз, Руҳий тафаккур идроки илдизларидан қайта кўкаришимизни, бундан ўзга чинакам ва нажот йўқлигини чуқур ҳис этишни тақозо этади. Бу ҳақда ҳазрати Навоий шундай таъкидлаган эди:

*Олими ким илми эрди бемаал,*
*Ё қанийким молиға бухл эрди ёр.*
*Ўлдилар юз ҳасрату армон била,*
*Элга бўлди ишларидин эътибор.*

яъни, шоир олимлардан ва барча касб-ҳунар эгаларидан ҳуш интелектуал ва ижодий фазилатли бўлишни талаб қилади. Бундай фазилатларга эга бўлмаган ва илмига амал қилмайдиган олим бир умр ҳасрат билан кун кечиради дейди.

Навоий дунёвий фанларнинг ҳаммасини тизимли ўқиш ва ўрганиш кераклигини, ижодий фазилатларни ҳар бир тармоғини киши заковатига амалий хизмат эттириш лозимлигини қайд қилади. Шу сабабли билимни эгаллашни ажойиб фазилат деб ҳисоблайди.

У физика ва амалий механикани инсон ҳаётидаги аҳамиятини таъкидлаб, бундай дейди:[4]

*Ва гар ҳикматга бўлса илтифотинг,*
*Ки бўлсин Нуҳ умрича ҳаётинг.*

Алишер Навоий бу билан кишиларда заковатий ва ижодкорлик фазилатларида тафаккур идроки тарбиясининг ролини алоҳида таъкидлаб, ижодкорлик билан шуғулланган кишини ҳаётда номи ўчмаслиги ва умри узоқ бўлишини тарғиб қилади.

Бундай вазифаларнинг нечоғлик бажарилиши аввало баркамол авлодни тарбиялашда интелектуал ва ижодий фазилатларни шакллантириш педагогик механизмларининг қай даражада такомиллашганлигига ва мос ҳолда ёш авлоднинг ўзлигини англаши ҳамда тафаккур идрокини тарбиялаш тамойилларининг мазмунини билиш ва самарали қўллашни тақозо этади. Шундан келиб чиқиб, ушбу тамойиллар мазмунига тавсиф бериб ўтамиз.

Дидактик тамойиллар:

**Синчковлик тамойили** - бу тамойил, ўқув жараёнида ва умуман ҳар қандай фаолиятда ижодкорнинг ўзи учун тушунарсиз бўлган нохуш воқеа, ҳодиса ёки тушунчага бефарқ қарамасдан, нега шундай? нима қилмоқ керак? деган савол назари билан қарашни кўзда тутади.

**Кўргазмалилик тамойили** - бу тамойил ижодкорлик масаласини шакллантиришда зарур бўлган қурилма, машина, механизм ёки бошқа воситаларининг нуқсонларини натурал ўзида текшириб қўришни назарда тутади.

**Илмийлик тамойили** - бу тамойил, олий ўқув юртлари таълим тизимида энг муҳим педагогик тамойил ҳисобланиб, ўзида:

а) замонавий техника ривожланиши даражасини намоён этувчи назарий ва амалий билимлар тизимини;

б) фан қонуниятларининг объективлиги характерини ва улардан Маҳбуб ул қулубинсонлар фаолиятида амалда фойдаланиш имкониятларини кўрсатишни;

в) ўрганилаётган ҳодиса, фактларнинг моҳиятини аниқлашда диалектика умумий тамойилларини қўллашни;

г) ҳар бир илмий фаннинг ўзига хос ўрганиш методларидан фойдаланиш;

д) таълимнинг генетик йўлидан тўғри ва кенг фойдаланишларини мужассам ҳолда ифодалайди.

Илмийлик тамойили талабаларда фақат илмфанда олдиндан маълум билимларни ўзлаштириш билан кифояланиб қолмасдан, уларни энг кейинги фан ютуқлари билан қуроллантириш ва ҳатто уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида баҳс, мулоҳазалар юритишларни назарда тутади. Бунинг учун албатта илмий раҳбарнинг ўзи ҳам маълум етарли билимга эга бўлиши зарурлиги тамойилдаги асосий масала ҳисобланади.

**Тушунарлилик тамойили** - бу тамойил, талабаларнинг ўқув жараёнида олган билимларини ижодкорлик фаолиятида қўллай олиши мумкинлигини назарда тутади ва ўқув жараёнидаги тушунчаларни тафаккур идроки тарбияси фаолиятида қайта такрорлашни мутлақо рад этади. Талабаларнинг ижодкорлик фаолияти ҳам тушунарли ва ҳам тадқиқотий тавсифда бўлиши тамойилнинг муҳим шарти ҳисобланади. Тамойилга кўра ижодкорлик масаласи ечими оддий бўлса, талаба зерикади, ўта мураккаб бўлса, уни уддалаши учун катта қийинчилик ва кўп вақт талаб қилади, унда талабанинг ишдан кўнгли совийди. Шу маънода, бу тамойил тафаккур идроки тарбияси фаолиятини рационал ижодкорлик масалаларидан иборат қилиб бошқаришни тақозо этади.

**Ишлаб чиқариш билан боғланганлиги тамойили** - бу тамойил, тафаккур идроки тарбияси фаолияти ижодкорлик масалалари режаси салмоғида кўпроқ ишлаб чиқаришни механизациялаштириш, фан-техника тараққиётининг асосий йўналишларини акс эттиришни кўзда тутади. Бу тафаккур идроки тарбияси фаолиятининг мақсадларидан бири сифатида ҳам, касбий билим, кўникма, малака ва укувларни оширишнинг муҳим омили сифатида ҳам ҳизмат қилади.

**Мустақиллик ва фаоллик тамойили** - бу тамойил тафаккур идроки тарбияси фаолиятида ўта муҳим ҳисобланади. Мустақилликнинг муҳим ташкил этувчиси фикрлашнинг юқори даражада бўлишини таъминлаш учун, ижодкорлик масалаларини аста-секин мураккаблаштириб боришни тақозо этади. Талабанинг мустақиллиги ва фаоллиги ўзаро узвий боғлиқ тушунчадир. Бу боғланишда фаоллик талабанинг ижодий иш билан шуғулланишга бўлган қизғин иштиёқини ифодаласа, мутақиллик эса фаолликнинг юқори пағонаси сифатида намоён бўлади. Бунда, фаоллик мустақил фикрлашнинг биринчи босқичи деган хулосага келинади. Богоявленский Д.Н. кўрсатиши бўйича5 "Муаммоли вазият" вужудга келтирилганда фикр-

[4]. *Алишер Навоий "Маҳбуб ул қулуб" Тошкент.1983 55-бет*

лаш энг катта фаолликка эга бўлади. Демак, мустақиллик ва фаоллик тайиллари тафаккур идроки тарбияси фаолиятида ижодкорлик масалаларининг муаммоли бўлиши ҳисобига талаларнинг фаоллиги ҳамда мустақиллигини оширишни назарда тутади.

Алоҳидалик ва поғоналилик тамойили - тафаккур идроки тарбияси фаолиятида сезиларли салмоққа эги. Буни ижодкорлик билан шуғулланаётган ҳар бир қатнашувчи билими, фикрлаш лаёқати, қобилияти, уддабуронлиги, уқуви каби сифатлар мутлақо бир-бирига мос келмаслиги ва мос ҳолда уларга берилаётган ижодкорлик масаласи ҳам алоҳида мураккабликда ва аста-секин ўсиб боришини тақозо қилиши билан изоҳлаш мумкин. Демак, интеллектуал ва ижодкорлик фазилатларини ривожлантириш масалаларини ҳар бир шахс учун унинг савиясига қараб поғонали тарзда (оддий, ўрта, мураккаб, ўта мураккаб) шакллантиришни назарда тутади.

**Тақризчи: п.ф.н. доцент Д.Жуманазарова.**

**********************

# ДЕЙКСИС ҲОДИСАСИНИНГ ЛИСОНИЙ МОҲИЯТИ

***Арчабаева Наргиза*** *- магистрант, Самарқанд давлат чет тиллар институти*

**АННОТАЦИЯ:**

Мазкур мақолада дейксис ҳодисалар, матнда дейксиснинг ифодаланиши доирасидаги масалалар ҳамда мавзуга оид замонавий ёндашувлар қамраб олинган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** дейксис, нутқий фаолият, замон ва макон, категория, шахс, мулоқот.

В данной статье рассматриваются события дейксиса, вопросы о выражении дейксиса в тексте, а также современные подходы к данной теме.

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** дейксис, речевая деятельность, время и пространство, категория, личность, общение.

This article discusses the events of deixis, questions about the expression of deixis in the text, as well as modern approaches to this topic.

**KEY WORDS**: deixis, speech activity, time and Space, category, person, communication.

Жаҳон тилшунослигида сўнгги йилларда матн тилшунослиги соҳасида илмий тадқиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Матн тилшунослиги доирасида матнни таҳлил қилишда прагматик, когнитив, лингвомаданият, дейктик ҳодисаларни аниқлаш каби илмий ёндашувлар мавжуд бўлиб, улар тўхтовсиз ривожланиб бормоқда. Зотан, дейксис ҳодисалар, матнда дейксиснинг ифодаланиши ўрганилаётган тилнинг қулай ва самарали жиҳатларини аниқ кўрсатиш имконини беради.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан илмфан ривожига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Дарҳақиқат, хорижий тилларни, жумладан инглиз тилини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, айниқса, бу тилни ўзбек тили билан қиёсий тавсифлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири саналади. Бундан ташқари барча тилларда гап қурилмасининг анъанавий синтактик таҳлили бугунги куннинг талабига тўлиқ жавоб бераолмаслигини, яъни гап таркибидаги синтактик бирликлар кўр-кўрона бош ва иккинчи даражали бўлакларга ажратиб талқин этилиши, ушбу бирликларнинг гапда иштирок этишида синтактик алоқаларни аниқлаш, синтактик бирликларнинг дифференциал белгилари ҳамда уларнинг тил сатҳларидаги семантик майдонини ўрганиш ва уларни қиёсий типологик жиҳатдан таҳлил этиш ҳозирги замон тилшунослари олдига қўйиладиган асосий талаблардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев: "Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи вазифамиз деб биламиз"[1], дея таъкидлайди. Мазкур фикрдан келиб чиққан ҳолда мазкур мавзунинг бугунги кун учун долзарб эканлигини қайд этиш мумкин.

Сўнгги йилларда жамиятимиз ривожи ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида ҳар жиҳатдан инсонпарварлашув жараёни зарурлигини ижтимоий тизимнинг тўлалалигига инсон эҳтиёжларини қондириш сари йўналтиришни тақозо

*[1]. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. -Т.: "Ўзбекистон", 2017. - Б.12.*

этмоқда. Шунинг учун ҳам назарий ва эмпирик тадқиқотларда инсон омилига ёндашувда сифат ўзгариши содир бўлмоқда. Маълумки, субъект онгли фаолиятнинг ифодаси тил тизимида намоён бўлади, чунки у туфайлигина "... ҳар қандай нутқий жараён фикр объектига шахс муносабатини ифодалайдиган субъектив омил билан боғлиқдир". Баён қилинган фикр аслида нутқий жараённинг прагматик мазмуни бўлиб, у аниқ ва умумлашган ёки мавҳум адресатнинг мавжудлигини акс эттиради.

Ҳозирги замон тилшунослигида номинатив бирликларнинг мулоқот жараёнида бажарадиган вазифалари нуқтаи назаридан дейктик номлашнинг ўзига хос тури сифатида қаралади. Дейксис ҳам ўз навбатида ахборотни аниқ узатиш учун хизмат қилади.

Дейксиснинг ўзига хос хусусияти ушбу гуруҳдаги бирликларнинг луғавий маъносига нисбатан ноаниқ бўлиши ва у фақатгина муайян матнда намоён бўлишидадир. Шунингдек, дейксис, нутқий фаолиятнинг замон ва макон кўрсатиш билан бир қаторда мулоқот матнининг яхлитлигини таъминлаш учун ҳам хизмат қилади. Умуман олганда, "дейксис" атамаси юнон тилидан олинган бўлиб, (deixis), "кўрсатиш", "ишора" каби маъноларни англатади. Юнон грамматикачиларининг фикрича, олмошларнинг отлардан асосий фарқи, олмошлар предметнинг ҳеч қандай хусусиятини англатмай фақат уни кўрсатиш (унга ишора қилиш) билан чегараланади.

Немис тилшуноси К.Бюлер дейксиснинг ифодаланишига кўра учта тури мавжудлигини қайд этган:

1. аниқ, равшан кўрсатиш;
2. анафорик кўрсатиш;
3. фараз қилинаётган объектни кўрсатиш.[2]

Айрим тилшуносларнинг таъкидлашича, дейктик иборалар "Коммуникация фаолиятининг аспектлари"да, "экстралингвистик контекстнинг хоссалари"да, ҳамда "фикр контексти ёки нутқ фаолиятининг хусусиятлари"да[3] аниқ манба ёрдамининг қўлланилишсиз ифодалана олмайди.

Дейксис тизимининг марказида сўзловчи шахс туради ва унинг макон ва замонда ўрин олиши бошланғич нуқта бўлиб қолади. Дейксис сўзловчининг нутқ фаолияти жараёнида маълум маконда жойлашганлигини белгилайди. Шуни ҳисобга олганда, В.Ф.Ханкснинг таъкидлашича, дейксис дискурс даражасида ўрганилиши керак ҳамда ҳаволанинг махсус ҳолати сифатида эътироф этилиши мумкин.

В.В.Жура ва В.И.Шаховскийлар эмоционал дейксис борасида қилган тадқиқот ишлари диққатга сазовордир. Чунки, нутқий мулоқот жараёнида инсоннинг ҳис-туйғуси, унинг воқеликда кечаётган ҳодисаларга нисбатан шахсий муносабатларини билиш ҳам муҳим дейктик воситалар орқали намоён бўлади.

Дейксис ҳақида Э.Бенвенистнинг таъкидлашича, субъективлик сўзловчининг воқеликни идрок этиш фаолиятида намоён бўлади. Яъни "мен" нутқий фаолиятни бажарадиган шахс бўлиб, "сен" - ушбу нутқий фаолият воситасида мурожаат қилинадиган шахсдир. Бу доимий ва бажарилиши шарт бўлган боғлиқлик нутқий фаолият билан биргаликда "мен", "сен" билан бир қаторда турадиган кўрсатгичлар гуруҳини, яъни олмошлар, равишлар, равишли бирикмаларни қамраб олади. Субъективлик мазмуни доирасига, бундан ташқари грамматик замонлар тизими ҳам киради.[4] Аммо, унинг фикрича, кишилик олмошлари тилда субъективликни билдиришда асосий таянч нуқта бўлиб, кўрсатиш олмошлари, равиш ва сифатлар эса субъект атрофидаги макон, замон муносабатларини ташкил қилади.

Р.О.Якобсон эса дейктик элементларни "шифтерлар" деб атади ва бу туркум маълум ахборотни кодлаштириш учун хизмат қилувчи воситалар сифатида қараб, кишилик олмошлари шифтерларнинг типик тури деб ҳисоблайди. Шифтерлар таркибига замон, шахс ва майл категорияларини ҳам киритади.[5]

У.Вейнрейх дейксис билан боғлиқ сўзлашув ҳолатларига қуйидаги таркибий қисмларни киритди. Фикр муаллифи (1-шахс), фикр адресати (2-шахс), нутқ пайти (грамматик замон) ва ушбу нутқ фаолиятининг бошқасига ўхшаш ёки ўхшаш эмаслигини кўрсатувчи белгилар (анафора, ўтимсизлик) кабилар.[6] У.Вейнрейхнинг фикрича, шахсни кўрсатишда сўз туркумларининг имконияти бир хил эмас. Шахснинг тафовут белгиси сифатида биринчи галда от характерланади. Феъл эса фақат от билан мослашади. Мавжуд барча тилларда бошқа шахслар ўрнида қўлланиладиган ўриндошларга (проформалар) эга. Бу ўриндошлар сўз туркумлари бўйича турли тизимли тилларда ҳар хил тақсимланади.

Америка тилшуноси Ж.Лайонз ўзининг бир рисоласида дейксис марказида турган шахс категорияси (замон ва макон дейксиси билан бир қаторда) нутқ вазияти иштирокчилари бажарадиган вазифалар воситасида аниқланади: "биринчи" шахс ўзига нисбатан мулоқот субъекти вазифасини бажараётганлигини кўрсатиш учун қўлланади; "иккинчи" шахс суҳбатдошни ёки тингловчини кўрсатувчи белгидир; "учинчи" шахс эса мулоқот субъекти ёки сўзловчи ва тингловчидан ўзгаларни (бошқаларни) ажратиш учун қўлланади.

"Учинчи" шахс "биринчи" ва "иккинчи" шахслардан бир неча хусусиятлари билан фарқ қилади. Маълумки, мулоқот жараёнининг барча ҳолатларида сўзловчи ва тингловчи иштирок этади, учинчи шахс вазифасини эгаллайдиган шахс ва предметларнинг иштирокини ихтиёрий, айрим ҳолатларда уларни аниқлаб ҳам бўлмайди. Шунинг учун ҳам учинчи шахс "аниқлик" ва "ноаниқлик"

---

[2]. *Бюллер К. Теория языка. Репрезентативная функция языка.- Москва: Прогресс, 2000. -С. 75.*
[3]. *Рахимов С. Речевая коммуникация и проблемы дейксиса в разносистемных языках. - Ташкент: Фан, 1989. -С. 84.*
[4]. *Бенвенист Э. Общая лингвистика. - Москва: Прогресс, 1974. - С. 292-300.*
[5]. *Якобсен Р.О. Шифтеры, глаголные категории и русский глагол// Принципы типологического анализа языков различного строя. - Москва: Наука, 1972. -С. 95-111.*
[6]. *Вейнрейх У. О семантической структуре языка// Новое в лингвистике. -Москва: Прогресс, 1970. Вып. 5. -С. 178.*

категорияларига эга бўлиб, у шулар асосида намоён бўлиши мумкин. Бу ҳодисани инглиз тили мисолида қаралганда he, she, it кишилик олмошлари "аниқлик" категорияси ҳисобланса, someone, somebody, something каби олмошлар аниқлик категорияси мазмунига қарама-қарши маънони ифодалайди. Бу борада Ж.Лайонзнинг яна бир фикрига асослансак, у анъанавий грамматикаларда "шахс" ва "сон" категориялари муносабати етарли даражада талқин қилинмаган. Масалан, I ва we (кишилик олмошларини биринчи шахс бирлик ва кўплик) шакллари муносабати ҳеч ҳам boy - бола, boys - болалар ўртасидаги муносабатга мос келмайди. We олмоши "мен" ва яъни бир (ёки бир неча) шахс мазмунида тушунилиши керак. Демак, we олмоши I олмошининг кўплик шакли эмас, аниқроғи у бирлик олмоши I билан муносабатда юзага келадиган кўплик мазмунини ифодалайди.[7]

Шундай қилиб, Ж.Лайонз дейктик категориялари сифатида кишилик ва кўрсатиш олмошлари, шунингдек, равишлар ҳамда ҳурмат маъносини ифодаловчи бирликларни киритиш билан бир қаторда феълнинг замон шаклини ҳам қўшади. Дейксиснинг "эгоцентрик" (эгомарказли) талқинига асосан ишора белгиларининг маъноси сўзловчи шахсига нисбатан белгиланадиган "мувофиқлаштирувчи марказ" тушунчаси воситасида тавсифланади. Мулоқот жараёнида сўзловчиларнинг ўрни алмашиб туриши муносаби билан дейктик марказ ҳам ўзгаради.

Бундан ташқари Ж.Лайонз, ўзининг "Semantics" асарида дейксис муаммоси янада кенгроқ талқин қилинган. Ушбу асарда муаллиф юқорида қайд этилган дейктик категориялардан ташқари аниқ артиклли от бирикмаси, дейксис ва анафора муносабати, матн дейксиси, замон ва макон мазмунидаги тузилмалар таркибидаги дейктик бўлаклар каби бир неча масалалар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилиб, дейксис ҳодисасининг таърифини қуйидагича изоҳлайди: "ҳеч бўлмаганда бир сўзловчи ва тингловчи иштирокини талаб қиладиган мулоқот вазиятида юзага келадиган замон-макон матнида намоён бўладиган шахс, предмет, ҳодиса, ҳаракатларни белгиловчи, уларнинг ўрнини кўрсатувчи бирлик дейксис деб талқин қилинади"[8]

Айнан шунга ўхшаш таърифни Ч.Филморнинг асарида ҳам учратиш мумкин. У дейктиклар гуруҳига "... маъноси ўзлари қўлланилаётган гап таркибида аниқланадиган лексик ва грамматик бирликларни" киритиб, ушбу гапнинг "маълум ижтимоий вазият матни билан боғлиқ бўлишини" алоҳида таъкидлайди.[9] Олим дейксиснинг тўрт турини, яъни макон, замон, ижтимоий муносабат, матн дейксиси кабиларни бир биридан фарқлашни таклиф қилади. Ижтимоий (социал) дейксис, яъни ҳурмат-эҳтиром шакллари турли тилларда тадқиқ қилинган, матн (дискурс) дейксиси айнан шу матннинг бошқа қисмларига ишора ва ҳаволалар тизимидир.

Кейинги йилларда кўпгина хорижий тилшунослар дейксиснинг қуйидаги турларини эътироф этмоқдалар: discourse deixis; emphatic deixis; place deixis; time deixis.

Айрим тилшунослар замон ва макон дейксисларини қуйидаги мисоллар сифатида қайд қиладилар:

Time deixis: а) мулоқот жараёнида ёки унга яқин пайтда: Now - this time - two weeks from now; б) мулоқотдан олдин бажарилган пайт: then - that time - last week; в) мулоқотдан кейин бажариладиган пайт: tomorrow - in seven days - next april.

Place deixis: а) here - that place - this city; б) there - this ranch - these parks; в) this place - those towers over there - yonder mountains.

Макон дейксисини ифодаловчи иборалар юқоридаги мисолларда кўрсатилганидек, фикрнинг ўрин-жой ҳақидаги контекстуал хабарини талаб қилади.[10]

Маълумки, тилшуносларнинг фикрича, бирламчи ва иккиламчи дейксислар бўлиши мумкин. Бирламчи ёки туб дейксисда кўрсатиш "сўзловчи - шу ерда - ҳозир" (speaker - here - now) дейктик марказида юзага келади. Дейксис иккаламчи хусусиятга эга бўлганида марказ мавҳум тус олиб, тасаввур қилинаётган субъектга учинчи шахс олмоши воситасида ишора қилинади. Анафора кўринишидаги дейксисда ҳам кўпроқ олдинги нутқий матнда эслатилган референт ишора қилиш мазмунига эга бўлган учинчи шахс олмоши фаоллашади. "Мен", "сен", "шу ерда", "ҳозир" каби бирликларга эса қарийб мурожаат қилинмайди.11

А.А.Уфимцева дейксиснинг тил лексик-семантик тизимида тутган ўрнига кўра, кўрсатишнинг уч турини фарқлашга ҳаракат қилади, яъни 1) субъектив кўрсатиш воситалари; 2) объектив кўрсатиш воситалар; 3) матн ички таркибига оид кўрсатгичлар.[12] Субъектив кўрсатиш воситаларига кишилик олмошлари, кўрсатиш ва қисман эгалик олмошлари ҳамда замон-макон равишлари киритилади; объектив кўрсатиш воситаларига турли хилдаги равишлар, маконга ишора қилувчи предлог ва послелоглар киради. Мазмунида номланиш маъно бўлаги билан бир қаторда, дейктик кўрсатиш маъноси бўлган ушбу сўзлар "ярим дейктиклар" деб аталади; матн ички таркибига оид кўрсатгичлар эса анафора, эпифора, коррелатив муносабатлар заминида юзага келадиган дейксис бир бутуннинг қисмлари ўртасидаги боғлиқликни шакллантириш учун хизмат қилади.

E.Clark инглиз тили ҳаракат феълларининг (come, go, bring) матнда қўлланилиши ҳақидаги тадқиқотида, "феъллар семантикасида шахс, замон ва макон дейктик семаларидан ташқари

*7. Лайонс Дж. Введение в теоритическую лингвистику. -Москва: Прогресс, 1978. -С 232.*
*8. Lyonz J. Semantics, vol. 1 and 2. - Cambridge: Cambridge University Press, 1977. -P. 637.*
*9. Fillmore Ch. Santa Cruz Lectures on Deixis. 1971. - Bloomington: Indiana University Linguistics Club, 1975. -P.75.*
*10. Fromkin V., Rodman R. An introduction to language. - Font Worth, Philadelphia, San Diego, New York and etc.: Hercourt Brace Jovanovich College Publishers, 1993. -P. 163.*
*11. http://cogweb.ucle.edu//abstracts/deixis95.html*
*12. Уфимцева А.А. Типы словесных знаков. - Москва: Наука, 1985. -С. 176.*

камида яна иккита дейктик атегория, яъни меъё-рий ҳолат ва баҳо категориялари ўз ифодасини топишини таъкидлайди"[13].

Ушбу масалада В.Ф.Перетокина ҳам дейктик марказ тушунчаси доирасига шахснинг жисмоний соғломлиги, руҳий тетиклиги, ҳушёрлиги, соғлом тафаккури каби баҳо бериш, меъёрни белгилаш учун хизмат қила оладиган ҳолатларни киритиш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, шахс дейксиси ифодасида унинг ҳолати меъёрини инобатга олишни назарда тутади. Натижада, мулоқот иштирокчисининг ички кечинмаларини аташ учун "шахсий (индивидуал) дейксис" тушунчасини киритади.14 Шунга ўхшаш тадқиқотлардан бирида Е.И.Шейгал дейктик марказни аниқлашда баҳо белгисининг миқдорий кўрсатгичлари муҳимлигини уқтириб, "Миқдорий - баҳо" атамасини олган ушбу дейксис тури сўз, сўз бирикмаси, гап таркибида намоён бўлиши мумкин, аммо луғавий бирликлар таркибида баҳо категорияси кўпинча имплицит ҳолда ифодаланади. Аммо, бу турдаги дейксис сўз бирикмаси ва эргаш гапли қўшма гапларда эксплицит тарзда ўз ифодасини топади[15].

Юқоридаги келтирилган тилшуносларнинг фикрларидан келиб чиққан ҳолда, дейксис талқинига атрофлича эътибор қаратилганлигининг гувоҳи бўлдик. Бу борада Ш.Сафаровнинг таъкидлашича, "... тил ва нутқни бир-биридан озуқа олувчи яхлитликда фаолият кўрсатувчи тизимлар сифатида тасаввур қилишдир. Уларнинг яхлитлигини таъминловчи омил ва воситаларни аниқлаш борасидаги илмий изланишларнинг маҳсули тилшунослик фани тараққиётида ўз ўрнини топади. Тил тизими ва унинг нутқий фаоллашуви ўртасидаги "воситачилик", "ҳакамлик" ролини тилшунослар бекорга дейксис ҳодисасига бағишлаётганлари йўқ"16. Демак, тил тизимининг ўзи нутқий фаолият натижасида мавжуддир, унинг табиати ва моҳияти нутқий мулоқот жараёнида намоён бўлади. Шу асосда тил бирликларининг маъно хусусияти нутқда воқеланади, аниқ тус олади, ҳар бир сўзловчи ёки матн муаллифи воқеликда кечаётган ҳодисани ўзича идрок этади, уни маълум макон ва замон чегарасида тасаввур қилади ва кечаётган ҳодисани замон-макон майдонига жойлаштириш билан боғлиқдир.

Локативликни ифодаловчи дейктик воситалар шахс ва предметларни нутқий мулоқот жойидан яқинда ёки узоқда жойлашишига нисбатан тавсифлаш мақсадида қўллаш мумкин. Мазкур тавсифда маконнинг узоқ ёки яқинлиги нафақат сўзловчига, балки тингловчига - адресатга нисбтан ҳам белгиланиши мумкин. Яна қўшимча қилиб айтиш мумкинки, ҳаракатнинг ким томонга йўналиш олиши ҳам дейктик восита қўлланишига таъсир кўрсатади.

Умуман олганда, дейксис ҳодисаси билан шуғулланган тилшунослар макон ва замон дейксисларидан қайси бири муҳимроқ аҳамиятга эгалигини аниқлашга ҳаракат қиладилар. Ушбу бахснинг пайдо бўлишига асосий сабаб, бу икки турдаги дейксиснинг, яъни макон ва замон дейксисининг матн таркибида ўзаро муносабатда бўлиши, яъни бири иккинчисини тақозо этишидадир. Аммо, макон дейксиси замон дейксисига нисбатан мантиқ жиҳатдан ва нутқий фаолиятдаги ўрни жиҳатидан муҳимроқ кўринади. Чунки, макон дексиси замон дейксиси билан яширинча ҳолда бирикиб кетиши ҳам мумкин.

Дейксисшунос олимларнинг фикрларидан келиб чиққан ҳолда макон дейксиси мулоқот жараёнида сўзловчи ёки муаллиф ва суҳбатдош ёки китобхон эгаллаган ўринга ҳамда иш-ҳаракатининг бажарилганлиги, бажарилиши ёки содир бўлиш ўринга ишора қилиш, эслатиш, кўрсатиш кабилар макон дейксиси мазмуни ташкил қилади. Аксарият кўпчилик олимларнинг таъкидлашича, макон дейксисини ифодаловчи воситалар сифатида инглиз тилида here, there, over there, ўзбек тилида эса шу (бу) ерда, у (ўша) ерда кабилар тан олинган[17].

Шу жиҳатдан микроконтекстда олинган локативликни ифодалаган синтактик бирликларни, яъни макон дейксиси воситалари билан ишора қилинган бирликларни инглиз ва ўзбек тиллари мисолида қиёсий синтактик - семантик тадқиқ этиш аҳамиятлидир. Демак, макон дейксисини анафорик боғловчи сифатида қўлланиладиган воситаларни инглиз ва ўзбек тиллари доирасидаги бадиий микроматнлар асосида синтаксемаларга ажратиб қиёсий таҳлил қилиш, дейксис ҳодисасининг лисоний моҳиятини аниқ-равшан кўрсатиб беради. Яъни, гап қурилмасида инглиз тилида предлог + от, ўзбек тилида от туркумининг турлича келишиклар қўшимчаси ёрдамида ва от + равиш + келишик қўшимчалари асосида ифодаланган локатив синтаксемалар вариантлари билан макон дейксиси ифодаланган синтаксемаларнинг ўзаро мутаносиблигини ёки номутаносиблигини қиёсий тадқиқ этишдир.

**Тақризчи: ф.ф.н., доцент З. Мамадалиева**

---

*13. Clark E. Normal States and Evaluative Viewpoints // Language, 1974, v. 50, -№2. - P. 316. - P. 316-332.*
*14. Перетокина В.Ф. О реализации некоторых дейктических категорий английского глагола в высказывании// Лингвистические проблемы организации речевого сообщения. - Днепропетровск, 1985. -С. 76. -С. 74-76.*
*15. Шейгал Е.И. Количественно-оценочный дейксис в слове, словосочетании и предложении// Синтагматика слова, словосочетания и предложения. - Волгоград, 1988. -С. 153. -С. 150-155.*
*16. Сафаров Ш.С. Прагмалингвистика. - Тошкент: "Ўзбекистон Миллий энциклопедияси" нашриёти, 2008. -Б. 153. -300 б.*
*17. Сафаров Ш.С. Прагмалингвистика. - Тошкент: "Ўзбекистон Миллий энциклопедияси" нашриёти, 2008. -Б. 172.; Шерматов А.А. Инглиз илмий-техник матнда дейксиснинг ифодаланиши // Ф.Ф. номзод. дис-я автореферати: - Тошкент: 2008. - 22 б.*

# ФОЛЬКЛОР МАТНДА
## КОНЦЕПТУАЛ МАЙДОН ТАҲЛИЛИ НАМУНАЛАРИ (РИВОЯТЛАР МИСОЛИДА)

***Солижонов Муҳаммаджон Зокиржон ўғли -*** *таянч докторанти (PhD), Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.*

**АННОТАЦИЯ:**
Мақола фолклор матнда концептуал майдон таҳлилига бағишланган. Таҳлил ўзбек халқ ижоди намуналари, ривоятлар устида олиб борилган.

**ТАЯНЧ СЎЗЛАР:** халқ оғзаки ижоди, матн таҳлили, лингвистик таҳлил, концептуал таҳлил, матн компонентлари, концептуал майдон, ривоятлар, матн интерпретацияси.

Статья посвящена анализу концептуального поля в фольклорном тексте. Анализ проведен на примере притч из узбекского народного творчества.
**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** фольклор, анализ текста, лингвистический анализ, концептуальный анализ, текстовые компоненты, концептуальное поле, притчи, интерпретация текста.

The article is devoted to the analysis of conceptual field in folklore text. The analysis is carried out on the example of parables from Uzbek folklore.
**KEYWORDS:** folklore, text analysis, linguistic analysis, conceptual analysis, text components, conceptual field, parables, text interpretation.

Матннинг лингвистик таҳлили ҳозирги кунда кўп жиҳатли масала сифатида талқин қилинади, у лингвистик матнни кўп жиҳатли масала сифатида ўрганишни шундай кўзда тутадики, бунда у орқали ифодаланаётган барча ташқи лингвистик фактлар "таҳлилга жалб қилиниши лозим", чунки уларнинг маъноси ҳисобга олинмаганда, асар тўлалигича тушунарли бўлмайди ёки нотўғри тушунилади. Бошқача қилиб айтганда, сўзлар, фразеологизмлар ва эркин бирликларни ўз ичига олган тилнинг номинатив бирликларини тил номланишлари сифатида уларга қандайдир маданий-тарихий мазмунга кўра тегишли бўлган барча фон ва коннотатив маънолар нуқтаи назаридан ўрганиш керак бўлади[1].

Матн лингвистикаси тилшуносликнинг мустақил соҳаси бўлиб, у матнни, унинг тузилиши ва семантикасини, матнни шакллантириш ва идрок этиш тамойилларини, матнни таҳлил қилиш усулларини ва бошқаларни ўрганади. Ушбу фаннинг ғоялари таниқли рус ва хорижий тилшунослар А. Потебня, Л.В. Щерба, В.В. Виноградов, М.М. Бахтин, Р. Якобсон, З. Харриснинг фундаментал асарларида қайд этилган. Матн тилшунослиги алоҳида бир тармоқ сифатида 60-70- йилларда пайдо бўлган ва бу Г.В. Колшанский, И.Р. Галперин, З.Й. Тўраева ва О.И. Москалская каби таниқли олимларнинг тадқиқотлари билан боғлиқ[2].

Бу маънода "лингвистик таҳлил" тушунчасининг ишлатилиши "концептуал таҳлил" тушунчасининг ишлатилишига тенг, чунки тил фактлари лингвистик вазиятдан ва тил соҳибларининг лингвистик компетенциясидан ажралмаган ҳолда, биргаликда, уйғунликда тадқиқ қилинади.

Денотатив маълумотга келадиган бўлсак, у ўқувчига қийинчилик туғдирмайди ва унинг луғатлардан олган билимларига асосланади. Коннотатив маълумот эса турли ассоциатив алоқалардан таркиб топади, уни идрок қилиш адресатдан ушбу этноснинг маданий кодини билишни тақозо этади.

Бундай тадқиқотнинг асосий мақсади матндаги бош фикр ёки ғояни, яъни матн асосида ётган, матнга айнан аниқлик киритадиган эмоционал мазмунни излашдан иборат бўлади, ва бу ҳолда муаллифнинг тасвирланаётган воқеликка нисбатан нуқтаи назари доминанта бўлиб қолади.

Бундай тадқиқот давомида матннинг турли даражалари таҳлил қилинади: лексик (сўзларнинг тематик майдонлари ва маълум бир сўзларнинг хусусиятлари бўйича гуруҳлаш), синтактик (сўз ва гапларнинг бирикиш шартлари ва усуллари), композицон синтактик (ҳикоя қилишнинг турлари ва усулларини аниқлаш, нутқ тузилмаларининг ўзаро таъсирини таҳлил қилиш, матннинг замон ва маконга нисбатан ёки субъектив ташкил этишни тадқиқ қилиш). Бундан ташқари, матннинг ички "компонентларини" аниқлашга ҳам катта эътибор қаратилган. Барча қайд этилган даражалар эркин тартибда тадқиқ қилиниш ва аниқ бир матн сифатида белгиларига эга бўлиши мумкин, лекин шуни унутмаслик керакки, таҳлилимизнинг объекти бўлиб бадиий матн хизмат қилади. "Матн - бадиий асар элементларидан бири, шундай элементки, бусиз бадиий асар бўлиши мумкин эмас."[3]

Қуйида биз уч ривоятни ўзимиз таклиф этаётган

*[1]. Анисимова Е.Е. Лингвистика текста и межкультурная коммуникация (на материале креолизованных текстов). - М.: "Академия", 2003. - С.11*
*[2]. Ashurova D.U. Text Linguistics. - Tashkent, 2015. P.7*
*[3]. Лотман Ю. М. Анализ поэтического текста. Структура стиха. Ленинград: "Просвещение", 1972. - С.24*

икки хил моделда таҳлил қилишга уриниб кўрамиз.

**Таҳлил №1**

**"Адолатли хукм" ривояти**

Анушервони одил замонида бир киши қўшнисининг ҳовлисини сотиб олди. Кунлардан бир куни ер чопаётиб, ҳовли чеккасидаги дарахт ёнидан бир кўза тилла топиб олди. Кўзани қўлтиқлаб, ҳовли сотган одамнинг олдига борди.

- ҳовли чеккасидаги дарахт ёнидан мана бу хазинани топиб олдим. Уни сен кўмган бўлсанг керак, демак, у сеники, - деди.

- Йўқ, - деди ҳалиги одам, - мен ҳовлини ери ва дарахтлари билан биргаликда сенга сотганман, шунинг учун энди бу хазина ҳам сеники.

Улар узоқ тортишиб, охири ажрим қилишини истаб, Анушервони одилнинг ҳузурига бордилар. Воқеани суриштириб билгач, ҳукмдор улардан сўради:

- Фарзандларингиз борми?

- Ҳа, - деди улардан бири, - менинг ўғлим бор.

- Менинг эса қизим, - деди иккинчиси.

- Унда қуда-анда тутининглар, - маслаҳат берди Анушервони одил, - хазинани эса куёв билан келинга туҳфа қилинглар.[4]

Матннинг концептуал таҳлили сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

Иштирокчилар:

Уй сотган одам ⟶ тиллани олмоқчи эмас;

Уй олган одам ⟶ тиллани эски уй эгасига қайтар-моқчи;

Қози (Анушервон) ⟶ вазият ҳокими;

Муаммо: Хазина кимга тегишли бўлиши керак.

Боғловчи стратегия:

1) Ҳазина уй сотилгандан кейин маълум бўлди;

2) уй сотган одамнинг диёнатлилиги маълум бўлди;

3) уй сотиб олган одам ҳам ўзини хазинага ҳақдор ҳисобламади;

4) қози вазиятнинг жуда нозиклигини сезди ва жуда адолатли ҳукм чиқарди.

Кутилган якун (ечим):

1) Одамлар ҳамма даврларда иймон, адолат тушунчасини борлигига ишонган ва амал қилган;

2) Подшо бу каби майда туюлган тортишувларни ҳал қилишни ор билмаган;

3) Демак, Анушервони одил ҳукмдор номини бекорга олмаган;

4) Анушервон ўтмишда кўп халқлар орзу қилган одил подшо.

Таҳлилдан хулоса чиқариш учун қуйидагиларни айтиш мумкин:

Бу муаммо бевосита Анушервони одилнинг шаҳс сифатида ёки шоҳ сифатидаги характеристикасини бериш, у ҳақида хулоса чиқариш эмас, балки унинг оддий бир ҳаётий муаммони ҳал қилиш учун кандай стратегияни танлашини билишдир. Гап шундаки, у қилган тавсия бошқалар ҳаёлига умуман келмаган фикр бўлиб чиқади. Бу нарса унинг ўша давр одамлар орасида тенгсиз тафаккурга ва ақл-заковатга эгалигини кўрсатади. Таҳлилимиз жахон адабиёти ва дидактикаси томондан ҳозирги пайтгача тасдиқланиб келаётган фикрнинг, яъни Анушервоннинг одил подшолиги тўғрисидаги кенг тарқалган фикрнинг тўғри эканлиги ҳақида далолат беради. Фақатгина бир факт мазкур ривоятниинг ҳозирги замон воқелигига, маданий концептуал майдони талабларига мос келмайдиган ҳолатини кўрсатади. Унга биноан концептуал таҳлил қонун-қоидаларига кўра таҳлилда[3] элемент ота, она ва ўғил таркибий компонент бўлиши керак. Аммо бу ерда биз фақат икки компонент ота ва ўғилни учратамиз. Бошқача қилиб айтганда, Анушервони одилнинг тавсиясига кўра қарор чиқарувчи шаҳс яъни ўз ўғлини уйнинг эски эгасининг қизига уйлаган шаҳс фақат ота эди. Онанинг ёки қизнинг роли эса бу ерда инобатга олинмаган. Бу ҳолат ислом дини ҳукмрон бўлган ўрта асрлар учун одатий ҳол эди.

**Таҳлил №2**

**"Соҳибихтиёрнинг кераги йўқ" ривояти**

Бир куни Сейистон ҳокими амир Абулфазл султон Алп Арслондан сўради:

- Шундай улуғ подшо бўла туриб нега соҳибихтиёр ушламайсиз?

- Нима, менга душманмисан? Салтанатимни барбод қилмоқчимисан?

- Бу нима деганингиз, аъло ҳазрат? - деди таажжубланиб амир Абулфазл.

- Наҳотки, мени шунақа одам деб ўйласангиз? Мен содиқ бир қулингизман. Қандай қилиб салтанатни барбод қиламан! Шунчаки сўрадим-қўйдим.

Орага бир зум сукунат чўкди, сўнг султон Алп Арслон бунинг сабабини дўстига тушунтирди:

- Ким менга дўсту ким ёвлигини билайин деб атайин соҳибихтиёр тутишнинг нима фойдаси бор ўзи?! Башарти, шундай қилгудай бўлсам, дўстларим-ку тўғри тушунадилар, аммо душманларим фойдаланмоқчи бўлиб, унга пора берадилар. Шундан кейин соҳибихтиёр менга дўстларим ҳақида ёмон сўзлар гапиради. Яхши сўз ҳам, ёмон сўз ҳам худди найзага ўхшайди. Бир кунмас-бир кун нишонга тегади. Оқибатда дўстларимдан ажраб қоламан, уларнинг ўрнини бўлса, душманларим эгаллаб олади. Шу сабабдан соҳибихтиёр тутмайман.[5]

Матннинг концептуал таҳлили сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

Иштирокчилар:

Алп Арслон ⟶ билим манбаи, информант;

Ҳоким ⟶ ахборот олувчи шахс.

Мақсад: Янги ахборот (билим)ни фаоллаштириш.

Муаммо: Янги ахборот (билим) олинмади.

Сабаб: Алп Арслон ҳокимнинг нима мақсадда сўраганини билмайди;

1) Ҳокимнинг бошқача мақсади бор;

2) Соҳибихтиёрликка ўз одамини қўймоқчи;

[4] Шарқ ҳикоят ва ривоятлари: Биринчи китоб. Э. Очилов. - Т.: "Шарқ", - 2015. - Б. 123

[5] Шарқ ҳикоят ва ривоятлари: Биринчи китоб. Э. Очилов. - Т.: "Шарқ", - 2015. - Б. 182

3) Алп Арслон жуда эҳтиёткор, ҳушёр одам;
4) Алп Арслон жуда ақлли одам.

**Таҳлил №3**
**"Кўрнамак" ривояти**

Бир подшоҳ рикобдорлик вазифасини бажарувчи мулозимга қараб:

- Бир сирим бор - аъёнлардан ҳеч кимга айтишга кўнглим бўлмаяпти, уни сенга айтмоқчиман! - деди.

Рикобдор унга:

Жоним таним ичра бор экан пинҳон,
Сиринг жоним ичра яширин мудом, -
деб жавоб берди.

Подшоҳ унга:

- Акамдан хафаман, унинг зарари менга етмай туриб, вужудининг тиконини мамлакат чаманидан юлиб ташламоқчиман! - деди.

Рикобдор аҳвол саҳифасига бевафолик рақамини чекиб, унинг акаси олдига борди ва бўлган воқеадан уни огоҳ қилди.

Орадан бир қанча муддат ўтгач, подшоҳ ўлди ва унинг акаси тахтга ўтирди. Унинг биринчи фармони рикобдорни ўлдириш ҳақида бўлди.

У рикобдорга деди:

Тилинг бўлса эди сир учун йўлдош,
Қиличдан узилмас эди хаста бош!

Шундай қилиб, рикобдор маломат ўқига нишон бўлди ва кўрнамаклик қуръаси унинг ҳаётига тамға бўлиб босилди.[6]

Матннинг концептуал таҳлили сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

Иштирокчилар:

Подшоҳ ⟶ билим манбаи, информант;
Рикобдор ⟶ ахборот олувчи шахс;
Акаси ⟶ билимни фаоллаштирирувчи шахс.

Мақсад: Янги ахборот (билим)ни фаоллаштириш.

Муаммо: Янги ахборот (билим) олинмади.

Сабаб:

1) подшо акасидан хафа;
2) подшо бўлғуси хавфдан чўчимоқда;
3) рикобдор подшога содиқ эмас;
4) рикобдор сотқин;
5) акаси подшо бўлди;
6) акаси ахборотдан тўлиқ фойдаланди;
7) акаси жуда ёмон одам эмас.

Умуман олганда, бадиий матн мураккаб ва серқиррадир. Уни интерпретация қилиш жараёнида унга киритилган фикрларни имкон қадар кўпроқ аниқлаш вазифаси қўйилади. Шундай қилиб, матн интерпретацияси - бадиий матнга доир маъновий, ғоявий-эстетик ва эмоционал маълумотларни аниқлаш ва уларга қайта ишлов бериш бўлиб, у муаллиф назари ва дунёқараши шаклланиши ёрдамида юзага келади[7]. Юқорида илова қилинган таҳлилларимизни когнитив тилшунослик, лингвокультурология, концептуал майдон кабиларни тадқиқ қилувчиларга тавсия қилишимиз мумкин.

**Тақризчи: ф.ф.д.,доцент О.Ахмедов**

---

*6. Шарқ ҳикоят ва ривоятлари: Биринчи китоб. Э. Очилов. - Т.: "Шарқ", - 2015. - Б. 184*
*7. Кухаренко В.А. Интерпретация текста. М., 1988. М.: Просвещение, 1988. - С.6*

**********************

# ТЎРА СУЛАЙМОННИНГ
## БАҲОР ҲАҚИДАГИ ИККИ ШЕЪРИ ХУСУСИДА

***Соҳибова Зарнигор -*** *докторант, Бухоро давлат универститети*

**АННОТАЦИЯ:**

Замонавий ўзбек шеърияти бадиий такомилида таниқли шоир Тўра Сулаймоннинг ўзига хос ўрни бор. Хусусан, шоирнинг самимий туйғу ва кечинмалар билан тўлиб тошган баҳорга бағишланган шеърлари бу жиҳатдан эътиборни тортади. Мақолада Т.Сулаймоннинг "Илтижо", "Қайта кетмас бўлиб келдингми, баҳор" шеърлари бадиий таҳлил этилган, ўзаро муқояса қилинган. Шу асосда шоирнинг рамзий тимсолий фикрлаш тарзи ёритилган, шеърларнинг ҳаётий фалсафий мазмуни очиб берилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** лирик қаҳрамон, рамзий образ, халқона оҳанг, таносуб, ташбеҳ, талмеҳ, истиора, синтез, кульминация.

There is a special place of the popular poet Tura Sulaymon in the literary development of modern Uzbek poetry. In particular, the poet's poems about spring, which are filled with sincere feelings and experiences, draw attention in this regard. The article contains artistic analysis and comparison of the poems by T.Sulaymon "Iltijo", "Are you irreplaceable, spring"? On this basis the symbolic figurative thinking of the poet is illuminated, the philosophical meaning of the poems is revealed.

**KEYWORDS:** lyric hero, symbolic image, folk melody, rhyme, imitation, talmeh, istiora, synthesis, culmination.

Тўра Сулаймон халқона йўлда битилган шеърлари, диллардан дилларга кўчувчи қўшиқлари, достонлари билан адабиёт ихлосмандлари қалбини ўзига ром этиб келади. Унинг шеърларида эзгулик, Ватан, ота-она, суюкли ёрга муҳаббат туйғулари уфуриб туради. Айниқса, шоирнинг табиат, йил фаслларига бағишланган шеърларида Бахмал тоғларидаги такрорланмас гўзаллик, мусаффолик, ҳаётийлик барқ уриб туради. Адабиётшунос Н.Раҳимжонов ўринли таъкидлаганидай, табиат

шоир учун: "бағрикенглик, саховат, гўзаллик ва эзгулик тимсоли сифатида"[1] намоён бўлади. Ёхуд Абдулла Орипов таъбири билан айтганда, "Тўра Сулаймон соф ўзбекча фикрлайди ва ёзади. Қандайдир мураккаб фалсафий мушоҳадалар, ребуслар, бошқотирма шакллар унинг ижодига хос эмас".[2] Бинобарин, шоир шеърларининг бадиий жозибасини халқона оҳанг таъминлаб туради.

Маълумки, баҳор ҳақида адабиётимизда кўп ва хўб ёзилган. Бироқ Тўра Сулаймоннинг бу мавзудаги шеърларида фикрий тиниқлик, ҳиссий таъсирчанлик, ҳаётийлик ёрқин кўзга ташланиб туради. Уларда табиат баҳори ва инсон умри баҳори ўртасида уйғунлик, боғлиқлик кузатилади. Шоирнинг халқ орасида машҳур "Илтижо" шеъри мулоҳазаларимизни тасдиқлаб туради. Дастлаб, шеърнинг номи ҳақида, нега асаргаайнан "Илтижо" дея сарлавҳа қўйилган? Шоир кимдан нимани ўтиниб сўрамоқда? Баҳорда нафақат табиат, балки инсоннинг ўзи ҳам қайта туғилгандек, кўнгил тубидаги оғриқларни унутгандек бўлади. Кўклам инсонга янги ҳислар, орзулар, қувончларни туҳфа етади. Шоир шунча ҳаётий куч ҳадя этган фаслдан уни ҳеч қачон тарк етмаслигини сўрайди, ундан ўтинади, илтижо қилади. Шеърнинг илк сатрларида ўқиймиз:

***Баҳор келса бошланур боғда булбул хониши***
***Саъва, қумри нағмаси, суралай товланиши…***

Чиндан-да, кўклам ташрифи боғда булбуллар, саъва-ю, қумриларнинг майин хонишларида билинади. Чунки баҳор шундай фаслки, бу даврда ҳар бир нарса жонланади, инсонда ҳаётдан завқланиш ҳисси ортади:

***Қирларда лола сайли, қишлоқларда йилбоши:***
***Тўхтагай табиатдан ҳаққушлар зорланиши***
***Баҳор, кетма менинг боғимдан.[3]***

Юқоридаги сатрларда таносуб (баҳорнинг келиши, булбул хониши, саъва, қумри нағмаси, лола сайли, йилбоши) ва тазод ("бошланур", "тўхтагай") санъатлари ўринли ишлатилаган. Аслида баҳорнинг келиши, Шарқ тақвимига кўра, янги йилнинг бошланишини англатиб туради. Шоир "қишлоқларда йилбоши" деганда айнан шунга ишора қилади. Қолаверса, бу фаслда турли қушларнинг сайраши - "нағмаси" кишида яшаш ва яратиш кайфиятини уйғотади. Шунинг учун шоир "тўхтагай табиатда ҳаққушлар зорланиши" дейди. Чунки зорланиш- ҳаққушларга хос.

Қилмиши қинғир зотга давр қайда, даврон қайда?

***Ватангадо кимсага беминнат макон қайда?***
***Ёлғиз отга оламда ном қайда, нишон қайда?***
***Баҳор, сенсиз саҳроюу тоғу тошга жон қайда?***
***Кетма, Баҳор, менинг боғимдан.***

Бу мисраларда шоир баҳор ҳақидаги фикрларини бир ерга жамлар экан, қилмиши қинғир зот, ватангадо, ёлғиз от образларига юзланади. Бу образларни гавдалантириш учун халқ мақолларини бадиий қайта ишлаб, сатрлар қатига жойлайди. Эътибор берилса, юқоридаги тўрт сатрда тажоҳули ориф санъати қўлланган, риторик сўроқ гап мазмунидаги гапларнинг ичида жавоби яширинган. Фикрий мутаносиблик акс этган сатрларда ҳамиша баҳорга интилган инсон образи бўй кўрсатиб туради.

***Ўлмасликка ишора - ўланга ошиқлигим,***
***Саодатга ишора - замонга ошиқлигим***
***Теранликка ишора - уммонга ошиқлигим.***
***Гўзалликка ишора-бўстонга ошиқлигим.***
***Баҳор, кетма менинг боғимдан.***

Аслида "ўлангаошиқлик"- умрбоқийлик ифодасидир. Назаримизда, "ўлан" буерда халқ, унинг анъана ва урф-одатлари, ўлмас қадриятларининг тимсоли; унга "ошиқлик", яъни уни севиш, ардоқлаш эса шу абадиятга -"ўлмасликка ишора"дир. "Замонга ошиқлик" - ҳаётсевар шоир яратган тимсол. Ҳаётни севган инсоннинг қалби эса ҳамиша эзгуликка, саодатга тўлиқ бўлади. Муҳаббат дунёни қутқариши - кўҳна ҳақиқат. Лирик қаҳрамон уммонлар қадар теран тафаккур соҳиби, қалби эса гўзалликларга маскандир.

***Бу кун қай бир ерда қиш, қайда хазонрезгилик,***
***Қайларда ёз, қайда куз, қайда жондан безгилик.***

**Шеър** - оний ҳолат ва туйғулар маҳсули. Унда вақт чегарасиз. Энг асосийси, ўқиб турганимиз сатрларда акс этган кечинмаларни шу лаҳзаларда туйиш, ҳис этиш мумкин. Зеро, айни дамда оламнинг қай бир нуқтасида даҳшатли уруш олови ёқилган, бомбаларнинг портлашию, қуролларнинг отилиши эшитилади. Яна аллақайларда сувсизлик, қурғоқчилик, қақраган замин ёки бунинг акси: тошқинлар, бошпанасиз, оч ва юпун одамлар, "жондан безган" инсонлар; қайдадир зилзилза-ю олов кўзли вулқонлар - табиатнинг турфа сиру синоатлари намоён. Бу сиру синоатларни ечишга ёрдам берадиган қудратли куч эса баҳордир.

***Кўкламнинг ҳар нафаси умрга арзигулик,***
***Боғсиз, боғбонсиз ерда не ҳам қилсин эзгулик…***
***Кетма, Баҳор, менинг боғимдан.***

Жаннатмакон юртимизда баҳор, кўкламнинг "ҳар нафасиумргаарзигулик"дир. Шоир наздида, ватанимиз Ўзбекистон - Аллоҳ назари тушган "боғ". Ҳамда бу "боғ"ни эзгуликларга, яхшиликларга, саодатга тўлдирувчи "боғбон"и бор. Баҳор бундай боғни сира тарк етмайди.

***Гиёҳ билан қопланмиш кўҳна қабр бошлари,***
***Майсадаги шудринглар - кимларнинг кўз ёшлари?***
***Бу ерда ётар отам ҳам узангидошлари,***
***Ҳар баҳор эслар уни қавми-қариндошлари,***
***Баҳор, кетма менинг боғимдан.***

Бу мисралардаги дард ва оғриқлар ҳар биримизга таниш. Баҳор шундай фаслки, у ҳатто қабристонни ҳам гулу чечакларга тўлдиради, сокин масканга ҳам ҳаёт нафасини олиб киради. Шу маънода бу сатрларда эзгин бир руҳ, туйғу акси бор. Яъни шоир бунда инсон ҳаётининг интиҳоси

*[1]. Раҳимжонов Н. Истиқлол ва бугунги адабиёт. -Тошкент: Ўқитувчи, 2012. -328 б.*
*[2]. Орипов А. Қуёш бекати: Шеърлар, мақолалар, суҳбатлар, таржималар. - Т.: Шарҳ, 2010. - 384б.*
*[3]. Сулаймон Т. Гул бир ён, чаман бир ён (қўшиқлар). -Тошкент: Чўлпон, 1996. -18 б. www.ziyouz.com 3бет*

ҳақида ҳам сўзламоқда. "Майсалардаги шудринглар" - шоирнинг ўринли ишлатилганбадиий топилмаси. Уни шоир кўз ёшларга ташбеҳ сифатида қўллайди ва ўша эзгин руҳни янада кучайтириб, фикрларини асослайди.

***Ёз бўйи қорга зорман, қишда баҳорга зорман,***
***Чаманда гул бўйига интиқман, интизорман…***
***Куз келмай хазон бўлган севги, гулдан безорман,***
***Баҳорсиз ҳам диёрсиз элчира беназарман,***
***Баҳор, кетма менинг боғимдан*.**

Сўнгги бандда шоирнинг баҳор ҳақидаги поэтик фикрлари янада теранлашган ва тиниқлашган. Бунда баҳор Ватан образини ифодалаб келмоқда. Яъни шоир наздида, баҳордаги гўзалликларни англамаган, бу фаслда ўтмиши ва келажаги, ўзлиги ҳақида ўйга толмаган одам диёрсиз инсондир. Қолаверса, табиат фасллари алмашиниб туради. Бу ҳолат инсон ҳаётига ҳам янги мазмун бахш этади, "ҳар фаслнинг" фазилати уни ўзига тортиб туради. Т.Сулаймон инсон қалбидаги эзгу туйғуларга интизорликни юқоридаги сатрларда акс эттирган. Бинобарин, баҳорга интиқлик ҳаётга интилишни ўзида ифода этади.

Шоирнинг "Қайта кетмас бўлиб келдингми, баҳор" номли шеъри ҳам мазмун ва шакл жиҳатидан юқорида таҳлил қилинган сатрларга ҳамоҳанг жаранглайди. ҳар иккала шеър бандларида уч мисрада янги фикр айтилади, тўртинчи мисра эса бир шеърда илтижо (Баҳор, кетма менинг боғимдан), иккинчисида савол тарзида (Қайта кетмас бўлиб келдингми, баҳор?) такрорланиб келади. Аммо образлар нуқтаи назаридан таҳлил қилинганда, шеърлардаги тафовут яққол кўзга ташланади. Бу хусусият ҳар икки шеърнинг алоҳида-алоҳида ўхшатиш ва тамсиллари силсиласида кўзга ташланиб туради:

***Еру самоватда Наврўз нафаси,***
***Боғу бўстонларда андалиб саси,***
***Бу нафас, бу саснинг йўқ муқояси.***
***Қайта кетмас бўлиб келдингми, баҳор?*[4]**

Эътибор берилса, бу шеърда "Илтижо" дан фарқли равишда "булбул хониши" ўрнида "андалиб саси" ифодасиқўлланади. Ёки "қишлоқларда йилбоши" эса "Еру самоватда Наврўз нафаси" тарзида жаранглайди. Бу нафас, бу сас, бу кайфиятнинг ўхшаши йўқлигини шоир алоҳида таъкидлайди. Кейинги мисраларда шоир баҳорни "дастлаб тонг чоғинда" "Тангри тоғинда" кўрганлигини, "қизлар яноғинда", "малак ҳолатинда" учратганлигини ёзади:

***Дастлаб тонг чоғинда кўргандим сени,***
***Сўнг Тангри тоғинда кўргандим сени,***
***Қизлар яноғинда кўргандим сени.***
***Қайта кетмас бўлиб келдингми, баҳор?***
***Малак ҳолатинда кўргандим сени,***
***Қушлар қанотинда кўргандим сени,***
***Куйчи баётинда кўргандим сени.***
***Қайта кетмас бўлиб келдингми, баҳор?***

Юқорида ~~ж~~ҳар икки бандда шоирнинг мумтоз оҳангларга ошно тутинганлиги ("андалиб саси","дастлаб тонг чоғинда", "Тангри тоғинда""қизлар яноғинда", "малак ҳолатинда") сўз ва қўшимчаларни қўллашда ёрқин кузатилади. "Куйчи баёти" эса "ўлангаошиқлик"нинг янгича ифодаси сифатида икки шеърни халқоналикнинг кўринмас ришталари билан боғлаб турибди.

Шоир ундан кейинги мисраларда баҳорнинг табиат ва инсон умрида ўзгача ўрни борлигини таъкидлайди:

***Ҳали айтилмаган таърифинг қанча,***
***Сен то ўру қирни айланмагунча***
***Боғлар гулга кирмас, очилмас ғунча.***
***Қайта кетмас бўлиб келдингми, баҳор?***

Шеърда баҳор "қошлари ўсмали, кўзи сурмали, этак-этак гулли" гўзал қиз қиёфасида гавдаланади. Айнан шу бандни шеърнинг кулминацияси - лирик қаҳрамон туйғуларининг жунбушга келиши тарзида баҳолаш мумкин. Сабаби, фикрлар ниҳоятда эҳтиросга бой, улар ошиқнинг ўтли хитоби мисол жаранглайди:

***Қошлари ўсмалим, кўзи сурмалим,***
***Этак-этак гулли, бари бурмалим,***
***Сени дунёда ҳеч кима бермалим!***
***Қайта кетмас бўлиб келдингми, баҳор?***

Эркин Воҳидов баҳорга бағишланган бир шеърида "Баҳорда ёшликнинг тотли бўйи бор"[5] дея ёзган эди. Тўра Сулаймонда эса бу ташбиҳ Масеҳ образига уйғун ифодаланади. Маълумки, адабиётимиз тарихида бу образга кўп мурожаат қилинган. Таҳлил қилаётганимиз бу шеърда ҳам баҳор - қайта жон бахш этувчи Масеҳ тимсолида намоён бўлган. Бу ташбеҳ-талмеҳ шунчалар ҳаётийки, унда баҳорда табиатнинг ҳар бир пучмоғи уйғониши ва жонланиши ўз ифодасини топади. Шоир ана шу жонбахшлик, яшаришни ҳаёт давомийлигинингасоси, дея баҳолайди:

***Сен қайта яралиш, ёшлик тимсоли,***
***Ҳаёт бахш этувчи Масеҳ мисоли.***
***Сенсиз одамзоднинг не кечар ҳоли?***
***Қайта кетмас бўлиб келдингми, баҳор?***

***Тўрт фаслнинг танҳо маликаси сен,***
***Тугал гўзалликнинг ниҳояси сен,***
***Ошиқ-машуқларнинг таманноси сен!***
***Қайта кетмас бўлиб келдингми, баҳор?***

"Баҳор - фасллар келинчаги" деган фикр халқ орасида кенг тарқалган. Уни маликага ўхшатиш, тугал гўзаллик сифатида таърифлаш - бу шоирнинг фақат ўзигагина хос бўлган ташбеҳидир. Охирги бандда шоир "Илтижо"даги каби (Баҳорсиз ҳам диёрсиз эл ичра беназарман) баҳор ва ватан тушунчаларини яна ёнма-ён қўяди:

***Ер бирла осмоннинг тиллақоши сен,***
***Айтар қўшиғимнинг аввал-боши сен,***
***Олтин бешигимнинг сафардоши сен!***
***Қайта кетмас бўлиб келдингми, баҳор?***

---

*[4]. Сулаймон Т. Сайҳон: Шеърлар, достонлар. - Тошкент: Шарқ, 2003. - 224б.*
*[5]. Эркин Воҳидов. Ўзбегим. - Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. - 400 б*

Бу ерда"олтин бешик" - Ватаннинг истиораси, "сафардоши" эса унинг йўлдоши. Яъни баҳор ва ватан ёнма-ён экан, демак юртга жўшқинлик, яратувчилик, гўзаллик ва меҳр ёр, шижоат ва муҳаббат ҳамроҳ. Баҳорни тасвирлашдан шоирнинг пировард мақсади - Ватанни мадҳ этиш. Иккала шеърдаги бу ўхшашлик Эркин Воҳидовнинг "Баҳор" мустаҳзодидаги қуйидаги мисраларига ҳамоҳанг, зеро, унда ҳам кўклам васфидан мурод - она юртга бўлган муҳаббат:

***Эй сен, Ватаним, менга ўзинг битта жаҳонсан,***
***бир ўғлинг эрурман,***
***Жон борича кўнглимда сенга сидқу-вафолар -***
***сен менга ягона.***
***Мен неки ёзар бўлсам, ўзинг боиси назмим,***
***мадҳим сенга доим,***
***Битдим яна, жоним, юрагим***
***Сенга наволар, гул фасли баҳона.***[6]

Демак, Тўра Сулаймоннинг баҳорга бағишланган "Илтижо" ва "Қайта кетмас бўлиб келдингми, баҳор?" шеърлари таҳлили асосида қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

1. Ҳар икки шеър аввалида баҳорнинг бошланиши булбул овози ва Наврўз нафасига ҳамоҳанг тасвирланади.

2. Шеър бандларининг уч мисрасида янги фикр айтилади, тўртинчи мисра эса лирик қаҳрамон руҳиятига монанд бир хилда такорланиб келади.

3. Шеърларнинг охирги бандида баҳор тасвири ватан ва туғилган масканга бўлган муҳаббат ифодаси бўлиб келган.

4. "Илтижо" да баҳор воситасида қинғир зот, ватангадо кимса, ёлғиз от, умрбоқий халқ, ошиқлик, гўзаллик, шукроналик ва инсон хотирасига ҳурматнинг ўзига хос образ ва тамсиллари яратилган.

5. "Илтижо"да халқ мақолларининг ўзига хос синтезини учратиш мумкин. Бу шеър кўпроқ ижтимоий мазмун касб этиши билан аҳамиятли.

6. "Қайта кетмас бўлиб келдингми, баҳор"да кўклам малак, гўзал ёр, ёшлик тимсоли, ҳаёт бахш этувчи Масеҳ, тўрт фаслнинг танҳо маликаси, тугал гўзалликнинг ниҳояси сифатида гавдаланади. Шеърда асосан табиат гўзаллигини тасвирлаш етакчилик қилади.

Шундай қилиб, юқорида таҳлил этганимиз Тўра Сулаймоннинг икки шеъри бадиий топилмалари, ифодалардаги самимийлик ва халқона оҳанги билан шеърхон қалбига чуқур ўрнашади. Унинг кўплаб шеърлари қўшиққа айланиб, халқ қалбидан чуқур жой олгани шундан.Шоир кўклам образини гавдалантирар экан, инсон ҳаётига назар солади, табиат баҳори ва инсон умри баҳори ўртасида вобасталик туяди. Бу уйғунлик шоир қўллаган ҳар бир ташбеҳ, таносуб, тазод сингариларда ўзини намоён этиб туради. Шоир қўллаган тамсил ва тушунчалар бирлашиб, шоирнинг ҳаётга муҳаббатини ифода этади.

**Тақризчи: ф.ф.н. Ю.А.Каримова**

[6] *Орипов А. Қуёш бекати: Шеърлар, мақолалар, суҳбатлар, таржималар. - Т.: Шарқ, 2010. - 384б.*

************************

# МУТРИБ ХОНАХАРОБНИНГ БАЁЗГА КЎЧИРИЛГАН ҒАЗАЛЛАРИ ҲАҚИДА

***Мадиримова Сохиба Махмудовна*** *- таянч докторант,*
*Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети*

**АННОТАЦИЯ:**

Мақолада Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти асосий фондида сақланаётган "Баёзи ашъор" (инв. № 2025) даги Мутриб шеърлари ҳақида сўз юритилди. Шоирнинг қўлёзма девонида учрамайдиган ғазаллари таҳлил қилиниб, манбашунослик ва матншунослик аспектида ўрганилди. Шоирнинг баёзга кўчирилган бешта туркий ғазалининг тўлиқ матни табдил қилиниб, илк бор эълон қилинмоқда.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** баёз, қўлёзма, ғазал, колофон, шеър, вазн, радиф, қофия, Мутриб Хонахароб.

В статье рассмотрены стихи Мутриба в сборнике "Баязи ашъор" (инв. № 2025), которые хранятся в основном фонде института востоковедения имени Абу Райхана Беруни при Академии наук Узбекистана. Проанализированы газели поэта не встречающиеся в его рукописных Девонах и изучены в аспектах текстологии и источниковедения. Впервые публикуются результаты изучения полных текстов пяти тюркских газелей поэта переведённых в "баёз".

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** байаз, рукопись, газель, колофон, стих, метрика, строфа, рифма, Мутриб Ханахараб.

There have been observed Mutrib's poems in "Bayazi ashyor" (inv. № 2025), which is kept in the main fund of the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni at the Academy of Sciences of Uzbekistan. The poet's gazelles not found in his handwritten Devons are analyzed and studied in the aspects of textology and source study. For the first time the results of studying the full texts of the five Turkic gazelles of the poet transferred into bayaz are published.

**KEY WORDS:** bayaz, manuscript, ghazal, colophon, verse, meter, line, rhythm, Mutrib Khanakharab.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Хоразм адабий муҳитида илм-фан, адабиёт, санъат ривожланди. Бу даврда Муҳаммад Раҳимхон Феруз II саройга барча ижод аҳлини тўплайди. Огаҳий, Табибий, Баёний каби шоирлар бунинг яққол исботидир. Бир неча илмларни эгаллаган истеъдодли шоир Муҳаммад Ҳасан девон ҳожи Табиб ўғли Мутриб Хонахароб ҳам ўша даврда яшаб ижод қилган шоирлардан биридир.

Мутриб Хонахароб ғазал, мухаммас, мусаддас, мураббаъ, қасида сингари шеърий жанрларда маҳорат билан ижод қилган. Шоир адабий меросининг асосини ишқ-муҳаббат (илоҳий ва мажозий ишқ) мавзуидаги асарлар ташкил этса-да, шеърларида илм-маърифатга даъват, ҳуррият ғоялари ҳам бетакрор бадиий талқин этилган. Шоир шеърлари маҳаллий матбуот саҳифаларида, яъни "Хоразм хабарлари", "Инқилоб қуёши", "Қизил Хоразм" каби газета ва журналларда эълон қилинган[1].

Кейинчалик газета ва журналларда эълон қилинган шеърлари тўпланиб, Хивада 1923 йилда "Ўзбекча инқилоб шеърлари йиғурми" тўпламида нашр этилган. Бу тўплам "Кўрунг эмди халойиққа...", "Билинглар, эй халойиқ...", "Кўнглима бир турфа сўз келди равон...", "Умид айлаб экиб буларга турлук дона деҳқонлар...", "Шод ўлунглар, эй халойиқ, шодлиғ айёмидур...", ва бошқа тарғибий-ташвиқий руҳ, хитоб, даъват оҳанглари ҳукмронлик қиладиган шеърларни ўз ичига олган[2].

Ҳозирги кунда шоирнинг учта девони қўлёзмалари 2679/II, 903/V, 906/VII инвентарь рақамлари остида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланади. Элликдан ортиқ мажмуа, тазкира, мухаммасот ҳамда баёзларга шоирнинг шеърларидан намуналар кўчирилган. Изланишлар натижаси шуни кўрсатадики, шоирнинг лирик асарларида учрамайдиган шеърлари баёз-у тазкиралардан ўрин олган. Ана шундай қўлёзма манбалардан бири 2025-инвентарь рақамли қўлёзма баёздир[3].

Қўлёзмага Мутриб, Роғиб, Юсуф, Камолий, Асад, Иноят, Музниб, Содиқ, Пуркомил, Хокий, Қозий, Нозир, Баёний, Девоний, Ходим, Оқил, Мирзо, Аваз каби 18 та шоирнинг шеърлари кўчирилган.

Бу баёз Саййид Муҳаммад Раҳим Баҳодирхон фармонига биноан ҳижрий 1328/1910 йилда Муҳаммад Шариф Муҳаммад Яъқуб девон Харрот томонидан кўчирилган. Мазкур маълумот қўлёзма баёз колофонида қуйидагича қайд этилган: "Зилли ас-субҳона халифата ар-раҳмони аъни Саййид Муҳаммад Раҳим Баҳодурхон доми давлата ва шавкатанинг фармони олийлари бирла ушбу баёзни Муҳаммад Шариф валади Муҳаммад Яъқуб девон мулаққаб ба Харрот мувофиқ, товуқ йили ёзиб итмомиға еткурди. Фий шаҳри сафар, фий 1328 сана".

Баёзга Мутрибнинг 14 та шеъри кирган. Шундан 9 таси форс-тожик, қолган 5 таси туркий тилидаги ғазаллардир.

Шоирнинг баёзга киритилган "Лаззатин", "Манго", "Муштоқ", "Кўр", "Келди" радифли 5 та туркий ғазали нафақат 2679/II инвентарь рақамли девон, балки мавжуд бошқа девонлар таркибига ҳам киритилмагани аниқланди. Бизнингча, бунинг сабаби, шоирнинг 2679/II инвентарь рақамли девони 1908 йилда, бошқа девонлари ҳам шу санадан аввал, баёз эса 1910 йилда тузилгани билан изоҳланади. Яъни баёз нисбатан кейин тузилган, орадаги муддат мобайнида шоир яратган янги асарлари ушбу баёздан ўрин олган кўринади. Ғазаллар шакл ва мазмун жиҳатидан шоир девонидаги шеърларга мутаносиб тарзда ижод қилинган.

Шоирнинг баёздаги айрим ғазалларидаги сўзларнинг ишлатилишида баъзи камчиликлар ҳам учрайди. Масалан, рамали мусаммани маҳзуф (-V - -/-V- - /-V - - /- V -) вазнида ёзилган "Кўнглум ичра, эй суманбар, доғи ҳижронимни кўр" мисраси билан бошланувчи ғазалнинг тўртинчи байтидаги "юз лак" бирикмаси "юз лек" бўлиб кўчирилган, табиийки, бу байт мазмунига ҳам таъсир кўрсатган. Шунга кўра, шеърлардаги баъзи сўзлар имкон қадар мазмунидан келиб чиқиб тузатилди:

*Интизорингдин туганмас дардима побаст ўлуб,*
*Кўнглум ичра неча юз лек дарди пинҳонимни кўр(қўлёзма, 107б-бет).*

*Интизорингдин туганмас дардима побаст ўлуб,*
*Кўнглум ичра неча юз лак дарди пинҳонимни кўр.*

"Лек" сўзи Навоий асарлари луғатида "лекин" сўзининг қисқарган шакли сифатида берилган[4]. Ушбу зидлов боғловчиси ғазал мазмунининг бузилишига сабаб бўлган. Аслиятда бу сўз لک (лак) шаклида ёзилган. "Лак" сўзи форс тилидан олинган бўлиб, "юз минг" маъносига эга. Котиб эса бу сўзга "ی" (и) ҳарфини ортиқча қўшиб, لیک (лек) тарзида "таҳрир" этган. ҳолбуки, матншунос Нурбой Жабборов фикрича: "Матннинг муаллиф иштирокисиз амалга оширилган ҳар қандай таҳрири асар моҳиятига зарар етказиши жиҳатидан мақсадга мувофиқ эмас[5]".

Шеър мазмунида ошиқ ёрини кутиб, туганмас дардга гирифтор бўлганидан кўнглидаги дард неча юз мингдан ҳам юз карра ортиқ даражага етганини англаш мумкин. Ушбу мисраларда шоир муболаға санъатининг ғулув туридан фойдаланган. Бундан кўринадики, матн мазмуни "юз лек" бирикмаси ўрнига "юз лак" бўлишини талаб этади.

[1] *Абдуғафуров А. Мутриб / Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т. 6. Тошкент, 2003. - Б. 165-166.*
[2] *Абдуғафуров А. "Юғурмия" - "Ўзбекча инқилоб шеърлар тўплами"//Ўзбек тили ва адабиёти. Ўзбекистон ССР "Фан" нашриёти. Тошкент, 1984. №5. - Б. 3-9.*
[3] *Мадиримова С. Мутриб Хонахаробий асарлари қўлёзмаларининг илмий тавсифи // Олтин битиг. - Тошкент, 2019. №3. - Б. 27-59.*
[4] Шамсиев П., Иброҳимов С. Навоий асарлари луғати.. - Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. - Б. 336.
[5] *Жабборов Н. Бадиий матн таҳрирининг хос хусусиятлари. //Ўзбек адабиётшунослигида талқин ва таҳлил муаммолари (Илмий мақолалар тўплами). - Т.: Mumtoz so`z, 2014. - Б. 28-32.*

Шу ғазалнинг тўққизинчи мисрасида عذار (узор) сўзи учрайди. Бизнингча бу сўз аслиятда عذر (узр) бўлган. Ғазал байти қуйидагича:

***Айлаб узоримни қабул, эй гул,***
***хиром эт, ман сори,***
***Бўлса не журмим санга,***
***ондин пушаймонни кўр.***

***Айлаб узримни қабул, эй гул,***
***хиром эт, ман сори,***
***Бўлса не журмим санга,***
***ондин пушаймонимни кўр.***

"Узор" сўзи араб тилидан олинган бўлиб, юз, бет; чакка маъноларни билдиради. "Узр" сўзи эса уч хил маънони ифодалайди: 1. Кечирим; 2. Баҳона, сабаб; 3. Камчилик[6].

Байтда ошиқ ёридан узрини қабул қилиб, у томон хиром этишини, хатоларидан пушаймон эканини кўрмоғини илтижо этгани ифодаланган. Аён бўладики, "узор" сўзининг қўлланиши ғализ. Шу байтда котиб яна бир хатога йўл қўйиб, "Ондин пушаймонимни кўр" бирикмасидаги "им" қўшимчасини тушириб кўчиради. Натижада фикр ифодасидаги мантиқ бузилган.

Мутриб Хонахароб асарлари қўлёзма манбаларида учрайдиган котиб томонидан йўл қўйилган камчиликларни асарнинг бошқа нусхалари асосида тиклаб, тўғри варианти берилиши зарур. Бироқ шоир асарларининг қайта кўчирилган манбалари бўлмагани сабабли қийинчиликларга дуч келинди. Бундай ҳолда матншуносдан алоҳида зийраклик талаб этилади. Профессор Ш.Сирожиддинов фикрича: "... агар бундай имконият бўлмаса, матншунос ички мантиқи билан шеър қофияси, радифи асосидаги сўз вариантини танлаб олиши зарурати яққол сезилади"[7].

Манба тўқ яшил рангли қаттиқ картон билан муқоваланган. Муқовага 3 та ўйма нақш туширилган. Таркибига кирган шеърлар сариқ рангли юпқа шилдироқ қоғозга кўчирилган. Баёзга киритилган шеърлар настаълиқ хатида, икки қатор қия ҳолатда кўчирилган. Шеърлар ҳар бир бетда 12 сатрда ёзилган. Ўлчови 18х12. Асар 304-бетдан иборат. Манбанинг бошида 4, охирида 3 саҳифа бўш қолдирилган. Қўлёзма яхши сақланган.

Баёзга Мутрибнинг 70 мисрадан иборат шеърлари кўчирилган. Аммо бу шеърлар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондларида сақланаётган (2679/II, 903/V, 906/VII инвентарь рақамли девон қўлёзмалари) баёз, мажмуа, мухаммасот, тазкираларга ҳамда Хива Ичон қалъа музейи фондларидаги қўлёзма ҳамда тошбосма манбаларга қайта кўчирилмаган.

Шунингдек, бугунги кунда Мутриб адабий меросини ўрганиш натижасида шоир девонида учрамайдиган асарларини баёзу тазкиралардан тўплаб, нашр эттириш зарурати сезилмоқда. Бу ўз навбатида, шоир адабий меросининг кўлами анча кенг эканидан дарак беради. Қуйида Мутрибнинг янги аниқланган ғазаллари матнининг табдили илк бор эълон қилинмоқда:

*Истарам жоно лаби шакарфишонинг лаззатин,*
*Интизориман рухи хуршедсонинг лаззатин.*

*Кулбайи эҳсонима айлаб хиромон ноз ила,*
*Қил, муяссар бу кеча базми ниҳонинг лаззатин.*

*Лаҳза-лаҳза нотавон кўнглум сужуд этмак тилар,*
*Бир нафас фош эт манго абру камонинг лаззатин.*

*Етдим ўлмакка гулистони жамолинг шавқидин-*
*Ким, тиларман нуктаи муъжизбаёнинг лаззатин.*
*Оташи шавқинг туташиб, жон жисмим ичраким,*
*Айларам юз орзу, нозик миёнинг лаззатин.*

*Мурғ кўнглум оҳу афғондин даме таскин эмас,*
*Соғиниб субҳи масо ғунча даҳонинг лаззатин.*
*Қилғали Мутрибни ҳижрон қайдидин озодким,*
*Лутф этиб кўргуз қади сарви равонинг лаззатин[4].*

Вазни: рамали мусаммани маҳзуф
( - V - - /- V - - / - V - - / - V -).

*Ишқ аро билмон бу не, озори ҳижрондур манго,*
*Кеча-кундуз орази гулзори пинҳондур манго.*
*Қон тўкуб ики кўзумдин ваҳки, фурқат даштида,*
*Буки, Мажнундек, ишим чоки гирибондур манго.*

*То гулистони жамолидин ҳаловат истасанг,*
*Ҳажр домида бало хайли намоёндур манго.*
*Нутқидин ойин дилбарлик таманно айласам,*
*Юз фусун ила вафосиз аҳди паймондур манго.*

*Ҳасрати ишқ ичра йиғлаб лаҳза ором олмайин,*
*Ашки чашмимдин жаҳон ҳар лаҳза тўфондур манго.*
*Дам-бадам зоҳир бўлуб, ҳар нолишимдин юз малол,*
*Ёғду олам ваҳми фурқат ичра зиндондур манго.*
*Мутрибосо, кўзларидин истасам нозу адо,*
*Қилма ҳар дам чекилган тийғи буррондур манго[4].*

Вазни: рамали мусаммани маҳзуф
( - V - - /- V - - / - V - - / - V -).

*Эрурман кеча-кундуз гул киби рухсоринга муштоқ,*
*Даме раҳм эт, бўлубман наргиси беморинга муштоқ.*
*Оқар ики кўзумдин ҳажр аро ашк ўрниға қоним,*
*Қилурсен лаҳза-лаҳза лаъли шакар боринга муштоқ.*

*Эмассан бир нафас огаҳ, манинг ҳоли табоҳимдин,*
*Дилу жоним туну кун қади хушрафторинга муштоқ.*
*Белимга боғламоқни кеча-кундуз жустужў айлаб,*
*Ўтар умрим фироқ ичра бўлуб зунноринга муштоқ.*

*[6] Шамсиев П., Иброҳимов С. Навоий асарлари луғати.. - Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. - Б. 622-623.*
*[7] Sirojiddinov Sh. Matnshunoslik saboqlari. - Т.: "Navoiy universiteti" nashriyot-matbaa uyi, 2019. - Б. 68.*

*Матоъи ҳуснинга жоно харидори бўлуб кўнглум,*
*Суруди ишқ аро қимматбаҳо бозоринга муштоқ.*
*Умид айлаб висолингдин юрурман ахтариб ваҳким,*
*Қўлингдин маст ўлурға соғари саршоринга муштоқ.*

*Ўларга етди Мутриб интизор бу тунлариким,*
*Табассум нозлар бирла дури шаҳворинга муштоқ [4].*

Вазни: Ҳазажи мусаммани солим (мусаббағ)
(V - - - /V - - - /V - - - /V - - - (V - - ˜).

*Кўнглум ичра, эй суманбар, доғи ҳижронимни кўр,*
*Ишқ аро Мажнун киби чоки гирибонимни кўр.*
*Бодайи васлингдин, эй гул, ваҳки, масрур ўлмайин,*
*Фурқатингдин кеча-кундуз чашми гирибонимни кўр.*
*То кўруб, гулзор ҳуснингни хираддин ойрулуб,*
*Булбулосо дам-бадам фарёди афғонимни кўр.*

*Интизорингдин туганмас дардима побаст ўлуб,*
*Кўнглум ичра неча юз лак дарди пинҳонимни кўр.*
*Айлаб узримни қабул, эй гул, хиром эт, ман сори,*
*Бўлса не журмим санга, ондин пушаймонимни кўр.*
*Фош этиб, меҳри вафо бу кеча кулбамға келиб,*
*Шавқ ўтиға лаҳза-лаҳза қалби сўзонимни кўр.*

*Мутрибосо, ғам чекиб, доим сурури ишқ аро,*
*Мунча дарди фурқат ичра чиқмағон жонимни кўр[4].*

Вазни: рамали мусаммани маҳзуф
(-V - - /-V - - /-V - - /- V -).

*Мани шод этгали бу кеча ул сарви равон келди,*
*Берурга тоза жонким, лаблари муъжизбаён келди.*
*Иноятлар била оҳини дилбарлик аён айлаб,*
*Қилиб гаҳи, жафо айлаб, вафо аҳлин ниҳон келди.*

*Дури шаҳворидин жонимға бир дам еткуруб лаззат,*
*Такаллум фош этиб, юз ноз ила ширин забон келди.*
*Ўларга етмиш эрдим ваҳки, озори фироқидин,*
*Ҳаёт афзо лабидин жонима роҳат расон келди.*

*Жамоли шамъидин айлаб тараҳҳум тийра кулбамга,*
*Фуруғи еткурурга гўйиё хуршедсон келди.*
*Каломи шаҳдидин еткургали файзи ҳаловатким,*
*Саросар жисми гулгун тўти-ю шакарфишон келди.*
*Фироқи ранжидин Мутриб киби осудалиғ топдим,*
*Мурувватлар била кулбамға барнойи жаҳон келди[4].*

Вазни: ҳазажи мусаммани солим
(V - - - /V - - - /V - - - /V - - -).

**Тақризчи: ф.ф.д., профессор,**
**Нурбой Жабборов.**

**********************

# АНБАР ОТИН "ЯККА БАЙТЛАР"И БАДИИЯТИ

***Пардаева Нигора Қўйсинбоевна*** *- таянч докторант,*
*Ўзбекистон Миллий университети*

**АННОТАЦИЯ:**
Мақолада Анбар Отин ижодида катта ахамиятга эга бўлган "яккабайтлар" бадиияти масаласитадқиқ қилинган. Бу турдаги шеърлар шоиранинг адабий-эстетик идеалидан, ижодий ниятидан келиб чиққан ҳолда таҳлил этилган.Асар ғояси ва бадиияти ўртасидаги мутаносиблик масаласи ёритилган. Шоира ваунга замондош ижодкорлар қарашлариўзаро қиёсланган.
**КАЛИТ СЎЗЛАР:**якка байт,ватан, миллат, ижодий ният, адабий-эстетик идеал,бадиий санъат, миллий уйғониш, бадиий талқин.

В статье исследуется художественные вопросы "одиночных байтов" ("яккабайтлар"), которое имеет болщое значение в творчестве Анбар Атына. Стихи такого вида анализируются исходя из литературно-эстетического идеала поэтэссы, еётворческого замысла. Освещается вопрос о соразмерности между идеей и художественностью произведения. Сравнивались взгляды поэтессы и ее современников.
**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:**одиночный байт, родина, национальность, творческий замысел, литературно-эстетический идеал, художественное искусство, национальное пробуждение, художественная интерпретация.

The article explores the art of individual bytes, which are the most important in the poet's work. Such kind of poems have been analyred in terms of the poet's literary and aesthetic idea, his creative intention. It is highlighted the question of the balance between the idea of the work and the art. The views of the poet and her contemporaries are compared.
**KEY WORDS:** individual bytes, hometown, nation, creative intention, literary and aesthetic idea, fine arts, national awakening, artistic interpretation.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида Муқимий, Фурқат, Завқий, Аваз Ўтар сингари забардаст шоирлар қаторида аёл ижодкорлар ҳам адабий жараёнда фаол бўлгани кузатилади. Дилшоди Барно, Муаззамхон, Нозимахон ва Мутриба сингари шоиралар шулар жумласидандир. Анбар Отин ана шу даврнинг илғор ижодкорларидан бири эди.Шоира асарлари Туркистоннинг ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий аҳволи, миллатнинг тараққиётдан ортда қолиш сабаблари, маърифатни юксалтириш зарурати сингари масалаларўзига хос фалсафий, бадиий услубда ёритилгани жиҳатидан аҳамиятлидир.

Анбар Отин адабий меросида ғазал, мухаммас, рубоий, фард, мустазод каби лирик жанрлар қаторида "яккабайтлар" ҳам муҳим ўрин тутади. Яккабайт араб алифбосининг ҳар бир ҳарфига алоҳида бағишлаб ёзилгани билан алоҳида ажралиб туради[1]. Якка байтлараксар ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий мавзулар қамраб олингани билан характерланади.Бунда шоира адолат, ҳақиқатпарварлик, Ватан ва миллат тақдири, одоб-ахлоқ, таълим-тарбия, маърифат, меҳнатсеварлик, тўғрисўзлилик, муомала, такаббурлик, манманлик борасидаги фалсафий қарашларини, теран ва ихчам тарздабаён этган.

Маълумки, араб алифбоси ҳарфларига атаб махсус байтлар ёзиш анъанаси на шоиранинг замондошлари, на унинг салафлари ва халафлари ижодида учрайди. Якка байтлар - Анбар Отиннинг ўз ихтироси. Бу эса шоиранинг алоҳида иқтидори, бадиий ижодда новаторликка интилгани ҳамда бунга эришгани далилидир. "Якка байтлар" истилоҳи ҳамдастлаб шоиранинг ўзи томонидан муомалага олиб кирилган. Бу ҳақда шоира адабий мероси билан алоҳида шуғулланган Фотима Ҳусаинова тадқиқотларида ҳам маълумот берилган.[2]

Шоира "якка байтлар"ида мана бундай ёзади:

***Камтарин заифайи мазлума,***
***Анбар отиндин манзума,***
***Ушбу ёзилган байтлар,***
***Башар зийнатин айтар.***
***Бу китобим тамоми,***
***Яккабайтлар итмоми[3].***

Дастлабки икки сатрда шоира ўзининг ва халқининг зулм остида қолганига урғу беради. Хасталаниши сабаби ҳам ана шу зулмга боғлиқ эканини айтади."Камтарин заифайи мазлума" мисрасини битар экан, унинг замирига теран маъно жойлайди,ўз ўтмишини ёдга олади, ички кечинмаларинииифодалаб,тансиқу-с-сифот санъатининг бетакрор намунасини яратади.Шоира ушбу шеърий асари башар зийнати бўла олишини айтади ва бундан ифтихор туйғусини ифодалайди.

Анбар Отин ҳар бир инсонни ватанпарвар бўлишга чорлайди. "Алиф" деб номланган дастлабки тўртлигининг икки мисрасидашундай дейди.

***Одам эрсанг маъни бил дона-дона,***
***Ватан эрур санга иккинчи она[3].***

Инсон ҳар бир нарсанинг асл моҳиятини, "маъни"ни англамоғи, билмоғи зарур. Ана шу ҳикматни изҳор этар экан, шоира иккинчи сатрда "маъни" деганда нимани назарда тутганига диққат қаратади: "Ватан эрур санга иккинчи она". Биринчи мисрадаги "Одам эрсанг" жумласи шундан кейин айтилажак фикрнинг нечоғлиқ аҳамиятли эканини кўрсатади. Бундан англашиладики, Ватанни она қаторида кўриш одамийликнинг бош шартларидан. Ватан ва Миллат тақдири кун тартибига ҳар қачонгидан ҳам устувор масала сифатида қўйилган мураккаб ва зиддиятли бир даврда айтилаётгани шеърнинг аҳамиятига далил бўла олади.

Анбар Отиннинг ушбу байтини таҳлил этган фалсафа фанлари номзоди Лаълихон Муҳаммаджонова мана бундай ёзади: "Аслида, Ватаннинг тўғридан-тўғри она деб аталишини дастлаб биз Анбар Отинда кўрамиз. Фитрат, Авлоний ва бошқа жадидлар анча кейин бу ўхшатишни қўллаганлар. Лекин мазкур мавзудаги ғоявий етакчилик, биринчилик Анбар Отинга тегишли эканини, айнан ана шу аёл миллий ғоямизнинг дастлабки тарғиботчиларидан эканини унутмаслигимиз лозим".[4]

Анбар Отин билан бир даврда бир адабий муҳитда яшаб ижод қилган Зокиржон Фурқатнинг хориждаги ҳаёти ва ижодий меросини тадқиқ этган олим профессор Нурбой Жабборов шоирнинг Ватанга бўлган садоқати ва муҳаббати ҳақида қуйидагичафикр билдиради: "Шоирнинг хорижда ёзган шеърларининг истисносиз барчасида ўзи туғилиб ўсган она-Ватанга бўлган чексиз муҳаббати акс этгани кузатилади"[5]. Бу иккала шоир ғоялари ўртасидаги уйғунлик нафақат уларнинг ягона адабий муҳити намояндалари экани, балки ижод аҳли қалби ва тафаккурида Ватан истибдод исканжасига тушган мураккаб давр пайдо қилган туйғунинг мутаносиблиги билан ҳам белгиланади.

Кейинги байтда шоира "Одам эрсанг..." жумласи билан бошланган мисрадаги қарашларини янада теранлаштиради:

***Сўзламасдин олдин сўзингни сина,***
***Ҳар бир сўздур умринг ичинда сина[6].***

---

*1. Н.Пардаева. Анбар Отин "Якка байтлар"и ҳақида айрим мулоҳазалар. //Инновационные подходы в современной науке. Сборник статей по материалам LXIX международной научно- практической конференции, Москва, май 2020, № 9 (69). -стр 125-128.*

*2. Ҳусаинова Ф. Демократ шоира - Анбар Отин. Филология фанлари номзоди...диссертация.- Тошкент, 1966. -Б 11.*

*3. Зебуннисо, Дилшод ва Анбар Отинлар шеъриятидан.-Т.:Ўзбекистон, 1981, -Б 107-108.*

*3. Ўша манба. -Б 108.*

*4. Муҳаммаджонова Л. Маърифатпарвар шоиралар - Дилшоди Барно ва Анбар Отиннинг ахлоҳий қарашлари. Фалсафа фанлари номзоди ...диссертация. - Тошкент, 2005. -Б.82.*

*5. Жабборов Н. Фурқатнинг хориждаги ҳаёти ва ижодий мероси: манбалари, матний тадқиқи, поэтикаси. Филология фанлари доктори....диссертация. - Тошкент, 2004. -Б .57.*

*6. Зебуннисо, Дилшод ва Анбар Отинлар шеъриятидан.-Т.:Ўзбекистон, 1981. - Б.108.*

Одамзоднинг ташқи қиёфасидан ақлий, маърифий даражасини ажратиб бўлмайди. Айни хусусиятни сўз орқалигина англаш мумкин. Чунки сўз шундай қудратга эгаки, у инсоннинг ҳаётини обод қилиши ёки бутунлай барбод этиши ҳам мумкин. Шоиранингсўз борасидаги ихчам ва теран мулоҳазаси тажнис (1.Сина - текширмоқ, 2. Сина - бошидан кечирмоқ) санъати орқали яққол намоён бўлган.

Анбар Отин Ватан ҳақида сўз юритар экан, унинг тарихига назар солмоқ, аждодлар меросини ўрганмоқ зарурлигига диққат қаратади. Бу ҳақда шоира "дол" ҳарфига ёзган якка байтда қуйидагича ёзади:

***Башарни тарихи қонуни аждод,***
***Анингдин илм топғуси ҳар авлод[6].***

"Оққан дарё оқади" - шоира ана шу мақол моҳиятини ўзига хос талқин этади. Яъни авлод илм йўлида изланар экан, аждодлардан улгу олади - башарнинг қонуни шу. Ана шу якка байтда ҳам шоиранинг ижодий нияти ўзига хос ифодалангани кузатилади. Яъни аждодлари дунё тамаддунинг бешигини тебратган миллат ёшларининг жаҳолат гирдобида қолиши мумкин эмаслиги, боболари даражасига юксалиши шарт ва зарур экани масаласига эътибор қаратилган бу мисраларда.

Мустамлака натижасида миллат ҳаётининг барча жабҳалари, жумладан, иқтисодий турмуши ҳам асоратга олингани, инқирозга юз тутгани маълум. Кейинги сатрларда масаланинг шоира ана шу жиҳатини қаламга олади:

***Бу йўқсул эл ҳаёти гарчи барбод,***
***Бўлур авлодининг рўзғори обод.***

Ҳар жиҳатдан баркамол, рўзғори обод авлод ва истибдод исканжасидан озод ҳур Ватан - шоира адабий-эстетик идеали ана шу орзу асосига қурилган. Ижодкор туйғулари, кечинмалари тазод (барбод - обод), таносуб (эл - авлод, ҳаёти - рўзғори) санъатлар воситасида таъсирчан талқин этилган.

Учинчи байтда шоира миллатнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти ҳақидаги фикрини давом эттиради:

***Ҳаёт тарихи элда некую бад,***
***На тавсиф билдирур, на хатти абжад.***

Шоира эл тарихига, ҳаёт тарзига фалсафий тафаккур билан ёндашади. Миллат ўз тарихи давомида яхши-ёмон кунларни кўп кўргани, тавсифлаб ҳам, абжад орқали ҳисоблаб ҳам бунинг моҳиятини тўлиқ англаш ва англатиш имконсиз эканига эътибор қаратади.

Анбар Отиннингқўлига қалам тутишга сабаб омиллардан бири миллатнинг жабру ситам исканжасида қолгани эди. Шоира давлат амалдорлари ва чор Россиясининг адолатсиз-лигини, бойзодагонларнинг халққа етказаётган зулмини "Х" ҳарфига ёзган байтида қуйидагича тасвирлайди.

***Фалак кажравлиғидин шом эрур талх,***
***Ғаму қайғу чекишдан ком эрур талх.***

Байтда шоира фалакнинг маккорлигидан, эгри юришидан шом талх экани, яъни тун азоб манбаига айланганига урғу берилади. Ғамуқайғу чекаверганидан тилаги, мақсади ушалмай, эришгани аччиқ изтироб бўлганини қуйма сатрлар орқали ифода этади.Мисраларда қўлланган истиора (фалак кажравлиғи), таносуб (ғам, қайғу) санъатлари шоира қалбидаги дарднинг нечоғлик кучли эканини ҳис этиш имконини беради. Байтга танланган радиф ("талх") ҳам ифоданинг таъсир кучини бир неча баробар оширган.Афсуски, қўлёзманинг ана шу қисмига сиёҳ томгани сабабли ушбу тўртликнинг кейинги икки мисраси ўқиб бўлмайдиган ҳолга келган ва жорий нашрларда келтирилмаган. Уларда шоиранинг қарашлари фалсафий жиҳатдан теран хулосаланган бўлиши ҳақиқатга яқиндир.

Анбар Отин ўша даврдаги зиддиятли ижтимоий-сиёсий вазиятга холис ва ҳаққоний баҳо берар экан, миллатнинг бошига тушган мусибат - истибдод аришига, Ватантараққийга юз бурадиган кунлар албатта келишига ишонади.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, бугунги кунга қадар шоира асарлари фақат демократик адабиёт намунаси сифатида талқин этиб келинган. Аслида, шоира адабий меросиўша даврда Туркистон ҳаётида алоҳида ўрин тутган миллий уйғониш ҳаракати ва адабиётининг ажралмас бир қисмини ташкил этади. Шоира асарларини муаллиф бадиий нияти, адабий-эстетик идеали нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш Анбар Отин шеъриятининг асл моҳиятини тўлақонли инкишоф этиш имконини бериши аниқ. Бу вазифани ҳар жиҳатдан талаб даражасида бажариш адабиётшунослик олдида турган долзарб вазифаларидандир.

**Тақризчи: ф.ф.н. Ю.А.Каримова**

[6] *Ўша манба. - Б.109*

# ҲОЗИРГИ ЗАМОН ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ТОПОНИМЛАРНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

***ГАНИЕВА Гулноза*** *- таянч докторант, Жиззах давлат педагогика институти*

**АННОТАЦИЯ:**

Мазкур мақола ҳозирги замон инглиз ва ўзбек тилидаги топонимларнинг лингвокультурологик жиҳатларига бағишланган бўлиб, унда топонимларнинг лингвокультурема сифатида қўлланилиши ҳамда унинг кўп қатламли белгилар орқали тилда намоён бўлиши каби масалалар атрофлича кўриб чиқилган.
**КАЛИТ СЎЗЛАР:** топоним, топонимемалар, лингвокультуремалар, этнолингвотопонимемалар, семантик структура.

Данная статья посвящена изучению лингвокультурологических аспектов топонимов современных английского и узбекского языков. Также рассматриваются проблемы топонимов как лингвокультуремы и их проявление в языке.
**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** топоним, топонимемы, лингвокультуремы, этнолингвотопонимемы, семантическая структура.

The given article is devoted to analyses of linguoculturological principles of toponyms in modern English and Uzbek. The issues of toponymemes as linguoculturememes and their appearance in the language have also taken place in the article.
**KEYWORDS:** toponym, toponymemes, linguoculturememes, etnolinguotoponymemes, semantic structure.

Номланиш билан, асосан, жой номлари билан боғлиқ маълумотларни чуқур ўрганиш, уларни умумлаштириш ва керакли хулосалар чиқариш масаласи билан олимлар қадим замонлардан буён қизиқиб келганлар. Қадимий ёзма манбаларга қараганда, милоддан олдинги минг йиллик ўрталарида Ўрта Осиё ҳудудида Хоразм, Суғд, Бактрия, Парфия каби жой номлари борлиги ва бу ерларда яшовчи халқлар скифлар, саклар, массагетлар деб аталганлиги ҳақидаги маълумотлар қадимги Юнон тарихчилари Герадот, Торг, Помпей, Ксенофонт, Ктеций, Арриан, Страбонлар томонидан ёзилган манбаларда акс этган.

Ўзбекистонда мавжуд айрим жой номлари ва уларнинг юзага келиш тарихи, қандай маъно англатиши, халқимиз тарихининг қайси даврида, кимлар томонидан, қачон ва қай тарзда яратилганлиги ҳақидаги ғоят қизиқарли маълумотларни илмий жиҳатдан ўрганиш, ёзилишига эътибор қаратиш, топонимларни этимологик таҳлил қилиш ишлари Абу Райҳон Берунийнинг тарихий асарлари, Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону луғотит турк", Абулғози Баҳодирхоннинг "Шажараи турк", Наршахийнинг "Бухоро тарихи", Алишер Навоийнинг насрий ва назмий асарларида, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома" асарида, шунингдек, Хива, Бухоро, Қўқон хонликлари девонида битилган расмий ҳужжатларда сақланиб қолган. Хоразмий, Беруний, Наршахий, Кошғарийлар Қадим Туркистон заминидаги жой номларини махсус қайд этишиб, улардан баъзиларини ўз замонасининг билимлари даражасида изоҳлаб беришганини Ҳ. Ҳасанов[1], ва Қораев амалга оширишган тадқиқотларида мукаммал тарзда баён этишган[2].

Чуқурроқ кўриб чиқадиган бўлсак, ўзбек топонимиясига оид дастлабки лисоний монографик иш Т.Нафасов томонидан бажарилган эди[3]. Мазкур ишда Қашқадарё вилояти ҳудудидаги топонимларнинг номланиш асослари, этимологияси, уларнинг структурал-грамматик тузилиши ва ясалиши масалалари кенг ва атрофлича тадқиқ этилган эди. Олим кейинчалик фақат Қашқадарё вилояти топонимларини ўрганиш билан кифояланиб қолмай, жанубий Ўзбекистон топонимларининг этнолингвистик таҳлилини амалга оширди.[4]

Маълумки, топонимлар тил лексикасининг бир қисми ҳисобланиб, тил қонуниятларига бўйсунган ҳолда пайдо бўлади ва ривожланади. Демак, топонимлар ўзида нафақат муайян жой тарихи ҳақида маълумот ташийди, шу билан биргаликда, лингвистик бирлик сифатида халқнинг тарихи, маданияти ва маънавияти тўғрисида ҳам гувоҳлик бериб туради.

*[1]. Ҳасанов Ҳ. Беруний асарларида топонимика // Беруний ва ижтимоий фанлар. Т.,Фан, 1972, 125-128 б.;*
*[2]. Қораев С. Ўзбекистон вилояти топонимлари. Т., "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi" Давлат илмий нашриёти, 2005, 239 б.;*
*[3]. Нафасов Т. Топонимы Кашкадарьинской области. Автореф. дис...канд. филол. наук.- Ташкент, 1968, 24 с*
*[4]. Нафасов Т. Жанубий Ўзбекистон топонимиясининг этнолингвистик анализи. - Тошкент, 1985, 84 б.;*

Кундалик ахборот алмашишда турли-туман фаолиятлар, ҳаракатлар, жараёнлар, содир бўладиган воқеалар, ёки ҳолатлар, сифатлар, миқдор ва даражаларни ифодалайдиган жойларни, яъни географик жойларни (қисқача қилиб айтсак "геоним" ларни) кўрсатиш учун тилшунослик нуқтаи назардан "топонимлар"ни ифодаловчи тил бирликларига мурожаат қилинади.

Тилшунослик фанидаги тамойилга кўра "тил" ва "нутқ" ўртасидаги фарқдан келиб чиқиб, барча тиллардаги жой номларини қуйидаги умуматамалар билан ифодалаш мақсадга мувофиқ деб хисоблаймиз: 1) "топонимема" (тил бирлиги) ва 2) "топоним" (нутқ бирлиги бўлиб) топонимеманинг нутқдаги бевосита реализациясидир ( ғиёсланг: фонема ва фон, лексема ва лекс, фразема ва фраза ва ҳ.к лар каби).

Бошқа ҳамма лексемалар каби топонимемалар ҳам тил қонуниятларига бўйсунади, лекин ўзининг пайдо бўлиши ва баъзи ички хусусиятлари жиҳатидан жамиятнинг кундалик моддий ва маънавий ҳолати, иқтисодий турмуш тарзи ва орзу-интилишларига алоқадор бўлиб, маълум даражада бошқа гуруҳ сўзларидан фарқ қилади. Топонимлар (ёки топонимемалар)да ҳар бир халқнинг миллий тилига хос бўлган қадимий фонетик, лексик ва морфологик элементлар кўпроқ бўлади. Жойнинг табиий географик шароити, аҳолининг этник таркиби, кишиларнинг касби ва машғулоти, қазилма бойликлар, тарихий шахслар ва воқеалар топонимлар вужудга келишининг асосий манбалари ҳисобланади. Масалан, ўзб. Кулолон, Баҳористон, Бегвачча, Зафаробод, Қароқчи тол, Ганчтепа, Кумушкон, Консой, Мискон, Тахти Сулаймон, Гадойтопмас, Бойлар, Такасакраган, Оқер, Жалаер, Толмозор, Мингчинор, Деҳқонобод, инг. Cleveland,Cornwall, Jefferson, Cumberland, Derbyshire, County Durham, Hampshire, Gloucestshire, Washington, ва бошқалар.

Топонимемалар стилистик жиҳатдан ҳам муҳимдир, чунки улар ўзларининг метафорик ва метонимик жиҳатларига кўра антономазия, аллюзия, диалектизм, вариантизм, тарихий ва бошқа сўзлар тарзида ишлатилиши мумкин.

Эддисон Уиллям ўзининг" Understanding English Place-names" номли рисоласида инглиз топонимларининг семантик жиҳатларини ўзининг таҳлил объекти қилиб олган, уларнинг келиб чиқиш тарихига ҳам эътибор қаратган, лекин мазкур ишда топонимларнинг лингвокогнитив ва лингвостилистик жиҳатлари муаллиф эътиборидан четда қолган[5].

Америка олими Жорж Р.Стюарт Топонимларга қуйидагича таъриф беради: "Топонимлар - географик объектларнинг номланишини англатувчи атоқли отлардир. Топонимларни топонимика фани ўрганади".[6]

Унинг фикрича, топонимларда (айниқса гидронимларда) архаизм ва диалектизмлар сақланиб қолади. Лекин ҳар бир топоним замирида, унда хоҳ диалектизм, хоҳ архаизм сақланган бўлсин, маълум бир маънода мана шу жойда яшаб ўтган миллатга, халққа тааллуқли бўлган нимадир мавжуд бўлади. Мана шу нарса топонимларда учрайдиган ўзига хос хусусият, десак янглишмаган бўламиз.

Шунинг учун ҳам тиллардаги исталган топонимемаларнинг семантик структурасида у ёки бу халқнинг ҳаёт фаолияти ва маданияти билан узвий боғлиқ бўлган муҳим бир компонентни, тўғрироғи "сема" ни кузатиш мумкин, шу боис уларни "лингвокультуремалар" деб қараш ўринлидир.[7]

Лингвокультуремаларда нафақат у ёки бу халқнинг урф-одатлари, расм-русмлари, балки шу халқ ҳаёт тарзи ва маданиятининг бир қатор бошқа хусусиятлари ( икки ёки уч миллат, элатнинг қўниқўшничилик, савдо-сотиқ, қуда-андачилик ёки бошқа муносабатлари) натижаси ўлароқ маълум ижтимоий маданий вокеликлар топонимемаларда акс этиши мумкин: Масалан, Бофанда, Парпашабоп, Тоқи телпакфурушон, Тоқи Заргарон, Камонгарон, Нонвоён, Наққошон, Бўзчи, Кигизчилик, Заргарлик, Косагарон, Кўнчилик, Махсидўзон, Милтиқсоз, Мисгарон, Тароқчилик, Темирчи, Тошкесар, Эгарчи, Ўқчи, Қамчифуруш, Қоғозгар, Йўрмадўз ва ҳоказолар орқали шу ердаги форс, тожик ва ўзбек миллатларига мансуб аҳолининг маданияти ва ҳаёт фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлган "парпаша (тўн ва паранжи) тўқиш, тўқувчилик, телпакфурушлик, камончилик, заргарлик, нонвойлик, бўзчилик" ва бошқа шунга ўхшаш машғулотлар билан шуғулланганини ва натижада шу фаолиятлар олиб борилган жойлар юқоридаги номлар билан аталганлигини пайқаш қийин эмас. Бу эса у ёки бу халқнинг маданияти билан бирга ижтимоий - иқтисодий ҳаётининг ривожланганидан дарак бериб турибди.

Бундан ташқари, шундай топонимемалар борки, улар замирида қабила ва уруғларнинг номи ва ўзига хос маданияти ҳам яширинган. Одатда, бундай топонимемалар этнонимлар асосида вужудга келади ва уларни "этнолингвотопонимемалар" десак ҳам янглишмаган бўламиз, масалан: Еттиуруғ, Жургун, Игдирқалъа, Каттаайдоқ, Кенагас, Манғит, Манғитёп, Манғитобод, Манғитон, Тўқманғит, Оқманғит, Қораманғит, Бойғунди, Чолманғит, Бақирчи, Эсавой, Минглар, Муғулкент, Муғлон, Найман, Найманча, Қоранайман, Небўса, Наймас, Олтиўртоқ, Олтиўғил, Отаўба, Оқбўйра, Сулдуз, Сўзоқ, Такалар, Тейит, Қоратейит, Хидирша, Кўкалан, Тозақиёт, Тома, Томагузар, Тоқчи, Тоқчигузар, Тоқчилик, Тувадоқ, Турғоқ, Туташқангли, Туялас, Тўда, Тўққизовул, Тўғинчи, Урганжи, Хитой, Хитойкент, Қорахитой, Хитоён, Биринчи Хитой,

[5] *Addison W. Understanding English Place-names. London, 1978, p 115;*

[6] *George R. Stewart, American Place-Names: A Concise and Selective Dictionary for the Continental United States of America (New York: Oxford University Press, 1970), p 262.*

[7] *Юсупов Ў.Қ. Маъно, тушунча, концепт ва лингвокультурема атамалари хусусида // Стилистика тилшунosликнинг замонавий йўналишларида. Илмий-амалий конференция материаллари. - Т., 2011, 50 б.;*

Иккинчи Хитой, Чағали, Чегитир, Чекчувулдоқ, Чувуллоқ, Чимбой, Чубурғон, Чўнгбағиш, Шунқор, Шилдир, Элатон, Юз, Ўлжатўпи, Япағи, Ялонғоч, Ўрғу, Қалмоқ, Қарға, Қаҳат, Қизилмуш, Қипчоқ, Қирқлар, Қовчинон, Қозоқовул, Қораманас, Қорасоқол ва бошқалар.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, инглиз тилидаги маълум бир топонимемалар "Toponymemes of pluralia tantum" сифатида келиши мумкин. Яъни айрим топонимемалар фақат кўплик сонда келиши ва қўлланилиши мумкин. Бундай ҳолатларда топонимемалар баъзан аниқ артикль, баъзан эса усиз ишлатилади. Масалан, the Netherlands, the Filippins, the Bahamas, the Philippines, the Alps, the Himalayans, the Saharas, Ribles, Arctics, Antarctics, Thames, Dumfries, the Philippines; Ands - the And mountains, Saharas - the Sahara deserts, the Alps - Alp mountains, the Bahamas - Bahama Islands, ва б.

Ўзбек тилида субстантив топонимемаларнинг бундай хусусиятлари учрамайди. Лекин инглиз тилидан фарқли ўлароқ, ўзбек тилида нафақат отлар, балки сифатлар билан ҳам ифодаланган топонимемаларни учратишимиз мумкин. Масалан, Қумайли, Газли, Қайчили, Пичоқли, Қиличли, Болтали, Бургали, Занжирли(к), Олмали(қ), Сергили, Қўйли(қ), Бўстонли(қ), Сойли(қ), Оҳакли(қ), Аламли, Анжирли, Пиёзли, Толли, Чаёнли, Қияли, Ўлмас, Толмас, ғайтмас, Болғали, Болта, Болтали, Болтакўл, Болтаовул, Дўнгболтали, Пастболтали, Қайчили, Пичоқли, Қиличли, Ўроқли, Болғали Қангли, ва ҳ.к..

Юқорида келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, жой номларида у ёки бу нарса шу жойларнинг эътиборга молик жиҳати, сифати, довруғи, номи билан тарихан узвий боғлиқдир. Инглиз тилидан фарқли ўлароқ, бу жиҳат ўзбек тилининг муҳим типологик хусусияти ҳисобланади.

Бу универсал лексик қатламнинг ўзига хос аҳамиятга молик бир қатор жиҳатлари ва ранг - баранг қирралари мавжуд. Бунинг боиси шундаки, қиёсланаётган инглиз ва ўзбек тилларида жой номларини ифодаловчи лексемалар бир яхлит тизимни ташкил этади. Улар турли этимологик, лингвокогнитив ва лингокультурологик жиҳатларга эга бўлган субстантивемалар (ёки отлашган бошқа сўз туркумлари) бўлиб, бундай жиҳатлар уларнинг ўзига хос ва мос шакл, маъно (семантика) ва вазифа кўламларига эга эканлигидан далолат беради. Юқорида зикр этилган субстантивемалар мулоқатда тегишли коммуникатив-прагматик, лингвокультурологик ва лингвостилистик вазифаларни бажарадилар. Уларнинг аксарияти эпонимик табиатга эга бўлиб, доимо ўзларига хос лингвокультурологик хусусиятларни ҳам намойиш этадилар, (масалан, Ҳайдаробод, Жалолобод, ҳасанқора, Хўжа матвали, Қамбарота, Ниёзботир, Бектемир, Бегмурод, Cooperstown, Bloomberg, Washington, Joseftown, Clinton, Jordan ва бошқалар), шу боис уларнинг ҳар бирини "лингвокультурема" деб аташга тўлиқ асос бор, чунки юқорида келтирилган отларнинг маъно кўламида тилда сўзлашувчиларнинг маданияти билан боғлиқ маълум компонент(лар) албатта мавжуд, ваҳоланки бундай компонентларни маданият компонентлари деб аташга тўлиқ асос бор. Биз уларни нафақат топонимемалар, балки лингвокультуремалар, ва ҳатто этнолингвокультуремалар деб атасак муболаға бўлмайди.

Демак, жой номлари, яъни топонимлар инсон ҳаётида бошидан кечирган турли ижтимоий-сиёсий, маданий ва маърифий муносабатларни ўзида мужассамлаштирган лингвистик бирлик ҳисобланади. Яъни, улар тил лексикасининг бир қисми ҳисобланиб, тил қонуниятларига бўйсунган ҳолда пайдо бўлади ва ривожланади. Жой номлари муайян жой тарихи ҳақида маълумот ташибгина қолмай, тил бирлиги сифатида халқнинг тарихи, маданияти ва маънавияти ҳақида гувоҳлик бериб туради.

Яна шуни ёдда сақлашимиз жоизки, жой номлари қайси тилга мансуб бўлишидан қатъий назар, шу тилда сўзлашувчи халқнинг ўзига хослиги, миллий менталитети ва маънавиятини ифодаловчи асосий восита, ўзига хос элемент ҳамдир.

Бир сўз билан айтганда, топонимлар ҳар бир халқ учун аждодлардан авлодларга ёки ўтмишдан бугунга ва келажакка маълумот ташийдиган асосий кўприк вазифасини ўтайди.

**Тақризчи: ф.ф.д., профессор А.Маматов**

************************

# БОШЛАНҒИЧ СИНФ ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ДИДАКТИК ЎЙИНЛАР ҚЎЛЛАНИЛИШИНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ

***Саидова Гулруҳ Ҳалим қизи-*** *докторант, Тошкент давлат педагогика университети*

**АННОТАЦИЯ:**

Ушбу мақолада ўқув ва методик адабиётларда турли асосланишлар, белгилар, ўтказиш методлари ва шакллари бўйича бўлинадиган дидактик ўйинларни акс этадиган таснифлар, дидактик ўйинларга қўйиладиган талаблар, ўқувчиларда дидактик ўйин орқали универсал билиш ўқув ҳаракатларини шакллантириш бўйича ишларни олиб бориш ва ташкил қилиш бўйича тавсиялар ҳақида сўз юритилади.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** дидактик ўйинлар таснифи, дидактик вазифа, Ҳйинли ҳаракатлар

В данной статье рассматриваются вопросы классификации дидактических игр в учебно-методической литературе, которые подразделяются на различные основы, символы, методы и формы, требования к дидактическим играм, рекомендации по ведению и организации работы по формированию универсальной познавательной учебной деятельности у студентов с помощью дидактических игр. упоминается.

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** классификация дидактических игр, дидактическое задание, игровые действия

This article discusses the classification of didactic games in the educational literature, which are divided into various foundations, symbols, methods and forms, requirements for didactic games, recommendations for conducting and organizing work on the formation of universal cognitive educational activity in students with the help of didactic games. mentioned.

**KEYWORDS:** Classification of didactic games, didactic task, game actions

Болаларда билиш хусусиятига эга бўлган асосий фаолият - бу ўйин. Маълумки, болалар ўйнашни яхши кўради, ва бу ўйинлар қанчалик фойдали ва мазмундор бўлиши катталарга боғлиқ.

Дидактик қонунлар, педагогик амалиёт нуқтаи назарига кўра, бола ёш хусусиятини ҳисобга олиш зарур бўлиб ҳисобланади. Кичик мактаб ўқувчиларига бериладиган билимлар юқори мактабда ўзлаштириладиган билимлардан фарқ қилади.[1] Бу билимларни ўқитишнинг турли шаклларида амалга ошириш мумкин. Кичик мактаб ўқувчилари учун дидактик ўйин шакли янада табиий ва самаралидир.

Дидактик ўйин кўп қиррали мураккаб педагогик ҳодиса бўлиб ҳисобланади: у кичик мактаб ўқувчиларини ўқитишнинг ҳам ўйинли методи, ҳам ўқитиш шакли, ҳам мустақил ўйин фаолияти, ҳам ҳар томонлама бола шахсини тарбиялаш ва ривожлантириш воситаси.[2] Бошқа муаллифнинг дидактик ўйин ҳақидаги таърифи шундан иборатки, бу "ўзига хос педагогик мулоқот варианти, ундаги ўқитиш мақсадларига ўйинли вазифалар ва уларни ҳал этиш воситасида эришилади".

Ҳар бир дидактик ўйин ўз ичига бир қанча белгиларни олади.

1. Дидактик вазифа
2. Мазмун
3. Қоидалар
4. Ўйинли ҳаракатлар.

Бундай нуқтаи назарни кўпгина ўқув ва методик адабиётларнинг муаллифлари қўллайди. Дидактик ўйиннинг энг муҳим белгиси дарслар дастури билан чамбарчас боғлиқ бўлган ва ўйин моҳиятини шартлайдиган дидактик вазифа ҳисобланади.

Ўйин ҳаракатлари - ўйин асоси. Ўйин ҳаракатлари қанчалик хилма-хил бўлса, шунчалик ўйиннинг ўзи болалар учун қизиқарлироқ бўлади ва билиш, ўйин вазифалари муваффақиятли ҳал этилади.[3]

Қуйидаги дидактик ўйинлар таснифи мавжуд:

а) фанлар билан;

б) стол устида ўйналадиган босма;

в) сўзли.

Ўқув ва методик адабиётларда турли асосланишлар, белгилар, ўтказиш методлари ва шакллари бўйича бўлинадиган дидактик ўйинларни акс этадиган бошқа таснифлар ҳам учраб туради. Баъзи бирларини кўриб чиқамиз.

А.И. Сорокина илмий изланишларида дидактик ўйинларнинг ҳар бир гуруҳи янада батафсил босқичма-босқичликка эга. Масалан, у қуйидаги дидактик ўйинлар турига ажратилади: саёҳат-ўйинлар, топшириқ-ўйинлар, тахмин-ўйинлар, -топишмоқ-ўйинлар, суҳбат-ўйинлар.[4] Ўйинли материал шакллари бўйича (нарсалар билан ўйнаш, стол устида ўйналадиган босма ўйинлар ва сўзли ўйинлар) амалга ошириладиган ўйин турлари таснифи айнан дидактик ўйин турини (қолган таснифлар кўпроқ ўйин ифодаланиши ёки унинг йўналишини ифодалайди) аниқ акс этади. Ривожлантирувчи дидактик ўйинларни синф ёки болалар гуруҳи билан ўтказиш яхшироқ, сабаби айнан жамоа ўйинлар тафаккурни яхшироқ ривожлантиришга қодир.

Дидактик ўйинлар билимларни ўзлаштириш, мустаҳкамлаш, билиш фаолияти усулларининг эгалланишига ёрдам беради; уларнинг ёрдамида болалар нарсалар белгиларини ўзлаштиради, таснифлаш, умумлаштириш, солиштиришга ўрганади. Дидактик ўйиндан фойдаланиш болаларнинг машғулотларга қизиқишини оширади, фикрнинг жамланишини ривожлантиради, дастур материалининг яхшироқ ўзлашишини таъминлайди.

Дидактик ўйинда ўқув, билиш вазифалари ўйинли вазифалар билан ўзаро боғланган, шунинг учун ўйинни ташкил қилишда таълим фаолиятида қизиқтирадиганлик белгилари борлигига алоҳида эътибор берамиз: излаш, кутилмаганлик, топқирлик ва бошқалар. Дидактик ўйинлар орқали педагог болаларга мақсадли таъсир кўрсатади, методик усулларни ўйлаб чиқади, дидактик вазифалар барча болалар томонидан қабул қилинишига эришади. Мунтазам равишда дастур талабларини ҳисобга олган ҳолда материални мураккаблаштириб, педагог дидактик ўйинлар орқали тушунарли бўлган билимларни етказади, зарурий малакаларни шакллантиради, психик жараёнларни такомиллаштиради.

Кичик мактаб ёши-мактаб болалигининг ўта муҳим даври. Ижтимоий ривожланиш вазияти

*[1]. Тростенцова Л.А. Обучение онаскому языку в школе как целенаправленный процесс- М., 2006.-26 с.*
*[2]. Зеленина Л.М.Русский язык: Учеб.для 2 кл. нач.шк. М.:Просвещение,2010. - 366с.*
*[3]. Крайнюк В.М. Речевое развитие младших школьников. -М., 1995. 364с.*
*[4]. Рабочие программы. Начальная школа. 2 класс. УМК "Перспективная начальная школа" / Авт.-сост. Г.С.Кащаева, Т.В Попова; под ред. С.А. - М.: Планета, 2013.-218с.*

боланинг ўз оиласидан четга чиқиши ҳисобига ўзгаради, мулоқот доираси ўзгаради. Катталар билан бўлган муносабатларда ўзгаришлар содир бўлади-энди катталар унинг олдига вазифа қўяди, "бола - катталар - вазифа" чизмаси амалда бўлади. Боланинг мактаб даврини қанчалик тўлақонли бошидан кечириши ақл-идрок даражаси, шахс даражаси ҳамда ўқиш малакаси ва истагига боғлиқ ва у ўз кучига ишонишни бошлайди.

Бола ҳаёти характери мактабга бориши билан тубдан ўзгаради. Биринчи кунлардаёқ болада тайёргарлиги ва ривожланиши даражаси ўртасида ва мактаб талаблари ўртасида зиддият юзага келади. Талаблар доимо ортиб боради, улар бола диққат-эътибори, хотираси, фикрлаши ва нутқига қўйилади. Кичик ўқувчи учун бундай зиддият ривожланиш ҳаракатлантирувчиси бўлиб ҳисобланади.

Кичик мактаб ёши - ўзига хос бола ривожланиши босқичи. Шахс ривожланиши ва психик вазифалар етакчи ҳисобланган ўқув фаолияти доирасида амалга оширилади (Д.Б. Эльконин даврий жадвалига кўра). Ўқув фаолияти ўйинлар ўрнига келади. Ўйин фаолияти мактабгача ёшда, яъни бола болалар боғчасига борганида етакчи ҳисобланган. Ўқув фаолият-бу психик жараёнлар ва кичик ўқувчи вазифаларининг қайта қурилиши бошланиши.[5]

Кичик мактаб ўқувчиларида таълимотга тўғри муносабат дарҳол шаклланмайди. Улар ҳали нима учун ўқиётганини билмайди. Таълимот - катта сай-ҳаракатлар, диққат-эътибор, фаоллик ва ўз-ўзини чеклашни талаб қиладиган улкан меҳнат. Агар бола шундай маромга ўрганмаган бўлса, у қайғуради, ва ўқишга салбий қарай бошлайди. Бундай бўлмаслиги учун педагог болага ўқиш - бу иш деб тушунтириши керак. Лекин бу иш жуда қизиқарли. Ўқув фаолиятининг ташкил қилиниши педагог сўзлари билан мустаҳкамланиши ўта муҳим.

Фикрлаш бола учун устун вазифа бўлиб ҳисобланади. Фикрлаш жараёнлари ривожланади ва қайта қурилади. Қолган психик жараёнларнинг ривожланиши кичик ёшдаги ўқувчи ақл-идрокига боғлиқ. Кўргазмали-образли фикрлашдан сўзли-мантиқий фикрлашга ўтиш содир бўлади. Мантиқий мулоҳазаларнинг юзага келиши бошланади. Бола мулоҳаза юритганида операциялардан фойдаланади. Ўқув жараён шундай тарзда қуриладики, сўзли-мантиқий фикрлаш устун туради.

Бу ёшда идрок қилиш ҳали етарли қатъий эмас, шунинг учун бола баъзи бир рақам ва ҳарфларни адаштириши мумкин. Масалан. 6 ва 9, Кичик мактаб ўқувчиси ўта ёрқин бўлган ва "кўзга ташланадиган" расм ва нарсаларни мақсадли кўриб чиқиши мумкин. Ранг, катталик ва шакл бош хоссалар бўлиб ҳисобланади. Бола объектларни ўзи таҳлил қила олиши учун педагог кузатишга ўқитадиган ишни олиб бориши керак6. Ўқитувчи болаларга ўқув фаолияти сифатининг баҳоланиши содир бўлиши учун ҳаммага бажарилиши мажбурий бўлган муҳим ва тенг талабларни қўяди.

В.П. Канакина, В.Г. Горецкий ҳамда Е.В. Восторгова. Т. В. Некрасова, В.В. Репкин дарсликлари лингвистик фикрлашнинг ривожланиши, нутқ маданиятининг оширилиши, тилдан оғзаки ва ёзма нутқда фойдаланишда амалий малака ва кўникмаларни ишлаб чиқишга йўналтирилган. Грамматик вазифаларни қўйиб, сўз, гап, матн билан изчил, тизимли ишлаш жараёнида ақлий фаолиятнинг аниқ усуллари орқали, уларнинг ҳар томонлама таҳлили орқали бошланғич синфлар учун она тили дарслиги мактаб ўқувчиси нутқ ифодалилиги, фикрлашини ривожлантириш вазифаларини ҳал этишга ёрдам беради, она тили талими машғулотлари орқали болаларда ўйлаш доирасини кенгайтирилади, нутқ малакаларини шакллантириш шарти сифатида тил муҳитини яратади. Оғзаки нутқ машқлари, энг оддий тасвирий-ифодали тил воситалари билан таништириш ўқув материали боғланган нутқни ривожлантириш учун асос яратади:

Таҳсил олувчиларда дидактик ўйин орқали универсал билиш ўқув ҳаракатларини шакллантириш бўйича ишларни олиб бориш ва ташкил қилиш бўйича тавсиялар қуйидагилар:

1. Она тили дарсини тайёрлашда соф дидактик ўйинлар ва болаларни ўқитишда ишлатиладиган ўйинли усулларни аниқ фарқлаш муҳим. Энг муҳими шундаки, ўйин жиддий, астойдил меҳнат билан уйғунлашиши, таълимотдан чалғитмаслиги, балки, аксинча, дарсда ақлий ишни жадаллаштиришга, тасаввур ва ижодий фаолликнинг ривожланишига имкон бериши керак.

2. Дидактик ўйинлар ўзидан ўзи дарсга киритила олинмайди. Ўйинни дарс вазифаларига кўра муайян қисмда киритиш кераклигини аниқ тушуниш керак. Ўқув фаолиятига беллашув белгиси киритилади, вазифанинг яхши бажарилиши ўйин натижаси билан боғланади.

3. Анъанавий дарсларда бўлганидек ўқув вазифасини тўғридан тўғри қўйишдан фарқли равишда дидактик ўйинда у боланинг ўз ўйинли вазифаси сифатида юзага келади, ҳал этилиши усуллари эса ўқув бўлиб ҳисобланади. Ўйинда ва ундан кейин ўйинли мотивлардан билиш мотивларига силжиш содир бўлиши мумкин.

4. Ўйин ва қизиқтирувчи машқлар ижобий эмоционал вазиятни яратади, фикрлаш жараёнларини жадаллаштиради, болаларни диққат билан эшитиш ва ўрганилаётган тил далилларига чуқурроқ қараш, топиш, солиштириш ва кераклигини ажратиш, ажойиб ҳолатдан чиқиш излашга мажбур қилади. Шундай қилиб, дидактик ўйинлардан фойдаланиш рағбатлантиришнинг муҳим методи бўлиб ҳисобланади.

5. Ўқитувчи томонидан ўйиннинг танланиши. Она

*[5]. Рабочие программы. Начальная школа. 2 класс. УМК "Школа России" / - М.: Планета, 2013.- 192с*

*[6]. Журжина Ш.В., Костромина Н.В. Дидактический материал по онаскому языку.-М.: Просвещение, 2007.- 235с.*

тили дарсларида Д.Б. Эльконин типологияси бўйича ўйинлардан фойдаланамиз. У шартли равишда ўқувчиларнинг фаолияти тури бўйича гуруҳлаштирилган бир қанча дидактик ўйинларни ажратади: саёҳат-ўйинлар, топшириқ-ўйинлар, топишмоқ-ўйинлар, суҳбат-ўйинлар (диалог-ўйинлар). Кичик мактаб ўқувчиларини ўқитиш амалиётида кўпинча кўрсатилган ўйинлар ё "соф" кўринишда, ё бошқа ўйин турлари (ҳаракатлантирувчи, сюжет-ролли ва б.) билан бирга қўлланилади.

6. Бошланғич мактаб дарсларида ўтказиладиган ҳар қандай ўйин методикаси қуйидаги тамойилларга таяниши керак:

— дидактик материал долзарблилиги;
— жамоавийлик;
— мусобақалашувчанлик.

7. Кўрсатилган тамойиллар асосида бошланғич мактабда ўтказиладиган дидактик ўйинларга қўйиладиган талабларни қуйидагича таърифлаш мумкин:

Дидактик ўйинлар болаларга таниш бўлган ўйинларга асосланиши керак. Шу мақсадда болаларни кузатиш, уларнинг севимли ўйинларини ажратиш, қандай ўйинлар кўпроқ ёки камроқ ёқишини таҳлил қилиб чиқиш керак;

Ҳар бир ўйин янгилилик белгисига эга бўлиши керак. Болаларга фойдали бўлиб кўринган ўйинларни эмас, балки ўзи истаган ўйинларни бериш керак. Ўқувчилар, агар ўйин уларга ёқмаса ундан воз кеча олиши ва бошқа ўйинни танлай олиш имкониятига эга бўлиши керак;

Ўйин дарс эмас. Болаларни янги мавзуга киритувчи ўйинли усул, мусобақа белгиси, топишмоқ, эртакка саёҳат ва кўпгина бошқалар - бу нафақат ўқитувчи методик бойлиги, балки болаларнинг дарсдаги умумий, таассуротларга бой иши;

Ўқитувчи эмоционал ҳолати у иштирок этаётган фаолиятга мос келиши керак. Барча бошқа методик воситалардан фарқли равишда ўйин уни ўтказаётганнинг ўзига хос ҳолатини талаб қилади. Ўйинни нафақат ўтказиш, балки болалар билан бирга ўйнаш зарур;

Ўйин - ташхис воситаси. Бола ўйинда барча яхши ва ёмон хислатларида намоён бўлади;

Ўйин қоидаларини ёки ўйин муҳитини бузган болаларга интизомий чоралар кўриб бўлмайди. Бу фақат дўстона гаплашиш, тушунтиришга сабаб бўлиши мумкин, унданам кўра, болалар ким ўйинда ўзини намоён қилди ва низодан қандай қилиб чиқиб кетишни бирга йиғилиб таҳлил қилади.

Дидактик ўйинларни бошқариш учта асосий йўналишда амалга оширилади: дидактик ўйин ўтказишга тайёрланиш, уни ўтказиш ва таҳлил қилиш.

Ўйин охирида педагог болаларга кейинги галда янги ўйин ўйнаш мумкинлиги ва у қизиқарли бўлишига ваъда беради. Болалар одатда бу кунни сабрсизлик билан кутади.

Турли дарс босқичларида дидактик ўйинлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги турлича. Дидактик ўйин тўлиқ даражада дарснинг таълим вазифаларини ҳамда билиш фаолиятини фаоллаштириш вазифаларини ҳал этиши ва ўқувчиларнинг билиш қизиқишлари ва лингвистик билимларини ривожлантиришда асосий босқич бўлиши керак.

11. Дарсда ўйинларни ўтказиш:

Болаларни ўйин мазмуни, ўйинда фойдаланиладиган материал билан таништириш;

Ўйиннинг бориши ва қоидаларини тушунтириш. Бунда ўқитувчи ўйин қоидаларига кўра болалар ҳулқ-атвори, қоидаларнинг аниқ бажарилишига эътибор бериши керак;

Ўйин ҳаракатларини кўрсатиш (агар бу ўйинда кўзда тутилган бўлса), уларнинг жараёнида ўқитувчи акс ҳолда ўйин керакли натижага олиб келмаслигини исбот қилиб, болаларни ҳаракатларни тўғри бажаришга ўргатади;

Энди ўқитувчи ўйиндаги ўз роли ҳақида гапириб бериши керак, одатда, ўқитувчи ўйин ташкилотчиси эканлиги, фақат ўйин моҳиятини гапириб бериши ва гуруҳларга бўлинишга (гуруҳли ўйинларда) ёрдам кўрсатиши кераклиги ҳақида айтади, қолган барча ҳаракатларни ўқувчиларнинг ўзи бажаради;

**Ўйин якунини келтириш** - бу ўйинни бошқаришда масъулиятли онг, чунки болаларнинг ўйинда эришган натижаларига кўра унинг самарадорлиги ҳақида хулоса чиқарса бўлади.

**Хулоса ўрнида дидактик ўйин** - кўп қиррали мураккаб педагогик ҳодиса. Дидактик ўйинларда нафақат ўқув билим, кўникма ва малакаларнинг ўзлаштирилиши, балки барча психик жараёнлар, эмоционал-иродавий соҳа, болаларнинг қобилиятлари ва малакалари ривожланади. Дидактик ўйин ўқув материалини қизиқарли қилишга, яхши ишчи кайфиятнинг юзага келишига ёрдам беради. Ижобий эмоциялар идрок қилиш жараёнини енгиллаштиради. Она тили дарсларида дидактик ўйинда ҳар бир бола муайян нутқ вазиятида, ўз шахсий ҳаракатли ва ҳиссий тажрибага эга бўлиб, муайян тил ҳодисалари ва далиллари билан мустақил ҳаракат қилиш имкониятига эга бўладиган шарт-шароитлар яратилади.

**Тақризчи: п.ф.д. Р.А.Абдурасулов**

# ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш зарурияти

***Ахмедов Тўйчи Адашевич*** *- т.ф.б.ф.д (PhD), Жиззах давлат педагогика институти*
***Азимов Муҳаммади Азим ўғли*** *- талаба, Жиззах давлат педагогика институти*

**АННОТАЦИЯ:**

Мақолада бузғунчи ғоялар, уларнинг мазмуни-моҳияти ва жамият тараққиётига таҳдиди билан боғлиқ муаммолар ёритилган. Глобаллашув даврида бузғунчи ғоялар тарғиботида интернет асосий манба бўлиб қолаётганлиги, бундай тарғиботлардан ёшларни ҳимоя қилиш ҳар доим устувор аҳамиятга эга эканлиги очиб берилган. Бузғунчи ғоялар ва уларга қарши курашда олимлар ва тадқиқотчиларнинг ёндашувлари баён қилинган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** бузғунчи ғоялар, ғоявий тарғибот, Ислом маънавияти, мафкуравий хуружлар, миллий хавфсизлик, диний маърифат, маънавий ва руҳий тарбия.

В статье рассматриваются деструктивные идеи, их содержание, а также вопросы, связанные с угрозами развитию общества. В эпоху глобализации стало ясно, что Интернет остается основным источником пропаганды деструктивных идей, и защита молодежи от такой пропаганды всегда была приоритетом. Описаны разрушительные идеи и подходы ученых и исследователей в борьбе с ними.

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** деструктивные идеи, идеологическая пропаганда, исламская духовность, идеологические атаки, национальная безопасность, религиозное воспитание, духовно-духовное воспитание.

The article deals with destructive ideas, their content and problems related to the threat to the development of society. In the era of globalization, it has been revealed that the Internet remains the main source of propaganda for destructive ideas, and that protecting young people from such propaganda has always been a priority. Destructive ideas and approaches of scientists and researchers in combating them are described.

**KEYWORDS:** destructive ideas, ideological propaganda, Islamic spirituality, ideological attacks, national security, religious education, spiritual and spiritual education.

Инсон ҳаёти ғоя ва мафкура билан бевосита боғлиқ бўлгани ҳолда узоқ тараққиёт даврини босиб ўтди. Бироқ, жамият тараққиёти эзгулик ва ёвузлик ғоялари ўртасидаги тўхтовсиз курашлар оқибатида мураккаб жараёнларни бошдан кечирди. Биз шуни эсдан чиқармаслигимиз керакки, ғоялар ўртасидаги бу кураш ҳамон ўзгача кўринишда бўлса-да давом этмоқда. Инсонларни турли хил таъсирчан йўллар билан алдаб, уларни ёлғон ваъдалар билан ишонтирувчи, уларнинг кучини ғаразли йўлларга сафарбар этадиган инсоният ва жамият ҳаётига улкан зиён келтирувчи ғояларни бузғунчи ғоялар дейиш мумкин.

Бузғунчи ғоялар бугунги кунда бир нечта кўринишда намоён бўлмоқда. Булар диний экстремизм, халқаро терроризим, ирқчилик, миллатчилик, эгоцентризм, ватансизлик, ахлоқсизлик ғояларидир. Бузғунчи ғоялар азалдан мавжуд бўлган. Фақат ўзининг услуби, технологиялари ва таъсир этиш механизмини ўзгартириб турган. Бузғунчи ғоялар қайсидир сиёсий кучларнинг мақсадларини амалга ошириш учун восита.

Ҳозирги даврда жаҳонда турли хил ғоялар, мафкуралар, иқтисодий ва сиёсий манфаатлар тортишуви шиддатли тус олмоқда. Шахсий манфатларини қондириш мақсадида диний, ирқий, сиёсий ва ҳатто қуролли тўқнашувларни қастдан келтириб чиқариш йўли билан ўзга мамлакатларнинг табиий бойликларини ўз доирасига, дунёни бўлиб олиш учун бўлган кураш глобал мафкуравий таъсир кўрсатиш орқали амалага оширилмоқда. Бундай вазиятда ғоявий, сиёсий ва мафкуравий ўйинлар гирдобига кўпинча ёшлар дучор бўлмоқда. Ёш авлоднинг бундай аҳволга тушиб қолишига асосий сабаблардан бири бу уларда маънавий дунёқарашнинг пастлигидир. Шунинг учун, ёшлар тарбиясига эътиборли бўлиш, огоҳлик ва сергаклик доимгидек давр талаби бўлиб қолмоқда.

Битта бўлса ҳам бузғунчи ғоя таъсирига тушган ёшнинг ҳатти-ҳаракати ота-онага ҳам, жамиятга ҳам кўплик қилади. Шундай экан, биз ёшлар Ватанимизнинг бугуни ва эртасига бефарқ бўлмаслигимиз, бузғунчи ғояларга қарши туришимиз лозим. Мамлакатимиз Президенти Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек: "Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Ғаразли кучлар содда ғўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қўйиб, уларнинг хаётига, умрига зомин бўлмоқда"

Мана шундай бузғунчи ғоялар сиртмоғига

тушиб қолаётган ёшларни бундай йўлдан қайтариш ва бузғунчи, ёт ғояларга қарши кучли, таъсирчан чораларни кўриш барча фуқаронинг, айниқса ёшларнинг асосий вазифасидир. Жамият янгиланиш ва ривожланишда давом этар экан, бузғунчи ғоялар ҳар қандай кўринишда ўзини намоён этишга ҳаракат қилади.

Уларнинг барчасининг замирида муайян ғоялар тарғиботи ётибди. Шунинг учун бошқаларнинг тинчлигини бузиш, барқарор тараққиётга халал беришга йўналтирилган ҳамда миллий манфаатларга қарши қаратилган бундай тарғибот бузғунчиликдир. Бузғунчи ғоялар инсон феноменига тўғри келмайди. Чунки унинг мақсад ва муддаоси инсонийлик фазилатларидан йироқ, кишилар ўртасига нифоқ, халқлар ўртасига низо солиш, кишиларни турли тарафларга ажратиб, адоват қўзғатишдир.

Шу билан бирга, бундай бузғунчи ғоялар динлараро ва миллатлараро бирдамликка путур етказиш, инсонларни бир-бирига қарши қилиб, улар ўртасига нифоқ солиш каби амалиётларга йўлбошчилик қилади. Бузғунчи ғоя тарафдорлари ёлғон ғоялар асосига қурилган ўз мақсадларини амалга оширишда, кўпинча инсонлар учун энг қадрли ва уларнинг ҳаётида кучли таъсир кучига эга бўлган воситалардан кўпроқ фойдаланадилар. Улар учун энг кучли ва самарали восита дин орқали таъсир ўтказишдир. Бундай ғояларнинг жамият ва инсоният ҳаётига қанчалик зарар келтирганлигини тарих унутгани йўқ ва унутмайди ҳам.

Бузғунчи ғояларни тасниф қиладиган бўлсак барчасининг моҳиятида тинчликка қарши қаратилган мақсад борлигини кўрамиз:

"Экстремистик" сўзи "ақл бовор қилмас даражада", "ҳаддан ошиш", "терроризм" сўзи эса "қўрқитиш", "таҳдид солиш" маъноларида келади. Ҳар иккала ғоя замирида заррача яхши ният йўқлигини тушунчалар мазмуни ҳам кўрсатиб турибди.

**Ирқчилик** - инсоннинг тана рангига қараб ажратиш. Айниқса, қизил ва қора танли фуқароларга нисбатан ирқчилик кайфияти айрим мамлакатларда оммавий тартибсизликларга сабаб бўлмоқда. Энг муҳими ирқчилик инсон ҳуқуқларининг қўпол равишда бузилишидир. БМТнинг қатор ҳужжатларида инсонлар тери рангига қараб айратилмаслиги қатъий белгилаб қўйилган.

**Миллатчилик** - вайронкор ғоялардан биридир. У кўпинча бошқа миллат вакиллари билан муроса қилмаслик мақсадидан келиб чиқади. Бундай ғоя миллатлараро тотувликни бузилишига, беқарорликка сабаб бўлади.

**Эгоцентризм** - худбинлик, индивидуалликни тарғиб этувчи бузғунчи ғоя. Бундай қараш тарафдорлари шахсий истакларни ҳамма нарсадан устун қўяди. Худбинлик инсон ҳатти-ҳаракатининг бош йўналишига айланади. Натижада, инсон жамоадан, яқинларидан ажрала бошлайди.

**Ватансизлик** - инсон муайян ҳудудни тан олмайди. Ўзининг туғилиб ўсган жойи, Она-Ватани уни қизиқтирмайди. Ер юзидаги исталган ҳудуд, жой унинг учун яшашга қулай макондир.

"Оммавий маданият", ахлоқсизлик - бундай бузғунчилик ғояси миллий маънавиятни эскилик сарқити деб ҳисоблайди. Ўзини тутиши, қарашлари ўзгаради. Миллий маънавиятдан ва ахлоқдан узоқлашади. Ғайриоддий ўйинлар, кийимлар, одатларни ўзида мужассамлаштиради. Бир жинсли никоҳ тарафдорлари ҳам мана шундай "Оммавий маданият" тарафдорлари ҳисобланади.

Муаммога диққат билан қарайдиган бўлсак, бузғунчи ғоялар аксарият ҳолларда жамиятнинг мавжуд тузуми ва сиёсий жараёнларидан қониқмаган гуруҳлар томонидан вужудга келтирилади. Шундай экан, бугун мафкуравий тазйиқлардан қутилиш ва бу тазйиқларга қарши таъсирчан чораларни кўриш муаммоси барча давлатларнинг кун тартибидаги асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Айтиш лозимки, ҳозирги даврда бузғунчи ғояларнинг жамият ҳаётига салбий таъсири кўпинча ислом омили билан баҳоланмоқда. Соф ислом дини ва бузғунчи ғояларнинг асл мақсадларини жамиятнинг ҳар бир аъзоси билиб олиши зарур. Ғарб давлатларининг оммавий ахборот машиналари тинимсиз равишда афкор оммага ислом динини бузғунчилик, қотиллик, вахшийлик, зўровонлик дини дея кўрсатишга ҳаракат қилаяпти. Шу жиҳатдан ҳам жамият олдида одамларнинг динимиз қадриятлари билан "Исломни қайта тиклаш шиори" остида муайян кучлар кўзлаётган, динга алоқаси бўлмаган сиёсий ва бошқа тажовузкор мақсадлар ўртасидаги фикрини тушиниб олишларига эришиш зарурияти туғилди.

Бошқача қилиб айтганда, диний экстримизм жамият ҳаёти учун энг муҳим аҳамият касб этадиган диний ақидалар ҳамда қадриятларни рад этиш, уларга умуман ёт бўлган, бузғунчи ғояларни тарғиб қилишга қаратилган хавфли ҳаракат дейиш мумкин. Ушбу ҳаракат тарафдорларининг ўз мақсад ва муддаолари мавжуд. "Улар ўз таъсирини ёйиш учун бузғунчилик ва тажавузкор ғоялар, мафкуралар воситасида ўзга халқлар ҳамда давлатлар миллий маданияти, маънавияти ва қадриятларини емиришга интилмоқдалар. Улар ёш авлод онги ва қалбини эгаллаш, маънавий-ахлоқий чалғитиш учун кескин кураш олиб бормоқдалар ва қайсидир маънода бунга эришмоқдалар".

Ўзаро низо келтириб чиқариш муқаддас ислом динига умуман ёт ҳолатлардир. Бу хусусида Қуръони каримда шундай дейилади: "Аллоҳ фасод (бузғунчликни) ёқтирмайди"(Бақара, 205). "Уларга: ер юзида фасод (бузғунчилик) қилманглар!", - дейилса, улар: "Албатта, биз аслислоҳатчилармиз", - дейдилар. Огоҳ бўлингки, айнан уларнинг ўзлари бузғунчилардир, лекин (буни ўзлари) сезмайдилар. (Бақара, 11-12). Куфурда бўлган ва (одамларни) Аллоҳ йўлидан тўсган кимсаларга бузғунчилик қилганликлари сабабли азоб устига азобни зиёда қилурмиз (Наҳл, 88).

Бугунги кунда теварак атрофда рўй бераётган таҳликали ҳодисалар инсонларни ҳар доимгидан

ҳам сергакликка чорлайди. Эндиликда ғоялар ва мафкуралар кураши анчайин шиддатли тус олмоқда. Зеро, "ғоялар кураши даврида ҳар бир фуқаро тажавузлар моҳиятини тўғри англаб етиши талаб этилади. Шу билан бирга, бундай қарама-қаршиликлар қайси кучларга таяниши, қандай фикирларни тарғиб этишини ҳам яхши англаш лозим. Айни шундай ғояларга қарши мустаҳкам имунитетни шакиллантириш ва бунёдкор ғоялар ила камол топган ёшлар қатламини вужудга келтириш долзарб вазифадир".

Айни вақтда ҳаётимизнинг узвий қисмига айланиб бораётган интернетдан тўғри мақсадларда фойдалана олмаслик ҳам ёшларни йўлдан адаштирмоқда. Бугун арзимаган бир нотўғри информация бутун бошли мамлакатнинг оёққа туришига ва ёшларда бузғунчилик инстинктининг кучайишига сабаб бўлмоқда. Ушбу глобал тармоқдан ёшларни айро ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки, бу тармоқ ёшлар фаолиятининг асосий тармоғи бўлган таълим соҳасини ҳам деярли тўлиқ эгаллаб улгирган ва унинг фаолияти чегараланмаган.

Ҳозирги интеграциялашув жараёнлари кучаяётган бир даврда ҳимояга муҳтож, аммо жамиятнинг асосий соҳаларига ўта қизиқувчан ёшларни ўткинчи ёт ғоялардан асраб-авайлаш ҳар доимгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, ғоялар кураши ўзига хос равишда давом этаётган XXI асрда ёшларни маърифатли қилиб тарбиялаш орқали бузғунчи ғояларга қарши курашмоғимиз керак. "Инсоният бор экан, ҳаёт давом этаркан глобал тармоқдаги маълумотлар янгиланиб бораверади. Инсон бу тармоқдги маълумотлардан тўғри ёки нотўғри маълумотларни танлайди. Бу унинг танловидир. Аммо, бу танловдан олдин унда билим, кўникма ва малака мавжуд бўлса, у ҳамиша тўғри йўлни танлайди".

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2019 йил 12 мартдаги ҳал қилув қарорига кўра, 40 дан ортиқ экстремистик ташклотлар деб топилган профил, канал ва саҳифаларнинг номи аниқланган. Эндиликда биз бузғунчиликни тарғиб қилувчи ахборот ҳуружларидан сақланиш учун ўзига хос хавфсизлик тизимларини яратишимиз керак. Чунончи, "Бугун интернет тармоқлари ичра кезаётган ёт ғоялар омманинг фикрига таъсир этмасдан қолмаяпти. Кўринмас қўлларнинг маккарона ҳийласидан халқимизни, айниқса, ёшларимизни огоҳ этиш ҳар бир юртдошимиз зиммасидаги муҳим вазифадир". Ёшларни ёт ғоялар тасиридан асраб авайлаш учун биз уларни ёшликдан жисмонан бақувват ва ақлан етук қилиб тарбияламоғимиз керак.

Бузғунчи ғояларга қарши курашнинг энг мақбул йўли бу давлат, жамият ва оила даргоҳларида ҳар томонлама тарбия топган ёш авлодни вояга еткazишдир. Борликда ҳар бир нарсанинг бошланиш манбаси бўлгани каби, фарзант тарбиясининг ҳам бошланиш манбайи мавжуд ва у жамиятнинг асосий негзи ҳисобланадиган оиладан бошланади. Ушбу даргоҳни ташкил этувчи ота ва онанинг тарбиядаги ўрни алоҳида аҳамият касб этади. "Улар ўз фарзандларини ақлли, эс-ҳушли, жисмонан соғлом, диёнатли эътиқодли, жамият ва миллатга фойдаси тегадиган инсонлар қилиб тарбиялаш ҳақида қайғуришлари керак".

Биз учун бир нарса аёнки, оилада мустаҳкам тарбия топган, оқ ва қорани танийдиган, ҳаётда ўзига хос мақсад ва интилишларга эга бўлган ёшлар ҳеч қачон ёт ғоялар таъсирига тушиб қолмайди. Шу билан бирга, яна шуни унутмаслигимиз кераки, вайронкор ғоя тарафдорлари ўз мақсадларини амалга оширишда инсон учун энг азиз бўлган Ватан, оила каби макон ҳамда тинчлик, миллийлик ва маданият каби терминлардан устамонлик билан фойдаланмоқда. Шунинг учун биз ёд ғояларга қарши кураш йщлларини тарбия билан боғлиқ ҳолда ёшлар онгига сингдиришимиз лозим. Бинобарин улар бизнинг куч-қудратимиз эртанги кунга ишончимиз ва таянчимиздир.

Айнан шундай тарбия топган инсонларгина малакат равнақи учун ўзининг барча куч ғайратини сафарбар этади. Шу билан бирга "маънавиятли ва эътиқодли кишилар ўз маслаги, ватани учун жонини фидо қилишга ҳам тайёрдирлар". Шундай экан, жаҳондаги ҳар бир мамлакат ўзининг танлаб олган йўли, мақсади, мафкураси ва орзу интилишларидан қаъий назар ёш авлод тарбиясига етарлича эътибор бермас экан, уларнинг барча саъй-ҳаракатлари бесамар кетиши тайин.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда ёшларни ёт ғоялар таъсиридан асраш ва уларни маънан етук ва жисмонан баркамол этиб тарбиялаш умуман кечиктириб бўлмайдиган вазифаларимиздан бири бўлиб қолмоқда. Бунга сабаб малакатимиз ривожланиши учун омил бўлувчи барча давлат соҳалари: бошқарув, ҳарбий, сиёсий ва иқтисодий соҳаларда ёшларнинг кенг иштирок этишидир. Шунинг учун биз ёшларни ҳар томонлама билимли ва соғлом фикрли комил инсон қилиб тарбиялашимиз керак. Бу мақсадга эришишда давлатимиз ёшларга кенг имкониятларни очиб бермоқда ва уларни рағбатлантирмоқда. Бундай имкониятларни қўлдан бой бермайдиган ўзгаларга ўрнак бўлувчи ёшлар сони йилдан-йилга кўпаймоқда. Буни қўйдаги соҳаларда улкан ютўқларга еришган иқтидорли ёшлар мисолида кўришимиз мумкин. Бузғунчи ғоялар тарихий тараққиёт даври мобайнида дастлаб турли хил босқинчилик юришлари ва ўзаро

конфликтлар шаклида инсониятга катта таҳдид слоган бўлса, эндиликда улар ўз кураш шаклини ўзгартириб мафкуравий шаклда таҳдид солмоқда. Бундай таҳдидларга ҳар доим қарши туришимиз, огоҳлик ва сергакликни йўқотмаслигимиз керак.

Ёшларни бузгунчи ғояларнинг кучли таъсиридан ҳимоялаш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Бузғунчи ғояларга қарши курашишда ёшларни миллий ғоя ва мафкура билан қуроллантириш;

2. Диний билимлар жамланган миллий сайтларни кўпайтириш ва уларнинг фаолиятини такомиллаштириш;

3. Ёшларни, айнан ўсмир ёшдаги болаларннинг психологиясига тўғри ёндашиш, бузғунчи ғоялар уларнинг онгида пайдо бўлиш йўлларини синчковлик билан кузатиб, унинг олдини олиш зарур;

4. Ғоявий, мафкуравий ва диний руҳдаги хавфнинг вужудга келиши ва унинг олдини олишга доир тадбирларни жамиятнинг кенг қамровли жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликда олиб бориш;

5. Ёшлар орасида бузғунчи ғоялар фаолия-тига чек қўйиш ҳамда уларга қарши курашишда халқаро ҳамкорликни янада кучайтириш;

6. Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида Тошкент ислом цивилизация маркази, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ва Республика Маънавият ва маърифат маркази билан қўшма маърузаларни ташкил этиш.

**Тақризчи: т.ф.б.ф.д., Ф.Ақчаев.**

**********************

# ИНСОН - АХЛОҚИЙ ҲАЁТНИНГ БОШ СУБСТАНЦИОНАЛ ЭЛЕМЕНТИ

***Музаффаров Самандар Избасарович*** *- Мустақил тадқиқотчи,*
*Жиззах давлат педагогика институти*

**АННОТАЦИЯ:**

Инсон ва унинг бирликлари ахлоқий маданиятнинг яратувчиси ва ташувчилари ҳисобланади. Инсонсиз ахлоқий ҳаёт юз бермайди. Шунинг учун ҳам инсон ва унинг бирликлари - ахлоқий ҳаётнинг ядроси ахлоқий маданиятнинг тизимини ташкил этувчи бош субстанционал элементи, ахлоқий маданиятнинг яратувчиси ва авлоддан-авлодга ташувчи эканлигига эътибор қаратилади. Мақолада ахлоқий маданиятни шакллантириш, ахлоқий тарбия жараёнларини амалга ошириш объектларини аниқлаштириб олиш ва уни асослаш мақсад қилинган.

**ТАЯНЧ СЎЗЛАР:** инсон, ахлоқ, ахлоқий маданият, субстанция, ахлоқий ҳаёт, ахлоқий тарбия.

In the article, man and his units are considered to be the creators and carriers of moral culture. There can be no moral life without a man. Therefore, attention is drawn to the fact that man and his units are the core of moral life, the main substantial element of moral culture that makes up the system, the creator, and carrier of moral culture from generation to generation. The article aims to identify and substantiate the objects of the formation of moral culture, the implementation of moral education processes.

**KEYWORDS:** man, morality, moral culture, substance, moral life, moral education.

В статье человек и его подразделения рассматриваются как создатели и носители нравственной культуры. Не может быть нравственной жизни без человека. Поэтому внимание обращается на тот факт, что человек и его единицы являются ядром нравственной жизни, основным существенным элементом моральной культуры, составляющей систему, создателя и носителя моральной культуры из поколения в поколение. Целью статьи является выявление и обоснование объектов формирования нравственной культуры, реализации процессов нравственного воспитания.

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** человек, мораль, нравственная культура, субстанция, нравственная жизнь, нравственное воспитание.

Ахлоқий маданият ахлоқий ҳаётнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ва кишиларни тарбиялаши мақсадидаги ишлов бериб яратилган қисми. У ахлоқий ҳаётнинг субстанцияси, яъни асоси ҳисобланади. Ахлоқий маданиятни субстанция сифатида ташкил этувчи субстанционал элементлар, биринчидан, ахлоқий маданият сифатидаги инсон, иккинчидан, инсонларнинг ахлоқий эҳтиёжлари, учунчидан, ахлоқий эҳтиёжларни англаш заруриятидан келиб чиқадиган ва ахлоқий мақсад, режа кабиларни ўз ичига олган ахлоқий онг, тўртинчидан, инсоннинг яратувчилик фаолиятининг бир кўриниши ахлоқий англаш негизида ва у билан параллел равишда амалга ошадиган ахлоқий ижодкорлик, бешинчидан,

ахлоқий ижодкорлик натижалари ўгитлар, юриш-туриш одоблари, ахлоқий урф-одат ва муассасалар, олтинчидан, ахлоқий ижодкорлик натижаларинг ҳаётда фойдаланишидан иборат.

Ахлоқий маданиятни субстанция сифатида ташкил этувчи субстанционал элементларнинг бир бутунлигидан ахлоқий турмуш тарзи, индивидуал ахлоқий муносабатлар, ахлоқий тенденциялар ва хулқ шаклланади. Демак, ахлоқий маданият юқорида кўрсатилган система ташкил этувчи олтита компонентлари ахлоқий ҳаётнинг ядровий, яъни марказий қисмини ташкил этади.

Ахлоқий турмуш тарзи, индивидуал ахлоқий муносабатлар, ахлоқий тенденциялар ва хулқ ахлоқий ҳаётнинг ушбу марказий қисми даражасига боғлиқ ҳолда юз беради. Бу тизимда ахлоқий маданиятнинг биринчи ва бош субстанционал элементи - инсон ахлоқий ҳаётнинг субъекти, иккинчи субстанционал элемент - ахлоқий эҳтиёжи ва манфаат ахлоқий ҳаёт шаклларини, ривожланиши ва амал қилишининг мотиви, ахлоқий онг ахлоқий ҳаётнинг гнесеологик асоси, ахлоқий ижодкорлик ахлоқий ҳаётнинг мавжудлик усули назарда тутилади. Шунингдек, ахлоқий ҳаётнинг навбатдаги мавжудлик усули функцияларини ахлоқий ижодкорлик натижалари, ахлоқий ҳаётнинг манбаи ва воситаси ташкил этади. Ахлоқий ижодкорлик ва унинг натижалари ҳаётда фойдаланиши кишилар ахлоқий фаолиятининг икки босқичда намоён бўлади.

Демак, ахлоқий ҳаётнинг сифат даражасида ахлоқий маданиятнинг кўлами ва даражасига боғлиқдир. Ахлоқий маданият ўзгариши билан ахлоқий ҳаёт ҳам ўзгаради ва ривожланади. Аммо ахлоқий маданият жамият мавжудлиги ва ривожланишининг асоси - бир бутун маданий борлиқнинг элементи ҳисобланади. Чунки маданий борлиқнинг тўртта томонларидан бири, яъни қисми маънавий маданиятдир. Маънавий маданиятниг олтита таркибий қисмларидан бири эса ахлоқий маданиятдир. Ахлоқий маданият ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида тақазо қилинади ва уларнинг субстанционаллиги негизида келиб чиқди.

Шундай экан, бутуннинг қисм ва элементлар устидан умумийликлари бўйича устуворлиги бўлганидек, ахлоқий маданият, биринчидан, жамият мавжудлиги ва ривожланишининг асосий маданий борлиқ ва иккинчидан, маънавий маданият даражалари томонидан белгиланади. Чунки маданий борлиқ умуман жамият, жумладан, ахлоқий ҳаётнинг ядросидир. Ахлоқий маданият ушбу маданий борлиқнинг ахлоқий ҳаётдаги кўринишидир. Ахлоқий ҳаётда маданий борлиқниг устуворлиги ахлоқий маданият орқали намоён бўлишидадир.

Энди ахлоқий маданиятнинг системасини ташкил этувчи бош субстанционал элементининг таҳлилига ўтамиз. Бу борада Б.Ш.Мамарасуловниг тадқиқот ишидаги олимлар томонидан таъкидланган қуйидаги фикрларни келтириб ўтишни лозим деб топдик: "барча жамиятлар ва инсоният тараққиётининг ҳамма босқичларида, ижтимоий ўзгаришлар замирида бошқа жонзотлардан ўзининг онги ва тафаккури билан тубдан фарқ қиладиган ва мақсадга мувофиқ фаолиятни амалга оширадиган инсон ижтимоий ҳаёт субъекти ҳисобланади".[1]

"Инсон" сўзи арабчадан "одам" маъносини беради. "Одам" тушунчаси ҳам арабча сўз бўлиб, фикрлаш, сўзлаш ва меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган, шу туфайли ҳамма маҳлуқотдан устун турувчи жонли зот маъноларини беради.[2]

"Одам ато ва Момо ҳаводан бошлаб, дейилади "Ватан туйғуси" китобида, - севмаган ва севилмаган одам бўлмаган бўлса керак. Севги - муҳаббат ҳақида ёзмаган қалам аҳли бўлмаса керак. Одамда икки дунё бор. Бири моддий дунё, иккинчиси - маънавият. Энг асосий фарқ ҳам шундадир"[3]

Бизнингча, маънавият ҳам иккига бўлинади: инсонийликни ўзига жо қилган ижобий маънавият ва иллатни ўзига жо қилган салбий, қўштирноқ ичидаги "маънавият". "Инсонийлик, - дейди С.Норқўзиев, - инсонийлик, одамгарчилик чегарасида қилинадиган ишлар, одамга ярашадиган, унга зеб бўладиган, шахсни улуғлайдиган фазилатни, ҳаётга одамзод тақдирига инсонпарварлик муносабатини англатадиган ахлоқий меъёр".[4] Бизнингча, инсонийлик бундан кенгроқ маънога эга. У барча ахлоқий фазилатларни ижобий меъёрлар сифатида қамраб олади ва бу ахлоқий меъёрлар "одамзоднинг ер юзидаги инсоний вазифаси яхшилик қилиш" атрофида айланади. Инсон маънавиятининг иккинчи қисми - иллатларни ўзига мос жо қилган қисми фанда салбий меъёрлар сифатида баҳоланади ва улар ёмонлик атрофида айланади.

Ахлоқий ҳаёт, жумладан, ахлоқий маданиятнинг бош субстанционал элементи инсон ва унинг бирликлари экан, бу барада биз Э.Т.Қалқоновниг қуйидаги фалсафий фикрларига дастурил амал сифатида таяндик: "Инсон ва унинг бирликлари. Улар маданий борлиқ юзага келишининг субъектлари яратувчиси ва тушувчилари ҳисобланадилар. Улар ватанпарварликнинг ҳам субъектлари ҳисобланадилар. Инсон танасининг биомаданий ҳодиса сифатида ва демакки, унинг ижтимоий муносабатларга бўйсунган ҳолда ва ўзига хос маданийлашган жисмоний куч сифатида намоён бўлиши ватанпарварликнинг биомаданий иродавий замин бўлиб хизмат қилади. Агар биомаданий организм инсоннинг биринчи томони бўлса, социал руҳият ва фаолият қобилияти унинг иккинчи томонини ташкил этади.

Ватанпарварлик социал руҳият ва фаолият қобилиятининг томонларидан ҳисобланади. Демак, инсон маданий борлиқнинг яратувчиси ва авлоддан-авлодга ташувчиси экан, у ватанпарварликсиз юз бермайди".[5]

Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев - "Биз учун ўз долзарблиги ва аҳамиятини йўқотмайдиган яна бир масала, бу фарзандларимизни мустақил фикрли, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаган, мустаҳкам ҳаётий позицияга эга, чинакам ватанпарвар инсонлар сифатида тарбиялаш вазифасидир".[6] Демак, индуктив метод асосида хулоса чиқарамиз: ватанпарварлик ахлоқийлик тамаддунларидан бири ҳисобланади. Ахлоқийлик

*[1] Мамарасулов Б.Ш. Миллий ғоянинг субстанционал ва институционал ҳусусиятлари (Ўзбекистон мисолида). фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация. Автореферати.-Самарқанд.-2018. 12-бет.*
*[2] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-том. -М.: "Рус тили", 1981. 520-бет.*
*[3] Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. -Т.; "Ўзбекистон", 1997. 54-бет*
*[4] Норқўзиев С. Ахлоқнинг қиёсий меъёрлари. -Т.: "Шарқ", 2019. 40-бет.*

эса инсонларнинг ижтимоий маданий қисми таркибига киради. Демак, инсонга хос тарзда кўрсатилган биомаданий ва ижтимоий маданий томонлар инсоннинг ахлоқий мавжудот сифатида намоён бўлишининг негизларидан ҳисобланади.

Тарихни диалектик тушуниш концепцияси бўйича инсон биоижтимоий маданий ҳодисадир. Инсонни биологик маънода талқин этсак, унда бу тушунча анатомиядаги одам тушунчаси билан айнанлаштирилади. Инсон танасида модда алмашинуви, тўқималар, жинс, инстинклар, ирсий белгилар, шартли рефлекс, асаб тизими каби жиҳатлар биологик ҳодиса ҳисобланади. Одам организми биологик тур ва космик ноёб ҳодисадир.

Одам организми жисмоний куч ва биологик руҳидан иборат, улар ижтимоий маданий нормалар тизимида ярим трансформациялашади. Чунки ҳайвон табиатнинг тайёр маҳсулотларини ўзлаштиради, одамлар эса инсон, яъни ижтимоий муносабатлар маҳсули даражасида воқеликни, хусусан ўзини ҳам ўзгартириб ўзлаштириб ўз мавжудликларини таъминлайдилар. Бу ҳолат соф маданий жараён экан, бунда одам танасининг тузилиши ўзгариб борган. Масалан, одам танаси тик юриш пайдо бўлиб, табиий танланиш қонуни йўқолиб кетган. Демак, инсон биологик жиҳатдан ҳам ярим маданий ҳодисадир.

Инсоннинг биомаданийлиги, ижтимоий маданий, жумладан ахлоқий жараёнлар кўлами амалга ошади. Инсоннинг биомаданийлиги ижтимоийлиги, ахлоқийлигининг биологик замини бўлиб хизмат қилади.

Инсон, аввало биологик жиҳатдан соғлом ва етук бўлиши керак. Ундай киши агар у соғлом ижтимоий муносабатлар тизимида шаклланган бўлса, соғлом фикрлайдиган ва маънавий пок инсонга айланади. Шунинг учун мустақиллик йилларида мамлакатимизда жуда кўплаб йилларни номлаш инсон саломатлиги масаласига эътибор қаратилди. Жумладан, 2010 йил "Баркамол авлод йили", 2014 йил "Соғлом бола йили", 2016 йил "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилинди. Миллат ва унинг вакиллари якка инсонлар биологик жиҳатдан соғлом бўлмас экан, унда тўла-тўкис маънавиятли индивид ва аҳоли тўғрисида фикр юритиш ҳам қийин бўлади. Шунинг учун ҳам И.А.Каримов "Соғлом авлод деганда. Шахсан мен, энг аввало, соғлом наслни нафақат жисмонан бақувват, шу билан биргаликда, руҳи, фикри соғлом, иймон эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлодни тушунаман",[7] - деган эдилар.

Ёшларни давр юкини зиммасига олишга қодир бўлган баркамол инсон қилиб вояга етказиш, уларнинг таълим-тарбияси эса стратегик аҳамиятга молик масалалар сифатида эътироф этилади. Уларга замон талаблари асосида пухта билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, жамиятда муносиб ўрин топиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Зеро, "Миллий маънавият - миллатнинг ўзига хос ҳусусиятлари, анъана, урф-одатлар, қадриятлар ва менталитетини ўзида акс эттирувчи, унинг "мен"лигини кўрсатувчи, ўзлигини белгиловчи интеллектуал-руҳий қудрати ва уни тараққиётга етакловчи ботиний салоҳиятдир."[8] Инсон маънавияти факат таълим-тарбия давомида шаклланиб, ҳаракатга келтирувчи кучга айланади.

Инсоннинг тили, эътиқоди, касби, одоби каби томонлар ижтимоий маданий томонлардир. Инсоннинг ахлоқий мавжудот эканлиги ижтимоий маданиятлигининг биринчи томонидир. Инсоннинг биомаданийлигининг кўринишларидан бири - эр ва аёлдан иборат жинсий бўлиниши, ёш жиҳатдан бўлиниши, қариндошчилик боғланишлари (масалан, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар) ахлоқий мавжудот эканликларининг биологик заминлари бўлиб хизмат қилади. Ва аксинча, инсондаги бу биомаданий томонлар ижтимоий маданий жиҳатлар - боғланишлар, масалан, эр ва хотиннинг жамият ва оилада, ота ва онанинг фарзандлар билан муносабатлар тизимида ўз мақом (статус) ларини сақлаб туришлари орқали намоён бўлади, социал нормаларга бўйсунган ҳолда амал қилади. Эрлик мақоми ва мажбуриятлари айни вақт ахлоқий маданий жараёнлар ҳамдир.

Жинсга боғлиқ муомала одоби ҳам тарихийдир. Матриархатлик ва патриархатлик турмаш тарзларининг ўзига хос ахлоқий талабларни келтириб чиқарганликлари бунинг ёрқин далилларидир. Мутафаккирлар таъкидлаганидек, биринчи қуллик аёллар қуллигидир. Шу даврдан эътиборан патриартхарт, яъни эрларнинг ҳуқуқларининг устуворликлар ва шунга боғлиқ ҳолда ахлоқий талаблар келиб чиққан. Қадимги ҳиндистонда брахманнинг вафоти туфайли кўмиш маросимида ҳам унинг қуллари ва аёллари ҳам "хизмат қилади" деган нақлда қўшиб кўмилиши бунинг ёрқин исботидир.

Инсонпарварлик ахлоқийликнинг ўзаги, асосий қисми, моҳиятидир. ҳақиқий инсонпарварлик ибтидоий пода ҳолатидан уруғдошлик тизимига ўтишида, қон-қардош оила (яъни, ака-ука, опа сингил айни вақтда бир-бирларига эр ва хотин)-нинг ўрнига жуфт оила таркиб топган даврлардан бошланган.

Социал-синфий тузилишлар келиб чиққан даврларда зодагонлар, коҳинлар, зиёлиларнинг ўзига турмуш тарзи ва ахлоқий тартиботи ҳам келиб чиққан.

Эстетика фанида гедонистик ёндашув ҳам мавжуд. Гедонизм юнончадан лаззатланиш деган маънони англатади. "У, дейилади "Фалсафа: қомусий луғат"ида, - лаззатланиб умр кечириш инсон ҳаётининг асл мазмунини ташкил этиши лозим, деган қарашга асос бўлган ғоя ва турмуш тарзига интилиш"дир.[9] Бугунги кунда ғарбда гедонистик ахлоқий маданият модели ҳам илгари сурилмоқдаки, бу ҳақда В.Жадан шундай дейди: "Гедонистик ахлоқий маданиятнинг гуруҳ субъекти ўз ичига, асосан, зодагонларни олган, чунки уларнинг турмуш тарзи интелектуал қобилиятларини ривожлантиришга имкон берадиган даражада

*[5] Қалқонов Э.Т. Ватанпарварлик шаклланирши ва амал қилишнинг боғлиқлик қонуниятлари (Ижтимоий фалсафий таҳлил). Фалсафа фанлари номзоди диссертация. Автореферати.-Т., 2011. 12-бет.*

*[6] Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. -"Ўзбекистон", 2017. 103 б.*

*[7] Каримов И.А. Соғлом авлод - халқимиз келажаги//Каримов И.А.Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. 8-том. -Т.: "Ўзбекистон", 2000. 94-бет.*

*[8] Отамуратов С. Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик. - Т. "O`zbekiston", 2013.-Б.164.*

бўлган. Улардан ташқари ушбу гуруҳга зодагонлар томонидан ижодий фаолиятга жалб қилинган интелектуал солоҳиятга эга деҳқонлар ҳам кирган".[10]

Демак, инсон хулқи кишиларнинг макро ва микро бирлиги бағрида шаклланади. Инсонларнинг микро бирлиги оила ва меҳнат жамоаларидан иборат. Инсонларнинг макро бирликлари уруғ-қабила, элат ва миллат ва уларнинг социал-синфий, жамоавий, демографик йўналишларидан иборат. Бу йўналишлар негизида, масалан, социал-синфий бўлинишида касб-ахлоқи, жамоавий бўлинишида шаҳар ва қишлоқ аҳолиси турмуш тарзи ва унга мувофиқ бўлинишлар негизида аёллар ва эркаклар шаъни ахлоқи таркиб топади. Шунинг учун ҳам синфий кураш назариясида синфларга боғлиқ ҳолдаги ахлоқнинг тарихий типлари ҳам кўрсатилган ва бўрттирилган.

Демак, инсон ва унинг бирликлари ахлоқий маданиятнинг яратувчиси ва ташувчиларидир. Уларсиз ахлоқий ҳаёт юз бермайди. Шунинг учун ҳам инсон ва унинг бирликлари ахлоқий ҳаётнинг ядроси - ахлоқий маданиятнинг система ташкил этувчи бош субстанционал элементидир. "Бизнинг асосий бойлигимиз, - деган эди И.А.Каримов, - ривожланган давлат тузишга олиб борадиган йўлларидаги асосий таянчимиз - инсондир. Юксак малакали ва юксак маънавиятли инсондир".[11]

Ахлоқий маданият моҳиятан жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий тараққиётида намоён бўлади. Ахлоқий маданиятнинг бош мақсади эса инсонни ҳақиқатга олиб бориш, уни комил шахс сифатида тарбиялаш масаласидир. Шу аснода ахлоқий маданият ижтимоий ҳаёт билан бевосита муносабатга киришади. Ахлоқий маданиятни ривожлантириш бу соҳада дунё халқлари тўплаган тажрибаларини ўрганиш ва ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида қўллаш, эгоцентризм, индивидуализм каби ғоялар олдини олади. Зеро, ахлоқий маданият замонавий давр талаблари ва ғоявий курашларига қарши тура олувчи ҳаётда ўз ўрни ва ўзлигини топаоладиган, маълум илм-фан ёки касб-ҳунарни эгаллаб, шу соҳада ўз малакасини ошириш учун тинмай изланиш олиб борадиган, илғор фикрли юксак маънавият ва миллий ғояга эга бўлган ёшларни тарбиялашга ҳисса қўшади.

Агар инсон ва унинг бирликларидаги ахлоқийликни умумийлик, хусусийлик ва алоҳидалик диалектикаси бўйича таҳлил қилсак, инсонларнинг макро бирликлари миллат ва инсоният умумийликни касб этади ва бунда ахлоқий менталитетнинг инсонларнинг микробирликлари - оила ва меҳнат жамоалари ва индивиднинг маънавий қиёфасига нисбатан устуворликларини кўрамиз. "Фуқаролик жамияти, - дейди Б.У.Рахмонов, - ҳуқуқий таяниб ўз-ўзини ташкиллаштирилаётган инсондаги нозик ва ҳаётий ҳолатларни ахлоқ ва қадриятлар тартибга солаолмаса, қонуний жиҳатдан объектив тарзда тартибга солади".[12]

Барча инсонларга хос бўлган умумий томон ва асос ақли расоликдир. Индивидда ахлоқийликни юксалтириш ақли расоликка ишлов бериш орқали юз беради. Умумийлик субстанционал характерга эга бўлади. Умумийлик хусусийлик орқали алоҳидаликда намоён бўлади шундай экан инсоннинг ахлоқий мавжудот бўлиб шаклланишида ўрта бўғин - оила ва меҳнат жамолари (жумладан, болалар боғчалари ва ўрта мактаб)нинг ўрни бирламчи аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги 2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган қонуннинг 5-моддасида: "Ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат: ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш;

*<u>*ёшларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш;*</u>*

*<u>*ёшларнинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашиш;*</u>*

*<u>*ёшлар учун очиқ ва сифатли таълимни таъминлаш;*</u>*

*<u>*ёшларни ишга жойлаштириш ва уларнинг бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш;*</u>*

*<u>*ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси,</u>* бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга қилиб тарбиялаш"[13] шундай экан, ахлоқий тарбия бўйича асосий тадбирларни оила ва меҳнат жамолари, хусусан болалар боғчаси ва умумий ўрта мактабларга қаратмоқ лозим. Бу билан муайян даражада индивид қамраб олинади: ҳар холда индивиднинг ахлоқий қиёфасини юксалтириш жамият талаблари даражасида амалга ошади. Шунинг учун ҳам, В.Гумбольдт "Ахлоқий қиёфа кичик бўлган жойда буюк инсон бўлмайди"[14], деган эди.

Буюк аждодларга хос мардлик, жасурлик, ботирлик, сабр-бардошлилик, маҳр-оқибат, бағрикенглик, инсонпарварлик, раҳм-шавқатлилик, андиша ва меҳр-мурувватлилик ва унга доимий амал қилиш каби амалий ишларни бажаришни даврни ўзи тақазо этмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, инсонлар жамият, жумладан ахлоқий ҳаёт ядроси - ахлоқий маданиятнинг яратувчиси ва авлоддан авлодга томон ташувчисидир. Шунинг учун ҳам инсон ва унинг бирликлари жамият ахлоқий маданиятининг ҳам система ташкил этувчи бош субстанционал элементдир.

Шундай экан инсоннинг ахлоқий мавжудот бўлиб шаклланишида микро муҳитларнинг аҳамиятини ошириш зарур ҳисобланади. Бунда аввало оила ва меҳнат жамоалари жумладан, болалар боғчалари, мактаблар ва бошқа муассасаларнинг ўрни бирламчи аҳамият касб этади. Таълим билан тарбияни узвий амалга оширувчи муассасаларда ёш авлодни етук ахлоқли инсон бўлиб шаклланишларида тизимли ишларни амалга ошириш бугунги куннинг асосий масаласидир.

**Тақризчи: ф.ф.н., доцент А.Хотамов**

*[9] Фалсафий қомусий луғат.-Т.: "Шарқ", НМАК, 2004. 235-Б.*

*[10] Жадан В.Б. Универсальное признаки гедонизма и аспектизма// Харков национальный университет имено В.Н.Карозина. Теория культури: философия наука. -Харков, 2005. -С.56.*

*[11] Каримов И.А. Йўлимиз - мустақил давлатчилик ва тараққиёт йўли. -Т.: "Ўзбекистон", 1994.25-26-бетлар.*

*[12] Раҳмонов.Б.У. Инсоннинг руҳий-маънавий ўз-ўзини ташкиллаштирилишини фалсафий асослаш. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация. Автореферати. -Самарқанд- 2017. 15-бет.*

*[13] Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 37-сон, 426-модда; 2017 й., 24-сон, 487-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон. м*

*14 Гумбольдт В. Определлах государственной деятельности- Серия: Библиотека ГВЛ: Политика Социум, 2009. С.106.*

# НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ ПЕРЕВОДА ПРОИЗВЕДЕНИЯ ЮСУФА ХОС ХОЖИБА "КУТАДГУ БИЛИГ" НА АНГЛИЙСКИЙ И РУССКИЙ ЯЗЫКИ

***Исаева Шоира -*** *соискатель, Уз.государственный университет международных языков*

**АННОТАЦИЯ:**

Ушбу мақолада Юсуф Хос Хожибнинг "Қутадғу Билиг" асарининг инглиз ва рус тилидаги таржимасини муаммолари ёритилиб берилган, К.Каримовнинг ўзбек тилига таржимаси асос тариқасида олинган. Таржиманинг асосий муаммоларининг бири лингвокультуремаларни алоқадор бўлмаган тилларда миллийлик ва менталитетни акс эттириш учун керакли лексемаларни топиб таржима қилишдир.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** таржима, лингвокультурема, тил, ўзига хослик, лексема, тафаккур, аспект, транслитерация, транскрипсия.

This article discusses the problems of translating the work of Yusuf hos Khojib "Kutadgu Bilig" into English and Russian, K. Karimov's translation into Uzbek was taken as the basis. One of the problems in translation is the problem of transferring of linguocultureme to unrelated languages, as well as lexemes reflecting the national life and worldview of the people, their mentality.

**KEY WORDS:** translation, linguocultureme, language, specifics, lexeme, mentality, aspect, linguistic picture of the world, transliteration, transcri ption.

В настоящее время в мировой лингвистике исследование лексических единиц в разноструктурных языках с целью выявления общечеловеческих и национальных особенностей приобретает всё большую теоретическую и практическую значимость. Языковая картина мира наряду с другими лингвистическими единицами находит отражение в лексических единицах, в них передается национальная самобытность, парадигма национальных знаний, своеобразие восприятия мира каждым народом в диахроническом и синхроническом аспектах и с этой точки зрения большую значимость приобретает исследование лингвокультурологического аспекта в переводах.

В связи с этим в мировом языкознании в рамках современной научной парадигмы назрела необходимость исследовать лексические единицы, как с позиций их перевода, так и с позиций их концептуализации мира, поскольку они отражают национальные особенности народа. Однако на современном этапе развития лингвистики лингвокультурологический аспект переводов словесных произведений на разноструктурные языки недостаточно исследован.

Особую актуальность приобретает на современном этапе развития науки и образования ее связь с нравственными, национально-культурными, общечеловеческими ценностями. Учет этих факторов в процессе ведения научных изысканий реализуется при формировании теорий и направлений, в основе которых лежат общелингвистические, сопоставительные, лингво-культурологические и другие аспекты исследования языка.

В мировом переводоведении идентификация лингвокультурем в источниках текста создает потребность изучения проблем репрезентации универсальных и экзотических лексем, отражающих менталитет народа, говорящего на языке оригинала, и языковую картину мира, в художественном переводе в лингвокультурологическом, концептологическом, социолингвистическом и других аспектах. Определение общих и отличительных черт лингвокультурем на основе лексикографического, концептуального, сопоставительного и корпусного их анализа, отражающего универсальные и национально-культурные понятия в английском и русском языках, являющимися неродственными и находящимися в разных ареалах языками, исследование изоморфных и алломорфных сторон в переводческой специфике, выявление синонимичности и антонимичности в переводе, а также использование приемлемых антонимических случаев, выявление способов перевода лингвокультурем, проявляющихся фразеологическими и стилистическими средствами, - все это способствует обеспечению развития сфер теории перевода и лингвокультурологии.

О "Кутадгу билиг" написано немало исследований. Тюркологи рассматривают поэму как литературный, так и лингвистический материал. Само произведение "Кутадгу билиг" стало известным западным ученым благодаря австрийскому востоковеду фон Хаммер-Пургшталю, в руки которого рукопись попала в 1796 г. в Стамбуле и была подарена им Венской библиотеке.

Произведение Юсуфа хос Хожиба достаточно полно рассмотрено в трудах таких ученых, как В.В. Радлов, С.Е. Малов, В.В. Бартольд, Р.Р. Арат, С.Н.

Иванов, К. Садыков, А.И. Нарынбаев, Дж. А. Кутманалиева, Ш.И. Гадимова, Т. Мадылбай. Однако, несмотря на большое количество работ о книге Юсуфа хос Хожиба "Кутадгу билиг", интерес лингвистов к его исследованию не угасает.

Произведение Юсуфа хос Хожиба "Кутадгу-билиг" переведено на многие языки, так, на немецкий язык осуществлены переводы Г. Вамбери, В.В. Радловым, на английский язык - Р.Данкоффом, на русский язык - С.Е. Маловым, Н. Гребневым, С.Н. Ивановым, на узбекский язык - К. Керимовым, на азербайджанский язык - Р. Аскером и К. Велиевым, в связи с чем среди лингвистов приоритетным становится исследование перевода лексем, наполненных национально-культурным смыслом.

Рассмотрим и проанализируем русский (сделанный С.Н. Ивановым) и английский (сделанный Данкоффом) переводы фрагментов книги Юсуфа хос Хожиба "Кутадгу-билиг".

2415 Сказал Огдюльмиш: "О элик, достославный! Два дела великих есть важности главной -
Везиром служить и главою войскам,
Дан меч одному, а другому - калям.[1]

O glorious king! These two offices are equally important. Each has its emblem: that of the vizier is the pen, that of the commander the sword.[2]

2381 Угдулмиш яна айтди: Бахтиёр элиг,
Икки иш (жуда) буюк иш, оти улур (лик) дир:
2382 (Бири) вазир, иккинчиси - яловбардор лашкарбоши (лик),
Бири (қулида) қилич тутади, бири - қалам.[3]

В данном отрывке слово два используется в трех языках, но в английском языке используется сочетание these two, служащее для усиления значения два. Помимо этого, слово қалам переведено на английский язык как pen - "ручка", а в русском языке наблюдается транслитерация этого слова - калям, для читателей, не владеющим восточными языками, это слово не будет понятно.

При переводе слова везир используется транслитерация и в английском, и в русском переводах. Важно отметить, что в толковом словаре С.И. Ожегова [1] это слово написано как "визирь", а в толковых словарях английского языка данная лексема отсутствует.

В русском переводе данного фрагмента употребляется слово дело. Рассмотрим дефиницию данного слова в словаре Ожегова.

ДЕЛО, -а, мн. дела, дел, делам, ср. 1. Работа, занятие, деятельность. Занят важным делом. Привычное д. Текущие дела. Быть без дела. По делам службы. 2. кого-чего. Круг ведения; то, что непосредственно относится к кому-н., входит в чьи-н. задачи. Воспитание - д. семьи. Д. совести (перен.: как подсказывает совесть). 3. Надобность, нужда. У меня до вас (к вам) есть д. Прийти по делу. Ходить по делам. 4. Нечто важное, нужное (разг.).

В английском переводе используется лексема office. Ниже приведена словарная статья слова office в Merriam-Webster Collegiate Dictionary[4]

office noun 1. a. a special duty, charge, or position conferred by an exercise of governmental authority and for a public purpose ; a position of authority to exercise a public function and to receive whatever emoluments may belong to it b. a position of responsibility or some degree of executive authority

2. Middle English, from Anglo-French, from Late Latin officium, from Latin a prescribed form or service of worship; specifically capitalized Divine Office

3. a religious or social ceremonial observance ; rite

4. a. something that one ought to do or must do ; an assigned or assumed duty, task, or role b. the proper or customary action of something ; function c. something done for another ; service

5. a place where a particular kind of business is transacted or a service is supplied: as a. a place in which the functions of a public ˜r are performed b. the directing headquarters of an enterprise or organization c. the place in which a professional person conducts business

6. plural, chiefly British the apartments, attached buildings, or outhouses in which the activities attached to the service of a house are carried on

7. a. a major administrative unit in some governments British Foreign Office b. a subdivision of some government departments Patent Office Synonyms: see function.

Важно отметить, что в настоящее время в английском языке слово office используется в 5-м значении словарной статьи - "помещение", тогда как в данном отрывке лексема office употребляется в значении "дело".

*2555 Два мужа есть знатных - хаджиб-управитель*
*И старший привратник- дворцовый смотритель.*
*Два мужа сих - слава дворца, его честь,*
*Их доблесть должна эту славу вознесть.*[5]

And two things are adornments of the prince's Gate, increasing his good name and opening the way to Fortune. One is a grand chamberlain who is a free noble man. The other is a worthy keeper of his gate and court. With these two men the royal gate is well ordered and the royal name spreads far and wide. [6]

*2515 Бошқа яна икки нарса дарбоза (даргох) ярашигидир,*
*(У) бег номини улурлайди, саодатга йул очади.*
*(Бири), Улур Хожиби озод киши булса,*
*Яна бири, лаёқатли элбоши, дарвозабон боши (сарой боши) булса.*
*Бу икки киши туфайли даргоҳ яшнайди,*
*Улурлик билан (бег) номи ҳар ёққа таралади.*[7]

В русском переводе данного фрагмента при-

[1] Юсуф Хас Хаджиб Баласагуни. Благодатное знание // Перевод С.Н. Иванова. - М.: Наука, 1983. - 560 с.
[2] Yusuf Khass Hajib. Wisdom of Royal Glory // Translated, with an Introduction and Notes, by Robert Dankoff. Chicago and London. The University of Chicago Press, 1983.
[3] Юсуф Хос Хожиб. Кутадғу Билиг. Саодатга йўловчи билим // Перевод Қ.Каримов. - Тошкент: ФАН, 1971. - 956 с.
https://www.merriam-webster.com/
[5] Юсуф Хас Хаджиб Баласагуни. Благодатное знание // Перевод С.Н. Иванова. - М.: Наука, 1983. - 560 с.
[6] Yusuf Khass Hajib. Wisdom of Royal Glory // Translated, with an Introduction and Notes, by Robert Dankoff. Chicago and London. The University of Chicago Press, 1983.
[7] Юсуф Хос Хожиб. Кутадғу Билиг. Саодатга йўловчи билим // Перевод Қ.Каримов. - Тошкент: ФАН, 1971. - 956 с.

меняется инверсия (обратный порядок слов), видимо, с целью сохранения рифмы и усиления выразительности, а также используется словосочетание два мужа, тогда как в английском - two things (ср. узб.: икки нарса) в начале текста, и впоследствии - man в значении "человек"

В словаре С.И. Ожегова[8]:

Муж

-а,м. 1. (мн. мужья, мужей, мужьям). Мужчина по отношению к женщине, с к-рой он состоит в официальном браке (к своей жене). Дачный м. (перен.: о том, на ком лежит много разных повседневных обязанностей по отношению к семье, живущей на даче; разг. шутл.).

2. (мн. мужи, -ей, -ам). Мужчина в зрелом возрасте (устар.), а также деятель на каком-н. общественном поприще (высок.). Мужи науки. Государственный м. Слышу речь не мальчика, но мужа (одобрение по поводу разумных, зрелых суждений; книжн.). II уменьш. муженёк, -нька, м. (к 1 знач.). II прил. мужнин, -а, -о (к 1 знач.; разг.) и мужний, -яя, -ее (к 1 знач.; устар.). Мужняя жена (о замужней женщине).

В русском переводе лексема муж употребляется во втором значении - "мужчина в зрелом возрасте".

В русском переводе данного фрагмента применяется лексема хаджиб (хаджиб-управитель) с последующей конкретизацией. Рассмотрим значение слова хаджиб:

Хаджиб (от арабского хаджиба - закрывать, не допускать) - высокая чиновничья должность в мусульманских странах Средневековья.

В английском переводе словосочетание - a grand chamberlain, что означает "великий камергер".

На наш взгляд, применив словосочетание a grand chamberlain, Данкофф тем самым придает важность и значимость как самого хаджиба, так и его роли в жизни государства.

Также в английской версии этого отрывка используется усилитель these, а в русском языке - (Два мужа) сих, что представляет собой устаревшую форму местоимения сей - этот.

Слово даргоҳ не используется в современной узбекской речи.

Таким образом, перевод лексем, отражающих национально-культурные особенности народа, его менталитет, вызывает большую сложность при их передаче, в некоторых случаях переводчиками подбираются эквиваленты, либо используется транслитерация.

**Рецензент: доцент О.А.Ким**

**********************

# ТАЛАБА-ЁШЛАРДА ФАОЛ ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

***Эгамбердиева Азиза Мустафаевна*** *- ўқитувчи, Навоий давлат педагогика институти.*

**АННОТАЦИЯ:**

Мақолада талаба-ёшларнинг фаол фуқаролик позициясини жамиятда ривожланишида доир фалсафий қарашлар тадқиқ этилган. Унда талаба-ёшларнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга хорижий давлатларнинг тажрибаси илмий тарзда ўрганилган. Бугунги кунда ёшларимизнинг жамиятнинг барча соҳаларида фаол фуқаролик позициясига эга бўлишлари масаласи очиб берилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР**: талабалар, фаол фуқаролик позицияси, таълим тизими, хорижий таълим, ахлоқий қадриятлар, ахлоқий меъёрлар, демократикислоҳотлар, халқаро ташкилотлар.

В статье рассматриваются философские взгляды на развитие активной гражданственности студентов-молодежь в обществе. Научно изучает опыт зарубежных стран в формировании активной гражданственности студентов-молодежь. Сегодня была раскрыта проблема активного участия нашей молодежи во всех сферах жизни общества.

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** студенты, активное гражданство, система образования, иностранное образование, моральные ценности, этические нормы, демократические реформы, международные организации.

The article examines the philosophical views on the development of active citizenship of students in society. It scientifically studies the experience of foreign countries in the formation of active citizenship of students. Today, the issue of active participation of our youth in all spheres of society has been revealed.

**KEY WORDS:** students, active citizenship, education system, foreign education, moral values, ethical norms, democratic reforms, international organizations.

Ҳозирги даврда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий трансформация, демократлаштириш, ахборотлаштириш ва глобаллашув жараёнлари ёшларда шахс, фуқаро ва профессионал фаолият олиб борувчи субъект сифатида ўз-ўзини тўлиқ намоён этишга кенг шарт-шароит яратиб бермоқда. Бундай ўзгаришлар эса ёшларда фаол фуқаролик позициясига эга бўлиш билан боғлиқ. ҳар бир давлатда, хусусан Ўзбекистонда ҳам фуқаролик жамиятининг ривожланиш даражаси ёшларнинг фаол фуқаролик позициясини қанчалик даражада эгаллаганлиги билан характерланади. Шу ўринда фуқаролик позицияси нима эканлиги ҳақида тўҳталиб ўтсак.

"Фуқаролик позицияси" деганда шахснинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлардаги фаол ҳаракати, самарадор фаолияти, чуқур масъулияти, мавжуд муаммоларни онгли равишда идрок этиш қобилияти, ижтимоий ҳодиса ва ҳодисаларнинг ўзаро муносабати, бу муносабатдан келиб чиқадиган хатти-ҳаракатларни англаш хислати; ижтимоий жиҳатдан етуклиги ва ўз ватанининг равнақи курашиши каби онгли фаолияти тушунилади. Шу боисдан ҳам С.И.Сергейчик "Фуқаролик фаоллиги шахснинг фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларига бўлган масъулиятли муносабатида, шунингдек, жамият учун аҳамиятли бўлган ўқув, касбий ва шахсий режаларининг ижтимоий йўналганлигида намоён бўлади"[1], деб ёзади. Шунингдек, фаол фуқаролик позицияси ҳар бир инсондан ўз ватани, юртдошларининг сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ҳуқуқлари ва бурчларини англаш даражаси билан ҳам белгиланади.

Фуқаролик позицияси жамиятга, касбий фаолиятга, умуман одамларга ва хусусан ўзига нисбатан масъулиятли муносабатни ҳам таъминлайди. М. Баришевскийнинг таъкидлашича, "Фуқаролик позицияси бу субъектив аҳамиятга эга бўлган ва у ҳаёт жараёнида бундай қадриятларни амалга ошириш учун ўз-ўзини ривожлантириш учун ички мотив сифатида ҳаракат қилувчи шахс томонидан шакллантирилган ҳамда айнан фуқаролик қадриятлари асосида вужудга келадиган нисбатан барқарор мотивлар тизимидир"[2]. Бизнинг назаримизда фуқаролик позицияси шахснинг ички эҳтиёж сифатида ҳаракат қиладиган фуқаролик қадриятлари мазмуни билан биргаликда ўз-ўзини маънавий-маданий жиҳатдан идентификациялаш ва ўзини ўзи англаш воситасидир.

Талаба-ёшларда фуқаролик позициясини шакллантиришнинг зарурий шарти ва ички маънавий-руҳий асоси - бу жамият ҳаётининг умумий йўналишларини белгилайдиган фаол ижтимоий-сиёсий ғоялар сифатида шахс ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар механизмларидан бири сифатида унга мос равишда фуқаролик қадриятларининг устуворлигини таъминлаш билан характерланади. Талаба-ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришда қадриятлар алоҳида аҳамият касб этади. Чунки қадриятлар инсоннинг атрофдаги воқелик билан бўлган муносабатларининг рационал хусусиятларини белгилайди, шунингдек, шахснинг хулқ-атворини шакллантиришда устувор аҳамият касб этади. Бундай қадриятларнинг дастлабки шакли бу ахлоқий қадриятлар ҳисобланади. Ахлоқий қадриятлар - бу фуқаролик фазилатлари яъни ҳар бир инсонда ватанпарварлик, масъулият, виждон, ҳалоллик, инсонпарварлик, одоблилик, меҳрибонлик, қатъиятлилик, меҳнатсеварлик, жасорат ва бошқаларни шакллантириш билан белгиланади. Талаба-ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришда айнан ахлоқий қадриятлар уларнинг ўз хатти-ҳаракатларининг мотивациясини белгилайди, ўзига хос фаолият ва ижтимоий воқеликка онгли муносабатини шакллантиришга хизмат қилади. Бундай ахлоқий қадриятлар ўз навбатида инсоннинг дунёқарашига, феъл-атворига, хулқ-атворига, турмуш тарзига ҳам таъсир қилади. Шу боисдан ҳам М.Рокич таъкидлаганидек, "Бундай қадриятлар тизими ахлоқий муносабатлар, жамият ва шахс ўртасидаги маданий муносабатларда ўзига хос шаклда намоён бўлади"[3].

Талаба-ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш уларнинг индивидуал эҳтиёжлари ва сабабларини жамиятда қабул қилинган ахлоқий меъёрлар билан боғлаш орқали амалга оширилади. Шу билан бирга, ахлоқий қадриятлар турли гуруҳларнинг, шу жумладан умуман жамиятнинг хатти-ҳаракатларини тартибга солади, уларнинг барқарорлиги ва ўз-ўзини тарбиялаш механизмларини ишлаб чиқишга хизмат қилади. Шунинг учун ахлоқий қадриятлар инсонлараро муносабатларни тартибга солиб турувчи муҳим омил вазифасини ўтайди. Чунки айнан ахлоқ ҳар бир инсоннинг бутун ҳаёти давомида амалга ошириладиган ва унинг ҳаёт маъноси билан боғлиқ бўлган мураккаб инсоний муносабатларни ўз ичига қамраб олади. Талаба-ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш уларнинг жамиятда янги ахлоқий қадриятларни шакллантиришга бўлган эҳтиёжи, ўзига хос истаги ва фаол фуқаролик бурчга эгалиги билан белгиланади. Бу эса мавжуд ахлоқий меъёр ва ижтимоий тартибни, уларни янги талаблар асосида шакллантириш, ўзгартириш ёки аксинча соф ҳолатда сақлаш, мустаҳкамлаш билан белгиланади. Бу жараёнда тарбиячи устозларнинг ўрни катта ҳисобланади. Шу боисдан В.И.Филоненко, "тарбиячилар, ўқитувчилар, психологларнинг, бутун жамоат-чиликнинг тарихий вазифаси шундай ижтимоий-сиёсий шароитларни яратишга ҳисса қўшиш, ёшлар орасида миллий хусусиятни шакллантириш, қўллаб-қувватлаш, сақлаш ва ривожлантиришга ёрдам берадиган фуқаролик позициясини яратишдир"[4] деган эди.

2019 йил сентябрь ойида муаллиф томонидан

[1] Сергейчик С.И. Факторы гражданской социализации учащейся молодежи. // Журнал "Социологические исследования", 2002. С.107.
[2] Психологические закономерности развития гражданской направленности личности: монография / авт. кол.: М. И. Баришевский и др. психологии. М. Миллениум. 2016. С. 297.
[3] Карандашов В. Н. Методика Шварца для изучения ценностей личности: концепция и методическое руководство /. Санкт-Петербург. Речь. 2004. С. 46.
[4] Самсонов Н.А. Формирование гражданской позиции молодежи // Студенческий: электрон. научн. журн. 2019. № 23(67). URL: https:/ /sibac.info/journal/student/67/146456 (дата обращения: 30.03.2020).

Самарқанд давлат университети талабалари ўртасида ўтказилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, унинг йўналишларида умуминсоний қадриятлар, шунингдек шахснинг ривожланиши, ўзини ўзи англаши, касбий фаолиятида муваффақият қозониш билан боғлиқ бўлган қадриятлар бўйича тўпланган социологик сўров натижалари қуйидагича хулосаларни берди: Талабаларнинг 89%и ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш жамиятда ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатларни олдини олади, деб ҳисоблашади. Бундай хавф-ҳатарларга қуйидагилар киради: лоқайдлик, бефарқлик, ўз жонига қасд қилиш, ишончсизлик, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш, инсон қадр-қимматини камситиш, бошқаларга туҳмат қилиш, маст ҳолда машина ҳайдаш, безорилик, жамоат тартибини, қонунни бузиш, экологик муҳит тозалигига зиён етказиш, спиртли ичимликларни истеъмол қилиш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан маълум бўладики, жаҳон ҳамжамиятида рўй бераётган интеграцион жараёнлар биринчи навбатда олий таълим тизимига таъсир қилади. Чунки бугунги кунда дунёнинг турли мамлакатларида таълим стандартлари, ёндашувлари, ўқув дастурлари ва мутахассисликларини уйғунлаштиришда намоён бўладиган ягона таълим макони шаклланмоқда. Бундай очиқ таълим майдонини шаклланиши талабаларнинг академик ҳаракатчанлигини ва турли мамлакатлардаги олий ўқув юртларининг халқаро ҳамкорлигини ўсишини англатади, бу эса уларнинг танлаган касблари бўйича катта ютуқларга эришиши, университет битирувчиларини иш билан таъминлаш тизимини яхшилаш, ушбу мамлакатларнинг таълим соҳасидаги мавқеини оширишга ёрдам беради. Ягона таълим майдонини шакллантириш ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш билан бир қаторда уларни жамиятда демократия қарор топтиришга бўлган мойиллигини янада кучайтиради, юқори ахлоқий фазилатларини намоён этиши учун муносиб шарт-шароит яратиб беради. Олий таълим тизимида бундай муносабатни шакллантириш жараёни дунёнинг кўплаб мамлакатларидаги университетлар фаолиятининг муҳим йўналиши бўлиб, бундай мақсад ва вазифалар БМТ, ЮНЕСКО, Европа Кенгаши каби халқаро ташкилотлар томонидан ҳам қўллаб-қувватланмоқда. Шу ўринда биз Европа ва АҚШ олий ўқув юртларида бу йўналишда амалга оширилаётган ислоҳотларга алоҳида тўхталиб ўтишни жоиз деб топдик:

** жамиятда демократик қадриятлар ва уларни амалга ошириш жараёнини фаол қўллаб-қувватлаш;*

** демократик қарашларнинг дунё бўйлаб тарқалишига фаол ҳисса қўшиш;*

** университет, маҳаллий ҳамжамият даражасида ва жамиятда демократияни ривожлантиришга катта ҳисса қўшиш ва бошқалар шулар жумласидандир[5].*

Европа университетлари талаба-ёшларида фаол фуқаролик позициясини шакллантириш ҳолатини ўрганиш бу борада танқидий ҳамда таҳлилий фикрларни уйғотди. Бу эса барча университет талабалари ўртасида демократик ташаббусларни ривожлантиришни рағбатлан-тириши керак деган хулосага олиб келди. Бундай рағбатлантириш тизими талаба-ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга ёрдам берадиган янги дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда зарур туртки бўлади албатта. Чунки айнан университетларнинг бугунги кундаги асосий иши ва хизмати ўзининг демографик таркиби, молиявий хавфсизлиги ва мақомидан қатъий назар талаба-ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга қайси даражада ўзига хос ёндашувларни жалб қилиш билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

Бунда қуйидаги натижаларга эришиш имкония-ти пайдо бўлади: биринчидан, муайян ташкилот ёки компаниянинг мустақил аъзосини шакллантириш, ҳар бир шахснинг ташқи таъсирсиз умумий қабул қилинган хатти-ҳаракатлар стандартларига ихтиёрий равишда риоя қилиши, хатти-ҳа-ракатлари оқибатлари учун жавобгарликни ўз зиммасига олиши ва шу жамиятнинг аъзоси сифатида маънавий-ҳуқуқий мажбуриятларни фаол бажариши, фуқаро сифатида ўз мамлакати олдидаги шахсий, сиёсий ва иқтисодий мажбуриятларини қабул қилиш ва бошқалар шу-лар жумласидандир. Шунингдек, бу мажбурият-ларга ўзига, оиласига, болаларига ғамхўрлик қилиш, шу жумладан уларнинг таълим олиши, шунингдек ижтимоий муаммолар ҳақида хабар-дорлик, овоз бериш, солиқ тўлаш ва имконият-ларга мувофиқ бошқарув вазифаларини бажариш ҳам киради. Иккинчидан, инсон қадр-қимматини ҳурмат қилиш, бошқаларнинг фикри, фуқаролик хулқ-атвори, ватандошлар манфаатларини ҳурмат қилиш ва кўпчилик тамойилига риоя қилиш, озчиликнинг ажралиш ҳуқуқини эътироф этган ҳолда фаолият юритиши, баъзида жамиятда со-дир бўлаётган ахлоқий меъёрлар ва ҳаётий қадриятлар тўғрисидаги турли қарашлар тўқнашувида умумбашарий инсоний тамойилларга амал қилиш, фуқаролик ишларида фаол иштирок этиш бу жараён мамлакат тараққиётига оид умумий баҳс-мунозараларда, сайловларда овоз беришда фаол иштирок этишни, ўз манфаатларини умумий манфаатларга бўйсунишни англатади. Шунингдек, жамиятда демократиянинг соғлом ишлашини қўллаб-қувватлаш, умумий ўзгаришлардан хабардорлик ва эътибор, муайян сиёсий раҳбарлар ва жамоат ташкилотларига бўлган содиқлик, ташаббускорлик, масъулият ва шахсий эркинликлардан фойдаланишда қонунга нисбатан ҳурмат билан қараш, танқидий фикрлаш ва мустақил қарор қабул қилиш, ўз нуқтаи назарини оқилона асослаш ҳам фаол фуқаролик позициясини шакллантиришда муҳим натижаларга эришишда катта ўринни эгаллайди.

Ҳозирги даврда биз хорижий университетларда талабаларнинг фаол фуқаролик позициясини ривожлантириш учун қуйидаги чоралар кўрилаёт-

*[5] Трегубова Т.М., Белякин А.М., Фахтутдинова А.В. и др. Академическая мобильность студентов учебных заведений : отечественный и зарубежный опыт ее формирования. - Казань: Отечество, - 2008. С. 31.*

ганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин:

- талабаларни университет таълим тизимини бошқарув сиёсатидаги фаол иштирок этиши ва фаол демократик қадриятларни қарор топтиришдаги фаолиятини университет раҳбари томонидан қўллаб қувватланиши;
- демократик қадриятларни қабул қилиш ва ривожлантириш мақсадида талаба-ёшлар ўртасида фуқаролик компетенциясини шакллантиришга қаратилган самарали ишларни фаол амалга ошириш;
- фаол фуқаролик позициясини шакллантиришда университетнинг ролини янада ошириш;
- университет талаба-ёшларининг атрофдаги жамият вакиллари билан ўзаро муносабатларини яқинлаштириш ва уларнинг ижтимоийлашуви учун кенг имкониятлар яратиш;
- университет ичида фаолият кўрсатадиган ўқув юртлари органлари ва тузилмаларини бошқариш усулларига демократик ўзгартиришларни киритиш;
- талаба-ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш бўйича мақсадли ва интеграциялашган ўқув дастурларини жорий этиш[6].

Шу ўринда Европа университетларида талаба-ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга тўсқинлик қилувчи қуйидаги омилларни ажратиб кўрсатишни мақсадга мувофиқ деб топдик: биринчидан, Европа университетларида фуқаролик таълими миллий, сиёсий ва этник контекстларда олиб борилади, улар фаол фуқаролик позициясини ва демократияга содиқликни шакллантиришга янги ёндашувларни жалб қилишда турли даражадаги муаммоларни келтириб чиқаради. Университетларнинг институт сифатидаги ўрни жамиятни ривожлантиришда жуда муҳим, шунинг учун уларда демократик қадриятлар ёки фуқаролик жавобгарлигини юксалтиришга қаратилган ислоҳотлар уларнинг "фойдали" таълим берувчиси субъект сифатида анъанавий ролига зиддир. Иккинчидан, ўзига хос мақоми ва тузилиши фуқаролик таълими соҳасида ислоҳотлар ёки сиёсатнинг ўзгариши сифатида университетлар ишлаши керак бўлган параметрлар ва йўналишларни белгилайди. Ўз навбатида, университетларнинг рақобати жамиятнинг ҳар бир соҳасидаги ўзгариш механизмларига таъсир қилади ва уларнинг шарҳлари ва низомларига асосланиб янги ташаббусларга бўлган очиқлигини таъминлайди. Бироқ, аксарият Европа университетлари низомида ўрнатилган бошқарувнинг тарихий қоидалари билан бир қаторда, қарорларни қабул қилиш тартиби ва талабалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўпинча исталган ва амалдаги ўртасида қарама-қаршиликлар мавжуд. Ва ниҳоят, тарихан ривожланиб келган маъмурият ва талабалар ўртасидаги анъанавий ижтимоий ва касбий муносабатлар талабаларнинг фаолликка кўпроқ жалб этилиши томон ўзгаришига тўсқинлик қилади. Учинчидан, Европа университетларида фуқаролик таълими тизимини янада ривожлантиришда Европалик ва Америкалик олимлар, амалиётчилар ва олий таълим соҳасидаги мустақил экспертлар ўртасидаги ҳамкорликнинг ривожланиши муҳим рол ўйнайди.

Ҳозирги босқичда Европа фуқаролик таълимининг жаҳон амалиётига мурожаат қилиш фаол фуқаролик позициясини ушлаб туриш билан белгиланади, бу эса ўз навбатида жамият аъзоларининг онгли ва мустақил ижодий фаолиятга ўз минтақасида, шунингдек бутун Европада ижтимоий аҳамиятга эга муаммоларни ҳал қилишга тайёрлигини англатади.

Фуқаролик таълими ва ўқитишнинг янги концепциясини ишлаб чиқиш бугунги кунда фуқаролик таълими муаммосига учта асосий ёндашувга асосланади:

- фуқаролик - ҳуқуқий мақом сифатидаги ёндашув сифатида (АҚШ);
- фуқаролик мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги қонунларни тушуниш ва уларни жамият ҳаётига тадбиқ қилишда фаол иштирок этиш (Буюк Британия, Голландия, Венгрия ва бошқалар);
- фуқаролик - бу ўз ватанига нисбатан ватанпарварлик туйғуси шакллантириш маҳсули сифатида (Япония, Сингапур).

Шундай қилиб, турли мамлакатларда фуқаролик таълимига ёндашув, жамият ва давлат ишларида талаба-ёшларни фаол иштирок этиш нуқтаи назаридан, ёш авлоднинг ўз мамлакатининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида иштирок этишга тайёрлиги билан белгиланишини билиб олиш мумкин. Кўпгина хорижий тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, бундай ёндашув замонавий жамият ҳаётига тўла мос келади, бугунги кунда ҳар бир инсонни ўзини тутиши, шахсий қадриятлар ва бошқаларни танлаш эркинлиги билан алоҳида ажралиб туради. Шунинг билан бир қаторда талаб-ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш уларнинг сиёсий жиҳатдан ижтимоийлашуви жараёни билан чамбарчас боғлиқ.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунга келиб мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг ташкилий асосларини ишлаб чиқиш фаол йўлга қўйилган, халқаро талаблардан келиб чиққан ҳолда уни амалга оширишнинг алоҳида механизмлари ишлаб чиқилмоқда. Шу билан бирга, давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг яхлит тизимини яратишдаги фаолиятини танқидий баҳоланиб бормоқда. Чунки айнан фуқаролик жамияти институтлари ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришда муҳим ўринни эгаллайди.

[6] *Gilardi, S. & Lozza, E. Inquiry-Based Learning and Undergraduates' Professional Identity Development: Assessment of a Field Research-Based Course/ Innovative Higher Education, 2010,-Vol.34 Issue 4. P. 245.*

# ИЗУЧЕНИЕ КЛАССИЧЕСКИХ КОНЦЕПЦИЙ МИФА В ЕВРОПЕЙСКОЙ НАУКЕ XX ВЕКА

**Низамиддинов Диёр Низамович -** *д.фил.н., профессор. Джизакского филиала Национального Университета Узбекистана*
**Суярова Айнур Ибадуллаевна -** *ассистент, Джизакского филиала Национального Университета Узбекистана*

**АННОТАЦИЯ:**
В статье кратко рассматриваются классические научные труды западных ученых, в которых выражены различные формы и подходы к мифологии: ритуального, функционального, социологического, структурного, символического и другие.
**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** Мифология, литература, структура, форма, функция ритуального, функционального, социологического, структурного, символического и другие.

The article briefly reviews the classical scientific works of Western scientists of the twentieth century, in which various forms and approaches to mythology are expressed: ritual, functional, sociological, structural, symbolic and others.
**KEY WORDS:** Mythology, literature, structure, form, function of the ritual, functional, sociological, structural, symbolic and others

Maqolada G'arb olimlarining klassik ilmiy asarlari qisqacha ko'rib chiqilgan, unda mifologiyaga turli shakllar va yondashuvlar ifoda etilgan: marosim, funksional, sotsiologik, tarkibiy, ramziy va boshqalar.
**KALIT SO'ZLAR:** Mifologiya, adabiyot, marosimning tuzilishi, shakli, funksiyasi, funksional, sotsiologik, tarkibiy, ramziy va boshqalar.

Классические труды ученых второй половины XIX века, явились своеобразным "катализатором мысли" в общем процессе ремифологизации XIX столетия. Современный исследователь функций и проявлений мифа в искусстве и культуре наших дней неизбежно включает в свой методологический аппарат фрагменты отдельных, подчас не только противоречащих друг другу, но и дополняющих друг друга в диалектическом единстве подходов к мифологии, родившихся в России и за рубежом в XX веке: ритуального, функционального, социологического, структурного, символического и др. Так, анализируя причины и истоки обращения художников слова XIX столетия к мифу, воспроизведения ими мифологических форм и структур, мы во многом будем опираться на выводы основоположника функционализма, английского этнографа Б. Малиновского. Исходя из предпосылки максимального единства мифа и обряда, Б. Малиновский исследует функциональную значимость мифологии в живом культурном контексте и приходит к выводу, что бытие мифа в первобытном обществе определяется, в первую очередь, не познавательной его функцией, а потребностями в регуляции и кодификации реальной жизни социума. Наибольшую значимость, по мнению этнографа, миф в родовом обществе несет на себе прежде всего, как оплот морали, регулятор ценностных приоритетов, оправдание социальной организации общества, метаязык, с помощью которого адаптируются абстракции и другие новые и труднодоступные понятия - и вследствие этого - как средство общей гармонизации бытия человека, рода, общества.[1]

В этом отношении близкими к работам Б. Малиновского ока-зываются труды представителей французской социологической школы: Э. Дюргкейма и Л. Леви-Брюля.[2] Французские социологи однозначно склонны видеть субъект мифологического мышления не в отдельной индивидуальности, а в коллективе, вследствие чего сам миф становится у них "коллективным представлением". Останавливая свое внимание преимущественно на тотемистических культурах, Л. Леви-Брюль выводит стабилизирующую функцию мифологических представлений уже не из ритмической повторяемости напрямую связанных с мифом обрядом и ритуалов, а из самой природы верований в тотемного первопредка. По мнению Л. Леви-Брюля, генезис мифологии коренится в родовых отношениях, но и сами эти отношения поддерживаются мифологией. Ученый пытается и более глубоко рассмотреть корни центральной для него идеи мифологии - идеи рода. В ее основе лежит общемифологический эффект "партиципации" (сопричастия) - переноса свойств одного объекта, явления - на другой вследствие недискретности мифологического восприятия мира. Второй составляющей родовой идеи, по Л. Леви-Брюлю, является коллективное представление о сакральности первопредка: она приобретает некоторые черты мистицизма, но сохраняется с утратой ощущения непосредственного родства с культурным героем и стабилизирует при этом бытие социума. Так в работах представителей французской социологической школы начинает вырисовываться

[1] *Malinowskiy B.Myth in Primitive Psychology - London,1926.*
[2] *Леви - Брюль Л. Первобытное мышление. - М. 1930.*

абстрагированный от конкретных культов и пантеонов субстрат мифологического сознания.

Аргументированным доказательством его существования в это же время становятся фундаментальные исследования английского этнографа и историка религии Дж. Дж. Фрезера. Систематизируя разноплановые и полиэтнические культы и обряды на основе одного магического обряда или текста Священного писания,[3] Фрезер к тому же чрезвычайно близко подходит к понятию мифологемы, которым оперируют практически все исследователи современных трансформаций мифа в литературе.

Наконец, теория мифа Эрнста Кассирера представляет собой первое исследование мифологии как автономной формы культуры. Исследователю удается преодолеть представления об ущербности, бессистемности мифологического мышления по сравнению с мыш-лением логическим, научным. Согласно сделанным им выводам, мифомышление не только обеспечивает ощущение непрерывности пространственно-временного континуума, единения личности и рода, индивида и социума, но и позволяет построить единую картину мира как таковую и спроецировать в нее познающую личность. Вопрос о субъекте мифологического мышления разрешается Э. Кассирером из глубины мифической реальности: ученый свидетельствует об отсутствии четких границ между "Я" и "не-Я", невычленности субъекта из действительности. Такой взгляд на данную проблему дает Э. Кассиреру возможность разглядеть в акте отождествления зарождающихся идей с соответствующими формами реальной жизни. Процесс символизации, равный актам творения мира и познания, причем это познание в символах, ориентирующих неизвестное и далекое на известное и близкое, и становится, по сути дела, необходимым гарантом ощущения единства жизни, из чего следует, что мифологическое чувство единства и непрерывности жизни Эрнст Кассирер понимает уже не только как интерпретацию тотемистических верований, проявление родовой идеи, но и как свойство самой структуры мифомышления. Отсюда неудивительно, что столь обширное место занимают в его работах элементы анализа мифологических представлений о пространстве, времени, числе. Исследователь наглядно демонстрирует специфичность этих базовых категорий мифологического мышления: вскрывает механизм семантизации пространства посредством отождествления его качественной наполненности с самими пространственными структурами, подмены причинно-следственных отношений отношениями смежности предметов в пространстве; раскрывает значение оппозиции сакрального и профанного в формировании циклической концепции времени. Философ также впервые диаметрально разводит миф и аллегорию по принципу различения/неразличения знака и присущего ему содержания. Таким образом, исследования Эрнста Кассирера становятся наиболее близким прототипом современных семиотических исследований в области мифа. В своих трудах он подготавливает почву для рассмотрения мифологии в качестве кода, метаязыка, семантического поля, обладающего функционально адекватными и автономными законами.

Обзор классических теорий мифа будет неполным, если не упомянуть об еще одном подходе к изучению природы мифологи-ческого сознания, чрезвычайно популярном в зарубежном литературоведении и философии мифа наших дней - психоаналитическом, связанном в первую очередь с аналитической психологией Зигмунда Фрейда и теорией архетипов К. Г. Юнга.

Психоанализ стремится описать рождение мифологии прежде всего, как проявление бессознательных начал человеческой психики. В качестве таких начал у Зигмунда Фрейда выступают скрытые эротические комплексы, которые находят свое выражение в различных формах бессознательного: снах, играх, мифологии, художественном творчестве.4 Противопоставляя дискретный мир человеческого сознания синкретичному миру подсознания. Фрейд, фактически, еще раз акцентрирует внимание теоретиков мифологии на градации мышления логического и мифологического. В то же время в работах психоаналитика возникает еще одна интерпретация механизма регуляции мифом морально-этических норм социума: механизм этот сводится Фрейдом к эффекту "вытеснения" табуированных комплексов (отцеубийства, инцеста) в сферу мифологии. Несколько по-иному подходит к проблеме воплощения бессознательного в мифокультуре Карл Густав Юнг. В глубине подсознания помещаются уже не комплексы, а архетипы - структурные психологемы, проецирующиеся в мифологические образы. Основной функцией архетипов, по Юнгу, является их участие в процессе "индивидуации". Под ним он подразумевает некий про-цесс обретения гармонии между сознательным и подсознательным внешнего "Я" личности и ее внутреннего мира, процесс духовной саморегуляции индивида посредством непрерывной образной сим-волизации архетипических структур.

**Рецензент: доцент О.А. Ким**

# РАҲБАР КОММУНИКАТИВ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

## (ўрта махсус таълим муассасалари мисолида)

***Кубаев Акмал Сирлиевич** - Мустақил тадқиқотчи, Жиззах давлат педагогика институти*

**АННОТАЦИЯ:**

Мақолада академик лицей, техникум, касб-ҳунар мактаби ҳамда касб-ҳунар коллежи раҳбарининг жамоани бошқариш ва тарбиялашдаги роли ва вазифалари кўрсатиб берилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** академик лицей, техникум, касб-ҳунар мактаби, касб-ҳунар коллежи, ўқув муассасаси раҳбари, жамоани тарбиялаш.

В статье речь идет о роли и задачах руководителя академического лицея, техникума, профессиональной школы и пофессионального колледжа в воспитании и руководстве всего коллектива образовательного учреждания.

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** академический лицей, техникум, профессиональная школа профессиональный коллежд, руководитель учебного заведения, воспитание коллектива.

This article deals with the role and importance of the head of an academic lyceum, technical school, vocational school and vocational college in the upbringing and leadership of the entire staff of an educational institution.

**KEY WORDS:** academic lyceum, technical school, professional school, professional college, head of an educational institution, education of the team.

Сиёсий мустақилликка эришиш Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш ва тараққиёт йўлини эркин белгилаш имконини берди. Мустақиллик йилларида республикада кенг кўламда ижтимоий ислоҳотларни амалга оширилишига алоҳида эътибор қаратилди. Ислоҳотлар жамият ҳаётини яхшилаш, ижтимоий муносабатларнинг демократик ва инсонпарварлик ғояларига асосланишини таъминлаш, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий барқарорликка эришиш каби эзгу мақсадларни амалга оширишга йўналтирилди. Жамият ҳаётида янги босқич бўлган давр натижаларининг сарҳисоби эришилган ютуқларнинг салмоқли эканлигидан далолат беради.

Ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарасини таъминлашда субъектлар ва уларнинг фаолияти алоҳида ўрин тутади. Субъектлар фаолиятини ташкил этишга оқилона раҳбарлик қилиш эса ислоҳотлар жараёнини тўғри ташкил этиш, кутилган мақсадларга эришишга имкон берувчи муҳим омил саналади.

Кузатишларимизнинг кўрсатишича, ўрта махсус таълим муассасалари (академик лицей, техникум, касб-ҳунар мактаби ҳамда касб-ҳунар коллежи) раҳбарининг катта қисми бошқарув фаолияти, вазифалари бўйича зарур билим, етарли кўникма ҳамда керакли педагогик маҳоратга эга эмасликлари маълум бўлди.

Ўрта махсус таълим муассасаси (академик лицей, техникум, касб-ҳунар мактаби ҳамда касб-ҳунар коллежлари) раҳбарининг юқори даражадаги обрўси ва салоҳияти унинг кенг миқёсли вазифаларида намоён бўлади. Шулардан бири муассаса раҳбарининг ёш авлод тарбиясини бошқаришга қаратилган ижтимоий-педагогик коммуникатив фаолиятидир[1]. Коммуникатив фаолият ўз навбатида ёш авлод тарбиясида муҳим ўрин тутувчи омил ҳисобланади. Бироқ муассаса раҳбарга мазкур фаолиятни амалга ошириши учун бошқарувнинг назарий-амалий асослари ҳамда махсус методика зарур.

Афсуски, педагогик жамоанинг ички педагогик фаолиятига оид кўплаб масалалар ҳозиргача ўз ечимини топмай келмоқда, хусусан, ўрта махсус ўқув юртлари раҳбарининг коммуникатив фаолияти орқали ёш мутахассис кадрларни тайёрлаш омили сифатидаги муаммо ҳам илмий асосда ўрганилган эмас. Бу ҳолат бўлажак ўқитувчи фаолиятида, умуман, яхлит ўқув-тарбиявий жараёнда ўз-ўзидан намоён бўлиб келмоқда. Ҳозирга қадар ўрта махсус ўқув юртлари раҳбарларининг ички бошқарув фаолияти етарли даражада ўрганилмаган.

Таниқли олим С.Т.Турғуновнинг фикрича, бугунги кунда "мактаб директори таълим муассасида вужудга келадиган муаммоли вазиятларда ҳам раҳбарга хос равишда, ўз ваколати доирасида фаолият кўрсатиши, жамоада мавжуд бўлган сунъий тўсиқ ва муаммоларни ҳал этишда, турли йўналишларда қарорлар қабул қилишда жамоа фикрини ўрганиши, бошқарувда бевосита ўзаро таъсир жараёнининг мавжудлиги ва унда "раҳбар - ходим" муносабатларининг кўп қиррали эканлигини эътиборга олиш, мактаб бошқарувига инновацион технологияларни татбиқ этиш, таълим муассасида инновацион таълимий муҳитни вужудга келтириш, ўзини-ўзи ривожлантириш, рефлексив ёндашувларга асосланган ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш каби қатор талабларни қўймоқда"[2].

Бугунги кунда ушбу муаммо юзасидан

[1] *Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни //Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т: Шарқ, 1997. - 20-29-б.*

[2] *Турғунов С.Т. Умумий ўрта таълим муассасалари директорлари бошқарув фаолиятининг назарий асослари: Пед. фан. докт....дисс. Т, 2007 й. -363 б.*

республикамиз ва хорижда нашр қилинган илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, таълим муассасаларини самарали бошқаришнинг муҳим жиҳатларидан бири раҳбарнинг коммуникатив сифатларга эгалиги саналади.

Чунончи, кўриб чиқилган муаммо юзасидан У.И.Иноятов, Х.Рашидов, Р.Ш.Ахлитдинов, Р.Х.Шакуровларнинг умумий ўрта таълим мактабларининг бошқаришнинг ижтимоий-психологик асослари ҳақидаги, шунингдек, С.Т.Турғунов ҳамда Е.П.Тонконогаяларнинг умумтаълим мактаблари раҳбарларининг бошқарув кўникмаларини такомиллаштиришнинг назарий асослари борасидаги тадқиқотларигина мавжуд. Бироқ бу муаллифлар таълимнинг ўрта бўғини раҳбарларининг коммуникатив фаолиятлари масаласи борасида бирор бир фикр билдирмаганлар. Айни пайтда мазкур муаммо бўйича илмий-педагогик тадқиқотлар мавжуд эмас.

Раҳбарларнинг таълим тизимини бошқарувига оид фикрлар М.И.Кондаков, П.В.Зимин, Д.А.Плотник, М.Мирқосимов, С.Т.Родовскийларнинг тадқиқотларида; ёш раҳбарга ёрдам бўйича бир қатор қўлланмаларни М.И.Портнов, В.А.Сухомлинский, П.Т.Фролов, С.Е.Хозе[4] каби олимлар ўқувчилар ҳукмига ҳавола этганлар. Бироқ тадқиқ этилаётган муаммомизга оид фикрлар бу муаллифлар изланишларида ҳам кўзда тутилмаган. Шунингдек, педагогик жамоанинг ички бошқарув фаолияти вазифалари ва уни такомиллаштириш йўллари Р.Н.Денисов томонидан; умумтаълим мактаблари таълим жараёнида бошқарув фаолиятини режалаштириш ва ташкил этиш масаласи Д.К.Новиков томонидан ўрганилган.

Шунингдек, умумтаълим мактаблари педагогик жараёнининг ички бошқаруви, бошқарув методларини туркумлаштириш, педагогик жараённи бошқаришда унинг ташкилий аҳамияти, ижтимоий-психологик методларининг роли Т.М.Куриленко изланишларида ҳам кўриб чиқилган.

Ўқув муассасалари директорининг педагогик жамоанинг раҳбари ва ташкилотчиси сифатидаги роли (раҳбарлик, назорат, методик ёрдам) бўйича А.К.Желтовнинг тадқиқотлари ҳам эътиборга молик.

Директорнинг қўл остидаги ходимларга муносабати тўғрисида - Р.А.Караковский; ўқув муассасаси раҳбарининг иш тизимида қайта алоқа - Н.В.Кухарев; ўқув-тарбиявий жараён сифатини оширишда директорнинг ўрни - Е.А.Дроздова; раҳбарга педагогик таҳлил элементлари -Ю.А.Конаржевский[5] каби олимлар томонидан ўрганилган. Бироқ бу ишларда ҳам раҳбар коммуникатив фаолияти ўқитувчиларга тарбиявий восита сифатида ўрганилмаганлиги сезилади.

Раҳбар учун тавсия, қўлланма, эслатмалар мавжуд. Ўз бошқарув фаолиятини қандай қилиб самарали ташкил этиш мумкинлиги тўғрисида - М.Г.Захаров (директорнинг тарбиявий роли тўғрисида фикр юритилмаган). Умумий ўрта таълим мактаблари директорларининг мустақил билим олишлари тўғрисида Е.П.Тонконогаянинг ишларида кўриш мумкин.

В.В.Алдонина, Ф.Бинншток, Е.Е.Вендров, В.И.Загвязинский, М.Т.Захаров, Ю.А.Конаржевский, Т.Канина, С.Е.Карклина, М.Махмутов, И.В.Парамонов, И.Л.Портнов, И.И.Тихонов, П.Т.Фролов, С.Хозе, Р.Х.Шакуров, И.К.Шелаев, Е.А.Ямгбург[6] каби тадқиқотчиларнинг ўрта махсус ўқув юртларини бошқаришнинг умумий ва алоҳида масалаларини ўрганувчи бошқа ишлар ҳам бизни қоноатлантирмайди.

Е.В.Гудаков, В.Ю.Кричевский каби педагоголимлар тадқиқотларида таълимнинг ўрта бўғини етакчи раҳбарларининг тажрибалари умумлаштирилган, бироқ бу тадқиқотларда ҳам ўқитувчи тарбиясига кам эътибор берилган.

Ниҳоят, баъзи ишларда ёш мутахассислар, уларни касбий йўналтириш масалаларига дуч келамиз: Н.Д.Крилова, Г.С.Сухобская, С.Г.Варшавский, Л.Н.Пасохина каби олимлар ёш ўқитувчининг касбий фаолияти, ижтимоий-педагогик жиҳатлари билан алоҳида қизиққанлар.

Н.В.Головко, Т.С.Поляковалар эса ёш ўқитувчининг психологик-педагогик қийинчиликлари ва муваффақиятларини таҳлил қилишган. А.И.Фюссел директорнинг ёш ўқитувчи билан ўзаро муносабатлари тўғрисида фикр юритади, бироқ бу олимларнинг ишларида ҳам биз ўрганаётган муаммо тўғрисида аниқ фикр билдирилмаган.

Қайд этиш жоиз, Р.Х.Шакуровнинг "Бошқарувнинг ижтимоий-психологик асослари: раҳбар ва педагогик жамоа" номли китобида раҳбар шахси, раҳбарлик услуби, умумтаълим мактаблари раҳбари фаолияти, директорлар қандай қилиб педагогик жамоада қулай микромуҳитни яратишлари, ўқитувчи учун қандай ижодий шароит яратилиши, касбий ўсишнинг рағбатлантирилиши каби муаммолар ўрганилган. Шунингдек, унда педагогик жамоани бошқаришнинг демократик услуби каби ижтимоий, психологик масалалар ҳам ўрин олган; ўқитувчини психологик қайта шакллантирилиш механизмлари, бу жараённи бошқариш услублари ўрганилган[7]. Афсуски, ёш мутахассисга муносиб эътибор бериш масаласини ушбу муаллиф ҳам четлаб ўтган, раҳбарнинг ижтимоий-психологик вазифалари қаторидан коммуникатив фаолияти ўрин олмаган.

Педагогик жамоада бошқарувчининг ходимлар билан ахлоқий-педагогик муносабатлари, тарбия самарадорлиги тўғрисидаги ишлар (Б.Кобзарь); педагогик жамоага раҳбарлик қилишнинг ижтимоий-педагогик муаммолари тўғрисида (А.Г. Ковелев); раҳбар одоби тўғрисида (Ф.Т.Селюков); педагогик жамоада мулоқотлар ва тарбия имкониятлари ҳамда муаммолари тўғрисида (А.В.Мудрик, В.А.Кан-Калик, А.А.Леонтьев); педагогик муносабатларни инсонпарварлаштиришнинг психологик шароитлари тўғрисида (А.А.Бодалев); педагогик ўзаро муносабатлар тўғрисида Г.С.Батниёзов, Н.Е.Лебедев8лар фикр юритадилар. Бу муаллифлар ҳам раҳбарнинг ўқитувчилар билан ахлоқий ва педагогик мулоқотларини мутахассисни тарбиялашнинг омили сифатида ўрганмаганлар.

Бу ўринда алоҳида такидлаш лозимки, профессор Р.Ш.Ахлидиновнинг "Мактабни бошқариш санъати" монографиясида учинчи мингйилликда Ўзбекистонда умумтаълим мактабларини бошқа-

---

*[3] Шакуров Р.Х. Социально-психологические проблемы управления; руководитель и педагогический коллектив. -М.:Просвещение, 1990..*

*[4] Таълим менежменти. -Т: Шарқ, 2005. № 1-2.*

*[5] Ахлидинов Р.Ш. Мактабни бошқариш санъати. -Т, Фан, 2006.*

*[6] Ахлидинов Р.Ш. Мактабни бошқариш санъати. -Т, Фан, 2006. -304 б.*

*[7] Шакуров Р.Х. Социально-психологические проблемы управления; руководитель и педагогический коллектив.- М.:Просвещение, 1990.-210 с.*

ришнинг умумий масалалари таҳлил қилинган ва республикамизда бу борада олиб борилаётган ишлар умумлаштирилган. Олим мактаб бошқа-рувида фаннинг роли, бошқарувни ўрганиш усул-лари, бошқарувда ижтимоий муҳит, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, экологик, маънавий-маърифий каби омилларга синчковлик билан ўз эътиборини қаратади.

Таниқли олим С.Т.Турғуновнинг докторлик илмий тадқиқоти эса умумий ўрта таълим муас-сасалари директорлари бошқарув фаолиятига бағишланган бўлиб, унда умумтаълим мактаблари директорлари бошқарув тизимидаги раҳбарлик услублари, бошқарувда инновациялар, бошқарув функция ва методлари, бошқарув фаолиятини моделлаштириш ҳамда муассаса раҳбарларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг ўзига хос хусусиятлари, технологияси ва бошқалар тўғрисида муҳим фикрлари баён қилинган.

Муаммонинг амалиётдаги ҳолатини ўрганиш қуйидагиларни аниқлаш имконини берди: ҳозирги пайтда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муас-сасалари раҳбарлари олимларимиздан методик тавсиялар, методикалар ва, ниҳоят, мутахассис шахси тарбияланишини таъминловчи комму-никатив фаолият "технологиялари"ни кутмоқда; улар (раҳбарлар) махсус назарий билим, муам-мони ҳал қилишнинг педагогик асосларига муҳ-тождирлар. Ўрта махсус таълим муассасаси раҳ-барига, умуман, шахс тўғрисида, хусусан, мутахассис шахси, педагогик жамоа психологияси тўғрисидаги психологик билим, коммуникатив бошқарув фаолияти, муносабатлар, мулоқот психологияси бўйича кўникма, замонавий ўқитувчи тўғрисида тасаввур берувчи, касби ва ихтисос-лигини ҳисобга олувчи ҳамда баҳолаш мезон-ларини аниқ белгилаш учун педагогик маҳорат зарур.

Ўрта махсус таълим муассасаси раҳбарлари мутахассиснинг бошланғич педагогик фаолияти-даги қийинчиликлар, эмоционал-психологик ҳолати ва функционал-педагогик мослашувидаги қийинчиликлар, уларга ёрдам кўрсатиш, раҳ-барлик қилиш, тарбиявий-педагогик таъсир кўрсатиш зарурлигини, шахсий ва касбий ўзига ишончсизликларини тушунишади ва ҳисобга оладилар, бироқ мутахассисга тўғри методик ва самарали педагогик ёрдам бера олмайдилар, унинг шахсини тузатиш ва такомиллаштириш масаласида эса умуман қийналадилар.

Раҳбарлар педагог кадрларни тарбиялашда ўз коммуникатив фаолиятиларидан фойдаланиши бўйича методик кўрсатма, педагогик техноло-гияларга муҳтождирлар. Уларга ўқитувчини тарбиялаш шакллари, мазмуни, методлари, ус-лублари, воситалари ва методикалари, махсус тайёргарлик, жумладан, ушбу жараёнга мустақил тайёрланиш бўйича қўлланмалар, тавсиялар, эслатмалар, ушбу фаолият натижаларини тахмин қилиб мутахассислар билан суҳбатлар ўтказиш методикасини ишлаб чиқиш зарур.

Раҳбар ўз мавқеи бўйича замонавий талабларга ҳар доим ҳам жавоб бермаслиги, унинг ходимлар олдида дарҳол ишончини йўқотишга олиб келади (бу ерда мутахассис шахсини тарбиялаш тўғ-рисида гапиришга ҳожат ҳам йўқ). Бундай ҳолатларда мутахассис кадрларнинг ишдан кетиш ҳолатлари содир бўлади, бу эса - ўқув-тарбиявий жараён сифатига салбий таъсир кўрсатувчи ижтимоий-педагогик фожеадир.

Ўрта махсус таълим тизимининг ҳар қандай тузилишида раҳбарнинг иши мураккаб ва кўп қир-рали, лекин унинг бу ишида энг қийин томон-ларидан бири кадрлар билан ишлаш саналади ва бу ерда топширилган вазифаларни уддалашда унга ижтимоий-педагогик коммуникатив фаолияти ёрам беради.

Ўрта махсус таълим муассаси раҳбари педаго-гик жамоа, унинг алоҳида аъзолари, шу жумладан, энди иш бошлаётган ўқитувчига ҳар то-монлама таъсир кўрсатиш учун коммуникациянинг кўплаб шакл, метод ва услубларидан фойдаланади (мулоқот, муносабат, суҳбат, информация, ахборот, маълумотлар, йўриқнома, йўналтириш; таклиф, маслаҳат, кўрсатма, тавсиялар, эслатмалар; топшириқ, буйруқ ва шу кабилар)[9].

Раҳбар мутахассисни илмий, психологик-педагогик ёндашувларга асосланган коммуникатив фаолияти орқали тарбиялаш учун методик қўллан-малар, тавсиялар, педагогик "технологиялар" ҳамда техник воситаларга муҳтожлик сезади.

Бинобарин, таълим тизимида малакали раҳ-барлик қилиш таълимни ривожлантиришда му-ҳим роль ўйнайди. Бу ерда ўз педагогик фао-лиятини бошлаётган мутахассис кадрлар шахсига катта педагогик эътибор талаб қилинади, уларни касбий йўналтириш, касбига ҳамда янги муҳитга мослаштириш, уларга шароит яратиш, янги жа-моага ўрганишларида алоҳида эътиборли му-носабатда бўлиш талаб этилади. ҳулоса қилиб айтганда, мутахассисни мукаммал шахс сифатида тарбиялаш - муҳим ижтимоий-педагогик вазифа ҳисобланади. Аммо бу жараён осон кечмайди ва илмий асосланган ёндашувни талаб этади ҳамда юксак обрўга эга ва юқори малакали педагог сифатида раҳбар зиммасига юклатилади. Бошқа вазифалари орасида таълим соҳаси раҳбарининг коммуникатив фаолияти ўқитувчи шахсини тарбиялашда энг амалий, энг мобил ва энг таъсирлиси ҳисобланади. Раҳбарнинг ижтимоий-педагогик фаолиятининг бу тури "Раҳбар - ўқитувчи" тизимида шахслараро мутоқотларда тўғридан-тўғри ва бевосита амалга оширилади, бу ерда раҳбар - субъект, мутахассис эса объект ҳисобланади. Раҳбарнинг коммуникатив фао-лиятида албатта юксак даражадаги эмоционал-психологик, маънавий-ахлоқий, педагогик, маъ-мурий ва ниҳоят ҳақиқий инсоний муносабатлари устун бўлиши лозим.

Бунда нафақат коммуникатив метод, услуб ва воситалар доирасини, балки мутахассисни тарбиялаш педагогикасини ҳам билишни тақозо қилади. Замонавий педагогика фани раҳбарнинг коммуникатив фаолияти орқали мутахассисни тарбиялаши учун зарур педагогик ва методик тизимлар, керакли методик материаллар билан таъминлаши, мос равишдаги шакл, метод, услуб ва воситаларни таклиф этиши керак.

**Тақризчи: т.ф.б.ф.д. (PhD) Т.Ахмедов**

# ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИДА КАСБИЙ КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯ ВА МУЛОҚОТНИНГ АҲАМИЯТИ

***Қурбонов Нуриддин Яхёқулович*** *- катта ўқитувчи Жиззах ВХТХҚТМОҲМ*

**АННОТАЦИЯ:**

Мақолада бўлғуси бошланғич синф ўқитувчиларининг ўзига хос инновацион дастурлари, технологиялари ва методлари асосида касбий коммуникатив компетенциясини шакиллантириш ва ривожлантиришнинг ижтимоий ва психологик жиҳатлари ўрганилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** касбий коммуникатив компетенция, касбий коммуникаттив компетенциясини шакиллантириш ва ривожлантириш, коммуникатив қобилиятлар, касбий мулоқот, педагогик мулоқот, ижтимоий психологик ўқитиш.

В статье рассматриваются социально-психологические аспекты и содержание формирования и развитии профессионально- коммуникативной компетентности будущих учителей начального образования; соответствующие инновационные программы, технологии и методики.

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** профессионально-коммуникативная компетентность, формирование и развитие профессионально-коммуникативной компетентности, коммуникативные способности, профессиональное общение, педагогическое общение, социально - психологический тренинг.

In this article is considered social and psychological aspects and content of the formation and development of professional and communicative competence of future primary education teachers, relevant innovative programs,technologies and methods.

**KEY WORDS:** professional and communicative competence, formation and development of professional and communicative competence,communicative skills, professional communication, pedagogical communication, social psychological training.

Мактабнинг ижтимоий муҳит ва педагогик жамоасида ўқитувчининг обрўси унинг профессионаллик даражасига боғлиқ. Ўқитувчининг иши ўқувчиларнинг мустақил ишини ташкил этишда фойдаланадиган усулларига, уларни ўқув-тарбия вазифаларни ҳал қилишда ва дарсларда ижодий муҳитни қандай яратишига қараб намоён бўладиган ва баҳоланадиган педагогик ижодкорлик ва санъатдир. Шунинг учун ўқитувчи фаолияти самарадорлигининг энг муҳим кўрсаткичларидан бири унинг мулоқот ва ўқувчилар билан ўзаро муносабатларидаги ижодий ёндашувидир.

Олимларнинг фикрига кўра, касбий маҳорат уларнинг профессионал фаолият соҳасидаги мутахассиснинг хабардорлик даражаси сифатида тавсифланади. Унинг тузилиши профессионал билим, кўникма, инсоннинг ҳаёти ва профессионал фаолияти давомида аста-секин шаклланадиган ва аста-секин тўпланадиган профессионал тажриба томонидан шакллантирилади.

Ўқитувчининг фаолиятида профессионал мулоқот қобилияти катта роль ўйнайди. Ушбу концепция ўз таркибида ва мазмунида икки турдаги ваколатларни интеграциялашни ўз ичига олади: профессионал ва коммуникатив .

**Коммуникатив ваколат** - бу концепция қуйидагиларни ўз ичига олади: алоқа соҳасидаги билим, мулоқот қобилиятлари, бошқа одамлар билан зарур алоқаларни ўрнатиш ва қўллаб-қувватлаш қобилияти. Инсоннинг нутқ маданияти етарли даражада сўзни тўғри ишлатиш қобилияти билан шаклланади.

Мулоқот ўқувчилар, уларнинг ота-оналари, педагогик жамоа аъзолари билан ўзаро тарангликни яратиш учун эмас, балки қобилияти, дўстлик, ҳамдардлик, яхши ният - шу каби шахсий фазилатларга эга бўлса, муваффақияти унинг ишида амалга оширилади.

Бошланғич синф ўқитувчисининг касбий ва коммуникатив малакасининг тузилиши шаклланадиган шахснинг интеграциялашган сифатлари:

* касбий (педагогик) мулоқот соҳасидаги билим;
* мулоқот қобилиятлари, кўникмалари ва қобилиятлари;
* шахснинг коммуникатив фазилатлари;
* профессионал тажриба, алоқа тажрибаси ва коммуникатив фаолият .

Ўқитувчининг касбий-коммуникатив ваколатининг яхлит намойиши педагогик мулоқот ва мулоқотнинг индивидуал - услубий шаклларида, педагогик фаолиятни муваффақиятли амалга оширишни таъминлайдиган коммуникатив кўникмалар ва ҳаракатлар орқали амалга оширилади.

Бўлажак бошланғич таълими ўқитувчиларининг касбий ва коммуникатив кўникмаларини ривожлантириш нуқтаи назаридан тайёрлаш университет ўқитувчилари, шунингдек, талабалар билан мулоқот психологияси ва инсон коммуникатив фаолияти соҳасидаги бир қатор тушунчаларни ўрганишни талаб қилади.

**Мулоқот** - бу одамлар ўртасидаги алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришнинг мураккаб, кўп

қиррали жараёнидир, улар биргаликдаги фаолиятга бўлган эҳтиёжлардан келиб чиқади ва ахборот алмашиш, ўзаро ҳамкорлик учун ягона стратегияни ишлаб чиқиш, бошқа шахсни идрок этиш ва тушунишни ўз ичига олади.

**Профессионал мулоқот (умумий маънода)** - бу биргаликдаги профессионал фаолиятнинг мақсадлари, вазифалари ва эҳтиёжлари билан белгиланадиган инсон мулоқотининг турларидан биридир. Бу тартибга солиш - коммуникатив, ҳиссий-коммуникатив алоқалар шаклида ишлайдиган мутахассислар ўртасида амалга оширилади, улар биргаликда ушбу фаолиятни ташкил этиш ва амалга оширишни, унинг натижалари сифатини таъминлайди.

**Профессионал мулоқот (махсус маънода)** - бу профессионал фаолият талабларига, иш сифати кафолатлари, мижозлар билан ишлаш қоидаларига мувофиқ мижозларга хизмат кўрсатиш ёки маслаҳат беришда ишлайдиган мутахассислар томонидан амалга ошириладиган алоқа ва мулоқотнинг ўзига хос тури.

**Педагогик алоқа** - педагогик фаолиятнинг мақсад ва вазифалари, нутқ алоқаси мазмуни ва ўқитувчининг ўқувчилар билан коммуникатив ўзаро таъсири, бу фаолият самарадорлигини ва унинг натижаларини таъминлайдиган ўқитувчи мулоқотининг ўзига хос тури .

**Алоқа (лотин тилидан "communico"** - "мен умумийман", "боғлайман") алоқа ва ижтимоий ўзаро таъсирнинг семантик жиҳатини акс эттиради, улар бошқа одамларнинг идрокига онгли равишда йўналтирилган коммуникатив ҳаракатлардир.

Таълим жараёнида мулоқот билимларни узатиш ва қабул қилишдан иборат бўлиб, икки жиҳатга эга: объектив, алоқа мазмунига тааллуқли ва шарҳловчи, шу жумладан, объектив равишда иштирокчиларнинг ўзаро муносабатлари ва иштирокчиларнинг субъектив равишда мазмунини берувчи маънодир.

**Коммуникатив қобилият** - ўқитувчининг шахсий психологик хусусиятлари, бу коммуникатив фаолиятни муваффақиятли эгаллаш ва уни иш ёки профессионал функцияларни амалга ошириш жараёнида, шунингдек, шахслараро бизнес ва бошқа муносабатларни ўрнатиш шароитида амалга ошириш шарти.

**Коммуникатив кўникмалар** - алоқа ва коммуникатив фаолият жараёнида ўқитувчида (такрорлаш орқали) юқори даражадаги ривожланиш ва уларнинг элементар онгли равишда тартибга солиниши ва назорат қилинмаслиги билан тавсифланган муайян алоқа усуллари ва техникасидир. Онгли даражада шакллантирилиб, улар аста-секин ўқитувчининг онгига киради ва мулоқотда уларни амалга ошириш "автоматик" (автоматлаштирилган мулоқот қобилиятлари) бўлиши мумкин.

**Коммуникатив кўникмалар** - ўқитувчи томонидан мулоқот қилиш ва коммуникатив жараёнларни эришилган коммуникатив билим ва кўникмалар асосида таъминлаш усулларини ўзлаштирди. Бундай кўникмалар ҳам кундалик мулоқотда, ҳам таълим ва махсус таълим жараёнида (алоқа тренинглари, мулоқот қобилиятларини ривожлантириш, мулоқот қобилиятлари) шаклланади. Мулоқот қобилиятлари ўқитувчига ўзгарувчан ҳолатларда, шу жумладан, муваффақиятли мулоқот қилиш ва ҳаракат қилиш имконини беради .

"Мулоқот" тушунчаси мазмун жиҳатидан "мулоқот" дан кўра кенгроқ тушунчадир, бу алоқа функциясидир.

Ижтимоий психологияда алоқа функциялари қуйидагича тавсифланади:

* "коммуникатив" (алоқа бўйича ҳамкорлар ўртасида ахборот алмашиш);

* "персептив" (бир-бирининг одамлари томонидан ўзаро тушуниш);

* "интерактив" (ҳамкорларнинг ўзаро таъсири).

Аслида мулоқотнинг коммуникатив функцияси уч турга ёки синфга бўлинади:

* "ахборот-коммуникатив" (хабар қилинган ахборотни узатиш-қабул қилиш),

* "норматив-коммуникатив" (алоқа, хатти-ҳаракатлар, муносабатларни тартибга солиш);

* "аффектив-коммуникатив "(ҳиссий ва баҳолаш таъсири, мулоқот жараёнида таъсир).

Ҳақиқий алоқа ҳаракатида бу учта функция бирликда ҳаракат қилади, лекин алоқа иштирокчилари ўртасида бир хил эмас.

Мулоқотнинг асоси одамларнинг эҳтиёжлари ва манфаатларидан иборат бўлиб, мулоқот бизнес ёки касбий вазифаларни ҳал этишга, ҳаёт ва фаолиятнинг турли соҳаларида, масалан, ижтимоий - маданий, профессионал ва шахслараро муносабатлар соҳасида амалга оширилиши мумкин.

**Профессионал мулоқот** - профессионал мутахассислар, масалан, психологлар, ўқитувчилар, таълим муассасалари раҳбарлари ўртасида амалга ошириладиган мулоқотнинг ўзига хос тури. "Мулоқот"нинг умумий тушунчасидан фарқли ўлароқ, у профессионал аҳамиятга эга бўлган ахборот жараёнларининг мазмунини ва муайян қўшма фаолиятга ёки бошқа одамлар билан шахсий ишларга киритилган профессионал мулоқот иштирокчилари ўртасидаги алоқаларни белгилайди.

Профессионал алоқа воситалари қуйидагилардир:

* тил-махсус ёки профессионал билимларга тааллуқли белгилар ва ахборот тизими ва касбий фаолиятнинг муайян соҳаси (таълим, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқалар);

* оғзаки ва ёзма нутқ, улар орқали ишлайдиган одамлар ўртасида қисқа муддатли ва узоқ муддатли мулоқот жараёнлари ташкил этилади ва амалга оширилади, ёки ходим ва мижоз-муайян хизматлар истеъмолчиси ўртасидаги алоқа;

* ушбу ташкилотда назарда тутилган моддий ва техник алоқа воситалари .

Профессионал мулоқот ва унинг шахсий ҳаракатлари жараёнида бир қатор функциялар амалга оширилади: бошқарув, ахборот, ҳиссий (эмпатия) ва ўлим - алоқаларни ўрнатиш ва сақлаш.

Ушбу функцияларнинг мазмуни хабарларни таъкидлайди:

* рағбатлантирувчи (талаб, ишонч, таклиф, буйруқ);

* информасион (ҳақиқий маълумотларни узатиш);

* ифодали (имо-ишоралар, ҳиссий туйғу ва тажриба билан боғлиқ юз ифодалари);

* фатал (алоқани ўрнатиш ва сақлаш).

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг касбий ва коммуникатив малакасини ошириш ижтимоий-психологик тренингнинг асосий мақсади ҳисобланади. Бунга профессионал мулоқот психологияси, мавжуд коммуникатив кўникмалар ва қобилиятларни тузатиш ва ривожлантириш, шунингдек, касбий функцияларини бажаришда ўқитувчининг хатти-ҳаракати ва мулоқотини белгилайдиган ижобий муносабатни шакллантириш орқали эришилади.

Педагогика ва психологияда "ижтимоий-психологик тренинг" тушунчаси икки маънога эга бўлиб, улар ўз мақсадлари ва вазифаларини белгилайди. Кенг маънода ижтимоий-психологик тренинг-одамларни (гуруҳларда) самарали шахслараро ва бизнес алоқалари бўйича билим ва кўникмаларга ўргатишдир. Тренинг давомида самарали мулоқот, монолог, муҳокамалар, музокаралар учун зарур бўлган коммуникатив кўникмалар ривожлантирилади.

Махсус маънода ижтимоий-психологик тренинг - ижтимоий ҳис-туйғуларнинг турли шаклларини (инсонни бошқа одамлар ҳақида ҳис қилиш ва тасаввур қилиш) ўргатиш; ижтимоий сезувчанлик ва эмпатия (эмпатия, хушёқиш қобилияти); психологик ривожланиш қобилиятлари ва бошқа шахсга таъсир қилиш.

Олий ўқув юртлари талабалари, бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари, ижтимоий - психологик тренинглар тайёрлаш билан боғлиқ бўлиб, улар педагогик ва шахслараро мулоқот соҳасида мулоқот қобилиятлари ва қобилиятларини ўргатишнинг бир шакли ҳисобланади .

Ижтимоий - психологик тренинглар давомида педагогик ва шахслараро мулоқотнинг аниқ ва мазмунли ҳолатлари яратилади (моделлаштирилади), иштирокчиларнинг ҳақиқий хатти-ҳаракатлари таҳлил қилинади, уларнинг коммуникатив қобилиятлари баҳоланади, бу эса уларни юқори даражада созлаш ва шакллантиришга имкон беради. Ижтимоий - психологик тренинглар шунингдек, ўзини ва унинг коммуникатив қобилиятларини, ўзаро муносабатлар ҳолатини, ўқув гуруҳида мулоқот қилиш ҳамкорларини чуқур тушунишга ёрдам беради.

Шундай қилиб, бўлажак бошланғич таълими ўқитувчилари учун касбий ва коммуникатив ваколатларни шакллантириш ва ривожлантириш учун алоқа меъёрлари ва қоидаларини билиш, унинг технологиясига эгалик қилиш "шахснинг коммуникатив салоҳияти" кенгроқ тушунчасининг ажралмас қисмидир.

**Коммуникатив салоҳият** - бу унинг мулоқот сифатини белгиловчи шахс имкониятларининг характеристикасидир. У мулоқотда ваколатга эга бўлган икки компонентни ўз ичига олади: мулоқотга бўлган эҳтиёжнинг ривожланишини тавсифловчи шахснинг коммуникатив хусусиятлари, мулоқот услубига муносабат ва мулоқот қобилиятлари - мулоқотда ташаббусга эга бўлиш қобилияти, фаол бўлиш қобилияти, алоқа шерикларининг ҳолатига ҳиссий жиҳатдан жавоб бериш, ўз шахсий мулоқот дастурини шакллантириш ва амалга ошириш, ўз-ўзини рағбатлантириш қобилияти ва мулоқотда ўзаро рағбатлантириш.

**Тақризчи: п.ф.д. Р.А.Абдурасулов**

# ЭРКИН ВОҲИДОВНИНГ ШЕЪРИЙ САНЪАТЛАРНИ ҚЎЛЛАШ МАҲОРАТИ

***Сағдуллаева Нигора** - магистр, Жиззах давлат педагогика институти.*

**АННОТАЦИЯ:**

Ушбу мақолада халқимизнинг севимли шоири, Ўзбекистон ғаҳрамони Эркин Воҳидов лирикасидаги бадиий маҳорат масаласига эътибор қаратилган. Унда шоир ижодининг гўзал мисраларида учрайдиган шеърий санъат намуналарининг моҳияти очиб берилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** лирика, шеърий санъат, тасвирий восита, ташбиҳ, парча, ўхшатиш, метонимия, мумтоз адабиёт, мисол, такрор, бирикма, қофиядош, аллитерация, образли ифодалаш, маҳорат.

Эта статья посвящена художественному мастерству нашего любимого поэта Герою Узбекистана Эркина Вахидова. В ней раскрывается сущность поэтичиского искусства, обнаруженная в тонких линиях творчества поэта.

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** Лирика, иллюстративный инструмент, аллегория, отрывок, аналогия, классическая литература, например, повтор, сочетание, рифмующийся, аллитератция, образное выражение, умелый.

This article focuses on the artistic skill in the lyricism of our beloved poet, Hero of Uzbekistan, Erkin Vohidov. It reveals the essence of poetry art found in the beautiful poems of the poet.

**KEYWORDS:** lyricism, poetry, fine art, instrumental, piece, imitation, metonymy, classical literature, examples, repetitions, compositions, rhymes, alliteration, figurative expression, skill.

Шеърий санъатларни асарда маҳорат билан қўллаш бадиий асар қимматини ва унинг таъсир кучини янада оширади. Чунки худди мана шу бадиий воситалар туфайли шоир ўқувчига таъсир этади, унинг ҳис ва туйғуларини қўзғатади, ҳаяжонлантиради. Халқимизнинг севимли шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов ўз асарлари тилини жозибадор ва ифодали қилиш мақсадида шеърий санъатлардан ҳам кенг фойдаланади. Шоир ўрни билан қўллаган шеърий санъатларни асар бадииятини таъминлашдаги ўрнини ўрганишга ҳаракат қилдик. Ташбиҳ мумтоз ҳамда замонавий адабиётда энг кўп қўлланиладиган шеърий санъат. Хусусан, ташбиҳ - ўхшатиш маъносини ифодалайди[1]. Ташбиҳ қўллаш - сўзлаш, асл маъносини кўчириб, нутққа образлилик, ҳиссиёт бериш, нарса ва ҳоказолар ўртасидаги умумий ўхшашликка асосланиб бирини иккинчисига қиёслаш демакдир.

***Уфқларга қўйиб гулдаста,***
***Тоғ ортидан кўтарди-да бош,***
***Пастга боқди чўққидан аста***
***Олтин қалам тутган бир наққош.***

Ушбу шеърий парчадаги "Олтин қалам тутган бир наққош" бирикмасида қуёш - ҳаёт манбаи. У борлиқни, атроф-оламни ўзининг заррин нурлари (олтин қалам) билан уйғотади. Ўсиш, юксалиш бахтини ато этади. Демак, қуёш ҳам қайсидир маънода яратувчи, наққош, ижодкор. Наққош муйқалами билан гўзаллик яратса, қуёш нурлари билан оламга латофат улашади. Шоир ана шундай нозик ўхшатиш билан қуёшнинг табиатдаги функциясини бадиий ифодалаяпти.

***Осмон қизи - сулув ойдирман,***
***Кўк саҳнида олтин ёйдирман.***
***Тунлар фонус тутиб қўлимга***
***Термуламан сенинг йўлингга,***
***Менга келиб етармисан, деб***
***Ерга олиб етармисан, деб.***[2]

Эътибор беринг, ушбу ўринда шоир ойни "осмон қизи" ва "олтин ёй"га қиёс қилмоқда. Биринчи мисрадаги "осмон қизи" деб ўхшатишида қиз боланинг гўзалликдаги баркамоллиги (одатда гўзал қизлар тўлин ойга ўхшатилади) назарда тутилган бўлса, кейинги метафорада ойнинг "олтин ёй"га қиёсланишида ташқи шакли эътиборга олинган.

***Бу кун мен чаманлардан***
***Болалигимни эслаб,***
***Саҳарлаб шудринг кечиб,***
***Қувлашиб ўтгим келур.***
***Навбаҳор қуёшидан***
***Нур эмган ниҳол каби.***
***Сизнинг шуурингиздан***
***Мен ҳам баҳраманд бўлдим.***[3]

Юқорида келтириб ўтган шеъримизда ҳам шоир Эркин Воҳидов метафорадан фойдаланиб ўз фикрини жозибадор, образли баён этмоқда. Бунда шоир болалигини, ўз "мен"ини "ниҳол"га ўхшатмоқда.

Шоир шеърларидан бу каби мисолларни жуда кўплаб келтиришимиз мумкин. Шоирнинг шеърий санъатлардан бундай маҳорат билан фойдаланиши, унинг тилимиз ички қонуниятларини чуқур билиши, сўз қўллашдаги нуктадонлиги билан боғлиқдир.

*[1] Анвар Хожиахмедов “Шеър санъатларини биласизми?” Тошкент.: “Шарқ”, 2001, 6-бет ( кейинги манбаларни саҳифа ичида кўрсатамиз).*
*[2] Эркин Воҳидов. Танланган асарлар. Тошкент.: “Шарқ, 2016, 685.*
*[3] Эркин Воҳидов. “Ишк савдоси. Сайланма. Биринчи жилд– Тошкент.: “Шарқ, 2000, 243*
*[4] Иминов ва бошқалар “Ўзбек тили услубияти масалалари” – Ўқув-услубий қўлланма. Наманган. 2007, 114.*

Метонимия грекча бўлиб, "бошқача ном бериш", деган маънони билдиради ва ташқи кўриниши ёки ички хусусиятлари билан бир-бирига алоқадор бўлса-да, лекин бир-бирига ўхшамаган нарсалар белгилари чоғиштирилади.[4] Метонимия мумтоз адабиётда мажоз номи билан юритилади ва икки тушунча ўртасидаги яқинликка асосланган кўчма маънони англатади. Ушбу шеърий санъатни ҳам Эркин Воҳидов шеъриятида жуда кўплаб учратишимиз мумкин.

***Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса,***
***Дод демоққа палла бўлгани шудир.***
***Маърифатдан айру ўйнаса, кулса,***
***Аза чоғи ялла бўлгани шудир.***

Ушбу келтирган мисолимизда "Навоийни" сўзи "Навоий асарларини" маъносини билдириб келмоқда.

Санъатнинг ҳар қандай тури, шу жумладан, бадиий адабиёт ҳам оригиналликни ва ранг-барангликни севади. Шеърий санъатлардан унумли фойдаланиш адабий асар тилини ширали, бўёқдор, ранг-баранг бўлишига ёрдам берувчи омиллардан бўлиб ҳисобланади. Бу каби хусусиятлар Эркин Воҳидов шеърияти тилида ҳам яққол сезилади. Бир шоир ўз асарида чуқур фалсафий фикр ва юксак мантиқ кучи билан бошқа бир шоир эса дилни қитиқловчи майин лиризм билан, яна бири ўз шеърларининг қўшиқдай равон, оҳанграболиги билан, яна бири эса махсус шеърий санъатлардан моҳирона фойдаланиб образли манзара чизиш билан ўқувчи қалбига кириб боради, уни мафтун этади. Турли шеърий санъатларни ўз ўрнида қўллаш, уни муҳим ғоявий-бадиий мақсадга хизмат қилдириш сўз санъаткорларидан ўзига хос маҳорат талаб қилади. Худди шундай ўзига хос, юксак маҳоратнинг ёрқин намуналарини Эркин Воҳидов шеърларида кўплаб кузатишимиз мумкин.

***Қулоқ тут, саҳифалардан***
***Нола-ю ўтлиғ фиғон бирлан.***
***Садо келгай Ироқу***
***Шому, ҳинду, Рум, Фарангидан.***

Келтирилган шеърий парчадаги "Қулоқ тут, саҳфалардан" бирикмаси орқали шоир не-не синоатларни ўз бағрига олган кўҳна тарихни назарда тутади ва таъсирчан ифодага эришади. Худди шу шеърнинг кейинги бандига ҳам эътибор берайлик:

***Ўқиб "Девони Бобур",***
***Ҳам варақлаб "Номаи Бобур",***
***Эшит булбул навоси-ю,***
***Қиличларнинг жарангидан.***

Ушбу ўриндаги "Ўқиб "Девони Бобур", "Номаи Бобур" бирикмасида Бобур асарлари ва унда акс этган ҳаётий воқеалар билан бирга руҳий кечинмалар ҳам кўзда тутилган. Айни пайтда, ижодкор "Девони Бобур" ва "Номаи Бобур" ("Бобурнома") ни эслаш билан Бобур Мирзонинг шоирлик ва шоҳлик кечмишини ифодалаяпти.

Шеърий санъатларни қўллаш муайян тамойилларга асосланади. Улардан энг муҳими шеърий санъатларнинг асар мазмуни билан узвий боғлиқлиги саналади.

Шоир Эркин Воҳидов халқ ҳаётини унинг жонли сўзлашув тили ҳамда тилнинг шеърий санъатлардан юксак маҳорат билан фойдалана олиши ва халқ оғзаки ижодини жуда яхши билиши туфайли шундай бир поэтик тил яратдики, ҳозирги замон ўзбек адабий тилимиз ривожини усиз тасаввур қилиш қийин.

Эркин Воҳидов шеърларида учрайдиган тилнинг шеърий санъатлардан яна бири бу такрор усулидир. Такрор орқали бадиий асар муаллифлари тасвирланаётган воқеа-ҳодисага ўқувчининг диққатини тортиш ва уни бўрттириб кўрсатиш учун бадиий асарларда товуш ва товушлар, сўз ва сўзлар йиғиндисини, гапларни такрор қўллаб, урғуни кучайтиради, нутққа кескинлик киритади. Такрорнинг Эркин Воҳидов шеърларида қўлланилишини мисоллар орқали кўриб ўтамиз:

***Шунча шодлик, шунча ҳаяжон,***
***Шунча кўзёш ва шунча туғён,***
***Шунча умид ва шунча армон***
***Қандай сиғар унинг бағрига?!***

Ушбу шеърий парчада шоир "шунча" кўрсатиш олмошини такрор қўллаш орқали "шодлик", "ҳаяжон", "умид", "армон" каби туйғуларнинг бисёрлигини юзага чиқараяпти.

*Асаблар,*
*Асаблар,*
*Асаблар...*
*Сабабсиз сочилган ғазаблар,*
*Гуноҳсиз чекилган азоблар.*
*Кўз ёшлар...*
*Барига сабаблар*
*Асаблар, асаблар, асаблар.*

Юқорида келтирган мисолимизда "асаблар" сўзи такрор ҳолда қўлланган. Бу такрор қўллаш ўша сўз, яъни "асаблар" билан боғлиқ бўлган вазиятларнинг кучайтирилиб таъкидланишига хизмат қилган.

Шеърлар чамани кенг,
Умрим ҳам узоқ,
Гуллар теражакман қучоқ ва қучоқ.
Аммо бир гул менинг юрагимдадир,
Бир шеър ёзмоқ менинг тилагимдадир.
***Бу шеърни излайман ақлимни таниб,***
***Бу шеърни куйлайман оташда ёниб.***
***Бу шеър ишқи билан яшайман мудом,***
***Бу шеър ишқи билан кўнглимда илҳом.***
***Бу шеърга банд бутун эзгу ҳисларим...***[5]

Келтириб ўтган мисолимизда "бу шеър" бирикмаси беш марта такрор қўлланган. Ҳар такрорда маъно кучайтирилиб "шеър"га ўқувчининг диққатини бутунлай жалб этган. Шоирнинг маҳорати шундаки, такрорлар ҳеч қандай ортиқчалик қилмайди, аксинча, шеър тилининг равонлигини, жозибадорлигини ошириб, маъно

мундарижасини янада кенгайтириб боради. ҳар бир сўз иккинчи бор такрор қўлланганда янгича маъно, янгича моҳият касб этиб келади ва буларнинг барчаси шоиримизнинг сўз танлашдаги, сўз қўллашдаги, сўзга бўлган юксак масъулияти ва беқиёс иқтидори туфайлигина юзага чиқади.

Шоир шеъриятида учрайдиган такрорнинг яна бир кўриниши бу аллитерациядир. Аллитерация грекча бўлиб, нутқда товушларнинг мос келишидир. Аллитерация бадиий нутқни янада оҳангли, ифодали баён этиш учун қўлланади. Бу кўпинча шеърий асарларда учраб, ўзаро қофиядош, оҳангдош, бир хил сўзларнинг яна бир хилдаги товуш ва қўшимчаларнинг такрори асосида вужудга келади.

***Қаро қошинг,***
***Қалам қошинг,***
***Қайрилма қошинг, қиз***
***Қилур қатлимга қасд қайраб -***
***Қилич қотил қарошинг, қиз.***
***Қафасда қалб қушин қийнаб,***
***Қанот қоқмоққа қўймайсан.***
***Қараб қўйгил қиё,***
***Қалбимни қиздирсин қуёшинг, қиз.***[6]

Эркин Воҳидовнинг ушбу шеъри ҳозирги замон ўзбек лирикасида аллитерация усулида яратилган энг мукаммал ва энг гўзал намуналаш, десак муболаға бўлмайди. Шоирнинг бу шеърида аллитерация қофиядош сўзлар ва "қ" товушининг такроридан юзага чиқмоқда.

Юқорида айтганимиздек, санъатнинг ҳар қандай тури, шу жумладан, бадиий адабиёт ҳам оригиналликни ва ранг-барангликни севади. Эркин Воҳидов сўзнинг қадди ва қадрини руйи рост кўра олган, унинг латофати ва жозибасини тўлиқ англай олган ижодкор сифатида замонавий ўзбек шеъриятимизнинг баланд парвозини таъминлай олди. Шоир лирикасида қўлланган шеърий санъатлар ўзининг баркамоллиги, теран ифода кучи, гўзал ҳаётийлиги билан адабиёт ихлосмандларини ўзига доимо чорлаб тураверади.

**Тақризчи: фил.ф.н. С.Н.Сойипов**

*********************

# ЗУЛФИЯ ҚУРОЛБОЙ ҚИЗИ АСАРЛАРИ БАДИИЯТИ

***Муртазаева Феруза Рашитовна*** *- мустакил изланувчиси. Бухоро давлат университети,*

**АННОТАЦИЯ:**

Ушбу мақолада замонавий ўзбек ёзувчиси Зулфия Қуролбой қизи ҳикоялари бадииятини ўрганишда тизимли таҳлил усулларини қўллаш орқали адибанинг бугунги адабий жараёнда тутган ўрни белгиланади.

**КАЛИТ СЎЗ ВА ИБОРАЛАР:** бадиият, ҳикоя, жанр, тизимли таҳлил, бадиий адабиёт, инсон образи, "аёллар насри", мунаққид, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси.

В данной статьи определенна роль писателя в современном литературном процессе, который выявлен при помощи систематического анализа изучения художественности произведений Зульфии Куролбой кизи в современной узбекской литературе

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** художественность, рассказ, жанр, системный анализ, художественная литература, образ человека, женская проза, критика, интеграция науки и производства.

This article defines the role of the writer in the modern literary process, which is identified using a systematic analysis of the study of the artistry of the works of Zulfiya Kurobboy kizi in modern Uzbek literature

**KEYWORDS:** artistry, story, genre, system analysis, fiction, human image, female prose, criticism, the integration of science and production.

Бадиий адабиёт хамиша сўз санъати бўлиб келган. ҳар бир даврда юксак бадиий асарлар яратилган. Айниқса сўнгги аср адоғида бадиий адабиёт инсон образини янада ёрқин ярата олди десак, муболаға бўлмайди. ҳозирги адабиёт ҳақиқатдан ҳам шиддат билан ривожланмокда. Ушбу таърифни бемалол ўзбек адабиётига нисбатан ҳам қўллаш мумкин.

Навоийдек даҳо шоирлари бор халқ тўғрисида XX аср ўзбек адабиётида ғарб ва рус насрий асарларига монанд асарлар яратилди дейишнинг ўзи одамнинг нафсониятига тегса, "жаҳонда бешта романчилик мактаби бор эди, Абдулла Қодирий романлари мисолида олтинчи ўзбек романчилиги мактаби яратилди" (Б.Бертелс) дея эътироф этилиши инсон қалбига фахр-ифтихор туйғуларини тўлдиради.

Ўзбек адабиёти солномасида янги давр бошланди. Бу давр ўзига хослигидан келиб чиқиб, уни том маънода Миллий тикланиш даври адабиёти десак тўғри бўлади. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, аввало, инсон руҳи, дунёқараши, интилишларини миллий руҳни сақлаган ҳолда умуминсоний тамойиллар асосида шакллантиришга қаратилган. Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев "... адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор - бу, аввало, халқимизга эътибор, келажагимизга эътибор эканини, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, адабиёт, маданият

яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ"[1], - деб таъкидлаган эди.

Тарихда Нодирабегим, Увайсий, Муаззамхон каби шоиралар ўзбек мумтоз адабиёти юксалишига маълум маънода ҳисса қўшган бўлсалар XX-асрда юзлаб шоира-ю ёзувчилар, олима-ю фузалолар жамиятнинг эстетик тафаккури ривожида муҳим аҳамият касб этдилар. Ўзбекистоннинг биринчи Президенти томонидан иқтидорли қизлар учун таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти улуғ шоира ижодига эҳтиром рамзи бўлиш билан бирга Ўзбекистон тараққиётида янги даврни - фан, маданиият, маориф, адабиёт соҳасида иқтидорли, истеъдодли қизларнинг олиб бораётган изланишлари ва ютуқлари давлат ва жамиятни бошқаришда хотин-қизлар ролини ва нуфузини оширди, десак, хато бўлмайди. Янги-янги ихтиролар кашф этилди, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси янада ривожланди. Айниқса, 2019 йилда Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан қабул қилинган буйруққа кўра ҳар бир ҳудуд учун икки нафардан қиз мукофотга лойиқ топилиши Ўзбекистон хотин-қизлари иқтидори ва истеъдодини муносиб тақдирлаш билан бирга, уларнинг ижодкорлиги ва ташаббускорлигини янада оширади, деб ўйлаймиз.

Янги давр ўзбек адабиётига Зулфия Қуролбой қизи, Хосият Рустамова, Нигина Ниёз, Саломат Вафо каби ўз овозига эга истеъдодли қизлар кириб келди. Бугунги кунда фаол ижодкорларга нисбатан тез-тез "адабиётга ёниб кирди" иборасини қўллаймиз. Ана шундай ёниб кирганлар сирасига XXI аср адибаси Зулфия Қуролбой қизи ҳам киради. Зулфиянинг асарларида аёл ўз ғами, ташвиши, шодлигу ҳасрати билан бўй кўрсатади. Зулфия "аёллари"нинг аксарияти меҳнатда суяги қотган, оиланинг юкини кўтарган, ўзининг менлигига даъво қилган аёллар

Бугун адабиётшунослар ва китобхонлар орасида кўплаб баҳс ва мунозараларга сабаб бўлаётган Зулфия Қуролбой қизи ўзбек насрида янги тамойилни бошлаб берди десак, муболаға бўлмайди. Адибанинг "Турмуш", "Ёвузлик фариштаси", "Ўлим ҳеч нарса эмас", "Қадимий қўшиқ" ҳикоялар тўпламлари ҳамда "Армон асираси", "Машаққатлар гирдоби" романлари ўзбек насри имкониятларини кенгайтираётган асарлар сирасига киради. Зулфия Қуролбой қизи асарларини асло бирёқлама талқин ва таҳлил этиб бўлмайди. ҳар бир асари бир бадиий кашфиёт. Ўқиб ҳаяжонга тушасиз. Аммо бир ҳикоясини ўқиб тугатиб бирдан иккинчисига ўтиб кета олмайсиз. Ҳикоя қаҳрамонлари ҳаёти билан яшайсиз. Баъзилари моҳияти сирлигича қолади.

XXI аср рус адабиётшунослари Зинченко В.Г., Зусман В.Г., Кирнозе З.И.лар таъкидлагандек, "ўтган даврлар адабиётшунослигига хос методлар билан янгича услубда яратилган асарларни таҳлил этиб бўлмайди".[2] Зулфия асарлари янгича илмий тафаккурни талаб этади. Ўзбек адабиётшуноси Қозоқбой Йўлдошев ўзининг "Кичик жанрдаги катта ютуқлар" мақоласида Зулфия Қуролбой қизи асарларига юқори баҳо беради: "2001 - йилда яратилган ҳикояларга хос асосий хусусият шундаки, кичик жанрда ижодни Саломат Вафо, Зулфия Қуролбой қизи, Меҳринисо Қурбонова, Наргиза Ғуломова сингари қизлар олиб кетишди. 2001 - йилнинг энг эсда қоладиган ҳикоялари Саломат Вафонинг "Унутилган аёл", Зулфия Қуролбой қизининг "Аёл", "О, ҳаёт" ҳикоялари бўлди. "О, ҳаёт"да одам янги ҳолатларда акс эттирилган. Шу пайтга қадар ўзбек адабиётида бундай ракурсда кўрсатилмаганди.[3]

Мунаққид ёзувчининг инсоннинг яшаш иштиёқини юксак маҳорат билан жонлантира олганига эъти-борини қаратар экан, Назар чолнинг бирин-кетин жондошлари, яқинлари ёшини яшаб, ошини ошаб, Аллоҳ берган умрни кўриб ҳаётдан кўз юмадилар, унинг эса яшагиси кела бериши, юз йилдан ҳам ошиб кетган ёши, қулоғи эшитмайдиган, кўзи кўрмайдиган, оёғи юришдан, қўли қимирлашдан қолган кекса қария яшаётганидан мамнунлиги, бир чеккадаги ҳужрача олами, яна озроқ яшагиси келган, жисман чарчаган, руҳан яшашга қонмаган Назар чол - инсон азобини жонлантира олган адиба маҳоратига тан беради. Беихтиёр хаёлингизга "Ёлғизликнинг юз йили" романидаги башорат - авлоднинг каттаси умрини дарахтга боғлиқ ҳолда ўтказиши келади. Яшашдан нима мақсад, дейсиз.

"Образга Назар деб исм берилишида ҳам, унинг ўзига ҳос қараш-назарига ишора борлиги, Назар чол орқали ёзувчи Сизиф образига хос абсурдни, тошни тепага қайта-қайта олиб чиқиш учун пастга тушиш жараёни, ҳаётнинг ўзидир, деган ўша абсурддек туюлган фикри орқали, инсон ҳаётига кирадиган маъни ҳақидаги янгича қарашларни сингдириб юборган. ... Сизиф ҳам, Назар чол ҳам мангуликка татийдиган маънисизлик оғушида кечаётган инсон ҳаёти моҳиятини англаган образлар сифатида ўзига хос маъни-моҳиятга эга. Улар учун мангу яшаш бемаъни эканлигидан кўра, билимсизлик, лоқайдлик, дунёни англамай яшаш фожеа эканлигини англаш муҳим ҳисобланади"[4], - деб таъкидлайди тадқиқотчи М. Жўраева.

Таниқли адабиётшунос, ёзувчи Хуршид Дўстмухаммад адиба бадиий маҳоратини ёзувчи Саломат Вафо ижоди билан қиёслар экан, Зулфия Қуролбой қизи асарларига юқори баҳо беради.

Зулфия ҳикояларида бир-бирини такрорламайдиган, бир-бирига ўхшамайдиган қаҳрамонлар, тақдирларни солиштирар экансиз, адибанинг "Холиқ амаки" ҳикоясидаги ҳолат - "... қариндошлар ўзаро тил бириктириб "бир кун олдин ўлди нима-ю, бир кун кейин нима, барибир ўлади-ку"[5] дея қабиҳликка борган яқинлардан тириккўрим чолга қараган одамлар инсофли-ку, дейсиз.

Зулфия Қуролбой қизи ҳикоялари поэтикаси таҳлилида ёзувчи услубида турли методлар синтези намоён бўлар экан, адибанинг бадиий тафаккур доираси кенглиги, мушоҳадалари фалсафий, бадиий тил воситаларига бой эканлигини кўрсатади. "Адабиётнинг барча шаклларини ҳамма вақт бир ном билан қамраб олиш маънисиз ва тамоман мақсадсиз: фақат кишилик жамияти ҳаётини тарихан ўрганилгандагина турли даврларда адабиёт аҳамияти аниқ бўлади. Шу билан бирга, бундай умумий аниқлик киритиш мумкин эмас: турли даврлардаги ўхшаш ҳолатлар баъзан адабиётга тааллуқли бўлади, баъзан эса йўқ. ҳар бир аср ўзининг адабиёт аниқловчисига эга бўлади",[6] - деб ёзган эди Б.В.Томашевский.

Шу ўринда мунаққид Абдували Эшқобилнинг "ҳикоянгизни ўқиб ёхуд Зулфия Қуролбой қизига очиқ хат"ига эътиборимизни қаратсак:

"Зулфия опа! "Аёл" номли ҳикоянгиз менга жуда маъқул бўлди. Кўпдан буён бунчалик завқланиб ва таъсирланиб ўзбек тилида насрий асар ўқимаган эдим.

"Аёл" неоромантизм усулида яратилган. Эҳтимол кимдир бу фикрга қўшилмас, бироқ асарда чиндан реализмдан кўра кўпроқ романтизм руҳи устунлик қилади. Зеро, бош қаҳрамоннинг ҳаётда шундай бўлиши мумкинлиги эҳтимолидан кўра, муаллиф уни шу тахлит ҳаракат қилишини кўпроқ хоҳлайди. Бу эса романтизмнинг биринчи аломатидир. ... асар мавзуси

янгилиги ва унда маҳорат билан қўлланилган деталлар, мотивлар бир талай, ўзгача; ифода услубидан юксак нозиктаъб дид ва бадиий-эстетик лаёқат уфуриб туради.

... "аёлларча ўлим мавзусини" ўзбек ҳикоячилигида сиз биринчи бўлиб (агар адашмаётган бўлсам, албатта) янги мавзу сифатида бадиий истеъмолга киритдингиз, Зулфия опа. Демак, сиз миллий адабиётимизга ўзига хос муносиб ҳисса қўшдингиз".

Ушбу мактубнинг эътиборга молик жиҳати шундаки, мунаққид нафақат Зулфия Қуролбой қизининг "Аёл" ҳикоясига муносабат билдиради, балки бугунги ўзбек адабиётшунослиги хусусида ҳам холис фикрини айтади: "Кузатишимизча, сўнгги йилларда ўзбек адабиётшунослигида ғайритабиий, илмий жиҳатдан консерватив бир анъана пайдо бўлиб қолгандек. Ҳолбуки, фольклоримиздан бошлаб, ҳар бир мумтоз ёки замонавий адабиётимиз намунаси поэтик-структур ва бошқача таҳлилларга муҳтож. Минг афсуслар бўлсинки, кўплаб илмий асарларда қайта ва қайта таъкидланган бу ва бу каби нисбатан янги таҳлил методлари амалда қўлланилмасдан қолмоқда".[7]

Демак, ижодида реализм, романтизм, модернизм, постмодернизм, мистика каби тамойил ва методлар синтезини уйғунлаштирган Зулфия Қуролбой қизи асарлари поэтикасини тизимли адабиётшунослик таҳлиллари асосида ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлар экан.

Ҳозирги давр ўзбек адабиётида аёл образини деярли барча асарларида бош қаҳрамон сифатида тасвирлаётган истеъдодли ёзувчилардан бири Зулфия Қуролбой қизидир. Унинг асарлари ўзининг ғайриоддий сюжети, фавқулодда воқеалар силсиласи, оддий ва тушунарлилиги билан ўқувчини ўзига жалб қилади. Унинг деярли барча қаҳрамонлари бизнинг атрофимиздаги аёллар оддий, камсуқум, баъзан омади чопмаган, ҳаёт зарбаларига дош бера олмай қийналган, тақдирнинг чигал йўлларида адашган меҳрга ташна ожизалар. Ёзувчи бундай ҳолатларнинг қандай қилиб вужудга келиш сабабларини изламайди, фақат ўша ҳолатларни айнан тасвирлаш билан кифояланади. Бундай очиқ тасвирлаш жаҳон адабиётида Чингиз Айтматов каби етук адиблар ижодида кузатилган "қатъий реализм"("жесткий реализм")га хос бадиий жиҳатлардандир. Унинг ҳар бир ҳикоясида фавқулотда топилмалар, ўқувчини беихтиёр ўзига жалб қиладиган оҳанграболар мавжуд. Зулфия Қуролбой қизи ҳикояларидаги ҳар бир аёл образи ўзига хос бетакрор чизгилар билан тасвирланади. "Қуёш мен томонда" ҳикоясининг бош қаҳрамони гўзал, бир қарашда жуда содда, ўта ишонувчан, фақат оиласи ва фарзандларини ўйлаб яшайдиган аёл. У ҳар доим уйим, оилам, болаларим дейди-ю, бироқ ўзининг аёл эканлигини унутиб қўяди, у турмуш ўртоғидан меҳр-муҳаббатни эмас, кўпроқ пул олиб келишини кутади, чунки турмуши фаровон эмас, етишмовчиликлар кўп. Ҳикоя қуйидагича бошланади: "Аёл хавотир билан кунни кеч қилди. Хаёлида фақат бир ўй гир-гир айланарди: "Бугун ҳам пулсиз келсая?!" "Очқадим" дея  хархаша қилган болаларига ярим косадан пиёз шўрва берди. Бу шўрвани аёлнинг ўзи ўйлаб топган ва ғалати ном қўйган: "Шарманда шўрва!"  Турмуш қийинчиликлари қийнаб қўйган аёл эри баъзан уйга келмай қолса эътибор бермайди, унинг ёлғонларига лаққа ишонади. Эр эса аёлнинг соддалигидан устомонлик билан фойдаланади. "Мен ишлаяпман, хотин. Ишлаяпман. Ҳар куни ишга кеч бориб, эрта қайтиб, сенинг олдингда ўтиргандан нима фойда? Балки мен ҳаммоллик қилаётгандирман? Балки арава судраб юргандирман!"-  дейди эр.[8]

Гўзал рўзғордаги кам-кўстни тузатиш мақсадида кўчада сотувчилик қилишга  ҳам, бировларнинг юмушини бажаришга ҳам тайёр. Аёл ҳар қанча уринмасин турмуши  ўнгланмайди. Охири аёлнинг сабр косаси тўлади. У эрининг бошқа аёл билан хиёнат қилаётганини сезиб қолади ва эридан изоҳ сўрайди, бироқ эри томонидан кўчага ҳайдалиб, икки ўртада болаларидан ҳам айрилади. Бир бетайин аёлнинг домига тушиб қолган  эр Гўзалдан осонгина воз кечади, бу ҳам етмагандек ўз жуфти ҳалолини бузуқликда айблайди. Бир куннинг ўзида ҳам оиласидан, ҳам фарзандларидан, ҳам номусидан айрилган аёл тақдирнинг зарбалари олдида эсанкираб қолади. Одамларнинг иккиюзламачилиги, беҳаёлиги, бераҳмлиги Гўзалнинг руҳиятини бутунлай синдиради. Аёл бутунлай эс-ҳушидан айрилади. Ҳикояни ўқир экансиз, "бу фожианинг асл айбдори ким?", - деган савол сизни қийнай бошлайди.

Гўзалнинг бахтсиз тақдири ҳақида ўйлар экансиз, бу фожиага унинг ўзи ҳам айбдор эмасмикан, - деб ўйланиб қоласиз. Унинг эри Рустам ўз оиласидан топа олмаган ҳаловатни ва тинчликни бошқа аёл эмас , Гўзалнинг ўзи ҳам бера олар эди-ку! Ёзувчи  аёлни бардошли, сабрли, аммо содда ва эътиборсиз тасвирлайди.

Зулфия Қуролбой қизи ҳикояларининг мавзулар мундарижаси ранг-баранг. Ижодкор қаҳрамонлари сиз-у биз билган одамлар, уларнинг ҳаётини ихчам шаклларда талқин этишга ҳаракат қилган. Ижодкор асарлари - аёл образлари галереяси десак адашмаймиз.

"Тўхтаб қолган вақтувратлари" [9] ҳикоясида аёл образлари ички дард, куйик билан тасвирланган. Мазкур ҳикояда Исоқ чол, Зилай бийча, Бекпўлат, Малика образлари жонли, ишонарли, бадиий пишиқ яратилган. Мазкур ҳикояда воқеалар тоғ бағрида жойлашган қишлоқ ҳаёти ва унда яшаётган инсонларнинг турмуш тарзи бадиий йўсинда таъсирли тасвирланади. "Тўхтаб қолган вақт увратлари" воқеалари қиш чилласи пайтида Исоқ чол хонадонида бўлиб ўтади. Исоқ чол ва унинг оиласи кундалик ҳаёти ишонарли ҳолда тасвирлайди. Бу эса ўз навбатида ўқувчига қишлоқ ҳаётини тасаввур қилишга ёрдам беради. Масалан: Қишлоқ одатига кўра, янги келинчакка икки-уч ой қора ишлар қилдирилмайди. Балки, дарров "кир" бўлиб қолмасин дейишар. Шунинг учун катта келин Норбуви ўн бир яшар қизини ёнига олиб уй ишларини эплаштириб туради, келин-куёвга кўпда халақит беравермайди. Малика "чой дамла...овқатни олиб бориб бер ..." қабиладаги илтимосларни адо эта солиб лип этиб уйига кириб кетаверганида ҳам Норбуви ғашлик қилмади. Мана шу иқтибосдан ҳам кўриниб турибдики, ёзувчи ўзбек келинчагининг турмуш тарзини ишонарли ҳолда тасвирлашга ҳаракат қилган. Мазкур ҳикояда Малика шаҳар ҳаётидан қишлоқ ҳаётига келин бўлиб келади. Ёзувчи "Тўхтаб қолган вақт увратлари"  ҳикоясида ўзбек қишлоқ ҳаётини батафсил тасвирлашга ҳаракат қилмайди, оддийгина қилиб тонг саҳардан тунга қадар чумолидек ғимирлаган аёл ҳаётини кўрсатиб бера қолади. Ҳаётни озми-кўпми тушунган Малика қишлоқ аёлларининг оғир турмушига қарши исён қилади - мақола ёзади. Бу мақолани ўқиган ҳар бир аёл мақола "мен ҳақимда" деб ўйлаши аниқ. Шундай бўлди ҳам. Маликанинг овсини Норбуви, ҳатто қайнотаси Исоқ чол ҳам тўмтайган. Қайноқ ҳаётга интилаётган аёл руҳий оламини тасвирлаш ёзувчи

томонидан маҳорат билан амалга оширилади.

Зулфия Қуролбой қизининг "Тўхтаб қолган вақт суратлари" ҳикоясида инсон ҳеч қачон бир жойда тўхтаб қолмаслиги, балки имкон қадар маънавий дунёсини бойитиб бориш ва интеллектуал салоҳиятини ҳаётий тажрибалар ва маънавий мерослар асосида такомиллаштириб боришни таъкидлаб ўтиши бевосита асарнинг бадиий ғоясини ташкил этади.

Адибанинг "Ёлғизлик қурбони" ҳикояси ҳеч бир китобхонни таъсирлантирмай қолмайди. Инсон ким бўлишидан, қайси миллатга мансуб бўлишидан қатъий назар ёлғиз яшай олмайди. Асар бош қаҳрамони бўлмиш Тамара хола тўтиқуш сақланадиган каталакдай тор қафас бўлиб кўринадиган ҳувиллаб қолган икки хонали уйда эри Улфат аканинг ўлимидан кейин ёлғиз қолади. Турмуш ўртоғи ёнида бўлганида ёлғизлик шаробини тотмаган, қўшнилари билан борди-келдиси йўқ, қариндош уруғлари саноқли-ю, аммо улар билан ҳам илиқ муносабатда бўлмовчи Тамара холани ёлғизлик тўри чирмай бошлайди. ҳаёт китобини варақлар экан, эрининг кўп болали синглиси тўққизта боласидан бирини фарзандликка бериш таклифини қилганида Тамара холанинг юрагига бу таклиф қўрқув солади. Болани кийдириш, едириш, ўқитиш, уйлантириш ташвишлари уни ҳозирги тинч ҳаётини бузишини хоҳламайди.

Ўзининг тузалмас касалликка мубтало бўлганини сезган синглиси қизи Ясминани опасиникига жўнатади. Бехосдан Тамара холасининг севимли ардоқли вазасини синдириб қўйган жиянини хола пашшаўлдиргич билан беаёв жазолайди. Мудҳиш воқеадан хабар топган синглиси "битта ваза инсондан азизми?" дея қизини олиб кетади. Опа-сингил ўртасида илмилиқ муносабат ҳам узилади.

Турмуш ўртоғи Улфат акани Тамара хола "Биз таркиби бир хил бўлган маҳсулотларга ўхшаймиз", - дейди. Тамара хола ўз фикрини эрига уқтира оладиган аёлдир. Турмуш ўртоғи эса жанжални хуш кўрмаслиги сабабли хотини билан гап талашмас, унинг фикрларини инкор этмас, фақатгина ёқмаса хафа бўлиб қўярди. Қора меҳнатдан уёғини кўрмаган инсон сўнгги сонияларда йиғлаб пешонасига муштлаб аёлига бир сўз демай вафот этади. Сўнг Тамара холани ёлғизлик исканжаси тамомила қуршаб олади. Ёлғизлик ўз бағрига олган аёл атрофидаги буюмлардан гўёки бир нажод излайди.

Бора-бора Тамара хола ўз тинчини, фароғатини ўйлайдиган худбинга айлана борди: у бошқадан, бошқалар ундан ҳол сўрамайдиган бўлди, гўё дунё уни унутди. "Тамара хола кулгиси келмаса ҳам кулишга, кайфиятини кўтаришга уринарди. Фақат яхши нарсалар ҳақида ўйлаб, асабини асрарди. Бир куни телевизорда "Олтмиш ёшдан ошганлар учун..." деган янги кўрсатувни кўриб қолди ва шу кўрсатувнинг ашаддий мухлисига айланди: Бир қарашдаёқ ўзини нотабиий тутаётгани сезилиб турсада, ўттиз ёшлилар билан беллашаман дегандек сочлари калта кесилган, қош-кўзлари бўялган, ёқаси очиқ кофта кийган бошловчи хонимнинг оғзидан чиққан ҳар бир сўзни қулоғига қуйиб олар, ҳатто унинг "мимика"ларини ҳам эслаб қолишга уринар, берилган топшириқ ва маслаҳатларни эса кун давомида эринмасдан, биттасини ҳам қолдирмасдан қунт билан бажарарди.

Ёшлигида, куч қуввати борлигида ўзини ўйлаган Тамара хола бора-бора ўз ҳолини англай бошлайди, нафақат унинг корига ярайдиган, балки оддий суҳбатдош топиш ҳам орзу ҳам қилиб бўлмайдиган армонга айланди. Бир кеча емиш қидириш илинжисида хонасига кирган каламуш унинг нажоткорига айланди.

Ёзувчи маҳорати шундаки, ёлғиз аёл фожеаси антитеза усулида тасвирланади. Ўзининг яқинларидан қочган, инсондан буюмларини афзал кўрган, ҳеч бўлмаса ўзининг кексалигини ўйлаб бўлса ҳам ҳаётини тўғри қурмаган Тамара хола жирканч каламушларга атрофидаги одамлардан қизғонган меҳрини беради, алалоқибат улар аёл кушандаси бўлади.

Тамара холани кузатиб юрган ўғри эса бир кечада Тамара холанинг бор-будини машинага ортиб кетади, ҳатто уни пастга тушириб ташлаб каравотни ҳам олиб кетади. Фақат кетаётганида хонага маргумуш сепиб кетади. Бирин-кетин каламушлар ҳам қирилиб битади.

Устихонини каламушлар кемириб ташлаган Тамара холанинг ўлганини ҳам, уйини ўғри урганини ҳам қўшнилар ҳатто билишмайди.

Ҳар бир асар ижодкор бадиий-эстетик олами хосиласи сифатида дунёга келади. Дунё адабиётида "аёллар насри" феноменал аҳамиятга эга бўлган адабий жараёнда ўзбек адибаларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Жаҳоннинг манаман деган ёзувчилари билан бадиий маҳорат бобида баҳслаша оладиган Зулфия Қуролбой қизи асарлари бунга мисол бўла олади. Адибанинг ҳар бир асари бир дунё, ҳар бир қаҳрамони индивидуал, асар тили бетакрор. Зулфия Қуролбой қизи асарларида аёл тақдири, аёл кечмиши, унинг ҳоҳиш-иродаси, армонлари бўй кўрсатади. ҳар тақдир тасвирида аёл назари, аёл баҳоси аён бўлади. У аёлни ёрилган қўллари, товонлари учун осмонларга кўтармайди, қулларча садоқати учун севилсин демайди, "эй аёл, ўзлигингни, ўзингни англа" деган сас сатрма-сатр бўй кўрсатади.

Биз бир мақола имкониятидан келиб чиқиб, Зулфия Қуролбой қизининг баъзи ҳикоялари хусусида сўз юритдик. Зеро, унинг ҳар бир асари эътиборга ва эътирофга лойиқдир.

**Тақризчи: фил.ф.н. Ю.Каримова**

# АРТУР КОНАН ДОЙЛ ИЖОДИДА ИЛМИЙ ФАНТАСТИКА

***Норбеков Фарход*** *- катта ўқитувчи, Жиззах давлат педагогика институти*
***Норбекова Раъно*** *- катта ўқитувчи, Жиззах давлат педагогика институти*

**АННОТАЦИЯ:**

Ушбу мақолада инглиз ёзувчиси А.К. Дойлнинг ҳаёти, адабий фаолияти ҳамда илмий фантастика ривожига қўшган ҳиссаси ҳақидаги изланишлар таҳлил қилинган.
**КАЛИТ СЎЗЛАР:** илмий фантастика, спиритуализм, жанр,бадиий ижод.

В статье анализированы жизнь, литературный деятельностьи вклад в развитие научной фантастики английского писателя А.К. Дойля.
**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** научная фантастика, спиритуализм, жанр, литературнаядеятельность.

The article deals with A.K. Doyle's life, literary career and his contribution to the development of the science-fiction.
**KEY WORDS:** science fiction, spiritualism,janre, literary career.

Артур Конан Дойл (1859-1930)ни Шерлок Холмснинг "рамзий отаси" сифатида жуда яхши танисакда, у фантастик ва тарихий романлар билан бирга поэзияда ҳам самарали ижод қилган адиб ҳисобланади. У Англияда неороманизм деб аталувчи адабий оқим ривожланган даврда яшаб ижод этган. Адиб ижоди ва илмий фантастикаси ҳақида инглиз адабиётшунослари Ж.Д. Кара "Жаноб Артур Конан Дойл ҳаёти"[1] ва Х.Пирсон "Артур Конан Дойл: ҳаёти ва ижоди"да қисқача тўхталиб ўтишган.[2]

Таъкидланганидек, Конан Дойлни изқувар Шерлок Холмс ва унинг дўсти Доктор Ватсонлар ҳақидаги асарлари машҳур қилиб юборган. Россияда эса М.Урнов, Г. Аникин,Н. Михальская ва бошка тадқиқотчилар Конан Дойл ижодиёти ҳақида изланишлар олиб боришган. Бироқ Конан Дойлнинг илмий фантастикаси тадқиқотчилар томонидан етарлича тадқиқ этилмаган. Бугунги кунда ўзбек тилида бевосита Артур Конан Дойл ва унинг илмий фантастикасига бағишланган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Артур Конан Дойлнинг асарларини тадқиқ этиш дунё адабиёти тараққиётининг кўпгина қонуниятларини ўрганиш ва замонавий адабий мавзулар манбалари, жанр муаммолари тўғрисида хулоса чиқаришга имкон беради. Унинг асарлари мисолида XIX аср охири XX аср бошларидаги адабий-бадиий синтез жараёнини тадқиқ қилиш мумкин. Артур Конан Дойл ижодиини ўрганиш илмий фантастиканинг аҳамиятини тушунишга ёрдам беради.

Эдгар Алан По анъаналарига содиқ қолган Артур Конан Дойл изқуварлик жанридаги асарлари билан ном чиқарди. Унинг илмий фантастик асарлари эса "соя"да қолиб кетди. Ваҳоланки, улар ҳам ўқиб-ўрганишга лойиқ ва бадиий қимматини йўқотган эмас. Конан Дойлнинг илмий фантастик асарлар ёзгани анчайин дарслик ёки қўлланмаларда махсус айтиб ўтилмаган. Бунинг ўрнига унинг тарихий ва айрим каҳрамонликлар хақида романлар ва пьесалар ёзгани эслатиб ўтилган, холос.

Унинг спиритуализм, яъни руҳлар билан мулоқотга киришишни ўрганиши ҳақидаги асарлар ҳам мавжуд. Конан Дойлни узоқ ўтмиш, олис уммонлар, денгизлар жалб этар эди. Уни нафақат узоқ уйдирма, балки романтика - кишини улуғловчи ғоялар ва ҳис-туйғуларнинг реал тасвири ҳам жалб этар эди. Шу ўринда эътиборингизни муқоясага қаратсак. Герберт Уэллснинг "Сеҳрли дўкон" ва Конан Дойлнинг "Сеҳрли эшик" ҳикоялари. Мана шу икки асар сюжетидан ҳам кўриниб турибдики, инглиз адибларида куппа кундуз куни "девордаги эшикни" қидириб топиш хоҳиши пайдо бўлиб қолган, у оркали ўзга бир ғайриоддий олам эшигини дабдурустан очиш ҳаракатига тушиб колишган. Шерлок Холмс буни "Жамики ғайриоддий, ўзгача ҳаётнинг сийқаси чикиб кетган оқими чегарасидан чиқувчи оламга кириш истаги" деб атаган эди. Бу ўринда неороманизм услубияти Европа адабиётида Зигмунд Фрейд асос солган психоаналитика унсурлари билан суғорилганлиги, борлиқ ва инсон муносабатларини янгича қарашлар ва тасаввур қудрати ила тасвирлашга туртки берганини ҳисобга олиш даркор.

Артур Конан Дойл 70 та китоб муаллифи: улар орасида ҳикоялар, қиссалар, саргузашт, фантастик, тарихий романлар, йўл очерклари, шеърлар, руҳ билан мулоқот қилувчи спиритчилик ва ўзи ҳақида битган "Сэр Артур Конан Дойлнинг хотира ва саргузаштлари"номли автобиографик асарлари мавжуд.

Унинг қаламига мансуб образлар ва персонажларни назардан ўтказарканмиз, Артур Конан Дойлни барқарор, ҳаётсевар ва иродали-матонатли характерлар ўзига жалб этганига гувоҳ бўлиш мумкин. Унинг тарихий романларида диний фанатизм тарафдорлари,эрксеварлик руҳи билан суғорилган, ўз шахсий қадр-қимматини биладиган шахсларни кўрамиз. Жумладан, илмий-фантастик қиссаларидаги бош қаҳрамонларнинг қилиқлари ғалати, инжиқ, тасвирга олинаётган воқеа-ҳодисалар жўн эмас, ғайриоддийлиги билан

ўқувчини изидан эргаштириб кетади. Илмий фантастик фараз ва тахминлари ўқувчида қизиқиш ва саволлар пайдо қилади.

"Йўқолган дунё"(1912),"Заҳарланган камар"(1913), "Марокат жарлиги" (1929)каби асарларининг ёзилишига Конан Дойлнинг француз профессори Б.Эйвелманс билан учрашуви туртки берган. Конан Дойл илмий-фантастик асарларининг муваффиқиятли чиқишига қаҳрамони профессор Челленжер ҳам катта ҳисса қўшган. Профессор Челленжер(бу сўзнинг инглизча маъноси "даъват,чақириқ") серҳаракат, ғайратли, билимдон, ўз ишининг рицари- мард, танти, тўсиқлар олдида бўш келмайдиган одам. Тадқиқотчи сифатида у ўзининг фавқулодда қобилияти, ҳаётининг кучи-қудратини фанга бахшида этган, илмий ҳақиқатни юзага чиқариш учун ҳар қандай хавф-хатардан тап тортмайдиган, мушкул вазиятларда топқирлик, матонат ва жасурлик кўрсатишга қодир. Профессор Челенджер ҳақидаги туркум "Ер фарёди" ҳикояси билан якунланади. Ушбу ҳикоянинг сюжети етарли даражада содда илмий фаразга асосланган ва ҳақиқатдан олиб қаралганда ягона мақсадга йўналтирилган. Яъни Челенжерга нисбатан барча танқидий фикрлар тўхтаган ҳолатда унинг улуғлигини мадҳ этишга, инсоният олдида ҳурмат қозонганлигини намойиш этишга қаратилган.[3]

Ёзувчи профессор Челленжернинг шахсий белгиларига кўпроқ тўхталиб, китобхонга бу улуғ мутафаккирнинг баъзи камчиликлари кечиримга лойиқлигини эслатади. Туркумга кирган олдинги асарларда Мелоун исмли персонаж Челенжерни батафсил изоҳлаган бўлса-да, Конан Дойл энди баёнчиликни бошқа ҳикоячига - Мелоуннинг дўсти инженер Жонсга топширади. Бу ҳикоячи профессорнинг китобхонларга таниш қилиқларини айта туриб, олимнинг ахлоқидан ўзи аниқлаган хусусиятларни ҳам ўртага ташлайди. Бошида "машҳур тўпалончи, табиатан жиззаки ва серзарда инсон" ҳақида бошқалар айтган фикрларни келтиради.Мелоун эса профессор тўғрисидаги фикрларини шундай ифодалайди: "Унинг жамоасида ҳатто беш дақиқа бўлиб кўрсангиз, худди сизнинг терингизни тириклай шилиб олгандай бўлади. Ҳа, ҳақоратлаш бўйича унга тенг келадигани йўқ!"

Навбатдаги баёнчи Жонс ҳам профессорнинг ўта қўпол эканини шундай ифодалайди: "Қаранг-а, агар фикрига қўшилмасангиз, у сизни зинадан думалатиб юбориши ҳам ҳеч гап эмас. Бу либос кийган ибтидоий жамоа одами-ку! Унинг бир қўлида калтак, яна бирида тош болта кўтариб юрганини тасаввур қилиб кўринг. Баъзилар ўз асрида таваллуд топмаганидек, бу инсон ўз минг йиллигида туғилмаган. Унга эрта неолит ёки шунга яқинроқ даврда ҳаёт кечириш маъқул бўлар эди".

Шунча салбий таърифларга қарамай, Мелоуннинг Челенжер билан яқинлашиши ҳикоя қилинган "Йўқолган дунё" қиссасида ўқувчи профессорнинг фақат ҳақиқий илм вакилларини қадрлашини билиб олади.Кунларнинг бирида Челенжер Жонсни нефть қудуқларини бурғулаш бўйича навбатдаги тажрибалар ўтказишда етук мутахассис кераклиги сабаблича қиртиради. Жонсни олимнинг жанговар қиёфаси ҳайрон қолдиради ва уни бутун тафсилотлари билан тасвирлашдан ўзини тийиб тура олмайди:

"Қизил дарахтдан ясалган ёзув столи ёнида баҳайбат катта тана, курак мисоли узун қора соқолли ва салгина юмилиб турган киприклар остидан қўпол назар ташлаётган юмалоқ, кулранг кўзли инсон ўтирибди. Йўғон боши орқага гердайган, соқоли эса илгари сурилган, ўзининг сабр-тоқатсизлигини ифодалайдиган такаббур қиёфаси билан "Сенга бу ерда нима керак?" деб сўраётгандай эди". Икки олим иштирокидаги навбатдаги тажриба муваффақият билан якунлангандан сўнг Жонс уни шон-шараф супачасига ўрнатилган ҳайкалга қиёслайди: "Профессор Челенжер узун сюртук, оқ нимча ва ялтироқ цилиндр қалпоқ кийган ҳолда жуда таъсирли кўринар эди. Юзида ғалати мағрурлик билан ташвишсиз хотиржамликнинг аралашган белгилари яққол кўзга ташланар эди".[4]

Ғалабага эришган пайтида Челенджер юқори даражада роҳатланади. Ўзига хос имо-ишоралар уни илм-фан Наполеонига айлантиради: "Мана у ўрнидан турди - кўзлари салгина юмилган, юзида мағрур табассум, чап қўли белида, ўнг қўли эса сюртугининг ичида. Бу кўриниш асрларда қолғуси...".

Ҳикоянавис Жонс Челенжернинг ўқувчига маълум фикрлаши ва феъл - атворининг хусусиятларига янги белгилар киритади. Олимни муаммонинг тафсилотлари эмас, моҳияти қизиқтиради. Қўпол, ҳам инқадар билимни тан олмайдиган, ҳақорат ва масхарадан аёвсиз фойдаланадиган олимнинг илм-фан оламидаги дадил юришларини тасвирлаш орқали Конан Дойл ўз олдига ёзганларини бошқаларнинг тушунишига, қизиқ ва ақлли бўлишига эришиш талабини қўйди.

Артур Конан Дойл автобиаграфик асари муқаддимасида шундай дейди: "Баъзи ёзувчилар кўпинча учинчи талабни қониқтирадиган асар ёзадилар, бироқ биринчи ва иккинчи талаблар уларга қийинлик қилади. Натижада уларнинг йўли кенг китобхонлар томон бекилиб қолади. Машҳур инглиз романчиси ва шоири Ж. Мередитнинг тақдири шундай бўлган". Конан Дойл уни шахсан билган ва уни моҳир ёзувчи сифатида қадрлаган.

Артур Конан Дойлнинг ўзи ҳар учала банддаги талабларга амал қила билган. Шу боис унинг асарларини ёши ва миллатидан қатъий назар турли мамлакатларда яшовчи адабиёт мухлислари севиб мутолаа қиладилар.

**Тақризчи: ф.ф.д., проф. А.Маматов**